

ТОШКЕНТ
1981



САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ

Сайланма

АДАБИЙ-ТАНҚИДИЙ МАҚОЛАЛАР

Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981

Сўзбоши муаллифи
ПИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ
Тақризчи — БЕГАЛИ ҚОСИМОВ



Мамажонов Салоҳиддин.

Сайланма: Адабий-танқидий мақолалар (Тақризчи Б. Қосимов; Сўзбоши муаллифи Пирмат Шермуҳамедов).—.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—488 б.

Ҳамза мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор Салоҳиддин Мамажонов 50 ёшга тўлди. Шу муқосабат билан нашр этилаётган ушбу «Сайланма»да олимнинг турли йилларда ёзилган адабий мақолалари жамланди. Бу мақолаларда адабнётимизнинг долзарб масалалари қаламга олинган.

Мамаджанов Салаҳиддин. Избранное. Литературно-критические статьи.

Ўз2

М 70202 — 141
М352(04) — 81 164—81 4603010202

Ўтган йили май ойининг бошларида Ёзувчилар союзининг йўлланмаси билан Салоҳиддин Мамажонов, Абдуқаҳҳор Иброҳимовлар ва мен Сурхон воҳаси томон йўл олдик. Йўл-йўлакай қилинган қизгин суҳбатлар, ҳазил-ҳузуллар, латифалар, адабий жараён хусусидаги фикрлар, баҳслар — буларнинг ҳаммаси бир-биримизни яқиндан билиб олишга имкон берди. Мана шу сафар сабаб бўлиб, яна бир карра халқимиз томонидан топиб айтилган «одам сафарда билинади» деган фикрнинг мутлақо тўғри эканлигига ишондим.

Биз Сурхон воҳасида жуда кўп ажойиб ва дилкаш одамлар билан учрашдик, суҳбатлар қурдик. Воҳанинг хушманзара ва сўлим боғлари, пурвиқор тоғлари, сербўёқ ўрмонлари, ўз табиийлиги ва ранг-баранглиги билан товланиб турувчи далалари, мўътадил ҳавоси мафтуни бўлдик. Сурхоннинг қайси бир овулида меҳмон бўлмайлик — ҳамма жойда дарров адабиёт ҳақида, санъат ҳақида, фидойилик ҳақида гурунг бошланар, меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам баббаравар гурунгни қиздираар ва шу сабабли бу гурунглار эрта тонгга қадар давом этар эди.

Сафаримизнинг иккинчи куни Туркистон тизма тоғлари билан туташиб кетган Кўҳитонг тоғи томон йўл олдик. Бу тоғ Термизнинг жануби ғарбида жойлашган. Тоғнинг шундоққина этагида қадимий Хаттак қишлоғи бор экан. Бу қишлоқ одамлари адабиёт шайдоси экан. Ҳар сафаргидек бу гал ҳам дастурхон атрофида қизгин ижодий гурунг бошланди. Биров Муножот Йўлчиеванинг завқли ашулаларини, биров кино янгиликлари, биров романчилик муаммолари, яна биров шоирнинг, адибнинг, драматургнинг гражданлик бурчи хусусида сўз очди. Суҳбат узоқ чўзилди. Одамлар, чарчашдими, билмайман — кимдир эснади, кимдир соатига қаради, кимдир чуқур нафас олди. Ўртага сукунат чўкди. Ҳатто шу пайт булоқ сувининг жилдираб оқиши, тоғ ҳавоси таъсирида тугдона, аврук, олқор, иргай ва чилонжийдаларнинг енгил шивир-шивири ҳам аниқ эшитилди.

Даврага чўккан сукунатни Салоҳиддин Мамажонов бузди:
— Мана шу бизлар суҳбат қуриб ўтирган Хаттак қишлоғи

ёнидан қадим-қадимда карвон йўли ўтган. Бу йўлдан Навоий ва Бобирлар ҳам неча бор ўтишган.

Салоҳиддин ака Сурхон воҳаси устидан ўтган карвон йўллари, Термизнинг тарихий ўтмиши, Бобирийлар сулоласи, Навоий газаллари ва ниҳоят бугунги адабий жараён ҳақида тўлиб-тошпб сўзлади.

Мен илгари Салоҳиддин Мамажоновнинг мақолаларини ўқиган, маърузаларини эшитган, истеъдодли шогирдлари кўпчилигини билар эдим. Гоҳо айрим адиблар ва мунаққидларнинг Салоҳиддин ака шаънига айтган «фидойи танқидчи», «иқтидорли олим», «тишсиз мунаққид», «бироз юмшоқ танқидчи» сингари бир-бирини инкор қилувчи фикрларини эшитиб юрар эдим.

Мен яна: Салоҳиддин Мамажоновнинг 1931 йили Андижон областининг Қўрғонтепа районида колхозчи оиласида тугилгани, 1952 йили Фарғона Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетини имтиёзли диплом билан тамом қилгани ва бир неча йиллар давомида ўқитувчилик қилганини ҳам билар эдим.

Ҳаёти ва ижодига доир айрим воқеаларни сафар пайтида ўзлари ҳам ҳикоя қилиб бердилар.

Ўларининг айтишларича, Салоҳиддин ака 1958 йили «30-йиллар ўзбек совет шеъриятида меҳнат» мавзуида кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1968 йили «Ғафур Ғуломнинг прозасида маҳорат масалалари» деб номланган темада докторлик диссертациясини ёқлаган. Мана, йигирма уч йилдирки, Салоҳиддин Мамажонов А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаб келмоқда. Айни бир пайтда адабий алоқалар секторининг мудир, «Тил ва адабиёт масалалари» журналининг масъул котиби, докторлик диссертациялари ҳимоя қилиш советининг бош илмий секретари сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда. Агар бу фикрларимизни давом қилдирадиган бўлсак, танқидчи ва адабиётшунос Салоҳиддин Мамажоновнинг адабий йиғилишлар, симпозиумларда докладлар билан қатнашгани, кўпгина олимларнинг илмий ишларига оппонентлик қилгани, ўн иккита аспирантнинг илмий раҳбари сифатидаги илмий ва ижтимоий фаолияти яққол намоён бўлади.

Сурхон воҳасининг Хаттак қишлоғида бўлиб ўтган ижодий гурунг ва бу гурунгда Салоҳиддин Мамажоновнинг адабиёт ва санъат ҳақидаги фикрлари наники фақат менда, балки гурунг қатнашчиларининг барчасида чуқур таассурот қолдирди.

Шу суҳбат сабаб бўлиб, Салоҳиддин Мамажоновнинг икки юздан ортиқ мақоласи, йигирмага яқин китобларини синчиклаб ўқиб чиқдим.

Салоҳиддин Мамажоновнинг ижоди билан яқиндан танишиш шундай ҳулосага олиб келди: олимнинг қизиқиш доираси ниҳоятда кенг. Маълумки, сўнгги йилларда барча жанрлар ҳақида баббаравар билиб ёзadиган танқидчилар тобора камайиб бормoқда. Танқидчилар ва адабиётшунослар орасида жанрлар бўйича мутахассислашиш бошланган ва ҳамон давом этмоқда. Бу ҳодиса бир жиҳатдан қувонарли, негаки, танқидчи ёки адабиётшунос ўзи ўрганган бир соҳани анча мукаммал ва чуқур билaди, иккинчи жиҳатдан, бу ҳодиса хавфли, драматургия билан шугулланган мунаққид, айтайлик шеърятни ёки болалар адабиётини дуруст билмайди.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ҳамма жанрлар ҳақида юксак савияда фикр юритадиган олимлар бармоқ билан санарли даражада оз. Шу хилдаги мунаққидлар қаторида Салоҳиддин Мамажоновнинг номи ҳам саналади.

Дарҳақиқат, С. Мамажоновнинг қаламга олган проблемалар доираси кенг: 20-йиллар адабиётининг проблемаларидан тортиб, то эндигина биринчи китоби чиққан ёш шоирнинг китобига қадар, адабиётимизнинг пойдеворида гишт қўйган шоирлар, драматурглар, носирлар ижодидан тортиб, адабиётнинг партиявийлиги ҳамда Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асарига қадар таҳлил доирасига тортилган.

Мунаққиднинг Ленин ғояларининг ҳаётбахш қудрати ҳақида ёзилган «Ленин адабиёт ҳақида», «Ленин ва адабиётнинг раvнақи», «Адабиёт — партиявий», «Инсон фаолияти ташқи воқеликни ўзгартиради», «Фақат унинг демократик ва социалистик элементларини оламиз» деб номланган мақолалари фактларга бойлиги, илмий ва фалсафий теранлиги билан ажралиб туради.

Албатта илмий ишнинг қиммати мавзу доирасининг кенглиги билан тайинланмайди. Ҳеч кимга сир эмас, мавзу ранг-баранглиги фаолликни, фидойиликни, ўз бурчини чуқур тушунган граждaни бўлишни ҳам тақозо қилади. Тўғри, Салоҳиддин Мамажонов гоҳо адабий фактлар мўллигига қизиқиб кетиб, уларнинг мағзини чақиш ва шу орқали фактларнинг ижтимоий-эстетик қимматини тайинлашни унутиб қўяди. Лекин кўп ҳолларда мунаққид адабий фактлар замирига яширинган ижтимоий-эстетик маъно моҳиятини очади. Мен шу ўринда С. Мамажоновнинг чуқур гражданлик руҳи билан сугорилган, алоҳида жўшқинлик ва фидойилик билан ёзилган «Енгилш маршин куйлаган шоир», «Алангали йилларнинг сурурли шоири» номли мақолаларини тилга олиб ўтмоқчиман. Ҳар иккала мақолада илмда деярли кам тилга олинган ва бир оз унутилиб кетган Ўзбек ва Боту сингари шоирлар ижоди кенг ва батафсил таҳлил қилинган.

Салоҳиддин Мамажоновнинг ижодига хос иккинчи фазилат — хоҳ унинг китобларида ёки мақолаларида бўлсин — тарихийлик билан замонавийликнинг ҳамоҳанглигидир.

Бу фазилат мунаққиднинг «Ғафур Ғулом прозаси», «Шоир ва замонавийлик», «Шоирнинг олами», «Ўзбек поэзиясининг кечаги, бугунги ва эртанги кун», «Поэмада инсон ва замон», «Болалар адабиётида замонавийлик ва маҳорат», «Фольклор ва адабиёт», «Фольклор заминид», «Шум боланинг иккинчи туғилиши» мақолаларида ёрқин акс этган.

Адабий жараёни текширишнинг энг қийин нуқталаридан бири — унинг ички, кўзга кўринмас оқимлари, зиддиятли тўлқинларини илғаб олишдир. Ички оқимлар, зиддиятли тўлқинларни илғаш учун ҳамиша излаш, изланиш, ўқиш, ўрганиш, фактларни муқояса қилиш, тарихий омилларни унутмаслик лозим бўлади.

Салоҳиддин Мамажонов бугунги адабий жараёнинг қайси бир проблемаси хусусида сўз юритмасин тарихнинг бугунни тўлдириб, бойитиб турадиган масалалари билан боғлаб фикр юритади.

Шу маънода мунаққиднинг «Адабиёт ва фольклор» ва «Фольклордан ўрганайлик» сингари мақолалари ибратлидир. Ҳар икки мақолада ҳам фольклорнинг адиблар ижодига кўрсатган таъсири, баркамол асарлар умрини узайтиришга қўшган «улуши» ишонарли кўрсатилган.

«Баъзи фольклоршунослар,— деб ёзади С. Мамажонов,— ҳозирги вақтда халқ ижодининг таъсири сусайиб кетди ва бора-бора шундай бўлаверади, бу қонуний ҳодиса, деган нотўғри фикрни билдиради. Ҳозир фольклор таъсири сусайгани йўқ, балки ундан ўрганишнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Ҳозир ўзбек адабиётидаги қаҳрамонона ва романтик руҳдаги асарларда, сатирик ва юмористик адабиётда, музикали драмаларда ва болалар адабиётида халқ ижодининг ҳаётбахш анъаналари давом этмоқда. С. Аҳмаднинг юмористик ҳикоялари, болалар ёзувчиси Қ. Муҳаммадийнинг эртаклари ва С. Абдуқаҳҳорнинг масалларида халқ ижодининг элементлари жуда кўп. Еш ёзувчи Х. Тўхтабоевнинг «Сирли қалпоқча» номли саргузашт қиссаси эса халқнинг сатирик ва фантастик эртаклари руҳида, шакли ва усулида ёзилган».

Мунаққиднинг «Ғафур Ғулом прозаси» деб номланган тадқиқотида бу проблема яна ҳам кенг ва атрофлича ўз аксини топган. Айниқса, рисоланинг «Шум бола»нинг иккинчи туғилиши» деб номланган қисми ўзининг илмийлиги, нозик кузатишларга бойлиги билан ажралиб туради.

Салоҳиддин Мамажонов ижодига хос яна бир ўзига хослик — унинг услуб проблемасига доир олиб борган узоқ йиллик кузатишларидир.

Илмий адабиётларда услуб ҳақида шу қадар кўп ноаниқ ва чалкаш фикрлар айтилганки, бошқа бирон-бир мавзуда шу қадар кўп чалкаш фикрлар айтилмаган бўлса керак.

«Адабиётшунослик ва танқидчилик ишларида,—деб ёзади мунаққид,— айниқса маҳорат масалаларига бағишланган айрим ишларда ёзувчи услубини фақат лингвистик планда текшириш йўлидан борилади. Бу ердаги нуқсон фақат тилки асар ғоясидан, ижодкорнинг эстетик идеалидан, сўзни эса асосий образлардан ажратиб таҳлил қилишдагина эмас, балки «ички услубни» тан олмасликда, санъаткорнинг ғоявий позициясини, асар темаси; образлари, сюжет ва композициясидаги ўзига хосликда вужудга келувчи услубнинг муҳим, ҳал қилувчи қирраси эътибордан четда қолдирилишидир. Танқидчилигимиздаги санъаткор ижодини ягона қолипда ўлчаш, беасос сайёҳ баҳолар, муштарак таърифлар билан тасвирлаш бир хил схемада текшириш, бир хил масалаларни кўтариш ва бир хил «фазилят»ларни топиш каби иллатларнинг пайдо бўлиш илдизи ҳам худди шунга бориб тақалади.

Ижодкор услубини белгилашдаги яна бир ҳукм сураётган чалкашлик — бу услубни приёмлар такрори ва йигиндисидан қидириш. Бундай позициядаги текширувчиларнинг назарича, услуб ижодкорнинг руҳий оламига, дунёқарashi ва воқеликни тушунтиришдаги оригинал йўлига боғлиқ бўлмасдан, унинг адабиётда аввалги санъаткорлар томонидан яратилган приёмларни ўзлаштириб олишига ва бундай приёмларни усталик билан қўллашида эмиш. Бу ерда услубни санъаткорнинг воқеликка эстетик муносибатидаги ўзига хосликдан келиб чиқишини инкор қилишдан ташқари, оригиналлик мезони ва традиция масаласи ҳам чалкаштириб юборилади. Демак,— дея ўз фикрини давом эттиради С. Мамажонов,— услубни бадий асар тузилишининг барча элементлари — асарнинг ғоявий йўналиши — тематикаси, образлар системаси, сюжет — композицияси, тили — тасвирий воситалари, жанри ва методи билан ижодкорнинг ўзига хос шахсиятининг диалектик бирлиги белгилайди. Услуб ижодкорнинг образлар системаси, тасвирий воситаларини унинг ўзига хос услубдан мутлақо ажратиб олиб, таҳлил қилиб бўлмайди. Ижодкорнинг дунёқарashi, ғояси, руҳий олами, эстетик идеали унинг ҳар бир образи, ҳар бир тасвирий воситасида намоён бўлади».

Албатта, Салоҳиддин Мамажоновнинг услуб ҳақидаги барча

фикрлари, мулоҳазалари, қарашларида ҳеч қанақа мунозарали ўрин йўқ, деган фикрни айтмоқчи эмасман. Мен бошқа бир муқим фикрни таъкидлаб айтмоқчиман: мунаққиднинг ёзувчилар услуби хусусида олиб бораётган йўли ва кузатишлари ўзининг мулоҳазаларга бойлиги ва илмийлиги билан ажралиб туради. Мен бу ўринда мунаққиднинг Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Ш. Рашидов, Зулфия, Миртемир, В. Зоҳидов сингари шоирлар, носирлар ва олимлар услубига хос фикрларини назарда тутаётirman.

Мен шу ўринда яна бир фикрни айтиб ўтиб кетмоқчиман. Гап у ёки бу адиб ижодининг фақат ўзига хос етакчи хусусиятлари, фазилатларини тайинлаш хусусида бораётир. Мунаққид шоир ёки адиб, драматург ёки олим ижоди ҳақида фикр юритадими ҳамиша ана шу аъмолига риоя қилади.

Салоҳиддин Мамажонов ўзининг «Улкан олим ва моҳир публицист» деб номланган мақоласида ёзади:

«У ўзбек адабиётини ривожлантирувчи омиларни белгилар экан, буларга аввало қайноқ ҳаёт, воқеликнинг ўзини олади, классик ўзбек адабиётини кўрсатади ва шу бой «маданий мерос янги жамият, янги маданият, янги одамни тарбиялаш ишига хизмат» қилади, деб таъкидлайди, «бутун-бутун авлодларнинг эстетик ҳиссиётини ва фикр-онгини тарбиялаган» фольклорини киритади ва ниҳоят рус ҳамда қардош халқлар адабиётини, жаҳон прогрессив ёзувчиларининг асарларини қўшади. Унинг ўзи ўзбек адабиётшунослигида ўзбек адабий меросини ўрганишга қанчалик катта ҳисса қўшган бўлса, рус ва жаҳон халқлари адабиёти даҳолари ижоди билан ўзбек халқини баҳраманд этиш ишига шунчалик жонкуярлик қилди».

Шу тариқа олимнинг ўзига хос олами, фикрлаш тарзи, ижодининг айрича фазилатлари кўзга яққол ташланади.

Салоҳиддин Мамажонов адабий танқид ҳақида ёзган мақолаларида «танқидчи фаол бўлиши лозим», «ким бўлишдан қатъий назар қўлингга қалам олдингми, фидойи бўлишинг шарт» сингари ибораларни тез-тез ишлатади. Танқидчи ўз ақидасига амал қилиб, адабиётда йилт этиб кўринган, чўғи бор шеър, ҳикоя, ҳисса ёки роман ҳақида фикр айтишга интилади. Ҳали танилиб улгурмаган ёшларни қўллаб-қувватлайди.

Биз тилга олган фикрлар, мулоҳазалар танқидчи ва адабиётшунос Салоҳиддин Мамажоновнинг ижтимоий ва маънавий қиёфаси ҳақида маълум тасаввур беради.

ПИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ
филология фанлари доктори

Адабиётимиз равнақини В. И. Ленинсиз сира тасаввур қилиб бўлмайди. Улуг доҳийнинг ўлмас назарий таълимоти ва оламшумул амалий фаолияти кўп миллатли совет адабиётининг, жумладан, ўзбек совет адабиётининг тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнади ва ўйнамоқда. Ҳаётбахш марксча-ленинча таълимот адабиёт ва санъат ғоявий асосининг асосидир.

Ўзбек совет адабиёти тақдирининг В. И. Ленин номи билан чамбарчас боғлиқлигининг қатор объектив сабаблари бор. Гап фақат Лениннинг адабиёт ва санъатга ҳаётни билиш ва халқ оммасини революцион руҳда тарбиялаш воситаларидан бири деб қарашида эмас ёки гап Ленин томонидан совет адабиётининг назарий, ғоявий асосларининг чизиб берилиши (унинг инъикос назарияси, адабиётнинг синфийлиги, партиявийлиги, халқчиллиги, реализм ва новаторлик, адабиётга партия раҳбарлиги каби масалаларни очиб бериши)дагина эмас, ленинча эстетиканинг бу туб масалаларисиз Ленин ва адабиёт тўғрисидаги баҳсни давом эттириб бўлмайди, албатта.

Ҳамма гап шундаки, Ленин бир мамлакатда, яъни Россияда социалистик революциянинг ғалаба қилиши тўғрисидаги назарияни ишлаб чиқди ва ўзи тузган Коммунистик партия байроғи остида маҳкам жипслашган ишчи-деҳқонлар ёрдамида Россияда пролетариат диктатурасини қуриб, назарияни амалиётга айлантирди. Бошқачасига айтганда, адабиёт ва санъатнинг равнақини белгиловчи асосий омилни — базисни яратди. Доҳий Ленин раҳбарлигида барпо бўлган социалистик тузум капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, коммунизмга қадам қўйган илгари қолоқ

ўлкалардан бири бўлган Ўзбекистонда ҳам адабиёт ва санъатни кенг тараққиёт йўлига олиб чиқди.

Улуғ Октябрь революциясидан аввал Туркистон халқининг иқтисодий-сиёсий аҳволи ғоят ночор эди. Маданий даражаси — адабиёт ва санъатнинг ривожланиши учун сира имконият йўқ эди. Маҳаллий ҳукмдорлар, дин ҳомийлари ва чоризм илгор фикрли кишиларга кун бермади ва халқ оммасини доим қоронғиликда сақлаш учун тиш-тирноғи билан интилдилар. В. И. Ленин 1913 йилда ёзган «Миллий масала юзасидан тезислар»да «Чор монархияси миллатларнинг эркин ва тенг ҳуқуқли бўлишига *йўл қўймайди* ва бундан ташқари Европада ва шунингдек Осиёда ваҳшийлик, йиртқичлик ва реакциянинг асосий таянчидир»¹, деган эди. Аммо Ленин Россиянинг бошқа миллатлар тақдирида ижобий роль ўйнабчи иккинчи илгор тенденциясини ҳам кўрсатиб ўтади. Ҳамма миллатда икки миллий маданият — реакцияон ва прогрессив-демократик маданият борлигини уқтирган. В. И. Ленин Чор Россияси қўли остидаги миллатларнинг прогрессив маданиятидан баҳраманд бўлиши — таъсирланишини айтади ва марксистларни ишчи-деҳқонлар манфаати, бўлажак социалистик революция тақдири билан боғлиқ бўлган бу илгор тенденцияни қўллаб-қувватлашга, ривожлантиришга чақиради. «Агар украин ишчиларининг кўпчилиги, — деб ёзади В. И. Ленин, — великорус маданияти таъсири остида қолаётган бўлса, биз великорус поп ва буржуа маданияти идеялари билан бир қаторда бунда великорус демократияси ва социал-демократияси идеалларининг ҳам таъсир қилаётганлигини яхши биламиз. Украин марксистси «маданият»нинг биринчи хилига қарши курашганда, иккинчи хил маданиятни ҳамиша ажратиб олади ва ўз ишчиларига: «онгли великорус ишчилари билан, уларнинг адабиёти билан, уларнинг ҳамма идеялари билан бирлашувнинг ҳар қандай имкониятини бутун куч билан албатта илиб олмоқ, фойдаланмоқ ва мустаҳкамламоқ керак, буни ҳам украин, ҳам великорус ишчилар ҳаракатининг туб манфаатлари талаб қилади»², дейди.

¹ «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», Тошкент, Ўздавнашр, 1962, 160-бет.

² Уша асар, 188-бет.

Туркистонга революцион ғояларнинг кириб келиши ва озодлик ҳаракатининг кучая бориши билан (бу айниқса, 1905 йилги рус буржуа революциясидан кейин яққол кўринди) бир вақтда прогрессив рус маданияти ҳам кириб кела бошлади, унинг таъсири оша бошлади. Дарвоқе, В. И. Ленин 1905 йилдан кейин ҳаракатсиз ётган Шарқда ҳам уйғониш бўлганини, демократия учун кураш бошланганини бир неча бор таъкидлаган эди. Чор Россияси составига кирган ва Россиядаги революцион ҳаракатлар оташидан баҳра олган Туркистон ёки Ўрта Осиёда бу ҳаракатнинг янада кучлироқ бўлиши табиий эди. Ҳатто Ленин «Қолоқ Европа ва илғор Осиё (1913 йил) ҳамда «Л. Н. Толстой ва унинг даври» (1911) мақолаларида тўхтаб турган Шарқнинг ҳаракатга келиши масаласини янада муфассал ёритади.

В. И. Ленин ёзадики, «Осиёнинг ҳамма жойида қудратли демократик ҳаракат ўсмоқда, кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. У ерда буржуазия *ҳозирча* халқ билан биргалашиб реакцияга қарши бормоқда. Юз миллионлаб одамлар уйғониб ҳаётга, ёругликка, озодликка интилмоқда...»¹ Доҳийнинг мақола охиридаги ушбу сатрлари биз баҳс юритаётган масалага янада алоқадорроқ: Аммо бутун ёш Осиё, яъни Осиёнинг юз миллионлаб меҳнаткашларининг барча цивилизацияли мамлакатлардаги пролетариатдан иборат ишончли иттифоқчиси бор. Дунёдаги ҳеч қандай куч пролетариат галабасини тўхтата олмайди ва унинг бу галабаси Европа халқларини ҳам, Осиё халқларини ҳам озодликка чиқаради»².

Демак, уйғонаётган Осиёнинг қўшниси бўлган ва ўз тақдирини рус пролетариати тақдири билан абадий боғлаган Туркистон меҳнаткашлари орасида озодлик ҳаракати кучайган, ижтимоий онг ўсиб, демократик маданият ҳаётга чуқурроқ илдиз отган эди. Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Аваз, Ҳамза, Айний каби ижодкорларнинг асарлари халқнинг ижтимоий ва прогрессив маданиятининг тараққиёт даражасидан далолат беради. Бироқ, реакцияон тузум ва чоризм илм-маданият тараққиётини қўлидан келганича тўхтатишга уринди. Россиянинг ўзи ҳам бошқа Европа мамла-

¹ Ўша асар, 155-бет.

² Ўша асар, ўша бет.

катларига нисбатан анча қолоқ эди. Шунинг учун ҳам Ленин йўлининг душманлари қолоқ мамлакатда социализм ўрнатиб бўлмайди, аввал маданий революция қилмоқ керак, деган нотўғри ғояни олга сурдилар. В. И. Ленин социалистик революция қилиш орқалигина маданий революция учун шарт-шароит яратиш мумкин, деган позицияда турди ва Октябрь ғалабасининг биринчи кунларидан бошлабоқ мамлакатимизда илм-маданиятни тараққий эттириш чораларини кўра бошлади.

В. И. Лениннинг таъкидлашича, Октябрдан сўнг турли миллатларга мансуб ва турлича маданият даражасига эга бўлган минг-мингларча эркагу аёллар «олдинга, янги ҳаётга» интилдилар. Совет ҳукумати бир неча юз йилларнинг маданий қарзини тарихан жуда қисқа муддатда узиши керак. Доҳий маданиятни кўтариш вазифаси — «навбатда турган энг зарур вазифалардан биридир»¹, деб таъкидлар экан, бу вазифани ёш Совет ҳукумати тақдири нуқтаи назаридан келиб чиқиб қўяди. В. И. Ленин ўзининг «Совет ҳукуматининг навбатдаги вазифалари» номли асарида (1918 йил) «меҳнат унумдорлигини оширишнинг яна бир шarti, биринчидан, халқ оммасининг билим ва маданиятини оширишдан иборат»², деб уқтиради.

Халқ оммасининг билим ва маданиятини ўстириш эса катта ва муҳим масалага — тил масаласига келиб тақалади. В. И. Ленин тил масаласида ўзининг келажакни олдиндан кўра олишдек юксак қобилиятини, мамлакатимизда тезроқ коммунистик жамият қарор топишини ўйлаган марксист эканлигини яна бир қара намоиш қилди. Маълумки, либераллар бутун Россия учун битта тилни давлат тили қилиб олиш тарафдори бўлиб чиқдилар ва бу билан бўлажак пролетар диктатурасини заиф заминга қуришни ўйладилар. В. И. Ленин «Мажбурий давлат тили керакми? (1914)» номли мақоласида либералларнинг бу фикрларига қақшатқич зарба берди, «мажбурийлик» йўлини қатъий қоралади. Доҳий бу масалада пролетариатнинг туб манфаатидан, бўлажак социалистик революциянинг умумий ишидан келиб чиқди. В. И. Ленин ўзининг «Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар» ма-

¹ Уша асар, 367-бет.

² Уша асар, 239-бет.

қоласида (1913) либералларга қараб мана бундай хитоб қилди: «Нима учун «жуда катта», турли-туман халқлар яшайдиган, ниҳоятда қолоқ Россия тиллардан бирининг қандай бўлса-да имтиёзини сақлаб қолиб, ўзининг тараққиётига тўсқинлик қилиши керак?»¹

Улуғ Октябрдан кейин В. И. Ленин ўзининг бу ажойиб ниятини амалга оширди. Совет мамлакатадаги барча миллатлар ўз тилида ўқиш, илм олиш ва давлат ишларини юргизиш ҳуқуқига эга бўлди. Натижада тез фурсатда Европанинг илғор мамлакатларидан орқада қолган Россиянинг ўзи у ёқда турсин, балки ўтмишда халқ оммасининг асосий қисми саводсиз бўлган, ҳатто, ёзуви ҳам бўлмаган миллатлар жаҳоннинг энг маданий, илғор мамлакатлари даражасига етиб олди ва ундан ўзиб кетди. Худди шу ленинча ҳаёт қонуни ўзбек совет адабиёти ва санъатининг тараққиётини беқийс даражада тезлаштирди. Ахир, қисқа вақт ичида ўзбек совет поэзияси жанговар революцион руҳ олди, муҳофаза кўлами ниҳоятда кенгайди, ўтмишда куртак ҳолида бўлган йирик проза ва драматургия жанрлари адабиётимизнинг марказий ва етакчи жанрларига айланибгина қолмасдан, бу жанрлар неча асрлик традицияга эга бўлган адабиёт билан беллашиш даражасига кўтарилди. Тарихан кўз очиб-юмгунча ўтган фурсатда бу адабиёт инсониятга ажойиб сўз усталарини етказиб берди. Ҳамза, Ғафур Ғуллом, Уйғун, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир, Зулфия каби халқ ардоқлаган шoirлар номининг узоқ-узоқларга етиб бориши Октябрни шеъримизнинг юксак парвозга илҳомлантирганининг холис гувоҳидир. Октябрь қуёши туфайли вояга етган проза ва драматургия жанрларида чет эл китобхонларига манзур бўлган талантли асарлар пайдо бўлди. Абдулла Қодирий ва Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмад, Асқад Мухтор ва Шароф Рашидов романлари, Ҳамза, Яшин, Уйғун, Собир Абдулла ва Иззат Султон драмалари ҳамда бошқа ўнлаб сўз санъаткорларининг минглаб, миллионлаб ўқувчилари бор. Дарвоқе, илгари халқнинг кўпчилиги саводсиз бўлганлиги туфайли улар бадий асарларни ўқишдан бенасиб қолардилар, эндиликда саводли бўлган халқимиз, қолаверса етмиш

¹ Ўша асар, 177-бет.

беш тиллик совет китобхонлари у ёқда турсин, жаҳоннинг кўпгина китобхонлари бизнинг асарларимизни ўқишга муяссар бўлмоқдалар. Совет ҳокимияти туфайли асарларимизнинг бошқа миллатларга етиб боришида кўприк вазифасини ўтаётган рус тили туфайли ўзбек ёзувчилари катта бахтга — бесаноқ китобхонга эга бўлдилар.

Босиб ўтилган йўл ниҳоятда қисқа, бироқ у шу қадар бой ва мазмунлики, буни мана шу даврнинг ўзида адабиётимизда бир неча авлоднинг туғилганлиги ҳам тасдиқлаб турибди. Ҳамид Ғулом ва Мирмуҳсин, Рамз Вобожон ва Саида Зуннуновалардан кейин Пиримқул Қодиров ва Одил Ёқубов, улар орқасидан Ўлмас Умарбеков, Ҳусниддин Шарипов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ўткир Ҳошимов, Фарҳод Мусаёнов, Гулчеҳра Нуруллаева, Латиф Маҳмудов, Ҳалима Худойбердиева, Жамол Камол каби қаламкашлар дадил қадам босмоқдалар. Қувончли ютуқларимиздан яна бири, бизда махсус болалар адабиёти вужудга келибгина қолмай, унинг Қуддус Муҳаммадий, Раҳмат Файзий, Ҳаким Назир, Адҳам Раҳмат, Пўлат Мўмин, Қудрат Ҳикмат, Худойберди Тўхтабоев каби иттифоқ китобхонларига яхши таниш бўлган ажойиб вакиллари ҳам дунёга келганлигидир. Худди шундай қувончли сўзларни ўнлаб талантли қалам соҳибларига эга бўлган адабиётшунослик ва танқидчилик — Октябрдан кейин барқ уриб ўсаётган соҳа тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

Ўзбек адабиёти тараққиётини тезлаштирган омиллардан бири унинг рус адабиётидек илғор адабиётдан, шунингдек, ранго-ранг эстетик фазилатларга тўлиқ СССР халқлари адабиёти ва ниҳоят жаҳоннинг прогрессив санъатидан баҳраманд бўлиш имконининг туғилишидир.

«Рус маданияти ва аввало, рус адабиёти ўзининг революцион анъаналари, халқчиллиги, гуманизми билан, ўзининг юксак бадиий маҳорати билан ўзбек совет адабиёти тараққиётига самарали таъсир кўрсатиб келди ва кўрсатмоқда. Ўзбек совет адабиёти биринчи авлодининг намоёндалари бўлмиш бизлар Улуғ Октябр социалистик революциясининг дастлабки кунларидан бошлаб ўзи уни ҳис этганмиз»¹, деган эди Ойбек.

¹ «Адабиётимиз автобиографияси», Тошкент, 1973, 161-бет.

Ўзбек ёзувчилари орасида рус адабиётидан ўрганмаган, мадад олмаган ижодкор топилмаса керак. А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, Ф. М. Достоевскийдан тортиб М. Горький, В. В. Маяковский, Д. Бедный, М. Шолоховгача, шунингдек, ўнлаб ёзувчилар ижоди маҳорат мактабларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Энг аввало рус совет адабиёти ўзбек адабиётида (янги жанрларнинг тугилиши ва ривожланиши, поэтика масалаларини айтмай қўя қолайлик) социалистик реализм методининг вужудга келиши ва тараққий этишида катта роль ўйнади. Ҳаёт, воқеликнинг моҳияти ва фазилатларини белгиловчи янги мазмунни, социалистик фактлар ва тажрибаларни, дунёни инсоният манфаатига мослаб қайта қуриш учун курашга отланган янги инсоннинг актив революцион фаолияти ва бой руҳий оламини ҳаққоний акс эттириб, тушуниб етилган тарихийлик принципига асосланиб ҳаёт ҳақиқатини очиб бериш, инсоннинг меҳнат ва кураши билан унинг руҳий интилишлари, орзу-истакларини ўзаро уйғунликда ифодалаш, халққа кураш ва мақсадга эришишнинг ёрқин йўлини кўрсатиб бериш жараёнида тугилиб камолга етган социалистик реализм методи аввало шу рус адабиётида пайдо бўлган эди. Қайноқ социалистик воқеликнинг ўзи, классик адабиётимизнинг ўлмас традициялари ва рус адабиётининг тажрибалари ёзувчиларимизни социалистик реализм методини пухта эгаллашга олиб келди. Натижада санъаткорларимиз ўзбек халқи ҳаётида Улуғ Октябрь туфайли юз берган буюк бурилишни, унинг янги, социалистик ҳаёти ва турмушини ҳамда мана шу янги жамиятни қуриш жараёнида тугилган, шаклланган, тобланган янги, совет кишининг ҳаққоний образини, халқимизнинг кўп миллатли совет халқи билан қўлни-қўлга бериб, коммунистик жамият сари собит қадамлар-ла кетаётганлигини реалистик акс эттириш даражасига кўтардилар. Адабиётимизнинг қисқа вақт ичида эришган улугвор ютуқларининг сири ҳам худди мана шунда.

Дарвоқе, В. И. Ленин «Мажбурий давлат тили керакми?» мақоласида ўша вақтда ҳаётда тугилаётган келажак тенденцияларига суяниб, «...умуман ижтимоий ҳаётнинг бутун жараёни барча миллатларни бири-бири билан яқин алоқа боғлашга олиб боради. Юз минглаб кишилар Россиянинг бир чеккасидан иккин-

чи чеккасига ўтмоқда, аҳолининг миллий состави аралаш-қуралаш бўлиб кетмоқда, биқиқлик ва миллий жаҳолат йўқолмоғи керак»¹, деган эди. Ҳаёт Ленин йўлини тасдиқлади ва социалистик тузум миллатларнинг бир-бирига яқинлашувини ва улардаги интернационализм туйғуларининг ниҳоятда чуқурлашувини,— бу туйғунинг совет кишиларининг етакчи фазилатига айланишини таъминлади. Худди шу ленинча дўстлик ва интернационализм заминига қурилган совет миллатларининг ўзаро муносабатлари адабиёт ва санъатни ҳам бир-бири билан узвий боғлади. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий, ғоявий ва руҳий, мақсад ва идеал жиҳатдан бирлаштирди ва бир ўзандан кетишини тақозо қилди, бу йўлни ҳаётий қонунга айлантирди. Бу нарсга ўз-ўзидан кўп миллатли совет адабиётидаги, шунингдек, ўзбек адабиёти ва санъатидаги интернационализм туйғусининг янада чуқур илдиришига ва тобора барқ уриб гуллашига сабаб бўлди.

СССР халқлари адабиёти ва санъати ривожланишини тезлаштирган муҳим омиллардан бири маданий меросни ленинча таълимот асосида ўрганиб, унинг дурдоналаридан совет адабиёти ва санъати учун пойдевор сифатида фойдаланишимиздир. Агар Коммунистик партия маданий меросга нисбатан ленинча муносабатни изчиллик билан амалга оширмаганда халқимиз ўзининг кўп асрлик бой адабиётидан бугунгидек яқиндан ва атрофлича хабардор бўлмас, баҳра олмас эди. (Миллатчилар классик адабиётимизнинг Нағойидек улуг даҳосидан бизни маҳрум қилишга уринганликларини эсламай қўя қолайлик!) Ленин ўзига хос теранлик билан «Янги пролетар маданияти *ўйлаб чиқариш эмас, балки мавжуд* маданиятнинг энг яхши намуналарини, традицияларини, натижаларини марксизм дунёқараши ҳамда пролетариатнинг ўз диктатураси давридаги ҳаёти ва кураши шароитлари *нуқтаи назаридан қараб ривожлантирмоқ*»² керак деб ёзганди.

Борди-ю, Улуг Октябрнинг дастлабки кунлари ва йилларидан ўзбек совет адабиёти классик адабиётимизнинг ғоявий ва эстетик традицияларига, ленинча

¹ «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», Тошкент, Ўздавнашр, 1962, 192-бет.

² Уша асар, 329-бет.

ибора билан айтганда, ўтмишнинг «демократик ва социалистик маданияти элементларига» эга бўлмаганда ёки уларга таянмаганда, юртимиз ва халқимиз ҳаётидаги кескин тарихий бурилишларни, улуг революцион ўзгаришларни, янгиликларни тезкорлик билан ўзида ифодалай олмас эди. Ёки шу янгиликка тиш-тирноғи билан қарши турган эскиликни тараққиётимиз йўлидан суриб ташлай олмас эдик. В. И. Ленин оммани «диний уйқудан уйғотиш», уни «...қайтадан тарбиялаш керак, аммо уларни фақат агитация ва пропагандагина қайтадан тарбиялай олади, оммани биринчи галда умумий хўжалик ҳаёти қурилиши билан боғлаш керак»¹, деб даъват қилади.

Бу ўзбек совет ёзувчилари олдида турган энг муҳим вазифа эди. Шунинг учун 20-йиллар адабиётида сатира ва юмор, бошқачасига айтганда, танқидий йўналиш ниҳоятда кучли ва бу соҳада классикаларимиз сатирачилигидаги ажойиб анъаналар актив кўмак берди. Бу йиллар адабиётимизда агитацион руҳнинг ғоят кучлилиги ҳам давр тақозоси туфайли эди.

В. И. Ленин асарлари, айниқса унинг билиш, инъикос назарияси, адабиёт ва санъатнинг халқчиллиги, партиявийлиги, умуман, кишилик жамиятининг тараққиёти ҳақидаги асарлари сўз санъаткорларимизга ҳаёт оқимини, воқеликни бутун мураккаблиги билан кўра билиш, унинг йўналиши ва илғор тенденцияларини пайқаб олиш, уларни келажак, халқ ва коммунистик идеал нуқтаи назаридан ҳаққоний баҳолашда тил дастуриламал бўлиб хизмат қилади. В. И. Ленин ҳаётни адабиёт ва санъатга, коммунистик идеалга мослаб қайта қуриш, инсонни ўзгартирувчи ва уни жамиятнинг мардона, актив қурувчисига айлантирувчи ўткир ва жанговар қурооллардан, деб қаради. Доҳий «...эркин ва пролетариат билан *очиқдан-очиқ* боғланган...», социализм ғояси ва меҳнаткашларга хайрихоҳ... мамлакатнинг гули, мамлакат куч-қуввати ва истиқболининг эгаси бўлган миллионлаб ва ўн миллионлаб меҳнаткашларга хизмат қилади»ган адабиётни истиди, «...бутун инсониятнинг революцион фикрининг энг сўнгги ютугини социалистик пролетариатнинг тажрибаси ва жонли иши билан бойитиб, унга

¹ Ўша асар, 341-бет.



ҳаёт бағишлайдиган, ўтмиш тажрибаси... билан ҳозирги замон тажрибасини... доим бир-бирига боглайдиган»¹ адабиётни орзу қилди. Кўп миллатли совет адабиёти ана шундай адабиёт бўлиши билан жаҳонда энг илгор, энг инсонпарвар ва интернационал, ҳаққоний, оптимистик, жанговар ва қудратли адабиётдир. Ленинча фалсафий ва эстетик таълимот совет адабиёти ва санъатининг қон-жони ва кўрар кўзи бўлган социалистик реализм методининг асосини ташкил қилди.

Ленин ва ленинча таълимот ўзбек адабиёти ва санъатининг ҳам равнақини белгилади, уни «...омманинг туйғусини, фикрини ва иродасини бирлаштирувчи, оммани кўтарувчи»² халқчил санъатга айлантирди.

1974 йил.

¹ «В. И. Ленин адабиёт тўғрисида», Тошкент, 1974, 48-бет.

² «Ленин маданият ва санъат тўғрисида», Тошкент, 1962, 577-бет.

АДАБИЙ ЖАРАЁН ҚИРРАЛАРИ

УЛУҒ ЖАНГ ЙИЛЛАРИ АДАБИЁТИ

Ҳаёт-мамонт учун бўлган тўрт йиллик шиддатли уруш кўп миллатли совет адабиётини, шу жумладан ўзбек адабиёти ва санъатини ҳам катта синовдан ўтказди. Адабиётимиз голиб халқларимиз каби жанг оловларида ва меҳнат фронтида обдон тобланиди, гоёвий-бадий қудрати ошди, реализми янада чуқурлашди. Совет халқининг Улуғ Ватан урушида эришган буюк тарихий ғалабаси социалистик тузумнинг, совет давлатининг ва коммунистик мафкуранинг нақадар қудратли ва ҳаётбахш эканлигини бутун жаҳонга намойиш қилди. Бу оламшумул ғалаба совет адабиёти ва санъатининг ҳам нақадар халқчил, нақадар гоёвий ва нақадар бадий юксак эканлигини совет халқининг ўткир маънавий қуролларида, қудратли мададкорларидан бири эканлигини амалда кўрсатди. У бутун уруш давомида жангчиларга «юррак ўқ-дорисини етказиб туриб» (И. Эренбург) ва фронт орқасидагиларнинг руҳини кўтариб, улуғ ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олди.

Буржуа олимлари ва ёзувчилари уруш даврида адабиётнинг овози тинади, дейдилар. Бу фикр босқинчилик урушига, адолатсиз урушга тўғри келади. Фашизм оёғи теккан ерда ҳамма нарса, шу жумладан адабиёт ва санъат ёдгорликлари ер билан яксон қилинганидан ташқари, фашизм маданияти ҳам бутунлай инқирозга учради. У фашизмнинг чирик назария ва фалсафаси каби сўлди.

Совет халқи адолатли уруш олиб борди, инсониятнинг манфаати ва тақдири учун курашди, чин ҳақиқат ва тинчлик учун жанг қилди, шунинг учун унинг адабиёт ва санъати ҳам халқ қалбининг ҳаққоний

ифодачиси ва қўриқчиси, мададкори ва идҳомчисига айланди, у билан бирга коммунистик идеаллар учун курашди ва шу жараёнда унинг янги-янги фазилатлари, имкониятлари намоён бўлди, ғоявий-бадий жиҳатдан юқори даражага кўтарилди.

Ана шу кураш адабиёт ва санъатимизни ҳам жанговар жангчига айлантирди. Жангчи билан ижодкор бир томирдек бирикиб кетди. Гарчанд уруш бўлаётган жой Ўзбекистон ёки Ўрта Осиё ва Қозогистон халқлари тупроғидан узоқда бўлса-да, бу халқлар Ватанимиз чеккасига тушган бомбани ўз юртига, ўз юрагига тушган бомба деб билди, бутун совет халқи бир ғам, бир ташвиш, бир фикр ва ният, бир мақсад ва орзу билан яшади.

Бу ўринда «Кўп миллатли совет адабиёти тарихи» китобидаги қуйидаги фикрга эътиборни тортмоқчимиз: «Закавказия, Ўрта Осиё ва Қозогистон адабиётлари «Ҳамма нарса фронт учун!» деган шиор остида ривожланди. Бироқ ҳали улар рус ёки украин адабиёти каби фашизм билан бевосита тўқнашув коллизияларини реалистик ва бадий салмоқли қилиб акс эттира олмадилар. Аммо улардан ҳар бири жиддий ва мураккаб даврининг ўзларига яқин ва қулай, улар имкониятларига, традицияларига, тажрибаларига жавоб берадиган томонларига мурожаат этдилар. Бу адабиётлар худди шу ўринда ҳақиқий бадий юксакликка эришдилар»¹.

Эҳтимол, бу фикрни мутлақо инкор қилиб бўлмас. Аммо бу адабиётларда «Ҳамма нарса фронт учун!» деган шиор билан бирга «Ғалаба учун!» деган шиор ёнма-ён турди. Ягона Ватан туйғуси билан нафас олган бу адабиётлар диққатида ҳам ватанпарварлик, дўстлик, инсонпарварлик, қаҳрамонлик мавзулари, фашизмга нафрат, ғалабага умид мотивлари турдигина эмас, балки ана шу муштарак мавзуларда ғоявий-бадий етук асарлар ҳам ижод этдилар. Бир ёқадан бош чиқариб қаҳрамонларча курашаётган кўп миллатли совет халқларининг адабиётлари фронт билан жуда хилма-хил иплар билан боғланган эди: радио, матбуот у ёқда турсин, ўзбек ёзувчилари, журналистлари, кино

¹ «История советской многонациональной литературы», т. 3. Издательство «Наука», М., 1970, стр. 131.

ходимларидан ўттиздан ортиги бир қўлида қалам, бир қўлида милтиқ билан жанг қилдилар; бир қатор ёзувчиларимиз, (Ойбек, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби) ҳукумат делегациялари билан фронт даҳшати ва кўламини, жангчиларнинг мардлиги ва кўтаринки руҳини кўриб, ўрганиб келдилар. Минг-минглаб болалар ва қариялар Ўзбекистонга эвакуация қилинди, булар халқимиз ва ёзувчиларимизнинг уруш фожиясини чуқурроқ ҳис этишларида кўмаклашдилар. Бунинг устига урушнинг дастлабки йиллари Тошкентга юзлаб ёзувчилар, олимлар ва санъаткорлар келишиб, бу ердаги адабий жараёни ривожлантириб юбордилар. Ўзбекистон ёзувчилар союзи қардошлик, дўстлик анжуманига айланди. Жаҳонга танилган ўнлаб сўз санъаткорлари ўзбек ёзувчиларининг ғоявий-бадний савиясининг кўтарилишига, биринчи галда уруш ва Ватан, уруш ва ғалаба, уруш ва инсон, уруш ва халқ мавзуларини чуқур бадний таҳлил этишларига кўмаклашди.

Алексей Сурков 1942 йилнинг июнида Москва ёзувчиларининг очиқ партия мажлисида сўзлаган нутқида ҳақли равишда бундай деганди: «Мен жангдан ташқарида қолган шоирлар ва ўртоқлар гуруҳида юз бераётган жараён ҳақида, Кавказ, ўзбек, тбилис, жанубий газеталарда босилаётган ва бизга етиб келмаётган шоирлар ҳақида деярлик ҳеч нарса билмайман ва айта олмайман.

Аммо — мана Исаковский. У фронтдан узоқ, бироқ ўз ижоди билан армия газеталарида ишлаётган баъзи ўртоқларга нисбатан у олдинги сафга яқинроқ. Айтишларича, Маргарита Алигер яхши китоб ёзибди. Унинг бир неча шеърларини ўқидим. Булар ҳам бадний, ҳам гражданлик томондан жуда мароқли.

Буларнинг ҳаммаси шундан шаҳодат берадики, жангчи шоир деган тушунча фақат география билангина белгиланмайди. Фронтда бўлиб туриб ошхўр, Чистополда ёки Тошкентда яшаб жангчи шоир бўлиш мумкин»¹.

Алексей Сурков 1944 йилга келиб барча адабиётларни кузатгач, юқоридаги фикрининг тўғрилигига

¹ Алексей Сурков. Голоса времени, «Советский писатель», М., 1965, стр. 166.

амин бўлади ва уни янада яхлитроқ ва чуқурроқ қилиб шундай дейди:

«Ватан учун курашувчилар қаторида бўлиш учун албатта фронтнинг бевосита ўпқонини белгилловчи географик минтақада туриш шарт эмас. Юраги, фикри-зикри, ташвиши билан жанг қилаётган ва фронт учун меҳнат қилаётганлар билан бирга бўлиш керак. Мана шунда ёрқин, лўнда, миллионлар қалбига етиб борувчи ишонтирарли сўзлар ҳам топилади»¹.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон, шу жумладан, Ўзбекистоннинг адабиёти ва санъати худди шу «юраги, фикри-зикри, ташвиши» билан жангчиларга яқин жанговар адабиёт сифатида ўзини намойиш қилди. У биринчи кундан жангчи каби кийинди, қуролини созлади ва борлиғича Ватан ҳимоясига ўзини сафарбар этди.

Улкан совет ёзувчиси А. Толстойнинг қуйидаги сўзлари ўзбек адабиётига ҳам бевосита тааллуқлидир. «Уруш совет адабиётининг янги даврини, янги босқичини очди, уруш шовқини шоир овозини ўчирадигандек, адабиётни дағаллаштирадиган, сийқалаштирадиган, уни окопнинг тор ҳандағига тахлаб ташлаши керакдек туюлганди. Аммо курашаётган халқ фақат ғалаба ёки ўлим турган бу қонли ва шафқатсиз урушда ўзида тобора кўпроқ маънавий куч топиб, адабиётдан катта сўзни қатъий талаб қила борди. Ҳақиқатан ҳам совет адабиёти уруш кунларида ҳақиқий халқчил адабиёт, қаҳрамон халқ қалбининг овози бўлиб қолди»².

Ўзбек адабиёти халқчил адабиёт, халқ қалбининг ҳаққоний овози даражасига кўтарилиши учун қайси жанр актив ва қулай бўлса, ўшанга суянди, йўғини янгидан вужудга келтирди (масалан, публицистиканинг «Хат» жанри — насрий «Хат», мавжудларининг янги-янги қирраларини кашф этди ва жанрларнинг бир-бирига аралашishiга йўл қўйди (документалликнинг ошиши ёки ҳикояда очеркка ҳос, шеърятда эпик элементлар вазнининг кўпайиши), образ ва тасвирий воситалар имкониятини кенгайтди. Айниқса адабиётимиз халқнинг маънавий руҳини бойитишга

¹ Ўша асар, 176-бет.

² А. Н. Толстой. Полн. собр. соч., т. XIV, М., ГИХЛ, 1953, стр. 347.

ёрдам берадиган ғоявий-эстетик хазинани қидириб, ўзбек классик адабиётимиз, фольклор ва рус ҳамда прогрессив жаҳон адабиёти традицияларига кенг мурожаат этди. Ўзбек адабиёти ва халқ ижодидаги инсонпарварлик, аслатпарварлик, дўстлик ва қаҳрамонлик ғоялари ижодкорларимиз учун халқнинг руҳи ва характерини ифодалашда кўмак берди: улардаги ўлмас эстетик бойлик ёзувчилар тилининг қиличдек ўткир бўлишига, мақсад нишонига аниқ урилишига ва халқ қалбига чуқур кириб боришига ёрдамлашди. Адабиётда, айниқса шеърятда актив дидактиканинг кучайиши, ўғит, панд-насиҳат, чақириқ овозларининг баланд жаранглаши, ота-она образларининг марказга қўйилиши ва Ватан тушунчаси билан биргаликда талқин қилиниши, фольклордаги қаҳрамонлар, афсонавий образлар ва мотивлар, нақллар ва мақол-маталлар, ибара ва ифодаларнинг активлашиши, ғазал, қўшиқ, лапар, латифа жанрларининг жонланиши равшан кўринди. Ўзбек совет поэзиясининг янги-янги имкониятларининг очилишида миллий традициялардан ташқари рус ва бошқа қардош халқлар адабиётларининг мадади ҳам катта бўлди. В. В. Маяковский бу даврда яна ўз устозлигини давом эттирди. Бу йилларда Маяковский шеърларининг таржима қилиниши ва китоб ҳолида нашр этилиши, унинг тўғрисида қатор мақолалар ёзилиши (Мақсуд Шайхзода мақолалари) бежиз эмас. Фашизмга қарши халқ нафратини алангалатиш ва социалистик Ватанни улуғлашда Маяковскийнинг оташин ва жанговар овози шоирлар учун намуна бўлиб хизмат этди. Улар ваҳшийликка асосланган капиталистик тузумни Горькийча, Маяковскийча оҳанг ва позицияда туриб фош этдилар. М. Шолохов, А. Толстой, А. Твардовский, Н. Тихонов, А. Сурков, Н. Погодин, М. Исаковский, А. Жаров, И. Эренбург, А. Корнейчук каби ўнлаб улкан совет ёзувчиларининг асарлари уруш даври ўзбек поэзияси, публицистикаси, ҳикоя, драматургияси ва йирик прозасининг ривожланишига мададкор бўлди.

Бу йилларда ўзбек поэзияси етакчи жанр сифатида ниҳоятда актив хизмат қилди ва маҳсулдор бўлди. Ҳатто баъзи шоирлар уч-тўрттадан шеърый китоблар нашр эттирдилар. Поэзиямиз қиммати сони билан эмас, балки аввало сифати — ғоявий-бадий юксакли-

ги билан диққатни тортди, халқ орасига чуқур кириб борди. Бунинг боиси шунда эдики, поэзияда фикрлар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, орзу-умидлар теран ва ҳаққоний акс этди: лирик қаҳрамон тақдирига жангчи, халқ ва шоир тақдири қўшилиб, чатишиб кетди, унинг овози халқ овозига айланиб кетди. Бу поэзия даврининг улуғвор воқеаси — урушнинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий моҳиятини ҳам, уруш даври кишисининг чуқур ва мураккаб руҳий оламини ҳам ҳаққоний очиб берди. Уруш билан боғлиқ хилма-хил инсоний кечинмалар, драмалар, коллизияларни кенг тарихий ва фалсафий пардада тасвирлаб беришга эришган поэзиямизда кўп овозлик-сермаънилик, серфазилатлилики кучайди. Уларни сиёсий лирика, публицистик лирика, фалсафий ва интим деб бипр-биридан ажратиш мумкин эмас: интим туйғулар граждандлик туйғуси, ижтимоий-сиёсий туйғулар совет кишисининг энг шахсий, ҳаётий туйғуси тарзида ифодаланди.

Лирикадаги мазмун, оҳанг ва йўналишнинг хусусияти уруш даврining характериға боғлиқ эди: урушнинг дастлабки кунлари ва йиллари лирикасида чақириқ, мурожаат, яъни минбар шеърлари кўпроқ яратилди. Чунки халқни фашист босқинчиларига қарши курашға сафарбар этиш, уларда ёвуз душманға нисбатан қаҳр-ғазаб оловини алангалатиш, ўч-қасос туйғусини тарбиялаш биринчи вазифа эди. Шунинг учун аввал минбар шеърлар, публицистик усулдаги асарлар ёзмаган шоирлар ҳам оташин чақириқли шеърлар ижод этишди. Совет кишилариини ўз жигаридек яқин тутиб ёзилган бу асарларда мурожаат, ўғит ҳам, қасам ҳам, қарғиш-сўкиш ҳам бор. Айниқса бундай шеърларда она-Ватан ва социалистик тузумнинг улуглигини очиш, мадҳ этиш ва шу орқали халқни курашға сафарбар этиш биринчи ўринда турди. Бора-бора поэзияда янги этап-қирра, яъни фашизмнинг ваҳшийлиги, одамхўрлигини кўрсатиб бериш бошланди. Шу масалани ҳал қилишда шоирлар урушни тарихий ва фалсафий планда таҳлил этиб, фашизмнинг тор-мор бўлажаги, социалистик тузумнинг ғолиб чиқажаги тўғрисидаги ғояни кенг ташвиқ этдилар. Поэзияда урушни инсоннинг тақдири ва руҳий кечинмасини таҳлил этиш орқали акс эттиришға ўтдилар. Шундай қилиб, минбар шеърлари, маршлар, қўшиқлар билан бирға

ўйчан шеърлар, фожиавий асарлар ва теран баллада, поэмалар тугила бошлади. Шеърларда ҳам, публицистика, очерк ва ҳикояларда ҳам совет кишининг қаҳрамонлиги, ғоявий етуклигини чуқур психологик таҳлил этиш диққат марказида турди. Уруш даврида активлашган ва ривожланган публицистикада ҳам психологик тўқинлик ёрқин кўринди, у худди публицистик шеър каби халқ овозига айланди. Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Миртемир каби шоирлар шеърятни янги босқичга кўтарди. Ўзбек бадиий публицистикаси тарихида эса Ҳ. Олимжон ўзининг оташин публицистик асарлари билан янги саҳифа очди. Ҳикояларда халқ қалбидаги чексиз ғирода ва қаҳрамонлик фазилятлари тасвирланди. А. Қаҳҳорнинг чуқур фожиавий ва психологик ҳикояларида романтик бўёқ ҳам иштирок этди.

Қаҳрамонлик руҳи, кўтаринки ва романтик оҳанг айниқса ўзбек драмаларида ёрқин кўринди. Тарихий темадаги ва замонавий мавзудаги драматик асарларда конфликт ғоят кескин, драматизм, тўғрироғи фожиавийлик устун, характерлар ёрқин эди. «Алишер Навоий», «Муқанна», «Жалолиддин Мангуберди» ва «Офтобхон», «Бургутнинг парвози» асарларида драматурглар ёрқин, таъсирли ижобий қаҳрамонлар тақдирини ва кураши орқали ватанпарварлик ва қаҳрамонлик ғояларини актив тарғиб қилдилар.

Адабиётимиздаги ҳамма жанрларда жангчилар учун қурол-яроғ ва озик-овқат етказиб берган фронт орқасидаги халқнинг, биринчи навбатда хотин-қизларнинг қаҳрамонона меҳнати улуғланди, урушнинг ярим ғирлигини ўз зиммасига олган аёлларнинг тўлақонли образлари яратилди. Ғ. Ғуломнинг «Хотин», Ҳ. Олимжоннинг «Жангчи Турсун», А. Қаҳҳорнинг «Асрор бобо», «Хотинлар», Яшиннинг «Офтобхон» каби асарларидаги аёллар образи шулар жумласидандир.

Булар уруш даври ўзбек адабиётида социалистик реализм принципларининг янада чуқурлашганидан далолат беради. Бу даставвал шу нарсаларда кўриндики, ғоявий-эстетик жиҳатдан юксак асарлар яратилиб, улар халқ учун ўткир кураш қуроли бўлиб хизмат этди. Прогрессив ғояни, коммунизм идеалларини актив ва эҳтирос билан тарғиб қилган бу асарларда халқ оммасининг уруш тақдирини ҳал қилишдаги

улуғвор роли ҳаққоний ёритилди. Худди шу ҳолатда унинг ўткир сиёсий ва чуқур партиявий руҳи равшан намоён бўлди. У совет халқининг озодлик урушини қаттиқ ҳимоя қилди, бу урушнинг инсонпарварлик ва интернационалистик моҳиятини тегиз равишда берди, коммунистик идеалларнинг ҳаётийлигини ёрқин бадний лавҳаларда ва етук, жозибали образларда кўрсатиб берди. Курашувчи ва қурувчи халқ руҳи, унинг маънавий гўзаллиги, мураккаб психологияси чуқур таҳлил этилди. Халқнинг қаҳрамонлик ва коммунистик ғояга чуқур ишонч фазилатларини — оптимизмни ифода-лаш адабиётнинг бош вазифаси бўлди ва у бу бурчни шараф билан бажарди. Ўзбек адабиёти уруш даври қийинчиликларини тўғри, бўямасдан кўрсатди, аммо доим оптимистик позицияда турди, ғалабага ишонч туйғуси урушнинг биринчи кундаги кичик асарлар — лирикадан тортиб йирик эпик асарларгача — ҳаммасининг қон томирига айланди. Ижодкорларимиз уруш фожиясини кўрсатиш орқали халқ иродаси ва маънавий руҳининг метиндек мустаҳкамлигини ифода-лашга муяссар бўлдилар.

«Бу урушда бахт, тасодиф ёки фақат лашкарбоши талантигина ғалаба келтирмайди,— деб ёзганди А. Толстой,— қайси томонда мотор кўп бўлса ва халқнинг маънавий руҳи мустаҳкамроқ бўлса, ўша томон ғалаба қилади. Маънавий категориялар бу урушда ҳал қилувчи роль ўйнайди»¹.

Сўз санъаткорлари халқимиздаги ана шу бебаҳо бойликни — маънавий категорияларнинг илдиеларини ёритиб бердилар. Урушгача бўлган ўзбек адабиётида Ватан ва дўстлик, интернационализм мавзулари бу қадар бош мавзу даражасига кўтарилмаган эди. Ўзбек адабиётида инсонпарварлик ғояси бу қадар кенг, актив ва конкрет тус олмаган эди. Совет халқининг босқинчиларга қарши олиб берган озодлик уруши ва тарихий ғалабаси бутун ер юзи халқини фашизм асоратидан халос қилиш ва асраб қолишдек улуг инсонпарварлик моҳиятига эга бўлди. Иккинчи жаҳон урушининг асосий оғирлигини ва ҳал қилувчи тизгинини

¹ Алексей Толстой. Полн. собр. соч., т. 10. стр. 537.

Ўз зиммасига олган совет халқи 20 миллиондан ортиқ одамни қурбон қилиш эвазига, минглаб шаҳар ва қишлоқлар, қанчадан-қанча моддий ва маданий бойликлар эвазига инсониятни, унинг асрлар давомида яратган маданиятини ҳалокатдан сақлаб қолди, тарих гилдирагининг олға ҳаракати учун йўл очди. Н. И. Конрад ёзганидек, инсонпарварлик ғояси «ҳар доим ҳақиқий прогресснинг олий ўлчови бўлиб келган»¹.

Адабиётимиз совет халқининг ана шу актив ва юксак инсонпарварлик ва интернационалистик туйғуларини меҳр ва завқ-шавқ билан куйлади, социалистик инсонпарварлиكنинг революцион моҳияти адолат, ҳақиқат, прогрессни — коммунистик идеалларни актив ҳимоя қилишдан иборат эканлиги кўрсатилди. Мана шундай актив инсонпарварлик ғояларини, яхшилик ва гўзаллик туйғуларини улуғлаш уруш даври ўзбек адабиётида жиддий ўрин тутган тарихий мавзудаги асарларда ҳам ёрқин кўринди. Бу тарихий асарлар асосида ётган чуқур фожиявийлик орқали, адолат ва мустақиллик учун ҳаётини бахш этган романтик қаҳрамонлар жасовати орқали қаҳрамонлик ва инсонпарварлик ғоялари тарғиб этилди. Тарихий темадаги асарларда романтик руҳнинг кучайиши социалистик реализм методининг чексиз имкониятлар — фазилатларга эга эканлигини яна бир тасдиқлади.

Бу даврда шакллар ва усулларнинг ранг-баранглиги яққол кўринди. Шеъриятда халқчил бармоқ вазни ғоят активлашди, айни чоқда эркин шеърнинг забардаст ва хилма-хил оҳанги уруш даври халқ кечинмасининг бойлигини ифодалашга хизмат этди, ғазалчилик халқ иродаси ва ғалабага ташналигини кўрсатишда қўл келди. Ойбекнинг «Навоий»да халқ ва давр руҳини кенг эпик планда тасвирлаши, А. Қаҳҳорнинг қаҳрамон характери унинг ҳатти-ҳаракати ва айниқса психик ҳолатини, кечинмасини таҳлил этиш орқали гавдалантириши, Ғ. Ғуломнинг публицистик-фалсафий шеърлари, Ҳ. Олимжоннинг романтик бўёққа бой асарлари, Миртемирнинг халқчил шеърлари, Уйғуннинг воқеабанд, манзарали ва сербўёқ шеър-

¹ Н. И. Конрад. Запад и Восток. Главная редакция восточной литературы, М., 1972, стр. 485.

лари, Зулфиянинг драматизм билан суғорилган асарлари мана шу услубий ранг-барангликнинг далилидир.

Тўғри, уруш йили ўзбек адабиётида болалар тақдири доим совет кишисининг диққатида туришига қарамай, болалар адабиётида оқсаш сезилди, худди шундай ҳолни адабий танқидчиликда ҳам кўрамиз. Фольклор образларидан, аруздан ижодий фойдалана олмаслик ҳоллари юз берди. Баландпарвоз, тумтароқ ва магзи нотўлиқ шеърлар ҳам учраб турди. Прозада ва айниқса драматургияда душманни гўл қилиб тасвирловчи схематик асарлар ҳам бўлди. Ёаъзи тарихий асарларда лашкарбошиларни тасвирлашда синфийлик туйғусининг теранлиги етишмай қолган ҳоллар ҳам учради. Жангчи ёзувчиларнинг очерк ва шеърларида бадий оқсаш кўринган бўлса-да, бунга сабаб уруш шароитининг мураккаб ва шиддаткорлиги эди. Аммо жангчи ёзувчилар даҳшатли уруш майдонида жуда катта ҳаётий тажриба, беқиёс факт ва материал, мавзу ва фикр, ижодий ниятлар тўпладилар ва урушдан кейин улар асосида уруш ва инсон ҳақида ғоявий-бадий етук асарлар яратдилар. А. Раҳмат, З. Фатхуллин, Н. Сафаров, Шухрат, И. Раҳим, Б. Раҳмонов, М. Муҳамедов, Назармат, М. Исмоилий, И. Муслим, С. Акбарий каби ёзувчилар уруш ва инсон мавзусига қайтадан чуқур киришиб, халқ жасорати ва юксак маънавий дунёсини чуқур бадий таҳлил этувчи прозаик, драматик ва поэтик асарлар яратдилар. А. Раҳмат каби ёзувчилар эса бутун диққатини Улуғ Ватан урушида совет кишиси деган улуғ номни шараф билан оқлаган ўзбек қаҳрамонларини қидириб топиш ва жасоратини улуглашга қаратди. Яшин, Зулфия, Ш. Рашидов, Миртемир, Р. Файзий, Ҳ. Ғулом, Р. Вобожон, С. Аҳмад, А. Мухтор, О. Ёқубов каби ижодкорлар ўзбек жангномасини яратишга ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Ёзувчилар совет кишилари ва бутун инсоният тақдири ҳал қилувчи роль ўйнаган иккинчи жаҳон уруши билан боглиқ воқеалар, жараёнлар ва инсонлар тақдирини, кечинма ҳамда фикр-зикрини, мақсад-идеалларини ҳаққоний акс эттириб, кейинги авлод учун бебаҳо сабоқ манбаини яратди: доим синфий ва партиявий туйғуни маҳкам тутиш ва ардоқлаш керакли-

ғини, она-Батан ва коммунистик идеалларга ҳар қандай шароитда ҳам содиқ қолиш ва унинг учун жонини фидо қилиш кераклигини ўргатади. Айни чоқда социалистик тузум, совет давлати, Коммунистик партиямизнинг улуғ ва ҳаётбахш қудратга эга эканлигини ёш авлодга намоиш қилиб, уларнинг коммунистик идеалларга бўлган ишончига ишонч қўшди. Ёш ёзувчилар учун эса доим ижод мактабларидан бири бўлиб хизмат этмоқда.

1975 йил.

Улуг Октябрь революцияси туфайли воқеликда, халқ ҳаёти ва онгида, унинг руҳи ва психологиясида юз берган ўзгаришлар даставвал поэзияда акс этди. Янги воқеликнинг биринчи бор поэзияда акс этишининг боиси бу жанрнинг ҳозиржавоб жанр эканлиги-гагина боглиқ эмас эди. Поэзия ўзбек классик адабиётининг асосий жанри эди. Бу поэзиянинг реализми, демократизми, инсонпарварлиги, адолатпарварлиги, зулм ва ҳақсизликни, жаҳолат ва қолоқликни қоралаши — танқидий йўналиши, адолатли тузум ва яхши турмуш, ҳар томонлама гўзал инсон тўғрисидаги идеаллари Октябрнинг мазмуни, моҳияти ва мақсадига ҳамоҳанг эди. Тўғрироғи, халқнинг шу идеаллари рўёбга чиқишида поэзия ҳам ўзининг мана шу фазилатлари билан кўмак берди. Октябрь арафасида поэзияда (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди, Абдулла Авлоний, Сўфизода, Абдураззоқ Фақирӣ, Баёний каби маърифатпарвар шоирлар шеърлари) ва халқ ижодида (мардикорлик, Номоз ҳақидаги асарлар) озодлик ва инқилобий руҳ кучайган эди. Октябрь революцияси мана шу изланаётган поэзияга ҳақиқат эшигини — янги ҳаёт эшигини очиб берди. Ўзбек классик шеъриятимизнинг юқоридаги ўлмас традициялари ва поэтик соҳасидаги бой тажрибаси янги поэзия учун мустаҳкам замин — пойдевор вазифасини ўтади. Ҳатто дастлабки йилларда классик поэзиянинг жанрлари, шакли, бадий тасвирлаш воситалари, образлари ва халқ ижодининг шакли (кўпроқ Ҳамза учун) янги мазмун ва янги ғояларни ифодалашда холис ва муваффақиятли хизмат қилди.

В. И. Лениннинг революция кунлари ва граждан-

лар уруши йилларидаги нутқ ва мақолаларига диққат қилинса, доҳий халқнинг уйғониши масаласига алоҳида эътибор берганини кўриш мумкин. 1918 йилда ёзган бир мақоласида у «деҳқонлар орасида ва ишчилар синфи ичида эса ташкилотчи талантлар кўп ва бу талантлар фақат эндигина ўзларининг кимлигини биллаётирлар, уйқудан бош кўтараётирлар, жонли, ижодий, улуғ ишга тортилаётирлар, социалистик жамият қуришга мустақил равишда киришаётирлар»¹ дейди. Яна бир мақоласида «кенг ўқитувчилар оммаси ўртасида уйғониш процесси эндигина бошланмоқда»² деб ёзади. Шоир Ҳамза ҳам революциядан кейинги мана шу тенденцияни чуқур тушуниб етган ва оммани уйғотишни шоирнинг бурчларидан бири деб билган.

Умуман бундай руҳ, бундай тенденция ўша давр ўзбек поэзияси учун хос эди. «Октябрь инқилоби», «Хуррият марши», «Байналминал марши» каби оташин революцион руҳдаги шеърлар муаллифи Садриддин Айний ёки «Оч кўзингни камбағал, ғафлатни бошингдан ошир» каби мисралар эгаси Сўфизода ижодида ҳам мана шундай йўналишни кўриш мумкин. Абдулла Авлоний, Ҳайратий, Оразий, Хислат, Баёний, Фақирий каби яна ўнлаб шоирларнинг революцияни қутлаб ёзган шеърлари янги поэзиянинг тугилиши ва ривожланишига мадад бўлди. Борди-ю, 20-йиллар бошларида Октябрь революциясини қабул қилмаган Чўлпон, Фитрат, Элбек каби шоирлар ижодида (кейинча социалистик воқеликнинг, янги ҳаёт манзараларининг ўзи, партиянинг доно раҳбарлиги бу шоирларнинг ҳақиқатни тушуниб етишларига ва халқ томонига ўтишларига олиб келди) руҳий тушкунлик, умидсизлик ғоялари ҳоким бўлса, Ҳамза, Айний ва биз юқорида санаб ўтган яна ўнлаб шоирлар ижодида интернационализм ғоялари, кураш ва яратиш завқи, озодлик ва шод-хуррамлик руҳи жўш урди. Ҳамза бошлиқ поэзияда янги руҳ — кўтаринкилик, революцион руҳ туғилди. Ҳамзанинг овозида тарих гилдирагини янги изга солган, дунёда биринчи бор социалистик революцияни амалга ошириб ишчи-деҳқон ҳукуматини барпо этган ва ҳаётнинг, ўз тақдирларининг хўжайини бўлган ғолиб синф-

¹ Ленин маданият ва санъат тўғрисида, Ўздавнашр, Т., 1962, 225-бет.

² Ўша асар, 245-бет.

нинг мардона овози, кўтаринки руҳи ва битмас-туганмас шижоати, ташаббуси акс этди. У катта, ҳал қилувчи фактор билан майда, вақтинчалик нарса ва ҳолатларнинг фарқини чуқур тушунар эди. Аслида Октябрь революциясининг эртасигаёқ халқнинг аҳволи бирданига яхши бўлиб қолмади. Аммо бу революция халқни абадий озодликка олиб чиқиб, уларга бахт-саодат эшигини очишни ваъда қилди. Ҳамзани шодхуррам қилган нарса мана шу асосий воқеа эди. Шунинг учун ҳам у ёзганди:

Чор ҳукумат вақтидаги
Қуллигингни ўйласанг,
Шодлигинг мангу туганмас,
Қанча ўйнаб-куйласанг¹.

Революциядан кейинги ўзбек поэзиясида ёрқин кўринган янги фазилатни — кўтаринкилик, ҳаётбахшлик, оптимизм, бахтиёрлик ва шодлик оҳангини эшитган Николай Тихонов Ғафур Ғулом ижоди муносабати билан шундай деганди: «Шарқ азалдан ўз куйчилари билан машҳур. Уларнинг ҳар бири халқ хотирасида узоқ вақт сақланиб қолган ўз овозига эга. Аммо бурунги куйчилар машаққатли, ғуссали замонларда яшадилар. Кўпларнинг уқубатдан қадлари букик эди. Аксари қувноқ тарона ўрнига дудоқларидан фарёд қўшиқлари учарди.

Революциягача бўлган тун зулматини ҳам, оташин революция қуёшининг нурафшон шафагини ҳам, буюк халқнинг меҳнати ва жасоратини ҳам ўз кўзи билан кўриб ҳис этган севикли дўстимиз Ғафур Ғуломнинг овози, унинг латиф ва шиддаткор, жонли ва равон шеърларининг овози ўтмиш устидан ғалабадан, инсоннинг равнақидан, ҳаёт суруридан, бахтли авлоднинг истиқболи учун курашдан шаҳодат беради»².

Бу фазилат Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек, М. Шайхзода, Миртемир, Уйғун ва бошқаларнинг ҳам ижодида ёрқин кўринди. Янги замон моҳиятини чуқур

¹ Ҳамза - Ҳакимзода Ниязий. Асарлар, II томлик, Ўздавадабийнашр, 1-том, Т., 1960, 145-бет.

² «Звезда Востока», 1963, № 5.

твшунган Ҳамза бўлса ўзи доим мана шундай кўтавинки ва революцион руҳдаги асарларни ёзибгина қўя қолмасдан, санъаткор дўстларини ҳам шу йўлдан юришга чорлади.

Ҳамза бошлаган ва тарғиб этган бу йўл ўзбек поэзиясининг тараққиётида жуда катта роль ўйнади. Поэзиямизнинг кейинги авлоди бу байроқни ўз қўлларига олиб, яна баланд кўтардилар. Ғафур Ғуломнинг халқ орасида ғалаба, ғурур ва сурур куйчиси ёки Ҳамид Олимжоннинг бахт ва шодлик куйчиси сифатида шуҳрат қозониши ҳам бежиз эмасди. Бахт ва шодлик мотиви, янги замон ва поэзия масаласи Ҳамид Олимжон поэзиясининг марказий масалаларидан бири бўлди. Ҳамид Олимжоннинг ўтмиш поэзиямизда, умуман революциягача бўлган адабиётларда ғам-ғусса, алам-фарёд мотивининг ҳокимлиги тўғрисидаги қараши Н. Тихоновнинг юқорида эслатган фикрларига ҳамоҳангдир. Ҳамид Олимжон совет поэзиясидаги бахт-шодлик мотивини озодлик масаласи билан боғлайди. Шоир назарича, ҳамма нарсанинг асосида озодлик ётади, бахтнинг ҳам энг улуғи инсоннинг озод бўлишидир. Шунинг учун ҳамма нарсани у «озодлик деган зўр бахт» («Дон чироқлари») мезони билан ўлчайди, шу билан изоҳлайди. Шундан келиб чиқиб ўтмиш ижодкорларининг асарларида кўкка кўтарилган қайғу ва фарёд тутунларини вужудга келтирган нарса халқнинг қулликда яшашидир, уларнинг хор-зор, ҳуқуқсиз ва бахтсиз ҳаёт кечиришидир, деган хулосага келади.

Қаҳрамонона ва романтик пафоси ғоят кучли бўлган бу давр поэзиясида публицистик руҳ — ташвиқ, чақириқ, сафарбарлик руҳи ҳам тугилганди, образларида бўёқларни қуюлтириш, муболағачилик ва рамзийлик устун эди. Асосий ўринда сиёсий шеър, марш, қўшиқ ва сатирик шеърлар турди. Шу билан бирга бу мавзунини умумий тарзда талқин қилиш, тумтароқлик, баландпарвозликка берилиш ҳолатлари ҳам юз бериб турдики, бу нарса 20-йиллар поэзиясидагина эмас, балки 30-йилларнинг бошларидаги поэзияда ҳам мавжуд эди. Инсоннинг руҳий дунёсини таҳлил этишдан кўра, коллектив психикасини ифодалашга берилиш кучли эди. Бу йилларда гоҳо ҳар хил «изм»лар таъсирига (айтайлик, футуризм) берилиб, риторик, китобий

ва насрнома, ахборотнома ва тақлидий шеърлар ҳам ёзилди. Классик поэзиямизга ва халқ ижодига нигилистик ёндашиш ва Маяковский поэзиясининг ички моҳиятидан ўрганиш ўрнига, унинг шаклий томонига тақлид қилишга уриниш ҳоллари ҳам юз берди. Лекин қайси шоир классик поэзия ва халқ ижодига суянса, рус, қардош ва жаҳон прогрессив адабиётидан ижодий ўрганган бўлса, у тезроқ ўз овозига эга бўлди ва жиддий муваффақиятларни қўлга киритди. Халқнинг тарихий галабасини куйловчи Ғафур Ғулом, маданий революция ва халқнинг кураш романтикасининг куйчиси Ойбек, нафис туйғулар ифодачиси Ҳамид Олимжон, табиат куйчиси Уйғун, юрт қўшиқчиси Миртемир ва ленинча ҳақиқат ифодачиси Шайхзода каби ўнлаб шоирларимизнинг ютуғи ҳам уларнинг шу ҳаётбахш булоқлардан муттасил баҳра олганида эди.

30-йиллар халқ ҳаёти шу қадар бой ва қайноқ эдики (яъни ҳамма социалистик жамият қуриш иши билан нафас олар эди), натижада поэзия даргоҳига янги янги ижодий кучлар бетиним оқиб кела бошлади. Юқорида номлари зикр этилган шоирлар сафига Усмон Носир, Амин Умарий, Султон Жўра, Ҳасан Пўлат, Зафар Диёр, Темур Фаттоҳ каби ёш қалам соҳиблари келиб қўшилди. 30-йиллар поэзиямизда янги фазилатлар туғилди, аввалги йилларда пайдо бўлган хусусиятлар янада ривожланди, мустаҳкамланди. 20-йилларда синфий душманлар, миллатчилар поэзиясини мағлуб қилишнинг энг бош йўли Октябрни, озодликни, янги замонни эҳтирос билан куйлаш деб тўғри тушунган янги ўзбек совет поэзияси бу йилларда халқ ҳаёти билан, унинг меҳнати билан, унинг қалби билан, қисқаси, замонанинг долзарб масалалари билан янада мустаҳкам богланди. Воқеликда юз бераётган ўзгаришларни лирик қаҳрамоннинг қалб ойнаси, улар кўзи ва нуқтаи назари орқали акс эттиришга эътибор берилди. 20-йилларда четга суриб қўйилган интим мавзу — ишқ-муҳаббат, севги-садоқат каби шеъриятнинг асрий мавзулари қаламга олинди ва бу мавзу янги жамиятнинг ахлоқий-этик фазилатларини очиб бериш билан қўшиб талқин қилинди (масалан, Ғафур Ғуломнинг «Тўй» ёки Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» асарлари). Табиат тасвири орқали инсон қалбининг гўзаллигини ва Ватан жамолининг чиройига чирой

қўшилишини ифодалаш асосий тенденциялардан бирига айланди (Уйғун, Ойбек, Амин Умарий каби шоирлар асарлари).

Бу нарсалар поэзиянинг гражданлик қудратини оширди, ундаги лиризмни, психологизмни, фалсафийликни чуқурлаштирди. Уни янада конкрет, ҳаётий ва ранг-баранг қилди. Поэзияда фалсафий-публицистик шеърлар ҳам (Ғафур Ғулом), интеллектуал — фикрий шеърлар ҳам (Шайхзода), ҳис-туйғулар, мусиқийлик ва тасвирийлик зуваласидан яралган кўтаринки, патетик шеърлар ҳам (Ҳамид Олимжон), қўшиқлар ҳам (Миртемир), Ҳамид Олимжон ибораси билан айтганда, «шеърятда прозаик» бўлган Ойбек ижодида ва эпик элементларнинг актив иштирокида шеър битувчи Уйғун ижодида ёрқин кўринган воқеабанд шеърлар ва услублар кўринди. Ҳамза кенг қўллаган бармоқ вазни бу даврга келиб асосий вазн бўлиб қолди. Бу нарса мамлакатнинг мардонавор қадамининг оҳангини, социалистик воқеаликнинг хилма-хил зарбларини ва айниқса совет кишиси қалбининг мавжларини ифодалашга мақбул келди. Айни чоқда Батан мадҳини бажо келтиришда, ишқ тароналарини чалишда синалган вазн — аруз вазни иштирок этди. Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Хуршид бу борада ибратли шеърлар ёзишди.

30-йиллар ўзбек поэзиясининг жиддий ютуқларидан бири, унда поэма жанри — қадимги жанримиз дostonчиликнинг янгиланиши ва бу жанрда ҳозиргача ўзининг ғоявий-эстетик қимматини йўқотмаган асарларнинг пайдо бўлишидир. Янги қишлоқ ҳаётининг, коллектив турмушнинг инсон психологияси, онгига таъсирини очувчи ва қаҳрамоннинг ҳаёт йўлини — таржимаи ҳолини бир ўрнатма, мактаб тарзида талқин қилувчи «Кўкан», янги турмуш, янги онг ва янги ҳиснинг меваси бўлган бахтиёр муҳаббатни акс эттирувчи «Зайнаб ва Омон» (Ҳ. Олимжон), оддий меҳнаткаш халқнинг озодлик, ҳақиқат учун курашини кўрсатувчи қаҳрамонона — романтик руҳдаги «Ўч», «Бахтигул ва Сogиндиқ» (Ойбек), «Дилкушо» (Миртемир) поэмалари, ўтмишда ҳоким бўлган жаҳолатни ёритиш орқали билвосита замонани улуғловчи «Бруно» (С. Жўра), поэмачиликка янги ҳаётий материал, янги мазмун ва шакл олиб кирган «Нахшон» (Усмон Носир), янги тузумнинг инсонпарварлик моҳиятини ифодаловчи «Жон-

темир» (Уйғун) ва бошқа шу каби поэмалар ўша даврнинг қонуний ютуғидир. Буларнинг аксарияти лиро-эпик поэмалар бўлиб, мавзунинг муҳимлиги, ғоясининг ўткирлиги, воқеаларининг қизиқарлилиги, конфликтининг таранглиги, айниқса, характерларининг ёрқинлиги, эпик асос билан лирик асоснинг бирикиб кетиши жиҳатидан қимматли ва намуна олишга арзийди.

Ўзбек совет поэзиясининг 20 ва 30-йилларда ортирган тажрибалари шиддатли Улуғ Ватан уруши йиллари ғоятда қўл келди ва кураш, ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтди. Бу йилларда поэзия адабиётнинг етакчи ва ҳозиржавоб жанри сифатида халқнинг маънавий ҳаётида жуда катта роль ўйнади. Урушнинг биринчи кунидан бошлаб шоирлар ўзларини фашизмга қарши курашувчи жангчи сифатида ҳис қилдилар ва поэзия қуроли билан босқинчилик урушига қарши уруш очдилар. Султон Жўра, Шароф Рашидов, Мамарасул Бобоев, Адҳам Раҳмат, Назармат, Аширмат, Ҳасан Саид, Маъруф Ҳаким, Шухрат, Неъмат Тошпўлат, Султон Акбарий, Бурҳон Турсунов, Аҳмад Бобожон каби ўндан ортиқ шоирлар жангга бориб бир қўлида қалам, бир қўлида қурол билан она-Ватанни фашизмдан ҳимоя қилдилар ва уни тор-мор этишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Булардан Султон Жўра, Ҳасан Саид, Бурҳон Турсуновлар Ватан учун жангда ҳалок бўлдилар.

Бу давр поэзиямиз бешигини тебратиб келаётган Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Собир Абдулла каби шоирларнинг ижодини янги босқичга кўтарди, улар номининг Иттифоқ бўйлаб, ҳатто чет элларгача тарқалишига олиб келди; 30-йилларда ўзларининг тўнғич тўпламлари билан адабиётга кириб келган Зулфия, Қуддус Муҳаммадий, Илёс Муслим, Темир Фаттоҳ адабиётда ўз мавқеларига эга бўлдилар, уруш арафаларида поэзияга қадам қўйган Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Мамарасул Бобоев, Рамз Бобожон, Шухрат, Шукрулло, Туроб Тўла каби ёш шоирларнинг суяғи шу даврда қотди, ижодларига пойдевор қўйилди.

Бу давр поэзияси халқ билан, жангчилар ҳаёти билан шу қадар жипс боғландики, ҳар бир етук асар

халқ назарида бир жасур жангчи сифатида ҳурматга сазовор бўлди. Жангчилар Ҳамид Олимжон шеърлари-ни «мана бизга ёрдам келяпти», деб кутиб олишлари ва «охирги қонлари қолгунча Ватанни ҳимоя қилишга қасамёд қилишлари» ёки Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеърини ўқиб мадад-куч олган жангчи-нинг шоирга қарата: «Сизнинг Гитлерга қараб отган ўқингиз мақсадга бориб тегди», дейиши бунга далил-дир. Бу шоирлар шеърларини ҳаётий, ҳаққоний, қуд-ратли қилган, гоёвий ва бадий юксак қилган нарса, уларнинг Ватан тақдири учун ўзларини жавобгар деб билишлари, халқнинг юраги, дилидаги фикр-тўйгулар-ни ифодалашларидир. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек каби шоирлар турли делегациялар сафида жанг бўлаётган ерларга бориб, уруш кўламини, аср фожиаси-ни, совет кишиларининг чидам ва мардлигини ўз кўз-лари билан кўриб катта ижодий ниятлар билан қайт-дилар. Ойбек эса олти ой жангчилар билан бирга бўлиб, ўнлаб шеърлар ёзди. Ҳамид Олимжоннинг қатор очерклари, публицистик мақолалари, машҳур «Рос-сия» шеъри шу сафарнинг маҳсулидир.

Уруш даври ўзбек поэзиясининг гоёвий-бадий да-ражасининг ўсишида, поэтик маданиятининг кўта-рилишида, айниқса унинг инсонпарварлик, интерна-ционализм, дўстлик ва умуминсонийлик фазилатининг кучайишида эвакуация муносабати билан Тошкентда яшаб ижод этган А. Ахматова, А. Толстой, Н. Пого-дин, И. Сельвинский, И. Уткин, Н. Ушаков, К. Чуковс-кий, В. Державин, Я. Колос, В. Луговской, Е. Э. Бер-тельс, В. М. Жирмунский, Б. С. Мейлах, В. Ф. Шиш-марев, Н. К. Пиксанов, К. Зелинский каби талайгина машҳур шоир, ёзувчи ва олимлар, таржимонларнинг ижоди ҳам муҳим роль ўйнади. Шу даврда Ўзбекистон Ёзувчилар союзини моҳирлик билан бошқарган Ҳамид Олимжон рус ва қардош ёзувчилар асарларини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётини (ҳам классик, ҳам совет адабиётини) рус тилига таржима қилиш ишини давлат миқёсида шундай ташкил қилдики, натижада урушгача бўлган даврда қилишга улгурилмаган таржима иши шу қисқа вақтда бажарилди. Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Ойбек, Зулфия ва бошқа ўнлаб шоирларнинг деярли барча яхши асарлари рус тилига таржима қилинди. Ғафур Ғуломнинг «Шарқдан

келаётирман» ва Ойбекнинг «Навоий» романига Давлат мукофотининг берилиши таржима ишининг пухта йўлга қўйилишига ҳам боғлиқ эди.

Ватан ва ватанпарварлик, қаҳрамонлик, дўстлик, меҳр-вафо ва садоқат — уруш даври поэзиясининг марказий мавзулари эди. Мана бундай мавзуларни ва совет Шарқи республикалари адабиётида муҳим ўрин эгаллаган меҳнат мавзуини талқин қилиш жараёнида ўзбек совет поэзиясининг ғоявий-бадий етуклиги намоён бўлди. «Ўзбек шоирлари бошқа халқлар шоирлари каби,— деб ёзганди ўша вақтда А. Фадеев,— уруш чоқлари ўз қалбларининг бутун қудратини ва талантларини очиб юборгандай бўлдилар. Совет ватанпарварлигини чуқур ҳис қилиш, душманга нафрат туйғулари ўзбек шоирлари шеърларига сингиб кетди. Фронт ва мамлакат ичкарисининг бирлиги, фронт ва мамлакат ичкариси қаҳрамонномаси, СССР халқларининг букилмас дўстлиги темалари ўзбек шоирларининг энг сеvimли темаларидир. Уруш даври поэзиясида Москва ва Совет ҳукуматимиз бирлиги темаси айниқса кучли жаранглайди»¹.

Бу давр ўзбек поэзиясида қаҳрамонлик, интим, романтик, фалсафий ҳамда агитацион лирика кучайди. Уларда драматизм, фожеявий ҳолатларнинг вазни ошди, айни чоқда лирика урушнинг бошидан тортиб чуқур оптимистик поэзия сифатида шуҳрат қозонди (К. Зелинский оптимизм «уруш йиллари ўзбек поэзиясида икки ва уч марта кучайди», деганди ўшанда). Поэзияда ораторлик, жанговар чақириқ, буйруқ, лирик монолог муҳим ўрин тутди, унинг оҳанги гоҳ қаҳр-ғазабли, гоҳ меҳрибон, гоҳ кескин, гоҳ майин жаранглади. Лирикада бўлгани каби баллада ва поэмаларда ҳам конкрет ҳаётий фактнинг салмоғи ошди. «Хат» жанри коллектив шоирлар томонидан ёзилишига қарамай (бу шакл ҳар бир шоир ижодида ҳам кўп қўлланилди) ўз олдига қўйилган вазифасини ўтай олди ва шундай қилиб поэзиянинг синовдан ўтган бир тури сифатида адабиётда ўрин олди.

Классик поэзиямиздаги адолат ва инсонпарварлик руҳи, фольклордаги қаҳрамонлик ва озодлик руҳи, айниқса уларнинг образлари, бадий тасвирлаш воси-

¹ А. Фадеев. За тридцать лет. «Советский писатель». М., 1957, стр. 221.

талари уруш даври поэзиясини янада халқчил, янада ҳаётбахш, янада таъсирли қилишда ўзининг баракали ҳиссасини қўшди.

Урушдан кейинги поэзиянинг мақсади ва вазифаларини ҳам ҳаётнинг ўзи белгилаб берди: галаба билан қайтган совет кишисининг ғурурини ифодалаш, энди меҳнат қуролини қўлига олиб уруш жароҳатларини даволаш, тинчлик саноатини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигидаги асосий ишни техника зиммасига юклаш учун интилиш, янги уруш хавфига қарши кураш, тинчлик ғоясини кенг тарғиб қилиш поэзия марказида турди. Вўлиб ўтган шиддатли уруш, унинг фожиалари, вақтнинг, тарихнинг қадри ва йўли, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва эртаси тўғрисида ўйлаш, қайгуриш — 50-йиллар поэзиямизнинг муҳим фазилатларидан биридир.

Тўғри, 50-йиллар поэзиясида баландпарвоз, байрам тусидаги яланғоч шеърлар — воқеликнинг ички моҳиятини ифодалашга ноқобил ва инсоннинг руҳий кечинмасига бефарқ қаровчи шеърлар ҳам анчагина ёзилди. Бироқ поэзиянинг катта авлоди ёнида илҳом билан ижод қилаётган А. Мухтор, М. Бобоев, Ҳ. Ғулом, Шукрулло, Т. Тўла, Р. Бобожон, Э. Раҳим, С. Акбарий, Пўлат Мўмин изланишлари ва поэзиямиз «оқсоқоллари»нинг яхши асарлари бу давр поэзиясининг етакчи фазилатини белгилади. Кейинги ўн-ўн беш йил ичида поэзиямиз мазмунан, ғоявий-бадий даражаси жиҳатидан сезиларли бойиди, ривожланди. Унинг даргоҳига С. Зуннунова, Ж. Жабборов, А. Абдураззоқ, Ҳ. Шарипов, Э. Воҳидов, А. Орипов, Муҳаммад Али, Омон Матжон, Г. Нуруллаева, Ю. Шомансур, Ҳ. Худойбердиева, Р. Парфи, О. Ҳожиева, Ж. Камол каби ўз шоирлик овозига эга янги кучлар келиб қўшилди.

Ғафур Ғуломга Ленин мукофотининг берилиши, Зулфиянинг Ҳамза, «Нилуфар», Неру ва Болгария Давлат мукофотлари билан тақдирланиши, Уйғун, С. Абдуллага Ҳамза мукофотининг ва Миртемирга, худди шунингдек, юқорида тилга олинган шоирларга Ўзбекистон Халқ шоири унвонининг берилиши, кўп шоирларнинг республика Ленин комсомоли мукофоти билан тақдирланиши поэзиямизнинг ижтимоий ҳаётимизда, халқимизнинг маънавий дунёсида муҳим роль ўйнаётганлигига далилдир.

Бу ютуқларнинг боиси шундаки, поэзиямиз ХХ асрнинг асосий дард-ташвишлари, долзарб масалалари, инсоният тақдири, бугуни ва эртаси, инсон қалбининг талаб ва эҳтиёжлари, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги тўқнашувлар тўғрисида фикр юритмоқда. У ҳам ер курраси бўйлаб кезмоқда, ҳам инсон қалбининг қаърига чуқур кириб бормоқда. Таҳлилилик, ўйчанлик, мушоҳадалилик шеъриятимизнинг асосий фазилати бўлиб қолди. Шоирлар воқеликни мураккаблиги, контрастлари билан кўрсатиш, инсон кечинмасини, психологиясини, руҳий коллизиясини очиш жараёнида замона моҳиятини, ҳаёт қадамини ва келажак шарпасини ифодалашга эришмоқдалар. Зулфиянинг китобларига «Юрагимга яқин кишилар», «Ўйлар» ёки «Висол» деб ном қўйиши, Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» ва «Сурат» поэмасида тарихнинг катта қадамини қаҳрамонлар тақдирида акс эттириб бериши, туркумни самимий юмор билан сўғориши, Шукруллонинг «Россия» поэмаси ва яхшилик туркумидаги шеърларида дўстлик ва инсонийликни улуглаши, Асқад Мухторнинг «99 миниатюра», «Қуёш беланчаги» китобларидаги ҳаётий хулосалар, фалсафий мушоҳадалар, Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома»си ва сўнгги шеърларидаги совет кишисининг Ватанга муҳаббат ва эришган ғалабаларидан чексиз гурурланиш руҳини, инсоннинг қадр-қимматини куйловчи шеърлари, Ҳамид Ғулом ва Шухратнинг тинчлик ва инсониятнинг келажаги, Лениннинг улуглиги тўғрисида баҳс юритувчи баллада ва шеърӣ туркумлари ва бошқа шу каби фактлар юқоридаги мулоҳазаларимизни тасдиқлай олади.

Ғафур Ғулом, Шайхзода, Ойбекдан кейин поэзия байроғини баланд кўтариш Миртемир, Зулфия, Ўйғунлар билан бирга талайгина талантили ва умидли ёшлар зиммасига тушди. Воқеликни барча контрастлари билан акс эттиришда, умуминсоний мотивларни конкрет ёритиб беришда, инсон қалбига чуқур кириб бориш ва инсоннинг ўз-ўзини танишига кўмаклашишда, интим мавзуларни юксак гражданлик позициясида туриб талқин қилишда, поэтик маданиятни ошириш ва сўз устида ишлашда ёшларимиз ўз устозларига содиқ қолишмоқда ва олға томон дадил қадам босмоқдалар.

Ўзбек поэзияси қисқа муддатда ниҳоятда катта

ютуқни қўлга киритди, ўлмас традицияларга эга бўлди. Энг муҳими бу поэзия янги авлодни вояга етказишда актив қатнашди. Поэзиямизнинг эртаси кечаги ва бугунги кунидан ҳам порлоқ. Чунки халқимиз катта ният билан — коммунистик жамиятни қуриш шавқи билан яшамоқда, ер куррасида тобора озодлик гоялари кенг ёйилмоқда, галаба қилмоқда. Шу қайноқ воқеликнинг ўзи шеъриятга қанот, шоирларга илҳом беради, талантини ўстиради. Унинг устига инсон шахсининг ривожланиши билан шеъриятга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам ўса боради. Радио, телевидениенинг ривожланиши, нашриёт ишларининг тағин ҳам жонланиши шеъриятнинг тарғиб-ташвиқ этилиши ва кенг ёйилишида муҳим роль ўйнайди. Ҳаёт, воқелик ва инсон қалби шеърий кашфиёт учун чегарасиз манбадир.

1976 йил.

Мамлакатимиз ва халқимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, ахлоқий ва маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар, айти чокда жаҳон халқлари тақдиридаги муҳим воқеалар адабиётимизда ўз аксини топмоқда, ёзувчиларнинг ижодий активлиги ошди, халқ ҳаёти билан алоқаси янада чуқурлашди, замонанинг муҳим, бош ва етакчи масалаларини бадиий таҳлил этишга, тарих ва халқ, жамият ва инсон тақдирини дадил, ҳаққоний акс этиришга интилиш кучайди, воқеликни барча зиддиятлари, драматик ва фожиавий томонлари билан теран фалсафий асосда ўрганиш, инсоннинг руҳий ва ахлоқий дунёсини, характерлар ва улар яшаётган, меҳнат қилаётган ва курашаётган муҳит шароитни жиддий ижтимоий-психологик текшириш, янги шакл ва тасвирий воситаларни қидириб топишга ҳаракат ва адабий жараённинг бош фазилати бўлиб қолди. Ана шу замонни, даврни, ундаги етакчи жиҳатларни, халқнинг активлиги; қудрати, улуғвор ишлари ва юксак интилишлари, эзгу, мақсад-идеалларини таҳлил этишга ҳаракат ва айти чокда ўтмиш фактларини, сабоқларини ҳозирги замоннинг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий масалаларини ҳал қилишга хизмат этириш иштиёқи адабиётнинг бутун жисмига — тематикаси мазмуни, руҳи, йўналиши, характерлари, образлари, шакли, услубий йўналиши ва тасвирий воситаларига ижобий таъсир қилди. Ўзбек шеърияти ўзининг баланд парвоз этишига халақит бериб турувчи юзакичилик, яшасинчилик, тумтароқлик, сохта агитационлик, ҳайбаракаллачилик иллатидан, драматургиямиз эса «конфликтсизлик» касалидан, прозамиз баёнчилик, юзакичилик, схематизмдан қутулди. Ижодий жараёнда,

адабиётнинг ҳамма жанрларида, ҳамма ёзувчи, шоирлар ижодида юз берган бу ижобий ўзгаришлар адабиётимиздаги реализмнинг янада чуқурлашишига олиб келди.

Адабиётдаги мавзулар ва проблемаларнинг кенгайиши, кўпайиши ҳам ижодкорларнинг воқеликка ва халқ тақдирига чуқур ёндашиши, бадиий тасвирда ҳаққонийликнинг кучайиши билан боглиқ. Агарда 50-йилларнинг иккинчи ярмидан то шу кунгача бўлган адабиётимиз манзарасига назар ташланса, унинг қамрови (мавзулар, масалалар) ва реалистик кучи изчил равишда ўсиб борганига амин бўлиш мумкин. Аввало гапни ўзбек адабиётида халқаро тематиканинг ўрни масаласидан бошлайлик. Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг II съезди билан III съезди оралиғида 15 йил ўтади. Аммо шу III съездда мисолга олиш учун халқаро мавзуда бир-иккита асар яратилган холос. М. Бобоевнинг «Эрон дафтари» яратилганди (Ойбекнинг «Нур қидириб» асари съезддан кейин босилади). Ундан кейинги ўтган муддатда жуда кўп ёзувчиларимиз, жумладан Ғафур Ғулом, Яшин, Зулфия, Ш. Рашидов, С. Азимов, Ҳ. Ғулом, Р. Бобожон, Мирмуҳсин, А. Мухтор, В. Зоҳидов, Шухрат, Ж. Жабборов, Б. Бойқобилов, Р. Файзий каби жуда кўп ижодкорлар жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлишди, мажлис, кенгаш, конгрессларда қатнашишди, турист сифатида жаҳон халқлари тақдири билан ошно бўлишди. Бу нарса ўзбек совет адабиётининг чет эл адабиёти билан бўлган алоқаларини кучайтирибгина қолмасдан, унинг тематикасини бойитди: халқаро тематика унинг муҳим мавзуларидан бирига айланиб кетди. Ғафур Ғуломнинг «Ленин ва Шарқ» китоби, Афғонистон сафарида яратилган шеърлари, Зулфиянинг «Мушоира», Ш. Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи», С. Азимовнинг «Қонли сароб» асарлари, Ҳ. Ғуломнинг «Қитъалар уйғоқ», «Куба ҳақида ҳикоялар», «Япония ҳақида ҳикоялар», «Жазоир устида нур», Мирмуҳсиннинг «Араб ҳикоялари», Шухратнинг «Жаннат қидирганлар» романи, В. Зоҳидовнинг «Шарқни шарафлаб...», Р. Бобожоннинг «Венгрияга багишланган шеърлари» ва бошқа шоир, ёзувчиларнинг шеър, хотираномалари ўзбек адабиёти нигоҳининг узоқ-узоқларга етиб борганини, айниқса дунёдаги сиёсий-ижтимоий воқеаларни қаламга

олиб, тинчлик, прогресс, озодлик ва коммунизм ғояларини тарғиб этишга интиланликларини кўрсатади. Халқаро мавзуда шеър ёки поэма, балладагина яратилиб қолмай, драматик асар ва романларнинг пайдо бўлиши ўзбек ёзувчилари камолотидан нишонадир. «Мушоира» ва «Кашмир қўшиғи» каби асарларнинг бир нечта чет эл тилларига таржима қилиниши эса сўз санъаткорларимизнинг халқаро мавзуни шунчаки кўтариб қўяқолмасдан, уни юксак бадиий шаклда талқин қилаётганлигини тасдиқлайди. Бундай асарларда жаҳон халқлари тақдиридаги муштарак масалалар — тинчлик, адолат, прогресс масалалари кўтариб чиқилиб, умуминсоний ғоялар олга сурилади. Мазкур фактлар айтиш чоғда ўзбек адабиётидаги интернационал пафоснинг янада чуқурлашиб бораётганлигидан ҳам дарак беради.

Ўзбек адабиётида интернационализм ғоясининг кучайиши фақат халқаро тематика билангина боглиқ эмас. Ўзбек ёзувчиларининг тарихий-революцион мавзуни, Улуг Ватан урушига бағишланган асарларида халқ, инсон тақдирини озодлик, социализм ва тинчлик масалалари аспектида бадиий талқин қилишида уларнинг ўткир интернационалистик ғоялари ётади. Интернационализм, «ягона оила» туйғуси деярли барча асарларимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бунинг заминида конкрет тарихий факт, ҳаётий воқеалик — социалистик турмуш тарзи ётибди. Бизнинг республикамиз ҳам бошқа қардош республикалар каби кўп миллатлидир. Унда юздан ортиқ миллат қўлни-қўлга бериб коммунистик жамият қуришда иштирок этмоқдалар. Шундай ташкилот ва муассасалар борки, уларда элликдан ортиқ миллат вакили ишлашмоқда (Тошкент тўқимачилик комбинатида 41 миллат, Мирзачўлдаги «Пахтаорол» совхозиди 40 дан ортиқ миллат вакили ишлайди). Бу ажойиб факт адабиётимиздаги қаҳрамонларни ҳам кўп миллатли қилмоқда. Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамова турли миллатга мансуб 15 болани ўз қучоғига олиб тарбияладилар. Бу оилага бағишланган «Ҳазрати Инсон» асаридаги қаҳрамонларнинг кўп миллатли бўлиши шунинг учун ҳам табиий эди. Революцияга бағишланган «Инқилоб тонги» ёки ҳозирги ўзбек ҳаётини кенг кўламда қамраб олувчи «Чинор»да тур-

ли миллат вакиллари, биринчи навбатда рус кишилари образининг бўлишини ҳаёт мантиқининг ўзи тақозо қилади. Дарвоқе, ўзбек халқини абадий озодликка олиб чиқиб сиёсий, иқтисодий, маданий соҳада ҳозиргидек юксак даражага кўтарилишида оғаларча ёрдам бериб келаётган улуг рус халқининг образи бизнинг адабиётимизнинг ҳамма жанрларида йил сайин янада теранроқ ва ҳаётийроқ қилиб тасвирланиб бормоқда. Ҳамза пьесаларида, Ойбекнинг «Қўтлуғ қон» романида эпизодик тарзда иштирок этган (Йўлчи революцион онгининг ошишида турмада Петров билан бўлган учрашув ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган) рус кишиси образлари ҳозирги вақтга келиб асарларимизнинг бош қаҳрамонларидан бирига («Машъал», «Инқилоб тонги» каби), асарни кўтариб турувчи устунлардан бирига айланди, уларнинг иштироки ҳаётий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантирувчи омиллардан бири бўлиб қолди. Унинг устига ёзувчиларимиз рус кишиси образини чизишда авваллари йўл қўйиб келинган камчиликлардан — схематизм, рангсизлик, бирёқламалик, нурсизликдан қутулмоқдалар: энди рус кишилари фақат маслаҳат берувчи, четдан кузатувчи эмас, балки ўсувчи, шаклланувчи, жонли одам сифатида намоён бўлмоқда. Ёзувчиларимиз рус кишиси характериға хос қирраларни — меҳнатсеварлик, дўстлик, садоқат, чидамлилиқ, юксак эътиқод, фидокорлик, ватанпарварлик, интернационализм каби фазилатларни илғаб олиб, жозибали образларда кўрсатишға эришмоқдалар. Шуни айтиш керакки, рус кишиси, бошқача қилиб айтганда бошқа халқ вакилининг образини яратиш иккинчи халқ ёзувчиси учун осон эмас. Бу — ёзувчидан жуда катта жасорат ва маҳоратни талаб қилади. Ўз халқининг, ўз миллати вакилининг тўлақонли образини чизиб беролмаган ижодкор ҳеч вақт бошқа халқ вакили образини ҳаётий қилиб бера олмайди. Тўғри, Ш. Рашидов ҳақли равишда таъкидлаганидек, «Янги ижтимоий муносабатлар, совет кишиларининг ижтимоий, иқтисодий турмуш шароитлари, мақсад ва манфаатларининг бирлиги уларнинг маънавий қиёфасидаги янги ва умумий хислатларни вужудга келтирди. Ватанға чексиз муҳаббат, халқлар ўртасидаги самимий дўстлик, коммунизм тантанасига зўр ишонч, машаққатларни енгишдаги сабот-матонат,

жонажон Коммунистик партия атрофига тобора мустаҳкам жипслашиш — буларнинг ҳаммаси янги давр кишиларининг олижаноб фазилатидир. Совет кишиларига хос маънавий-сиёсий хислатлар айниқса Ватан уруши йилларида ёрқин намоён бўлди. Социалистик Ватан билан фахрланиш туйғулари, ҳаётбахш ватанпарварлик ва изчил интернационализм барча социалистик миллатлар маънавий қиёфасини белгилаб турибди»¹.

Мана бу фактор бошқа миллат вакили образини гавдалантиришда бирмунча қулайликлар туғдиради. Лекин бу деган сўз бошқа халқнинг ўзига хос тарихи, маданияти, урф-одати, психологияси, характери, нарсаларни тушуниш ва тушунтириш тарзи, тафаккур қилишдаги нозик ўзига хос жиҳатларини эътиборга олмай туриб унинг ҳаётбахш образини яратиш мумкин демак эмас. Зотан бизнинг айрим романларимиз ва пьесаларимизда схематик образларнинг учраб туриши ҳам шундан: уларнинг исмини ўзгартириб қўйса ҳам ҳеч ким ажабланмайди. Ўзбек ёзувчиларининг рус кишининг ҳаётий образини гавдалантириши учун жуда кўп имконият бор: бой рус классик ва совет адабиёти, улар асарларини таржима қилиш, адабий учрашувлар, адабиёт кунлари, ўн кунликлар, шахсий муносабатларнинг ўзи катта бир мактаб, айтиш жоизки рус кишилари бизнинг энг улуғвор, энг қийин қурилишларимизда етакчи куч ҳисобланади, завод-фабрикаларда, фан соҳасида рус халқининг қўшаётган ҳиссаси беқиёс каттадир.

«Ўзбек санъаткорлари ижодида, — деб таъкидлайди Ш. Рашидов, — Россия, рус халқи мавзуи Ленин партияси мавзуи билан, социалистик интернационализм ғоялари билан коммунистик қурилишнинг кенг истиқболи билан маҳкам бирлашиб кетади. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки Ленин партиясининг ишлари ва улуғвор режалари тўғрисидаги фикр бизнинг онгимизда улуғ рус халқининг революцион, бунёдкорлик фаолияти билан чамбарчас боғланган»².

Ўзбек адабиётида интернационал ғояларнинг чуқурлашиши Ленин ва коммунистлар образини яратиш

¹ Ш. Рашидов. Дўстлик байроғи. ЎзКП МКнинг Бирлашган нашриёти, Т., 1967, 152-бет.

² «Шарқ юлдузи», 1977, № 1, 19-бет.

га багишланган асарларнинг тобора кўпроқ яратилиши билан ҳам боғлиқ. Бу гоят муҳим ва муқаддас мавзуларга ижодий ёндашиш, айниқса Ленин образининг янги қирраларини очишга интилиш кучаймоқда. Ўзбек совет поэзиясида Ленин образини яратишда маълум ютуқлар, традицияларга эга бўлди (30-йиллар поэзиясида). Кейинги йилларда бу мавзуга диққат қилмаган шоирни топиш қийин. Гап адабий жараёнга бетўхтов ёш ижодкор кучларнинг кириб келиши ва буларнинг ўз устозлари йўлидан бориб бу доимий мавзуга қўл уришида эмас. Масаланинг муҳим томони шундаки, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш ишининг авж олиши, дунёда озодлик, революцион ҳаракатларнинг кучайиши, социализм йўлига ўтиб олган мамлакатларнинг кўпайиб бориши марксизм-ленинизм гоёсининг нақадар ҳаётий ва қудратли эканлигини кун сайин тасдиқлаб бормоқда. Шунинг учун ҳам Ленин образини республикамиз ёки мамлакатимиз миқёсида эмас, балки жаҳон халқлари тақдири, ҳозирги замон — XX аср инсоният тарихи тақдири нуқтаи назаридан талқин қилиш кучаймоқда. Бу тенденция ҳозирги поэзиямизда ёрқин кўзга ташланади. Ғ. Ғуломнинг ўз китобига «Ленин ва Шарқ» деб ном бериши бежиз эмасди. М. Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Ҳ. Ғулом, Шухрат, Э. Воҳидов, А. Орипов, Ҳ. Шарипов поэзиясида доҳий образини шу йўсинда акс эттириш устун туради. Ўзбек адабиётида Ленин образини гавдалантиришда яна бир олға ташланган қадам ҳам бўлиб, бу санъаткорларимизнинг Ленинни лирик образини чизишдан эпикликка ўтишида кўринади. Энди Ленин образи йирик эпик асарларимизда ҳам иштирок эта бошлади. Бунда ёзувчилар олдида тарихийлик принциpidан чекиниш хавфи туради. В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятини Ўрта Осиё, жумладан ўзбек халқи тақдири билан боғлаш масаласи жуда қийин, Ленин ва ўзбек халқи тақдири масаласини конкрет тарихий шароит, замон контекстида ва халқ тажрибасига суянган ҳолда бадий талқин қилиш йўлидан борган ўзбек ижодкорлари тарихийлик принципини бузмасликка эришдилар. Агар диққат қилинса, Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» пьесасида Ленин ўзбек делегатлари билан учрашгандагина у бевосита саҳнада кўринади, лекин асарнинг бутун руҳида ҳам, ҳар саҳнасида ҳам Ленин

нафаси келиб туради. Бу тарихий ҳақиқатга тўғри келади (А. Мухторнинг «Опа-сингиллар»ида ҳам). Миртемирнинг «Ленин жилмайиши», «Олим Фаргонадан» каби воқеий манзумаларида шоир аниқ тарихий фактга асосланади (доҳийга совга олиб бориш). Шуҳрат, Э. Воҳидов, Ҳ. Шарипов каби шоирларнинг баллада ва поэмаларида ўзбек адабиёти учун янгилик бўлган, бироқ рус ёзувчилари традицияси йўлидан бориш тенденциясини кўрамиз. Булар В. И. Лениннинг революцион фаолиятини, унинг ёшлигини ва унинг гоёсининг қудратини, халқнинг доҳийга меҳр-садоқатини ифодаловчи асарлар ёздилар. Доҳий образини чизишда шоирларимиз шартлилик принциpidан ҳам фойдаланмоқдалар. Миртемир «Ленин ва Ражаб бобо» поэмасида хат воситасидан фойдаланади, Ҳ. Шарипов эса «Изма-из» поэмасида Олимни Ленин билан ҳаёлан учраштиради, баҳс қилдиради. Ўзбек ёзувчиларининг Ленин образи талқинида мана бундай янги-янги йўлларни топишга интилишлари ва доҳий сиймосининг очилмаган қирраларини кашф этишга эришаётганлари адабиётимиздаги ижобий тенденциялардан бири сифатида қимматлидир. Тўғри, ёзувчиларимиз Ленин мавзуга бошқа томондан ҳам чуқур кириб бормоқдалар: Ленин сафдошлари (Фрунзе образи каби) ва революционерлар образини адабиётга дадил олиб кириш йўли билан ҳам Лениннинг улўғлиги ва барҳаётлигини ифодаламоқдалар. Айниқса коммунист образи талқинида кейинги даврларда ўзбек ёзувчилари жиддий ютуқларни қўлга киритдилар.

Бу фикрни айтишда бир неча факторга суяндик. Бугунги ҳаётимизда ҳам саноат, ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам фан оламида — ҳамма соҳада коммунистларнинг доно раҳбарлиги, фидокорлиги ва жасоратини, унинг халқ билан ҳамнафас яшаб, уни юксак идеаллар сари дадил бошлаб бораётганлигини ёритишга бағишланган кўплаб прозаик, драматик ва шеърый асарларнинг майдонга келаётганлигигина кишини қувонтирмай қолмайди. Энг характерли томони, коммунистлар ҳозирги замон ҳақидаги асарларимизнинг бош қаҳрамонига, қон томирига, бош устунларидан бирига айланиб кетди. Бугунги ҳаётимиздаги коммунистнинг ўрни ва ролини, унинг сермазмун ҳаёти, фаолияти, турмуши, руҳий оламини чизиш — ҳозирги кун ада-

биётимиз учун асосий ижодий изланиш ва кашфиёт майдонига айланган. Иккинчи майдон — иккинчи ижобий тенденция адабиётимизнинг аввалги даврларида 20—30-йиллар ёки Улуғ Ватан уруши йилларида шу давр адабий жараёнининг даражаси билан, демак объектив сабаб билан ҳосил бўлган «кемтиклик» ҳозирги давр ёзувчилари томонидан тўлдирилмоқда. Бу «кемтиклик» мамлакатимизда Октябрь социалистик революциясини амалга оширишда, гражданлар уруши ва тинч даврда мамлакатни индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даврида, шунингдек Улуғ Ватан уруши давридаги коммунистларнинг буюк ролини кўрсатишда ҳосил бўлганди. Ҳозирги адабиётимиз ўша йиллар адабиётимиз қилиб улгурмаган бу жиддий ва муқаддас ишни — коммунистларнинг халқни социализмга олиб кириш ва инсониятни фашизм зулмидан озод қилишдаги мислсиз жасоратини, буюк ташкилотчилигини кўрсатишга катта диққат қила бошлади ва бу борада кўп миллатли адабиётимиз ютуғи бўлиб қолган етук асарлар майдонга келди. «Инқилоб тонги», «Машъал», «Улуғ йўл», «Фарғона тонг отгунча», «Чироқ», «Номаълум киши» ва «Қуёш қораймас», «Қудратли тўлқин», «Уфқ», «Ҳазрати инсон», «Шинелли йиллар», «Эр бошига иш тушса», «Тошкентликлар», «Фидойилар», «Беш болали йигитча» каби асарлар маъна шу халқимиз ҳаётидаги энг муҳим бурилиш нуқталар ва улғувор воқеалар юз берган даврлар, ундаги халқ ҳаёти, биринчи навбатда коммунист образи талқинига бағишлагандир. Тўғри, ҳали тарихий-революцион тема талқинида воқеликнинг кашф этилмаган қирралари кўп ва бу борада айрим асарларимизда учраб турувчи китобийлик, бир хилликдан қочиш имконияти катта: Улуғ Ватан уруши даврида, айниқса жанг майдонларида ўзбек коммунистларининг катта ташкилотчилик ролини ёритувчи асарлар жуда оз. Унинг устига жангчи ёки фронт орқасидагиларнинг ахлоқий, руҳий дунёсини, психологиясини чуқур текшириш, улар тақдирининг ҳаққоний таҳлили орқали уруш даврининг фожиаларини ва совет кишисининг букилмас иродаси, юксак онглилиги, чексиз ватанпарварлигини ифодалаш ўрнига жанг тафсилотлари, воқеаликнинг сиртини тасвирлашга уриниш сезилади.

Аммо урушдан аввалги ва уруш даврига бағишланган йирик эпик асарларда ўзбек воқелигининг янги бир томонини кашф этишга муваффақиятли интилиш тенденцияси туғилдики, буни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш керак. Бу — ўзбек аёлларининг совет ҳокимиятини қуриш ва фронт йилларидаги жасоратини кўрсатишга бағишланган асарларнинг дунёга келатганлигидир. («Опа-сингиллар»даги Онахон, «Ғолиблар»даги Ойқиз, «Машғал»даги Ёзозхон, «Хуррият»даги Хуррият» «Тошкентликлар»даги Ойниса ва бошқалар). Бундай аёллар озодлик учун интилувчилар эмас, балки етакловчилардир, янги ҳаётнинг актив қурувчилари ва янги улуғвор ишларнинг ташаббускорларидир. Ана шундай хотин-қизлар раҳбар типининг адабиётимиздан мустаҳкам ўрин олаётганлигини ҳозирги кун ҳаётимизга бағишланган асарларимиз тасдиқлайди. Чиндан ҳам Ойқиз ва Саида образлари билан адабиётимизда хотин-қизлар образи соҳасида янги давр, янги босқич бошланди. Бу яхши традиция А. Мухтор, О. Ёқубов, Ҳ. Ғулом, И. Раҳим романларида, С. Аҳмад, Ҳ. Умарбеков пьесаларида давом эттирилмоқда.

Коммунист образининг асарларимизда тобора салмоқли ўринни эгаллаб бораётганлиги бу образнинг асарда бош қаҳрамон қилиб олинishi ва асарнинг бошидан охиригача иштирок қилиши билан белгиланмайди. Ёзувчининг ғоявий нияти ва асар материалига қараб бу образ бош қаҳрамон ҳам бўлиши, асарнинг бошидан охиригача иштирок этиши ёки эпизодик образ бўлиши мумкин. Ҳамма гап, асарда иштирок этган коммунист образи асарнинг ўқ томирларидан бири, устунларидан бири бўла олсин, унинг иштироки воқеанинг ривожини ва конфликтнинг тақдирини таъсир қилсин, ҳаётини ва жозибали қилсин. «Бўрондан кучли»да бир эмас, бир неча коммунист — коммунистлар коллективи бир-бирини такрорламайдиган даражада ҳаётини чизилган: улар гоҳ шахсий турмуш қучогида, гоҳ қурилишда, гоҳ кескин тўқнашувчи, гоҳ бюро мажлисида — қисқаси, ҳар хил ҳолатда кўрсатилади. Ана шу кўп қиррали ёндашиш уларнинг тўлақонли образини гавдалантиришга хизмат этади. «Чинор»да ҳам коммунист образи реалистик бўёқда чизиб берилади. А. Мухтор замонавий раҳбар типи образини муваффа-

қиятли гавдалантиришга эришяётган ёзувчиларимиздан биридир. Ҳозирги прозамизнинг қонуний ютуғи бўлиб ҳисобланган О. Ёқубовнинг «Диёнат» романи «Бўрондан кучли», «Синчалак» асарларининг традицияларини давом эттиради ва ривожлантиради. «Қудратли тўлқин»даги Тўраҳонёв, «Бўрондан кучли»даги Қодиров, «Синчалак»даги Қаландаров образлари коммунист образи талқинига чуқур ва дадил ёндашишнинг ижобий натижаси эди. «Диёнат»да эса шу етмишинчи йилларнинг Қаландарови, Қодировларининг типик образи берилади. «Диёнат»даги Шомуродов ва Отақўзи образи адабиётимиздаги янги жозибали образлар сирасига киради. Бутун персонажлар бир-бири билан оилавий — қариндошчилик томонидан жипс боғланган, воқеалар ҳам шундан келиб чиқиб ўзаро тутшиб ётган бу асарнинг композицияси шу қадар метиндек мустақкам ва қуймаки, ундан бирор персонажни олиб ташлаш ёки эпизодлар ўрнини алмаштириш асар яхлитлигига путур етказмасдан иложи йўқ. Аммо бу оилавий туташ образлар билан бўлган воқеаларнинг халқ ҳаёти, тақдири билан боғлиқ нуқталари олинади ва қолган томонларининг эса ижтимоий мазмунини очиш диққатда тутилади. Мана шу композицион яхлитлик ва мукамаллик бош ниятга — раис Отақўзи образини бор бўйича ҳаётий гавдалантиришга хизмат этади. Отақўзининг фожиаси роман охирида унинг руҳий кечинмасида мана бундай ифодаланади ва баҳоланади. У тоғаси Шомуродов қабри ёнида шундай ўйлайди:

«Афсус-надомат эмиш. Ҳей, Отақўзи. Лоақал энди, бу улуғ инсоннинг қабри тепасида, ўз виждонинг олдида мунофиқлик қилмагин. Илгарилари ўкситганинг етмагандек, умрининг энг сўнгги дақиқаларигача бетгачопарлик қилмадингми бу ҳалол ва ҳокисор одамга? Сохта обрў, юксак лавозим ва ўткинчи шон-шуҳратни деб, унинг яхши ниятларини рад этиб, яхши гапларини оёқ-ости қилмадингми? Ҳатто пешонанг деворга бориб текканда ҳам, ҳатто шу бугун ҳам ҳаётнинг бу шафқатсиз сабоқларидан хулоса чиқариш ўрнига манманлик қилиб, ҳамон ўз обрў-этиборинг учун олишяётганинг йўқми? Бас. Бўлди. Лоақал энди, ҳаётнинг бу раҳмсиз ҳукми олдида ҳалолликни, диёнатни ўйла, Отақўзи.

Ҳа, одам боласидан фақат яхшилик қоларкан бу дунёда. Бошқа ҳамма нарса — шон-шухрат истаги, юксак лавозим йўлидаги курашлар, обрўпарастлик, манманлик — буларнинг ҳаммаси ўткинчи ва ноҳалол бир нарса экан.— Отақўзи буни тушунди, кеч бўлса ҳам тушунди...»¹

Ёзувчининг асар композицияси заминига оилавий боғланишни асос қилиб олиши бизнинг турмуш тарзимиз ва одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетган коммунистик онг, коммунистик ахлоқ, коммунистик эътиқодни кўрсатиш учун хизмат этган.

О. Ёқубов романдаги Отақўзи, Шомуродов ва бошқа шулар каби мураккаб образларнинг руҳий оламини, қалб диалектикасини жуда чуқур ва теран бадиий таҳлил этади. Ёзувчига шухрат олиб келган бош омил ҳам унинг шу чуқур психологик таҳлилидир. Зотан ўзбек прозаси худди шу масалада оқсаб келмоқда. О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» асарларида психологик таҳлил соҳасида эришган жиддий ютуғи ҳозирги ўзбек прозаси ривожига сезиларли туртки берди.

«Совет кишилари шуни яхши биладиларки,— деб таъкидлаган эди Л. И. Брежнев XXV съезд минбаридан,— қаерда қийинчиликлар бўлса, шу ерда коммунистлар олдинги сафда бўладилар. Совет кишилари шуни биладиларки, қандай кори ҳол рўй бермасин, коммунистлар уларни доғда қолдирмайдилар. Совет кишилари шуни билдиларки, партия бўлган жойда муваффақият бор, ғалаба бор. Халқ партияга ишонади. Халқ партиянинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўқис қувватламоқда. Бу эса партиянинг бир кучига ўн куч қўшмоқда. Партия учун битмас-туганмас куч-ғайрат манбаи бўлмоқда.

Лекин коммунистлар ҳам шуни яхши биладиларки, мамлакатга раҳбарлик қилишни коммунистларга ишониб топшириб қўйган халқ гоят меҳнатсевар, мардонавор, чидамли, саховатли, истеъдодли ва доно халқдир. Бу халқ бошига балойи-офатлар тушган йилларда ҳам букилмайдиган халқдир. Бу халқ ўзининг

¹ О д и л Ё қ у б о в. Диёнат. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1978, 349-бет.

жуда катта ишидаги ҳар бир нуқсонни кўрганида жон куйдираётган халқдир. Бу халқ ўз муваффақиятлари билан мақтанмайди, лекин бу муваффақиятларни камситмайди ҳам. У бошқа халқларнинг шодлигини кўриб қувонадиган ва дардига дардкаш халқдир, уларнинг адолат, эркинлик, социал тараққиёт йўлидаги курашига ёрдам беришга тайёр. Совет халқи — ҳақиқатан буюк, қаҳрамон халқ»¹.

Партия ва совет халқи бирлигини бадиий таҳлил этиш ҳам совет адабиётининг доимий ва энг муҳим вазифаси бўлиб келди. Кейинги йилларда ўзбек прозасида юздан ортиқ роман ва кўплаб повестлар, ўнлаб драматик асарлар, поэмалар вужудга келди. Шубҳасиз, булар марказида халқ ва партия бирлиги, халқнинг кураш йўли, Улуғ Ватан урушидаги жасорати, тикланиш, қўриқлар очиш, саноат, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, коммунистик жамият иншоотларини қуриш жараёнидаги мислсиз ролини ёритиб туради. Бу тенденцияни биргина роман жанрининг ўзини олиб, унинг тематикаси, мазмуни, уларда иштирок этган персонажлар галереяси тоифасига, асар ғояси, пафоси, ва шаклига диққат қилинса, ижодкорлар диққатида халқ ҳаракати, курашини бадиий тадқиқ этиш турганига амин бўлиш мумкин. «Қуёш қораймас»да урушдаги халқ, «Бўрондан кучли»да табиатни инсон азмига бўйсундираётган халқ, «Чинор»да ўзбек халқининг ярим асрлик йўли ва камолоти туради. «Машъал», «Бинафша атри», «Уфқ», «Қора кўзлар» ва яна ўнлаб асарларда халқнинг турли даврдаги ҳаёти ва турли ҳаётий проблемаларни ҳал қилишдаги қудрати ёритилади. Бу асарларнинг сарлавҳаси ва ички пафосига диққат қилинса, уларда халқ проблемасини фалсафий аспектда ҳам талқин қилишга интилиш кучли эканлигини сезиш мумкин. Халқ образини яратишни диққат назарида тутишнинг ўзи асарларга катта ижтимоий-сиёсий-тарихий воқеаларни асос қилиб олишни, воқеаликни кенг эпик кўламда кўрсатишни, кўп тармоқли сюжетлар ва конфликтларни олиб килишни, айниқса халқнинг турли тоифалари, қатламларига доир (айни чоғда турли миллатларга доир) вакиллари асарга киритишни тақозо қилади ва бу ўз ўр-

¹ КПСС XXV съездининг материаллари, 120-бет.

нида роман шаклига таъсир қилмоқда. Ёзувчиларнинг воқеликни ва халқ ҳаётини бадий идрок этишидаги кенг кўламлилик роман шаклини ўзгартирмоқда, тўғрироғи, ўзбек романчилигида дилогия ва трилогияни келтириб чиқарди. «Ғолиблар»даги ёзувчининг бадий тафаккуридаги кўлам кенглиги ва катта ғоявий ният «Бўрондан кучли»ни ҳам ёзишни тақозо қилди. Халқ бошлаган ҳаракат мантиқи, қаҳрамонлар характерлари мантиқи шуни тақозо қилди. «Машъал», «Фаргона тонг отгунча», «Улуг йўл», «Уфқ» (ҳатто «Хоразм» каби тетралогия) ҳам кўп томли романларнинг дунёга келишида ҳаётий қонуният ётади. Тўғри, баъзи дилогия ва трилогияларнинг айрим китобларининг мукаммал бўлиб, қолганларида сунъийлик, сохталик, схематизм иллатларининг сезилиб қолишида ижодкорларнинг романни бу турининг имконияти, табиатини пухта эгалламаганлиги сезилса, иккинчи томондан, авторларнинг аввалдан материални икки ёки уч китобга мўлжалламаганлиги воқеа ривожи, конфликтнинг кескинлашуви ва ҳал этилишида характерлар мантиқи билан воқеа мантиқидаги муносабатларни тарозида тенг торتماганлиги бўлса керак. Агар мазкур асарлар ёзилишига диққат қилинса, деярли ҳаммаси бошланишида бир китобга мўлжалланилган. Ҳатто «Уфқ»нинг биринчи китоби бўлмиш «Қирқ беш кун» иккинчи-учинчи китобидан кейин майдонга келди. «Уфқ» номи билан дунёга келган илк китоб ҳар жиҳатдан пухта бўлиб, бу кейинча «Ҳижрон кунлари» деган номда ёзувчининг учала китобини бирлаштирган бир томга киритилди, энди «Уфқ» трилогиянинг умумий номи бўлиб қолди, «Қирқ беш кун», «Ҳижрон кунлари», «Уфқ бўсағасида» учала китобнинг номларидир. С. Аҳмад трилогия учун воқеликдаги эпик ҳолатни топиб, тарих ҳаракатини, халқнинг уч даврдаги (канал қурилиши, уруш ва ундан кейинги давр) ҳолатини, руҳини, психологиясини бера олган. Албатта, бунда ҳам бошқа кўп жилдли романлардаги каби кўпсўзлик, ясамалик, композицион бўшликка йўл қўйилган ўринлар йўқ эмас.

«Уфқ» муносабати билан ўзбек романчилиги, тўғрироғи, ўзбек адабиётининг ҳамма жанрида конкрет тарихий факт, документлар иштироки ва ролининг ошиб бораётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ёзувчи-

лар ўзлари кўрган, билган тарихий фактлар ва тарихий шахсларни асарда ишлатиб, уларнинг моҳиятини теран очиб, бадиий ҳақиқатни ифодалашга хизмат эттирмоқдалар. (Кейинги йилларда очерк ва бадиий публицистиканинг кескин ривожланиб, «Ишчилар», «Зиёлилар», «Олтин тоғлар», «Чўлқуварлар», «Оқсоқоллар», «5000000» каби тўпламларнинг нашр этилиши ҳам эътиборли ҳодиса.) Тарихий шахс ва тарихий фактлар асардаги бадиий тўқимага чоксиз едириб юборилиб, етук асарлар яратилмоқда ва шундай қилиб бу йўл воқеликни реалистик тасвирлашда муҳим воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Яшиннинг «Инқилоб тонги»даги бош қаҳрамон номи бир оз ўзгартирилган бўлса-да, аслида унинг асосида аниқ тарихий шахс — Файзулла Хўжаев туради, бошқа бир қанча образлар эса тарихда қандай исмда бўлса, шундай берилган. С. Аҳмаднинг «Уфқ» трилогиясида Й. Охунбобоев ва У. Юсуповлар иштирок этади. Катта Фарғона канали ҳақидаги «Қирқ беш кун»да бу тарихий шахсларнинг иштирок этиши қонуний ва табиий эди (ундан кейингиларида ҳам улар қатнашади). «Тошкентликлар»да ҳам мана шу тарихий шахслар иштироки мантиқий асосланган. Ўзбек халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ҳаётига бағишланган Г. Марьяновскийнинг «Минг бир тақдир» ҳужжатли қиссаси аниқ тарихий фактларга ва тарихий шахслар асосида ёзилган документал асардир. А. Раҳматнинг Майна Ҳасанова ҳаёти ҳақидаги «Жасорат» пьесасида ҳам тарихий шахслар иштироки муҳим ўрин тутади. Тўғри, тарихий, тарихий-биографик ва автобиографик жанрдаги документаллик (тарихий факт, тарихий шахс иштироки) билан «Уфқ» типидagi асардаги документаллик бир-бирига тенг эмас. «Уфқ»да тарихий факт, тарихий шахслар асарнинг заминида ётади, ёзувчи учун прототип бўлиб хизмат этади, аммо Й. Охунбобоев ва У. Юсупов каби тарихий шахсларнинг иштироки асарда ёрдамчи тасвир принципларидан бири ҳолос. Тарихий, тарихий-биографик ёки автобиографик жанрларда аксинча документаллик асосий, бош омил бўлиб, ўша тарихий факт ва тарихий шахслар етишмай қолганда ёзувчилар ўз гоёсини ифодаловчи, тўғрироғи, ўша тарихий давр руҳини тўла беришга хизмат этувчи воқеа ва персонажларни тўқиб киритади.

О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» шундай асар. Ай-тиш мумкинки, О. Ёқубовнинг баъзи тўқима образлари прототипли образларига нисбатан жонли, ҳаётӣй чиққан. Аммо О. Ёқубов романда тарихӣй факт ва тарихӣй шахсларни бадиӣй таҳлил қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатган: асарда тасвирланган вақт масофаси жуда қисқа — Улуғбек ҳаётининг сўнгги — фожиали якунланиш даври ва унинг оқпадар ўгли Абдуллатифнинг олти ойлик ҳукмронлик даври. Лекин ёзувчи Вақт қаърига чуқур кириб боради, Улуғбек руҳӣй оламини туб-тубигача психологик таҳлил этиб, унинг мана шу оний ҳолатида қирқ йиллик ҳаёт йўлини гавдалантира олади. Романда тасвирланган очиқ кураш (ота-болалар ўртасидаги тахт учун кураш)дан ташқари етакчи образларнинг руҳӣй дунёсидаги кураш — коллизиянинг теран тасвирланиши асардаги драматизмни кучайтирган. Бунга ёзувчи кўпроқ Улуғбекнинг ички монологи орқали эришади (тўғри, баъзан бунда бир хиллик сезилади, меъёр сақланмайдӣ). Улуғбек ҳаётӣ, Абдуллатиф тақдири, Хўжа Аҳрор, Али Қушчи, Қарноқӣй билан Хуршида бону тақдирлари орқали олға сурилган ўткир ғоялар, ҳаётӣй фикрлар ва фалсафӣй мушоҳадалар — инсонийликни, адолатни, илм-фанни, маънавий юксакликни улуғлаш ва жаҳолат, зулм, тенгсизлик, қаллобликнинг кескин қораланиши бугунги кунимиз учун хизмат этади. Мирмуҳсиннинг «Меъмор»ида эса юз йиллик воқеа ётади. Ёзувчи мана шу узоқ вақт ичидаги ўткир ва фожиавӣй воқеаларни, шу жараёндаги одамларнинг аҳволини, меъморлардаги юксак санъаткорона дидни меҳр билан чизади ва эзгулик, халқ руҳи, орзусининг ифодачиси бўлмиш санъат мўъжизалари ўлмасдир, деган ғояни олға суради. Агар мавжуд тарихӣй асарларга назар ташланса, уларнинг бир-бирига ўхшамаслиги ва бу ўзига хослик у асарларга асос бўлган тарихӣй материал характери, ёзувчиларнинг ижодӣй нияти билан боглиқ эканлигига ишониш мумкин. Бирида тарихӣй муддат ҳам, воқеа бўлиб ўтган жой ҳам тор, «Меъмор»да аксинча «Юлдузли тунлар»нинг сюжет чизигини эса Бобирнинг ҳаёт йўли белгилайди. Унда тарихӣй роман-хроника хусусиятини келтириб чиқарган замин шу ерда. Асарда воқеавӣйликнинг, жанг тафсилотларининг, оммавий жанг саҳналарининг, персо-

нажларнинг кўплиги ва йўл-йўлакай тушиб қолиши ҳамда қўшилиш шундан. Ёзувчи Бобирдек мураккаб шахс характерининг энг муҳим қирраларини ишонтирарли чизиб бера олган. «Юлдузли тунлар», «Улуғбек хазинаси»нинг майдонга келишида, шубҳасиз, «Навоий» романи, «Мирзо Улуғбек» трагедияси ҳамда «Самарқанд осмонида юлдузлар» эпопеясининг роли борлигини унутмаслик керак. Тарих ва шоҳ, шоҳ ва халқ, шахс ва жамият уруш ва тинчлик проблемаларини талқин қилишда устоз ёзувчилар катта мактаб яратдилар. Инсоният тарихида босқинчи ва ваҳший шоҳ сифатида ном қолдирган Темурни эпопея марказига қўйиб туриб, халқнинг тарихдаги буюк родини ҳаққоний очиб берувчи «Самарқанд осмонида юлдузлар» эпопеясининг маънавий-эстетик сабоқлари катта.

Документалликнинг мўл-кўл иштироки ва ўзига хос талқини мемуар автобиографик жанрдаги асарларда янада равшан кўринади.

«Тарихий роман ҳамда повесть жанри тараққиети», — деб тўғри таъкидлаган эди Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленияси раиси Комил Яшин Ўзбекистон Ёзувчиларининг VI съезди минбаридан, — кейинги йилларда биз учун янгилик бўлган мемуар-автобиографик жанр ҳамроҳ бўлди. Унинг ажралиб турадиган хусусияти шундаки, бу жанрда ёзилган асарларда ҳужжатлилик, фактография бадий тўқима билан органик суратда бир бутун қилиб қўйилади. Бу қуйилма ишонтириш кучига эга бўлади, китобхонга эмоционал жиҳатдан қаттиқ таъсир этади. Ўзбек совет адабиётида бу жанрнинг бошлаб берувчиси сифатида «Болалик» повестининг муаллифи Ойбекни кўрсатиш мумкин. Ундан кейин Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртактлар»и ва ниҳоят Назир Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим» қиссалари вужудга келди»¹.

Учала асар ҳам кенг китобхонлар оммаси ва адабий жамоатчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди, шу туфайли уларга Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилди. Ҳ. Олимжон, Ойбекнинг «Кундалик дафтар»ларининг эълон қилиниши. А. Раҳматнинг мемуар асарлари, Шукруллонинг «Жавоҳирлар

¹ «Шарқ юлдузи», 1971, № 6, 22-бет.

сандиғи» асари бизда мемуар жанрининг турлари кенгайиб бораётганидан нишонадир.

«Болалик», «Ўтмишдан эртактар», «Кўрган-кечирганларим» асарларининг пайдо бўлиши тасодифий эмас. Бу жанр одатда тарихнинг муҳим ва бурилиш нуқталарида ривожланади. Айни чоқда у халқ оммаси онгининг ўсиши ва жамият ҳаётида иштироки кучайиши билан ҳам боғлиқ. Эҳтимол халқнинг босиб ўтган йўлини сарҳисоб қилинаётган пайтларда бу жанр жонланар. Учала асар Улуғ Октябрнинг эллик йиллик тўйи арафасида ва ундан кейинги дастлабки йилларда дунёга келган бўлиб, бунда ҳам маълум мантиқ ётибди. Бу ерда мазкур асарлар муаллифларининг ҳаёт йўли ва ижодий сабоқлари муҳим роль ўйнаган деб айтиш мумкин. Ойбек ўзбек халқининг социалистик революцияга келиш йўлини акс эттирувчи «Қутлуғ қон»ни ёзди, Н. Сафаров ҳам революцияга бағишлаб пьесалар («Шарқ тонги») ижод қилди. А. Қаҳҳор ўтмиш туркумидаги гўзал ҳикоялар намунасини яратган эди. Улар ўз кўрган-билганларидан мазкур асарларини ёзишда фойдаланган эди. Лекин кўрган-билганлари, ўқиб-туйганларидан улар яратган роман, ҳикоялар ёки пьесалардаги ғоявий ният, материал ва жанр табиати кўтарган даражада фойдаланган эдилар. Қолганлари ўз ифодасини талаб қилиб, уларни янги шаклга чорлар эди. Мана, А. Қаҳҳор «Ўтмишдан эртактар»нинг «Бир-икки сўз» деган кириш қисмида нима дейди:

«Менинг болалик йилларим Фаргона водийсининг Яйпан, Нурсуқ, Қудаш, Бувайда, Толлиқ, Олқор, Юлғунзор, Оққўрғон деган қишлоқларида ўтган. Ўттизинчи йилларнинг ўрталарида болалигимни ўйлаганимда чалакам-чатти туш кўргандай бўлган эдим: думли юлдуз чиққан эди: Бабар (Бобир бўлса керак) деган йигитни отқоровул милтиқ билан отганда ўлмаган эди, шунда отқоровул одамларга юзланиб: «Епирай, бунақа баттол ўгрипи умримда кўрган эмасман, устидан ошириб ўқ узибману киприк қоқмади-я» деган эди.

Зеҳнимда шунга ўхшаган қалқиб юрган хотиралардан ташқари қалқимасдан тошдек чўкиб ётган хотиралар ҳам ҳисобсиз эканидан узоқ замон беҳабар эканман. Бундан мени Антон Павлович Чехов домла хабардор қилди... Устоднинг муборак кўзойнакларини

тақиб халқимизнинг ўтмишига қарадим... Шундай қилиб, болалигимда зеҳнимга чўкиб қолган хотиралар уйғонди, юзага чиқди, ўша вақтдаги халқ ҳаёти кўз олдимга келди, — деб «Угри», «Томошабоғ», «Бемор», «Анор», «Миллатчилар», «Даҳшат» ҳикояларининг пайдо бўлгани ва баъзи китобхонларнинг бу асарларда ортиқча муболаға бор деган сўзларини келтириб шундай давом этади ёзувчи. — Мана шунақа таънадашномлардан кейин «уйдирмачиликка» берилмасдан, ўз кўзим билан кўрганларимни, кечирганларимни, ўтмиш ҳаёт лавҳаларидан эсимда қолганларини қаламга олгим келиб қолди...»¹

А. Қаҳҳор ўтмиш ҳақидаги ҳикоялардан мемуар-автобиографик асарга ўтиш йўли ва эҳтиёжи тўғрисида ана шундай дейди. А. Қаҳҳор Қўқон районлари мисолида, Ойбек Тошкент ва Н. Сафаров Жиззах воқеалари асосида Октябрь арафаси ва шу улуг бурилиш йиллари халқ ҳаёти, руҳи ва интилишлари, курашларини ёритадилар. Уч асар шакл жиҳатидан, материални баён қилиш усули томондан ва айниқса болалик даврига «қайтиш» томонидан бир-биридан фарқ қилади. «Болалик»да Ойбекнинг ўзи саҳна орқасида туради. Болалигини — Мусонинг ёшлигини тиклайди, унинг онгининг, дунёқарашининг шаклланишини ва айни чоқда Мусо қалби, унинг кўзи орқали халқ ҳаётини, унинг огир аҳволини, халқ онгининг ва революцион туйғусининг ўсишини ёритади. Лекин ёзувчи Ойбекнинг позицияси, нуқтаи назари қайси воқеани танлаш, уни талқин қилишдан тортиб Мусонинг одамлар билан бўлган боғланишларигача — ҳамма-ҳаммасининг асосида ётади, гўё ёзувчи режиссёр — оператор, Мусо қалби — телеэкранга ўхшайди. «Кўрган-кечирганларим»да ёзувчи саҳнанинг бир томонида туриб Назирқулнинг ёшлигини, у гувоҳ бўлган воқеаларни ҳам ҳикоя қилиб, ҳам шарҳлаб туради. «Болалик»да повесть руҳи ҳоким, лиризм, психологик таҳлил кучли. «Кўрган-кечирганларим»да воқеликни хроникал кўрсатиш ва уларни публицистик баҳолаш устун. «Болалик»: «Тор кўчада, қўшнимизнинг эски, шалоқ эшиги олдида менинг чол бобом ўз ўртоғи —

¹ А. Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. II т. Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Т., 1967, 7—9-бетлар.

узун соқолли, йирик жуссали, кар қулоқ мўйсафид билан нималар тўғрисидадир эзмаланиб сўзлашади», деб объектив тасвир билан бошланади, китобхон кўзи олдида ёш Мусо бор бўйича гавдалана бошлайди. Воқеа ҳозирги замонда бўлаётгандек тасвирланади. «Кўрган-кечирганларим»да «... калтак ер эди», «...деб эди», «Эсимда, ёз пайти эди», «Мен ёш бўлганим учун тутга чиқолмасдим», «Беш яшар бўлсам ҳам ўз «нафзиёним»ни билардим», «Кичиклигимда мен чучукликка ўч эдим», «Онам айтган гапини қиладиган аёл эди», тарзида ўтган замонни эслаш, тиклаш ва тарихий воқеалар, тарихий фактларни баён қилиш усули туради. Баъзан шунинг учун Назирқул муҳим тарихий факт ва воқеаларни айтиш учун шунчаки бир шартли воситага айланиб қолади. Бунда факт-далиллар меъёридан ортиқ келтирилади ва уларнинг моҳияти ечилмайди, бадий таҳлил этилмай қолади. А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртактлар» асирида (гарчанд ёзувчи уни эртактлар деб номлаган бўлса ҳам) қаламга олинган воқеалар ва ундаги одамларнинг ҳаммаси мавжуд, тарихий шахслар ва бўлиб ўтган воқеалардир. Характерли томони шундаки, А. Қаҳҳор мазкур асарнинг қўлёзмаси муҳокама бўлганда Қўқон ва у атрофдаги қишлоқлардан асарда тасвирланган воқеалар ва одамлар гувоҳи бўлмиш икки танишини олиб келади, улар муҳокама хонасида иштирок этади. Муҳокама жараёнида Абдулланинг отаси уста Қаҳҳор ҳаётига доир бир деталь, яъни унинг азайимхонлик қилишини олиб ташлаш кераклиги, бу дадаси шаънига доғ бўлиб тушиши айтилади. А. Қаҳҳор шунда, «Мен қандай қилиб ёлғон гапираман. Дадам мутлақо азайимхон эмас эди. Кимлардир шундай гап чиқариб, ихлос билан хотин-халажлар келишарди. Мана,—ҳалиги гувоҳларни кўрсатиб,—булар гувоҳ. Мен ёлғон гапирсам, булар нима дейди. Асарнинг ҳеч ерида ёлғон — уйдирмаси йўқ», деб туриб олди. Шунини айтиш керакки, бу асар бошидан-оёқ фактга асосланган бўлса-да, А. Қаҳҳор уларни шундай бадий таҳлил қилиб, бадий ҳақиқатга айлантирганки, улар гўё кишига бир эртақдек туюлади. Бу ерда ўткир ҳикоянависнинг мўъжизали санъатининг кучи ётади: у ҳаёти давридаги энг муҳим, характерли — халқнинг тақдирдаги ғоят кескин, жиддий ва ўткир воқеаларни,

фактларни танлаб олади, уни ўткир сюжет, кескин конфликт ва ёрқин характерлар орқали бадиий талқин қилади. Шунинг учун асар мазмуни, ғоявий томони жиҳатидан ўзаро жипс боғланган ҳикоялар туркумидан ташкил топган. Ундаги «Тешиктош», «Ҳур қиз» каби қатор боблар ғоявий-бадиий етуклиги жиҳатидан А. Ҳаҳҳорнинг «Ўғри» ёки «Даҳшат» каби ҳикояларидан қолишмайди. Дарвоқе «Болалик»дан фарқли ўлароқ «Ўтмишдан эртақлар» марказида Абдулланинг ёшлигини тасвирлаш турмайди. Абдулла оиласининг кўчманчилик ҳаёти асар учун маълум сюжет чизиги ролини ўйнайди (ҳикояларни боғловчи ҳалқа), Абдулла асосан ўша воқеалар гувоҳи ва ҳикоячиси. А. Ҳаҳҳор ўша асар қўлёзмаси муҳокамасида сўзга чиқувчилар такрор-такрор айтган бу автобиографик асар деган баҳога кескин эътироз билдириб, «Йўқ, бу автобиографик асар эмас. Бу Абдулланинг автобиографияси эмас. Автобиографик асарни ёзаманми-йўқми, у ҳали номаълум. Буни ўтмишдан эртақлар деб атабманми, демак ўша Абдулла ёшлиги ўтган давр ҳақида ҳикоя қилмоқдаман...», деганди. Абдулла ёшлиги ва унинг оиласига доир воқеа, эпизод, штрихлар асарда етарли бўлса-да, унинг марказида улар замонида ва уларнинг атрофида, улар гувоҳлигида содир бўлган ҳаётий-тарихий воқеалар ва тарихий шахслар тақдири тўғрисида ҳикоя қилиш ёзувчининг бош ғоявий нияти ҳисобланади. Ҳар ҳолда «Ўтмишдан эртақлар» мемуар-автобиографик жанрнинг оригинал, ўзига хос бир туридир.

Ўзбек прозасида документалликнинг ошиши унда типиклаштириш йўллари, воситаларининг кўпайганлигини тасдиқловчи ижобий факт. Лекин айтиш чоқда қатор роман, қисса ва кичик прозаик асарларимизда фактларнинг хомлигича қолиши — уларнинг мағзи чақилмаслиги, тарихий шахслар асар жисми билан қўшилиб кетмаслиги туфайли очеркка хос боблар, саҳифалар ҳам тугилиб қолаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Айрим романларимизда учровчи бундай натурализм, ҳар хил тарихий справкалар бериш, эзмалик, тарихий шахсни шунчаки ёрдамчи далил қилиб келтириш ҳодисаси романининг яхлитлиги, қуймалиги, қисқаси, ғоявий-бадиий етуклигига зиддир. «Хоразм», «Ота», «Борса-келмас», «Йиллар

шамоли», «Сўнгги бекат», «Чотқол йўлбарси»нинг баъзи саҳифаларида шундай ҳолни кўрамиз.

К. Яшиннинг «Ҳазрати Инсон» романига берган қуйидаги катта баҳоси ва билдирган эътирозлари ўринли.

«Улуғ Ватан уруши совет адабиётининг энг муҳим, энг принципиал сиёсий ва ахлоқий мавзуни — пролетар интернационалиزمи, халқлар дўстлиги ва қардошлиги мавзуини бадиий ифода этиш учун битмас-туганмас материал беради,— дейди Яшин,— Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати Инсон» романи, менинг назаримда, бу жиҳатдан сўнгги йиллар ўзбек насрининг энг муҳим асарларидан ҳисобланади.

Маълумки, асарга ҳаётда содир бўлган воқеа — уруш йиллари турли миллатга мансуб ўн беш етим болани ўзига асранди қилиб олган тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва унинг хотини Баҳри опа тарихи асос қилиб олинган. Асардаги воқеа ана шунақа. Авторнинг хизмати даставвал шундан иборатки, у мазкур воқеанинг фалсафасини, унинг ахлоқий ва психологик асосини ишонтирарли ва таъсирли қилиб кўрсатиб беришга эришган. Маҳкамовлар оиласи бу жасоратни шуҳрат орттириш ёки бирон-бир бошқа мўлжал билан кўрсатмайди, балки уларга шундай иш тутишни совет ҳокимияти йилларида тарбияланган одамгарчилик виждони, озод Ватанимиз кишилари-нинг дўстлик ва қардошлик туйғулари амр қилади. Автор бу романда турли миллатга мансуб персонажларнинг конкрет равишда индивидуаллаштирилган бутун бир галереясини яратган. Ҳар бир персонажнинг бу миллий ўзига хос хусусияти уларнинг устки кўри-нишлари, кийим-кечаклари, чалакам-чатти қилиб гапиришларида эмас, балки автор томонидан чуқур ва усталик билан очиб берилган образлари маъзида, руҳий дунёларида намоён бўлади. Асарда тўқима образлар билан бирга Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов каби тарихий шахслар ҳам ҳаракат қилади. Уларнинг образлари асарнинг бадиий тўқимасига органик равишда сингитиб юборилган.

Авторга билдирадиган истагимиз шуки, у асарни баъзи ўринларда кўзга ташланиб турадиган эзмалик ва қайтариқлардан тозалаши, ҳаракат ривожини тўхтатиб қўядиган кераксиз диалогларни қисқартириши,

Тожихон, Иқбол, Тўлабой тақдирларини мантиқий жиҳатдан маромига етказиши, ўша давр қийинчилиги, уруш йиллари шароити тўғрисида янада чуқурроқ таассурот қолдиришга эришиши керак»¹.

Йшнинг охирги мулоҳазалари, айтиш мумкин, бизнинг анчагина прозаик асарларимизга ҳам тааллуқли ҳаққоний сўздир.

«Ҳазрати Инсон» (автор кейинча ундаги етишмовчиликларнинг айримларини тўғрилади) ўзбек прозасида халқнинг Улуғ Ватан уруши давридаги инсонпарварлиги, интернационализмини ҳаққоний ифодалаб берган асаргина эмас, балки айни чоқда ишчи тематикасидаги кучли асар ҳам. Зотан ўзбек прозасидаги кемтиклик худди шу ишчи тематикасининг ишланишида кўринади. Ўзбек ёзувчилари ўзбек ишчи синфининг туғилиши, шаклланиши ва унинг Октябрь социалистик революциясини амалга ошириш, граждандар уруши давридаги иштироки, айниқса республикамиз саноатини индустрлаштириш, социализмни қуриш, тикланиш даврлардаги фаолияти ва шу жараёнда улар руҳи, психологияси, онгида юз берган ўзгаришларни акс эттириш бобида ҳали халқ олдида катта қарздорлар. Кейинги йилларда ишчиларнинг улкан саноатдаги, қурилишлардаги, сув иншоотлари қурилишларидаги, техника соҳасидаги улугвор ишлардаги, табиатни ўзлаштириш, қўриқ ерларни очишдаги жасоратини таҳлил этишга бағишланган йирик асарлар майдонга кела бошлади. Р. Файзийнинг «Ҳазрати Инсон», Ж. Абдуллахоновнинг «Тўфон» асарларининг ишчилар ҳақидаги яхши асарлар сифатида СССР Ёзувчилар союзи ва ВЦСПСнинг мукофоти билан тақдирланиши бежиз эмас. «Ҳазрати Инсон»нинг ўнлаб қардош халқлар ва чет тилларига таржима қилиниши ўзбек адабиётининг шуҳратига шуҳрат қўшди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, умуман совет адабиётида ишчи ҳаёти ва фаолиятидаги ривожланган социалистик тузумимизнинг белгиларини, коммунистик жамият кишиларига хос фазилатларни кўрсатиб беришга интилиш кучайди. Г. Бокаревнинг «Пўлат қуювчилар», А. Гельманнинг «Бир мажлисининг прото-

¹ «Шарқ юлдузи», 1971, 6-сон, 20-бет.

коли» («Мукофот») каби пьесалари бу борадаги энг яхши асарлар сифатида оғизга тушди.

Л. И. Брежнев XXV съездда буларни назарда тутиб, шундай деганди:

«Мисол учун илгари «ишлаб чиқариш мавзуи» деган қуруқроқ ном билан аталадиган мавзуни олиб кўринг. Эндиликда бу мавзу чинакам бадий формага кирди. Пулат эритувчиларнинг ёки тўқимачилик фабрикаси директорининг, инженер ёки партия ходимининг муваффақияти учун адабий ёки саҳна қаҳрамонлари билан бирга тўлқинланамиз, ҳаяжонланамиз. Ҳатто қурувчилар бригадаси учун мукофот тўғрисидаги масала жужий бўлиб кўринган бир ҳол кенг ижтимоий аҳамият касб қилмоқда, қизгин мунозаралар мавзусига айланмоқда»¹.

Ўзбек адабиётида ана шу ишлаб чиқариш мавзуи ҳозир кенг томир отаётганлиги қувончли ҳодисадир. Тўғри, ҳозирги вақтда илмий техника революцияси даврида ишчилар ёки олимлар образини фақат шахар, завод-фабрика ёки қурилишлар ҳақидаги асарлардагина бўлади, дейиш қулгилли бўлур эди. «Қудратли тўлқин» ёки «Диёнат», «Парвоз», «Чинор», «Меҳригиё» (Э. Усмонов) каби асарларни ишчилар, инженерларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мазкур асарларда шунингдек «Туғилиш», «Самандар», «Дегрез ўғли», «Чотқол йўлбарси», «Тинимсиз шахар», «Олмос камар» каби бевосита ишчилар-инженерлар ҳаётига бағишланган асарларда социалистик ҳаётимизнинг олга ҳаракати, ишчиларнинг сиёсий-маънавий камолоти акс эттирилмоқда, улар руҳияти таҳлил этилмоқда. Тўғри, ишчиларга бағишланган асарларимизда адабиётга ишчиларнинг янги типини ва янги проблемаларни олиб кириш, ишчилар ҳаётидаги янги қирраларни кашф этиш, янги конфликтларни топиш ва оригинал сюжет йўллари қидириш етишмаяпти. Шунинг учун бўлса керак, ишчилар ҳақидаги асарларимиз умумиттифоқ китобхонининг оғзига тушмаяпти.

Илмий-техника революциясининг ишчи синфи ва айниқса қишлоқ кишилари онги, психологиясига таъ-

¹ КПСС XXV съездининг материаллари, 108-бет.

сири масаласи бизда жуда сушт бадий таҳлил этилмоқда. Бу борада А. Мухторнинг «Самандар» пьесаси ижобий факт сифатида аҳамиятга молик. А. Мухтор илмий-техника революцияси инженерларнинг, ишчиларнинг онги ва психологиясини ўзгартирганини кўрсатиб беради. Бу ниятини ишлаб чиқариш суръати ва маҳсулдорлигини тўрт баробар оширадиган станок ишлаб чиққан Самандар тарафдорлари билан унга ишончсизлик билдирганлар ўртасидаги кескин конфликтни кўрсатиш орқали рўёбга чиқаради. Драматург ана шу станок баҳонасида халқнинг тақдири, унинг бойлиги, келажаги тўғрисида ўйловчи, куюнувчи, виждони пок, юксак коммунистик онгли, имони бутун давримизнинг етук кишиси образини чизади. Ёш ёзувчи Э. Усмонов «Меҳригиё» романида пахта зараркундаларини табиий йўл билан йўқ қилиш масаласини кўтариб чиқиш асосида қишлоқ кишилари ва фан одамларининг илмий-техника революциясига муносабатини таҳлил этади. Фақат бугунги ва планни ўйловчи одамлар пахта зараркундаларига қарши курашишнинг осон йўлини — заҳарли химикатларни қўллашни афзал кўрадилар. Романда халқнинг саломатлиги, эртанги кун ҳақида астойдил қайғурувчи раҳбарлар олимларнинг илм натижаларидан фақат халқ манфаатлари, унинг юксалиши, маънавий ва жисмоний саломатлигини ошириш учун фойдаланиши керак ва коммунистик партиямизнинг асл мақсади шу йўлда курашишдир, деган ғоя олға сурилади.

Илмий-техника революциясининг қишлоқ кишилари ҳаёти, тақдирида ўйнаётган роли беқиёс катта, XX асрнинг мўъжизаси бўлмиш фан ютуқлари уларнинг онги, психологиясини кескин ўзгартирмоқдаки, ҳали ёзувчиларимиз бу жараёни астойдил, чуқур таҳлил этаётганлари йўқ.

Ишчи тематикаси хусусида сўзлаганда ўзбек адабиётида унга нисбатан қишлоқ тематикаси кенг ва чуқур ишланади деган фикр юради. Танқидчиликнинг бу фикрига у қадар қўшилиб бўлмайдди. Кейинги ўттиз йил орасида қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётига бағишланган «Бўрондан кучли», «Ғолиблар», «Парвоз», «Чўлга баҳор келди», «Синчалак», «Янги ер», «Қора кўзлар», «Ўфқ», «Диёнат», «Мерос», «Бинафша атри», «Ичкуёв», «Шошма қуёш» каби саноқли асарлар ву-

жудга келди. Ҳозирги қишлоқ проблемалари, қишлоқ кишилари характерида ва қишлоқ турмуш шароитида қарор топаётган коммунистик белгиларни атрофлича ва ҳаққоний бадиий таҳлил этувчи асарлар жуда кам. Аммо ўзбек ёзувчилари учун шуҳрат келтирувчи бир муҳим мавзу — қўриқ мавзунинг ўзбек адабиётида эллигинчи йиллардан буён жиддий ва мунтазам қаламга олиниб келинаётганлигини таъкидламасдан бўлмайти. Пахта ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-кўл иқтисодий заминини яратиш ҳаракати эллигинчи йиллар бошидаёқ Ўзбекистонда авж олади. Шунинг учун ҳам табиатни енгиш, уни инсон манфаати учун хизмат эттириш учун курашган халқнинг шижоати, фидокорона меҳнати ва кураши, бу жараёнда уларнинг онги, руҳи, психологияси, характерида юз берган ўзгаришлар, туғилган коммунистик белгиларни ёритувчи роман, қисса, пьесалар майдонга келди.

Агар ўзбек адабиётидаги бу ижобий ҳодисага Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асари нуқтаи назаридан қарасак, ўзбек ёзувчиларининг бу соҳада тўғри йўл тутганига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин ва уни талқин қилишга ўз вақтида киришганлар.

«Бутун ҳаёт уклади ўзгармоқда,— деб таъкидлайди Л. И. Брежнев,— юз бераётган воқеанинг улугворлиги ва драматизми ҳақиқий санъаткорни тўлқинлатирмаслиги мумкинми ахир? Агар бу эпопея тарих учун ёрқин акс эттирилмас экан, бизни ҳозир ҳам ҳеч ким тушунмайди, келгусида ҳам тушунмаслиги мумкин»¹. Л. И. Брежнев қўриқ эпопеясининг яратилишини орзу қилар экан, «адабиёт ва санъат арбоблари учун халқ жасорати; шу жумладан қўриқдаги жасоратни тасвирлашдан кўра ҳам қизиқарли ва илҳомбахш вазифа йўқ»², деб таъкидлайди.

Шу сўзларни ўқиб ўзбек адабиёти тарихига — ҳам ўтмиш, ҳам ҳозирги адабиётимизга назар ташланса, кишида қонуний ғурур ҳисси туғилади. Табиатни ўзлаштириш ғояси, сув проблемаси узок ўтмишдан ўзбек халқининг азгу нияти бўлиб келган. Халқ эртақлари ва улуг Навсийнинг «Фарҳод ва Ширин» дoston

¹ Л. И. Брежнев. Кичик ер. Тикланмиш. Қўриқ. Т., «Ўзбекистон», 1978, 204-бет.

² Уша асар, ўша бет.

ларида бу орзулар ифодаланган эди. Аммо зулмга асосланган эски реакцион тузум бу орзуларни ҳаёл ҳолида қолдирди. Социалистик тузум даврида ўзбек халқи асрий орзусини ҳақиқатга айлантирди. Катта Фарғона канали каби ўнлаб каналлар қурди. Мирза-чўлни, Марказий Фаргонани гулистонга айлантирди. Сурхон-Шеробод ва Қарши ҳамда Жиззах чўллари ўрнида бог-роғлар яратмоқдалар. Асов табиатни жиловлаётган, «Қора бўрон даҳшати»дан голиб чиққан «инсон ақл-заковати қудрати» (Л. И. Брежнев) ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар майдонга келди. «Голиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Чўлга баҳор келди», «Янги ер», «Қирқ беш кун», «Сенга интилам», «Бинафша атри», «Тўфон» «Чўлқуварлар» (тўп-лам) каби ўнлаб асарларда табиат ва инсон мавзуининг жуда кўп қирралари таҳлил этилди. Л. И. Брежнев жуда ҳаққоний айтганидек, чўлқувар сўзида «юксак гражданлик ва чуқур совет ватанпарварлиги мужассамлашган эди. Чўлқувар тарихий фигура бўлиб, қаҳрамонона даврни белгилаб беради. Бу сўз билан давр тақозоси белгिलाган алоҳида характер ифода этилади... Бизда «Чўлқувар» сўзи жасорат рамзи бўлиб қолганлиги бежиз эмас»¹.

Қаҳрамонона давримизнинг ифодачиларидан бирига айланган шу чўлқуварлар адабиётимизга янги тарихий фигура — янги қаҳрамон сифатида кириб келди. Л. И. Брежнев айтганидай «янги ерларни ҳамиша янги одамлар обод қилишган», шу туфайли бизнинг асарларимиздаги чўлқуварлар коммунизм кишисига хос фазилатларни ўзларида мужассамлаштирган янги одамлар сифатида талқин қилинди ва ҳозир ҳам шу аспектда ёритишга уринилмоқда. Қўриқ мавзуи янги инсон характерининг шаклланиши, унинг ахлоқий ва маънавий етилишини акс эттиришда муҳим роль ўйнамоқда. Айниқса адабиётга ҳаётни, турмушни ўз идеалига мослаб ўзгартирувчи, қайта қурувчи актив, саботли, дадил ва моҳир ташкилотчи шахс образини олиб киришда қўриқ, чўлқуварлар мавзуи катта роль ўйнамоқда. Қўриқни ўзлаштириш ёки янги каналлар қуриш жараёни ўша ердаги коллектив муҳит, табиат ва инсон, шахс ва коллектив, раҳбар ва халқ, оила ва

¹ Л. И. Брежнев. Кичик ер. Тикланиш. Қўриқ. 204-бет.

муҳаббат каби жуда кўп ижтимоий, ахлоқий ва маънавий масалаларни биргаликда талқин қилишни тақозо қилмоқда. На «Ғолиблар», «Қудратли тўлқин» романларида, на «Янги ер» пьесаси, на «Қирқ беш кун», «Бинафша атри» асарларида янгиликнинг қарор топишидаги ва янги инсоннинг шаклланишидаги қийинчиликлар четлаб ўтилмаган, аксинча ижодкорларнинг диққат марказида турган.

Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тематикасини ва унда кўтариб чиқилган масалаларнинг бойлигини кўрсатувчи асарлар кўп. Ўзбек адабиётининг халқ орасида шуҳратининг кенгайишида ва ҳатто унинг номи бутун иттифоқ китобхонлари орасида янада кенгроқ ёйилишида сатирик ва юмористик асарларимизнинг роли катта бўлди. Агар бир неча йил аввал «Янги ер», «Аяжонларим», «Сўнгги нусхалар», «Тоға-жиянлар», «Лўлилар», «Тошболта ошиқ» каби етук комедияларни томошабинлар самимий кутиб олишган бўлса, кейинги йилларда «Келинлар қўзғолони», «Олтин девор», «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими», «Елвизак» (Н. Аминов) каби ҳам китобхоннинг, ҳам адабий жамоатчиликнинг юқори баҳосини олган асарлар майдонга келди. «Келинлар қўзғолони»нинг москвалик томошабинларга маъқул бўлиши, айниқса Ўрта Осиё республикалари саҳнасида муваффақиятли қўйилаётганлигини, шунингдек Х. Тўхтабоев асарининг деярли барча қардош халқлар тилига ва бир неча чет тилларга таржима қилиниши ўзбек адабиётининг жиддий ютуғини кўрсатувчи фактлардан биридир. Буларда авторлар ўзбек классик адабиёти, айниқса халқ ижодидаги сатирик, юмористик анъаналарни ҳозирги замон жаҳон кулгичилик санъати билан муваффақиятли қўшиб янги юмористик асарлар яратаётгани ёрқин намоён бўлди. Буларда коммунистик онг, ахлоқ нормаларининг, социалистик турмуш тарзининг тантанаси ва халқимизнинг ҳамма соҳада етуклик, гўзалликка интилиш туйғуси чиройли, оригинал, ўзига хос тарзда ифодаланади. Шу ерга қўшимча қилиб яна бир фактни айтиб ўтиш керакки, ахлоқий масалалар, инсониятнинг келажакдаги тақдири масалалари сўнгги давр ўзбек адабиётида жонлана бошлаган илмий-фантастика жанрида ҳам қўйила бошлади. Унинг вакилларида бири Ҳ. Шайхов асарларининг марказий

журнал ва тўпламларда босила бошлаши мазкур ёш ёзувчи ижодига умид билан қараш туйғусини тугдиради.

Ўзбек адабиётининг ҳозирги даврдаги усиш-изла-нишлари ҳамма нарсада — тематикаси, асарларда кў-тарилаётган проблемаларда, улар саҳифаларига кира-ётган қаҳрамонлар, типларда, конфликтлар характе-рида, характер ва муҳит, шароит муносабати талқи-нида, ёзувчи мақсад ва ғоясини ифодалашга кўмак берадиган шакллар, жанрлар, бадиий-тасвирий восита-ларни излашда кўринади. Ўзбек адабиётида жам-имкониятларининг кенгайиб бориши ёзувчиларнинг тарих, замон, ҳозирги воқелик ва айниқса халқ, инсон масалаларини теран бадиий таҳлил қилишга урини-шининг натижасидир. Асарларимизда халқдаги қаҳ-рамонона руҳнинг чуқур ифодаланиши шундан бўлса керак. Қаҳрамонона руҳ тарихий-революцион ёки Улуг Ватан уруши мавзуларидаги асарлардагина эмас, улуғвор иншоотлардаги халқ фидокорлигини кўрса-тувчи асарлардагина эмас, балки совет кишиларининг ҳар кунлик ҳаёти ва меҳнатига багишланган асарлар-да ҳам жўш уриб туради. Санъаткорларимиз кунда-лик турмушимизда, одатдаги шароитда қаҳрамонли-нинг намоён бўлишини илғаб олиб уни теран тасвир-лашга эришмоқдалар. Дарвоқе, Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асарида бу масала хусусида ғоят қимматли фикрлар айтилиши бежиз эмас. «Қўриқ» санъаткор-ларга тинчлик даврида, меҳнат фронтида қаҳрамон-лик фазилатининг қандай намоён бўлишини англаш-да ёрдам беради. Зотан оддий кунлардаги совет киши-сининг қаҳрамонона фаолиятини кўра билиш ва уни бадиий адабиёт саҳифасига олиб кириш ижодкордан теран кузатувчилик ва ўткир назарни талаб қилади. Ривожланган социалистик жамиятимизни барпо эт-ганлар худди шу оддий кунлардаги кўзга кўринмас, аммо оммавий халқ қаҳрамонлигидир.

«Қаҳрамонона ишлар турлича намоён бўлади,— дейилади «Қўриқ»да, — бир киши ҳаётини ҳаф ости-да қолдириб ёнаётган уйга ўзини таштайди, лекин ҳар кун бир хил ишни қилишга қобил бўлавермайди. Ҳар бир лаҳзанинг ўз жасорати бўлади. Ғурун халқ-нинг оғир ҳаёти давридаги жасорат мағжуд. Уруш йиллари бунга мисол бўлиши мумкин. Оддий кунлар-

даги жасорат мавжуд. Одамлар бундай қийинчиликларни бошқа жойларда йўқлигини ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини билиб туриб, ўзларини онгли равишда азоб-уқубатга уришади. Қўриқ кишилари ўзларини қаҳрамон эканликларини кўрсатишди деб ҳисоблайман»¹.

Ўзбек адабиётидаги қўриқни ўзлаштириш, каналлар қурилиши, айниқса пахтакорлар меҳнатига бағишланган асарлар одатдаги шароитда чинакам қаҳрамонлар кўзга илганмайдиган оддий кишилар бўлишини ёзувчиларимиз намоиш қилиб келишмоқда. «Бўрондан кучли», «Ҳазрати Инсон», «Чинор», «Парвоз», «Уфқ», «Диёнат», «Бинафша атри» каби ўнлаб асарларда катта мақсад ва улугвор ғоялар йўлида фидокорлик кўрсатаётган одамлар образлари яратилди.

Халқ қаҳрамонлиги, инсонлардаги қаҳрамонлик фазилатини кўрсатиш учун ёзувчилар турли хил ҳаётий материалларни, ҳаётий проблемаларни танлашмоқда, уларни ифодалаш учун турли воситалар ва йўллар қидиришмоқда. Бу ерда воқеликдаги фожиавий ҳолатларни адабиётга олиб кириш ва шу йўл билан халқ қаҳрамонлиги, инсондаги қаҳрамонона руҳни ифодалаш кейинги пайтларда адабиётимизнинг ҳамма жанрида сезиларли даражада кучайганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳамза драмаларида, А. Қодирий романлари, Ойбек, Яшин, А. Қаҳҳор асарларида фожиавий ситуациялар, фожиавий конфликтлар теран бадий талқин қилиниб, даврнинг мураккаб манзараси, одамларнинг оғир тақдири акс эттириб берилганди. Жамила ва Йўлчи тақдирининг фожиали якуни зулмга асосланган реакцион тузум устидан чиқарилган ҳукм эди, меҳнаткаш инсоннинг эзгу идеали сари ташланган олга қадами, —демак, маънавий ғалабаси эди. Ҳозирги вақтда фожиавий ситуация, фожиавий конфликт ва коллизиялар адабиётимизнинг ҳамма жанридан мустақкам ўрин олди. Зулфия ва Миртемир шеъриятида фожиавий коллизиянинг вазни ниҳоятда салмоқли. Зулфия ижодидаги ҳижрон мотиви адолатсиз уруш ва ўлимга қарши кўтарилган қалб қўзғолонидир. Ҳижрон азобидан қалби сирқираган шоира «ишқ, бахт, ҳижрон доғи жуфт яшар борки олам», деб фожиавийликни фалсафий планда чуқур талқин қилади.

¹ Л. И. Брежнев. Кичик ер. Тикланиш. Қўриқ. 182-бет.

Асарларимиздаги фожиавий ситуациялар, конфликтларнинг характери ҳам ҳар хил. Синфий душманга қарши курашга бағишланган асарларимизда фожиавийлик заминада гоёлар, идеалларнинг муросасиз кураши ётади. К. Яшиннинг «Инқилоб тонги», Ҳ. Ғуломнинг «Машъал» асарларида шу ҳолни кўрамиз. Шахснинг эрк учун интилиши билан муҳит ўртасидаги зиддият, илғор шахс идеали билан вазият, шароитнинг номувофиқлиги ўткир фожиавий конфликтларни келтириб чиқаради ва бундай конфликтларнинг ҳаққоний талқини А. Ҳаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикояси, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси, О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» каби асарларда мавжуд. Улуғбекнинг фожиали тақдирида драматург ўша даврнинг фожиасини ижтимоий-фалсафий планда жуда теран очиб беради. «Мирзо Улуғбек» ўзбек драматургиясида том маънодаги трагедия сифатида воқеий асардир. Адабиётимизда адашганлар фожиасини бадий таҳлил этиш орқали прогрессив гоёларни олға сурувчи асарлар ҳам талайгина бор. Шухратнинг «Жаннат қидирганлар» романи, С. Аҳмаднинг «Уфқ» романидаги Турсунбой линияси ёки Ҳ. Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» қиссасида ана шу адашганларнинг фожиали тақдири сабоқ тарзида кўрсатилади. Ҳ. Умарбековнинг кўпгина асарларида персонаж ўлими билан боглиқ фожиали ситуация учрайди («Одам бўлиш қийин», «Ёз ёмғири») ва бу йўл билан ёзувчи инсоннинг маънавий камолотига ғов бўлган нарсаларнинг заминини очишга интилади.

Асарларимизда фожиавий гоёни ифодалашга уришнинг кучайиши сабабларидан бири ижодкорларимизнинг воқеликни чуқур ижтимоий-фалсафий аспектда талқин қилишга уринишидир. Ғафур Ғулом, Миртемир, Зулфия, Р. Бобожон, А. Мухтор, Шукрулло, А. Орипов, Э. Воҳидов, О. Матчон каби шоирлар асарларида асримиз воқеалари ва инсоният тақдири масаласи кечаги, бугунги куни ва эртаси билан чуқур таҳлил этилди ва этилмоқда. Бизнинг поэзиямизда фалсафий-публицистик лириканинг кучайиши шундан. «Чинор» заминада, айниқса «Мирзо Улуғбек», «Улуғбек хазинаси», «Меъмор»да фалсафийлик ётгани исбот талаб қилмайди. Замонни кенг кўламда қамраб олиш, катта тарихий категориялар миқёсида фикр

юритиш истаги ёзувчиларимизни шартли воситаларга, рамзий, аллегорик образларга мурожаат эттирмоқда. «Мирзо Улуғбек»да Темурнинг тирилиб, Улуғбек билан мулоқотда бўлиши сахнаси драматург учун Яхшилик ва Ёмонлик проблемасини янада чуқур талқин қилишига ёрдам берган. Ш. Рашидов эса ўзининг актив, социалистик инсонпарварлик, дўстлик ва адолат тўғрисидаги ғояларини ифодалаш учун «Қашмир қўшиғи»да аллегорик усулдан фойдаланади. «Чинор»даги кўпгина афсоналар асар фалсафий руҳининг янада чуқурлашувиغا хизмат этади. Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлими» асарларида фантастика ҳаётий ҳақиқатни ифодалаш учун жуда қулай усул бўлиб хизмат этади. Шартлилик принципи асосида бизда қатор драматик асарлар, поэмалар вужудга келдики, булар ижодкорларимизнинг тинмасдан янги-янги ифода йўллари, воситаларини қидираётганлигини тасдиқлайди.

Рамзийлик, шартлилик принципи асосида яратилаётган асарлар ўзбек адабиётида шартли-рамзий услубий йўналиш мавжудлигини ҳам тасдиқлайди. Кейинги вақтларда рус адабиёти, украин адабиёти шунингдек бошқа қардош республикалар адабиётида ва умуман кўп миллатли совет адабиётида мавжуд бўлган услубий йўналишларни белгилашга уриниш кучайди. Худди шунингдек, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида ҳам ўзбек адабиётидаги услубий ранг-барангликни тадқиқ қилишга киришилди. (Н. Шукуров, У. Норматов, Д. Қамбарова ва бошқа ўртоқлар). Буларда асл эътибори билан ўзбек адабиётида икки услубий йўналиш — романтик ва изчил реалистик йўналиш мавжудлиги (тадқиқотчиларнинг бири тенденция, иккинчиси оқим деб номлашади) тан олинади. Конкрет таҳлилга келганда, бир ёзувчини ёки бир асарни гоҳ реалистик йўналишга, гоҳ романтик тенденцияга тортиб кетилади. Масалага воқеликни объектив шаклда кўрсатиш-тасвирлаш ёки субъектив шаклда ёритиш-ифодалаш нуқтаи назаридан изчил ёндашилмайди. Аслида бундай чалкашлик умумсовет адабиётшунослигида ҳали услубий йўналишлар масаласи узил-кесил ҳал этилмаганлиги билан боғлиқ.

Бу ерда «Реализмнинг тарихий тақдирлари» китобининг муаллифи Б. Сучковнинг қуйидаги мулоҳаза-

лари остида муҳим ҳақиқат ётганини ва ўзбек адабиётидаги услубий йўналишларни шу аспектда ўрганиш фойдали бўлурди деган ниятни айтиб ўтиш билан чегараланамиз.

«Социалистик реализм санъати ичида бир-биридан ажралмаган, аммо воқеликни акс эттириш усули жиҳатидан бири-иккинчисидан фарқ қилиб турувчи хилма-хил бадиий оқимлар мавжудлиги аниқ. Уларда бири, энг кенг тарқалгани ҳаётни объектив тарзда, унинг ўз шаклида тасвирлашдир. Бундай тасвир усули ҳаётини ҳодисаларни ўз конкретлигида, аниқлигида, эпик тўлаллигида бериш учун катта имконият туғдиради. Бу оқимнинг социалистик реализм эстетикасида муҳим ўрин тутишининг боиси шунда.

...Социалистик реализмга хос бўлган яна бир бадиий оқим ҳаётни шартли-рамзий формада, кўп ҳолларда ҳаётга мувофиқ қилиб тасвирлашдан узоқлашиш, образга кўпқирралилик бахш этиш, воқеликдаги ҳодисалар ва ситуациялар шакл-шамойилини ўзгартириб ва муболагали қилиб беришдан иборатдир.

...Ва ниҳоят, учинчи, одатда, романтизм деб аталадиган оқим, гарчанд бу терминнинг тўғри маънода романтизм билан алоқаси бўлмаса-да, тасвир объектига лирико-патетик тарзда ёндашиши, уни шоирона тасвирлаши билан ажралиб туради. Бу оқимга ҳаётини ҳодисалар ва воқеаларни беришда умумлашмаллик хос бўлганлиги туфайли уни ҳаётга мувофиқ қилиб тасвирлаш принципига амал қилиши шарт эмас»¹.

Масалага шу аспектда ёндашилса, биринчи услубий йўналиш — ҳаётни ўз шаклида кўрсатувчи асарлар («Ўтмишдан эртақлар», «Диёнат», «Ҳазрати Инсон», «Эрк» каби), иккинчи услубий йўналишдаги — шартли-рамзий шаклдаги асарлар ҳам («Кашмир қўшиғи», «Сариқ девни миниб» каби) ва учинчи йўналиш — ҳаётга лирико-патетик тарзда ёндашилган асарлар («Ўтган кунлар», «Ўч», «Бахтигул ва Соғиндиқ», «Қудратли тўлқин», «Номаълум киши», «Чинор»даги айрим қиссалар каби асарлар)нинг услубий моҳияти, эҳтимол, аниқроқ белгиланиши мумкиндир. Масаланинг мураккаблиги яна шундаки, шундай асарлар борки, буларда санаб ўтилган ижодий йўналишга хос

¹ Борис Сучков. Исторические судьбы реализма. М., 1973, стр. 417—424.

ижодий принциплар ё у даражада, ё бу даражада иштирок этади. Бунда улар асарнинг бош услубий йўналишини белгиламайди, балки қўшимча тасвирий восита сифатида хизмат этади (шартли-рамзий воситалар ёки романтик тасвиё воситалари ҳозир шундай ёрдамчи восита сифатида кўп асарларда иштирок этмоқда). Иккинчи яна бир мураккаблик, ижодкорни бир умр битта услубий йўналишга сунъий равишда боғлаб қўйиш ҳам тўғри эмас. Ёзувчи ижодининг маълум бир этапида ҳоким бўлган бирор услубий йўналиш кейин иккинчисига ўрнини бўшатиб бериши мумкин (масалан, Ойбекнинг илк ижодида лирико-патетик услуб устун эди) ёки ёзувчи материалнинг характериға ва ғоявий ниятиға қараб ё у шаклга, ё бунисига мурожаат этиши мумкин (Ш. Рашидовнинг «Қашмир қўшиғи», Х. Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб»). Шунинг учун ҳар бир асар ва ҳар бир ижодкорға конкрет ёндашиш, баҳо бериш керак бўлади.

Адабиётимизда ўтмишни, тарихни, замонни ва дунёда бўлаётган воқеаларни чуқур бадиий таҳлил этиши йўллари қидиришға интилишнинг кучайиши биринчи навбатда жанрларнинг бойишиға, уларнинг янги-янги қирралари очилишиға олиб келмоқда. Ўзбек поэзиясида шеърый туркумлар, ғазалчилик, саккизлик, тўртликлар, учликлар, сонет жанрининг жонланиши ва айниқса поэма жанридаги изланишларда яхши самаралар кўзға ташланмоқда. Шеъриятда воқеликнинг кенг эпик манзарасини чизишға интилиш «Бир савол» каби шеърый роман ва «Суюк момо» каби (авторнинг ўзи янги эпос дейди) йирик эпик асарларни вужудға келтирди. Гарчанд икки жанрдаги бу тажриба (шеърый романи Мирмуҳсин ҳам ёзганди) кутилган натижани бермаган бўлса-да, муаллифларнинг қадимги жанрларни зомонавийлаштиришға уринишлари ижодий изланиш сифатида аҳамиятға моликдир. Кейинги йилларда лирик поэма афзалми ёки лиро-эпик поэма афзалми, деб бошланган ва узоқ давом этган мунозарани вақтнинг, ҳаётнинг ўзи маълум даражада ҳал қилиб берди. Ҳозир ўзбек поэмачилигида лирик поэма («Даврим жароҳати», «Лола кўл», «Сотволдидан салом») ва драма-поэма («Паҳлавон Маҳмуд», «Изма-из») соҳасида етук асарлар майдонға келди. Бундай асарлар ҳаёт учун, китобхон учун учала типдаги поэмалар ҳам

бирдек зарур эканлигини ва гап поэманинг қайси турида эмас, балки ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ эканлигини исботлаб бермоқда. Материалнинг, масаланинг характери ифода учун мақбул бўлган ё у, ё бу шаклни — турни талаб қилади. Лирик поэма ниқоби остида қуруқ, баландпарвоз ва сийқа гапларни бериш ҳодисаси поэманинг бу тури ҳам ижодкордан жуда катта меҳнат, маҳорат талаб қилишини кўрсатади. Поэзияда эпик қаҳрамон образини яратиш имконияти лиро-эпик поэмачиликда, шу жумладан драма-поэмаларда беқиёс катта эканлигини адабиётимиз тарихи тўла исботлаб турибди. Жанр имконияти чексиз эканлигини изланиш натижалари ёрқин кўрсатмоқда.

Жанр доирасининг бетиним кенгайиб бориши повесть ва роман жанрида янада яққол кўринмоқда. Ўзбек адабиётида ижтимоий-психологик пландаги повестларнинг («Синчалак», «Қорақалпоқ қиссаси», «Ҳилола», «Мерос» каби) кўплаб яратилиши бу жанр даврининг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларини жиддий таҳлил этиш йўлидан бораётганлигини билдиради. Ахлоқ-муҳаббат масалалари ҳам кўпроқ шу жанрда талқин қилинмоқда. Мемуар-биографик («Болалик» каби), документал повесть («Узоқни кўзлаган қиз» каби), детектив («Ёз ёмғири» каби), фантастик («Сариқ девни миниб»), сатирик («Елвизак») повесть ва яна бошқа хилма-хил характердаги повестларнинг пайдо бўлаётганлиги бу жанрнинг воқелигимизни таҳлил этишга актив ва жиддий ёндашаётганлиги натижасидир. Айниқса баъзи повестларимизда муҳим ижтимоий масалаларнинг қўйилиши, воқеликни қамраб олишдаги кенглик, характерлар кўплиги, ўткир конфликтларга моликлиги уларда романга хос кенг қўламликни келтириб чиқармоқда. Аксинча бизда шундай романлар борки, сюжет характери, тўғрироғи бир йўналишли сюжет, кўтарилган масаланинг вазни, персонажлар сони ва композицияси жиҳатдан повестга яқинлашади. («Одам бўлиш қийин», «Нур борки, соя бор», «Меҳригё», «Йиллар шамоли», «Сўнгги бекат», «Одам қандай тобланди».) Айни пайтда ўзбек романчилигида бадиий таҳлил учун танланган масаланинг муҳимлиги, қаҳрамонлар, персонажлар сони, характерларнинг турли-туманлиги ва улар фаолияти, хатти-ҳаракати, кураши содир бўлаётган тарихий муҳит

жой-макон ва вақт-замоннинг кенг кўламлилиги бундай асарларда эпосга хос фазилатларни келтириб чиқармоқда. Энг муҳими буларда воқеликни бутун мураккаблиги ва кенг кўлами билан чуқур таҳлил этиш асосий фазилат бўлиб бормоқда. Ўзбек романчилиги ривожига, бу жанрнинг янги-янги қирраларини очишга А. Қодирийдан кейин роман ёзган қатор талантли ёзувчиларимиз катта ҳиссасини қўшдилар ва қўшмоқдалар. Ойбек романларига хос чуқур лиризм, Ш. Рашидов романларидаги патетика, А. Мухтор романларидаги таҳлилийлик, ички драматизм, С. Аҳмад романларидаги ҳаётбахш юмор, Ҳ. Ғулом романларида воқеавийлик билан ўткир драматизмнинг қўшиливи, О. Ёқубов романларидаги психологик драматизм, Шухратдаги ижтимоий-сиёсий ўткирлик, Р. Файзий романидаги ҳужжатлилик-публицистиклик, Мирмуҳсин романларига хос қизиқарли сюжетлилик, П. Қодиров романларидаги ахлоқий-психологик таҳлил ўзбек романининг серқирра, серфазилат эканлигидан далолат беради.

Сўнгги йилларда ўзбек адабиётида вужудга келган ва ривожланаётган бундай янги, муҳим тенденциялар халқимиз ҳаётида, социалистик воқеалигимизда, шунингдек жаҳон халқлари тақдирида юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар ҳамда совет кишиларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий турмушидаги олға силжишларнинг натижасидир. Ижодкорларимизнинг тарихни, замонни, жаҳонни, воқелигимиз ва одамларни ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарихий ва ахлоқий-психологик аспектда текширишга интилиши адабиётимиздаги мана шундай ижобий тенденцияларни келтириб чиқармоқда ва қарор топтирмоқда.

1979 йил.

«Ижодкор зиёлиларнинг фаолияти,— деган эди Л. И. Брежнев партия XXV съездидаги нутқида,— ўтган йиллар давомида янада активлашди, улар коммунистик жамият қуришнинг умумпартиявий, умумхалқ ишига тобора салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Мана бу ижобий, ҳаётбахш жараён, табиийдирки, кейинги йилларда мамлакатимизда яратилган социалистик реализмнинг янги асарларида акс этади. Мамлакат ҳаётидаги асосий муҳим ҳодисалар, совет кишилари шахсий тақдирининг бир қисми бўлиб қолган ҳодисалар мана шу асарларда тобора кўпроқ, энг муҳими эса чуқурроқ ифодаланмоқда».

Бу ажойиб сўзлар бевосита совет адабиёти ва санъатига ҳам тааллуқлидир. У халқнинг маънавий бойлигини оширишда ва янги инсонни — коммунистик жамиятнинг актив, садоқатли курашчиларини вояга етказишда партиямизга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Чуқур гоёвийлик ва жўшқин оптимизм билан сугорилган бадиий юксак адабиёт ва санъатимиз халқимизнинг ҳақиқий йўлдоши, кўмакдоши ва илҳомчисига айланиб кетди.

Ижодкорларимиз шаънига айтилган бу самимий ва юксак баҳо уларни янгидан-янги зафарларга илҳомлантирди. Адабиёт ва санъат ўнинчи беш йилликнинг улўғвор вазифаларини бажаришда ҳам, умуман, коммунистик жамият қурилишини тезлаштиришда ҳам халқимиз ва партиямизга янада актив ва катта ёрдам бериши керак.

Сифат ва самарадорлик учун кураш беш йиллиги бўлмиш бу улўғ юриш айна чоқда сўз усталаридан ҳам ўз асарларининг мазмундорлиги, гоёвийлиги ва бадиий мукамаллигини ошириш тўғрисида янада жиддий-

роқ қайгуришларини ва меҳнат қилишларини тақозо қилади. Ғоявий чуқур ва эстетик юксак асаргина китобхонни тарбиялашга ва унга кўмак беришга қодирдир. Зотан, чин коммунистик асаргина ғоявий-бадний жиҳатдан мукаммал, етук бўлади.

Шу мезондан келиб чиқиб фақат ўзбек поэмачилигини, шунда ҳам кейинги икки йил орасида яратилган асарларни кўздан кечирсак, ажойиб манзаранинг гувоҳи бўламиз.

Поэмаларнинг тематикаси, мазмуни ва гоёси, жанр ва шаклида ҳамда бадий-тасвирий воситаларида анчагина фикр-мулоҳазаларни айтишни тақозо қилувчи ҳолатлар бор. Энг аввало, замон руҳини, воқеликнинг етакчи тенденцияларини ифодалашда ва инсоннинг руҳий дунёсини очишда поэмачилик қандай ютуққа эришди? Ҳаётнинг бош, муҳим ижтимоий-сиёсий — ахлоқий масалаларини бадий таҳлил қилишда иштироки қандай? Сурурли ва қайноқ давримизнинг бош қаҳрамонлари бўлмиш ишчилар, деҳқонлар ва илм-техника кишиларининг образлари поэмага кириб келдими? Кучли, жозибали характерлар яратилдими? Асримизнинг зиддиятлари, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кескин кураш, яхшиликнинг ва коммунистик ғояларнинг ғолибона қадами (теран таҳлил этил-яптими? Ўзбек поэмачилигида Умумиттифоқ китобхонининг эътиборини ўзига жалб қилган етук асар дунёга келдими? Шу кунги поэмачилигимиз тўғрисида фикр юритар эканмиз, аввало, мана шундай саволлар эсга келади.

ҲАЁТ ЕЧАЁТГАН МУАММО

Кейинги ўн-ўн беш йил орасида совет танқидчилиги ва адабиётшунослигида поэмачилик масаласи бир неча бор қизгин муҳокама қилинди. Бу мунозаралар, албатта, ҳаётнинг талаби билан юзага келмоқда ва унинг асосида қандай қилса поэма давр тенденцияларини ҳаққоний акс эттира олади, аср руҳини мукаммал ифодалай билади ва ҳаётнинг янги қаҳрамонлари образини жозибали тавдалантира олади, деган бош ният ётади. Ахир XX аср энг қайноқ, энг қизгин воқеаларга, биринчи навбатда, революцион воқеаларга бой аср бўлди, аввало, неча-неча асрлар давомида юз

бермаган улуг воқеалар шу асрда, унинг бошида содир бўлди: инсоният тарихида буюк бурилиш юз берди — социализм дунёга келди ва унинг ғолибона парвеси бутун ер куррасини қоплаб бормоқда. Мана бундай қаҳрамон ва революцион воқеалар поэма жанрининг активлашишини, янгиланишини тақозо қилди. Ҳам дунёдаги улугвор воқеаларни, ҳам ўша воқеаларнинг иштирокчиси, гувоҳи ва биринчи навбатда ўша янгиликлар ижодкори бўлмиш инсоннинг қалбидаги, руҳидаги ўзгаришларни ҳозиржавоблик билан ҳаққоний акс эттиришга интилиш ҳаракати гоҳ лиро-эпик, гоҳ лирик поэма турини активлаштирди, граждaнлар уруши, айниқса, Улуг Ватан урушидек шиддатли йилларда маълум вақт масофасини талаб қилувчи роман каби катта жанрлар орқароққа сурилиб, олдинга поэмачиликни чиқарди. Бугина эмас. Адабий алоқаларнинг кучайиши билан (ҳатто жаҳон адабиёти дурдоналарини таржима қилиш ишининг ривожланиши билан) ҳам поэма жанрининг имкониятлари бойиб кетди. Шу билан бирга кўпгина поэмаларнинг давр синовиға бардош бера олмаслиги танқидчиларни ҳам, ижодкорларни ҳам ўйлатиб қўйди. Поэмачилик қайси йўлдан кетмоқда, лирик поэма афзалми ёки лиро-эпик поемами, қайси поэманинг келажаги бор, деган масала хусусида баҳс кетди. Аввал «Литературная газета»да, кейинроқ «Дружба народов» ва ниҳоят «Литературное обозрение» журналларида давом этган бу мунозарада бир гуруҳ танқидчилар лирик поэмағина ҳозирги даврнинг руҳи ва кўламини ифодалашға қодир десалар, бошқалар лирик ва эпик асарларнинг уйғунлиғидағина замон ҳақиқатини айтиш ва тарихни ҳаракатға келтираётган инсоннинг типик образини яратиб бериш мумкин, деган фикрни олға сурдилар.

Шунн айтиш керакки, бундай мунозараларнинг поэма жанрининг ривожланишиға ижобий ва салбий таъсир қилган ҳоллари ҳам бўлди. Айниқса, лирик поэмани ҳозирги замоннинг талабига жавоб берувчи энг қулай тур, фикрни юзаки тушунган айрим шоирлар чўзиқ, тумтароқ бир парчаси тоғдан, бир бир парчаси боғдан гапирувчи, маълум қофияға солиб берилган «тўқима»ларни лирик поэма деб тақдим этдилар. Буларда гўё ўзларича, замоннинг бутун жумбоқларини қамраб олгандай ва ер курраси, космос бўй-

лаб фикр юритгандай бўлдилар. Аслида уларда мазкур ижодкорларнинг воқеликка мустақил қарашлари, ўз нуқтаи назарлари қоронги эди, улар юрагини ўртаётган ёки мафтун этган нарса кўринмасди, халқнинг эътиборини тортган муҳим ва зарур масалани чуқур, жиддий бадиий таҳлил этишга уриниш йўқ эди. Бу асарлар замона ҳодисаларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий моҳиятини очиш даражасига кўтарилмади. Айниқса поэма қўшиқдир, куйловчи жанрдир, деган эскириб қолган фикрга қулоқ солган айрим шоирлар зиддиятли оламни, воқеликдаги драматик ва фожиавий томонларни четлаб ўтишга уринди. Қуруқ мадҳиядан иборат бўлган чучмал, ҳавойи, ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам йўқ лирик поэмалар шундан келиб чиқди. Буларда лирик поэманинг устуни бўлган лирик қаҳрамон гавдаланмади, унинг кечинмаси берилмади, лирик конфликт яратилмади. Поэмадаги лирик «мен» замон ва макондан ташқарида турди, ўз троекториясида айланмади — шоирнинг ғоявий ниятини ифодалашга хизмат эттирилмади. Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки асар қайси жанрга ёки турга тааллуқли бўлмасин, унинг ғоявий-эстетик даражаси, тақдири аввало шоирнинг талантига, маҳорат даражасига, шахсиятига боғлиқ. Бу, айниқса, лирикада, лирик поэмада жуда равшан кўринади. Катта ҳаёт қозонида қайнамаган, халқ иши, вазифалари, ғам-ташвиши, шодлиги ва ғурурини ўзиники сифатида ҳис этмаган, воқеликка ва замонга, эртанги кунга халқ кўзи, нуқтаи назари билан қарамаган ижодкор унинг руҳи ва ўй-фикрлари, туйғулари ва идеалларини ифодаловчи шеър ёки лирик поэма ярата олмайди. Халқ тили, дилига айланиши, халқнинг номидан сўзлаш учун халқнинг узилмас бўлагига, бир аъзосига — қалбига айланиб кетиш керак. Олий ўқув юрти аудиторияси ёки бирор редакция хонасининг ўзида ўтириш билангина бунга эришиб бўлмайди. Бунда Маяковский ёки Ҳамза, Ғафур Ғуломлар каби янгилик гирдобиди, кураш ва қурилиш кўрасида бўлиш ва актив иштирок этиш керак бўлади...

Поэмачиликдаги етишмовчиликни фақат воқеавий сюжет орқалигина тузатиш мумкин, деб ишонган айрим шоирлар эпик поэмалар ёзишга жазм қилдилар. Бирдан катта-катта шеърый полотнолар тугила бошла-

ди. Булар орасида йўлнинг иккинчи четига — қирғоғига чиқиб кетиш, яъни поэманинг бир қаноти бўлмиш лирик асосдан воз кечиш ҳодисаси туфайли яратилган ғоят суст, жўн, лоқайд поэмалар анчагина бор. Уларда қарашлар, нуқтаи назарлар, ғоялар кураши, характерлар тўқнашувини ва қалб диалектикасини кўрсатиш ўрнини бирор воқеа ва фикрни ипидан-игнасиғача, кераксиз деталлариғача эринмай баён қилиш эгаллади: шоир ўзини саҳна орқасига олади-ю, аммо асаридаги персонажларига катта ижтимоий мазмун ва вазифа юклай олмайди, улар қоронғиликдаги одамдек номаълум ва ҳаракатсиз бўлиб кўринади. Бундай поэмаларда воқеавийлик бор, лекин характерлар, кураш мантиқидан ўсиб чиқувчи ҳақиқий сюжет ва конфликт йўқ, ташқи эпиклик бор, аммо ички мазмун саёз, воқеликни кенг кўлами билан кўрсатиш йўқ.

Бу нарса бир жиҳатдан проза жанрининг хусусиятларини поэмага зўрма-зўракилик билан кўчиришга муваффақиятсиз уринишдан ҳам келиб чиққан. Ҳар бир жанрнинг ўз имконият доираси мавжуд. Битта карнай ёки рубоб билан ҳаёт оҳангини, одамлар қалбидаги кечинмалар уммонини бериб бўлмагани учун ҳам бошқа чолғу асбоблари вужудга келган. Адабиётимизда шеър, поэма, ҳикоя, очерк, публицистика, роман ёки драма каби жанрлар мавжуд экан, демак, буларнинг ҳаммаси инсоният қалбининг талаб-эҳтиёжлари, ҳаётнинг тақозоси туфайли вужудга келган. Ҳаммасининг ўз вазифаси бор. Бундан жанрларнинг бир-бирига таъсири йўқ, бир-бирига ўтиши, бир-бирини бойитиши мумкин эмас, деган сўз келиб чиқмайди. Кейинги йилларда прозада поэзия элементлари (лирик проза деган тур шундан келиб чиқди), поэзияда проза элементлари (воқеани кенг эпик планда қамраб олиш, психологик таҳлилнинг чуқурлашуви, прозаик парчалардан фойдаланиш, кўп планлилик каби ҳоллар. Тўғри, бундай фазилатларнинг анчаси ўзбек классик дostonчилиғи ва халқ дostonларига ҳам хос эди), айниқса, поэмачиликда драматик жанр белгилари (бу конфликт кескинлигида, диалогик нутқ вазнининг ошишида, персонажлар сонининг кўпайиши ва асар сюжети ривожининг характерлар мантиқи ва курашидан келтириб чиқарилишида) равшан кўринмоқда. Драматик дoston деган терминнинг келиб чиқиши

ҳам шундан. Ёки прозада кино санъати, айниқса кинода барча санъат белгиларининг мўл-кўл қўлланилиши жанрларнинг бир-биридан «ўрганиши», «фойдаланиши» табиий ва қонуний эканини тасдиқлайди. Лекин шунини таъкидлаш керакки, бошқа жанрдан «қарз»га ёки «мутлақ» олинган компонентлар фақат ёрдамчи восита, элемент сифатидагина хизмат этади. Ҳар бир жанрнинг воқеликка муносабати ва уни ёритиш, таҳлил этиш усули (прозаик, драматик ёки шеърӣ), етакчи эстетик ғазилати, ҳажми, образлилиги, композицияси, ритми, оҳанги, қурилиши сақланиб қолади, мазкур жанрнинг шу доимий мутлақ ғазилатлари асосий ролни ўйнайди, бошқа жанрдан олинганлар фақат уни янада бойитади, унга кўмаклашади. Албатта, бунда ҳамма гап ижодкорнинг қобилияти, талантига боғлиқ. Меъёрни йўқотган чоқда жанрнинг «белики» синдириши ёки бошқа, сароб изга солиб юбориб, муваффақиятсизликка учраши мумкин. Лиро-эпик поэмада ҳоким ғазилат инсонни унинг ҳатти-ҳаракати орқали, характерлар тўқнашуви орқали кўрсатиш ва қаҳрамоннинг шу фаолияти туфайли шоирда — ҳикоячида ҳосил бўлган кечинмани ифодалаш туради, яъни эпиклик унинг бир қаноти бўлса, лирика иккинчи қанотидир, шундагина лиро-эпик поэма узокқа ва баландга парвоз этиши мумкин.

Биздаги қатор шеърӣ қисса ёки шеърӣ романда баёнчилик, кўп сўзлик, сусткашликнинг, воқеанависликнинг ўрин эгаллашида шоирларнинг маҳорати етишмаслигидан ташқари бошқа жанрнинг, айтайлик, прозанинг вазифасини ҳам бажаришга зўрма-зўраки уриниш, эллиқ йилча давомида катта романчилигимиз тугилиб, вояга етганини эътиборга олмаслик ҳодисаси ҳам йўқмикан?! Ахир адабиёт тарихидан ҳам маълумки, бизда йирик жанр дostonчилик ҳисобланган. Юқорида эслатганимиздек, дostonчиликда ҳозирги роман жанрининг кўпгина компонентлари ва ҳатто драма жанрининг айрим белгилари бўлган. Совет ҳукумати йиллари бизда романчилик, қиссачилик ва драматик жанрлар сафга кириб, барқ уриб ўсди ва классик дostonчилигимизнинг вазифасини енгиллаштирди. Ҳаётнинг ўзи ва янги жанрларнинг ривожини шоирлардан псэмачиликнинг даврга мос турини яратишни талаб қилди. «Кўкан» ёки «Зайнаб ва Омон»

ана шу янги давр талабига жавоб тарзида дунёга келди. Ҳажми кичкина бўлган бу дostonларда бутун бир тарихий давр, халқ ҳаёти, онги ва психологиясининг кескин бурилиш нуқтаси ҳаққоний акс этди. Улар ҳозир ҳам маълум бир тарихий даврнинг ҳаққоний бадийи шаҳодатномаси сифатидагина эмас, балки зўр эстетик қимматга эга асар намунаси тарзида ҳам аҳамиятлидир. Бу асарлар, Мирмуҳсининг «Уста Ғиёс», Миртемирнинг «Сурат», А. Мухторнинг «Пўлат қуювчи» каби адабиётимиз тарихидан ўзларига муносиб ўрин олган ва давр синозидан ўтган асарлар лиро-эпик поэма турпда имконият доираси катта эканлигидан далолат беради.

Тўғри, маълум даврда бир жанр, маълум даврда иккинчи жанр ёки бирор тур ҳоким, етакчи бўлган: ўтмишда аввало эпос кейин драма, сўнгра поэма, Шарқда лирика, бир даврда дostonчилик, яна лирика ҳокимлик қилганди. Шуларга ўхшаб, 60—70-йиллар орасида ўзбек поэзиясида поэманинг лирик тури кўпроқ ёзилди. Бу ҳодиса бошқа халқлар адабиётида ҳам юз берди. Кейинги йилларда ҳаёт танқидчилар ва ҳатто шоирларнинг ўзи шахсан аралашиб давом эттираётган мунозарани маълум маънода якунлаб, муаммони ҳал қилмоқда; китобхон учун, ҳаёт учун поэманинг иккала тури ҳам зарур. Агар шоир уддасидан чиқса, жанрининг имконият доирасини кенгайтира олса, янги қиррасини оча билса ва унга ўз шахсий муҳрини боса олса (фақат зўр талантигина жанрнинг янги қиррасини топа олади, уни бойилади), лирик поэмада ҳам, лиро-эпик поэмада ҳам кўзлаган маррасига етиш мумкин. Ҳамма гап асар учун олинган материалнинг хусусиятига ва шоирнинг унга ёндашиш тарзига, ғоявий ниятига боғлиқ. Шундай экан, поэманинг фалон турини тўхта-тиб туриб, фалон турида ёзиш керак, деб кўрсатма бериб бўлмайди. Лекин замоннинг руҳини ифодалашда, воқеликнинг янги қирраларини кўрсатишда ва серфазилат инсонни, даврнинг, ҳаётнинг янги қаҳрамонлари — образларини гавдалантиришда лиро-эпик поэмада имконият беқиёс катта. Умуман, кўп миллатли совет адабиётида, жумладан, ўзбек адабиётида авваллари (30-йиллар ёки Улуғ Ватан уруши йиллари) ҳам сўнгги йилларда битилган поэмалар худди шундай хулосани келтириб чиқаради. Ҳатто поэма жанрининг

«полвон»лари ҳам лиро-эпик поэмаларга каттароқ меҳр қўймоқдалар. Масалан, машҳур поэманавис Юстинас Марцинкявичюс 1974 йилнинг охирларида поэмачилик хусусида «Литературное обозрение» журнали томонидан берилган анкета саволига жавоб бериб: «Поэмада нима етишмаяпти? Ҳайрон қоларлиси шуки, худди унинг жанрий ўзига хослиги, воқеликка соф «поэмача муносабат», ўзига нисбатан катта талабчанлик етишмаяпти. Нега деганда, поэма ҳозир, ким билсин, энг интизомсиз жанрдир,— кутилмаганда одамда «позмани лириклаштириш» назарияси амалда фақат жанрнинг парчаланиб кетишига ёрдам бермоқда,— деган фикр тугилади», деганди. Машҳур рус шоири Р. Рождественский воқеавий сюжетлилиқ, характерларнинг бўлиши ва уларни драматик тўқнашувда, диалектик ривожланишда кўрсатиш поэма жанрининг муҳим белгилари эканлигини таъкидлайди («Литературное обозрение» журналининг 1974 йил, 10-сони).

Ана шу манзара ва тенденциялар сўнгги йиллар ўзбек поэмачилигида ҳам кўрилди. Бундан 2—3 йил аввал бизда лирик поэмачиликка интилиш кучли бўлса, сўнгги йилларда лиро-эпик поэмачиликнинг вазни ошди. Аммо шуни айтиш керакки, 70-йиллар атрофида яратилган яхши лирик поэмаларимиз ҳам, лиро-эпик поэмаларимиз ҳам аввалги йиллардаги поэмалардан анча фарқ қилади. Бунда лирик поэмаларда эпик элементларнинг актив аралашуви асосида воқеликни эпик кенгликда кўрсатиш (Р. Бобожоннинг «Оби ҳаёт» поэмаси), лиро-эпик поэмаларнинг айримларида эса лирик планда тасвирлаш кўзга ташланади (А. Мухторнинг «Мангули, ка дахлдор»и).

Умуман, ҳозирги ўзбек поэмалари жанрдаги ўзгаришлари жиҳатидан ҳам, ҳаётий проблемаларни кўтариб чиқиши ва бадий таҳлил этиш даражаси, бадий-тасвирий воситаларнинг янги, «эскилиги» жиҳатидан ҳам жиддий таҳлилни талаб қилади. Нега деганда шу тўрт йилча даврнинг ўзида фақат ўзбек адабиётида юздан ортиқ ҳар хил типдаги ва ҳажмдаги поэмалар эълон қилинди. Уларнинг битилганига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ, аммо кўплари, ҳатто танқидчилигимиз яхшигина баҳолаган асарлар ҳам эсдан чиқиб кетди. Бунинг боисини китобхоннинг паришонхотирлигига

йўйиш ёки танқидчиликнинг эътиборсизлигида деб ўйласак, тўғри бўлмас. Китобхон, инсоният нодир санъат асарини эрамиздан аввал яратилган бўлса ҳам, уни ўқийди, китоб жавонининг энг кўринарли жойига қўяди, шиддатли жанг майдонларида ҳам юрагининг ёнида авайлаб сақлайди, космосга ҳам бирга олиб чиқади... Гап шундаки, вақт синовига бардош бера олмаган асарларда даврнинг бош, катта масаласи мукамал бадий таҳлил этилмаяпти, янги инсоний фазилатлар кўрсатилмаяпти, янги характерлар яратилмаяпти, кўп авлодлар ва даврларни қизиқтирган, юраги ва ақлини банд қилган умуминсоний масалалар, фикр туйғулар чуқур ва теран бадий тадқиқ этилмаяпти. Ахир, роман, пьеса, поэма у ёқда турсин, кичик лирик шеър ҳам йилларнинг хулосаси, дарди ва орзуси сифатида майдонга келади. Агар диққат қилинса, айрим шоирларимиз йилига битта поэма эълон қилмоқдалар. Тўғри, баъзи шоҳ асарлар жуда қисқа вақтда ёзилган. Айтайлик, улуғ Навоийнинг «Хамса»си икки йил ичида қоғозга туширилган. Ҳа, қоғозга туширилган. Аслида унга Навоий ёшлигидан тайёргарлик кўрган, бутун ният ва идеалларини йигиб, пишитиб, жамлаб тайёрлаб келган. Фақат ёзилиш жараёнигина тез содир бўлган. Бунинг аксича, Гёте «Фауст»ни олтмиш йил давомида яратган. Ҳамма гап ижодкорнинг янги ҳаётий материал тўплай олиши, янги масалани қўзғай билишига ва айниқса, руҳий ижодий тайёргарлигига боғлиқ. Бир йилнинг ичида, тўғриси, қисқа муддатда янги ҳаётний тажриба, янги фикр, янгича қараш, янги туйғу, янги руҳ ва куч, илҳом тўплаб бўлармикан?!

Ачинарли томони шундаки, айрим шоирлар поэманинг охири мисрасини ёзиб бўлиши биланоқ матбуотда эълон қилишга шошиладилар, уни қайта ишлаб қиёмага етказишни ҳаёлига келтирмайдилар. Ҳатто журнал варианты хусусида танқидчилик ўзининг танқидий мулоҳазаларини билдирган тақдирда ҳам уни мукаммаллаштирмай тўпламларда эълон қилиб юбораверадилар. Тўпламларга фақат етук, маънавий ва эстетик озиқ берадиган, жамоатчилик ва танқидчиликнинг ижобий баҳосини олган асарларнигина бериш вақти келмадимикан?!

Агар адабиёт тарихига назар ташланса, йирик сўз

санъаткорларигина танқидчиларнинг фикр-мулоҳазаларига диққат ва ҳурмат билан қараганлар...

Ўқилинганга тушган баъзи бир дostonларнинг ҳажмини ўлчаб кўринг-а! Уларнинг кўпчилиги минг-минг икки юз мисра атрофида, лекин бундай поэмалар орасида тенг ярмидан воз кечсангиз, фақат фойда қилдиган, ютқизмайдиган асарлар ҳам бор. Аслида бадий мукаммал асардан боблар у ёқда турсин, шоирнинг бирорта сўзини ҳам олиб ташлаш мумкин эмаску.

Биз бу билан поэмачилигимиз эришган ютуқларни инкор қилмоқчи ёки камситмоқчи эмасмиз. «Оби ҳаёт»нинг Иттифоқ китобхонлари орасига кириб борганидан ва Давлат мукофотига сазовор бўлганлигидан қувонамиз. Лирик поэманинг катта имконияти борлигини кўрсатиб берган бу асарда замонанинг катта масалаларидан бири ўткир публицистик ва жўшқин кўтаринки пардада теран таҳлил этилади. Сув масаласига умуминсоний мезон билан ёндашилган ва уни кечаги, бугунги ва эртанги ҳолати билан биргаликда бадий тадқиқ этилган бу асарнинг мазмуни эпик кенглиги жиҳатидан қимматли. Шоир конфликтни лирик қаҳрамон кечинмаси, ҳиссиёти, онига кўчира олган. Ойбек эса Инсон ва Тарих муносабатини, Уруш ва Инсон тақдири масаласини «Даврим жароҳати»да фалсафий-публицистик планда ёритиб берганди. Биографик характердаги «Ўуёшли қалам» поэмасида Зулфия конкрет тарихий шахс тақдирида замонни таҳлил қилди. «Лола кўл»да Ҳамид Ғулом кескин ривожланувчи сюжет, характерлар тўқнашуви ва уларнинг руҳий дунёсини чуқур очиб бериши орқали илғор ва актив аёл образини гавдалантирди. Поэма шаклланувчи характерни, шароит, муҳитнинг таъсирида инсоннинг руҳий эволюциясини кўрсатиб бериши ва психологик тасвирнинг чуқурлиги билан эътиборга лойиқ. Ҳам амалий изланишлари, ҳам назарий фикр-кузатишлари билан поэмачилигимизнинг ривожига ўз таъсирини ўтказиб келаётган Асқад Мухтор асарлари-чи?! С. Зуннунова, Э. Воҳидов, Ҳ. Шарипов, Г. Жўраева, Муҳаммад Али, Ж. Камол ва бошқаларнинг қатор поэмалари-чи?! Аммо биз поэмаларнинг маълум қисминигина эмас, балки ҳаммасининг давр синовига бардош беришини истаймиз.

Кейинги икки йилда эълон қилинган поэмаларда қандай макзарани кўрамиз? Уларда равшан сезилган икки ҳолат кишини анчагина ташвишлантиради. Буларнинг биринчиси — кўпчилик ижодкорларнинг тарихий мавзу атрофида айланиши бўлса, иккинчиси, уларнинг масалага бир хилда ёндашишлари, шаклдаги ва масалани талқин қилишдаги ўхшашлик. Ахир 1974—1975 йилларда «Шарқ юлдузи» журнали ва тўпламларда эълон қилинган йигирмага яқин поэмалардан тўрттачаси ҳозирги замон воқелигидан олиб ёзилган.

Аввало шунини эслатиб ўтиш лозимки, биз мутлақо тарихий мавзунини камситмоқчи эмасмиз. Узоқ ўтмишда ёки яқинларда бўлиб ўтган тарихий-революцион воқеалар ҳақида ёзиладими, бундан қатъий назар асар энг аввало замондошлар ва кейинги авлодлар учун битилади. Агар асарда тарих замонанинг вазифаларига, унинг жумбоқларини ҳал этишга ва келажакни яқинлаштиришга хизмат эттирилмаса, унга қалам уришдан не фойда! Тарихий мавзуга мурожаат этган ижодкорларнинг бир хили бугунги бахтиёр ҳаётимизнинг қандай курашлар ва қурбонлар эвазига қўлга кирганини кўрсатиб, бизда давримизга, гоёмизга янада садоқат ва муҳаббат уйғотади, уларни ўстиради. Иккинчи хили, тарихнинг қалтис «ҳазил»лари ва сирли «найранг»лари остида яшириниб ётган ҳақиқатни очади; учинчи хил ижодкорлар аجدодларимизнинг орзулари, истаклари ва ниятлари билан замондошларимизнинг ишлари, мақсадлари, руҳи ва идеаллари ўртасидаги боғланишларни, туташ томирларни кашф этадилар; бошқалари тарихнинг катта хулосасини бир сабоқ, мактаб тарзида гавдалантириб, замондошларни огоҳ, ҳушёр бўлишга ва қўлга кирган бахтини астойдил ҳимоя қилишга даъват этадилар, яна бошқалари ҳозирги замоннинг фожиали ва «адолатли» ишларини ўтмишдаги худди шунга ўхшаш воқеалар асосида фош қилиб ташлайдилар; баъзилари ўтмишда инсонга бахт излаган, унинг орзуси учун курашган ва шу йўлда жафо чеккан, ҳалок бўлган жасур, илғор одамларнинг ёрқин хотирасига бадийий сўз билан ҳайкал қўядилар ва ҳоказо. Хуллас, тарихий мавзунинг тар-

моғи, қирраси чексиз. Лекин булар ҳаммасининг остида ўтмишни — тарихни бугунги инсониятнинг манфаати, бахти ва келажаги учун хизмат эттириш ётади. Шоирларимиз тарихий ва тарихий-революцион воқеалар ҳақида дoston ёзганда худди шундай эзгу ниятни кўзда тутганлар.

Бу ўринда шоир Омон Матжоннинг «Паҳлавон Маҳмуд» драматик достонини кўрсатиш мумкин. Шоирнинг «Паҳлавон Маҳмуд» драматик достонида тарихий воқеага ёндашиш ва уни бадиий таҳлил этишда янгилик бор. Ю. Марцинкявичюс «Миндаугас» асари билан драматик поэмада катта имконият борлигини исботлаган эди. У «Дружба народов» журнаlining 1975 йил 12-сонида ана шу триптихи (трилогияси)нинг иккинчи асарини — «Собор»ни эълон қилди. Ю. Марцинкявичюс «Литературное обозрение» анкета саволига берган юқоридаги жавобида «мени сўнгги йилларда поэма-драма (ёки драма-поэма) қизиқтирмоқда», деб поэманинг бу турини маъқул кўрганини айтган эди. Танқидчилик шоирнинг драматик поэмаларига юқори баҳо бергани ҳолда, шу драматик поэма турида ҳам имконият катта эканлигини таъкидлади. Омон Матжоннинг «Паҳлавон Маҳмуд» асари ўша машҳур совет шоири рағбат билдирган йўлнинг самарали эканлигини (бирдан-бир демоқчи эмасмиз, албатта) ёрқин кўрсатиб турибди. Бунда, албатта ҳамма гап шоирнинг маҳоратига боғлиқ. Шундай бўлса-да, драматик жанр билан лирика ўртасида ички яқинлик бор. Белинский драматик жанр эпос билан лириканинг синтезидан иборат деганди. Горький эса «драматик асар кучли ҳиссиётни... талаб қилади», деб таъкидлаганки, бу фазилатлар лирикага, поэзияга хос нарсa. Драматик жанр кескин ҳаракатдаги драматик характерлар тўқнашувига, ҳаракат бирлиги, диалогга асосланган ва воқеани ҳозир кўз ўнгингизда содир бўлаётган тарзда гавдалантирар экан, драматик поэмада худди шу элементлар иштирок этиши лозим. Лекин бунда воқеа ва унда иштирок этувчиларга Ю. Марцинкявичюс ибораси-ла айтганда, «поэмача ёндашилади», Омон Матжон асар сюжетини ўткир драматик изга сола олган, ундаги персонажлар кескин тўқнашувларда кўрсатилади ва характерлар ана шу кураш жараёнида очилади. Шоир Паҳлавон

Маҳмуд яшаган даврдаги халқ аҳволини, унинг адолат сари интилишини ва босқинчилар зулмининг чексизлигини таъсирли гаудалантириб беради. Достоннинг яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кескин кураш асосига қурилиши, асар сюжетиининг Паҳлавон Маҳмуд характериининг мантиқига қараб ўсиб-ўзгариши ва асар драматизмининг ўткирлиги унинг муваффақиятли чиқишини таъминлаган. Ҳам ўткир шоир, ҳам машҳур паҳлавон бўлган Маҳмудни (прототип ва материалнинг хусусияти ҳам драматик поэма турини танлашни тақозо қилгандир) Омон Матжон адолат ва озодлик ғояси учун интилувчи шахс тарзида талқин қилади. У кураш майдонидаги паҳлавонлик билан ўз ниятига етиб бўлмаслигини англай бошлайди (аслида унинг паҳлавонлиги ҳам, қўрқмас шоирлиги ҳам ягона қалбнинг икки шаклдаги намоиши, зуҳурқ холос) ва «Билдим, касб этмоқ шарт ўзга курашни!» дейди. Асарнинг мазмуни ва руҳида шоирнинг ҳозирги замон босқинчиларига, жумладан, Чили фашистларига, араб, Африка халқларига нисбатан найрангбозлик қилаётган америка империалистларига кескин нафрати қайнаб туради:

Бир-биринг гўштингни гажисанг қанча,
Сенларни қул тутмоқ осондир шунча...

Ёки:

Наҳот қўшиқни ҳам таъқибга олиб,
Дилни, туйгуларни паллага солиб,
Тош қўйиб тортсалар ҳаяжонларни,
Фалакни жунбишга солган қонларни!

Ҳусниддин Шариповнинг «Изма-из» достонида драматик жанрга хос белгилар борлигини ўз вақтида айтган эдик. Бунда асар учта образ зиммасига қўйилган: Олим, В. И. Ленин ва шир образи. Шоир қаҳрамонлар ҳолати ва воқеа бўлаётган жойларни тасвирлаб, ўша вазият таъсирида калбида туғилган фикотуғёнларни ифодалагандан кейин, саҳнада Илмич билан Олимни холи қолдириб, ўзи парда орқалига ўтиб кетади. Илмич билан Олимнинг характери уларнинг мунозараси, баҳси орқали очилади. Поэмадаги драма

жанрига хос асосий фазилат худди шу ҳолатда намоён бўлади (диалогик нутқ шакли ҳам, албатта, драматик жанр белгиси). Ильич билан Олимнинг баҳси, мунозараси инсоният ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт тўғрисида кетади. Поэманинг фалсафий пардада ёзилиши ҳам шундан. Шоир Лениннинг фикрлаш ва сўзлаш тарзини беришга, айниқса доҳий нутқининг сермаъни ва лўнда, жозибали бўлишига эришишга интилади. Ҳақиқатан ҳам Лениннинг номидан айтилган:

Ҳа, йиқилмай деса юксакдан киши,
Фақат ҳаракатда бўлиши керак...

деган битта жумлага чуқур ҳаётий маъно юклай олган. Ёки ана бир мисол:

И л ь и ч

Қачонким кўришсак ўртоқлар билан,
Мавзу битта эди:

«Кураш ва... кураш!»

Чиқиб қолар эди ҳаттоки ёлдан
Гоҳо учрашганда соғлиқни сўраш,
Дарвоқо, ёшлик-да,—

у пайт ёш эдим,—

Соғлиқнинг қадрига ким ҳам етарди.
Юрак-юракларни намақоб ёшдек
Ёндирадди фақат халқимнинг дарди.
Ахир, соф уфқлар тоқай занжирбанд,
Тоқай инсон яшар ҳуркак қуш бўлиб,
Партия туғилди,

севги учун қалб,

Жанг учун туғилган чўян мушт бўлиб,

Партия туғилди,

Афродитадай —

Оламга келмас у кўпикдан, сувдан,

Партия туғилди оддий кулбада,

Ишонч ва ташналик,

қаҳру орзудан...

1

О л и м

Ҳим тушунмайди гоҳо ўз дардин,

Мушкулдир ўзганинг кўнглини билиш.

Лекин бўлмас эди Ерни ўзгартиб,
Сиз ўша заҳматни енгмасдан, Ильич.
Аммо зулматларни тилка этиб нур,
Нурга тўймагунча жафокаш курра,—
Сиз, Ильич, яшашга эдингиз мажбур,
Ўлиш-чун ҳаққингиз йўқ эди зарра.
Сиз дард чекмасангиз,
Одамзод яна —
Неча йил яшарди бахтдан беҳабар!
Бу дарддан холидир сотқинларгина,
Ахир, қўшин деган бўлмас беҳатар.

Ҳ. Шарипов Ленин образини яратиш соҳасида кўп йиллардан буён жилдий ва қунт билан меҳнат қилиб, изланиб келмоқда. У доҳийнинг барча асарларини ва у ҳақидаги талайгина хотира, ҳужжатларни синчковлик билан ўрганиб чиқди. «Изма-из» ва «Нур йўли» номли дostonларида Ленин сиймосининг айрим қирраларини мустақил равишда ёритишга муяссар бўлди. Умуман, Ҳ. Шарипов ижтимоий-сиёсий воқеаларга ва доҳий ҳаётига устози Маяковскийча ёндашишга интилиб, муҳим ижодий ютуққа эришмоқда. Ҳ. Шариповнинг Ленин темасига Маяковский мактабини ўтиб кирганини ўзбек шоирининг Маяковский ҳақидаги қатор шеър ва «Шоир ҳақида» поэмасининг майдонга келганидан ҳам билиш мумкин. «Шоир ҳақида» поэмаси ижтимоий мазмунининг салмоқдорлиги, ғоявий кучининг ўткирлиги ва кўтаринки пафоси билан ўзбек поэмачилигининг ютуқларидан бири дейишга арзийди. Ҳ. Шарипов улкан революционер шоирнинг руҳий дунёсини, характери, психологияси, интилиш ва орзу-идеаллари, қисқаси, шоир ва оддий инсон сифатидаги сиймосини ҳаққоний чизиб бера олган. Маяковский шахсияти ва унинг асарларига ҳос бўлган қаҳрамонлик, фожиавийлик, сатирик йўл дostonнинг руҳи, пафосини белгилайди. Ҳ. Шарипов шоир образини Маяковскийнинг ижодий принципларидан илҳомланиб чиғади. Бу мавзунинг ўткир сиёсий пардада талқин қилишида, воқеликни драматик ҳолати билан ёритиб боришида жанговар публицистик нутқнинг сероҳанг, образларнинг муболағали ва қабарикли бўлишида кўринади. Айрим образларни келтирайлик:

Ўликларга ҳурмат керак. Ҳа, ҳурмат бўлса бас,
Илиқ сўзлар хирмонида ҳордиқ ёзар улар.
Шоир эса бу дунёга териш учун эмас,
Кўксидagi бйлигини сочиш учун келар.
Дурадгордай қош чимириб, қўлда қалам болга,
Ишқини у юракларга мих қилиб қоқади.

Ёки:

Дунёни у остин-устин
Қилмоқчийди сўз билан,
Ололмаса қўл-ла қасдин,
Ғажир эди кўз билан.

Яна:

Азобсиз деб ўйлайсизми
дилни қудуқ қилиб кавлаш?..
Хаёл тиги сал тойилса
дил пардасин яралар.
Лекин унда бўлмаса дард,
Шоир деб ҳам аталмасди.
Нима қилиб бера олар
Одамзодга қуруқ баст!

Яна бир мисол:

Фикр-арқоқ. Замои — ўриш. Ким тўқийди
пишиқроқ!
Кўзи борга иш етарли. Битмагунча қўймаймиз.
Зал, жим бўлинг!
Мана курси.
Ўқинг. Марҳамат, ўртоқ!
Сачраб тушсин ҳув олдинги креслода мудраган.
Қофиялар найза бўлсин,
Мўлжал қилиб урайлик.
Естиқ миниб коммунизмни кутган ошхўр мурдалар
Дод-войини мазза қилиб эшитайлик, кўрайлик,
Мен, эҳтимол, у кунларга етиб бора олмасман.
Йиғламайман лекин, дўстлар, на қорним, на қадримга:
Ишқим қолар ер юзида.
Сизлар билан ўлмасдан.

Ҳ. Шариповнинг шеърларидаги мана шундай маз-
мунли ва теран фикрлар унинг ҳақиқий шеърият яра-

тиш йўлидан шахдам одимлаб бораётганлигини кўрса-
тади.

В. В. Маяковский ёки Ҳ. Ҳ. Ниёзийга ўхшаган шоирлар ҳам ўзларининг шахсий ҳаётлари, ижтимоий фаолиятлари ва революцион курашлари билан, ҳам революцион ижодлари билан янги, социалистик ҳаёт учун ғоят актив кураш олиб бордилар. Айтайлик, Ҳамзанинг ижоди қанчалик қаҳрамонлик руҳи билан суғорилган бўлса, ҳаёти ва фаолияти ҳам мана шундай қаҳрамонона эди. Халқ идеали ва партия иши учун жонини тиккан бундай ажойиб кишилар ҳаёти ва тақдири ёзувчилар, шоирларни қизиқтирмай ва ром қилмай иложи йўқ. Ҳамза тўғрисида бизда ҳамма жанрда қатор асарларнинг, ҳатто поэзияда ҳам бир неча дostonларнинг пайдо бўлиши шунинг учундир.

Т. Тўланинг Ҳамза ҳақидаги «Замон ҳукми» поэмасида ҳаётий воқеликининг янги қиррасини очиши ва поэмачиликка янги қаҳрамонни олиб кириши жиҳатидан оригиналлик бор. Т. Тўла Ҳамза ҳаётининг сўнгги кунларига, бошқалар қаламга олмаган қиррасига диққат қилади: Ҳамзанинг фожиали ўлими ва босмачилик ҳаракатида тушунмасдан иштирок этган ва кейин кўзи очилган оддий одамларнинг (тўғри, бу проблема рус ёзувчилари, шунингдек, ўзбек кинолари ва драматик асарларининг баъзиларида бор) мураккаб тақдирини, ҳатто фожиали ҳаётини тасвирлайди. Поэманинг дастлабки икки бобидаги ортиқчаликни эътиборга олмаганда воқеа кескин, жиддий ва таранг. Шоир эпик чизиққа туширилган воқеадан асосан қаҳрамонларнинг руҳий кечинмасини, психологик ҳолатини чизишга диққат қилади. Учала қаҳрамоннинг ҳаёти мураккаб: ёшгина қиз Баҳор колхозда илгор, иззат-ҳурматли бригадир. Уни партияга қабул қилаётганда масала чигаллашиб қолади. Сабаби, унинг отаси Очил босмачи эди. Баҳорни партияга қабул қилишни кечиктириб туришни талаб қилган боғбон, обрўли Тоға эса босмачилар орасида бўлганини яшириб партия сафида яшаб келаётган одам. У ҳам, Очил ҳам оддий камбағал одамлар эди, адашиб босмачиларга қўшилган ва биттаси Ҳамзага тош отганлардан. Очил кейин қизил аскарлар томонига ўтади, яна қайтади ва дайдиб ўз ўтига ўзи қоврилиб юради. Тоға ҳам ўтмишни ўйлаб, доим руҳий азоб чекади ва охири бор ҳақи-

қатни халққа айтиб дили ёришади (партия мажлиси-дан кейин). Тўғри Тоға Ҳамза тошбўрон қилинганда «уни кўкрак билан тўсиш»га уринган, «ўтмиши қора, аммо қора эмас эди юраги». Шоир Очилнинг ҳам икки жиҳатини — аслида яхши одам эканлигини, лекин адашиб ёвнинг қўлида «қилич, пичоқ, ўқ» бўлганлиги-ни ва ниҳоят унинг ҳақиқатни таниш даражасига келганини кўрсатади. Унинг Ҳамза қабри устида тавба қилиб жон бериши рамзида каттагина маъно ётади. Кўринадики, Т. Тўла Ҳамза тақдири баҳонасида халқимизнинг ҳаётида, тарихида юз берган улуг бури-лиш йилларининг мураккаблигини акс эттириб бера олган. Т. Тўла поэмачиликда жиддий изланишлар қилмоқда. Унинг «Суюк Момо» асари («Шарқ юлду-зи», 1976, 2—3) ҳам бунинг ёрқин далили.

Т. Тўла воқеликни эпик кенгликда кўрсатиш мақ-садида йирик шеърий асар ёзди ва уни «Янги эпос» деб атади.

Албатта, бу «Илиада» ёки «Одиссея»га яқин эмас, ҳатто Навоий «Ҳамса»сидаги дostonлар типидagi асар ҳам эмас. Тўғри, ҳажми жиҳатидан «Суюк Момо» 3690 мисра бўлиб, «Лайли ва Мажнун»нинг ярмиси-дан сал ошиқ. Ўз вақтида И. Франко эпос тўғрисида мулоҳаза юритиб бундай деган экан: «На «Энеида», «Шоҳнома», на «Нибелунглар ҳақида қўшиқ», «Ро-ланд ҳақида қўшиқ», «Илоҳий комедия», на «Бео-вульф»ларни характерлаш учун Гомер эпопеясининг таърифи мутлақо тўғри келмайди. Мазкур эпопеялар алоҳида таърифни талаб қилади — демак, бундай таърифни ҳамма давр учун қўллавериш тўғри эмас».

Т. Тўла мана шу ҳақиқатдан келиб чиқиб, асарини «Янги эпос» деб атади. Албатта, бу ном маълум маъ-нода шартли. Чунки воқеликни қамраб олиш кўлами жиҳатидан ҳам, унда иштирок қилган персонажлар сони, айниқса асарга асос бўлган ҳаётгий материални бадий талқин қилиш йўли, баён қилиш усули ва ҳажми жиҳатидан ҳам асар росмана поэмалардан уч-тўрт баробар катта, айни пайтда қадимги эпослар ёки ўзбек классик дostonларига ўхшамайди. Шу туфайли шоир унга «янги» сифатини берган. Аслида шоирнинг диққатида «янги эпос» тажриба қилиб кўриш турган эмас. Асарга асос қилиб олинган тарихий, ҳаётгий во-қеанинг мазмуни, кўлами ва руҳи, биринчи навбатда

шоирнинг унга бўлган муносабати нуқтаи назари ва ғоявий нияти ихчам ҳажмдаги поэма жанри доирасини ёриб чиқишни, ўзини ифодалашга лойиқ шаклни талаб қилган. Асар учун прототип бўлиб хизмат этган тарихий шахс Чучук Момо Бозорбой қизининг ҳаёти ва иши қаҳрамонона бўлиб, эл орасида афсона даражасига кўтарилган (ўша вақтда Ҳозил Йўлдошга ўхшаган халқ бахшиларининг бу воқеани куйлашга бел боғлаши ёки кейинроқ бу воқеа тўғрисида кўпгина қалам аҳлининг асар ёзиши ҳам унинг ана шу катта шуҳратидан далолат беради). Чучук Момо тақдирида халқимизнинг ҳаётидаги энг кескин нуқталаридан бири — босмачиларга қарши кураш ва ёш Совет ҳукуматини ҳимоя қилиш, янги ҳаётни қуриш йўлидаги қаҳрамонона жасорати намён бўлди. Чучук Момо билан бирга, шоирнинг ёзишича ва исм, фамилияси билан бирма-бир кўрсатишича, яна ўн тўрт сафдоши ҳам «удаҳшатли йиллар тўғрисида»да қатнашиб, янги ҳаёт душманларига қарши актив курашганлар.

Т. Тўла ана шу тарихий воқеани «халқ дostonлари услубига мойил бу дostonи»да акс эттиради. Чучук Момонинг (асарда Суюк Момо) бутун бир босмачилар галасини бошлиғи билан қўлга тушириши (ошига наша қўшиб едириб маст қилиб), дарҳақиқат, афсонавий мардлик. Бундай ҳолатлар ҳақиқатан ҳам эртак, халқ дostonларидагина учрайди. Т. Тўла ана шу қаҳрамонона ҳодисани ўзини саҳна орқасига олиб туриб ҳикоя қилади. Ҳикоячилар ҳам ўша қаҳрамонлик дostonларидаги каби воқеанинг гувоҳлари, иштирокчилари. Шоир бу ерда Момонинг 14 сафдошидан еттиси билан ҳаёт вақтида суҳбатлашиб олганини айтди ва Момонинг қаҳрамонлигини шу етти бобо тилидан баён қилдиради. Уларнинг ҳикоясича, Момо ҳақиқатан жасур, қўрқмас аёл тарзида кўринади, унинг ўғли Топил ҳам душман бўлиб чиққан дўсти Турсун билан (фольклорда бундай сохта дўстлар образи кўп) кескин тўқнашади, ўлимдан қўрқмайди. Бахмал ва Жилва ҳам жасур аёллар тарзида кўрсатилади. Қаҳрамонларнинг ботиб қилиб берилиши, уларнинг душман билан кескин, ҳаёт-мамот учун кураш жараёнида кўрсатилиши, умуман тасвирдаги, баёндаги кўтаринкилик, қабарлиқлик ва муболағали нутқ халқ дostonларига хос сифатдир. Бугина эмас, шеър шаклида, унинг хилма-

хил ритмида (шоир турли вазнлардан фойдаланган), образларида (от, дўмбира, Аваз) ва тасвирий воситаларида ҳам халқ дostonчилигининг усули кўриниб турибди. Айниқса, терма ва халқ мақолларидаги донолик, сермаънилик дostonнинг кўпгина мисраларини қўйма ҳолга келтирган:

Одам бўлиб тугилмайди одам асли,
Одам бўлур ақли билан одам насли.
Одам дея аталурлар шундан расми,
Одам деган одамларга бўлган ўртоқ.

Ёки:

Олимхонни босиб қиргин солганда,
Зомин, Фориш, Ургутни ҳам олганда,
Амугача ёвни қувиб борганда
Кўрмаганман сендайни.

Асарда халқ дostonларини эслатувчи бундай ўринлар жуда кўп. Лекин унга сингишмаган ўринлар, приёмлар анчагина бор. Шоир воқеага киришмасдан аввал учта шеърий сўз боши ёзади. Тўгри, буларнинг бири, она-Ер шаънига, иккинчиси, дўмбира таърифи ва учинчиси ҳам иккинчисидаги мавзуга алоқадор. Буларни ихчамлаштириш мумкин эди. Сўнгра шоир ҳар бир бобда воқеа олдидан уларга биттадан афсона ёки бўлиб ўтган воқеани сўзлатади (муаллиманинг ўлдрилиш воқеаси ўша афсонавий ҳикоятлардан фарқ қилади, демак, принцип бузилади). Шу ҳикоялар бир оз сунъийдек, ёпишмай тургандек туюлади. Унинг устига Момонинг ҳаёти ҳар қандай эртак, нақлдан баланд. Сўнгра шоир воқеани бошламай туриб Саттор бобо билан суҳбатда ва «Оқсоқоллар» бобида ўша даҳшатли воқеаларда иштирок қилган одамларни, ўша оғир йилларни таърифлайди. Момо тақдири, Жилва билан Аваз, Бахмал тақдирлари ўша оғир даврни кўрсатишга хизмат этади. Шундай бўлсада, муаллима воқеаси баёни ёки «Богдагул» боби ортиқча, улар босмачиларнинг ваҳшийлигини исботлаш учун келтирилган қўшимча далиллар, холос. Асарда воқеани баён қилишдан кўрсатишга ўтилган ўринларда ҳамма нарса жонланиб, драматизм ҳам таранглашиб кетади. Жилва билан Аваз ҳақидаги ўринларда

ҳам шунчаки баён этиш ётгани учун таъсирли чиқмаган. Асарнинг чинакам «Янги эпос» бўлишида нимадир халақит бериб тургандай, нимадир етмагандай.

Кўпчилик поэмалар Улуғ Ватан уруши мавзуга бағишланган. Совет халқининг немис фашизми устидан қозонган улуғ тарихий ғалабаси муносабати билан шоирларимизнинг бу қутлуғ ва абадий мавзуга қўл уришгани таҳсинга сазовор, албатта. Унинг устига шу воқеа тўғрисида эълон қилинган ўндан ортиқ поэманинг муаллифлари ёшлар. Улар уруш фронтларида шахсан иштирок этмаганлар, фақат айримларининг ёшлиги шу суронли йилларда ўтган. Улар уруш даҳшати ва халқнинг жасорати, бардошини болалик тушунча ва тасаввурида сезганлар. Дарвоқе, бу поэмаларнинг аксариятида шу болаликнинг урушни қандай тушунганини ёритиш туради. «Мен урушни кўрганман» (Г. Нуруллаева), «Комиссар» (Э. Самандаров), «Армон» (Ж. Камол), «Кўнгил мулки» (Э. Охунова), «Юлдузлар хаёли» (Р. Абдурашид), «Чаноқдаги тонг» (К. Қодиров) каби поэмаларда шоирлар урушнинг халқ бошига келтирган фожiasi, одамлар жасорати ва ундан ҳозирги кун учун олинадиган катта сабоқлар тўғрисида сўзлашади. Албатта, ҳар бир шоир янгиликка интилади. Г. Нуруллаева бу урушнинг совет кишилари бошига келтирган кулфати йигирма миллион одамни олиб кетишигина эмас, балки қурбонларнинг сони кўп урушда ўз фарзандлари ва яқин кишиларидан жудо бўлганлар ҳам, «Ўлмай туриб ўлган бағри қонлар» ҳам шу урушнинг қурбонларидир, деган фикрни олға суради. Поэма лиризмнинг чуқурлиги ва фикрларнинг қуюқлиги билан қимматли. Ж. Камол уч фарзанди доғида армон билан куйиб тамом бўлган она образини чизади. Лекин ўлим билан олишаётган онани азобдан қутултирамиз деб уч йигитни уч ўғлига ўхшатиб кийинтириб, унинг ҳузурига киритилишида қандайдир нотабийлик, — бачканалик, она туйғусини менсимаслик ётади. К. Қодиров биринчи йирик асари бўлмиш «Чаноқдаги тонг»да уруш ва инсоннинг бурчи масаласини конкрет меҳнат жараёнида ҳамда ҳозирги даврга боғлаб талқин қилишга интилади. Унинг янги, пишиқ образлари, кузатишлари бор, қишлоқ ҳаётини дуруст билади. Аммо поэмада ғализ ўринлар, ортиқча

тафсилотлар кўп. Асардаги Адҳам — Ҳилол линияси асосий линия билан жипс боғланмайди. Ана шундай кўп сўзлик, баёнчилик Э. Охунованинг «Кўнгил мулки» поэмасига ҳам хос. Шоира яхши масалани кўтаради: Миртемир «Сурат» поэмасида урушга кетган ёрини кутмай бошқани деб кетган аёл фожиасини кўрсатган ва бунинг асосий илдизини урушдан чиқарганди. Э. Охунова ҳам ўз поэмаси асосига урушга кетган эридан воз кечиб, енгил йўлга ўтган аёлнинг фожиасини қўяди. Асар қаҳрамони Сунбула фарзандидан ҳам тонади. Эри Солиҳ эса урушдан ногирон бўлиб қайтиб келгач, Солиҳадек олижаноб қизга дуч келади. У билан тақдирини қўшади ва ўғлини ҳам топиб бағрига олади. Шундан кейин Сунбула ўз қилмишларига пушаймон бўлиб эрини ва ўғлини талашиб келади. Шоира Сунбулани фақат бир томонлама, қора бўёқда бўйаб, схематик тарзда тасвирлайди, уни жуда беҳаё қилиб кўрсатади.

Сунбуланинг хатти-ҳаракатлари ва охирида ўз хатосини англаши психологик жиҳатдан чуқурроқ асосланиши, китобхонни ишонтириши керак эди. Изланишнинг самаралари Э. Самандаровнинг «Комиссар», Р. Абдурашид «Юлдузлар хаёли» поэмаларида ҳам бор.

Лекин кўпгина поэмаларда уруш ва инсон мавзусига мустақил ёндашиш, унинг янги қиррасини очиш, асарни ўткир ижтимоий-сиёсий гоя, теран фалсафий фикр ва ҳужумкор публицистик руҳ билан суғориш етишмаяпти. Бусиз улар тарихнинг йўналишига таъсир эта олмайди. Ахир поэма халқ босиб ўтган йўлни, тарих изининг таҳлил этиш билангина чегараланиши мумкин эмас, у тарихдан мавзу ва материал олса ҳам бугунги одамларнинг тақдирини ўйлаши, бугунги ҳаётнинг ривожига актив аралашини ва инсонни юксак идеаллар сари чорлаши керак.

Кейинги йилларда тарихий-революцион мавзуга бағишланган Э. Воҳидовнинг «Бахмал», Т. Ҳамиднинг «Қора кийик», Ю. Шомансурнинг «Райчарон», Г. Жўраеванинг «Қамолот», Д. Файзийнинг «Баҳор гуллари» каби асарлари вужудга келди. «Бахмал»да шоир ҳикоя ичида ҳикоя бериш ва қаҳрамонларни Шарқ эртакчилиги усулида сўзлатиш орқали босмачиликка қарши кураш даврининг фожиали манзарасини, шу

қайноқ жараён яратган матонатли аёллар образини чизишга муяссар бўлади. Бошқа поэмаларда ҳам ўзига яраша фазилат мавжуд. Лекин биз ҳозир бу поэмалар таҳлилига берилмоқчи эмасмиз. Тарихий-революцион мавзу қаламга олинар экан, ижодкор ўз қараши, ўз сўзини айтиши шарт. Анчагина поэмаларда қаламга олинган гап бошқа жанрларда ё у, ё бу даражада қўйилган: баъзилари бўлажак поэманинг эскизи даражасида, холос. Мавзуга мустақил ёндашиш ижодкорнинг юрагини ўртаб турган масалани ечишга интилиш шаклда ҳам оригинал йўлдан боришни тақозо қилади. Р. Бобожон «Баҳс» поэмасида ҳаётни, воқеликни кент кўламда қамраб олишни ният қилади. У ўзбек халқи, умуман совет халқининг эллик йил ичида босиб ўтган улуг йўлини ёшликка саёҳат усулида тасвирламоқчи бўлади ва бу топилган оригинал композицион йўл, шакл унинг ғоявий ниятига жуда мос келган. Лекин шоир ҳамма нарсани битта ғоявий ниятга сафарбар қилмагани учунми асарда тарқоқлик юз берган, керагидан ортиқча тарихий фактлар шеърий шаклга туширилаверган.

Энди ўнлаб поэмаларнинг воқеани баён қилиш усулига қарасак негадир улар бир қолипдан чиққан ғиш-га ўхшайди. Ҳаммаси хотира-поэмадан иборат. Достонларнинг мазмуни хусусида сўзламай, диққатни фақат шаклига тортмоқчимиз. Г. Жўраева «Қамолот» поэмасида қаҳрамоннинг «хотиротининг ҳар биттасидан» асар ёзиб «она босган муқаддас бу йўлда» «оналарнинг буюк тарихини» ёритиб бермоқчи бўлади. Шукрулло ишчилар ҳаётига бағишланган достони «Оташ ва гул» асарида қаҳрамони билан босиб ўтган йўлини эслайди: «Иккиламиз толдик хаёлга», дейди шоир ва тарихга қайтади. Эркин Самандаров «Комиссар»да қаҳрамони билан Бухенвальдга турист бўлиб боради ва шу ажалхонадан омон чиққан қаҳрамонининг уруш йилларидаги жасоратини ҳикоя қилади. Р. Абдурашид «Юлдузлар хаёли»да «ўтганни хотирлаш яхши одат» эканлигига суяниб, «ярим соатда қирқ йиллик манзилни» эслаб чиқади. Тўғри, бу шунчаки бир приём, сўнгра шоирнинг ўзи асарга поэманинг бир қаҳрамони тарзида киради ва бу жиҳатдан хотироти ўзини оқлайди. Лекин поэмада шу қаҳрамоннинг ҳаммаҳалласи бўлмиш Назмий ва Назокат холалар тўғрисида махсус

боблар бор. Бундай бобларни истаганча киритиш мумкин (ахир уруш жафосини кўрмаган бирор оила йўқ-ку!). Гап материални бир фокусга йиғиш устида кетмоқда. Бу ҳам майли. Шоирнинг ўзини гувоҳликка ўтказиб ўтмишни ёритиш усули аввал С. Зуннуновнинг «Қўшниларим» поэмасида ҳам қўлланилган эди. Г. Нуруллаева ҳам «Мен урушни кўрганман» асарида ёшлигидан «қолган хотира»ни жонлантиради-да, уруш йилларида бир маҳаллада яшаган ва таниган одамларнинг бошига тушган оғир кулфатларни таҳлил қилиб, шулар тақдири туфайли ўз қалбида қайнаган фикр, ҳиссиётини беради.

Хўш шу усул ўнг экан, хотира-поэма ёзиш айбми, деган савол туғилар. Биз бир хил усулга оммавий мурожаат қилишгагина эътироз билдираётганимиз йўқ. Бир мавзу, бир жанр, бир шаклда ва ҳатто бир хил сюжет чизиги ҳамда бир номдаги қаҳрамонлар асосида қанчадан-қанча ёзувчилар асар ёзгани маълум, лекин улар масалани ўзича, мустақил ва ўз даври талаби нуқтаи назаридан ечганлар. Тайёр сюжет ва шаклнинг домига илғиниб қолмаганлар, улардан шунчаки учиб майдони сифатидагина фойдаланганлар.

Хотира-поэма ёзишнинг бошқа қалтис томони бор: шоир эҳтиёт бўлмаса, истаса-истамаса, у бўлиб ўтган воқеани баён қилишга ўтиб кетади, анализ-синтез, кечинма таҳлили ўрнини воқеавийлик эгаллаб олади, лирик асос (ахир бу поэманинг бир қаноти-ку!) қолиб кетади, тасвирлаётган воқеа туфайли шоирда туғилган фикр-мушоҳадаларни бериш имконияти камайиб қолади. Асар бошида қаҳрамоннинг сўнгги ҳаёти, тақдири маълум қилиниб қўйилади-да, кейин унинг ўтмиши — босиб ўтган йўли ҳикоя қилинади. Китобхон ўша ўтмишга — қаҳрамон яшаган ҳаётга араллашиб кетолмай қолади. Ўртадаги ана шу масофа йўқотилгандагина асар китобхонни мафтун қила олади. Бунинг учун баён, ҳикоя қилиш ўрнига кўрсатиш, характерлар, қарашлар, ғоялар курашини тасвирлаш, кечинмани ифодалаш, қалб ҳолатини чизиб керак бўлади. Кейинги йиллардаги анчагина повестларимиз ва ҳикояларимизда учраган бу воқеанавислик, қиссахонлик поэмачиликка кўплаб кириб бораётгани кишини ташвишлантиради. Лирик поэмачиликдаги қийинчиликдан қуту-

лиш йўлини эпик сюжетли поэма яратишда деб бу йўлга ўтилгани, эҳтимол, тўғридиру, аммо лирик асосни сусайтириш поэманинг бу турини ҳам муваффақиятсизликдан сақлаб қололмаяпти.

Бу ерда бошқа сабаб бор. Хотира-поэма ёзганларнинг кўпи ёшлар, улар ўша асарларига асос бўлган воқеаларни тарихий китоблардан ўрганганлар. Шунинг учун улар қанча оригиналикка интилмасинлар онгига, шуурига сингиб қолган «тайёр сюжетлар», фактлар қулочи остидан чиқолмаяптилар. Тарихий темада асар ёзиш ғоят мушкул бўлганлиги учун ҳам жаҳон хазинасидан ўрин олган шоҳ асарлар авторлари бир асари устида ўн йиллаб қаттиқ меҳнат қилганлар. Ижодкорларга, айниқса шеърятдек макон ва замон ғовини тан олмовчи жанр вакилига тарихий тема ёки ҳозирги замон ҳақида ёзма деб чегара қўйиш кулгили бўларди. Шоирнинг иқтидори, тажрибаси, таланти, қудрати ва маҳорати етса ва дўндира олса, унинг ўзигина эмас, энг аввало китобхон ютади.

Ҳозирги мураккаб замонамиз ва улуғвор ишларни қилаётган замондошларимизнинг руҳи, психологияси, маънавий дунёси, характеридаги ўзгаришларни таҳлил қилишимиз керак, поэмачиликка ёрқин, кучли ва жозибали янги характерларни олиб кириш, даврининг янги катта ҳаётий конфликтларини, тарих ва инсоният тақдирида бурилиш ясаётган улуғвор воқеалар ва улкан проблемаларни таҳлил этишимиз, ҳозирги социалистик турмушимизнинг улуғворлиги, сиёсий-ғоявий ва фалсафий моҳиятини очишимиз лозим. Қишлоқда улуғвор ўзгаришлар қилаётган зиёлилар ва партия раҳбарлари, осмонўпар хирмонлар яратаётган деҳқонларнинг мислсиз қаҳрамонликлари, бутун юртимизнинг ўринбосарларини вояга етказётган ўқитувчилар, кўз очиб юмгунча янги шаҳарлар ва заводлар барпо этаётган ишчиларнинг ҳозирги ҳаётини ва руҳиясини ёритувчи бадий мукаммал асарлар кам. Ахир Маяковский ёки Ғафур Ғулом ва Ҳ. Олимжон каби шоирлар ўз асарларини, «темирни қизигида бос», дейилганидек, янгиликнинг тугилаётган ва қарор топаётган пайтининг ўзида ёзганларида ўша янгиликнинг тезроқ ғалаба қилишига кўмаклашишни ҳам ният қилгандилар. Агар бизнинг шоирларимиз ҳозирги замона-

ни ва замондошларининг ҳаёти, курашини чуқур ва бадий юксак даражада ёритар эканлар, бу асарлар шу даврнинг бадий ҳужжатигина бўлиб қолмайди, балки энг аввало яшаш, меҳнат қилиш ва курашда халқимизга актив ёрдам беради, тарих ғилдирагининг олға томон юришига кўмаклашади, коммунистик идеалларимизнинг амалга ошишини тезлаштиради.

1976 йил.

Ўзбек болалар адабиёти чиндан Улуғ Октябрнинг мевасидир. Инқилобгача бизда профессионал болалар ёзувчиси йўқ эди. Шунинг учун болалар танқидчилиги ҳам ҳали ёш, тажрибаси кам. Тўғри, жаҳон адабиёти тарихида болалар тақдири тўғрисида қайғурмаган улуг ёзувчи йўқ. Алишер Навоий, Гулханий, Фурқат ижодида ва Ҳамзанинг революциягача бўлган талай асарларида, айниқса кўплаб дидактик характердаги асарлар ва трактатларда болалар тақдири тўғрисида фикр юритилган. Айтиш мумкин, халқнинг асосий қисми саводсиз бўлган бу юртда болаларнинг, ёшларнинг бадиий асарга бўлган катта эҳтиёжини халқ дostonлари, эртаклари қондириб келди. Қаҳрамонлик, адолат ва тенглик, чин инсоний гўзалликни улуғловчи «Алпомиш» каби қаҳрамонлик дostonлари ўзбек фольклорида жуда кўп. Фақатгина «Гўрўғли» циклига кирувчи дostonнинг сони қирқдан ортади. Мана, ҳозир «Ўзбек халқ ижоди» номи билан босилаётган кўп томлик китобларнинг сони қирққа етиб қолди. Булар бой ўзбек фольклоридан бир томчи холос.

Бу фактни шунинг учун келтирмоқдамизки, агар ўзбек совет болалар адабиётини вужудга келтирган Улуғ Октябрь социалистик революцияси, янги қайноқ воқелик бўлган бўлса, классик ўзбек адабиётидаги маълум анъаналар, айниқса шу бой халқ ижоди ўзбек совет болалар адабиётининг ривожини тезлаштирди. Бу уч манбага тўртинчи, жуда катта яна бир манба — рус ва СССР халқлари адабиёти, жаҳон адабиёти келиб қўшилди. Бизнинг болалар ёзувчиларимиз орасида Пушкиндан, Горькийдан, Маяковский, Аркадий Гайдар, Корней Чуковскийдан, Самуил Маршак, Сергей

Михалков, Агния Барто, Борис Житковдан ва яна ўнлаб рус ёзувчиларидан, Чарльз Диккенс, Жюль Верн, Марк Твен, Джанни Родари каби чет эл ёзувчиларидан ўрганмаган ижодкор кам бўлса керак.

Бу ёзувчиларнинг тажрибалари ўзбек болалар ёзувчиларининг ўз овозига эга бўлишига, ўзларининг мустақил йўлларида кетишларига кўмак берди. Ўзбек болалар ёзувчилари воқеликка, дунёга ўз нигоҳлари билан боқишга, ўз фикр ва хулосаларини айтишга уриндилар. Улар совет кишилари, совет болаларини қизиқтирган ва улар тақдири билан боғлиқ бўлган умумий масалаларни миллий материаллар асосида ва миллий традициялар ёрдамида ечишга интилдилар. Ўтмишда ўзбек совет адабиётининг асосий жанри поэзия эди, шунинг учун ҳам ўзбек совет болалар адабиётида ҳам кўп йиллар поэзия жанри олдинда юрди, у билан проза ва болалар драматургияси туғила бошлади. Дастлабки даврлар ўзбек болалар адабиётида, аynиқса поэзияда Октябрь берган улуғ бахтни куйлаш, илм-техникани эгаллашга чорлаш тенденцияси кучли бўлди. Унда актив дидактика муҳим ўрин тутди. Мана шу замонани куйлаш ва улуғлаш ўтмишни ҳозирги кун билан қиёслаш орқали амалга оширилди. 20—30-йилларда ўтмишга — революциядан аввалги ҳаётга бағишланган асарларнинг кўплиги ҳам шундан бўлса керак. Бу давр болалар адабиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг кўпроқ фольклор традицияларига суяниб туриб тараққиётнинг катта йўлига чиқишга уринишидир. Ўзбек совет болалар адабиётининг хазинасидан мустаҳкам ўрин олган Рафур Ғуломнинг «Шум бола», Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» асарлари шу 30-йилларда яратилган эди. Улар фольклорнинг жуда катта таъсирида дунёга келганди. Ҳамид Олимжоннинг дostonлари 40-йиллардаёқ рус китобхонларига етиб борганди. «Шум бола» эса ҳозир бутун кўп миллатли китобхонлар жавонидан ўрин олди. Академик Жирмунский бундан ўттиз йилча аввал мана бундай деб ёзганди:

«Алпомиш»нинг ҳошири ва тадқиқотчиси бўлмиш Олимжон поэтик илҳомининг манбаи сифатида эпосга неча бор мурожаат этди. Халқ бахшиси, «Алпомиш»нинг классик версиясини яратувчиси Фозил Йўлдошга бағишланган «Куйчининг хаёли» шеърида Олимжон

сахро эпосининг патриархал шоирона дунёсини, уни мафтун этган барча мотивларни ва «инсониятнинг бахтиёр болалиги» асарининг (К. Маркс) халқ хотирасида тамгаланиб қолган мавзуларни гавдалантирди. «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» каби эртакларда у «Ўзбек халқ дostonлари» (эпик поэмалари) ва эртакларининг мавзу ва услубидан бевосита нусха олади. Бироқ эртақ фантазияси Олимжонни ҳаётдан узоқлаштириб қўймайди. Эпос ва эртақдан у замона билан жўрлаша оладиган революцион романтика элементларини йиғиб олади...

Мен бу ерда Л. Батнинг Ғафур Ғуломнинг «Шум боласи»си тўғрисидаги ушбу фикрини ҳам келтириб ўтмоқчийдим:

«Ғафур Ғулом прозаси учун ўткир сюжетлилик, қизиқарлилик хосдир: у романтик кўтаринки бўлишига қарамай айни чоқда чуқур реалистикдир. «Ёдгор», «Тирилган мурда»... каби повестларида ва тугалланмаган романи «Шум бола»да ажойиб, доно ҳикоячи намоён бўлади. «Шум бола»да Ғафурнинг ўз образини, болалик шўхликларини, саргузаштлари ва саргардонлигини англаш мумкин. У ўз бошидан кечирган нарсаларнинг ҳаммасини қизиқарли қисса шаклига солди, қайсики, унда ҳақиқатга ўхшаган бадиий тўқималар кўп ва ҳаётнинг чин ҳақиқати жўш уриб турибди. Моҳият жиҳатидан чуқур миллий руҳдаги бу асар Марк Твеннинг «Том Сойернинг саргузаштлари», Диккенснинг романларига яқиндир».

Фольклорнинг зўр таъсири ўзбек адабиётига тугма болалар шоири сифатида кириб келган Зафар Диёр, Султон Жўра, Шукур Саъдулла, Илёс Муслим, Қуддус Муҳаммадий, Адҳам Раҳмат — ўзбек болалар адабиётининг тўнғич авлодлари ижодида ҳам мавжуд.

Агар Ҳамза, Ғайратий, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Ойбек каби адиблар катталар билан бирга йўл-йўлакай болалар тўғрисида ҳам асар ёзган бўлсалар, юқорида тилга олинган ижодкорлар бутунлай ўзларини болалар адабиётини ривожлантиришга бахш этдилар. Ҳозирги замон ўзбек болалар адабиётини Ҳаким Назир, Пўлат Мўмин, Қудрат Ҳикмат, Раҳмат Файзий, Эгам Раҳим, Ёқубжон Шукуров, Андрей Иванов, Владимир Тюриков, В. Барабаш, С. Юнусов, П. Муҳаммадёрова, Толиб Йўлдош ижодисиз тасаввур қилиб

бўлмайди. Кейинги ўн йил ичида ўзбек болалар адабиётига ҳам ўзбек адабиёти ва фольклоридан чуқур ўрганаётган, ҳам рус совет ва жаҳон болалар адабиётидан баҳра олаётган қобилиятли ёшлар дадил кириб келди. Худойберди Тўхтабоев, Фарҳод Мусажонов, Темур Пўлатов, Ҳабиб Пўлатов, Латиф Маҳмудов, Мир-азиз Аъзам, Носир Фозилов, Комил Икромов, Эргаш Раимов, Раим Фарҳодий, Турсунбой Адашбоев, Наримон Орифжонов, Оқилжон Ҳусанов ва бошқа ўнлаб авторларнинг номини келтириш мумкин. Ҳозирги ўзбек болалар адабиёти ривожига Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шухрат, Мирзакалон Исмоилий, Одил Ёқубов, Суннатилла Анорбоев, Ҳамид Тожибоев, Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Шукур Холмирзаевлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Манā, кўриниб турибдики, болалар адабиёти билан шуғулланаётган ёзувчилар рўйхатининг ўзи каттагина ўринни эгаллайди. Ўзбек болалар адабиётини бутуниттифоқ китобхонлари даврасига олиб чиқишда Ғафур Ғулом, Қуддус Муҳаммадий, Ҳаким Назир, Раҳмат Файзий, Шукур Саъдулла, Худойберди Тўхтабоев, Темур Пўлатов, Ўлмас Умарбеков асарларининг роли катта бўлди: Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» юмористик повести, Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи, Ш. Саъдулланнинг «Қачал полвон» повести, Қуддус Муҳаммадийнинг бир неча китоби, Худойберди Тўхтабоевнинг «Сирли қалпоқча», Темур Пўлатовнинг «Қоипнинг иккинчи саёҳати», Ўлмас Умарбековнинг «Зелёная звезда» («Одам бўлиш қийин») асарлари Москвада нашр этилди. Ўзбек болалар прозасининг йирик вакили бўлмиш Ҳаким Назирнинг икки повести ва ўндан ортиқ ҳикоялари «Библиотека пионера», сериясида чиқаётган кўп томликнинг олтинчи тоmidан ўрин олди ва нашр этилди.

Ўзбек болалар поэзияси, прозаси ва драматургиясида яратилган ўнлаб етук асарлар, умуман ўзбек болалар адабиётидаги ҳозирги жонланиш жиддий фикр ва мулоҳазалар учун етарли озиқ-материал беради.

ЗАМОНАВИЙЛИК — БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ ҲАМ ҚАЛБИ

Биз катталар адабиёти тўғрисида фикр юритганда замонавийлик масаласини жуда кенг ва чуқур қўямиз, бу масалани ҳар доим диққатимизда тутамиз.

Болалар адабиётига келганда, замонавийлик болалар адабиёти учун номуҳим масала деб ўйлаймизми ёки ўз-ўзидан англашиладиган гап деб биламизми, унга эътибор бермаймиз. Ваҳоланки замонавийлик масаласи болалар адабиётининг ҳам энг асосий, марказий масаласидир. Ҳатто айтиш мумкин, чуқур замонавийликка эришиш болалар адабиётида катталар адабиётига нисбатан оғирроқдир. Чунки болаларга ҳаётдаги муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодисалар тўғрисида, халқнинг катта кураши, меҳнати ҳақида, куррамизда юз бераётган улкан воқеалар, революцион курашлар тўғрисида болалар тилида, болалар онги, тушунчаси даражасида фикр юритиш керак, уларнинг қалбига етиб борадиган йўсинда ва шаклда сўзлаш керак. Белинский ҳақли равишда бундай деганди: «Болалар учун ҳам катталарга мўлжалланган, аммо фақат уларнинг тушунчаларига мослаб баён қилинган нарсалар ҳодисалардир, бу ишнинг энг муҳим жиҳати ҳам шундадир».

Катталар дунёси, болалар дунёси деган гап нисбий тушунча, аслида битта ранг-баранг, кенг ва мураккаб олам бор. Бу оламга улар ўз йўли орқали кириб борадилар холос, унинг сирларини ўзларича ва бир-бирининг кўмагида тушунадилар. Фақат ҳар бир болалик дунёни бошидан бошлаб ўрганиб келади ва пировардида шу катталар кетаётган йўлга чиқиб олади, улар ишини давом эттиради, ҳаёт кемасининг рулини ўз қўлларига олади. Улуғ танқидчи Добролюбовнинг ушбу сўзлари ҳали-ҳали ўз қимматини йўқотмаган:

«Китобларимизни энди мавҳум-ахлоқий панд-насиҳатлар, олди-қочди фантастика, бекорчи чучук сафсата билан тўлдирмаслигимиз керак: унда дунё ва инсон ҳақида ижобий маълумотлар, ҳаётдан олинган ҳикоялар берилиши керак, ҳозир жамиятти қизиқтириб турган ва болаларимиз ҳаёт оstonасига қадам қўйган чоғдан улар дуч келадиган масалаларни тушунтириб бериши керак».

Ҳозирги замонда катта ер шаригина эмас, балки кенг коинот болаларнинг хонасига, болаларнинг қалбига кириб бормоқда: телевидениедек замон мўъжизаси, радио, газета, кино, китоб — буларнинг ҳаммаси болаларни дунёда содир бўлаётган воқеалардан

хабардор қилиб турибди: вьетнамликлар жасоратидан қойил қолмаган ёки Чилидаги фожиадан ачинмаган бола йўқ, қора танлилар ҳаётидан ёки инсоннинг ойга чиққанидан хабардор бўлмаган бола йўқ. Боладек қизиқувчан, сезгир ва таъсирчан жон йўқ оламда. Болаларни ҳаётнинг барометри дейиш мумкин. Шундай экан, болаларнинг шу қалбидаги бутун ўзгаришлар, тўлқинлар, кечинмалар, ўй-фикр, орзу-умидлар бадиий асарда, биринчи навбатда поэзияда акс этиши керак. Болалар қалбини мамлакатда юз бераётган улуг ишлар билан, воқеликдаги муҳим социал масалалар билан боғлаб турувчи кўринмас ипларни топа олган ва уларни қизиқарли, таъсирли ифодалай олган ижодкор, коммунистик идеалларга содиқ ёш авлодни тарбиялашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган санъаткор катта ижодий муваффақиятларга эришмоқда, халқнинг, партиянинг олқишига сазовор бўлмоқда. Горькийни эслайлик. Маяковскийнинг бутун диққати социалистик тузумга лойиқ ва коммунистик идеалга содиқ ёшларни тарбиялашга қаратилганди. Шу энг тўғри йўлдан кетаётган совет болалар адабиёти катта ютуқларни қўлга киритди. Бундай ҳолни ўзбек болалар адабиётида ҳам кўрамиз.

Узоққа бормай, ҳозир ўзбек болалар поэзиясининг байроқдори бўлиб қолган талантли шоир Қуддус Муҳаммадий ижодини мисолга олиш мумкин. Унга Ҳамза номли республика мукофотининг берилиши бежиз эмас. Қуддус Муҳаммадий учун мавзунинг чегараси йўқ: болаларнинг руҳий кечинмасидан тортиб то ой-юлдузларгача, табиат жисмларидан тортиб то ҳайвон-паррандаларгача — ҳамма-ҳаммаси тўғрисида ёзади. «Болалар адабиёти — бир мактаб, оғиз сутидек покиза неъмат, — деб таъкидлайди Қуддус Муҳаммадийнинг ўзи, — Катталар адабиётидаги каби унда ҳам замонанинг бош мавзуси, муҳим гапи туриши керак». Болаларни кишилик жамияти босиб ўтган йўл билан таништириш, меҳнаткаш инсоннинг куч-қудратини кўрсатиб бериш болаларга табиат дунёсидаги барча жонли-жонсиз нарсаларнинг сирини англашда, хунулик ва ярамас нарсалардан қутулиб, ҳар томонлама «жуда чиройли» бўлишда ва келажак сари дадил қаддам босишда кўмаклашиш Қуддус Муҳаммадий асарларининг асосий фазилатидир.

Унинг ижодида «Яхши нимаю, ёмон нима?», «Ким бўлсам экан?» деган масаладан кўра «Қандай бўлмоғим керак?» деган масала жиддийроқ қўйилади. Унинг «Қандай бўлмоғим керак» деган китобининг тугилиши ҳам шундан. У инсоннинг дунёда энг кучли ва ақлли эканлигини, «борлиқнинг эгаси» эканлигини чиройли тушунтиради. У биолог бўлганлиги учун табиат дунёсининг сирини, қонуниятини яхши билади. Энг муҳими буларни қизиқарли воқеа, чиройли сюжет ва қизиқарли ситуациялар орқали тушунтиради. У афсоналардан, эртаклардан, халқ мақолларидан, қизиқ ҳаётий деталлардан фойдаланиб туриб, болаларни бой табиат ва жамият сирларидан огоҳ қилади. У «Одам ва олам ҳангомаси» деган мавзуда жонли ва жонсиз табиатни, инсоният жамиятини фалсафий калитда, аммо болаларбоп қилиб тушунтиради. У тўрт элемент тупроқ-ер, ҳаво, ўт-қуёш тўғрисида кўп ёзади ва буларни инсоният манфаати нуқтаи назаридан таҳлил қилади. У фантастикани реалистик деталлар билан узвий қўша олади. Халқ ижодида ҳўкиз кириб йўқолиб қолган улкан тарвуз тўғрисидаги эртак бор. Қуддус Муҳаммадий «Тарвуз полвон» шеърида шу лопчилик усулидан фойдаланиб Мирзачўл тарвузларини мақтайди: бузоқнинг оёғи тарвузнинг ичига ботиб қолади, одамлар қарашса, «ер шари оёқ битиб ғилдираб кетаётгандек» туюлади. Шоир «Доно Бобо ва бир юз уч паҳлавон ўғил-қизлари ҳақида эртак» асарида Менделеев жадвалини тушунтиради. У халқ эртакларидан болаларга ҳаётни тушунтириш ва унинг номаълум сирларини очиш учун фойдаланади. «Ой юзида нега доғ бор?» эртагида халқ афсонасига суяниб туриб адолатсизлик урушини қоралайди, «Зарпечак-зардоб печак қайдан келган» эртагида бу образ орқали текинхўрларни фош қилади. Шоир жуда кўп нарсаларни шундай савол қўйиб, асарни қизиқарли, топишмоқчи ва интригали бошлаб, ечиб беради. Қуддус Муҳаммадий шеърларини қудратли қилган энг катта сир — шоирнинг ҳаётга, табиатга болалар нуқтаи назаридан ёндашиши, улар кўзи билан қарашни, улар қалби билан тинглашидир. Бошқача айтганда, шоирнинг ҳар бир шеърида (кўпгина шеърлари болалар тилидан ёзилган) болалар ролига кириб кетиши, уларнинг сўзи ва оҳангида гапира, фикрлай олиши-

дадир. Воқеавийлик, сюжетлилик, сербўёқлик, ҳатто шамолнинг ҳам товушини бера олишлик унинг шеърларига алоҳида куч бағишлайди.

Мен шу ўринда Россиядан шоирга келган бир хатдан парча келтириб ўтмоқчийдим:

«Болалар учун ижод этган асарларингиз учун Сизга катта раҳмат айтмоқчиман. Аммо уларда катталар учун ҳам маъқул бўлган озуқа бор. Менинг ёшим 73 яримда, шеърларингиз жуда-жуда маъқул бўлди... «Лучистый мячик» китобингиз неварамга тугилган кунда совға бўлди (1-синфга боряпти), у билан китобни ўқиб чиқдик ва у жуда маъқул бўлди. «Менинг ўсимликларим, менинг қушларим, менинг суҳбатларим» ҳаммаси шундай ҳаётӣй, образли, самимий, шундай дўстона ёзилган. Менга ниҳоятда ёқди, китобни нима билан қийёслаш мумкин? Мени у жуда тўлқинлантирди — кайфиятимни кўтариб юборди. Китобни қандай яхши, ҳаққоний, жарангдор ва чуқур мазмунли қилиб яратгансиз. Бундан менинг жонажон ва севимли Пушкиним хурсанд бўлган бўларди. Ўтмишнинг барча шоирлари ҳам...»

Аммо шу ерда бир нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек болалар поэзияси ҳозир болалар прозасига нисбатан бир қадар суст ривожланмоқда, у бор имкониятини тўла рўёбга чиқара олганича йўқ. Мен у ерда таниқли шоирларимиз Шукр Саъдулла, Илос Муслим, Пўлат Мўмин, Эгам Раҳим, Толиб Йўлдошларнинг хизматини камситмоқчи эмасман. Илос Муслимнинг шеърлари, айниқса рус тилида босилган «Настоящие ребята» китобидаги асарлар энг зарур мавзу — меҳнат мавзуини талқин қилишга бағишланган, жаҳон болалари, тинчлик масаласига бағишланган бир қанча шеърларида публицистик руҳ, актив жанговарлик руҳи жўш уриб туради. Ўзбек болалар адабиётига Ленин тематикасини олиб киришда Эгам Раҳимнинг хизмати бор. У Лениннинг ёшлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи қизиқарли сюжетли шеърлардан ташкил топган китоблар нашр қилдирди. Болаларнинг иқтидорли шоири Пўлат Мўминни болалар жуда севишади. У болалар шодлигини, кўтаринки руҳини, ёшлик романтикасини ифодалайди. Қувноқ қўшиқлар, шўх маршлар, жанговар декламациялар автори бўлган Пўлат Мўминнинг деярли барча шеърлари муси-

қий, кўтаринки. Шоирнинг «Салимжон нимжон» номли юмористик қўшиғи янграмаган мактаб йўқ. Унинг бундай қўшиқлари кўп ва улар Қуддус Муҳаммадийнинг «Дум» шеъри каби каттаю кичик огзига тушган. Болалар қўшиқчилигини ривожлантиришга ёшлардан Наримон Орифжонов ўз ҳиссасини қўшишга уринмоқда. Умидли ёш шоир Миразиз Абзам яшил дунёни муҳофаза қилиш мавзуини шу куннинг талаби, руҳи билан суғорилган «Ақлли болалар» достони орқали, айниқса самимий юмори билан эътиборга лойиқ «Бир чўнтак ёнғоқ» циклидаги шеърлари орқали ёритилмоқда. У янги сўз айтишга, янги шакл қидиришга интилади. Йўлдош Сулаймон, Раим Фарҳодий, Эргаш Раимов каби ёш ижодкорларнинг изланишлари кишини қувонтиради.

Бироқ болалар поэзиясига яхлитлигича разм солсак, энг аввало ундаги тематик торлик ва майдалик кўзга ташланади. Мамлакатимизда авж олган коммунистик қурилиш ва совет халқининг қаҳрамонона меҳнат мўъжизалари тўғрисида, жаҳондаги улкан воқеалар тўғрисида, биринчи навбатда капиталистик дунёнинг ваҳшийликлари ва инқирози тўғрисида, социалистик дунёнинг ғолибона қадами тўғрисида маяковскийча жанговар руҳдаги асарлар зарур. Бу кенг оламда, қайноқ ҳаётда, мураккаб воқеликда бирор воқеа йўқки, улар болалар учун аҳамиятсиз бўлсин ёки болаларни қизиқтирмаган бўлсин. Бизнинг шеърларимизда озода бўл, «4»—«5» га ўқи, физкультура билан шугуллан, трамвайда ўзингдан каттага ўрин бер, кексаларни ҳурмат қил, ҳайвонлар одамларнинг дўсти деган оддий ҳақиқатни тарғиб қилувчи бир хил шеърлар кўп. Бугина эмас. Шеърларимизда баёнчилик, тумтароқлик, сохта дидактика ва баландпарвозлик кучли сезилади. Тасвир, кўрсатиш, манзаралилик, ҳис-ҳаяжон етишмайди. Бу нарса болалар шеъриятида бир оҳанглиликни — монотонликни вужудга келтирмоқда. Сиёсий темаларда, муҳим социал темаларда шеърлар йўқ эмас, бироқ уларда бор фактни шеърый мисраларга солинади холос. Бу шеърларда фикр, туйғу, ўй-хаёл, фантазия йўқ.

«Китобимиз дидактик, қўпол тенденцияли бўлмаслиги керак. У образли тил билан сўзлаши, бадий бўлиши керак» деганди Горький. Болаликнинг энг

муҳим Ҳазилати шуки, у ҳамма нарсани билишга интилади, ҳамма нарсага қизиқади, доим ширин ва катта орзулар билан яшайди, фантазия билан нафас олади, ўнгида ҳам, тушида ҳам узоқ-узоқларга парвоз қилади, кашфиётлар, мўъжизалар ва қаҳрамонликлар қилиш ҳаёли билан банд бўлади. Болаларнинг халқ эртакларини, дostonларини севиши ҳам шундан, фантастикани севиши ҳам шундан. Бизда прозада ҳам, бошқа жанрларда ҳам, поэзияда ҳам фантастика тугилмаяпти, умуман бадиий ижоднинг муҳим қуролларидан — имкониётларидан бўлмиш шартлиликтан кам фойдаланилади.

«Китоб болаларга нима бериши керак? Китоб болалардаги орзу ҳаёлини ўстириши керак. Инсоннинг бахти тўғрисидаги орзу бўлмаганда бизнинг революциямиз амалга ошмаган бўларди,— деган эди Алексей Толстой,— орзу қилмайдиган бола — хаста боладир. Китоб унда ижодий соғлом фантастикани ўстириши керак. Китоб унга билим бериши лозим. Китоб ундаги яхшилик туйғусини тарбиялаши керак. Болалар китоби меҳрибон бўлиш, олижаноб ва ор-номусли бўлишга ўргатиши даркор. Китоб болаларнинг ватанга муҳаббатини чуқурлаштириши керак... Биз болаларимизни улуғ ишлар учун тайёрлаймиз. Мен совет, биринчи галда рус ёзувчиларига мурожаат қиламан: гурурли, маданий ва бақувват одамлар бўлишида болаларимизга ёрдам беринг».

Менимча, болалар поэзиясндаги бир хиллик, бир оҳанглиликни келтириб чиқарган нарса баъзи шоирларнинг болалар ҳаётига ва руҳий оламига чуқур кириб бора олмасликларида, уларга ўз нуқтаи назарлари, ўз кўзларини орқали қарай олмасликларида ва воқеаликка шу болаларнинг позициясидан туриб, уларнинг қизиқиши ва интилишларидан келиб чиқиб ёндашмасликларида бўлса керак. Гегель шоирни хилма-хил ролда ўйновчи актёрга ўхшатган экан. Айниқса болалар шоири учун бу Ҳазилат жуда зарур. Буни шунинг учун айтмоқчимизки, бизнинг болалар поэзиямизда лирик қаҳрамон яратиш масаласи жумбоқ бўлиб турибди. Айрим шоирларнинг бутун бир китобини кўриб чиқсангиз ҳам кўз ўнгингизда бирорта лирик қаҳрамон гавдаланмайди. Ваҳоланки болаларнинг характер, қилиги, хусусияти ғоятда ранг-барангдир, уларнинг меҳнатга муносабати, халқ ишига муно-

сабати, гўзалликни тушуниши, яхшиликни ҳимоя қилиши, ёмонликдан хазар қилиши ва уни қоралаши, ота-она ва дўстликка муносабати — буларнинг ҳаммаси ўзига хос равишда кўринади, намоён бўлади. Қайси шеърда лирик қаҳрамон, лирик характер яратилган бўлса, ўша шеър мукаммал чиққан ва болалар ўртасида машҳур бўлиб кетган.

Биз бадийликка эришиш тўғрисида сўзларканмиз, яна шу болаларни, уларнинг эстетик дидини назарда тутмоқдамиз. Боланинг туйғуси ниҳоятда назик, унинг диди қатъийлашмаган — эгилувчан, бола тақлидчи, ўрнак олишга мойил. Уларни дидсизлик томон етакламаслик учун, уларнинг поэзияга бўлган эътиқоди ва меҳрини тобора ошириб бориш учун, эстетик дидини ўткирлаштириш учун ғоявий юксак, сермазмун ва бадий етук асарлар яратишимиз керак. Рус совет болалар адабиётини, СССР халқлари адабиётини ва жаҳон классикасини ўқийдиган болаларимиз уларга тақдим этаётган заиф шеърларимизни кўриб иккиланиб қолмасинлар, ҳайрон бўлмасинлар. Ахир кейинги йилларда «Ғунча», «Гулхан» каби болалар журналларигина эмас, балки шу билан бирга «Шарқ юлдузи», «Саодат», «Гулистон», «Меҳнат ва турмуш» каби журналлар ҳам, газеталар ҳам болалар адабиётидан кўплаб намуна бериб бормоқда. Ижодга болалар адабиёти орқали қадам қўйиб, кейин бунини ташлаб кетиш ҳодисаси ёки йўл-йўлакай болаларга атаб шеър тўқиб қўйиш ҳодисаси ҳали давом этмоқда. Бундан бир-икки йил аввал 20 босма листдан кўпроқ ҳажмдаги «Юлдузча» деган тўплам чиққан эди. Буларда, деярли катталар ҳам, ҳаваскорлар ҳам қатнашган. Аслида танланиб босилган шу китобдаги асарлар ва болаларга аталган кўплаб шеърини китоблар, ҳикоялар шундан далолат бериб турибдики, болалар поэзиясида маҳорат масаласини юқори поғонага кўтариш тўғрисида жуда жиддий меҳнат қилиш лозим.

ИЖОБИЙ ҚАҲРАМОН МАСАЛАСИ

Улуғ Горький «Мен адабиётдан, сўзсиз, энг аввало қаҳрамонни қидиравдим» деб таъкидлаганди. Ким бадий асарни қўлга олар экан, энг аввало жозибали, ёрқин, ўзига хос, таъсирли ва янги қаҳрамонни кўргиди.

си келади. Айниқса болалар. Чунки улар ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам жасур, мард, букилмас характердаги, руҳий тетик, жисмоний бақувват, одил ва чин дўст одамларни жуда-жуда севишади, улардан намуна олади, улар орқасидан эргашади. Болаларнинг Чапаев ва Корчагинларни севиши шундан. Ёш гвардиячиларни ва Стёпа амакиларни севиши шундан.

Ҳаммамизга маълумки, ёзувчи ўзининг ижодий ниятини, эстетик идеалини мана шу ёрқин, мукаммал ижобий қаҳрамони орқалигина рўёбга чиқариши мумкин. Шу кунги болалар ҳаёти ва фазилатидаги янгиликларни, улар онги ва қалбидаги ўзгаришларни, замон руҳи ва даврнинг илғор тенденцияларини шу ижобий қаҳрамон воситасида акс эттириш мумкин.

Ўзбек совет болалар адабиётининг тарихи мана шу ёрқин ижобий қаҳрамонни яратиш йўлидаги изланишдан иборатдир. Бу изланиш ҳамма жанрда давом этмоқда. Тўғри, ўзбек болалар поэмачилигида мана бундай ажойиб мукаммал поэма бор, бу болалар ўртасида жуда машҳур, деб айтадиган асар йўқ. Бунинг боиси нимада экан? Ё болалар каттароқ ҳажмдаги асарларни ўқишни севишмасмикан? Ундай десангиз 10—20 босма табақдаги романлар, повестларни қўлдан туширмай ўқиб чиқишади-ю! Бунинг сири болалар поэмачилигида янги ва қизиқарли, муҳим ҳаётий материалнинг кўтариб чиқилмаслигида, унда изланувчи, курашувчи, катта ният билан нафас олувчи қаҳрамоннинг йўқлигида, айниқса бадний қашшоқликдадир. Катталар поэмачилигида рўй бераётган жанрдаги жиддий изланиш, янги изланишни болалар поэмачилигида кўрмаймиз. Унинг устига ўша «Ойгул ва Бахтиёр», «Семурғ»га тақлид қилиб ёзилган, лекин каттароқ ижтимоий мазмун, давр руҳи сингдирилмаган шеърый тўқималар, яъни халқ эртакларини шунчаки мисраларга солинган бачкана дostonлар кўпаймоқда.

Болалар драматургиясининг ҳозирги даражаси ва тараққиёт суръати ҳам кишини қаноатлантирмайди. Республика Ёш томошабинлар театрининг репертуари жуда камбағал, кетма-кет қўйилаётган янги асарларни болалар қабул қилишмаяпти ва тезда сахнадан тушиб кетмоқда. Аммо Адҳам Раҳматнинг бундан йигирма йилча аввал яратган ва ёш томошабинларнинг сеvimли асарига айланиб қолган «Абдулла Набиев»

асари, шунингдек ёшлар иссиқ қарши олган Пўлат Мўминнинг «Қовоқвой билан Чаноқвой», Шуккур Саъдулланинг «Афсона яратган қиз» номли эртақ-пьесалари, Мамарасул Бобоевнинг «Она қалби» номли поэмаси асосида яратилган шу номдаги пьесаси, Ҳаким Назирнинг «Чиранма ғоз — ҳунарийн оз» пьесаси ва бошқа айрим асарлар ўзбек болалар драматургияси яхши анъанага ва имкониятга эга эканлигидан далолат беради.

Сўнгра мазкур асарлардан чиқадиган муҳим хулоса шундаки, асарда муҳим ижтимоий масала кўтариб чиқилса, бу мазмун, ғоя қаҳрамонларнинг меҳнати, кураши, кескин тўқнашуви асосида ифодаланса ва айнақса уларни акс эттириш учун зарур, қулай шакллар, бадий воситалар топилса, узоқ умрли драматик асарлар яратиш мумкин. Чунки қаҳрамон ўз-ўзидан туғилмайди, характернинг шаклланиши ёки характернинг очилишини қуруқ сўз билан кўрсатиб бўлмайди. Булар меҳнат жараёнида, бирор жиддий ахлоқий, ҳаётий масалани ечиш жараёнида, муҳим ҳақиқатни ҳимоя қилиш жараёнида рўёбга чиқади. Бошқача айтганда, қаҳрамонни туғдирувчи воқеа, муҳит, шарт-шароит, ғовлар, тўқнашувлар бўлиши керак, шуларни енгиб чиққан персонаж жозибали, ёрқин қаҳрамон бўлиб гавдаланади. Қаҳрамон ҳаракатда, курашда туғилади.

Станиславский «Катталар учун қандай ўйналса, болаларга ҳам шундай, ҳатто ундан яхшироқ ўйнаш керак», деган экан. Бу ажойиб фикрни бир оз ўзгартириб, катталар учун мўлжалланган асар устида қандай жиддий меҳнат қилинса, болалар учун ёзиладиган асар устида ҳам шундай узоқ ва жиддий меҳнат қилиш керак, демоқчи эдим. «Абдулла Набиев» пьесасининг яратилиш тарихи бунга ёрқин мисол. Ўзи қўқонлик бўлган ёзувчи Адҳам Раҳмат Қўқонда босмачиларга қарши курашда ажойиб қаҳрамонлик кўрсатган ва Ўзбекистонда комсомол ташкилотининг ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган Абдулла Набиев тўғрисида 30-йиллардан бошлаб материал тўплаган, мақолалар эълон қилган, очерклар ёзган, ниҳоят кўп йиллик жиддий ижодий меҳнатининг натижаси ўлароқ «Абдулла Набиев» пьесаси ва киносценарийси вужудга келди. Ўзбекистоннинг биринчи президенти

Йўлдош Охунбобоев Абдулла Набиевнинг босмачилар томонидан ваҳшийларча ўлдирилиши муносабати билан Фаргона комсомолларига ёзган хатида Абдулла Набиев образига мурожаат қилиб туриб, «Сенинг ёш умринг Ўзбекистон меҳнаткашлари учун намунали хизматни адо қилгусидир», деб ёзганди. Адҳам Раҳмат ўз асарида Абдулла Набиевнинг ҳаёти ва жасоратини худди шу йўналишда — ёшларга намуна тарзида ёритади. Абдулла Набиевнинг қаҳрамонлиги, букилмас характери, ленинча гоёга садоқати босмачилар билан бўлган кескин синфий кураш жараёнида очилади. Абдулла Набиев образи ҳаётийлиги, тўлақонлиги, айниқса актив курашчанлиги ва гоёвий етуклиги билан жозибалидир. Асар асосида ётган ва унинг сюжетини ривожлантирган кескин конфликт, таранг драматик ҳолат ёшларга социалистик ҳаётнинг қаттиқ курашлар эвазига қўлга кирганлигини кўрсатиб беради.

Шукур Саъдулланинг «Афсона яратган қиз», Пўлат Мўминнинг «Қовоқвой билан Чаноқвой», «Суқатой Конфетвой» эртақ-пьесаларининг ютуғи эса, уларда замонавий фикр, гоё эртақ, афсона, фантастика, шартли воситалар ёрдамида ифодаланишидир. Пўлат Мўмин меҳнатсеварликни, ҳалолликни, илм ва одобни улуғловчи, дангасалик, текинхўрлик, ёмонликни кескин танқид қилувчи шаклни топа олган. Драматург энг аввало шу хусусиятларни кўтариб юрувчи болаларни танлаб, уларга характери, хусусияти ва моҳиятидан келиб чиқиб рамзий ном беради: Қовоқвой ва Чаноқвой, «Суқатой Конфетвой»да эса Билим хола, Ақлжон, Одобжон, Ойпопук — ижобий образлар билан Нафсвой, Ёмонжон, Лақма Ота, Жанжал хола, Қурт каби салбий образлар ўртасида кураш кетади. Драматург персонажлар отини уларнинг ички моҳиятига мослаб қўяр экан, шу рамзий маънони жуда қизиқ воқеа, кескин драматик тўқнашувлар, ҳаётий ситуациялар орқали ечади. Икки асарда ҳам юмор кучли, қаҳрамоннинг руҳий дунёсини очишга, улар характери ни гавдалантиришга интилиш кучли. Уларнинг шеърый йўлда ёзилиши ҳам бунга кўмак берган.

Аммо болалар драматургияси жуда камбағал. Машҳур ўзбек шоири ва драматурги Уйғун ўзбек театрлари яхши драматик асарларга маҳтал, оч деган-

ди. Бу гап Ёш томошабинлар театрига ҳам, қисқа вақтда ўз йўлини топиб олган, ўз қиёфасига эга бўлиб бораётган «Ёш гвардия» театрига ҳам тааллуқлидир.

Қаҳрамон муаммосини ҳал қилишга кейинги йилларда ўзбек болалар прозаси кўпроқ уринмоқда ва сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда. Болалар ҳикоячилиги, айниқса болалар қиссачилиги тез ўсмоқда. Ўзбек болалар адабиётига халқаро тематиканинг кириб келиши ҳам асосан шу болалар ҳикоячилигидан бошланди. Асқад Мухторнинг «Дунё болалари» китобида жаҳон болаларининг, айниқса Осиё ва Африкада яшаётган болаларнинг оғир ҳаёти, аччиқ тақдири, уларнинг эрк, яхши турмуш учун интилишлари ва орзу-истаклари қизиқарли ёритилади. Ёзувчи болалар тақдирида шу қитъалардаги халқнинг ҳозирги аҳволи ва тенденцияларини акс эттириб бера олади. Мирмуҳсин ҳам араб болалари ҳаётига бағишланган қатор дуруст ҳикоялар яратди. Мирмуҳсин бир вақтлар кичик ёшдаги болалар учун ихчам, қизиқарли ҳикоялари билан машҳур бўлганди ва шу жанрнинг ривожига муҳим ҳисса қўшганди. Унинг ҳаётий, болаларни катта олам сари етакловчи ва турмуш ҳодисаларини соддалик билан тушунтирувчи дидактик характердаги бу ҳикояларини болалар севиб ўқирди. Биз ҳурматли ёзувчимиздан яна ана шундай жажжи ҳикоячаларни кутамиз.

Шу ўринда болалар ҳикоячилигига таланти, эртанги куни порлоқ ёш ижодкорларнинг кириб келганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Булар Фарҳод Мусажонов, Латиф Маҳмудовга ўхшаш ёшлардир. Фарҳод ўнга яқин, Латиф 5—6 та китоб бостиришди, энг муҳими буларни болалар маъқул кўришиб олди. Бундай ёзувчилар ўзбек халқ ижодини чуқур ўрганиги ҳолда ҳозирги замон совет ва жаҳон адабиётлари ютуқларидан, устозларнинг санъат сирларидан ижодий ўрганиш йўлидан борадилар. Ёнг аввало баёнчиликдан, қаҳрамонсизликдан, баёндаги сусткашликдан қочадилар, кам гапириб, қаҳрамонни кўпроқ ҳаракат қилдиришга, уларни кўпроқ тўқнаштиришга, қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини, психологиясини чуқурроқ таҳлил қилишга ҳаракат қиладилар. Фарҳод «Офтобни қувалаб» номли китобида ҳам, бошқа ҳикояла-

рида ҳам қуруқ насихат, сохта дидактикадан қочади, болаларнинг ҳар кунлик оддий ҳаётидан қизиқ-қизиқ мавзу ва воқеа танлаб, уларнинг ранг-баранг руҳий дунёсини кўрсатиб беради. Фарҳод ўзини сахна орқасида тутишга, қаҳрамонларни ўз эрки-характери бўйича ҳаракат қилишига имконият беришга уринади. У самимий юмор пардаси билан драматик пардани бир-бирига боғлай олади. Фарҳоднинг ҳам, Латифнинг ҳам асарларида самимийлик, ёқимтойликнинг — болалик романтикасининг жўш уриб туриши бу авторлар характеридаги болаларча соддалик ва самимийликнинг кучлилигига боғлиқдир. Латифнинг ижодда ўз йўли — эстетик идеали бор: болаларнинг ҳар томонлама етук, гўзал бўлишини орзу қилади. Бироқ бу ниятга у фақат болаларни уришиш, танқид қилиш, қизартириш, камситиш орқали эмас, балки уларга ишониш орқали, уларнинг инсонлигини улуғлаш орқали, уларда куртак ҳолида турган яхшилик гунчаларини авайлаб барг ёздириш орқали ҳам эришиш мумкин, деган позицияда туради. Латиф болаларни шундай ҳолатга, ситуацияга тушириб қўядики, уларни катталар билан ҳам, тенгқурлари билан ҳам шундай муносабатга киритиб қўядики, шу ҳаёт мактабининг ўзи воқеа якуни, мантиқининг ўзи қолоқ, дангаса, ўзини ўйловчи, сохта йўл билан кун кечиришга, енгил шухратга интилувчи болаларнинг характери ва дунёқарашида кескин бурилиш, ўзгариш ҳосил қилади. У ҳолатни, болалар психологиясини, ички коллизиясини таҳлил қилишга, характерлар тўқнашувининг илдизини очишга уринади. Энг муҳими, Латиф болаларни улар яшаётган, ўқиётган ва ҳаракат қилаётган муҳит билан боғлаб кўрсатади: унинг ҳикоя, повесть ва драматик асарларида илғор болаларнинг ҳам доим кўпчилик бўлиши, қолоқларнинг ҳам жуфт бўлиши шундан. Қолоқ ёки ёмон боланинг ўзи битта бўлмайти, уларнинг ҳамфикрлари; бошқача айтганда, ундай қиламиз, бундай қиламиз деган «шайтонлари» ҳам бўлади. Ёзувчи иллатни мана шу уяси билан, томири билан йўқотишга чақиради. Ёзувчининг «Икки дангасанинг саргузаштлари» китобидagi талайгина ҳикояларида, «Али-Вали» пьесасида шундай манзарани кўрамиз. Латифнинг китобийликдан, сохталикдан қочиши ва сўз санъатининг қадри тўғрисида қайгуриши кишини қувонтиради.

Албатта, ўзбек болалар ҳикоячилиги тўғрисида сўз кетганда биринчи навбатда машҳур ёзувчи Ҳаким Назир эсга келади. Бу гоят заҳматкаш ёзувчи кўп йиллардан буён бутун диққатини болалар учун муносиб асар яратишга қаратиб келмоқда. У болалар ҳикоячилигигагина эмас, балки болалар повестчилиги, «Лочин қанотлари» билан болалар романчилигининг ривожланишига ҳам муносиб ҳиссасини қўша олди. Ҳаким Назир ўткир реалист ёзувчи. У болалар ҳаётини эпик кенгликда кўрсатиш йўлидан боради. У болалар ҳаётини катталар ҳаётидан, бутун юрт ҳаётидан узиб олиб тасаввур этмайди. Болаларни учта муҳим тарбиявий фактор — учта муҳит билан — оила, мактаб, коллектив билан бирга қўшиб тасвирлаш ёзувчининг асосий йўлидир. Боланинг келажаги учун оила ҳам, мактаб ҳам, ташқи муҳит одамлар бирдай жавобгардир, деган ғоя унинг барча асарларида қизил ипдек ўтиб туради. Унинг ҳикояларида, «Сўнмас чақмоқлар», «Ёнар дарё» повестлари, «Лочин қанотлари» романида болалар билан катталарнинг тақдири, ҳаёти, меҳнати, бугуни ва эртаси бир, туташ эканлиги ёрқин акс этади, катталар шу болаларни деб яшайди, уларга билими, тажрибаси, юрагини беради, болалар ҳам оталари-оналари, катталардан қандай яшашни, қандай меҳнат қилишни ўрганадилар. Дарвоқе, меҳнатни ёш инсонни вояга етказувчи, руҳий тоза, эътиқоди мустаҳкам одам қилиб тарбияловчи улуғ куч сифатида кўрсатиш Ҳаким Назир ижодининг бош йўлидир. «Сўнмас чақмоқлар»даги Қудрат ҳам, «Ёнар дарё»даги Дамир ҳам, «Лочин қанотлари»даги Умри ҳам шу учта фактор таъсирида, шу ижодий меҳнат таъсирида вояга етишади. Ҳаким Назир ёш ижодкорларга болалар адабиётига янги-янги ижтимоий муҳим, актуал мавзуларни олиб кириши билан ҳам намуна бўлмоқда. Юқоридаги асарларнинг бирида янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва болалар, иккинчисида газ топилиши ва болалар ҳаёти каби масалалар кўтарилса, «Лочин қанотлари»да улуғ Ватан уруши ва болалар тақдири масаласи қўйилади. Ёзувчи романда гоят актив, меҳнаткаш ва чин дўст Ўктамжон образини яратиб берган. Романдаги шу Ўктам билан Умри ўртасидаги самимий дўстлик иplarининг ва бу дўстликнинг бора-бора муҳаббат сари ўсиб боришининг жуда

меъёр, одоб доирасида, ҳатто жуда яширин усулда кўрсатиб берилишини ёзувчининг ютуғи дейиш мумкин. Чунки бизнинг болалар адабиётимизда бу масала қўл тегмаган қўриқдир. Тўғри, романда уруш даври драматизмини кўрсатиш ва ижтимоий мазмуннинг салмоқдорлиги бир оз етишмайди, баёнчилик ва психологик тасвирнинг сустлиги сезилади.

Шу ўринда ўзбек болалар адабиётида катта воқеа бўлган ва бутуниттифоқ доирасига чиққан икки асарни — Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи ва Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» (Москвада биринчи қисми «Волшебная шапка» деб босилган) повестини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Бири катталар учун, иккинчиси кичиклар учун ёзилган бўлса ҳам, уларни ҳамма ёшдагилар севиб ўқишди. Белинский шундай деган экан:

«Катталарни ҳам қизиқтирадиган ва болалар асарлари сифатида эмас, балки ҳамма учун яратилган адабий асар тарзида маъқул бўлган болалар асарларигина яхши ва фойдалидир».

Раҳмат Файзий аввалдан болаларга асарлар ёзиб келган. Айниқса унинг шу бўлажак романи «Ҳазрати Инсон»дан хамир учидан патир тарзида ёзган «Сен етим эмассан» киноқиссаси ёзувчининг болалар тақдири билан нақадар юракдан қизиққанлигини кўрсатади. Болалар тақдирида совет кишиларининг ажойиб дўстлиги, инсонийлиги ва жасоратини таъсирли кўрсатиб бераётган Раҳмат Файзий бу асарлари билан меҳр куйчиси, инсон қалбининг гўзаллигини улуғловчи ёзувчи сифатида танилди.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асарининг рус тилида, қардош халқлар тилида ва ҳатто чет тилларда ҳам босилиши, бутуниттифоқ радиосидан эшиттирилиши биз учун жуда қувончли ҳодиса. Фантастика ёрдамида, қизиқ ва хилма-хил саргузаштлар воситасида, бош қаҳрамон Ҳошимжоннинг ажойиб қилмиш-қидирмишлари асосида ёзувчи икки муҳим фикрни ғоят таъсирли ифодалайди. Бунинг биринчиси — фақат ўқиш, ҳалол меҳнат қилиш орқалигина инсон ўз ниятига етиши мумкин, демакдир... Ҳошимжоннинг саргузашти, тентираши шу ҳақиқатни унга сингдиради. Иккинчи фикр шуки, ёзувчи Ҳошимжон баҳонасида ҳаётимиздаги баъзи қолоқлик,

эскилик, ярамас иллатлар устидан аччиқ куладн. Фантастика, юмор мана шу ҳаётини ҳақиқатни чуқур ва таъсирли ифодалашга актив ёрдам берган.

Умуман ўзбек болалар прозаси ва айниқса йирик прозаси жиддий муҳокама ва мулоҳаза учун етарли материал беради. Агар унга разм солинса, тобора унинг мавзу уфқи кенгайиб бораётганлиги, болалар ҳаётининг турли-туман қатламларини ўрганишга уринаётганлиги, каттароқ тарихий даврни — ўзбек халқи босиб ўтган катта йўлни қамраб олишга ва болалар ҳаёти, тақдирини халқнинг ҳаётидаги бурилиш нуқталарга боғлаб ёритишга уринилаётганлиги сезилади. Болаларга халқ босиб ўтган йўлнинг мураккаблигини ва бугунги катта бахтнинг осонликча қўлга кирмаганлигини кўрсатиб, уларни жанговар традициялар руҳида, ота-боболарнинг шон-шухрати руҳида, чуқур ватанпарварлик, инсонийлик ва дўстлик, интернационализм руҳида тарбиялашга ҳаракат қилишмоқда. Болаларнинг революциягача бўлган ва инсоният ҳаётида буюк бурилиш содир бўлиш арафасидаги ҳаёти Ойбекнинг «Болалик», Назир Сафаровнинг «Кўрган-кечирганларим», Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар», Миркарим Осимнинг «Тилсиз гувоҳ» повестларида, граждандар уруши даври Ғайратийнинг «Унутилмас кунлар», Ёқубжон Шукровнинг «Қасос» каби асарларида кўрсатилди. Жойи келганда шуни таъкидлаш керакки, чуқур билимдон, қалами ўткир, айниқса образли фикрлайдиган ёзувчи Миркарим Осимнинг «Тилсиз гувоҳ» повестида болаларнинг ҳаёт тақозоси билан Йўлчига ўхшаб революция сари келиши («Қутлуг қон») таъсирли кўрсатилган.

«Болалик», «Кўрган-кечирганларим», «Ўтмишдан эртаклар» повестлари орқали мен бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим (булар ўз вақтида жуда ижобий баҳоланган ва мукофотлар олган). Уччаласида ҳам воқеа «Мен» — қаҳрамон номидан гапирилади. Сўзсиз, буни жанрнинг ўзи тақозо қилган. «Болалик»да ёш Мусонинг ёшлиги ва унинг атрофида бўлиб ўтган воқеалар унинг сўзи, тасавури орқали акс этади. Ёзувчи Мусони ёши, фикрлаши, тушунчаси, характери — ҳамма ҳамма томонидан бадиий адабиётнинг ёш қаҳрамони тарзида яратади, у кичрайиб, Мусо қиёфасига кириб олган Ойбек эмас. «Кўрган-кечирганларим»даги На-

зирқулда кекса ёзувчи Назир Сафаровнинг хотираси ҳокимлик қилгандай туюлади. «Ўтмишдан эртақлар» да эса деярли Абдулла воқеага аралашмайди, бошқача айтганда унинг ўсишига таъсир қилмайди. Ёзувчи шу Абдулла туғилиб ўсган муҳитни, одамларни реалистик гавдалантиришга уринади. Асардаги «Мен» шакли ўрнига учинчи шахсни қўйиб қўйса, асарнинг шаклига путур етмайди. Мана шу асарнинг қўлёзмаси муҳокама бўлганда ёзувчининг ўзи «Бу автобиографик асар эмас, уни эҳтимол, энди ёзарман. Бу ўтмишдан эртақлардир», деганди. Бизнинг тадқиқотчиларимиз уни Лев Толстой, Максим Горький, Ойбекларнинг «Болалик»ларига ўхшатиб келадиларки, бунда улар ҳақ эмас.

Ҳозир бизнинг боладар прозамизда шу асарнинг материали ва ёзувчининг ғоявий нияти талаб қилади-ми — йўқ, воқеани «мен» номидан — асосий қаҳрамон номидан гапиртиришга уриниш бир урф бўлиб кетди. Ойбек шундай қилишга мажбур эдики, у ўз бошидан ўтганини ёзмоқда, буни болқа бировга ишониб топшириб бўлмайди ва тўғри ҳам эмас. Мен бу формани чегаралаб қўйиш керак демоқчи эмасман. Жуда кўп юмористик асарлар, повестлар ва айниқса ҳозир жаҳон адабиётида романларнинг кўпчилиги шу шаклда ёзилмоқда. Психологик чуқурликка эришишда, бош қаҳрамоннинг руҳини очишда, юмористик образ яратишда бу қўл келади. Лекин бизда каникул вақтида қишлоққа холасиники ёки аммасиникига бориб, кўриб келган оддий воқеаларини баён қилувчи, ёки бошқа бирор воқеани қуруқ ҳикоя қилиб берувчи асарлар кўпаймоқда. Буларда болалар ҳаёти, кураши, характерлар тўқнашуви кўрсатилмайди, балки бўлиб ўтган воқеа шунчаки айтиб берилади. Ҳалво деган билан оғиз чучимайди, эшитган бошқа, кўрган бошқа. Айниқса болаларга ҳамма нарсани унинг олдида ҳозир бўлаётгандек гавдалантириб бериш керак, болалар беихтиёр шу воқеаларнинг иштирокчисига айланиб кетсинлар. «Мен» номидан ёзилган баъзи бўш асарлардаги заифликнинг сабабларидан яна бири, воқеа ўша қаҳрамон — «Мен» номидан ҳикоя қилинади-ю, аммо унинг ихтиёри, унинг роли, унинг сиймоси тортиб олиб қўйилади. Ёзувчи ўша боланинг ғиқобига кириб олиб силлиққина гапирaveraди. Ваҳоланки бу «Мен»

ҳаётга, воқеликка ўз нуқтаи назаридан, ўз тушунчаси, билим даражаси, тажрибаси нуқтаи назаридан қараши, баҳолаши керак, унинг фикрлашида, қилиқларида, характерида ва сўзи — нутқида унинг кимлиги мана мен деб кўриниб турсин. Бизнинг айрим асарлардаги «Мен» ўрнига катта одамни ёки қиз боланинг ўрнига ўгил боланинг исмини қўйиб қўйсангиз, ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳикоячининг кимлигини фақат иккинчи бир қаҳрамон унга мурожаат қилиб отини айтганда билиб оласан, холос. Умуман қаҳрамон тилини индивидуаллаштира олмаслик прозамизнинг муҳим иллатларидан биридир. Мен ҳозирги прозамизнинг иқтидорли ёш вакилларида, прозада аллақачон ўз овозига эга бўлган ёзувчи Учқун Назаровнинг «Фидо» тўпламини тилга олмоқчиман. Учқун Назаров коммунистик инсоний фазилатларни кўрсатишга, қаҳрамоннинг руҳий оламини жуда теран манзарали, аммо ихчам таҳлил қилишга уста. Шунинг учун бўлса керак, юқоридаги тўпламдаги учта повестьда воқеани қаҳрамоннинг ўзига ҳикоя қилдиради. Гарчанд уччала асардаги қаҳрамонлар яшаган давр, уларнинг ёши бир ва тенг бўлса ҳам, биз уччала ҳикоячининг ўзига хос нутқда сўзлашини истар эдик. «Қотил»да ёзувчи воқеани кўрсатишда табиийликка ва айниқса тасвирда психологик чуқурликка эришиш мақсадида ҳикоячини алмаштириб туради: гоҳ йигит, гоҳ қиз гапиради. Бу табиий, қизнинг бошидан ўтганини йигит баён қилиб бера олмайди. Бироқ ҳикоячининг алмашганини улар нутқидан билиб олиш қийин.

Ёки ўзбек болалар адабиётида қардош республикалар болалари билан ўзбек болалари ўртасидаги дўстлик мавзуида яхши асарлар ёзиб танилган Носир Фозиловнинг «Қор хат» («Жиянимнинг саргузашти») повестида бошқача бир камчилик бор. Ёзувчи ҳикоячини ўзига хос — ёшига яраша гапиртиради, бошидан қизиқ воқеаларни ўтказдиради. Булар жуда яхши. Бироқ шу Соғиндиқ билан Асетнинг бир парча музда дарёда оқиб кетиши, бориб денгизга ўтиб кетиб, кўчма оролга тушиб қолишлари, ҳатто Робинзондан ҳам ўтиб тушишлари китобхонни у қадар ишонтирмайди. Борди-ю ҳикоячининг нутқида, характерида лофчиликка мойиллик бўлганда бу эпизодга — ҳикояга ишониш мумкин эди. Эҳтимол, ҳикоячи бу воқеани психологик

жиҳатдан асослаб берганда ишонтириш кучи ошган бўларди.

Темур Пўлатовнинг «Ўрмонда мени чақиринг», Эргаш Раимовнинг «Меҳрибонларим» повестларида «Мен» — ҳикоячининг роли ўзини оқлаган. Шу ўринда мана шу икки ёш ва «Тўрт саргузашт» номли повестлар ва бошқа бир қанча асарлар автори Ҳабиб Пўлатов ижодлари кишида катта умид туғдираётганини таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар болалар ҳаётига доир жиддий, ҳаётий проблемаларни кўтариб чиқишга, уларни бутун мураккаблиги, ҳатто драматик ҳолатлари билан ёритишга интиладилар. Юқоридаги икки асар ва Ҳабиб Пўлатовнинг «Ўғлимнинг ўртоғи» повестларида яна бир умумий томон бор. Бу — бола ва оила проблемаси, бошқача айтганда бола тарбиясида ота-онанинг намуна бўлиши масаласидир (ҳам ижобий, ҳам салбий маънода). Улар катталар ҳаётини болаларнинг қалб кўзгусида, болаларнинг кўзи орқали ва болаларнинг тушунчаси орқали ёритиш йўлидан борадилар. Темур Пўлатов шиддатли уруш йиллари фронт орқасида қолган ўзбек аёлларининг жасорати, инсонийлиги ва иродасини лирик пардада акс эттириб беради. Эри армияга кетган Нора ёш ўғли Марди билан қолади, касалхонага ишга кириб, ярадорларга қарайди. Фронтдан келган ярадорларнинг ҳаммасига жой топиш қийин, шунда Нора Эркин деган оғир ярадорни уйига олиб келиб қарайди, кечалари ухламай уни даволайди. Қўни-қўшнилари Норани ўз эрига хиёнат қилганликда айблайди. Ёш Марди онасининг софлиги, меҳрибонлигини ва жангчи Эркиннинг яхшилигини кўриб, одамларнинг ҳалигидай туҳматларидан ҳайрон бўлади. Саккиз яшар Марди онасига ишонади, унинг иродасига қойил қолади, фронтдаги дадаси билан ғурурланади, жангчи билан дўст бўлади. Лекин ҳалиги ёмон одамларнинг муносабати, туҳматини эшитиб, «Буларнинг ҳаммасини мен сира-сира тушунмайман. Бунга дадамнинг нима даҳли бор? Қоронги. Ойим госпиталдан ўлаётган Эркин тоғамни олиб келган бўлса нима ёмонлиги бор экан? У ниҳоят бугун оёққа турди. Катталар хурсанд бўлиши керак, улар эса...», дейди. Ёзувчи баъзи одамлар қалбидаги қолоқлик, жаҳолатни уруш даври ҳаёти билан узвий боғлаб, воқеликни ҳаётни мураккаблиги, кескин драма-

тик ҳолати билан акс этириб беришга муяссар бўлади. Китобхон боланинг холис, аммо нозик лирик оҳангдаги ҳикоясидан ҳақиқат ким томонда эканлигини, Нора ва унинг эри Ансарнинг мутлақо янги, илғор одамлар эканлигига ишонадилар. Асар образлилиги, айниқса психологик тасвирининг чуқурлилиги билан кишини ўзига ром қилиб олади. Бу асар Те-мур Пўлатовнинг биринчи йирик асари эди, кейин яна бир қанча повестлар ёзди, бироқ бизнинг танқидчилигимизда келажаги умидли бу ёзувчига деярли диққат қилинганича йўқ. Эргаш Раимовнинг «Меҳрибонларим» повестида ҳам Усмонхўжа орқали унинг ота-онасининг руҳий дунёси, қиёфаси ва характери очилади. Ёш ёзувчи боланинг тақдири ота-онанинг қўлида, у ҳаётга ота-онасидан ўртак олиб қадам босади деган фикрни кўтариб чиқади. Усмонхўжалар оиласи қишлоққа кўчиб боради, отаси оғанда ишлайди, онаси уйда ўтиради. Онаси эрининг обрўйини сотиб, муттаҳам савдогарлар, савдо ходимларидан текинга нарсалар олади, боласини ҳам текинхўрлик, мақтанчоқлик, алдамчилик йўлига судрайди. Усмонхўжа мактабда болалардан дакки ейди, онаси эса дадасининг ҳаққоний қаҳр-ғазабига дуч келади, дадаси милиция олиб келиб онаси олиб келган нарсаларни бериб юборгач, жиноятчиларга шафқатсиз бўлгач, бола отасидан ўртак олади ва ўзгара бошлайди. Онаси ажралиб кетаётганда онаси билан кетмай дадаси билан қолади. Энди у ўн сўмлик ручкалар ёки бошқа ярамас нарсалар билан эмас, балки олган «5» лари, дадасининг ҳалоллиги ва принципааллиги билан ғурурланиб юради. Асар таъсирли, ўйлантувчидир. Воқеа Усмонхўжа тилидан ҳикоя қилинади, ёш ёзувчи ҳамма нарсани шу ёш қаҳрамони нуқтаи назаридан баҳолайди, уни ўзига мос, индивидуал шаклда сўзлатади. Эргаш Раимовнинг этиқод-имон тўғрисидаги янги асари ҳам мана шундай ота-бола тақдирига бағишланади ва унинг ижодида иккинчи дадил қадам бўлишидан далолат беради.

Ҳабиб Пўлатов асарларида ҳам янги материал, янги гап, янги қаҳрамонлар ва янгича талқинлар бор. Унинг ўша тилга олганимиз «Ўғлимнинг ўртоғи» повестида ёмон болаларнинг пайдо бўлиши энг аввало оила муҳитига боғлиқ, деган позиция туради. Бу фик-

рини чайқовчилар, муттаҳамлар оиласининг фарзанди бўлган Комил тақдири орқали ифодалайди. Аълочи, билимдон, техниканинг сиридан хабардор бўлган Шодмон Комилнинг тўғри йўлга ўтишида намуна бўлади, кўмак беради. Шодмоннинг гўзал хулқи коллектив кучига, болаларга ишонмаган бошқа катта одамни — Раҳимнинг отасининг ҳам фикри, қарашини ўзгартириб юборади. Ёзувчи қаҳрамонлар характерини воқеа давомида, уларнинг хатти-ҳаракати ва тўқнашуви орқали очади.

Бола руҳига чуқур кириб бориш, ҳаётни болалар — асар қаҳрамони кўзи билан кўриш фазилати Суннатилла Анорбоевнинг «Тўрткўзнинг бошидан кечирганлари» повестида ҳам ёрқин кўринади. Ёзувчи кучук баҳонасида Қоровойнинг нозик ва меҳрибон қалбини жуда чиройли, таъсирли ёритиб беради. Асар воқеаси содда, лекин қизиқарли, ёқимли юмор билан баён қилинади, ундаги самимий ва меҳрибон оҳанг боланинг руҳига жуда мос келади. Ёзувчи Тўрткўзнинг саргузашти тақдири орқали Қоровойнинг чин инсон бўлиб ўсаётганлигинигина эмас, айтиш чоқда бераҳм қассобни, тўқчиликка шўхчилик қилиб юрган ит уриштирувчи баъзи катталарнинг устидан ҳам кулади. Суннатилла Анорбоевнинг бу повести ва қатор ҳикоялари унинг болалар қалбига жуда яқинлигидан далолат беради.

Воқеани қизиқарли баён қилиш, қаҳрамонни қабартириб, ёрқин бўёқларда тасвирлаш, болалик романтикасини бера билиш болалар асарлари учун айтиш зарур. Бола повесть ёки ҳикояни ўқиб чиқиб, ё хурсандчилигидан қувониши, қандайдир руҳий мадад олиб тетиқлашиши, катта орзулар, ниятлар сари парвозга шай бўлиши керак, ёки ёмонлик, хунуклик, адолатсизликка нисбатан қаҳр-ғазаби ошиши, нафратига нафрат қўшилиши керак. Шундагина ҳар бир янги китоб болалар учун бир байрамдек бўлиб туюлади.

Болалар прозасида шу йилларда тарихийлик тобора чуқурлашиб бормоқда, бу айтишқа документалликка, фактик материалларга, тарихий воқеа ва тарихий шахсларга кўпроқ мурожаат этишда кўринмоқда. Буюк тарихий шахсларнинг ҳаёти, кураши ёшларни қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва коммунистик эътиқодли бўлишида жуда катта кўмак беради. Адҳам Раҳмат, Назармат асарларида, худди шунингдек юқо-

рида тилга олинган кўпгина асарларда тарихий фактлар, воқеаларнинг вазни катта. Бироқ шу тарихий фактларни катта ҳаёт ҳақиқатини — бадий ҳақиқатни ифодалашга бўйсундира олмаслик, тарихий шахс тақдирига унинг замондошларининг типик хусусиятларини сингдира олмаслик иллати сезилади (Назарматнинг «Сайёд жасорати» повестини эслатиш мумкин).

«Ёш гвардия» нашриёти яхши ташаббус — «Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясини бошлаб, биринчи китобни нашр қилди. Бу ҳамзашунос олим Лазиз Қаюмовнинг «Ҳамза» номли китобидир. Ҳамза тўғрисидаги учта йирик тадқиқотнинг муаллифи бўлмиш Лазиз Қаюмов улкан революционер шоиримизнинг қаҳрамонна ҳаёти, бой ижодий фаолиятини мароқли ҳикоя қилиб беради. Муаллиф Ҳамзанинг инқилобгача бўлган ҳаётини кенгроқ ёритиб берганда ва фантазия, бадий тўқимага бўлган ҳуқуқидан янада кўпроқ фойдаланганда асар янада ўқимишли бўлар эди.

Халқимиз тарихида маданият, адабиёт тараққиёти учун жонини берган, ҳаёти, тақдири ва ишлари жиҳатидан ёшларга ижтимоий жамиятлар тарихини, тарихнинг тараққиёт қонунларини тушунтириб беришга кўмаклашадиган улуғ сиймолар кўп. Лидия Батнинг Навоийнинг ёшлиги, Еремей Парновнинг Улуғбек ҳақидаги «Тумандаги юлдуз» («Звезда в тумане»), Клара Моисееванинг «Доно Берунийнинг юлдузлари» («Звезды мудрого Бируни») каби китобларидан бошқа асарлар деярли йўқ. Ахир адолат, ҳақиқат учун курашган Машрабнинг ҳоким синф томонидан дорга осиб ўлдирилиши воқеаси Бруно тақдирини эслатмайдими? Демократ шоиримиз Муқимийнинг аччиқ тақдири-чи? Фурқатнинг дарбадар ҳаёти-чи? Завқийнинг бойлар, кейин босмачилар билан кескин кураш олиб бориши-чи? Ўтмиш тарихимизда ва совет давридаги ҳаётимизда болаларга прогрессив инсониятнинг келажак учун қанчалик ғояларни енгиб кураш олиб борганлигини тушунишга кўмак берувчи воқеалар, одамлар, фактлар кўп.

Катта ва ранг-баранг ўзбек болалар адабиётимиз бор десак бўлади. Бу адабиётнинг бутуниттифоқ доирасига чиққан вакиллари ҳам бор. Ҳатто болаликдан катталар томон биринчи қадамини қўйган ва ҳаётда

Ўз ўрнини қидираётган ўсмирлар ҳаётини чуқур таҳлил қилувчи Пиримқул Қодировнинг «Эрк», Ўлмас Умарбековнинг «Одам бўлиш қийин», Учқун Назаров ва Ўткир Ҳошимовларнинг бадиий етук асарлари ёшлар ўртасида шуҳрат топди ва республика доирасидан чиқиб узоқ-узоқларгача етиб бормоқда. Аммо болалар танқидчилигимиздан қаноатлана олмаймиз. Мен болалар адабиёти бўйича ишлаётган Пирмат Шермухамедов, Ўткир Рашид, Убайдулла Салоҳиддинов, Абдулла Суюмов каби танқидчиларнинг хизматини инкор қилмоқчи эмасман. Йирик танқидчимиз Матёқуб Қўшжонов, Бердиали Имомов, Умарали Норматовлар йўл-йўлакай бўлса ҳам, болалар адабиёти тўғрисида жиддий фикр юритмоқдалар. Бироқ бутун ўзини болалар адабиётига бахш этган, болалар адабиётининг ичига чуқур кириб борган, унинг тараққиёт жараёнини сезгирлик билан кузатиб борган ва ундаги яхши, янги тенденцияларни қувватлаб, камчиликларни йўқотишга уринган танқидчига эга эмасмиз. Шунинг учун бирорта болалар ёзувчисини иттифоқ матбуоти орқали тарғиб қилганимизча йўқ. Энг ёмони шундаки, нашриётларимиз чиқараётган, вақтли матбуотимиз босаётган кўплаб асарлар баҳосиз қолмоқда, натижада бадиий заиф, мазмунан саёз, ғоявий суст асарлар босилиб кетмоқда.

1976 йил.

КУРАШЧАН ИЖОД

Ҳамза кўп асрлик ўзбек поэзияси тарихида янги даврни — жанговар революцион поэзия даврини бошлаб берди. У шеъриятни халқнинг озодлиги, бахт-саодати учун, янги ҳаёт, социализм ва коммунизм ғоялари учун кураш қуролига айлантирди. Унинг шеърияти революция бонги, революция қилган ғолиб спнфнинг овозига, инсоният тарихида бошланган янги давр садосига айланди. Унинг поэзиясининг қон томирини ташкил этган революцион руҳни, актив курашчанликни ва кўтаринкилик пафосини, порлоқ ҳаётбахшлик ва буюк оптимизмни вужудга келтирган бош омил худди шу ерда эди. Ҳамзанинг революционер шоир сифатида улуғлиги шундаки, у Октябрь революциясидан, янги, социализм тузумидан чексиз илҳомланибгина қолмади, балки биринчи навбатда ишчи-деҳқонларни, бутун халқни революцияга чорлади, янги тузумни, янги ҳаётни қуришга даъват этди, ташвиқ қилди, уни душманлардан ҳимоя этишга чақирди. Буюк француз революционер шоири Поль Элюар «Ўзи илҳомлангандан кўра кўпроқ илҳомлантирганлар шоир ҳисобланади» деган эди. Ҳамза халқни олдинга, буюк идеаллар сари оташин курашга илҳомлантирди. Худди шу юқоридаги фазилатлари билан у жаҳон социализм поэзиясининг яловбардорлари бўлмиш В. Маяковский, Н. Ҳикмат, П. Неруда, П. Элюар, Л. Арагон, И. Бехер, Ю. Тувим, Б. Брехт, В. Броневский, В. Незвал қаторидан ўрин олишга ҳақлидир. Ҳамза худди шу салафлари каби дунёни ўзгартирувчи, уни қайта қурувчи ва янги инсонни шакллантирувчи актив жанговар курашчан шеъриятни яратди.

Ҳамзанинг бу даражага кўтарилишида у суянган учта бош факторнинг роли беқиёс катта бўлди: адо-

латпарвар, ҳақгўй, инсонпарвар ўзбек классик шеър-иятини ҳам мазмуни, ғоя-идеали, ҳам шакли билан халқчил бўлган фольклорни, революцион рус поэзияси ва у орқали «Интернационал» қўшиғи руҳидаги жаҳон поэзияси дарёларини бир ўзанга йўналтира билган Ҳамза адабиётимизда янги, революцион поэзия даври-ни бошлаб берди.

Ҳамзанинг революциядан аввалги шеърларида ҳақиқат қидириш ва ҳақиқатталаблик ғояси ҳоким эди. Ҳамзанинг ўнлаб ғазалларидаги «Чашми хун, боши нигун ҳар бир Ҳақиқат ошиғи», «Ҳақиқатгўйлар оёғ остида», «Ҳақни тингламас ўлди гушимиз», «Зулмат кўзин қоплаган Ҳақиқатни кўрмаслар» каби мисралар унинг қалбини ўртаган энг катта дард эди. Ҳамза ноҳақликдан нолибгина, оҳ чекибгина қолмайди («Дод дастингдан фалак, чархинг бузилмай қолмасун»), балки шу билан бирга халққа қараб «Ҳақиқат кўзинг оч, не можароси бор, Башар, ғайрулбашар ҳарқайсисининг чуни чораси бор», «Ҳақ қули бўлсанг Ҳақиқат ришта-син тутгил мудом, Зоҳиру ботин Ҳақиқат наҳридин ободдир», деб мурожаат этади. Лекин Ҳамза у пайтлар ҳақиқатга «ҳар муроду мақсадга илм» орқали етиш мумкин деб ўйлади. Бироқ Ҳамзанинг бу вақтда ҳақиқат байрогини баланд кўтариши ва халқни уйғотиб, кўзини очиб яхши турмуш йўлини қидиришга чорла-ши унинг Октябрғача бўлган шеъриятининг энг куч-ли томони эди. Ҳамзанинг революция арафалари ва революция йиллари яратган «Ҳой, ишчилар!», «Биз ишчимиз», «Яша Шўро!», «Ҳой, ҳой, отамиз», «Уй-ғун», «Ишчи бобо», «Ишчилар, уйғон!», «Берма эркингни қўлдан», «Яшангиз, ишчи-деҳқонлар», «Яша, Шўро, яша, урфог!» каби жанговар шеър-лари, маршлари, қўшиқларида революцияга чорлаш, ғалаба қилган Октябрь социалистик революциясини бор овози билан қутлаш, уни ёвузлардан ҳимоя этиш ва янги ҳаётни қуришга сафарбар этиш туйғуси, ғояси жўш уради. Улуғ доҳиймиз В. И. Лениннинг революция йилларидаги жуда кўп нутқлари ва мақолаларида халқ ҳамма қатламини революцияга, янги ҳаётни қу-риш ишига тортиш — уйғотиш масаласига катта аҳа-мият берилган: «...революциянинг, уйғотиш ва янгила-нишнинг мудраб ётган буюк кучлари худди ана шу меҳ-наткашлардир», «Кенг ўқитувчилар оммаси ўртасида

уйғониш процесси эндигина бошланмоқда...», дин таъсиридагиларни «...диний уйқудан уйғотиш» керак, дейди доҳиймиз. Ҳамза даврнинг мана шу талабини жуда чуқур ва теран ҳис этади: «Қуруллан меҳнатчилар, бўлсин дунё сенинг!», «Замон келди, кўтарайлик оёқ остидан бошимиз!», «Кўзинг оч, меҳнатчилар!», «Ишла, ишлов вақти келди, Ётма ғофил бандалар!», «Замон келди ишчиларни уйқудан уйғотамиз», «Уйгон, уйғонмоқ даврида Туркистон!», «Белни маҳкам боғлаб ишлов кун бу кун», «Ишчи бобо сескансанг-чи; Шарққа қуёш чинлаб чиқди!», «Берма эркингни қўлдан!», «Қолқинг энди оёққа», «Оч уйқудан кўзингни!», «Илгари бос, илгари!» — мана бундай хитоб, мурожаат, буйруқ, тарғиб-ташвиқ, сафарбар руҳидаги шеърлар Ҳамзанинг революциядан кейинги ижодининг юрагини, қалбини, пафосини ташкил этади. Бутун халқ, мамлакат, замон ва ер куррасидаги меҳнаткашлар тақдири — коммунизм ғояларининг ҳаётбахш қудрати ҳақида эҳтирос билан асар ёзган Ҳамза ижоди жанговар курашчанлик руҳи, буюк демократизм, революцион гуманизм ва пролетар интернационализи ғояларига моликлиги билан қудратлидир, абадийдир. У адабиётнинг ҳамма жанридан фақат бир мақсад учун — революция ва янги ҳаётни қуриш учун фойдаланди. Ҳамза революцион поэзияси билан ёки Евгений Потьанинг номини абадий қилган «Интернационал» қўшиғи каби «Яша, Шўро!» шеъри билан бизнинг адабиётимиз тарихининг тўрисида абадий жой олиши мумкин эди. У олтмишга яқин драматик асар ижод қилди ва ўзининг бу асарлари билан ўзбек драматургияси, ўзбек комедиячилиги учун асос солди, унинг тезкорлик билан ривожланишига жуда катта туртки берди. Тўғри, Ҳамзанинг барча драматик асари қўлимизга етиб келмади, баъзилари эса чала ёки меъёрига етмаган. Ахир Ҳамза уларни бевосита ва тўғридан-тўғри қайноқ кескин воқелиқ билан юзма-юз туриб, халқнинг орасида, жанг пайтларида ёзди ва шу ернинг ўзида саҳналаштирди, ўзи ролда ўйнади. Шундай қилиб, бу асарларни коммунистик ғояларни тарғиб этиш учун кураш воситасига — қуролига айлантирди. Шеър — қўшиқларида ҳам, драма ва комедияларида ҳам даврнинг энг долзарб масалаларини — революция, янги ҳаётни қуриш, ағдарилган синфнинг ва тузумнинг ғайриинсоний мо-

ҳиятини очиб ташлаш, янгиликнинг қарор топишига тўғаноқ бўлган ва асрлар давомида меҳнаткаш халқнинг онгини жиловлаб келган динни фoš қилиш, хотин-қизларни катта дунёга олиб чиқиб, янги ҳаёт қуриш ишига тортиш, ер ислоҳоти, янги, чин демократик сайлов — яшаш қонунларини тарғиб этиш каби масалаларни қўйди. Мана шу коммунистик ғояларни актив тарғиб этиши, асарларининг сиёсий ўткирлиги, қаҳрамонона ва оптимистик руҳи, мазмуни, шакли ва тилининг халқчиллиги Ҳамзани қонуний равишда ўзбек совет адабиётида социалистик реализм методига асос солган ижодкор дейишга ҳуқуқ беради. Айниқса унинг совет драматургиясининг тўнғич асарларидан бўлмиш «Бой ила хизматчи» драмасида курашувчи, ҳаётни ўз идеалига мослаб қайта қурувчи ижобий қаҳрамон — Ғофир образининг яратилиши ва шунингдек Ҳамза шеъриятидаги революционер лирик қаҳрамоннинг гавдаланиши Ҳамзани янги ижодий методнинг ёрқин вакили қаторига қўйди. Худди шунингдек Ҳамза ўз комедияларида ҳам қудратли халқ, ғолиб ва чин инсоний тузум қураётган синф номидан, нуқтаи назаридан фикрлайди. Ахир сатира ва юмор ҳисси ғоявий, маънавий юқори бўлган, ҳақиқат ва прогресс томонида турганларда бўлади.

Ўзбек адабиётида комедия жанрининг туғилиши ва ривожланиши қонуний равишда Ҳамза номи билан боғлиқ. Ҳамза ўзининг қатор комедиялари, биринчи навбатда «Майсаранинг иши» асари билан ўзбек адабиётида комедия жанрига асос солди ва бу боқий туҳфаси орқали ўзбек совет адабиётини юқори поғонага кўтарди. Аммо Ҳамза комедияси беасос, қуруқ ерда вужудга келмади. У биринчи навбатда ўзбек халқ ижоди — халқ қўғирчоқ театри, аскиячилик ва Насриддин афанди латифалари заминидан туғилди. Шунинг учун ҳам Ҳамза комедияларида халқ традицияларининг салмоғи катта. Ҳамза ўз даврининг ғоят илғор вакили эди. У ўзбек классик адабиёти, халқ ижоди традицияларини чуқур ўрганиш билан чекланмасдан, озарбайжон, татар адабиётлари, улар орқали жаҳон адабиёти, биринчи галда рус адабиёти мактабидан озиқланди. Ҳамза комедиялари ана шу икки асос — Шарқ адабиёти ва жаҳон адабиёти заминидан вужудга келди. Борди-ю, жаҳон комедияси намуналарига назар ташланса (Шекспир ёки Гоголь

каби), комедиянинг етук, ўлмас намуналари халқ ижодидаги эртак, афсона, дostonлар ёки ундаги сюжет чиқиқлари, кулги яратиш йўллари ёрдамида яратилганини кўриш мумкин. Ҳамзанинг комедиялари заминида ҳам худди шундай халқ ижоди туради. Ҳамза комедияларини миллий қилган омилларнинг иплари энг аввало ана шу ўзбек халқ ижодига, халқ қўғирчоқ театрига ва халқнинг кулгу яратиш принципларига бориб тақалади. Материалнинг миллийлиги Ҳамза комедиясидаги ўзига хосликни янада чуқурлаштиради. Ҳамза комедияларининг халқчиллиги ҳам уларда халқнинг ҳаёти ва тақдирига доир бош, муҳим, ўткир сиёсий-ижтимоий-ахлоқий масалаларнинг дадил кўтарилишида ҳамда халқнинг бадиий фикрлашига, яъни кимдан ва қандай кулиш тарзига жуда яқинлигидадир.

Аввало шуни айтиш керакки, Ҳамза ҳамма жанрда бўлгани каби комедия жанрида ҳам асарма-асар ўсиб, қалами чархланиб борди. Унинг илк комедияларидан бўлиш «Мухторият ёки автономия» (1917), «Ким тўғри?» (1918), «Туҳматчилар жазоси» (1918) комедиялари билан «Майсаранинг иши» (1926) асарини солиштирсак, Ҳамзанинг комедия жанрини эгаллашда жуда кескин ўсган-ўзгарганини сезишимиз мумкин. «Мухторият ёки автономия»да салбий персонажлар ўзларини саҳнага олиб чиқади, бунда танқид кучли-ку, аммо кулгили ҳолат суст, персонажларнинг фикрлаши ва нутқидагина кулгили ўринларини учратиш мумкин.

«Ким тўғри?»да персонажларнинг адашиши, бир-бирини алдаш, ҳийла ишлатиш принциpidан кулги туғилади. Бу комедия яратишдаги синалган йўллардан бири. «Ким тўғри?»да драматург идеали кулги орқали ўтказилади, асар персонажлари бир-бирини алдайман деб ҳаммаси алданади. «Туҳматчилар жазоси»да янгилик душманлари кулгили ҳолатга солинади. Аммо бунда сатирик тиг ўткир эмас. Домла билан Султон пиянистани ушлаб милицияга топширади. Ҳамза эҳтимол бундаги сатирик кулгининг меъёрига етмаганини сезган бўлса керак, «Майсаранинг иши»да «ошиқлар»нинг қўлга тушишини ва шу пайтдаги ҳолатларини сарказм даражасига кўтаради. Автор энди душманларни юридик йўл билан жазолашдан воз кечади. Сатирик кулгу орқали уларнинг ижтимоий илдизига болта уради.

Ҳамзанинг «Ким тўғри?» ва «Мухторият ёки автономия» комедияларида авторнинг ижобий идеали кулгигагина сингдирилган. Аммо «Тухматчилар жазоси» ва «Майсаранинг иши» асарларида ёзувчи идеали асар пафосидагина ётмайди. Айни чоқда асарга ижобий қаҳрамонлар киритилиб, улар синфий душманлар билан кескин курашади. Бундай ижобий қаҳрамонлар бир эмас, балки бир нечта бўлиб, катта бир гуруҳни ташкил қилади. Жумладан, «Майсаранинг иши»да Майсара, Чўпон, Ойхон, Нодира, Тоҳир мустаҳкам катта бир куч, коллектив. Мулладўстга келганда драматург бу образга жуда нозик ёндашади, унга афанди фазилатларидан мўлгина юқтириб, юқори табақани, дин ҳомийларини, адолатсизликни дадил танқид қилдиради. Айни чоқда у домла, қозилар билан мурсою мадора қилади. Майсаралар томонига ўтиб ўз хўжайинларига қарши курашмайди. Шунинг учун ҳам Ҳамза уни жазолайди. Қозилар қатори у ҳам қўлга тушади. Аммо Ҳамза уни мазах қилмайди, чироқпоячи қилиб қўяди холос. Бу образда комиклик билан ҳажвийлик қўшилиб кетган. Мулладўст юқори табақа томонидан чексиз хўрланади, оёқости қилинади, у ҳатто эллик тўртга кирса ҳам уйлана олмайди, қурби етмайди. Мулладўст «Иқболи наҳс»лигидан ўртанади. У «Уламоларда ёлғон гап йўқ-ку, ҳийлайи шаръий жуда кўп-да»— дейди аъламга. «Шайтон буларнинг олдида қипқизил валиюллоди», деган хулосага келади у. Асардаги психологик таҳлил айниқса Мулладўст образида ёрқин кўринади. Мулладўст образини талқин қилганда бу нозик моментни диққатда тутишимиз керак бўлади.

«Тухматчилар жазоси»да кулгининг икки тури, йўналиши мавжуд. Тухматчиларга қаратилган кулгу — сатирик кулгу, аммо Қосимжонга қаратилган кулгу юмористик. Шунга суяниб Қосимжон линиясида лирик комедия сифати ҳам бор дейиш мумкин. Қосимжон янги ахлоқ нормасини мукаммал ўзида гавдалантира олмаган. У тухматчиларнинг ифвосига ишониб, хотинини очиқча чиқаргани ва ўқимишли қилганидан пушаймон бўлади. У «хотинларни очип ҳамоқатлик экан, аттанг, мен билмаган эканман!», «мен сиз билан турмуш қуролмайман», дейди. Кейин асар охирида у ҳақиқатни англайди ва «Лаънат, сиз каби турмуш қузғунларига! Яшасин ўқиган, ҳур, озод хотинлар!» дей-

ди. Ҳамза Қосимжон образига домла каби сатирик образларга қўллаган ижодий принципни ишлатмайди. Комедия жанрида характерни ўзгаришда кўрсатиш шарт эмас. Драматург Қосимжон образига юмористик майлларни сингдиргани ҳолда уни шаклланишда кўрсатади, уни ҳимоя қилади, қолоқлигини қоралайди. Буни, образга бу тахлитда ёндашишни, ўша давр тақозо қилган. Ҳамза хотин-қизлар озодлиги масаласига жиддий қараган, ҳам асарлари, ҳам ижтимоий фаолияти орқали улар бахти учун актив курашган. Хотин-қизлар озодлигига ҳалақит берган шу икки ғояни эски тузум тарафдорларининг иғволари ҳамда эскича психология қолдиқларини фош этишни ният қилади.

«Майсаранинг иши» асари сатирик комедия. Унда гротеск, гипербола ва сарказм кучли. Ҳамза икки қудратли восита билан ҳам шафқатсиз кулгу, ҳам ижобий қаҳрамонларнинг актив кураши билан ҳукмрон синфни аёвсиз фош этади. Асардаги сюжет чизиғида, кулгили ҳолатлар яратишда, персонажлар нутқидагина эмас, балки асар пафоси, хотимасида ҳам халқ ижодининг таъсири ётади. Асар ижобий қаҳрамонларнинг галабаси билан тугайди. Ҳамза асарларининг қон-қонига сингиб кетган бу оптимистик руҳ халқнинг кучи, қудрати, эртанги кунига бўлган зўр ишончининг натижаси эди.

«Майсаранинг иши» комедиясининг кучли чиқшининг боиси нимада? (Гарчанд мазкур асарнинг ўн саккиз саҳифага яқини йўқолган бўлса-да, яхлитлигига унча путур етмаган).

Энг аввало Ҳамза асарда кулгу яратувчи хилма-хил воситалардан усталик билан фойдаланган. Бизга маълумки, А. Қодирий ва Ғ. Ғуломнинг ўзбек адабиётида сатирик асарлар хусусида ёзган мақолаларида кўпроқ жўн йўлдан — сўз орқали кулдириш йўлидан бориш кўплигини танқид қилиб, сўз кулдиришидан характер орқали кулдиришга ўтишга чорлашган эди. Бу ёзувчилар ўз асарларида ҳам характер, ҳам сўз кулдиришидан санъаткорона фойдаланган эдилар. Ҳамза «Майсаранинг иши»да ҳам сўз кулдиришидан, ҳам характерни кулгили қилишдан, ҳам кулгили ҳолатлар яратишдан, ҳам сир тутиш орқали кулги туғдириш усулидан, ҳам маълум вазият-ҳолатларни такрорлаш приёмидан, ҳам гипербола, гротескдан

фойдаланади. Санаб ўтган принципларимизнинг охир-гисидан бошлайлик. Ҳамза сатира тигини санчган персонажларнинг бирини сигирга айлантириб устига тери, бошига сигир шохи, оёғига сигир туёғини боғлатиб, «моо» деб бақиртириб, олдига сомон ташлаб қўйиши (ахир сомон ташлаш халқ ижоди ва халқ одатига кўра энг оғир жазо эди-ку), иккинчисини эчкига айлантириб, учинчисини бешикка белаб, улар устидан аччиқ, шафқатсиз кулади. Бу гротеск, гипербола асар моҳиятига гоят ёпишиб туради. Майсара уларни «одамхўрлар» дейди; чиндан ҳам уларни ҳайвон қиёфасида намоиш қилади драматург. Автор ўз қаҳрамони орқали «буларни бу дунё, у дунё масхара қилиш керак», «Шармандалик минг ўлимдан ҳам ёмон» дейди. Ҳамза чиндан ҳам «Майсаранинг иши»да меҳнаткаш халқ душманларини кулги воситаси — мазах орқали жазолайди.

Қози-домлаларнинг ўзлари ҳам кулги, шарманда бўлишдан қўрқишади. Ҳамза уларни осонликча сигир ёки эчкига айлантириб қўймайди. Воқеа ва характер мантиқига таяниб, уларни шу кулгили ҳолатга туширади. «Ошиқлар» сандиқдан васиқани излашар экан, ҳаммаси Ойхон шавқида шу ҳолатга тушади. Ҳамза шу такрорланувчи ситуацияни, айниқса «ошиқлар»нинг Ойхон билан висолга келган пайтларида жуда маҳорат билан қўллайди. «Ошиқлар»нинг кетма-кет келиб, висол онларини ошиғич билан кутиши, эшик тақиллаб қолиши, қочиш-яшириниш учун (шарманда бўлмаслик учун) сичқоннинг уйини минг тангага сотиб олишга тайёр ҳолга келиши (Майсара шундан фойдаланиб васиқани қайтариб олади, Нодирани қозидан мажбур талоқ қилдириб, севгилиси Тоҳирга тутқазади) ва сигир, эчки ёки гўдак бўлиб овоз чиқариши, сомон чайнаши, тоғорада сув ичиши қаттиқ кулги туғдиради. Масалан, Мулларўзи Ойхон билан учрашаман деб турганда, эшик тақиллаб қолади, Мулларўзи ўлгудай қўрқади, Майсара ҳам ўзини қўрққанга солиб, нима қилишини билмагандай тутати. Мулларўзи «бирорта чуқур-пуқур йўқми» дейди, Майсара йўқ деб тураверади. У «магзава тўкиладиган жой ҳам йўқми», дейди. Майсара «ошиқ» ҳамма нарсага рози бўлиш ҳолатига келгандан кейин сигир терисини айтади. У «сигир қиласанми, эшак

қиласанми, қилавер энди», деб рози бўлади. Ҳидоят кирганда Майсара яна ўзини шундай тутати, ҳатто ёлғондакам йиглайди, «худди тилка-тилка қилади» мени деб вазиятни тоблайти. Хуллас, Ҳамза ҳамма қаҳрамонларининг ўзларини кулги йўлидан юришга мажбур қилади.

Ҳамза Майсара тилидан «Қизим, иш қилсанг шундай қилки, ё бутун дунё кулсин, ё бутун дунё йигласин!» дейди. Чиндан ҳам драматург ўз маҳорати билан яхшиларни кулдира олади. Ҳамза Мулладўст нутқини ғоят ўткир кулгили шаклда тузади. У ўз хўжайинларини — қози ва домлаларни аччиқ ҳақиқати билан фош қилади. Унинг гапириш тарзидаги билиб-билмасликка олиш хусусияти, қочириғ, кесатиғлари, сарказм ёзувчи мўлжалга олган нишонга аниқ тегади. Мулларўзи ҳожат сўраб келган одамдан назр-пора, тамагирлик қилиб, Мулладўстга «Бу нима? Уч сафардан буён қуппа-қуруқ келади», дейди. Шунда Мулладўст «Тўғри-да, тақсир. Эшакка шўра бўлмаса ётиб олади-ю, қуруқ сўз қулоққа ёқсинми. Ўргилиб кетай номидан, дунёнинг ҳамма нарсасининг бисмиллоси шу-я, бундан ҳолиман деган одамлар бу дунёнинг одами эмас, деяверинг» деб кесатади уни эшак билан тенглаштиради.

Мулладўст характери ва нутқида Насриддин сифатларидан талайгинаси шундай жўш уриб туради. Ҳамза Мулладўстнинг қозига берган ушбу жавобини «Уч ёлғондан қирқ ёлгон» эртаклари принципида тузади. Қозининг ўғли Ҳидоятхон «васиқа» қидириб, отасининг сандигу уйларини ағдар-тўнтар қилиб юборади. Қози Мулладўстан сўраса, «Ҳидоятхонни бир нарса чаққан экан, шошилиб келдилар-да, эшикни берклаб олдилар» дейди. Бу ерда Мулладўст таги заминли жавоб беради. Шунда қози «Уни бир нарса чақса косалар, бу ҳасса, човгум нима гуноҳ қилди?» деб дўқ уради. Шунда Мулладўст мана бундай ёлгон тўқийди: «Тақсир, менга шунчалик айтдиларки, устбошимни ечсам, чаён экан қочди, ҳасса билан урамандесам, косага тегди, ўзим қочаман десам, ҳасса чойдишга тегиб, ўзим кўрпага тегиб оғнаб кетдим».

Қ о з и. Падарига лаънат! Ёмон чақиптими?

М у л л а д ў с т. Чақипти-ю, тўн-кўйлакнинг усти-

дан ўтмабди-да». Мулладўст бу жавоби билан айни чоқда қозини аҳмоқ қилади.

Асардаги Майсара образида Ҳамзанинг аёлларга бўлган зўр ҳурмат-эҳтироми мужассамлашган. Майсара адолатпарвар, самимий дўст, меҳрибон инсон, айниқса у ўзгалар бахти учун актив ва дадил курашувчи шахс. Асар бошида у «мурод-мақсудимизга тўрт кўз тугал етурмиз», дейди ва ўз жасорати, донолиги, чечанлиги билан адолат-ҳақиқатни ҳимоя қилиб қолади. Курашда голиб чиққан Майсара қозига қараб, «Ҳақ жойида қарор топар эканми?» деб кесатади. Ойхон, Чўпон, Нодира, Тоҳирлар чин севги-вафосадоқат ғояларини ташувчилардир. Бу образлар асардаги инсонпарварлик, адолатпарварлик ва дўстлик ғояларининг янада қабариб кўринишига ёрдам беради.

Гоголь комедия жанрининг бош фазилати ҳақида фикр юритиб, комедия «ўз-ўзича бутун борлиги билан битта катта умумий тугунга боғланиши керак. Тугун битта-иккита эмас, балки ҳамма шахсни ўз бағрига олиши, барча иштирок этувчиларни ё у, ё бу даражада қизиқтирган нарсга дахлдор бўлиши зарур», деб таъкидлаган. Ҳамзанинг «Майсаранинг иши»да худди шу хусусиятни кўрамиз. Унда ёзувчининг ғоявий ниятига хизмат этмайдиган, демак асардаги бош масала билан, ундаги воқеа, сюжет оқими ва конфликт билан жипс боғланмаган бирорта персонаж йўқ. Бу ҳол асар композициясининг мукамаллигидан далолат беради, биринчи навбатда Ҳамзанинг комедия жанри сирларини чуқур ўрганганлигини кўрсатади. Ҳамза комедияларидаги ўзига хосликлардан баъзилари мана шулардир.

Ҳамза янги типдаги ёзувчи—ижодий иш билан ижтимоий фаолиятини узвий қўшиб олиб борган революцион шахс эди. Унинг асарларидаги ғоя билан ижтимоий фаолияти, шахсий ҳаёти ўртасида заррача узилиш йўқ эди. Унинг душманлар қўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлиши революционер шоирнинггина эмас, айни чоқда революция солдатининг ҳам қурбон бўлиши эди. Ҳақиқатчи, принципал, жасур курашчи Ҳамза характери билан унинг асарларининг пафоси бир хил эди.

Мен доҳийларимиздан Фридрих Энгельснинг Уй-

ғониш даври санъаткорлари учун «алоҳида характерли бўлган нарса шуки, уларнинг деярли ҳаммаси ўз даври талаб, эҳтиёжларининг қоқ ўпқонида яшадилар, амалий курашда шахсий иштирок этдилар, бирор партия томонида бўлдилар ва кими сўз ва қалам билан, кими қилич билан, кими ҳам униси, ҳам буниси билан биргаликда курашдилар. Уларни мукамал одамлар қилган характерларнинг тўлалиги ва қудрати шундан», деган ажойиб фикрини бизнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга ҳам тааллуқли деб айтгим келади.

Ҳамза шундай таҳсинга, шундай баҳога лойиқ ва у мана шу фазилатлари билан биз учун, адабиёт ва санъатимиз учун, маданиятимиз учун, халқларимиз учун қимматли, азиздир.

1979 йил.

«Боту — замонавий ўзбек шоирларининг энг йириги ва машҳуридир», деб ёзилганди А. В. Луначарский таҳрири остида чиққан «Литературная энциклопедия»да (1929 й.). Боту ўзбек совет адабиётига тамал тошини қўйганлардан биридир. У Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ва Садриддин Айнийлар билан изма-из ва ён-ма-ён бориб, Улуғ Октябрни сидқидил ва эҳтирос билан куйлади, янги ҳаёт қуриш ишида ҳам адабий ижоди, ҳам серқирра ижтимоий фаолияти билан актив қатнашди. Марксизм-ленинизмни чуқур эгаллаган Боту Ўзбекистонда марксча-ленинча таълимотни тарқатиш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олган илгор зиёли эди. Ботунинг сиёсий ўткир, партиявий чуқур, ғоявий юксак, кураш ва яратиш пафоси, эртанги кунга қаттиқ ишонч руҳи билан тўлиқ жанговар ва сурурли шеърлари, ўткир ва принципиал адабий-танқидий мақолалари ўзбек совет адабиётининг тараққиётига сезиларли таъсир қилди.

Боту асарлари ўша алангали, тўлқинли ва романтик йилларнинг ҳамда шу давр кишилари руҳий дунёсининг бадий солномаси сифатида таҳсин ва эътиборга лойиқ. Бу асарлар янги ҳаёт ва ўзбек совет адабиётининг кескин синфий кураш жараёнида бунёдга келганидан далолат беради. Асримиз бошидаги буюк воқеалар ҳам, халқ ҳаёти ва руҳидаги ўзгаришлар ҳам, шунингдек бадий ижод, мафкура майдонидаги ғоявий курашлар ҳам Боту ва унинг замондошларининг асарларида ўз ифодасини топди.

Боту ўзининг адабий-танқидий мақолаларида бирор ёзувчи ижодини таҳлил этганда у яшаб ижод этган замон ва маконни доим назарда тутиш ҳамда

унинг ижодини яхлит ўрганиб хулоса чиқариш керак-лигини таъкидлайди. Боту «Нафис адабиёт соҳасида ўз-ўзини танқид» мақоласида ўзбек танқидчилигидаги ютуқ-камчиликларни таҳлил этар экан: «Бир адиб, бир шоир текшириларкан, унинг ҳамма нарсалари яхши элакдан ўтказилмайди. Замон ва макон масаласи баъзи чоқлар эсдан чиқарилади», дейди. Шу мақоладан бир йил кейин, яъни 1929 йилда нашр этилган Ойбекнинг «Кўнгил найлари» тўпламига ёзган кириш сўзида Боту бундай дейди:

«Ҳар бир шоир, ҳар бир адибнинг озми-кўпми ўзига яраша хусусиятлари бўлади. Бироқ бу хусусиятларни бир-икки шеър, бир-икки адабий парчага қараб кескин белгилаш тўғри бўлмайди. Негаким, бу хусусиятлар эгасининг ўсиш давлари ҳар вақт ўз изларини унинг асарларида қолдирмасдан қўймадилар. Шунинг учун ҳар бир шоир, ҳар бир адибга баҳо берганда кенг ва чуқур таҳлил қилиш баҳонинг тўғрилигини таъмин этади».

Ботунинг ижодида ҳам мана шу тарзда, шу принципларга суяниб ёндашишимиз керак бўлади.

Маҳмуд Ходиев (Боту унинг тахаллуси) 1904 йилнинг май ойида Тошкентнинг эски шаҳари билан янги шаҳари туташган жойда Шайхантовур даҳасининг Қатортерак маҳалласида туғилди. Ундаги рус халқи-га, рус маданияти ва айниқса рус адабиётига бўлган катта меҳр-муҳаббат шу ёшлигидан пайдо бўла бошлаган эди. Отаси Мақсуд ака ҳалол ва меҳнаткаш, эрксизлик ва зулмнинг барча даҳшатларини ўз бошидан кечирган одам эди. Икки ёшида отасидан етим қолган Мақсуд саккиз ёшидан Баландмачитдаги Комил маҳсидўзга шогирд бўлади, сўнгра Тошкент бойларидан бири Шамсиддин ҳожи қўлида ўн саккиз йил қарол бўлиб ишлайди. Кейин тўқувчилик билан шугулланади. Шунинг учун ҳам Мақсуд ака Октябрь революциясини жону дили билан хурсанд бўлиб кутиб олди ва янги ҳаёт қуриш ишида фаол қатнашди. Айниқса у деҳқонлар Жамиятини ва тўқувчилар Жамиятини тузишда жонбозлик кўрсатди. 1922 йилгача у шу Жамиятнинг секретари, кооператив жамиятининг раиси бўлиб ишлади. Айни вақтда 1919 йилдан то 1921 йилгача ячейка секретари сифатида партиявий иш ҳам олиб борди. 1923 йилнинг кузидан бош-

лаб «Бирлашув жамияти»да инструктор бўлиб ишлади. Ўз даврининг илғор кишиларидан бўлган Мақсуд ака тўнғич фарзанди Маҳмуднинг ўқимишли, етук шахс бўлиши тўғрисида жон куйдирди. Шунингдек Маҳмуднинг онаси Тўхта опа ҳам дили очиқ, зеҳни ўткир ва орзули аёллардан эди. Улар Маҳмудни рус-тузем мактабига ўқишга бердилар. Маҳмуд биринчи бор рус адабиёти билан, жумладан Пушкин, Лермонтов, Кривов, Некрасов, Л. Толстой асарлари билан шу жойда танишади. Бу мактаб Маҳмуд сиёсий онгининг ўсишида ҳам катта ёрдам берди. Ботунинг дўстларидан бири профессор Акбар Асқаровнинг айтишича, мазкур мактабда Юдин каби «Чор ҳукумати томонидан Россиядан сургун қилинган илғор фикрли муаллимлар дарс берарди ва улар ерли халқларнинг рус адабиёти, рус маданияти билан яқиндан танишишларига ёрдам берардилар». Маҳмуд худди шу ерда Пушкин, Некрасов шеърларини ёд олиб айтиб юрарди. Бу мактабни аъло баҳолар билан битирган Маҳмуд, ўз таржиман ҳолида ёзишича, Октябрь социалистик революцияси галаба қозонгунча отасига ёрдам беради. Октябрь бу оилага ҳам қуёш бўлиб киради. Маҳмуд 8 ойлик ўқитувчилар тайёрлаш курсини битириб чиқади ва комсомол ишларида актив қатнашади. 1919 йилда комсомол сафига киради ва хабар, шеърли машқлари билан матбуотда ҳам кўрина бошлайди. У ижтимоий ишларда активлиги, принципааллиги билан эътибор қозона бошлайди. 1920 йилда Бухоро партия комитети ихтиёрига юборилади, у ерда журнал редколлегия аъзоси сифатида ишлайди. Кўп ўтмай 1921 йилда Фарғона область партия комитетининг органи бўлмиш «Фарғона» газетасининг ташкил этилишида иштирок этади ва унинг биринчи редактори сифатида қизгин иш олиб боради. Бу вақтларда у Ботутахаллуси остида ўз шеърлари, мақолалари билан «Иштирокиюн», «Туркистон», «Фарғона» ва республикада чиқадиған шу каби вақтли матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб турарди. Унинг илк ижодидаги айрим шеърларида тажрибасизлиги ва ўша давр адабий жараёнидаги мураккабликлар туфайли учраган умидсизлик руҳи («Гўзал ёзғичлар» хрестоматиясига кирган «Етар энди!» каби айрим шеърлари) аллақачон барҳам топиб, ижодининг марказини инқилобий па-

фос, кўтаринкилик ва янгилик романтикаси эгаллайди. Боту шеъриятидаги жанговарлик, партиявий ва сиёсий ўткирлик, ғоявий етуклик айниқса унинг Москвада илм олган йиллари яратган асарларида ёрқин кўринади.

«Ўқиш билан ишни қўшиб олиб бориш менинг учун жуда қийин бўлди, шунинг учун КП (б) ТМҚ 1922 йилнинг бошида мени Москва рабфакига жўнатди», деб ёзганди Боту ўз таржимаи ҳолида. Ботунинг турмуш ўртоғи Валентина Петровна Васильеванинг айтишича, Ботуни рус тилини яхши билмагани учун рабфакка қабул қилмаганларида, у Луначарский ҳузурига боради (Луначарский Маориф Халқ комиссари эди). Боту Луначарскийга тезда рус тилини пухта эгаллашга ваъда беради. Маориф халқ комиссари сидқидилдан ёрдам беради. Боту чидам, завқ-шавқ билан ўқиб, рус тилини мукаммал эгаллайди ва рабфакни битиргач, Москва Давлат университетининг иқтисод факультетига ўқишга киради. Боту айни вақтда бадиий адабиёт сирларини эҳтирос билан ўргана бошлайди. У университетдаги адабий учрашувларга, айниқса шаҳардаги «Никитин шанбалиғи» номи билан машҳур бўлган адабиёт кружокларига актив қатнашарди. Бу ерда Луначарский тез-тез лекциялар ўқирди. В. Маяковский, С. Есенин, Жаров ва бошқа машҳур шоирлар иштирокида шеърхонлик ва адабиёт ҳақида суҳбатлар бўларди. Москвадаги қизгин адабий ҳаёт Боту учун зўр мактаб бўлди. Москвадаги ўқув йиллари Боту дунёқарашининг шаклланиши, сиёсий онгининг ўсиши ва эстетик оламининг кенгайишида жуда катта роль ўйнади. Энг аввало у марксизм-ленинизмни пухта ўрганди, рус классик адабиёти ҳамда ўша даврнинг донгдор рус совет ёзувчиларидан мадад олди. Боту университетнинг ижтимоий-тарбиявий ишларида ҳам фаол иштирок этади (комсомол ячейкасининг секретари эди). Коммунистик партия сафига ҳам Москвада 1924 йилда — Ленин чақириғи кунлари киради. Боту университетда ўқир экан, ўзининг назарий билимларини чуқурлаштириш билан бирга тинмай шеърлар ёзди, рус ёзувчилари, жумладан Чехов ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилади, айниқса В. И. Ленин асарларини, ҳукуматнинг қарор ва декретларини таржима қилади, каникул вақтларида Қўқонга келиб

редакцияда ишлайди. Боту Москвада экан, Ўзбекистондан ўқишга ёки тажриба ўрганиш учун борган юртдошларининг ўқишга жойланиши ва илм-ҳунарининг ошишига жон-дили билан ёрдам берди. Боту Москвада очилган ўзбек билим юрти ва унинг қошида ташкил қилинган ўзбек драмстудиясига доим бориб туради, у ерда ўқиётганлар билан суҳбатлашади, лекциялар ўқийди. Худди шунингдек Москвадаги Зарайский фабрикасида ўзбек тўқимачилари практика ўтказишар эди. Боту уларга сиёсий раҳбар қилиб тайинланган эди ва ҳафтада икки бор қатнаб, уларга турли мавзуларда лекциялар ўқиб берарди. Тошкентдан борганлар Ботулар яшаётган хонада (Янги Арбатда) тез-тез жам бўлишиб, адабиёт ҳақида ва Ўзбекистоннинг порлоқ эртаси ҳақида қуюқ баҳс юритишарди. Боту жуда кўп ёшларнинг ҳаёт йўлини белгилашга яқиндан кўмак берди. У Ойбек, Тамарахоним, Собира Холдороваларнинг Москвада ўқишга жойлашишига ёрдам берди. Боту ўзбек адабиёти, ўзбек маданиятининг тез суръатлар билан ўсишини дил-дилидан истайди. Бунинг учун меҳнаткашларнинг, айниқса ёшларнинг маънавий бойиши зарурлигини уқдиради. Бунда вақтли матбуотнинг роли беқиёс катта эканлигига қаттиқ ишонади. У Москва ёшларининг ўқиш-ўрганиш шавқи билан қайнаётганини кўриб ич-ичидан қувонади ва ҳаваси келади. Тошкентда чиқа бошлаган «Ўзгаришчи ёшлар» журнали редакциясига ёзган мактубида (1924) бундай дейди:

«Ҳар ўқувчининг руҳида аллақандай кўтаринкилик: унинг кўзлари истиқболга умид билан қараб чақнайди, ўйнайди. Ўрта, юқори мактаб ўқувчилари моддий таъминот ёғидан жуда яхши ҳолда бўлмасалар ҳам руҳ, ҳиммат ва ғайрат тарафдан ортиқ юксак, ҳукумат ўқувчиларнинг ҳолларини кундан-кун тузатмоқда».

Шоир «Москванинг ҳаёт тўлқинининг қандай кучли эканини» кўрсатгач, ўзбек ёшларини улардан ўрнак олишга чақиради; тўппадан-тўғри «Туркистон ёшларига ибрат!» дейди. Янги чиқа бошлаган журнални қутлаб, унинг «энди кўз очган ёшларимизнинг маънавий тарбиясида буюк аҳамиятга эга бўлажагини» умид-ишонч билан таъкидлайди.

Боту ўқишни битириб Ўзбекистонга қайтгач, яъна

1927 йилда (уни Москвада қолиб пахта комитетида ишлашга таклиф этишади, аммо у кўнмайди) ёшларни, айниқса ёш ёзувчиларнинг адабиёт даргоҳига кириб келишига фаол ёрдам беради. Боту Ойбекдаги талант уруғини кўра олган ва унинг эртасига умид билан боққан сезгир ижодкорлардан бири эди. Ойбекнинг «Кўнгил найлари» тўпламига ёзган кириш сўзида Боту ёш шоирнинг ютуғини қувонч билан айтади, камчиликларини ҳам самимий танқид қилади. Боту ёзувчилар диққатини «буюк-буюк муваффақиятларни, музаффариятларни, тўлқинли суюнчиларни ўзлаштириб куйлашга, инқилобий» шеърлар ёзишга даъват этади. У «Ойбек ҳали ёш шоир, унинг бу нарсалари тажриба мевалари, унинг чиройлик, ўткир қалами бора-бора ўсади, яхшиланади ва гўзалланади. Бундай дейишга ҳақсиз эмасмиз. Меҳнаткашлар турмушига, яратишига чуқурроқ қараши ва қаламининг жиловини шу томонга тездан буриб юбориши лозим бўлади», дейди.

Комил Яшин ҳам Ботуни зўр ҳурмат билан тилга олади ва уни адабиётдаги раҳнамоларидан бири деб ҳисоблайди. Боту Ҳасан Пўлатни адабиёт оламига олиб кириб, сафга қўшган меҳрибон устоздир. Боту Зебунисо интернатида ўқиётган Сора Эшонтўраева ва Турсуной Саидазимовани Москвадаги ўзбек драмстудиясига олиб бориб жойлайди. Сора Эшонтўраева ўз ҳаётини санъатга бағишлашига ва шу йўлда топган улуғ бахтига Боту сабабчи эканлигини айтади. Боту Сора Эшонтўраевага бағишлаб «Севган қиз» деган шеърини ёзади (бу шеър ўша вақтда «Нева» журналида ҳам босилади). Шеър руҳида унинг сўнгги мисралари — «Гўзал қиз, илгарила, юксал! Илгариламай, юксалмай яшаш—яшаш эмасдир. Кел, «Эзгу иш» кетидан кет!» деган чақириги ётарди шоирнинг.

«...Шу шеър менга жуда катта таъсир қилган бўлса керак...»,— дейди Сора Эшонтўраева.— Шоир ёзганки, санъат бир истиқбол, келгусида ёрқин бир ҳаётдир. Шу туфайли сен учун асосий нарса санъат бўлиши керак. Буни қарангки, шу киши менга ҳақиқий бахт йўлини очиб берди, десам янглишмаган бўламан. Шу кишининг маслаҳати билан шундай бир санъаткор бўлдим, шундай зўр бир обрўйга эга бўлдим. Мен Боту акадан умрбод миннатдорман».

Боту хотин-қизларнинг тўрт девор қамалидан озод бўлиб инсоний эркини қўлга киритиши ва янги ҳаёт қуриш ишида актив қатнашиши масаласига ғоят жиддий эътибор берди (айниқса Хотин-қизларни озод қилиш Комиссиясининг секретари бўлган пайтларда). Фотима Назированинг Орехово-Зуевога ўқишга боришига кўмаклашади (у Ботунинг дўсти Саидахмад Назировнинг онаси, шоира ўртоғига бағишлаб «сени кутаман» деган шеър ҳам ёзган), Хайринисо Мажидхон қизи ҳам Ботунинг ташвиқоти билан ўз паранжисини ташлаганини ҳикоя қилади. Боту бундан қувониб унга бағишлаб «Кичкина армуғоним» (1922 й.) шеърини ёзади. Шеърда «Қора турмуш чангалидан қутулиб эрк чечаги тақа олган кучли қиз»га мурожаат этиб, «Илгарила! Йўл сўнгида ёруглик!» дейди.

Ҳақиқатан ҳам Боту Ўзбекистонга қайтиб келгач, жўшқин бадий ижодни қизгин ижтимоий ва жамонат ишлари билан қўшиб олиб борди. 1927 йилнинг бошида Боту Марказий партия мактабининг раҳбари бўлади (Самарқандда), аynи пайтда лекторлик ҳам қилади. Шу январь ойининг ўзида мафкуравий кураш фронтидаги ишларни кучайтириш Комиссиясига аъзо қилинади, март ойида хотин-қизларни озод қилиш Марказий Комиссияси составига киритилади ва шу ойнини ўзида Ўзбекистон КП (б) МКда матбуот бўлимининг мудирин бўлади. 1927 йил августдан Марказий статистик Бошқарма Коллегиясининг аъзоси бўлади ва 1928 йил январдан Самарқанд обкомида агитация ва пропаганда бўлимини бошқаради. 1929 йил 28 августдан бошлаб Ўзбекистон маориф халқ комиссарининг ўринбосари бўлади. Мана шу даврларда Боту «Янги йўл», «Маориф ва ўқитгувчи» журналларининг редколлегия аъзоси, «Худосизлар» жамияти Комиссияси секретари, «Қизил қалам» жамияти ташкилий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон ССРнинг 5 йиллик тўйини нишонлаш Комиссияси ва республика Давлат план Комитети қошидаги кадрлар Советининг аъзоси сифатида тинимсиз ишлади ва республикамининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожига ўзининг улкан ҳиссасини қўша олди. Боту латинлаштириш Бутуниттифоқ Марказий комитети раисининг ўринбосари сифатида пленумлар ва илмий конференцияларда мунтазам қатнашиб, бу борада республика

газета ва журналларида қатор принципаал мақола-лар билан чиқди («Бутуниттифоқ янги алифбе Марказий Қўмитаси 2-пленими якуни ўрнида», «Ўзбекистон янги алифбе Марказий Қўмитаси биринчи пленумининг якуни», «Тил ва имло масаласи устида бир неча сўз», «Ўзбек адабий тили ҳақида»).

Ботунинг қизгин ва кўп қиррали ижтимоий фаолияти унинг бадиий ижодининг гуркираб ўсишига сабаб бўлди: асарларининг мавзуини ранг-баранг қилди, мазмунини чуқурлаштирди, сиёсий юксак ва ўткир партиявий руҳ бахш этди. Ботунинг ижтимоий, жамоат ишлари билан бадиий ижоди гўё бир медалнинг икки томонидек гап эди: у икки соҳада ҳам бир мақсад ва бир гоё учун интилди, курашди.

Ботунинг адабий мероси «Ўмид учқунлари» (1925 йил) ва «Тўлқин товушлари» (1929 йил) номли икки шеърий тўплами, «Турсун» (1929 йил) китоби (ҳикоя), «Биринчи хат» поэмаси ҳамда ўнлаб ҳикоя, очерк, шунингдек адабиёт, тил, маданият масалаларига бағишланган ўнлаб мақолалардан иборатдир. Боту қатор поэмалар бошлаб қўйган ва хотин-қизлар озодлиги, ўзининг ёшлиги, болалиги, Қўқон воқеалари тўғрисида романлар ёзишни ният қилган эди. Хотин-қизлар ҳақидаги «Ҳайит ҳаром бўлди» повестини бошлаганича тугатишга улгурмади. У ўзбек халқининг босиб ўтган катта йўли, ўтмишдаги оғир тақдири ва Октябрдан кейинги нурли йўли тўғрисида «Йўл» номли роман яратишни ният қилади, асарнинг бир қанча боблари ёзилиб, чала қўлёзма ҳолида қолади. Аммо Ботунинг мавжуд асарларининг ўзиёқ, янада аниқроқ айтганда, икки шеърий тўплами ва «Биринчи хат» поэмасини унинг оташин шоир сифатида ўзбек совет адабиётининг яловбардорлари қаторидан ўрин олишига тўла ҳуқуқ беради.

Боту адабиётга ёниб кирди, у пўртанадек қайноқ яшади ва ижод этди, даврнинг долғали қадамини, юксалиш сурурини эҳтирос билан куйлади. У «гўзалликни юксалишда, тўсқинлар бағрини паришон этишда, тилак аршига гуриллаб этишда» деб билди. Ботуни Октябрь революцияси, коммунизм гоёлари, янги ҳаёт шавқи шундай сурурли шоирга айлантирди:

Олганман
Бу гуруримни,

қувонганини гурур-ла изҳор этади» («Бизнинг товуш»).

Боту чиндан ҳам кураш, суръат романтиги, зафар ва порлоқ келажак романтиги эди. Унинг бир тўплами «Тўлқин товушлари» деб номланиши ёки ўнлаб шеърларига «Бизнинг товуш», «Суюнч куйлари», «Ёш юрак тўлқинлари», «Қўзғалиш», «Исён», «Кураш тўлқинлари», «Кўклам таронаси» деб сарлавҳа қўйишида катта маъно бор эди — давр руҳини, суръатини ва замондошларнинг шавқи, жасорати, мақсад-идеалларини ифодалаш нияти турарди. «У кун» шеърида «Бизнинг вақтимиз тезлик, чопқирлик» деб ёзса, «Кичкина армуғоним» шеърида «Илгарилаш ашуласини айтабер» деб хитоб қилади. Боту «Ёш юрак тўлқинлари» шеърида ёшларни, халқни олға чорлаётган, уларнинг кучига куч, умидига умид қўшаётган нарсани порлоқ эртанги кун эканлигини таъкидлайди:

Тилак отли куч
Илгари тортар,
Илгари, илгари, илгарида нур...
Эр-умид буйруғи: илгарига юр!

Боту «Пролетар адабиёти ҳақида бир неча сўз» мақоласида: «Пролетар нафис адабиёти биринчи галда пролетариатнинг маънавий юзини акс эттиради. У буржуа нафис адабиёти каби фардият ботқоғида ўсмайди, коллективизм боғчасида яшайди. У умидсизлик кўчаларида сарсон бўлиб югурмайди, у омма ичида, омма билан яшайди, ўсади, гуллайди. У пролетариатнинг инқилобий ҳаракатига куч қўшади», деб ёзганди. Боту пролетар адабиётининг халққа яқин бўлиши, унинг мақсад-идеаллари учун актив кўмак бериши тўғрисида жон куйдирди ҳамда бу йўлда уларга тўсқинлик қилган буржуа адабиётининг қолдиқларига қарши кескин кураш олиб борди. Бунда Боту адабиётнинг синфийлиги, партиявийлиги принциpidан келиб чиқади. Ботунинг «Тил ва имло масаласи устида бир неча сўз» мақоласидаги «Бизнинг маданий инқилобимиз билан буржуазия маданиятчилиги орасида бошлаб синфий мавҳум айирмаси бордирким, у масалани ҳал қилишда асос бўлади... Бироқ ҳали ҳам

бунга тушунмай турган шахслар мавжуддир. Буларнинг фикрларини тўлқинлантирган, тушунчаларини янглиш йўлга йўналтирган нарса ўсиб турган маданиятнинг «мазмун жиҳатидан пролетариат, шакл жиҳатидан миллий маданият бўлишидир. Ҳеч ким инкор этолмайдиким, бизнинг маданий муассасаларимиз пролетариат мафкурасига хизмат қиладир»,— деб ёзган сўзлари унинг тўғри позицияда турганини яна бир бор тасдиқлайди. Боту мафкура майдонидаги кескин курашга бағишланган ўнлаб жанговар шеърлар ҳам ёзди ва буларда пролетар адабиётининг гоаявий-эстетик принципларини эҳтирос билан ҳимоя этди, тарғиб қилди. Боту «Жавобим», «Яна сизга», «Кўзи юмуқ, оғзи очиққа», «Ойдин кечада» ва «Менинг кундузим» каби шеърларида пролетар адабиётининг оташин куйчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади. У «Ғоямнинг амри гоаянгни эзмак», «Йўлдан озган бузуқларга омон йўқ» ва «Ғазабимнинг тўфонлари ичига йўқлик суйган ҳар юракни тиқаман» дейди. Шоир янги олам кўкидаги озодлик қуёшини тўсишга чиранганларга қарата кескин равишда бундай дейди:

Йиртилингиз, эй ярамас, қора қалин пардалар, 4
Ҳеч ёвуқсиз юлдузларнинг нурли юзи очилсин!
Йўқолингиз ёруғликни тўсатурган булутлар,
Юртимизга энг юксакдан ёруғликлар сочилсин!

Ботунинг бундай шеърларида ҳам йўл, нур (кундуз) образлари фаол иштирок этади ва шоирнинг гоаявий-эстетик ниятини ифодалашда муҳим роль ўйнайди. Ботунинг бутун ижодидан қизил ипдек ўтиб турган гоая — бу халқнинг озодлик йўли, янги ҳаёт йўли ва коммунистик жамият сари борадиган йўлдир, бу йўл ягона меҳнаткаш инсонга бахт келтирувчи ёруғ йўлдир. «Оқлик-покликдан зўр илҳом олган» шоир:

Кишилик дунёси
Қуёш,
Нур истар:
Кишилик
Кўкармак,
Унмак истар,— дейди.

Боту «Биринчи хат» поэмасида ҳам «Севаман тонгни, баҳор тонгидек онгни. Тонг улуг. У кучли кундузнинг боши», дейдики, ўтмишни, кечани, тунни, мунгни куйловчи шоирларга кескин ва ҳозиржавоблик билан берилган жавобдир булар. Шоирнинг кундузга мафтунлиги ва уни бутун жисми билан ҳимоя қилишининг боиси мана бу эди:

Мулзам кечанинг мунглари қурсин:
Кундуздаги борлиқ юзи кулсин,
Кундуз... Ҳамма ер нурга кўмилган,
Ўнг-сўл, ҳаммаёқ ишга берилган.
Инсон кучи тоғларни эзишда,
Инсон қўли жаннат-да тузашда.
Кундуздаги руҳни севаман мен,
Кундуздаги ишда бўламан мен.

Шуни таъкидлаш керакки, Боту ўзининг чуқур партиявий мақолалари ва жанговар шеърлари орқали мафкура майдонидаги курашда фаол иштирок этар экан, ўзининг бош мақсади деб пролетар адабиётининг ғоявий-эстетик принципларини ҳимоя қилиш ва бунга қарши турганларни шафқатсиз фош этиш билан бирга, адашган, катта йўлдан тойган ижодкорларни тўғри йўлга — ҳақиқат йўлига тортишни ҳам ният қилади. Унинг «Ҳақиқат», айниқса «Йўлчи сўзи», «Йўл изловчи», «Йўлчи, сенга», «Катта кўча» каби шеърларида «гўрга ташловчи йўлдан» эмас, балки «мангу сўнмас нурга бошловчи йўлдан» юришга зўр бериб даъват этиши шундан. Боту «Мафкура майдонида галдаги ва-зифаларимиз» номли мақоласида очиқдан-очиқ бундай дейди:

«Зиёлиларни уч бўлакка бўлиб, ўртада бўлган бир тўда зиёлиларни Шўро зиёлиларининг қаторига тортиш ва буларга бизнинг мақсадни англашда кўмак бериб, бизга душман зиёлиларга зарба бериш курашда юқоридагича маъно борлигини кўрсатади. Демак, мафкура курашида ҳам яратиш, тузатиш ишларига зўр аҳамият бериш зарур. Бу ишларнинг муваффақияти учун фойдали ҳаракат ва ташаббусларнинг ҳаммасига йўл бериш, раҳбарлик қилиш ва эгри, бузуқ йўлга бурилишдан сақлаш керак».

Боту тўғри йўл, ҳақиқат йўли, катта йўл деб социа-

лизм йўлини, коммунизм йўлини — Ленин йўлини тушунади. Шоир гоҳ Москвани, гоҳ коммунизмни прогрессив инсониятнинг каъбасига ўхшатиб туриб ёзади:

Каъбам узоқ,
Йўллар кўп узоқ!
Бироқ
Қолсам-да тоқ
Шу йўлдан,
Шу йўлдан
Кетаман.
Вақтсиз сўлмасам
Каъбамга
Бир кун албатта
Етаман!

Шоир «Катта кўча» шеърида «биз илгари борамиз. Кўплар билан улў тилакка йўл соламиз. Улў тилак — коммунизм!» деб ҳайқирадики, бу эзгу ният, улў орзу — коммунизм унинг қалбининг энг тўридан жой олганини, унинг эътиқодига айланиб кетганини кўрсатади.

Ботудаги бу фазилатни унинг улў доҳиймиз В. И. Ленинга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатидан англаб олишимиз мумкин. Боту Лениннинг асарларини пухта ўрганибгина қолмай, ҳатто «Давлат ва революция» китобини ўзбек тилига таржима қилади. Боту 1930 йилда Ленин кунларида доҳиймиз ҳақида қилган катта докладида «Давлат ва революция» китоби тўғрисида ҳам махсус тўхталиб, бунда В. И. Ленин «кураш программасини, давлатнинг назарий асосларини чизиб берган» деб таъкидлайди. Доклад охирида Маяковскийнинг:

Партия ва Ленин
қондош-эгизак,
Она тарих учун қай бири қиммат?
Ленинни англаймиз —
Партия десак,
Ленин деганимиз —
Партия демак! —

каби машҳур мисраларини келтиргач (доклад рус тилида қилинган ва шеърлар ҳам русча), Жаровнинг

Ленин тўғрисидаги шеърини тўлалигича ўқиб беради. Ботунинг синфлар ва синфий кураш, коммунизм, дин, маданий мерос ва пролетар маданияти тўғрисидаги мақола, шеърларида унинг В. И. Ленин асарларини чуқур ўргангани ва ҳаётга, турмушга, воқеликка ҳамда адабий ҳодисаларга ана шу таълимот нуқтаи назардан ёндашганлиги ёрқин кўриниб туради. Боту адабиёт синфийдир, партиявийдир, деган фикрни жуда қаттиқ ҳимоя қилар экан, бунда у улуг доҳиймизнинг «Партия ташкилоти ва партия адабиёти» тарихий мақоласига ҳамда партиямизнинг адабиёт хусусидаги қарорларига суянади. Унинг «Пролетариат адабиёти тўғрисида бир неча сўз» мақоласида Партиямиз Марказий Комитетининг 1924 йилда бадиий адабиёт тўғрисида чиқарган қароридаги пролетар адабиётининг «цех адабиёт бўлмасдан ўз кетидан миллион-миллион деҳқонларни олиб борувчи курашчи улуг синф адабиёти бўлиши керак», деган фикрларга эътиборни тортади. Мақолада В. И. Лениннинг К. Цеткин билан қилган суҳбатидаги ҳар хил «изм»ларга доир мулоҳазаларини келтириб, диққатни Лениннинг халқчил адабиёт яратиш тўғрисидаги қақирғига тортади. Ботунинг «Бизнинг ёш ўзбек адабиётида ҳам мана шундай «изм»ларнинг туғилиши, яшаши мумкинми? Керакми? Менимча, меҳнаткашлар оммасининг сезгисини, тушунчасини ва ихтиёрини бирлаштира олмайдиган, оммани юксалтира олмайдиган «изм»ларнинг боридан йўғи яхши. Баъзи ёш шоир ва адибларимизнинг асарларида кўринадиган қўполликларга, бузуқликларга, юқорида айтилган шаклдаги «изм»ларга интилишларга қарши чиқиш керак» деган сўзларида Лениннинг санъат «омманинг туйғусини, фикрини ва иродасини бирлаштириши, оммани кўтариши керак» деган фикрни бевожита ишлатиб юборганини кўрамиз. Боту адабиётнинг партиявийлиги ва синфийлиги масаласини талқин қилганда ҳам Ленин таълимотига тўла амал қилади. Боту «Ўзбек матбуотида бир қараш» (1929 й.) мақоласида миллий буржуазия матбуотининг меҳнаткаш омма манфаатига қарши кескин кураш олиб борганлигини кўрсатиб бундай дейди:

«...Октябрь инқилоби ўзбек миллий буржуазиясининг ҳам тилаklarини бўшга чиқарди. У суянган «тоғларнинг» тупроғини кўкка совурди. Унинг «ҳукмрон-

лик» қилув замини бузилди. Бироқ, ўзбек миллий буржуазияси ер юзидан йўқолиб кетмади. У ҳар вақт пролетариат диктатурасига қарши курашини давом эттириб келди ва ҳозир ҳам курашади, аммо унинг кураши ҳар даврда, ҳар шароитда ҳар хил бўлуви табиийдир. Октябрь инқилобининг биринчи кунларида-ноқ, ўзбек миллий буржуазияси матбуоти «ўлим олдида» безовталигини кўрсатди. Ҳар хил бўҳтонларни пролетариат ҳокимиятига, улуғ Октябрь самарасига қарши отди. Ва турли ёлғонлар билан меҳнаткашлар оммасини алдашга куч сарф қилди.

«Улуғ Туркистон» газетасининг ҳар сатри большевикларга, Шўролар ҳукуматига қарши даҳшатли ҳужум билан тўлган бўлиб, Туркистон халқини рус халқига (бой, камбағалларга қарамасдан) душманликка чақирди. У газетанинг бир сониди русларнинг 56 йилдан сўнг Туркистондан жўнашини Яссавий «каромат» қилганини ёзиб, миллий душманликка кенг йўл очишга ва шу йўл билан ўзбек миллий буржуазияси учун фойдали бир иш қилувга уринади. Босмачилар ҳаракати вақтида ҳам яширин суръатда чиққан баъзи бир миллий буржуазия газеталари, чет мамлакатларга қочган оқлар томонидан нашр этилган матбуот босмачилар ҳаракатини аллақандай юқори даражаларга кўтарди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек миллий буржуазияси ҳар вақт матбуотни синфий манфаатига хизмат қилдирди».

Боту «Аланга» журналига редакторлик қилган йиллари «Қани, ким бор?» (1928), «Нафис адабиёт соҳасида ўз-ўзини танқид» (1928), «Қуруқ сўз қулоққа ёқмайди» (1929) каби қатор принципал мақолалар ёзиб, шу журналда эълон қилди. Буларда ёзувчиларни ишчи-деҳқонлар манфаатини, янги замонни, янги тузумни, янги ҳаётни актив ҳимоя қилишга чорлайди. Боту бу борада, шунингдек маданий меросдан фойдаланиш, пролетар маданиятини яратиш тўғрисида сўзлаганда ҳам ҳар доим ленинча таълимот заминида турди.

Ботунинг «Албатта, янги маданият — пролетариат маданиятини қуришда кишилик жамияти томонидан саноқсиз, асрлар бўйича тўпланган маданий бойликлар бутунлай ирғитилмайди. Ҳеч бир синф ўз маданияти-

ни қурганда жамият кучи билан вужудга келтирилган маданий бойликларнинг кулини кўкка совуриб юборган эмас. Пролетариат ҳам капитализмдан социализмга кўчиш даврида жамиятдаги маданий бойликларни ўз қўлига олиб, уларнинг ярамас унсурларини йўқотади ва яхши унсурларни қўшиб маданиятни юксалтиради», деган фикрлари В. И. Лениннинг «Ешлар союзларининг вазифалари» ва «Пролеткульт ва пролетар маданияти тўғрисида»ги нутқ ҳам мақолаларининг бевосита таъсирида айтилганини англаб олиш қийин эмас. Пролетар маданияти шу даврнинг, партия сиёсатининг марказий масалаларидан бири эди.

Ботунинг деярли барча асарлари шу куннинг долзарб масалаларига ҳам, мамлакатимиздаги, ҳам ер юзидаги озодлик ҳаракатларига бағишлаб ёзилган. Боту кўпчилик шеърларига В. Маяковский каби газета хабарларидан, шунингдек В. И. Лениннинг сўзларидан эпиграфлар қўяди. У «Тилакларимиз тилаги» шеърига Лениннинг «Коммунизм — синфсиз янги жамиятнинг юқори босқичидир», деган ажойиб фикрини келтириб, жаҳон халқлари тақдирини ўйлайди ва жаҳон революцияси тўғрисида орзу қилади. Бугина эмас, В. И. Ленинга бағишлаб бир неча шеър ва эсдаликлар ҳам ёзади. Боту буларда меҳнаткаш инсон «шу чоққача бундай йўловчи кўрмаганини», «Йўқсул эллар» дунёсининг кенг кўкида порлаган нурли ой бўлмиш улуг Ленин «Келгусида ер юзини жаннат қилиш истаги» билан яшаганини таъкидлайди. Қон-қонигача оптимист бўлган Боту 1928 йилда ёзган «Қайғули кунлар эсдалиги»да ҳам улуг доҳий иши ва йўлининг, ғоя ва мақсадларининг абадийлигига урғу беради: биринчи шеърини «Ул кўтарган шонли байроқ мангу тургай дунёда» мисраси билан, «Ленин учун» номли иккинчи шеърини «Энди Ленин ўлди, лекин ўлмайди, ўлмас унинг дунёда қилган иши» жумлалари билан тугаллайди. «Қайғули кунлар эсдалиги»да ҳам доҳиймизнинг иши ва ғоясига халқнинг улуг садоқатини ифодалайди. Ишчиларнинг «Ленин бошлаган ишни охирига етказмакка сўз берамиз!», «Сўз берамиз!» деган хитоб, қасамларини келтиради шоир. У ўтган тўрт йилни назарда тутиб, қуйидагича хулоса қақиради:

«...Қирқ саккиз ой ўтди. Ленин бошлаган иш бузилмади. Ленин кўрсатган йўл ўзга томонга бурилмади.

Яна ойлар ўтади. Йиллар ўтади... Ленин йўли билан кетиб пролетариат коммунизмга етади...

— Шуҳба борми?

— Йўқ!

— Йўқ?!

— Йўқ!»

Ботунинг Ленинга, унинг ғояларига ва коммунизм идеалларига эътиқод ва ишончи мана шундай эди. У «умидга банди бўлар», «истиқболга сажда қилар» экан, энг аввало Лениннинг ўлмас ғояларига ва коммунистик партиянинг доно раҳбарлигига суянади.

Боту ўзининг қатор шеърлари ва ҳикоя, очеркларида коммунистлар образини яратишга интилди. «Янги қишлоқ» ҳикоясидаги қаҳрамонлардан бири: «Шу коммунистлар фирқасининг тўғри йўлбошчилиги остида мана шунча катта ишлар қилинди», деб қишлоқ халқи ҳаётида юз берган ўзгаришлар, ютуқлар сабабчиси деб партияни билса, иккинчи қаҳрамон: «Биз фирқани жуда яхши кўрамыз», деб дилидаги гапни айтади. Боту «Биринчи хат» поэмасини партия ва Ленинни олқишлаш билан тугатади:

Яша, э улуг партия, дейман,

Ленин йўлидан

Озмаганларни

Мен олқишлайман...

Ботунинг коммунизм ҳақидаги қарашлари ва бу борада марксча-ленинча таълимотга мустаҳкам таянгани эътиборга лойиқ. Ботунинг «Бизнинг динга қарашимиз» (1928 й.) номли катта мақоласи Ўзбекистон Марказий Комитети топшириғи бўйича ёзилган эди. Диннинг келиб чиқиш сабабларини ва халқ учун афъюн эканлигини, синфий моҳияти халқни эзиш қуролларидан бири эканлигини кўрсатиб бериши ва айна чокда коммунистик жамият моҳиятини равшан талқин қилиб бериши жиҳатдан мақола ҳозир ҳам ўзининг илмий ва амалий қимматини сира йўқотмаган. Мақола ичидаги «Яшаш учун кураш ва коммунизм», «Коммунизм — дин эмас», «Ҳамма динда табиатдан юқори кучга ишониш бор», «Исломда табиатдан юқори дунё», «Диннинг синфий роли», «Диннинг ижтимоий илдизи» ва ҳоказо бўлимларига диққат қилинса, Боту-

нинг дин масаласига жуда жиддий ва чуқур ёндашганлигини билиш мумкин. Боту ер юзидаги мавжуд динларнинг ҳаммаси, шу жумладан «ислом, христиан, яҳудий ва буддо динлари табиатдан юқори зўр кучга ишониш» асосига қурилганини айтади. Жумладан, исломнинг «у дунё, дўзах-жаннат ҳақидаги ақидалари,— дейди Боту,— меҳнаткашларни итоатга, ҳаёлатга ўргатадилар. Булар синфий жамиятда киши кучидан фойдаланувчилар учун зўр хизмат этадилар. Пролетариат синфи билан капиталистлар орасидаги курашда пролетариатнинг кучини камайтиришга ва коммунизм қуришга ҳалал беришга хизмат қиладилар, «марксизм меҳнаткашлар манфаати учун, дин киши кучидан фойдаланувчилар учун хизмат қилади».

Боту дин ҳомийларининг — капиталистлар ва маҳаллий бойларнинг пролетариат синфий курашига зарба бериш учун диндан фойдаланганлигини конкрет мисоллар асосида кўрсатиб беради.

«Ўзбекистонда босмачилик балоси қанот ёзган замонда,— дейди Боту,— мусулмон руҳонийлари босмачиларни ислом дини йўлида урушувчи «қаҳрамонлар» атаб, уларга «ўлсангиз шаҳид, ўлдирсангиз ғози бўласиз», «большевиклар кофирларнинг кофирларидирлар» деган эмасми эдилар?! Большевикларга қарши ўқ отганларга улар «жаннат мандати»ни бермаганми эдилар?! Инқилобни улар худога ва худонинг ер юзидаги тартибига қарши исён демаганми эдилар?! Наманган зилзиласига большевикларнинг ишларини сабабчи қилиб кўрсатиб меҳнаткашларни ғалаёнга келтириш учун ҳаракат қилган Наманган руҳонийлари эмасми?!»

Боту мақолада буржуа вакиллари, руҳонийларнинг пролетариатнинг революцион ҳаракатини сўндириш мақсадида коммунизм ҳам бир дин, деган сафсаталарининг пучлигини очиб ташлайди. Боту илмий коммунизм фан ва илмга суянади, дейди. Коммунистлардаги эътиқод, ишонч, имонга келганда, улар қандайдир ташқи, илоҳий кучга эмас, балки халқ қудратига, коммунизм ғояларига ишонади, эътиқод қўяди. Коммунистик урф-одатлар билан диний маросимлар ўртасида ер билан осмонча фарқ ётади. Октябрь байрамини нишонлаш ёки революционерлар ҳайкалини, расмини тавоб қилиш остида халқ кураши, меҳнатини, ғоя ва орзу-истакларини улуғлаш ётади, деб уқтиради Боту.

Коммунистик жамият тўғрисида зўр меҳр ва ишонч билан сўзлаш учун Боту марксизм-ленинизмни чуқур эгаллаган бўлиши, мамлакатимизда қарор топаётган янги ҳаётни ва коммунистик эртанги кунни равшан кўриши, тарихнинг зафарли юришини чуқур идрок этиши керак эди. Бу фазилатлар унда мужассам эди. Мана у нима дейди:

«Синфий кураш тамом бўлиши синфларнинг йўқолиши демакдан иборат бўлганлиги учун келгусида синфлар бўлмаган бир жамият туғилишига ишониш лозим. Бу жамият коммунизмдан бошқа нарса эмасдир. Коммунизм вужудга чиққанда кишиларнинг яшаш учун кураши тамом бўладими? Албатта йўқ, у вақтда кишилар бутун кучларини табиат билан курашишга, табиат кучларини енгиб, кишилиқ жамияти фойдаси учун ишлатишга сарф қиладилар. У вақтда, ҳозир ҳам кишилиқ дунёсига бўлган табиат ҳодисалари ўз юракларини очиб кўрсатишга мажбур бўладилар. У вақтда на дин ва на дин сафсатаси бўлади.

Синфлар бўлмаган бундай жамиятни яратувчи ким? Бу сўроққа пролетариат синфи жавобини беришгина тўғри. Маркс ва Энгельснинг илмий назариялари бўйича капитализм ўлими унинг ўз тараққиётида капиталистлар жамиятида синфлар кураши мутлақо пролетариат ғалабаси билан битади ва ишлаб чиқаришда капитализм усули ўрнига социализм усули жорий бўлади.

Демак, пролетариат синфи яшаш, илгарилаш ва коммунизм қуриш учун капиталистлар билан курашишга ва уларни енгишга мажбур. Агар пролетариат синфи динларнинг заҳарларида қовурилиб, «у дунёнинг жаннати»дан умидвор бўлса, қарши кучлар билан шу ҳақиқий дунёда курашмаса коммунизм қуриш мумкин бўлмай қолади. Лекин пролетариатнинг турмуш шароити «у дунё жаннати»га ишонишдан уни қайтариб шу дунёда — ер юзида «жаннат» қуришга етаклайди».

Шундай қилиб Боту динга қарши курашни коммунистик жамият учун кураш масаласи билан жидд боғлайди. Ленин, партия ва коммунизм Ботунинг сеvimли мавзуси бўлиб қолганди. Боту бу мавзулар билан ёнма-ён равишда рус халқи мавзусига ҳам қўл урди. Унинг «Биринчи хат» поэмаси (1930) ўзбек совет поэмачилиги-

да рус кишиси образини биринчилардан бўлиб яратишга ҳаракат қилиши жиҳатидан, шунингдек ўша даврдаги бутун ҳаётимизда янгилик тантана қилаётганини ғоят кўтаринки пардада тараннум қилиши билан қимматлидир. Боту халқлар дўстлигини меҳр билан куйлади. Ботунинг рус халқига бўлган меҳр-муҳаббатининг чеки йўқ эди. У айниқса Москвада ўқиган йиллари рус халқининг ажойиб меҳрибонлиги ва самимий дўстлигини чуқур ҳис этди. Рус халқининг буюклигини билишда Ботуга рус адабиёти ва санъати билан бирга садоқати жиҳатдан Некрасовнинг «Рус аёллари» поэмасидаги образларни эслатувчи турмуш ўртоғи Валентина Петровна Васильеванинг хизмати ҳам катта бўлди. Боту «Йўл» романининг марказий қаҳрамонлари қилиб рус кишиларини танлаган эди. Шоир «Қизил Москвада», «Биринчи хат» каби қатор асарларида рус халқининг улуғлигини кўрсатишга жазм қилади. Поэмада шоир тўппадан-тўғри қаҳрамони — рус халқининг тимсоли Иванга мурожаат этиб бундай дейди:

Чунки сен «ўз» сан,
Узоқни кўрар кўсан.
Сендан
Ёзу қишда,
Ҳар улуғ ишда,
Кенгаш истайман.

Боту поэмада хат шаклидан фойдаланиб Москва заводида ишлаётган дўстига Ўзбекистоннинг қисқа вақтда эришган улкан ютуқларидан—«ўлка суюнчидан» сўзлаб, «ёв умидига гўр қазимоқчи» бўлганини ният қилади. Иван ясаган тракторни миниб «илгари тез бораётган, эски дунё юрагини ёраётган» халқ номидан сўзлаган Боту поэмада социалистик тузум берган бахтиёр ҳаётни гурур-ла куйлайди. Агар Боту илк шеърларида, айниқса, биринчи тўпламида революцияни тараннум этишга ва халқни янги ҳаёт сари чорлашга эътибор берган бўлса, кейинги тўплами, ҳикоя, очерк ва поэмаларида янги ҳаётни, янги инсонлар ва янги инсоний муносабатларни акс эттиришга ошиқади. Шоир «Оқ олтин юртининг ўзгариб кетгани» ни ва одамлар, боғлар, тоғлар «ҳуснида гуллаш, гур-

лаш, мавж ураётгани»ни тасвирлаб туриб шундай дейди:

Гўзал...

Ҳар томон гўзал...

Ҳар томонда ўзгарш

Ўзга кўриниш,

На қуёш,

На ой,

Асрлар кезиб

Қоронгиликни эзиб

Кўролгай бундай уриниш...

Ҳар уринишда гўзал кўриниш...

Боту социалистик тузумдан, халқ эришаётган улугвор ғалабалардан, унинг бахтидан чин юратида қувонди. Шунинг учун ҳам «қон билан, жон билан олинган» бу ҳаётни, бу бахтни кўз қорачигидек сақлашга даъват қилди. Ўша поэмасида Иванга мурожаат этиб, «Сен инон, томирда бор экан қизил қон, тисланиш, бижғиб исланиш менда ҳеч бўлмагай, умид сўлмагай!» дейди.

Боту ҳаётимиз ва жаҳонда содир бўлаётган йирик воқеаларни сезгирлик билан кузатиб боради, улар тўғрисида ҳозиржавоблик билан шеър ёзиб, уларнинг ички мазмуни ва моҳиятини теран ёритади. Октябрь ўн йиллиги ёки маориф ишчиларининг байрами, рўза ёки ҳайит, Май байрами, ер ислоҳоти ёки хотин-қизлар озодлиги, қўшни Шарқ мамлакатлари ёки Болгариядаги ишчилар билан ҳукумат ўртасидаги қонли тўқнашувлар, Наримон Наримонов, Мирмуҳсин Шермуҳамедовларнинг бевақт вафоти ёки фарзандларининг туғилган куни—ҳаммаси уни қаттиқ тўлқинлантиради, улар тўғрисида шеъргина эмас, ҳатто публицистик мақолалар ҳам ёзади. Бу воқеалар баҳонасида замонани таҳлил этади, воқеликнинг етакчи тенденцияларини, ўзининг эзгу ниятларини жуда актив, жанговар руҳда ифодалайди. Мана, ўғли Эркилига бағишланган икки шеърдан олинган парчадаги:

Йўлингга нурлар сепади бу икки кўзим,

Чекилма изларингдан, суюкли қўзим.

Яшашга тўғри қараб юр, бузилма сира,

Йўлингга эски, бузуқ фикрни қилма кира!

Чин эрк кулган ўлкада,
Қўзим, ўсиб турасан.
Янги гўзал дунёни,
Албатта, сен кўрасан,—

каби фикр-туйғулар Ботунинг эстетик принципларига айланиб кетган эди. Боту «Янги кун боласи» шеърида яна фарзандларининг эртанги кунига катта ишонч билан боқиб, «Тоза кунлар унга кўмак этади. Қора кучлар тўсолмайди йўлини, ўсиб, униб у тилакка этади», деб ёзади. Шоирнинг айтганидек ўгли Эркили Маҳмудович Ходиев профессор, машҳур хирург, қизи Наима Маҳмудовна Маҳмудова талантли олима ва йирик давлат арбоби бўлиб етишди.

Хотин-қизлар масаласи Боту яшаган даврнинг (айниқса Ўзбекистон шароитида) катта ва жиддий ижтимоий-сиёсий масаласи эди. Боту «Паранжи», «Севган қиз», «Тог қизи» (тугалланмаган поэма), «Озод қизга», «Олой қизи» каби асарларида хотин-қизларни катта ҳаёт сари чорлайди, «улуғ йўлдан олга югур, кўмакчингдир ўроқ-болга», деб мадад беради.

Боту поэзиясининг мароқли ва ибратли томонларидан бири унинг сиёсий ўткирлигидир. Бу фазилат совет воқелигидан олиб ёзилган жанговар ва чуқур гражданлик туйғулари билан йўғрилган шеърларида ҳам, шунингдек халқаро мавзудаги асарларида ҳам ёрқин кўринади. Боту чуқур интернационал шоир эди. У ўзбек поэзиясига халқаро мавзунини дадил олиб кирган ва сиёсий лириканинг мумтоз намуналарини яратган шоирдир. «Бойқушлар», «Синфлар кураши», «Қилич», «Исён алангаси», «Кураш учқуни», «Золимлар ўлкаларида», «Капиталистларнинг даҳшатиға қарши», «Ўтган кунлар» каби шеърларида жаҳонда синфий курашнинг авж олганини ва ишчилар синфи, меҳнаткашларнинг озодлик ҳаракати кун сайин кучаяётганини кўрсатиб, жаҳон революциясига умид билан қарайди. У «Аланга» шеърида революциянинг «алангаси кенгайиб боришини, зулматнинг кўксини аямай ёритаётганини» қувонч билан ифодалайди. Шу шеър босилган «Аланга» журналида (1928, №1) Боту «Қани, ким бор?» деган публицистик мақола ҳам

эълон қилганди, унда ҳам жаҳондаги синфий кураш-ни таҳлил этиб, «Ҳозир жаҳон шундай, замон шундай» деб халқни кураш ва ижодга даъват қилади. У «Қилич» шеърда «Қиличга қарши қиличли исён!» ва «Кураш учқуни» шеърда ҳам «ёвга ёв» бўлиш кераклигини уқтириб озодлик фақат курашиб олинishi мумкинлиги ғоясини ҳимоя қилади. Боту жаҳондаги ҳамма меҳнаткашларнинг озод ва бахтиёр яшашини орзу қилади, бу эзгу тилагининг келажақда рўёбга чиқишига қаттиқ ишонади:

Зулмлар ништари юракни тилмасин,
Дор нима, ўқ нима... ҳеч киши билмасин
Қон тўкиш кишининг бошига келмасин!..
Бу — бизга куч берган тилаклар тилаги...

Эркака йўл бермаган тўғонлар бузилсин;
Нурга ёв парданинг иплари узилсин,
Қисқаси, дунёда ёш тузик тузилсин!
Бу — бизга йўл очган тилаклар тилаги...

Ботунинг адабий мероси шеър ва поэмалар билан чегараланмайди: у адабий-танқидий мақолалар, публицистик асарлардан ташқари ҳикоялар ҳам ёзди. Боту ҳикояларида ҳам янги ҳаётни, янги турмуш ва янги инсоний муносабатларни жўшқин ҳимоя қилади. У меҳнаткаш халқ онги, руҳи, психологиясидаги ўзгаришларни, янгиликларни тез илғаб олади. «Янги қишлоқ» (1928) ҳикоясида шу руҳ, шу пафос устун. Тўғри, суҳбат диалог асосига қурилган бу асарда ёзувчи қишлоқдаги янгилик ҳақида хабар бериш билан кифояланади. «Ҳошимжон» (1929) ҳикоясида инсон тақдирини чуқурроқ таҳлил этади. Унда эски тузум вакилининг тақдири туради: партия ичига суқилиб кириб олган, кейин фош бўлган шу Ҳошимжоннинг инқирози орқали янги ҳаётнинг мардона қадамини акс эттиради. Алоҳида китоб ҳолида нашр этилган «Турсун» ҳикоясида ҳам қўй терисини ёпинган бўриларни фош этиш мотиви бор. Бунда ёзувчи диққатини Турсуннинг улғайиш жараёнини очишга қаратади. Ёзувчи ўз қаҳрамонининг руҳий кечинмасини таҳлил этади, унинг сиёсий ўсишига олиб келган ҳаётий асосларни—типик шароитни, муҳитни кўрсатади. Муаллиф Турсуннинг

огир болалик йилларини—бой эшигидаги хўрланишларини жуда ёрқин тасвирлайди. Бой ўгли Мусажон Турсунни мазах, ҳақорат қилади, кейинча Турсун вояга етгач, у билан тўқнашади: ўзини камбағал фарзанди қилиб кўрсатиб, комсомолга кириб, кооператив мудирини бўлиб олган Мусажоннинг юзидан нардани олиб ташлайди. Янги ҳаёт бойнинг қароли Турсуннинг отаси Нурматни ҳам янги турмушнинг фаол ҳимоячисига айлантиради. Янги ҳаёт душманлари уни ўлдириб кетишади. Совет тузуми Турсуннинг бошини силайди, илғор одам қилиб вояга етказди. Ёзувчи Турсун характерини тиниқ чизади, унинг тақдирини ифодалаб турувчи нозик нуқталарни беради.

«Турсун ҳар жиҳатдан эски Турсун эмас. Олимбой уйида бола кўтариб юрадиган лаванд, кўзи ёшли Турсун жиддий, серҳаракат киши бўлган. Бироқ ҳалигача ундаги камгаплик сақланиб қолган. Отасининг, онасининг бу ёш болалигида ўлиб кетиши унга ўз таъсирини яхшигина кўрсатган. Унинг сўзларига, ҳаракатларига жуда диққат қилган киши буни топиб олади. Аммо унча-мунча киши бу ингичка нуқтани кўролмайди».

Ҳикояда Боту комсомолларнинг қайноқ завқ-шавқини, сурурини ифодалаш мақсадида қўшиқлар ҳам беради. Ундаги:

Биз тўлқинмиз, тошамиз,
Тоғ, денгизлар ошамиз.
Ер ва кўкни титратар,
Бизнинг «Яша, яша!»миз.

Эски дунё кучлари
Йўлимизни тўсолмас.
Чирик уруғ-пуруғлар
Янги ерда ўсолмас —

каби мисралардаги фикр, ғоя, романтика ҳамда қатъийлик, ишонч, революцион руҳ Ботунинг комсомоллар ҳақидаги ўилаб шеърларидаги ҳоким фазилатдир.

Юқоридаги икки ҳикояда душман вакилининг образини чизиш принципи муносабатин билан Ботунинг эстетик ва эстетик қарашларидаги муҳим бир нуқтага эътибор

бермоқ керак. У қатор ҳикоя ва мафкуравий курашга бағишланган шеър, мақолаларида инсонни (хоҳ ижодкор, хоҳ хизматчи бўлсин) қайси синфдан чиққанлиги-гагина қараб эмас, балки энг аввало қайси синфнинг манфаатини ҳимоя қилишига қараб баҳолаш позициясида туради (Ҳошимжон, Мусажонлар эски тузумнинг ашаддий ҳимоячилари). Ёзувчи «Пролетар адабиёти тўғрисида бир неча сўз» мақоласида пролетар адабиёти нимадан иборат деган савол муносабати билан шундай дейди:

«Бир тўда кишиларнинг фикрича, пролетар синфининг болалари томонидангина вужудга келтирилган нафис адабиёт пролетариатнинг нафис адабиёти бўлади, бу жуда ҳам тўғри эмас. Агар қўлининг қадоғи йўқолмаган пролетариатдан бошқаларнинг пролетар синфи манфаати учунгина хизмат қилдирган асарлари ҳам пролетариат адабиётига кирмаса пролетариат адабиётининг тараққийси қандай бўлиши мумкин.

Пролетариат нафис адабиёти пролетариат маданиятининг бир муҳим соҳаси бўлгандан кейин пролетариат адабиёти учун мажбур бўлган қонун пролетариат маданиятининг бошқа халқлари учун ҳам мажбурий бўлиши керак. Пролетариат адабиётини тузгувчилар ёлғиз «қўли қадоқ» пролетариатгина шарт бўлса, пролетариат маданияти силсиласининг бошқа халқаларини яратувчиларнинг ҳаёти ҳам нуқул пролетариатдан бўлиши шартдир. Тарих очиқ кўрсатадики, ҳол худди шундай эмас. Пролетариат илмининг асосини қурган Карл Маркс ва Фридрих Энгельс буржуазиядан чиққан, пролетариат синфининг доҳийси Ленин «қўли қадоқ» ишчи бўлмаган. Албатта, бу сўзлардан зиёлиларгина ҳар нарсани ярата олади, деган маъно чиқариш ярамайди. Ўз синфидан бутунлай айрилиб, ўзга синф мафкурасига берилган кишилар ўзлари чиққан синф зарари ва ўзга синф фойдаси учун катта ишлар қила оладилар. Буржуазиядан айрилган зиёлилар пролетариат ишига зўр ёрдам бера олганлар ва бера оладилар».

Бу фикрлар адабиётда инсон концепциясини қандай талқин қилиш жиҳатидан ҳам, ўзбек классик адабиётидан ва эски зиёлилардан фойдаланиш жиҳатидан ҳам, айниқса пролетариат маданияти тўғрисидаги

ленинча таълимотни кенг тарғиб этиш нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамиятга эга эди.

Боту болаларга аталган ҳикоялар ҳам ёзди. Улар ихчам, пишиқ ва қизиқарли воқеа асосига қурилган. «Бола нима деяётганини тингла», «Болалар ёлғони», «Менинг китобим», «Болалар билан тўғри сўзлашинг», «Болалар билан қўпол гапиришманг» каби ҳикоялари гарчанд болалар ҳаётидан олиб ёзилган бўлса-да, аслида уларнинг ота-оналарига қаратилган. Булар Ботунинг болалар дунёси, психологияси ва характери билан билишидан гувоҳлик беради. У болалар тарбиясига жуда эҳтиёткорлик билан, катта меҳр-муҳаббат билан қараш кераклигини уқтиради. Муаллиф ҳар бир ҳикояда ўткир саҳнавий воқеа яратиб, болалар билан катталарни бевосита тўқнаштиради ва шу жараёнда уларда ҳосил бўлган коллизия, кечинмаларни чизади. «Бола нима деяётганини тингла» ҳикоясида Эрик отаси Юсуфга богда кўрган нарсалари, қандай дам олганини сўзлайди, отаси бунга эътибор бермай газета ўқиш билан банд бўлади, ҳатто «халақит бермай бошқа хонага кир!» дейди. Бола ич-ичидан хафа бўлиб ўкинади... «Болалар билан қўпол гапиришманг» ҳикоясида Петянинг ойиси доим дўқ қилиб, бақириб сўзлайди. Петя ҳам онасининг бу қилиқларини ўрганиб олади ва мактабда болаларга, айниқса ўзидан кичикларга бақириб юради, партасига теккан болалар билан жанжаллашади (ойиси ҳам унга нарсаларга тегма деб кун бермасди). Шу туфайли болалар уни ёқтиришмайди. Ёзувчи Петя характеридаги бу иллатнинг келиб чиқиш илдизини жуда асосли кўрсатади.

Боту ўзбек адабиёти, фольклори намуналарининг рус ва қардош халқлар китобхонлари қўлига етиб боришини ҳам орзу қиларди. Ҳатто у ўзбек, туркман ва қozoқ мақол, топишмоқларини тўплаб, рус тилига таржима қилган. Гарчанд буларнинг ҳаммаси сақланиб қолмаган бўлса-да (шу жумладан қатор ҳикоялари, поэмалари, романининг ёзилган қисми), мавжуд мақоллар ва айниқса табиат ҳодисалари, осмон, ҳайвонот дунёси, мева-чевалар тўғрисидаги элликка яқин топишмоқлар Ботунинг синчковлиги, халқ ижодига бўлган катта муҳаббати ва ишчанлигидан далолат беради.

Ушбу мисраларда айтилган:

Бир замон тип-тинч қолишни йўлларимда билмадим,
Бўш умид, бўш дард билан кўнглимни ҳеч бир тилмадим.
Мен одамдан соф куч излаб ғавғоларга қочмадим,
Истагимнинг душмани бўлганга раҳмат сочмадим,—

каби фикр ва туйғулар чиндан ҳам ҳар доим Ботунинг
ҳаётий ва эстетик программаси эди. У ўзининг қайноқ
ижтимоий фаолияти ва жўшқин ижоди орқали мамла-
катимизда янги, социалистик ҳаётнинг барпо бўлиши-
га ўзининг салмоқли улушини қўшди, унинг мардона
ҳаёт йўли ва сурурли шеърляти коммунистик жамият
қураётган халқимизга мадад, илҳом бахш этади.

1980 йил.

Партиямизнинг доно сиёсати натижасида кейинги йилларда адабий меросимизга ленинча диалектик ёндошиб, унинг ҳаётбахш анъаналарини ёритиш жонланди. Айниқса 20-йиллардаги ўзбек совет адабиётини ўрганиш бўйича қилинаётган ишлар ҳам Улуғ Октябрь социалистик революциясининг, янги социалистик ҳаётнинг, марксча-ленинча идеологиянинг, биринчи навбатда Коммунистик партиямиз сиёсатининг нҳқақадар ҳаётбахш қудратга моликлигини тасдиқлашга, ҳам ўзбек совет адабиётининг тез суръатлар билан олға томон ўсганлигини, бой ва ранг-баранглигини намоиш қилишга хизмат этмоқда. Партиямизнинг XXV съездида Леонид Ильич Брежнев томонидан айтилган «Чинакам талант кам учрайди. Адабиёт ва санъатнинг талантли асарлари миллий бойликдир», деган ажойиб сўзлар адабий меросимизни ўрганишда, адабий жараён ва ижодкорлар асарларини баҳолашда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Лекин мураккаб, қайноқ ва ранг-баранг 20-йиллар ўзбек совет адабиётини ўрганиш ҳали партиямиз талаб этган даражада жиддий тус олганича йўқ. Бу давр адабиётининг ижоди ўрганилмаган вакиллари-нинг адабий меросига менсимай қаровчи адабиётшунослар ҳам йўқ эмас. Бу ҳол конкрет тарихий шарт-шароитни, мураккаб ижодий жараённи ва ижодкорларнинг гоъвий-сиёсий етуклик даражаси, ижодий тажрибасини эътиборга олмаслик туфайли келиб чиққандир. Тайёр, яхлит соф олтин доим учрайвермайди... Адабий меросимизни ўткинчи иллатларга ва уларни дастак қилишга эмас, балки мазкур ёзувчилар фаолияти ва ижодидаги ижобий тенденцияларга, илғор, прог-

рессив жиҳатларга қаратишимиз керак. Бизда, 20-йиллар ўзбек адабиётида совет позициясига ўтгандан кейин орқага чекинган ижодкор йўқ. Аксинча, илк ижодида қоқинган, ҳатто янги тузумни ёқтирмаган, аммо янги, совет воқелиги ва партиямизнинг доно сиёсати натижасида совет позициясига ўтиб, социализм учун хизмат этган қалам соҳиблари бор. РКП (б) Марказий Комитетининг 1925 йил 18 июнда қабул қилган «Партиянинг бадиий-адабий соҳасидаги сиёсати ҳақида» чиқарган резолюциясида адабиёт майдонида ҳам синфий кураш тўхтамаганлиги уқтириб ўтилган эди:

«Марксистик танқид коммунизм истеҳкомини бир минут ҳам таслим қилмай, пролетариат мафкурасидан заррача ҳам чекинмай, турли адабий асарларнинг мазмунидаги объектив синфий маънони очиб ташлаши керак, адабиётда кўринган аксилинқилобчиларга қарши ниҳоятда қаттиқ курашуви, семёновчилар либерализми ва ҳоказоларни ошкор қилиши, лекин айни замонда, пролетариат билан бирга бориши мумкин бўлган ва борадиган ёзувчиларнинг барчаси билан муомалада ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, сабр-тоқат қилиб, ётиғи билан авайлаб иш кўрмоғи керак. Коммунистик танқид адабиётга буйруқ беришни ўз одатидан чиқазиб ташлаши керак. Бу танқид ўз мафкурасининг баланд ва устунлигига суянса, шундагина тарбиядаги аҳамияти чуқур бўлади».

Ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотмаган бу резолюция ўша вақтда совет позициясида турган ҳамма ёзувчиларга, шу жумладан ёндашувчилар — попутчикларга ҳам ўз талантларини тўла намоиш қилиш имконини берди, адашиб юрган ва иккиланган ижодкорларни тўғри йўлга — совет позициясига тортди.

Аммо биз шу алангали йиллардаги ёзувчиларнинг ижодидаги мураккаблиklar, ижодий қийинчиликлар, изланишлар, ўсиш ва маҳорат сирларини эгаллашдаги қийинчиликларни четлаб ўтиш керак, демоқчи эмасмиз. Ижодий изланиш ҳамма даврнинг ҳам ёзувчилари учун хос нарса, бусиз ўсиб, ўз овози, ўзининг шахсий услубига эга бўлиш мумкин эмас.

Сўнгра ҳар бир ижодкорнинг дунёқараши, мақсад-идеаллари, ғоявий, сиёсий, партиявий туйғуси у яратган асарларнинг қон томирига сингиб кетган бўла-

ди. Ижодкорнинг борлиғи, қалби, интилишларининг кўзгуси унинг асарларидир. Ижодкор ҳақида айтиладиган сўз, фикр-хулоса учун асосий ва биринчи манба унинг асарлари ҳамда ижтимоий фаолляти бўлмоғи даркор.

Биз 20-йилларнинг бошларида адабиётга кириб келган ва 30-йилларнинг охиригача баракали ижод қилган серқирра қалам соҳиби Элбек тўғрисида (1898—1939) шу принципдан келиб чиқиб фикр-мулоҳаза юритамиз. Элбекнинг ижод сирларини ўрганишдаги изланиш ва қийинчиликлари узоқроқ давом этган бўлса-да, илк асарлари ва биринчи тўпламларидаги гоёвий хато ва чалкашликлардан тезда халос бўлди. Элбекнинг ҳаёт йўли ва интилишларининг мантиқи уни катта йўлга — социалистик йўлга олиб келганди. Шоирнинг ўзи «Бу йўл тўғри, улуғ ва кенг бир йўлдир» («Чирчиқ қурилишида»), «Турмуш онгни белгилар ҳам ўстирар» («Қишлоқдан хат») ва у бизга «Енгиш маршин мақомини ўргатди» дейди («Соқчи хотин»). «Ўзбекистон» номли достонида эса:

Замон тарбияси мендақаларни

Тўғри бир йўл билан олиб бормоқда,—

деб таъкидлайди.

Элбек ўз ҳаёт йўлининг асосий нуқталарини таржимаи ҳолида ҳам «Ўтмишим» деб номланган достонида акс эттирди. Достон 1929 йилда, насрий таржимаи ҳоли ҳам деярли шу даврда битилган. Элбек шундай ёзади:

«Мен Тошкент уезди, Искандар волости (ҳозирги Бўстонлиқ райони), Хумсон қишлоғида 1898 йилда камбағал деҳқон оиласида туғилдим. 1905 йилда (7 ёшимдан) қишлоқ эски мактабига кириб ўқидим ва мактабда 4 йил ўқиб, ўқув-ёзувни ўргандим. Отамнинг мендан бошқа болалари бўлгани учун бизни боқа олмасди. Мен ёшликдан деҳқончилик ишларига берилдим. 1910—11-йилларда жуда қийналдик ва шу натижада бошқа ака-укаларим каби мен ҳам уйни ташлашга мажбур бўлдим.

Тошкентга, 1911 йилда биринчи мартаба келдим. Бунда бир кишига қарол бўлиб ишладим. Шу вақтда Тошкентда жадид мактаблари кўп эди. Буларнинг эс-

ки мактаблардан яхшироқ эканини англадим. Ўзимнинг қийналишим ва қаролликда калтаклар остида қолишим уй хўжайинидан мени қочишга мажбур этди. Шу йили эски шаҳар Девонбеги маҳалласидаги «Хони» мактабига ўқишга кирдим.

Ўқишга кириш мени кўп севинтирди, лекин моддий ёқдан кўп сиқилганлик анча хафа қиларди, ҳатто қиш кунлари оёқ яланг қолдим, ётар ер йўқ, баъзан ўртоқларим уйида, кўпинча мактаб ҳужрасида эски намат орасида ўралиб ётиб қиш ўтказдим. Ёзда қишлоққа кетардим. Шаҳарда қолган вақтларимда эса иморат усталарига ғишт ташиб мардикорлик қилардим.

Ўзлуксиз қийналиш мени асабийлаштирган эди, дарс чоғида муаллимларнинг келишмаган қилиқларига қарши тез қўзғалардим, улар билан жанжаллашардим. Шу иш учун мени «ахлоқсиз»ликда айблаб мактабдан ҳайдадилар. Мен кўчаларда, аравалар устига юришга мажбур бўлдим. Орадан бир неча вақт ўтгач, яна мактабга олиндим. Мактабга кирганим кунданоқ шеърлар, парчалар ёзишга бошладим. Тўрт йиллик бошланғич мактабни икки йилда тугатдим ва 1914 йилда Шайхантовур Тарнэбош маҳалласидаги 7 синфли «Намуна»га келиб кирдим. Бу янги кирганим мактаб ўша замоннинг ўрта даражадаги мактаби бўлиб, бунда ўқишлар, дарслар анча тузук эди. Мен 5-синфга кирмасдан тўғри 6-синфга ўтдим ва икки йилдан сўнг у мактабни тугатиб муаллим бўлдим.

1917 йилдан бошлаб ёзувга берилдим, кўпинча шеърлар ва баъзан ҳикоячалар ёзардим. Кейинроқ тил-имло масалалари ва педагогика ишларига ҳам қисиб, бу тўғрида мақола ва асарлар ёза бошладим. 1919 йили Тошкент муаллимлари учун очилган 8 ойлик педагогика курсида эшитувчи бўлиб давом этдим. Менинг олганим маълумотларимнинг бир қисми кўпроқ китоб кўриш ва ёшликдан турли журнал, газеталарни ўқиш соясида қўлга кирди. Элбек (Машири: Юнус Ўгли)».

Элбекнинг ота-онаси деҳқон, саводсиз эдилар. Уларнинг тирикчилиги учун хизмат қилиб турган боғини ҳам қишлоқ бойи зўрлик билан тортиб олганди. Еш ўғил ва бир қизни боқишга ота-онанинг қурби ет-

масди. Оиланинг бу фожиали тақдири Элбекнинг жу-
да кўп асарлари учун, жумладан, «Қўшчи Турғун»,
«Дадамат» ҳикоялари, «Тозагул» достони ва қатор
шеърлари учун прототип бўлиб хизмат қилди. Элбек
Тошкентга келиб, бу ерда ҳам ёруғлик кўрмади. Фа-
қат Улуг Октябргина бошқалар қатори уни ҳам бахт
йўлига олиб чиқди. Элбек саккиз ойлик курсни битир-
гач, эрлар билим юртида, сўнгра Наримонов технику-
мида дарс берди. У 1921 йилда Туркистон Маориф
Халқ Комиссарлиги қошидаги Илмий Советнинг ўзбек
илмий комиссиясига раислик қилди. Элбек ўзбек янги
алифбе Марказий Комитетининг аъзоси, масъул ко-
тиби сифатида (дастлабки йиллари) янги алифбени
тарғиб қилиш ва жорий этиш ишида актив қатнаш-
ди. 20—30-йиллардаги ўзбек ёзувчилари бадий асар
ёзиш билан чегараланиб қолмадилар: улар лозим
бўлса, Ҳамза каби қўлига қурол олиб, янги тузумни
актив ҳимоя қилдилар, лозим бўлса, интернат очди-
лар, лозим бўлса, мактабда дарс бердилар, лозим бўл-
са, илмий текширишлар олиб бориб, адабиёт тарихи-
ни ва халқ ижодини тарғиб этдилар, адабий-танқидий
мақолалар ёзиб, янги совет адабиётининг эстетик
принципларини баён этдилар, лозим бўлса, тил-имло
масалалари билан шуғулландилар. Қисқаси, улар ўз-
бек маданиятини ривожлантириш учун қўлдан келга-
нича ўз ҳиссаларини қўшишга интилдилар. Элбек
ҳам кўп қиррали ижодкор эди. Агар Элбекнинг ижо-
дий йўналишини шартли равишда гурпуага ажратсак,
унинг етти йўналишда актив меҳнат қилганини кўра-
миз. Булардан бири унинг ўзбек тилини ўрганишга
қўшган салмоқли ҳиссасидир. Элбек «Имло масаласи»
(1920), «Тил» (1920), «Алифбе масаласи» (1921), «Турк
тилларининг қондалари» (1922), тил дарсликлари ҳа-
қидаги «Отилмаган сопқон» (1923), «Тилимиздаги янги-
ликлар» (1924), «Янги тил-имло масаласи устида»
(1925) каби ўнлаб мақолалар, «Ўзбекистонда янги
алифбе учун материаллар» (1929 йил, О. Олимжонов,
Амировлар билан ҳамкорликда) китобини эълон қил-
ди. Элбекнинг «Шаклош сўзлар лугати» (1934) ҳам-
да «Ўзбекча маънодош сўзлар лугати (бу босилмаган)
тилшуносликда муҳим воқеа эди. Элбек «Шаклош
сўзлар лугати»да 416 та сўзга изоҳ берди, баъзилари-
нинг ҳатто тўрттагача маъноси бор эканлигини исбот-

лайди. Характерли томони шундаки, мазкур сўзларни изоҳлаш учун келтирилган мисолларнинг аксарияти Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Боту, қисқаси ўзбек совет ёзувчиларининг асарларидан, ўша вақтда чиққан коллектив тўпламлардан ва халқ ижодидан олинган. Бу совет ёзувчилари тилининг бойлигини таъкидлаш жиҳатидан ҳам аҳамиятли. Ўша вақтда Ўзбекистондагина эмас, балки Ўрта Осиё ва Қозогистонда биринчи мартаба тўзилган бу луғатда Элбек шаклдош сўзларни аниқ ва ёрқин изоҳлаш мақсадида русчадаги маъносини ҳам беришга интилган, қўшиқ, лапар, мақол, топишмоқларни шоир ўзи йиққан материаллардан олган.

Шуни айтиш керакки, Элбекнинг ижодий ўсиши унинг тил соҳасидаги ишларида ҳам яққол кўринган. Тилга оид илк мақолаларида Элбек муомаладан чиққан эски, архаик сўзларни тирилтирувчилар тарафдорларининг таъсирига берилиб, истеъмолдан чиққан сўзларни қайтадан ишлатишни тарғиб қилади. Элбекнинг бу руҳдаги мақолалари тилшунослар томонидан, ҳатто Абдулла Қодирийнинг «Ўртоқ Элбекнинг тил ҳақидаги тушунчалари» (1924) ҳажвиясида кескин танқид қилинади. Элбекнинг изланишлари яхши ниятда эди, шу туфайли ўз хатосини тезда тушуниб етди ва тил масалаларига илғор, илмий позицияда туриб ёндашди. У «Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати»га ёзган кириш сўзида тил тараққиёти масаласини ижтимоий ҳаёт тараққиёти билан жипс боғлаб талқин қилади. Худди шу мулоҳазаларини мазкур китобдан бир йил кейин нашр этилган «Тил проблемалари» (1935, Самарқанд) тўпламидаги мақоласида ҳам айнан такрорлайди. Автор унда «соф ўзбек тили тарафдорлари ва ёки бўлар-бўлмасга русчадан сўз олаверингиз дегувчиларга» ҳам қўшилмаслигини кескин айтиб шундай ёзади:

«Маълумки, тил ўсиш баробарида четдан сўз олиб бойийди (албатта, четдан сўз олиб бойиш замон ва эҳтиёжнинг талабларига қараб бўлиши керак). Айниқса бизнинг мамлакатимиз каби кўп сиёсий, ижтимоий воқеаларни бошдан кечирган ва социализм қураётган бир мамлакатда бу ўсиш яна ҳам тезлашди.

Бас, бизнинг тилимиз ҳам шу даврларга мувофиқ ўсажак ва иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муносабатда

бўлган қўшнилардан сўз олиб бойияжак ҳамда бу сўз олишлар натижасида коллективлар томонидан қўшилган сўзлар, масалан, бир халқ ёхуд қабила томонидан кирган сўзлар бир-бири билан қўшилиб, тилимизнинг синонимларини (маънодош сўзларини) ташкил этажак ва бу сўзлар эса тилимизнинг асосий бойликларидан саналажак.

Шубҳасиз, биз бошқа тиллардан сўз оламиз ва бунга қарши бўлиш тилнинг тарихидан хабарсизлик бўлар эди. Аммо сўз олишнинг чегараси бўлиши керак ва шу билан бирга ўз тилининг хусусияти, унинг ўсиши, ривожланиш йўллари ҳам кўзда қаттиқ тутиш керак. Ҳатто термин ясаганимизда рус сўзларини қандай қўллаш масаласида ўз тилимиз бойлигига, унинг сўз ясаш қоидаларига мурожаат қилганимизда ҳалиги қўшимчаларнинг беражак фойдаларидан кўз юма олмаймиз».

Элбекнинг бу мулоҳазалари тўғри, илмий эди. Элбек рус тилини, худди шунингдек форс ва тожик тилини пухта билар эди. Унинг тил тўғрисидаги ишларининг майдонга келишида рус тилшунослари асарлари кўмак берганига шубҳа йўқ. Айниқса, Элбек бошланғич мактаблар учун дарслик, хрестоматия ва қўлланмалар яратиш жараёнида рус авторларининг асарларидан ўрганди ва улар билан ҳамкорлик қилди. Элбекнинг Либкнехт номидаги мактаб ўқитувчилари билан ҳамкорликда яратган «Билим» ўқиш китобига (у тўрт қисмдан иборат бўлиб, алоҳида-алоҳида бир неча марта нашр этилган) Либенцов ва Архангельскийлар ҳам редакторлик қилган.

Элбек бошланғич мактаблар учун дарслик, қўлланма яратиш ишига ўзининг жуда катта ҳиссасини қўшди. Бу Элбек ижодий фаолиятининг яна бир йўналиши бўлиб, у шу соҳада қилган улкан ишлари билан ҳам маданиятимиз тарихида ўзига муносиб ўрин олиши мумкин. Элбек «Бошланғич мактабда она тили», «Ёзув йўллари», «Ўрнак» (бошланғич мактабларнинг 1, 2, 3-йили учун) ўқиш китоби, Ф. Сайфий, Ғарифонов билан ҳамкорликда 1—3 ўқув йили учун «Ўзбекча ўқиш китоби» каби асарларни яратди. 1921—1930 йиллар ичида нашр этилган бу китоблар Элбекнинг мактаб-маориф ишлари билан жуда жиддий шуғулланганлигини кўрсатади. Айниқса мазкур китоблар-

нинг мазмуни, мундарижаси ва ғоясига диққат қилинса, Элбек бутун диққатини болаларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришга йўналтирганини англаш мумкин. Уларда Элбек болаларга Ленин, партия, ишчи синфи, айниқса Октябрь революцияси, янги ҳаёт тўғрисида қизиқарли ҳикоялар қилиб беради.

Мазкур китобларнинг Элбекнинг ижодий, ғоявий ўсишига дахлдор ва кўмак берган муҳим яна бир нуқтаси бор. Бу унинг рус адабиётига бўлган катта муҳаббати эди. Юқоридаги битта китобнинг ўзида Элбек 30 та русча шеър, ҳикоя ва тарихий, илмий материалларни келтиради, буларнинг аксариятини ўзи таржима қилади.

Элбек рус адабиётини, айниқса А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Л. Н. Толстой, И. А. Кривов, Н. А. Некрасов, А. П. Чехов асарларини, рус совет ёзувчиларидан М. Горький, Д. Бедний, В. Маяковский асарларини севиб ўқийди. А. С. Пушкиннинг эртакларини, «Уйғониш», «Орзу», «Унутилган қишлоқ» каби шеърларини, Лермонтовнинг «Елкан», «Осмон тўла юлдузлар», Н. А. Некрасовнинг «Калистрат», «Урушнинг қўрқинчига...» (сарлавҳасиз), «Орина — солдат онаси», И. А. Кривовнинг «Фил ила лайча», «Кўзгу ва маймун», Д. Беднийнинг «Чориқ ва этик», «Шам», «Тайёрига айёр поплар» каби асарларини таржима қилди. Бу асарлар ўша давр дарсликлари ва Элбекнинг тўпламларида босилди. Элбекнинг биринчи тўплами «Армуғон» (1921) масаллардан иборат. Умуман Элбек ўттиздан ортиқ масал ёзиб, ўзбек совет адабиётида бу жанрнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Элбек масал жанрини ўрганишда ўзбек классик адабиётидан, Гулханий масалларидан ташқари Кривов масалларидан ҳам кўп баҳраманд бўлди. Революциядан аввал Пушкин, Л. Н. Толстой асарлари билан бирга Кривовнинг ўнлаб масаллари ўзбек тилига таржима қилинган эди («Тулки билан узум», «Эшак билан булбул», «Бўри билан турна» ва ҳоказо). Элбек бу таржималарни ҳам ўқиган, айнаи чоқда оригиналнинг ўзи билан ҳам чуқур танишган. Унинг 30-йилларда Кривов ва Д. Бедний масалларини таржима қилиш билан машғул бўлган вақтларида ёзган масалларида аввалги масалларидаги мавҳумлик, мураккаблик ва шаклий мужмалликлар ўрнини содда-

лик, халқчиллик эгаллаган. В. Маяковскийнинг бадий асарни бомба ва ўққа, қаламни найзага ўхшатганлигини эслайлик. Элбек «Олқиш» шеърида ижод устида баҳс қилар экан, «Қўлга найза ва бомбамиз оламиз» дейди. Иккинчи бир шеъридаги ушбу шакл ва образлар ҳам Маяковский таъсирида вужудга келганлиги бйдин бўлиб турибди:

Ўтқир,

Очиқ

Бизнинг

Синфий кўзимиз.

Ёвга қарши

Бомба

Ва

Ўқ

Бизнинг ҳар бир сўзимиз.

Рус адабиёти билан яқиндан ошно бўлиш Элбекнинг ғоявий етилиши ва эстетик идеалининг шаклланиши, бадий маҳоратининг сайқалланишида катта ёрдам берди. Сўнгра, Элбек табиятан янгиликка ўч, ҳаракатчан, интилувчан, изланувчан, кўнгли очиқ шахс эди. У айниқса қаламкашлар даврасида бўлишни севар эди. Тилшунос, педагог — олим, фольклоршунос, айниқса шонр ва танқидчи сифатида, «Янги йўл» журналининг масъул котиби, «Ўзбекистон совет адабиёти» журналининг редколлегия аъзоси сифатида (бу соҳа Элбек ижодий фаолиятининг яна бир йўналиши) доим ижодкорларнинг кенг, қайноқ гуруҳи ичида бўлди. Бу ҳам унинг такомилни тезлаштирувчи омиллардан эди. Элбек Ҳамза, Абдулла Қодирий, Акмал Икромов, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Комил Яшин, Боту, Ойдин Собирова, С. Холдорова, Аъзам Аюблар билан қалин дўст эди. Булар Элбекларникига тез-тез келиб турардилар. Ўрта бўйли, истараси иссиқ Элбек дутор ва танбурни яхши чаларди. Булар гурунгида шеър билан музыка доим ҳамдам эди. Яшиннинг «Гулсара» асари қўйилиши муносабати билан Элбек «Гулсара»нинг эгасига» деган шеър эълон қилади ва «дўсти, ҳамроҳи» Яшинга қарата (улар қўшни эдилар) «Порлоқ шу ғўзал турмуш учун кўксини қалқон қилган баҳодир, ўтли қалам, руҳли курашчан. Ёвлар бошига ўчли яшин

чаққувчи Нуъмон! Шеъринг ўқидан ёвга заҳарлар ичирибсан», дейди.

Элбекнинг ўз даврининг илғор, маданий кишиси эканлиги унинг оила, турмуш тарзида ҳам тўла намоён бўлганди. Элбек ўзбек халқи ҳаёти, адабиёти ва маданиятининг ривожланиши учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган Мирмулла, Мирмуҳсин, Мирмуслим Шермуҳаммедовлар (сўнггиси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик бўйича секретари эди) оиласи билан дўст эди. Улар ёшлигида бошқа бировга бешиккетти қилиб қўйилган синглисини ёшларнинг хоҳишига қараб Элбекка турмушга берадилар (1921 йил). Муборак опа ҳам университетнинг филология факультетини битиради. Элбек эски диний урф-одатларни сира ёқтирмас, оилада ҳам, бола тарбиясида ҳам янгиликка астойдил интилар эди. Улар ўғиллари Улугбекни рус боқчасида ва рус мактабида тарбияладилар. Элбек ўғлига бағишлаб ёзган шеърини «Янги бўғин» деб номлади. Унинг «Чақмоқ кўзидан чуқур, вазмин, тиниқ маъно англайди», «Юмшоқ, аммо қаттиқ ўтли дилидан енгги маршин куйларини тинглайди». Элбек бу янги бўғинни «социал турмуш боғида кураш сувин ичиб ўсган», «Қизил юрак, пролетар юраги, инқилобнинг тираги» деб таърифлайди. Ўғилчасининг ўйини-ҳазили билан туғилган бу шеърда Элбек фарзандининг, янги бўғиннинг келажакдаги тақдири ва фазилатини сезгандай, ҳис этгандай қалам тебратади: ўғилчаси кўчадан келиб милтиқчасини сўрайди, ўйнаб қайтгач: «Енгдик қарши ёвларни, асир олдик, қириб солдик оқларни...», дейди. Шоир суриштириб билса, шаҳарда ҳарбий қўшинларнинг машқи бўлиб ўтган, фарзанди уни томоша қилган ва болалар билан улар ҳам «уруш-уруш» ўйнаган экан. Бир неча йил кейин ёш шахматчилар мусобақасида қатнашган Улугбек биринчи ўринни эгаллайди, унга милтиқ совға қилишади. Аммо у милтиқни маҳалла комиссиясига олиб бориб беради. Немис фашистлари Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирганда Улугбек ҳам фронтга боради ва душманни тор-мор этишга ўз ҳиссасини қўшади. Отаси таърифлаган «янги бўғин» — «Ёвга қарши қизишган ўтли юрак кураш майдонида» ўзини оқлайди...

Элбекнинг ижодий ўсишига кўмак берган омиллар-

га қайтайлик. Бу— унинг халқ ижодига меҳр қўйиши ва уни ўрганиш, йиғиш ва нашр этишга астойдил киришиши эди. 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошларида Элбек ўзбек қўшиқлари, эртаклари ва мақоллари, топишмоқларини қунт билан тўплади. У мақол, топишмоқлардан тил ҳақидаги ишларида, луғатларида ва ўзининг бадиий ижодида фойдаланди. Халқ эртакларидан баъзиларини эса шеърга солиб, «Эртаklar» номи билан нашр этди (1935). У «Лапарлар» деган мақоласида (1922) халқ лапарларини ўрганиш ва йиғиш масаласини кўтариб чиқди. «Адабий қиммати ва ичига олган чуқур маънилари билан кўнгилни ўзига тортатурган матал, эртак, чўпчак, жумбоқ ва лапарларимиз бу кун ўз-ўзидан йўқолиб борадир,— дейди Элбек.— Буларнинг кундан-кун йўқолиб кетмакда эканини кўриб турган биз ўзбекларнинг, албатта, жим турмай, буларни тўплашга ва китоб равишда бостириб тарқатишга ҳаракат этмоғимиз тегиш эди».

Элбек бундай даъват этибгина қолмасдан, ўзи бу ишга астойдил киришди. Ўзбекистон Маориф Халқ комиссарлиги қошида тузилган «Ўзбекни ўрганиш қўмитаси» томонидан тўпланган баъзи фольклор материалларининг бир қисми Элбек ташаббуси билан 1923 йилдаёқ «Топишмоқ, мақол ва ашула тўпламлари» номида босилиб чиқади. Кейинча Элбекнинг ўзи халқ ашулаларини тўплаб «Ашулалар тўплами» номида нашр этди. Бу тўплам 1935 йилгача уч маротаба қайта-қайта босилди. Агар аввалги икки нашрида автор Фарғона водийси ва Тошкент шаҳри, унинг атрофидаги қўшиқларни асос қилиб олган бўлса, учинчи нашрида ўқувчилар ва тақризчилар таклифига биноан Хоразм, Бухоро ва Самарқандда яратилган халқ қўшиқларидан ҳам намуналар беради. 156 бетлик бу китобда халқ орасида машҳур бўлган, тўй-томоша, йигинлар, азаларда айтилган қўшиқлар, лапарлар, ёр-ёрлар жамланган. Муаллиф уларни мавзу жиҳатидан группалаштирган, куйларини белгилаган, шева хусусиятини эътиборда тутиб, фонетик ва грамматик шаклини сақлашга уринган, тушунилиши қийин сўзларга изоҳ берган. У узук-юлуқ, «етим» ҳолда учраган парчаларни мазмуни ва ғоясига қараб бир-бирига улайди. Шу жиҳатдан бу китоб адабий-эстетик қим-

матгагина эга бўлиб қолмасдан, адабий тилнинг ривожига ҳам кўмак беради, тилшунослик учун ҳам муҳим материал бўлиб хизмат этади.

Китобнинг мазмуни ва гоёсида (унда инқилобдан аввал яратилган ва янги, социалистик ҳаёт жараёнида тўқилган халқ қўшиқлари жамланган) ҳамда Элбек томонидан ёзилган катта кириш мақолада муаллифнинг фольклорни ўрганишда марксча-ленинча позицияда мустаҳкам турганлиги равшан сезилади («Эртактлар» китобида учраган гоёвий саёз материални бериш каби камчиликдан энди асосан халос бўлган).

Элбек «Халқ адабиёти жуда бой бўлиши билан бирга ўз даври ва ўша замон кишиларининг турмушларини ўз ичига олган қимматли адабий васиқалардир», деб таъкидлар экан, фольклор материалларига синфий позицияда туриб жиддий ёндашиш зарурлигини уқтиради.

«Халқ адабиётининг синфий эканлиги ҳақида,— дейди Элбек,— икки сўзнинг бўлиши мумкин бўлмаганидек, бу синфий айрилишни яқиндан излаш ҳам тўғри эмас. Чунки кишилик жамиятида эксплуатация, яъни бири иккинчисининг кучидан фойдалана бошлаган даврдан бошлаб майдонга чиққан синф турмушнинг ҳар соҳасида, шу жумладан адабиётда ҳам ўз шуъласини инъикос эттира бошлайди. Мана шунга кўра халқ оғзаки адабиётида учрайтурган парчалар ё у синф ёки бу синф моли ва унинг ижоди бўлиши билан бирга ўша ўз синфига хизмат қила келмишдир».

Элбек лапар, қўшиқларнинг жанр хусусиятларини ҳам белгилайди. Энг аввало Элбек шеърларининг соддалиги, халқчиллигида, болаларга аталганлари эса ўйноқи, ихчам ва қизиқарли бўлишида халқ ижоди соҳасидаги изланишларининг самараси ётади. Ҳатто Элбек ўтмишдан олиб ёзилган «Аноргул» ҳикоясида Аноргулнинг бир бойнинг ўглига зўрлаб берилиши, чексиз хўрланиб, сил бўлиб қолиши, сўнгра ундан қутулиб, тузалиб кетиши воқеаси баҳонасида тўй маросимига доир одатлар ва қўшиқлар, лапарларни беради. У Аноргулнинг фожиасини чизиш жараёнида «Ўйин кечаси», «Лапар», «Йиги кечаси», «Ёр-ёр», «Юзи очик» бобларида халқ қўшиқларини келтириб,

уларни асар жисмига сингдириб юборади: Элбекнинг халқ ижодини ўрганиш, тўплаш ва нашр этиш соҳасидаги иши унинг ижодий фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши бўлиб, катта таҳсинга лойиқдир.

Элбекнинг худди мана шу кўп қиррали ва актив, қайноқ ижодий фаолияти унинг дастлабки асарларидаги ғоявий қусурлардан жуда тезда қутулишига ва ижоднинг тўғри, катта йўлига чиқиб, маҳорат довларидан юқорига ўрлаб боришига сабаб бўлди.

Элбекнинг дастлабки шеърларида камчиликлар ёш шоир ижодий позициясининг аниқ ва муқим эмаслиги туфайли, ижод даргоҳига энди қадам қўйиб, ҳаётдаги, воқеликдаги прогрессив тенденцияларни англаб улгурмаганлиги натижасида келиб чиққан. Шунинг учун бир вақтда ёзган шеърида янги ҳаётдан ва турмушдаги ўзгаришлардан қувонади, бир хилларида шубҳага берилади, иккиланади. Кутилмаганда унинг «кўз ўнгида бузуқ ўйлар, қайғули гўзал мунглар» пайдо бўлади («Кўз ёшларим», 1919). Айни шу шеърда «Кўз ёши тиниб, қўроқли кўринишдан боши қутулганлигидан» қувонади. «Қарға» (1919) шеърида қарға билан булбулни солиштирар экан, мақсад ва ғояси мутлақо ноаниқ, улуғ доҳий Ленин вафотига ёзган «Мотам» (1924) шеърида қарға образи остида революция душманларини тушунади: бутун прогрессив инсоният ва табиат, паррандалар ҳам улуғ инсонга мотам тутмоқда, аммо «Ёлғиз бир қарғалар билмадим недан мотамга қўшилмай қағирлашарди. Дунёнинг мотамин кўзига илмай, бир-бирин қувишиб кўп ўйнашарди!»

Шоир «Бир сўроқ» (1922) шеърида ботир, ёвқур йўлдошга қараб қайғу-аламга берилма, «Бир озгина чоқ жим кутиб турмоқ» ксрак, «шул чоқ сенга кўп кўмак етадир», «Қоронғилар шу кез битадир», деган мавҳум фикрни айтади. Шу шеърдан бир неча ой аввал ёзган «Тилак йўлида» шеърида эса инқилобий ҳаёт денгизида дадил «олга қараб боражагини», «борди-ю, унга ботиб кетгудай бўлса, бу денгизга» бошларини бериб қўрқмай кирганлар тезда келиб қутқаражагини» ишонч билан айтади. «Ўксизнинг ўлими» (1921) шеърида эса «Илгаридан бунга буюк ваъда этган дунёга термулиб» туриб «бир оҳ чекиб кўз ёши-ла жон берган» бола фожиасининг илдизини очолмайди. Бундан кейинги айрим асарларида ҳам («Бибиҳоним мадраса-

си», «Туркистон» каби шеърлари) мана шундай мужмаллик, сиёсий туйғунинг заифлиги сезилиб туради. Элбекнинг фақат масаллардан ташкил топган биринчи тўплами «Армугон» (1921)да найзани нишонга аниқ ура олмаслик, тўғри йўлдан тойиш ҳодисаси учрайди. Лекин тўпламдаги аксарият масаллар болаларга Яхшилик ва Ёмонликни қизиқарли қилиб кўрсатиб беради. Криловнинг «Қарға билан Тулки» масалини эслатувчи Элбекнинг «Ола қарға ва Қурбақа» масалида ола қарғанинг қўлига тушиб қолган қурбақа — уни зўр ашулачисан деб, ашула айттириб қутулиб қолади. Шоир лақма одамларни ҳажв остига олади. «Ким алдамчи?» масалида рўза кунлари шамда тухум пишириб еб турган тақводор руҳонийнинг олди-га биров кириб қолади. У шайтоннинг сўзига кириб шу аҳволга тушганини баҳона қилади. Шунда Шайтон пайдо бўлади-да, «Бу шам билан тухум пиширишни ҳозиргина мен сизлардан ўргандиму!» деб руҳонийни шарманда қилади (бу халқ сюжетидаан Ғафур Ғулом ҳам фойдаланиб ҳикоя ёзганди).

Элбекнинг ижод тонгидаги айрим ғоявий чалкашликлари ўткинчи ҳодиса эди. Шоир улардан жуда тез қутулади. Элбек 1921 — 1936 йиллар орасида «Қўшчи Турғун» (1925), «Дадама» (1936) ҳикоялар китобларини, катта ҳажмдаги «Тозагул» (1934) поэмасини яратди ва тўққизта шеърлар китобини, яъни «Армугон» (1921), «Кўзгу» (1925), «Ёлқинлар» (1927), «Сезгилар» (1927), «Баҳор» (1929), «Меҳнат куйлари» (1930), «Шеърлар» (1934), «Чирчиқ бўйларида», «Ғунчалар» (1935) асарларини халққа ҳадя этди. Аммо унинг бадиий шакл соҳасидаги изланиш, қоқилишлари дарров барҳам топгани йўқ. Бу, албатта, табиий ҳол, бадиий ижоднинг мураккаблиги, қийинлиги билан боғлиқ қонуний ҳодиса эди.

Элбекнинг шеърларида, айниқса илк шеърларида образларнинг мавҳумлиги, нотабиийлиги, сохта рамзийлик ва айниқса баёнчилик, чўзиқлик, насиҳатгўйлик, натуралистик тасвир иллати мавжуд эди. Уларда фикрий теранлик, ҳиссий ўткирлик, образлилик ва қуймалик етишмасди. Факт ва воқеани қофияли мисрага солиш, воқеани ипидан-игнаси-гача баён қилишга берилиш бор эди. Бу унинг поэмаларида, жумладан қишлоқда қарор топган янги ҳаётни — колхоз

ҳаётини ва унинг актив қурувчиларини тасвирлашни мақсад қилиб олган «Тозагул» достонида ҳам, ҳикояларида ҳам учрарди. «Қўшчи Турғун» ҳикоясида Турғун тақдири ва қишлоқдаги буюк ўзгаришни ёритар экан, унга бу қишлоқнинг ўтмиши тўғрисида узундан-узун тарихий-географик справка беради. Хarakter таҳлилидан кўра воқеани ҳикоя қилишни афзал кўради. Бундай иллатлар маҳоратининг етишмаслиги, шунингдек ўша давр танқидчилиги тўғри таъкидлаганидек «назарий биликнинг етарли бўлмаслигидан, иккинчиси ҳаддан зиёд ошиқувдан» келиб чиққанди (Айн сўзи). Аммо Элбек ўз ҳикояларида ҳам янгиликни — янги ҳаёт, янги тузум, янги инсоний муносабатлар ва айниқса янги ахлоқни актив ҳимоя этди, тарғиб қилди, унга ғов бўлган нарсаларни кескин қоралади. «Янги турмуш изловчи» ҳикоясида янгилик ниқобида хотин олиб хотин қўйган кишининг ярамаслигини очади. «Жадид Қоровой» ҳикоясида ҳам янги ҳаётга суқилиб киришга интилган синфий душманларнинг ахлоқини фoш этади. «Дадамат» ҳикоясида оддий камбағал деҳқондан колхоз раиси даражасига кўтарилган Дадаматни тасвирлайди. Ёзувчи колхоздаги фидокор янги инсонларни адабиётга олиб киришга ошиқади. «Чирчиқ» асарида «ҳозирги замонамизнинг қаҳрамони» деб янги ҳаётни қураётган одамларни тушунади...

Элбек энг аввало иқтидорли ва сермахсул шоир эди. Унинг қалби, орзу-умидлари, мақсад ва идеаллари, эстетик мавқеи биринчи навбатда унинг шеъриятида акс этди. Элбек «Мен шоир ҳам, ҳикоячи ҳам эмас»ман, дейди камтарлик билан. Аммо у «Шеърининг қуёш каби порлаб юртига кучли нурларини сочишини» ва бу орқали Ватани, халқи олдидаги фарзандлик «қарзини ўташ»ни орзу қилганди. Унинг нияти битта — халқ тилаган «тилакка тезроқ етиш» эди, шу тилак йўлида «ўлгунимча шеър, шеър деб ўлайин» дея қасам ичганди. («Менинг ҳикоям»). Халқ ҳаётидаги силжишлар, у қўлга киритаётган улугвор ютуқлар ва халқ қалбидаги шодлик, ғурур Элбекни мафтун этарди. Уни ғалаба куйчиси дейиш жоиздир. «Янги қурилишнинг қўшиғи»ни эҳтирос билан куйлаган («Чирчиқ қурилишида»), «Ғолиблар тилидан дoston куйлаган» («Куйларим»), «Енгиш тугин баланд кўтар-

ган» («Қишлоғим») шоир социализмнинг сурурли қадамини ва халқнинг кўтаринки руҳини меҳр, завқ-шавқ билан тараннум этади. Элбек қаламкаш дўстларига мурожаат этар экан, ҳаётнинг «қувноқ куйларини» шеърятга, бадий асарларга кўчиришга даъват этади. Ушбу Ҳамид Олимжон образлари ва руҳига ҳамоҳанг бўлган мисраларга эътибор беринг:

Қалам тилин буриб ншга солишда,

Иш куйини ноталарга олишда.

Сен

Бир озод композитор.

Сўзан, чечан, оратор.

Янги ҳаёт қозонида қайнамаган ҳар
киши

Қурилишнинг талабларин

қондиrolмас, қондирмас!

Ундайларнинг беражаги, бера олган
емиши

Эски турмуш қолдиқларин

ёндиролмас,

ёндирмас,

Аммо, эй, сен қураш куйин куйловчи,

Турмуш билан қайнагувчи ёзувчи!

Сенинг ёзган, ёзолган асаринг

Янги турмуш китобидан бир варақ,

Қимматли бет бўлиб ўрин олажак,

Шу мускулли қўллариягда ўйновчи

Ўткир, кучли, пўлат учли қаламинг.

Маяк каби ёғду-нурлар сочажак,

Социализм сари йўллар очажак!

Элбекда синфий туйғу, марксча-ленинча дунёқараш мустаҳкам қарор топади ва воқеликни, ҳаётни, дунёда бўлаётган ҳодисаларни шу позицияда мустаҳкам туриб баҳолайди. Унинг шеърларида «синфий онг», «синфий сезги», «синфий севги», «синфий меҳр» деган бирикмаларнинг кўп ишлатилиши ҳам бежиз эмас: «юракларда қўзғалган синфий меҳр, муҳаббат» билан дунёга қарашини уқтириши шундан.

Турмушга теран «синфий қараш билан боққан» шоир ўзини социализм истеҳкомини ҳимоя қилувчи «қаҳрамон идеяли қалам қўшинининг» бир аъзоси

деб билади. Шоирнинг эзгу нияти, орзу-амали мана шундай эди:

Қураётган ҳаётимиз бизнинг
Мангу япроқли бог эрурким, бучинг —
Емиши эрк қуёши нуринда
Етилиб доимо ўсиб туражак.
Буни ёвдан қўриқламоқлик учун
Ишламак бизнинг энг буюк идеал,
Буни биздан сўрайди истиқбол!

Мана шунинг учун ҳам Элбек ўз шеърларида энг аввало воқеликдаги илгор, революцион жиҳатлари, янги замоннинг собит қадами ва унинг курашчилари тўғрисида ёзди. «Қизил байроқ» шеърида (1925) «Чинакам яшамоқ учун мазлумлар устида ҳилпираб турган, қуёш каби теграсига нур сочган қизил байроқ теграсига тўпланмоқ» ва «золимларни йиқмоқ» керак деб ҳайқиради. Шу даврда яратган «Отлан!» шеърининг пафоси ҳам мана шундай жанговардир: «Байроғинг бўлсин сенинг «Қизил қон!». Элбекнинг «Пролетар марши» шеърининг руҳи, оҳангида янги давр қалбининг зарби, социализмнинг собит қадам овози жаранглаб туради:

Зўр қуёш юксакдан жилмайиб боққач,
Очилди, яшнади йўқсуллар бахти.
Ер узра қип-қизил ёгдулар ёққач,
Музлар чидолмайин сув бўлиб оқди.
Қўзғолди мазлумлар зулмга қарши
Чалинди ҳайбатли ўзгариш марши,
Йиқилсин, емирилсин зулмнинг арши,
Бу-да бир пролетар ўзгариш марши.

Элбек ҳам ўша давр шоирлари каби жаҳон революцияси тўғрисида ўйлади, дунё халқларининг эртасига умид билан боқди. Биринчи Май муносабати билан эълон қилган «Бу кун» (1926) шеърида дунёда «қизил қонли олов юксалиб, бойлар ўйин олов ёндираётганини» севинч билан ёзиб, «Ўтли кўнгиллар яқинда ер юзини қўлга олар» деб умид билдиради. «Лена қурбонларига» номли шеърида улар қолдирган «ўчмас олов»дан қувонади. «Октябрь байрамига»

шеъри ҳам ҳужумкорлик руҳида Элбекнинг Октябрь революцияси учун курашда қурбон бўлганларга атаб яратган «Она» балладаси юқоридагилар каби сиёсий ўткир, жанговар публицистик руҳдадир. Бу асарлар Элбек ижодидагина эмас, балки ўша давр ўзбек поэзиясида ҳам катта аҳамиятга молик эди ва ҳозир ҳам ўз қимматини сақлаб қолгандир. Унда тасвирланишича, Турсун бойлар зулмига қарши курашга кетади, ҳаёти эвазига озодлик олади. Онаси кута-кута, ўғлининг ўзидек «мазлумлар йўлида жон бергани»ни англайди ва шу «оққан қонлар белгиси — Қизил байроқ порлаганидан» кўнгли таскин топади. Шоир «Соқчи хотин» шеърида ҳам янги аёл иродаси, онги, психологиясини ифодалайди: аёл «Биз ҳам эрдек курашувчи қаҳрамон», дейди.

Элбек улуғ доҳиймиз Ленин тўғрисида қатор шеърлар яратган. У 1924 йилда эълон қилган «Мотам» шеърида халқнинг улуғ доҳийга бўлган муҳаббатини ифодалайди. Тоғлар бағрида туғилиб ўсган Элбек табиатга яқин шоир эди. У она ердек серҳосил бўлишни, Чирчиқ сувларидек шўх, мусаффо оқишни ва элга асқотишни, тоғлардек юксалишни, қушлардек парвоз қилишни орзу этарди. Шеърларидаги соддалик, муסיқийлик, ўйноқилик, табиатга доир образлар мўл-лигининг илдизи шу ерда эди. Унинг ўз китобларига «Ёлқинлар», «Кўзгу», «Сезгилар», «Менинг куйларим», «Баҳор», «Ғунчалар», «Чирчиқ бўйларида» деб ном қўйиши шундан эди... «Мотам» шеърида бутун табиат олами мотам тутати. Шоирни бу «дунё мотами» ўз бағрига олади. «Одам болалари бу кун ўз ботири»дан жудо бўлганлигидан у ҳам алам чекади, аммо ҳаётга тетик боқади: инсон умри битгач ўлади, бу табиий нарсас. Аммо доҳийнинг «оти ўлмайди, унинг чизиб берган чизиги дунёмизда мангуликка қолмишдир!» Шоир ана шу ҳақиқатни ифодалашга ургу беради. Элбек беш йилдан кейин доҳий ҳақида яна шеър битади. Бунда аввалги шеъри олға сурган гоясининг тўғрилигидан — Ленин таълимоти «раҳбарлик қилиб» улуғ ният сари етаклаганидан қувонганини изҳор этади. Аввал шоир доҳийни улуғвор ишлари орқали баҳолаган бўлса, энди унинг шахсий сиймосини ҳам идрок этишга интилади. Шоир «Вуюк доҳийнинг жилдлаб китобларини бир-бир ўқиб боргани»

туфайли унинг «чақнаб боққувчи кўзлари кўзига кўрингандай» бўлади. Доҳийнинг кўзи, йўли, таълимоти бошқалар қатори уни ҳам тўғри йўлдан адаштирмай олиб боради. Элбекнинг:

Адашган қолди белгисиз чўлда,
Адашмас йўлчи бекатга етди.
Яна олдинда зўр бекатлар бор,
Буни ўтолмас йиглоқ, чаманнор,
Буида бўлгувчи бизга, албат,
Фақат у айтган қимматли шюор,—

каби мисралари унинг ўз тақдирига ҳам бевосита алоқадор эди.

Элбек ҳаётдаги янгиликлардан тез таъсирланадиган, илҳомланадиган ижодкор эди. Янгиликка шайдо бўлган Элбек шу конкрет тарихий воқеа ва реал шахслар тақдири мисолида (шоирнинг шеър, дoston ва ҳикояларидаги кўпгина қаҳрамонларнинг ҳаётда прототиплари бор) муҳим, жиддий умумлаштиришлар чиқара олар, айти чоқда эртанинг ёрқин сиймосини ҳам тасаввур эта оларди. У электр келишида катта силжиш кўради ва эртанги «дунёнинг ёлғиз у билан тириклигини» ҳис этади («Электрик»), ер ислоҳотида деҳқоннинг бахтини («Ер»), миллий аскар қўшиннинг ташкил топишида Октябрь берган эрк-тенгликни («Қизил қўшиннинг миллий бўлимларига»), кўклам экин компаниясида, халқнинг завқ билан меҳнат қилаётганлигидан озод меҳнат сеҳрини сезади («Батрак Қоровой», «Туйғу»), ҳайит билан янги байрамни қиёс қилиб, эскиликдан қочишга чақиради («Қурбон»), эркини ва янги турмушни енгил, мешчанларча тушунганларни аямайди. Уларни танқид қилишни ўз бурчи деб билади («Эрк нима?», «Турмушми бу?»), ҳали ҳам паранжи зиндонидан чиқмаганларни уйғотиб, янги ҳаётга чақиради («Тўрғай»), Чирчиқда электр станцияси ва азот заводи қурилар экан, бундан чексиз қувонади ва ўнлаб шеърлар, поэмалар, ҳикоя, очерклар ёзади («Чирчиқ», «Чирчиқ бўйлаб», «Куйларим»). Чоржўй — Хива темир йўли қурилиши баҳонасида ишчини, эртанги кунни улуғлайди («Ишчи қўл»). Шоир Тошкент тўқимачилик комбинати, завод ва фабрика қурилишида (шанбаликларда) бир не-

ча бор иштирок этади, бу катта қурилишга бағишлаб «Турмуш ва куч», «Комбинат» шеърларини ёзади. У «Сўйласин тарих, қари ер умрида сендай гигантни сира кўрганми», деб ҳайқиради, «ўз қўли билан социалистик ҳаёт» қураётганидан беҳад қувонади. Элбек ҳис-ҳаяжонлари, шавқ-завқини бармоқ оҳангла-рига сиғдира олмаган тақдирда вазнда, банд тузили-шида, қофиялаш принципида эркинликка интилади: кенг тарихий планда фикр юритиб, гоҳ хабар, гоҳ тас-диқ, гоҳ ҳайқириқ, гоҳ мурожаат қилиб, мисраларни тоблайди, ҳатто «Бунда ҳар курашувчи, ишчи-қурол-ли нафар, ғолиб, музаффар» тарзда ҳарф тасвири ор-қали ҳам образ яратади. Халқ кучига, партия даҳо-сига ва порлоқ эртанги кунга қаттиқ ишонган шоир бор овози-ла:

Евга олов сочамиз:
Синфий ёвлар қўрғонига ўт қўйиб,
Социализм сари
Йўллар очамиз,
Эй,
Синфсиз жамиятни қуришда,
Энг яқиндан иштирокчи —
«Қизил Шарқ».
ВКП(б) раҳбарлиги остида
Курашувчи сендек
Ботир қўшинлар
Кучи билан
Обод бўлди
Қизил шарқ!

Элбек социализм сари оммавий юришни қишлоқлар-да — деҳқонлар фаолияти, руҳи, меҳнатида кўрганда янада чексиз қувонади. Социалистик тузумнинг ҳаётбахш қудратини деҳқонлар тақдири, харак-тери ва психологиясининг кескин ўзгаришида кўради. У асарларининг талайгина қисмини қишлоқ ҳаётига бағишлар экан, буларда ўз диққатини ана шу янги-ликка — коллектив ҳаётнинг тантанасига қаратади. Шоир «Визники» манзумасида қишлоқда «меники» деган ибора йўқолиб, одамлар дил-тилида «бизники» деган туйғу қарор топаётганини, «ерлар ҳам колхоз-

чилар кўнглидек ҳар бир ўзгасига туташган»лигини уқтиради:

Битди ортиқ, ҳам битажак «Мешики»,
Деган махсус бошбошдоқлик закони.
Колхоз, совхоз бу ишларнинг якуни,
Яшар, албат, бундан сўнгра
«Бизники!»

Элбек ижодида Уйғуннинг «Гуласал» шеърига ўхшаган колхознинг янги одамлари образини яратувчи воқеабанд шеърлар кўп. Элбек ҳам Аноргулнинг «кўзларидан хушбахт давримизнинг кўнгил тилини» уқиб олади. Шоирнинг ўзи эстетик мавқеини, ўзига хос услубини тушунтирувчи қуйидаги фикрни айтади: «Шеър ҳам турмушдан бир ҳикоя». Элбекнинг жуда кўп шеърлари манзумаларининг асосида бирор воқеий сюжет, бирор конкрет инсон тақдирининг туриши шундан. У шу йўл билан ҳаётимиздаги янгиликларни ва одамлардаги янги фазилатларни типиклаштириб беради. Элбекнинг қатор поэмалари, айниқса «Тозагул» поэмасининг яратилишига боис ҳам шу.

Элбекнинг асарлари ичида «Ўзбекистон» номли лирик поэмаси мазмунининг чуқурлиги, қаҳрамоннинг кенглиги, ғоясининг ўткирлиги ва бадий мукамаллиги билан ажралиб туради. Шоир унда ўзбек халқининг босиб ўтган катта йўли, совет ҳукумати йиллари топган улў бахт-саодатини, шоир ибораси билан айтганда, жаннатни ва бунга сабаб социалистик тузум, «партиянинг миллий сиёсати», «синфий биродарлик», «юртимиз соқчиси ва мададкори компартия» эканлигини гурур билан таъкидлайди. Элбек бошқа шеърларидаги каби бунда ҳам кўп миллатли совет мамлакатини ягона Ватан, бир оила ва Ўзбекистонни шу дўст оиланинг — «Ардоқли Ватанимнинг айрилмас қисми» деб талқин қилади. Шоир совет Ватанини фарзандлик меҳр-муҳаббати билан улўглаб, бундай дейди:

Бу давримиз янги олам яратди,
Янги мия, янги одам яратди.
Бу оламда яшагучи одамлар
Дунё кўзин ўзи сари қаратди.

Бу Ватан бизларни қадрлаб боқди,
Қора тунимизга чироқлар ёқди.
Бу Ватан бизларнинг мушфиқ онамиз.
Бизлар унинг шафқатига қонамиз.

Бу Ватан Октябрь инқилобининг
Маҳкам ва муқаддас эзгу бешиги.
Бу Ватан ер юзи пролетариатининг
Кўз тутган бирдан-бир очиқ эшиги.

Элбек ижоди кўп тармоқли; кўп қиррали дедик. У ўткир шоир, танқидчи, таржимон, тилшунос, педагог ва қатор дарсликлар муаллифи, фольклоршунос эди. Шу билан бирга Элбек талантли болалар шоири ҳам ҳисобланади. У кичкинтойлар учун мўлжалланган дарслик, хрестоматияларида юзлаб ўз шеърларини эълон қилди, болалар қўшиқларини йиғиб нашр этди, шеърини эртаси китобини чиқарди, мактабгача ёшдаги болалар учун «Табиат» номли расмли китоб яратди (русчадан таржима), ўнлаб масаллар ёзди, Пушкиннинг эртакларини таржима қилди, тўпламларининг аксариятида болалар учун боблар ажратди. У болаларга дунёнинг яратилишидан тортиб, то ҳозирги замондаги ўзгаришларгача, ишчи-деҳқон меҳнатининг қудратидан тортиб, совет кишининг юксак ахлоқий фазилатларигача тушунтиришга ва шу йўл билан уларнинг давр, эртанги кун талабига лойиқ даражада вояга етишига катта ҳисса қўшди.

Элбек шеърга, ижодий фаолиятга эрмак деб қарамади, аксинча «кўзлаган тилакка тезроқ етиш» воситаларидан деб билди. Шоирнинг эзгу тилаги эса социализмнинг тезроқ қуриб битказилиши, халқнинг бугундан бахтиёр эртасини кўриш ва коммунистик жамиятнинг барпо этилиши эди.

Элбек ҳаёт бўлганда бу йил саксон ёшга тўлар эди. «Ғолибият туғин баланд тутароқ» олға қадам босиб, мамлакатимизда коммунистик жамият қураётганлар сафида Элбек ижодидан баҳраманд бўлганлар бор, уларни ўқиб вояга етганлар бор, фарзандлар бор. Шоир ўз асарлари билан ҳамниша тирик, ҳамниша бизнинг сафимиздадир.

1978 йил.

Ҳамид Олимжон ижоди адабиётимиздаги фавқуллодда ҳодисалардан ҳисобланади. У чиндан ҳам ноёб талант соҳиби эди. Поэзиямиздаги унинг ўрнини ҳеч ким боса олмайди, ҳеч кимнинг овози уникига ўхшамайди. Ҳамид Олимжон шеъриятида учта санъатга хос фазилат мужассамлашган эди: сўз ишлатишда шу қадар чечан ва моҳир эдики, яратган шеърӣ, прозаик ёки драматик асарлари қудрати кишини сеҳрлаб қўяди: у табиат манзарасини ва инсоннинг руҳий оламини шу қадар тиниқ ва қуюқ бўёқларда ёрқин чизиб берадики, сиз гўё ўзингизни моҳир мўйқалам устасининг нодир асарини кўриб тургандек ҳис қиласиз; шоир инсон қалбидаги туйғуларни, кечинмаларни, қалб куйларини ва табиат оҳангини назик ҳис этувчи бастакордек ифодалаб берадики, сиз беихтиёр ана шу мусиқа оламига асир тушасиз. Зотан Ҳамид Олимжоннинг ўзи давр ва янги ҳаёт қураётган одамларнинг руҳий оламини теран чизиб берадиган рассомни, улар қалбидаги оҳангларни куйлаб берадиган бастакорни ва бахтли водийларни барпо этаётган одамлар жасоратини ҳаққоний тасвирлаб берадиган сўз устасини орзу қилганди.

Ҳамид Олимжоннинг ўзи худди мана шу учта санъат сирини эгаллаган ва уни сўз воситасида амалга ошира олган етук ижодкор эди. Мана шу кучли мусиқӣй ва ёрқин, мафтункор манзаралилик, сўзнинг гоят ўткир, жозибали ва қуймалилиги Ҳамид Олимжон шеъриятининг юксак, бетакрор туб фазилатининг мутаносиблигини таъминлаган бош омил эди. Бу Ҳамид Олимжоннинг ўзи яшаган давр нафасини ва

унинг одамлари руҳидаги ҳоким туйғу, кайфиятни мукаммал ифодалашга интилишидир.

Совет воқелигидаги етакчи тенденция янги, социалистик ҳаётнинг тез суръатлар билан қарор топиши эди, совет кишиларидаги ҳоким руҳ эса улуғ бахт топган инсондаги шодлик кайфияти эди. Шоир «фақат бахтни мақтаган овоз»ни тинглайди ва уни шеърига кўчиради: халқда ҳам, унинг ўз қалбида ҳам «бир дарё қўшиқ оқади»: ишчи агар «эртанги бахтнинг ашуласини ўз қўли билан» яратса, деҳқон ҳам «янги бешнинг нотасини олган». Шоир диққатни мазкур оҳанглар, қўшиқларнинг мазмуни руҳига тартади; «юлдузга интилган бу даврнинг мағрур» сиймосини кўради, унинг «тетик урган юрагини» тинглайди, «замонасининг ғазалхон бир дам» эканлигини ва «мардона, жувон ҳаётга» монанд куйлаш кераклигини таъкидлаб, «тетик ва қувноқ, мўл қўшиқлар» тўқишга чорлайди.

Ҳамид Олимжоннинг ўзи мана шундай жўшқин, завқли, кўтаринки, тетик ва қувноқ шеърлар ижод қилди. Ўзбек совет поэзиясида абадий озодликка чиққан, янги, социалистик жамиятни қуриш жараёнида онги, руҳи, психологияси ўзгарган янги одамларнинг кечинмасини, бахтиёрлик ва шодлик туйғусини Ҳамид Олимжондек зўр эҳтирос, катта қувонч, самимият ва гурур билан ҳаққоний, мукаммал ифодалаб берган ижодкор кам. Унинг халқ орасида бахт ва шодлик куйчиси деб катта шуҳрат топиши ҳам бежиз эмас. «Бахт тўғрисида», «Ўрик гуллаганда», «Шодликни куйлаганимнинг сабаби» шеърларида тўғридан-тўғри бахтни фалсафий аснода бадий талқин қилади. Ҳамид Олимжон «шодлик ва бахтни куйламаклик зўр саодатим», деб гурур билан таъкидлар экан, нигоҳини асрлар оша қаратиб, тарихда илк бор меҳнаткаш инсонга чин улуғ бахт берган социалистик жамиятни чин юрагидан шарафлайди:

Қувонч шулким, толе ёр бўлиб,
Бахтни топган элни кўролдим.
Асрларнинг қайғусин қаргаб,
Шодлик ва бахт куйини чалдим.
Элим яшар осойиш ва шод,
Ўлкам ўзи янги бир жаҳон,

Ҳамид Олимжон бахт ва шодлик туйғусини табиат-баҳор ҳақидаги шеърларида ҳам ифодалайди. У табиатнинг мафтунни, баҳор романтиги бўлишининг боиси шунда. «Элни қучган мангу бир баҳор» деганда ҳам, «мана сенга олам-олам гул, этагингга сиққанича ол», «Бутун мамлакатнинг кўзида баҳор», «Ҳаммамиз ҳам баҳор гадойи» деганида ҳам худди шу бахтни назарда тутди. «Хаёлинг-ла ўтади тунлар» шеърининг лирик қаҳрамони севгилиси ҳузурда вафо-садоқат тўғрисида «Сендан бошқа бировни севсам», «Мендан қочсин ҳамиша баҳор», деб қасам ичади. Фашизм Ватанимизга ваҳшиёна бостириб кирган кунларда «Ғалаба қўшиғи»да Ҳамид Олимжон «Ёлғиз менинг Ватаним бахт ўстирар боғ келди», деб социалистик мамлакатимизни бахт бўстони деб талқин қилади.

Ҳамид Олимжон ёрқин, нурли, равшан рангнинг мафтунни. Бундай ранглар унинг учун бахтиёрлик ва шодлик рамзидир. Ҳамид Олимжон воқеликни, дунёни, борлиқни, инсоният тарихини контрастли идрок этади. Ана шу ўткир контрастлилика асосланган образли фикрлаш усули — йўли унинг шеърларида тун-кун, қуёш-зулмат, бахт-бебахтлик, шодлик-ғам, қора-оқ, қиш-баҳор, лочин-зоғ каби антитезали образларни вужудга келтирди. Агар ёруғлик ва қоронғулик билан боғлиқ образларининг ўзинигина олсак, буларда Ҳамид Олимжоннинг эски тузум зулмига, халқнинг чексиз ғам-ғуссасига ва эски, қолоқ онг-тушунча, реакцион урф-одатга кескин қарши туриши ҳамда эзгу, гўзал туйғулар, коммунистик ғояларга зўр муҳаббат ва эътиқоди, юксак идеалларга олқиши ифодаланади.

Шоир илк ижодидаёқ ўт-олов, қуёш-нур образларига мурожаат қилади ва булар унинг мутлақ севимли образларига айланиб қолади. «Кимдир» (1926) шеърда «зулмат билан кураш қилган, ҳар қадамда нурлар сепган ёш юрак» ҳақида ёзади. «Зафар достони»да (1927) «энг ёруғ тилаклар», «жаҳонга нур сочмоқ» истаги билан ёнган, қайнаган ёшликни тасвирлайди. Бошқа шеърда большевиклар партияси «ҳаётга нур эмизди», деб таъкидлайди. Агар шоирнинг тун-нур об-

разлари тарихини кузатилса, уларда совет халқи босиб ўтган улкан йўллар, муҳим тарихий бурилиш нуқталари аниқ муҳрини қолдирганини кўриш мумкин. «Меҳнат яшиндек порлаб тунни тилиб юборди» мисрасида озод меҳнат қудратини назарда тутса, Улуғ Ватан уруши даври шеърларидаги тун образида фашизмни, нур, қуёш, тонг образларида ленинча ғояни, озодликни ва айниқса совет кишилариининг душман устидан муқаррар ғалаба қозонишига бўлган улуғ оптимизмини ифодалайди:

Фашизм — одамзод учун қора доғ келди,
Қуёш нурига қарши чанг билан тупроқ келди.

Ёки:

Тунни доим қуёш қувади —

Яна:

Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон
Қуёшни енғолмас қора зулмат.

Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек драматургиясининг ютуғи ҳисобланган — «Муқанна» трагедиясида Ҳамид Олимжон олов образига жуда катта фалсафий мазмун юклайди: душманга қул бўлгандан кўра, озодлик йўлида ёниб қурбон бўлиш афзал ва халқдаги эрка бўлган интилиш туйғуси абадийдир, деган ғояни сингдиради. Шекспирона ёзилган бу романтик асарда эрк, қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ғоялари эҳтирос билан улуғланади. А. Фадеев томонидан ўзбек Жанна д'Арки деб юксак баҳоланган Гулойин образи чиндан ҳам ўзбек совет адабиётидаги янги, актив, жозибали образ эди.

Ҳамид Олимжон «Зайнаб ва Омон» достонида ҳам ўз бахти учун актив курашган, шоирнинг иборалари билан айтганда, «янги замонда» ўзини ҳақиқий инсон» деб ҳис қилган, «янги онг» соҳиби бўлиб, ўз эрқхоҳиши ила муҳаббат-оила қурган янги аёл — Зайнаб образини — даврнинг типик ижобий қаҳрамонини яратган эди. Ҳамид Олимжон бу достонида ҳам тун ва нур образларига кенг мурожаат этади. Шоир инсонни

инсон томонидан эзишга асосланган жамиятда инсоннинг муҳаббатидек нозик ва эзгу туйғуси оёқ ости қилинганини қатор шеърларида, айниқса «Ҳар юракнинг бир баҳори бор», «Офелиянинг ўлими» шеърларида теран акс эттирган эди. Севишганларнинг «қора тақдири»ни яратган, улар муҳаббатига «қора жаноза» ўқиб, улар руҳини «мотам ва аза» билан чуллаган ўша золим тузумни фош этади. Совет кишилари учун Лайли ва Офелиялар бошига тушган «қора кунлар», улар бахтини поймол қилган у қоп-қора тунлар» мутлақо ёт эканлигини ғурур ила ифодалаган эди.

«Зайнаб ва Омон»да шу севги эрк тарихи ва фалсафасига янада чуқур ва конкрет ёндашади: Зайнаб-Омон севгиси мисолида социалистик жамиятда «севгида вафо йўл бошлажаги»ни, бу ерда «вафони жафо емирмаслиги»ни, «асло қора кун йўқлиги»ни, бунда севишганларни «замон хазон қилмаслиги»ни ва албатта «севишганлар топишажаги»ни ғоят жозибали, ҳаётий қилиб тасвирлаб беради. Аммо Зайнаб-Омон муҳаббатига эски тузум қолдиғи ғов бўлади: ярамас урф-одат. янги замон ҳадя этган эрк парвозига тўғаноқ бўлади: «тушунчаси қоп-қора булут» Анор Зайнабнинг эркин муҳаббатини тан олмайди, ҳатто «шармандалик, беномуслик...» деб билади. Зайнабга қараб «Бахт деганинг шумиди ҳали?» деб, севиб оила қуришни катта бахтсизлик деб ҳисоблайди. Муҳаббатга, оилага икки хил қаровчилар ўртасидаги кескин зиддият ва кураш икки тузум ўртасидаги муросасиз курашдек жаранглайди. Севгидаги бахт-саодат бобида Зайнаб — Анор бир-бирига зид позицияда туради: Анор кўрмай-севмай турмуш қуриш «одатини саодат» деб ҳисоблайди. Зайнабни ҳам ана шу асрий одат — ақидага бўйсунишга мажбур этмоқчи бўлади. Зайнаб бундай «қул тақдир»дан, бундай «одатдан, бу саодатдан кечдим» дейди қатъий:

Эрк қидирдим, бахт шунда дедим,
Шунинг учун эски одатлар
Ўлкасини айладим поймол,
Ва сен деган оқ саодатлар,
Қора дедим ва топдим камол.

Зайнаб Анор «оқ саодат» деган нарсани «қора» дейдики, мана бу ерда ҳам Ҳамид Олимжон «оқ-қора» образига жуда катта поэтик мазмун жойлайди. Шоир Зайнаб, Ҳури, Собир, Омон образлари орқали янги ахлоқ, янги инсоний муносабатлар, чин севги ҳимоячилари бўлмиш — янги одамларни кўрсатади. «Зайнаб ва Омон» достони даврнинг бош масаласи, етакчи тенденциясини ғоявий-бадий мукамал тарзда акс эттириб бериш жиҳати билан ўзбек поэзиясидаги шоҳ асарлардан бири бўлиб қолди. Эпик асос билан лирик асоснинг мутаносиб, қўшилишидан ҳосил бўлган бу асар поэмачилигимизда порлоқ йўллардан бири сифатида ғоятда ибратлидир. Зотан, Ҳамид Олимжон «Ойгул билан Вахтиёр», «Семурғ» асарлари орқали ҳам халқ ижоди заминиди туриб, меҳнаткаш халқнинг маънавий юксаклигини ва эрка бўлган интилишини жозибали ёритиб бериш мумкинлигини намоиш қилди.

Шоирнинг «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» каби қаҳрамонлик балладаларида совет кишиларининг ватанпарварлик ва дўстлик туйғулари чуқур психологик таҳлил этилади. Бир-бири билан мазмуни, ғояси ва пафосига кўра жипс боғланган бу икки етук балладада Ҳамид Олимжоннинг қон-қонига сингиб кетган, унинг виждони ва эътиқодига айланиб қолган ягона Ватан, ягона оила туйғуси конкрет ва равшан ифодаланади. «Жангчи Турсун»даги она образини Ватан тимсоли, Турсунни эса фарзандлари рамзи деса бўлади. Турсун онанинг ўғити ва буйруғини бажариб, ёв билан қаҳрамонларча жанг қилиб ҳалок бўлади: бу ҳолатни шоир «эркаланиб ётади у Ватан тупроғида, ёш бола ётганидай онанинг қучоғида» деб рамзий тасвирлайди. «Роксананинг кўз ёшлари»да эса Роксананинг боласи Вова жасади ўзбек тупроғида «ётади гўё чечак», энди совет кишиларининг «тақдир тенг» дир.

Ҳамид Олимжоннинг «Россия» шеъри эса совет поэзиясида ягона оила мавзуида яратилган шоҳ асарларидан биридир. Замон руҳи ва йўналишини тез ва мукамал илғаб олиш ҳамда ҳаққоний ифодалай олиш талантига эга бўлган Ҳамид Олимжон бу шеърида улуг Россияни чин садоқатли фарзандлик қалби билан севади, олқишлайди. Шоирнинг:

Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.
Сенинг тупроғингда улғайди таним,
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.—

деган фикри, туйғуси, қасами унинг юрак амри, коммунистик эътиқоди — имони эди. Доим Ўзбекистон шарафига айтилган бир гимндек жаранглаб турадиган «Ўзбекистон» шеъридаги «ўпар эдим Ватан тупроғин» ва «омон бўлсин оғайнилари» бу юртнинг, деган фикр билан «Россия»нинг мазмун ва пафоси уйғун, туташ. Ҳамид Олимжон асарларининг бундай қудратли, ҳаётбахш, умрбоқий бўлиши, айтайлик, «Ўзбекистон» ёки «Россия» шеърларини худди шу бугун ёзилгандек доим янги, навқирон туришининг боиси шоирнинг воқеликдаги мавжуд нарсага бўлаётган ва келажакда бўладиган нарсани қўшиб тасвирлашида, бор нарса билан истак, ният, идеални бирликда идрок этишида, фикр-туйғуларини теран, бўёқларни қуюқ ва ёрқин қилиб ишлатишида бўлса керак. Айни чоғда Ҳамид Олимжон ноёб санъаткорлик талантини моҳир давлат, жамоат арбоблиги билан узвий боғлай олган, икковини халқ ва партиянинг улугвор вазифалари, мақсад-идеалларига тўкин хизмат эттира олган замоннинг етук кишиси эди. Уруш йиллари у Ўзбекистон ёзувчиларининг раҳбари сифатида ўзбек адабиётининг ривожига, унинг иттифоқ доирасида шуҳрат топишига, айниқса, унинг рус адабиёти ва қардош халқлар адабиёти билан бўлган ижодий ҳамкорлигининг гуллаб-яшнашига беистисно жуда катта ҳисса қўшди.

Ҳамид Олимжоннинг ёрқин сиймоси, унинг теран ва жўшқин лирикаси, ғоявий юксак ва халқчил дostonлари, қаҳрамонона ва кўтаринки, романтик руҳдаги баллада, драмалари ўзбек совет адабиёти ривожига ҳамиша ҳаётбахш манба, ўткир ижодий мактаблардан бири бўлиб хизмат қилади.

1979 йил.

Забардаст адиб, ноёб талант эгаси бўлмиш Ойбек-ни социалистик давримиз ва буюк халқимиз яратди. У эса давримизнинг, узоқ тарихимизнинг ва халқ йўли, курашининг ҳаққоний куйчиси, халқнинг эзгу ниятлари, буюк идеалларининг ифодачисига айланди. Ойбек тақдирини ўзбек халқи тақдиридан, унинг тарихи ва маданиятидан сира ва ҳеч қачон ажратиб бўлмайди. Ойбек каби адабиётимизнинг ўнлаб ёрқин сиймолари тимсолида ўзбек халқининг бадиий, маънавий камолоти намоён бўлди. Ойбек халқимизнинг бадиий тафаккурини жаҳон бадиий тафаккури даражасига олиб чиққан ва уни дунё китобхонлари орасида ғурур билан намойиш қила олган сўз санъаткорларимиздандир. У замон ва халқ, тарих ва халқ, давр ва инсон масалаларини кенг эпик планда фалсафий аспектда ғоят чуқур, теран бадиий таҳлил этди; тиниқ, ёрқин, жозибали ижобий қаҳрамонлари тақдири ва кураши орқали ғўзаллик, социалистик инсонпарварлик, пролетар интернационалиزمи, чин дўстлик ва тинчлик, озодлик ғояларини олға сурди, ёмонликка қарши шафқатсиз кураш олиб борувчи актив, курашчан қаҳрамонларни адабиётга олиб кирди. Унинг қаҳрамонлари адолат учун, ҳақиқат учун, келажак учун, халқнинг бахт-саодати учун ҳаётини бахшида айлаган чин инсонлардир. Ойбек асарларининг қон-қонига сингиб кетган мана шу қаҳрамонона руҳнинг илдизи унинг шахсиятига, ижодкорлик сиймосига бориб туташади. Ойбек тугилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанада сўзлаган жавоб нутқида ўз эътиқодини — ижодий кредосини мана бундай ифодалаган эди:

«Халққа хизмат қилиш катта бахт. Мен қирқ йилдан буён адабиёт майдонида қалам тебратиб келяпман. Шу қирқ йил давомида мен ижодимни халқ тақдири билан боғлашга ҳаракат қилдим, халққа фойдали иш қилишга, унинг орзу-умидларини ифодалашга интилдим. Халқнинг қувончлари ва қийинчиликларига ҳамдард бўлдим. Халқ, унинг тарихи, ҳаёти, унинг куй-қўшиқлари мен учун битмас-туганмас илҳом булоғи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади ҳам. Китобларимнинг мавзуи ва қаҳрамонларини омма орасидан қидирдим, халқнинг жўшқин ҳаётидан топдим. Қирқ йиллик ижодий фаолиятимда ўзимнинг бутун ўй-фикрларим, мулоҳазаларимни, қалбимдаги бутун ҳароратни халққа инъом этишга интилдим». Ойбек 1946 йилдаги бир мақоласида эса «Онадан ҳам меҳрибон шундай ажойиб азиз Ватан учун киши бир жони эмас, минг жонини фидо этса арзийди», деганди.

Ойбек халқимизнинг бир фарзанди, Ватанимизнинг бир граждани сифатида ўз бурчини шундай тушунар эди. Шунинг учун ҳам уни қалб қўридан, унинг қон-жонидан яралган ижобий қаҳрамонларининг ҳаммаси халқ ва она-Ватан бахти учун борлигини бахшида этган чин инсонлардир. Ойбек илк шеърларидан бўлмиш «Маркс»да (1927) «Эрк, эрк, дея дунёларга наъра солган миллион товуш»ни тинглаганини ёзганди. Бир йилдан кейин яратган «Товушим» шеърида яна Карл Маркс образи ва халқ товуши, давр товуши масаласига қайтади. Марксизм-ленинизм таълимотини чуқур ўрганиб, унинг ижтимоий жамиятлар тарихи тўғрисидаги назариясини дилига туйиб олган Ойбек (у бу даврда иқтисодий факультет студенти эди, «Капитал»нинг айрим бобларини таржима қилганди) «Давримизни қалбга солганман... Болғалар пўлат сафи ила бо-раман. Ёнғин, кураш, жанглар сари кўкрак очаман», деб ўз ҳаётий программасини намойиш қилганди. Ойбек бу даврда ёзган ўнлаб лирик шеърларида янги ҳаётнинг ғолибона одимидан олган кўтаринки, жўшқин «кайфиятини аниқ фикрга ва равшан манзарага айлантириб» берди.

Ойбек илк тўпламларини «Туйгулар», «Товушим» деб бежиз номламаган эди. У ўз шеъриятида инсон туйғусини, янги давр кишиси қалбидаги ҳиссиётлар уммонини эҳтирос билан жуда тиниқ ифодалади.

Ҳиссий чашманинг қайноқлиги, фикрий тигизлик, руҳий парвознинг юксаклиги, бўёқларнинг қуюқ ва жозибадорлиги, келажакка ошиқиш туйғуларининг ўткирлиги Ойбек шеъриятига романтик қанот бахш этди. Қайноқ шеърят даври бўлмиш Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романигача бўлган ижодий йилларида романтик кайфиятдаги шеърларгина эмас, балки романтик образлар ҳам яратди. «Темирчи Жўра», «Дилбар — давр қизи», «Ўч», «Бахтигул ва Согиндиқ» каби поэмаларида ёзувчининг ўз ибораси-ла айтганда «озодлик учун курашувчилар образлари» чизилди. Шундай қилиб, Ойбек ижодининг марказини халқ бахти учун, адолат учун, озодлик учун ҳаётини бахш этган кишилар образлари эгаллайди. Ойбек мазкур поэмалари, ундан кейин ёзган «Навоий», «Қизлар», «Ҳамза», «Даврим жароҳати» каби бошқа ўнлаб поэмалари орқали ўзбек совет адабиётида поэма жанрини юқори босқичга кўтарди. Бу асарлар чуқур лиризми, психологик таҳлилнинг ўткирлиги билан, эпик кенглиги, ҳаётий-фалсафий умумлаштиришга бойлиги, образ-деталларнинг ҳаққонийлиги билан, айниқса актив романтика, қаҳрамонона пардада ёзилиши билан ажралиб туради. Уларнинг боқийлиги ҳам шунда.

Ойбекнинг дostonларига хос фазилат — қаҳрамонона руҳ, романтика, чуқур лиризм унинг «Қутлуғ қон» романида — ўзбек романчилигининг янги бир босқичи бўлиб саналган асарида ҳам давом этди. Унинг дostonларидаги олға ҳаракат қилувчилар — йўлчилар, курашчилар бу романда кенг эпик миқёсда тасвирланди. Халқнинг улғайишини, революционер даражасига кўтарилишини ҳаққоний ёритиб берган бу асари билан Ойбек ўзбек романчилигига тарихий-революцион тематикани дадил олиб кирди ва муваффақиятли бадий ҳал қилди. Бу даврга келиб Пушкин, Л. Толстой, Горький мактабидан, бир сўз билан айтганда, жаҳон классикасидан баҳра олган Ойбек халқнинг эпик образини гавдалантиришнинг ажойиб намунасини кўрсатди. «Қутлуғ қон»да халқнинг турли қатламлари, турли тоифаларига мансуб бўлган вакилларнинг ҳаёти, тақдири, ўзаро муносабатлари ва курашларини, уларнинг руҳий дунёси, характери, психологиясини кенг, теран ва ёрқин тасвирлаш орқали эски дунёнинг қонуний емирилишини, янги инсоний муносабатлар,

янги ҳаёт, янги ижтимоий тузумнинг қарор топиши инсоният йўли, тарихий ривожининг қонуний мантиқи, натижаси эканлигини кўрсатиб беради.

Шуни айтиш керакки, Ойбек бизнинг адабиётимизда тарихий тематикага ёндашишнинг хилма-хил йўлини намоиш қилди. «Қутлуғ қон» романи асосида ҳам тарихий бўлиб ўтган воқеалар ётади, лекин ундаги қаҳрамонлар, персонажлар тарихий шахслар эмас. Шунинг учун ҳам бу асар тарихий роман эмас, балки тарихий-революцион темадаги роман. Ойбекнинг «Болалик» повести ҳам деярли шу даврга бағишланган. Бундаги воқеалар ва персонажлар тарихий бўлиб ўтган воқеалар, яшаб ўтган одамлардир. «Навоий» романи эса тарихий-биографик асарнинг гўзал намунасидир.

«Навоий» романининг яратилиш жараёни худди А. Толстойнинг «Пётр» ёки М. Аvezовнинг «Абай» романларининг туғилишига ўхшаб кетади. Ойбек ҳам Навоий ижоди бўйича узоқ ва чуқур илмий тадқиқот олиб борди, айтиш мумкинки, маълум маънода Навоийни кашф этди. Ойбек Навоий ижодини ўрганишга жазм қилган пайтда ҳали улуг ўзбек шоирининг ҳаёти ва ижоди жуда-жуда кам ўрганилган эди, ҳали бу ажойиб даҳони ерга уриш ёки ўзбек адабиёти, маданияти доирасидан четга чиқариб талқин қилиш иллати мавжуд эди. Ойбек 1936 йилда ёзган «Алишер Навоий» номли мақоласида Навоий ижоди ва «Ўрта Осиё халқларининг на қадимги замон, на сўнгроқ тарихи текширилмаган. Ўрта Осиёнинг туб халқлари кечирган тарихий ҳаёт процессини тадқиқ этган ва кўз олдимизда тўла гавдалантирган бир асарга эга эмасмиз... Навоий ижодига оид танқидий асарлар етарли бўлмагани каби, шоирнинг ҳаётини ва унинг сиёсат, адабиёт ва илм-санъат соҳасидаги маҳсулдор фаолиятини тасвир этажак, шахсиятни тўла акс эттиражак асар ҳам шу вақтгача етарли эмас... Лекин мавжуд материаллар ҳам шу вақтгача аниқланиб, илмий равишда текширилиб бир системага солинмаган», дейди.

Шу туфайли Ойбекнинг ўзи Шарқда ва Ғарбда Навоий ҳақида ёзилган барча асарларни чуқур ўрганиб, Навоий даврини, унинг ҳаёти ва ижодини, унинг ғазалиётини, «Хамса»сини ва бошқа асарларини марк-

систик асосда тўғри ёритувчи катта илмий асар ёзади (шу даврда «Навоий» достонини ҳам яратади). Илмий тадқиқотида Навоий яшаган даврга, унинг замондошларига, Навоийнинг дунёқарашига, Ҳусайн Бойқарога қандай баҳо берган бўлса, «Навоий» романида бу масалаларга шу ўзи белгиллаган илмий-иждодий принципдан бориб ёндашади. Бугина эмас, Ойбекнинг тарихий роман жанри тўғрисидаги қарашлари, хулосалари худди шу йилларда шаклланган эди. Ойбек кўп миллатли совет адабиётида биринчи марта тарихий роман жанрида асар ёзган А. Қодирий ҳақидаги йирик илмий тадқиқотида (1936 й.) тарихий роман масаласига махсус тўхталади.

«Тарихий сюжетга молик романдан,— деб ёзганди Ойбек,— тарихий ҳақиқатга бадиий образлар орқали эришув ва мозий картинасини аслига монанд бериш, асрларга кўмилган ҳаётни бадиий қайтадан яратиш, образларда жонли ҳаётни кўрсатиш талаб қилинади. Бадиий образларда қайтадан яратилажак даврнинг конкрет тарихий мазмунини бериш, ўтмиш давр фактлари, воқеаларининг объектив маъносини кўрсатиш, умумлаштириш, даврнинг ижтимоий муносабатларини одамлар образи орқали кўрсатиш жуда муҳим. Тарих синфларнинг курашидан иборат. Синфлар мавжуд бўлган жамиятларда, синфий кучларнинг муносабатлари қандай бўлмасин, синфий кураш формаси ва унинг кескинлиги қай даражада бўлмасин, ижтимоий ҳаётнинг асосини синфий кураш ташкил этади. Тарихий даврнинг тўғри картинасини чизиш, ҳаёт ҳақиқатини очиш учун ёзувчи тарихий давр проблемаларига синфларнинг кураши нуқтаи назардан қараши лозим...»

Ойбек «Навоий» романи орқали мана бу қарашларини рўёбга чиқарди. «Навоий» романи тарихий-биографик роман қандай бўлиши керак, деган саволга ўзича жуда ёрқин мисол ва жавобдир. Шундай бўлса-да, Ойбек кейинча 1966 йилда «Дружба народов» журнаlining анкета саволларига берган жавобида яна тарихий роман масаласига тўхталади. Унда «Тарихий романга «халқ орасидан чиққан» зарурий одам керак эмас, балки ким бўлишидан қатъий назар, у Петр ёки Федька бўладими — бари бир инсоний ҳақиқатга суянган, орзу ва ҳис-туйғулари мураккаб бўлган инсон

керак. Халқ ана шундай чин инсонлардан ташкил топганлиги учун ҳам тарихнинг ижодкоридир... Мен, ёзувчи қайси бир тарихий даврга мурожаат қилмасин, мабодо у даврнинг ғайри ёки ҳаттоки ғалати кўринган барча хусусиятлари орасидан ўзига таниш бўлган ҳис-туйғулар ва фикрлар изласа, пировардида мутлақо хато қилмайди, деб ўйлайман... Бегона даврни билиш, яъни унинг бизнинг давримиздан нимаси билан ажралиб туришини тасаввур қилишнинг ўзигина етмайди. Уни яна тушунмоқ, яъни уни бизнинг давримиз билан боғлаб турган нарсаларни кўрмоқ лозим», деганди. Мақолада воқеаларни юзаки тасвирлаган, даврнинг ташқи жимжимадорлигига маҳлиё бўлиб қолган, романни кам ишонарли маълумот берувчи ахборотнома қилиб қўйган, «тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга» айлантиролмаган нўноқ авторларни кескин танқид қилади.

Ойбек «Навоий» романида энг аввало халқни, унинг ҳаёти, руҳий оламини, халқнинг қудрати ва гўзал қалбини, эзгу ниятларини акс эттирди. У халқимизнинг асил фарзанди Навоийнинг улуғлигини очиш орқали халқимизнинг улуғлигини намойиш қилди, ундаги адолатпарварлик, озодлик, тенглик, инсонпарварлик, ижодкорлик, меҳнатсеварлик фазилатларини мадҳ этди, халқимизнинг зулм ва тенгсизликка, жаҳолат ва ярамасликка, адолатсиз талон-тарож урушларига ва барча ёмонликларга қарши ўтти нафратини ифодалади. Худди мана шу фазилатлари билан бу роман Улуғ Ватан уруши даври, фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётган халқимизнинг руҳи, кайфияти, мақсад-идеаллари билан узвий боғлиқ эди. Ойбек Навоий тимсолида, унинг ўз иборалари билан айтганда «улуғ гуманист образида ўрта аср туни қоронгулигини ёритувчи ёруғ машъал»ни кўрсатиб беради, айни чоқда адиб ўз асарида «у даврдаги социал ҳаётни, кучли интригаларни, мураккаб сиёсий воқеаларни» ҳаққоний акс эттириб беради. Асар бу жиҳатлари билан ҳам инсон тақдирини халқ, жамият тақдири билан узвий бирликда бадий тадқиқ қилиши, муҳитни ўзгартиришга интиланган актив одамларнинг психологик дунёсини теран очиб бериши билан ҳам, XV аср тили белгиларини берувчи, аммо замондошларимиз учун тушунарли бўлган сўз, ибора ва

жумла қурилишларини яратиши жиҳатидан ҳам ибратлидир. Ойбек «Навоий» романида шу жанр табиатига ўтирмайдиган масала ва фактларни атайин ташлаб кетган эди. Гарчанд «Навоий» романида улуг шоирнинг севгилиси ҳажрида изтироб чекишини йўл-йўлакай қистириб кетган бўлса-да, кейин «Гули ва Навоий» поэмасида бу масалага махсус тўхтайди. Романда тарихий фактларга суянган эди, Гули ва Навоий муҳаббати тўғрисидаги афсоналар мисолида поэма ёзди. Навоийнинг ёшлигига — бўлажак генийнинг туғилиш жараёнига бағишлаб махсус повесть ҳам яратди.

Ойбек бу асарларидан ташқари «Ўзбек халқининг тарихий илдири бақувват халқлардан» эканлигини кўрсатувчи, «Ўзбекларнинг яратувчи меҳнат эрлари»дан ва айни чоқда бу халқнинг «жанг-жўйлик қобилияти унинг яратувчи меҳнат қобилиятидан асло тубан эмас» эканлигини кўрсатувчи «Қуёш қораймас», «Олтин водийдан шабадалар», «Улуг йўл» каби яна қатор романлар, достонлар, шеърлар ижод этди. «Нур қидириб», «Даврим жароҳати» каби асарларида озодликка — нурга, адолатга, ҳақиқатга интилганларни тасвирлади, инсоннинг танасида жароҳат бўлиб турган босқинчилик уруши кулфатларини кўрсатди. Ойбек бутун онгли ҳаётини халқимиз ва жонажон партия-мизга бағишлаган эди. Халқимиз унинг номини ўз қалбининг тўрида сақлайди. Халқимиз бор экан, унинг сиймоси ҳам доим барҳаётдир.

1975 йил.

Поэтикага оид ишларимизда бир нотўғри анъана ҳукм суриб келади. Бу — бирор асардаги тасвирий воситаларни (айтайлик, эпитет, муболаға ёки метафора) ижодкорнинг ўзига хос услубидан мутлақо ажратиб олиб таҳлил қилишдир. Фалон шоирнинг шеърларида қуйидагича ажойиб ўхшатиш, оригинал метонимия ниҳоятда кўп учрайди, деган сийқа ва тутуруқсиз жумлани ишлатиш бир одатга айланиб кетди. Ҳатто, баъзан шу даражага ҳам бориладики, бир ёнга адабиёт назарияси китобини ёки бирорта адабий терминлар луғатини қўйиб олиб, шу терминларнинг ҳаммасига таҳлил қилинаётган мазкур асардан мисоллар қидириб топилади-да, бунини маҳорат ҳақидаги иш деб китобхонга ҳадя қилинади. Тўғри, бизнинг адабиёт назарияси дарсликларимизда тасвирий воситаларни конкрет бирор ижодкорнинг ўзига хос услубидан ажратиб текширилади. Бу йўл — методологик жиҳатдан умуман тўғри. Чунки адабиёт назарияси бадиий адабиётнинг умумий қонун-қоидаларини ва принципларини текширади. Бироқ конкрет бирор ижодкорнинг маҳоратини текширувчи олдида шу қонун-қоидалар ва принципларнинг қандай қўлланилиши ва ижодкорнинг ўзига хос услуби бу воситаларнинг қайси қирраларини очиб бериши ва ривожлантиришини ёритиб туради. Қайси тасвирий воситани қандай қўллаш шоирнинг дунёқараши, ғоясига, воқеликка ўзига хос муносабати; уни ўзига хос кўриши, идрок этиши, тушуниши ва тушунтириш услубига, бадиий тафаккурига, унинг лирик қаҳрамонининг, кечинма-образиининг хусусиятига, қисқаси шоирнинг ўзига хос услубига боғлиқ. Ҳақиқий санъаткор ҳеч вақт, мана шу жойда фалон

приёмга ёки фалон тасвирий воситага мурожаат эта-йин, деган ўйни ҳаёлига ҳам келтирмайди, аксинча ўз тафаккури, ғоявий нияти, ўз тушунчаси ва материалнинг тақозоси бўйича ўз баҳосини айтади, муносабатини билдиради. Ижодкорнинг руҳий олами ва дунёқараши қандай бўлса, уни илҳомлантирган ҳаётий воқелик ва мақсади, нияти, идеали қандай бўлса, тасвирий воситалари ҳам шундай бўлади.

Адабиётшунос А. В. Чичерин бу масалага тўхталиб, ҳақли равишда бундай деб ёзади: «...нутқ қурилишида, хусусан бирор нутқ бўлакларини қўллашда, эпитет, метафора, ўхшатишларда, синтаксиснинг турғун хусусиятларида — шуларнинг ҳаммасида авторнинг ҳаётни идрок этишидаги, инсонни ва жамиятни тушунишидаги ўзига хослик кўринади».¹

Машҳур олим Д. С. Лихачев ҳам «Ёзувчи томонидан қўлланган барча бадиий воситалар инсонни қандай тасвирлаши билан узвий алоқада бўлади дейди»².

Хўш, тасвирий воситалар тақдири санъаткор услубига боғлиқ экан, услубнинг ўзи нима?

Биз бу ерда услуб нима, деган саволга жавоб беришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўяётганимиз йўқ. Оригиналлик, новаторлик, қисқаси талантнинг белгиси ижодкорнинг ўз услубига эга ёки эга эмаслиги билан узвий боғланган экан, демак тасвирий воситаларнинг қудрати ва қимматини ҳам шу мезон билан ўлчамасдан иложимиз йўқ.

Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг инглиз публицисти ва файласуфи Томас Карлейль ҳақидаги «Карлейлнинг ғояси қандай бўлса, унинг услуби ҳам шундай»³, деган ажойиб сўзлари услубнинг асл моҳиятини тўла очиб беради. Гёте ҳам услубни ташқи белгилар билан эмас, балки асар ички мазмунининг «ички ҳаётининг мустаҳкам муҳри»да⁴ кўради. Услубнинг

¹ А. В. Чичерин. Идеи и стиль. Советский писатель, М., 1965, стр. 20.

² Д. С. Лихачев. Человек в литературе древней руси. М.—Л., изд. АН СССР. 1958, стр. 4.

³ К. Маркс и Ф. Энгельс. «Об искусстве», 1-том, М., 1957, стр. 462.

⁴ Гёте. X том, М., 1937, стр. 401.

ҳам ташқи, ҳам ички белгиларнинг чамбарчас бирикувидан вужудга келиши ҳақида немис олими Эльстер шундай таъкидлайди:

«Ҳақиқий услуб доим ички, лекин шу ерда биз фарқлаймиз: 1) Идрок этиш услуби ва 2) Ифода қилиш услуби. Идрок этиш услуби мазкур материални авторнинг қандай топиб олиши, қайта ишлаши ва бойитишида, ифода қилиш услуби авторнинг ўз ички дунёсини образлар ва формалар либосига қандай ўрашида намоён бўлади»¹.

Услубдаги икки муҳим — ички ва ташқи томон ҳақида гапиришимизда жон бор, албатта. Хусусан, бизнинг ўзбек адабиётшунослигимиз ва танқидчилигимизда, айниқса маҳорат масалаларига бағишланган айрим ишларда ёзувчи услубини фақат лингвистик планда текшириш йўлидан борилади. Бу ердаги нуқсон фақат тилни асар ғоясидан, ижодкорнинг эстетик идеалидан, сўзни эса асосий образлардан ажратиб таҳлил қилишдагина эмас, балки «ички услубни» тан олмасликда, санъаткорнинг гоёвий позицияси, асар темаси, образлари сюжет ва композициясидаги ўзига хосликдан вужудга келувчи услубнинг муҳим, ҳал қилувчи қиррасини эътибордан четда қолдирилишидадир. Танқидчилигимиздаги санъаткор ижодини ягона қолипда ўлчаш, беасос сайёҳ баҳолар, муштарак таърифлар билан тасвирлаш, бир хил схемада текшириш, бир хил масалаларни кўтариш ва бир хил «фазилят»ларни топиш каби иллатларнинг пайдо бўлиши илдизи ҳам худди шунга бориб тақалади.

Ижодкор услубини белгилашдаги яна бир ҳукм сураётган чалкашлик — бу услубни приёмлар такрори ва йиғиндисидан қидириш. Бундай позициядаги текширувчиларнинг назарича, услуб ижодкорнинг руҳий оламига, дунёқараши ва воқеликни тушунтиришдаги оригинал йўлига боғлиқ бўлмасдан, унинг адабиётда аввалги санъаткорлар томонидан яратилган приёмлар-

¹ О. Бургардт. Новые горизонты в области исследования поэтического стиля. (Принципы Э. Эльстера). Изд. И. И. Самоненко, Киев, — 1915, стр. 9. (О. Бургардт Эльстернинг 1911 йилда нашр қилинган «Prinzipien der Literaturwissenschaft» номли китобининг айнан таржимасини эмас, балки баёнини берган, баъзи ерларини русча мисоллар билан алмаштирган ва ўз номида нашр қилган).

ни ўзлаштириб олишига ва бундай приёмларни усталик билан қўллашида кўринар эмиш. Бу ерда услубни санъаткорнинг воқеликка эстетик муносабатидаги ўзига хосликдан келиб чиқишини инкор қилишдан ташқари, оригиналлик мезони ва традиция масаласи ҳам чалкаштириб юборилади, айтиш чоқда услубни тургун ҳодиса деб қаралади, ёзувчи ижодидаги ўз-ўзини қайтариш ҳодисасини бир иллат сифатида эмас, балки аксинча услубнинг асосий аломати тарзида ҳимоя қилинади.

Шу ўринда биз А. В. Чичериннинг қуйидаги муҳим фикрини жуда ўринли деб биламиз:

«Услуб,— деб уқтиради у,— «приёмлар йиғиндиси» эмас, ташқи форма эмас, балки дунёни шоирона идрок этиш ва шоирона образли фикрлашнинг энг муҳим хусусиятидир. Ёзувчи ҳар хил приёмлар билан ўқувчига таъсир этувчи шунчаки тажрибали уста эмас, йўқ — унинг ўзи шундай кўради, шундай ўйлайди, шундай ҳис этади ва унинг бошқача кўриши, ўйлаши ва ҳис этиши мумкин эмас, у фақат уни-буни, учинчи нарсани, яъни ўз услубини янада мукамаллик, янада баркамоллик даражасига етказиши мумкин, холос»¹.

«Услуб ҳақиқатан ҳам бадиий асар формаси бошланган жойдан, тасвирлаш ва ифодалашдан, образ тузилишидан «бошланади»,— деб ёзади А. Н. Соколов ўзининг «Услуб назарияси» китобида,— услуб бадиий қурилишнинг нормал элементларини бирлаштиради ва шундай қилиб, форма ва унинг элементлари даражасидан юқорига кўтарилади, услубий бирлик — бу энди шакл эмас, балки шаклнинг маъносидир. Услуб бадиий асарнинг формал ифодаловчи элементларини бирлаштирган ҳолда шаклни мазмун билан, ифодани ифодаланувчи билан боғлайди. Услуб санъаткор гоёси мужассамлашган бадиий материядан ташкил топади. Худди шу ерда услубнинг образли тафаккурга, дунёқарашга тубдан тобе — боғлиқ эканлиги кўринади. Агар услуб тасвирлаш, композиция, «тил», қандайдир образлар системасидан иборат бўлса, у тақдирда шу барча бадиий воситалар санъат асарида худди шу мазкур образли система ва шу образлар системасининг ўзи ёрда-

¹ А. В. Чичерин. Идеи и стиль. М., «Советский писатель», стр. 287.

мида ҳаётий ва ғоявий мазмунни гавдалантирувчи воситалардир. Услубий форма шу йўсинда ғоявий-бадий мазмунга хизмат этади. Санъатдаги ғоявийлик ва бадийликнинг органик бирлиги мана шундай юзага чиқади»¹.

Демак, услубни бадий асар тузилишининг барча элементлари — асарнинг ғоявий йўналиши — тематикаси, образлар системаси, сюжет — композицияси, тили — тасвирий воситалари, жанри ва методи билан ижодкорнинг ўзига хос шахсиятининг диалектик бирлиги белгилайди.

Демак, услуб тўғрисидаги мазкур мулоҳазалардан англашилиб турибдики, ижодкорнинг образлар системаси, тасвирий воситаларини унинг ўзига хос услубидан мутлақо ажратиб, таҳлил қилиб бўлмайди. Ижодкорнинг дунёқараши, ғояси, руҳий олами, эстетик идеали унинг ҳар бир образи, ҳар бир тасвирий воситасида намоён бўлади. Шунинг учун, айтайлик, ўхшатишми, метафорами, эпитет бўладими — буларга фақатгина ижодкор услубининг муҳим элементлари сифатида, индивидуал белги аломатлари тарзидагина қараш лозимдир.

Борди-ю Уйғун, Ойбек ёки Ғафур Ғуломнинг ижодига назар ташласак, уларнинг бадий фикрлаш хусусиятлари, Белинский ибораси билан айтганда, «нарсаларни тушуниш манералари» ва образлар системаси бир-биридан мутлақо фарқ қилиб туришини сезиш қийин эмас. Масалан, Уйғун янги, социалистик ҳаётимиз қирраларини ва янги — совет кишилари фазилатларини баҳор жилвалари, табиатнинг бой маъно, мазмуни, ранг-баранг либоси ва қилиқлари орқали кўради. Уйғун поэзиясида табиат гўё воқеликда содир бўлаётган улкан ўзгаришларнинг, одамларнинг руҳиясида юз бераётган янгиланишнинг бир ойнаи жаҳонига айланган. Тўғри, баҳор Уйғун шеъриятида ўсувчи образ, шунинг учун у гоҳ лирик қаҳрамон руҳиясидаги драматик ҳолатни янада кучайтириб кўрсатувчи ўткир контраст воситасига айланиб кетади (масалан, «Тутқун келинчак»даги каби), гоҳ қаҳрамон дунёсини очиб берувчи бир калит бўлади («Жонтемир»даги каби),

¹ А. Н. Соколов. Теория стиля. Изд. «Искусство». М., 1968, стр. 87.

гоҳ юксак фикрлар фазосига учиб ўтиш учун трамплин вазифасини ўтайди («Лолалар» каби), гоҳ халқ ғазаби ва курашини кўрсатувчи рамзли восита тимсолида кўринади («Партизан» каби)... Лекин баҳор образи қайси шаклда кўринмасин, қандай вазифани адо этмасин, бари бир у ҳар доим шоир учун замона сиймосидаги ўзгаришларнинг, она-Ватан либосидаги ранглар бойлиги ва товланишининг, янги инсон тугилаётган жараённинг ва айниқса шу совет кишиси руҳий оламининг кўзгуси вазифасини ўтайди. Бунинг боиси шундаки, Уйғун тасаввурида Октябрь социалистик революцияси совет халқи учун ҳақиқий баҳорни бошлаб берди. Шоирнинг жуда тўғри уқтиришича, худди шу улуг кундан бошлаб «халқ ҳаётида баҳор бошланди». Шоирнинг эътиқодича, инсоният орзу қилган баҳор — бу коммунизмдир, совет халқи барпо этган социалистик жамият эса, шу баҳорнинг, яъни коммунизмнинг «аввал баҳори»дир («Коммунизм гулбоғларига»). Уйғун ана шу халқ «ҳаётида бошланган баҳор»ни чизиб бериш учун эса ранг-баранг бўёқни шу табиатнинг ўзидан олади. Унинг бадий тафаккури ва образлар системасига табиатдаги барча ранг сингиб кетади: қизил, олтин, алвон, зар, яшил, кўк, ёқут, оқ, мрамор, кумуш, фируза, сабза. Аммо ҳамма ранглардан ҳам қизил, яшил ва оқ рангни севади. Қизилда озодлик, «янги дунё ғалабаси» рамзи бўлмиш қизил байроқни тасаввур қилади: «Кумуш қор кўйлакли тоғлар устига шуълардан олтин байроқ тикилди» («Баҳор тонгида»). Қизил байроқ эса инсониятнинг ўз озодлиги йўлида тўкилган қонидан бўлган. Шундай экан, шоир идрокида тарих босиб ўтган оғир йўлда беадад «қип-қизил қон тусли чечаклар» олами («Юрак тўлқинлари»), уруш йилларида эса юртимизда «қайтадан лола униши» («Лолалар») учун фашизмнинг тор-мор этилиши зарурлиги ғояси намоён бўлади. Қизил бўёқ, шунингдек баҳор келишини чизиб учун ишлатувчи, яшил ва мусаффоликни сурагга олувчи оқ бўёқлар безамин ва мустақил яшамайди: шоир поэтик арсеналида табиатнинг барча жисм, предметлари актив қатнашади ва улар бир-бири билан узвий ўзаро тақозода яшайди: гул бор экан, демак айна чоқда ҳид ҳам бор (Уйғун «атир» иборасини кўп ишлатади), гул бор экан унинг ошиги булбул ҳам бор, у тонгда сайрайди, тонг бўлгач, ошиқ

навосини маъшуқага етказувчи еллар ҳам бор, булар эса маълум макон ва фазо қўйнида содир бўлади. Шундай экан, шоир шеъриятида кўк (осмон маъносида), қуёш, ой, юлдуз, момагулдурак, тоғ, дарё, денгиз, дарахтлар, қор, ёмғир, майса, шудринг ва ҳоказоларнинг иштирок этиши табиий ва зарурий эди. Аммо бу предмет ва табиат қилиқлари қандайдир ўлик, ҳаракатсиз ва жонсиз предмет тарзида шеърга кирмайдди. Шоир инсоннинг фазилатларини уларга кўчириб, уларга жон киргизади. Шундай қилиб, Уйғун поэтикаси учун хос бўлган истиоранинг бир тури бўлмиш жонлантириш вужудга келади. Уйғун табиатдаги ҳар бир нарсани инсон каби ҳаракатга келтиради, кулдиради, ғам торттиради, йиғлатади, ғазаблантиради, кураштиради. Булар ўз ўрнида Уйғун шеърияти учун хос бўлган манзаралилик, воқеабандликни ҳам келтириб чиқаради. Мана, шоир ҳамма нарсага жон ато қилади:

Тонг қизи кулимсаб юзини очди,
Кўкдаги юлдузлар уялиб қочди...

(«Тонг»)

Елга ўпиш бериб шафтоли, терак
Нурдан рўмол ўраб, зар кўйлак кийди.

(«Баҳор тонгида»)

Ёки «ҳар оқшом фируза каби уфқлар зардан қулогига сирға тақади» («Тутқун келинчак»), «оғочлар ясар, қушлар чалар тор», «қуёш кулар» («Баҳор»), «кумуш чойшаб ёпиб лолалар қор қўйнида ухлаб ётади» («Оқ қирлар»). Ёки «Жонтемир»даги қуйидаги машҳур қуйма тасвир:

Қирчиллама шўх йигитлардай,
Пинак бузмай, чордона қуриб,
Кўк беқасам кийиб эгнига,
Оқ тагдўзи — кумуш дўпписин,
Чаккасига аста қўндириб,
Мўйлов бураб, жилмайиб тоғлар,
Балки йўлларига боққандир...

Сўнгги мисолдан маълум бўлиб турибдики, шоирнинг истиораси ҳам ўхшатиш ёки эпитетлари ҳам — ҳаммаси ўша табиат хазинасидан олингандир.

Шундай қилиб, Уйғунда табиат инсонга, инсон эса табиатга ўтиб туради, яъни шоир табиат орқали инсон юрагига кириб боради, инсон орқали эса табиат «қалби»ни очади, аммо пировардида иккаласи бир бўлиб совет кишисининг босиб ўтган улкан йўлини, унинг гўзал сиймосини акс эттиради, курашини кўрсатади, она-Ватан чиройининг бойиб бориш саҳифаларини намойиш қилади. Сўнгра Уйғуннинг тасвирий воситаларининг таркиби, хусусиятлари унинг классик поэзиямиз традицияларига жуда яқинлиги ва уларни ривожлантириш йўлидан борганлигини тасдиқлайди (масалан, машҳур «Сурат» шеърисидаги юзни ойга, қошни хилолга, сочни тунга, кўзни юлдузга, ёноқни лолага, лабни гунчага, тишни марваридга қиёс қилинишини эсласак кифоя).

Уйғун поэзиясида бундай ёрқин, ранг-баранг бўёқларнинг мустаҳкам ўрин олиши, шодлик, қувноқлик руҳининг уфуриб туриши, гўзал ҳаётимизнинг оташин меҳр билан тарона этилиши шоирнинг социалистик воқеалигимизга нисбатан тутган позициясига боғлиқ эди; у мамлакатимизда содир бўлаётган катта ўзгаришларни, социалистик ҳаёт нишонларини муҳаббат билан қарши олди, халқ қалбидаги шодлик туйғуларини юракдан тинглади, бугунги янгилик куртакларида гўзал эртани тасаввур қила олди. Уйғуннинг социалистик воқелигимизга эстетик муносабатидаги бу ёрқинлик ва ишонч унинг шеърларининг бутун жисмида, образлар системасида ҳам акс этган эди.

Айни чоқда Уйғун образларидаги бу ёрқинлик, сербўёқлик ва унинг лирик қаҳрамони кечинмасининг асил моҳиятини ташкил этган ҳаётбахш руҳ конкрет воқеликка, ҳаёт ҳақиқатига мос эди, бошқача айтганда, шоир образлари ва унинг шеърисининг бутун пафоси типик воқеликнинг инъикосидан иборат эди (дарвоқе, улуғ Октябрь халқ назарида инсоният ҳаётида бошланган баҳор эди).

Ҳақиқатан ҳам Ойбекнинг дастлабки шеърларидаги лирик қаҳрамон, унинг кечинмаси ва умуман Ойбекнинг воқеликни идрок этиш ҳамда ифодалаш услуби Уйғундан, ҳатто Ойбекнинг ўзининг кейинги даврдаги асарларидаги лирик қаҳрамонлари, бадий тафаккур услубидан фарқ қилади.

Ижодкорнинг воқеликка нисбатан ноаниқ, нотўғри

ғоявий позицияда туриши, сиёсий сезгирлигининг етишмаслиги, объектив ҳақиқатдан кўра ўзининг тор субъектив қарашларини ифодалашни уни ҳаётдаги ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва фалсафий масалаларни нотўғри баҳолашга олиб келади ва бадий тафаккурдаги бу мураккаблик унинг образлар системасида ҳам ўз муҳрини қолдиради. Мана, бундай мураккабликни Ойбек услубининг тараққиёт жараёнида кўриш мумкин. Ойбекнинг дастлабки бир қатор шеърларида танҳолик, тушкунлик, индивидуализм ва дард-ҳасрат туйғулари ҳукмронлик қилади. Унинг баъзи шеърларида «руҳида фиғонлар» бўлган лирик қаҳрамон гавдаланадики, у қайноқ ҳаётдан, меҳнат ва ижоддан чеккаларга чиқиб кетиб, якка яшашни истайди, ўзини куз япроқларига ўхшатади, руҳан эзилади, табиатга қараб созининг «синиқлиги» ва сўзининг нўноқлигидан нолийди. Унинг диққати кўпроқ ҳасрат, ҳазонлик ва қоронғилик томонда бўлади. Шоир шеърларида «ҳижронли шоир», «ҳижрон ўртаганида» «айрилиқ оташи», «кўнглимни қайғу олди», «лабимда ўтли оҳ», «ҳасратлар ютдим», «ичимда тўлди ҳасрат», «дардини туйдим», «боқдинг ҳасрат-ла» каби жумла-образлар туғилади. Ўзбек адабиётшунослигида образлар системасини ижодкорнинг ғоявий-эстетик кредосига узвий боғлаб текширишнинг ёрқин намунаси бўлган Ҳ. Ёқубовнинг «Ғоявийлик ва маҳорат» китобида Ойбек лирикасидаги юқоридаги тенденциялар ҳақида бундай дейилади: «Шоир сезгилари, ҳаяжонлари ва субъектив таассуротлари ташқи дунёдан, совет оламининг реал ҳақиқатидан узилиб қолади. Унинг индивидуал онги ойнасида турмуш воқеалари бузилган, айнитилган ҳолда акс этади, воқелик ўзининг ҳаққоний ифодасини топмайди, унинг узук-юлуқ парчалари эса субъектив тасаввурлар ва туйғулар гирдобига кўмилиб, бузиб кўрсатилади»¹.

Ҳ. Ёқубов ҳақди равишда «лирик қаҳрамон руҳидаги тушкунлик тил ва тасвирий воситаларни ҳам ғоят қашшоқлантириб қўйганини» таъкидлайди ва шоир ижодида адабиёт истеъмолидан чиққан сўзларнинг ншлатилиши (ҳузун, ҳафиф каби), истиора ва

¹ Ҳ. Ёқубов. Ғоявийлик ва маҳорат. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, 1963, 10-бет.

сифатлашларнинг маълум тор доирасидаги ва ўз руҳиясига мос сўзларнинг (гул, нагма, ой, юлдуз, ғам, сўлгин, кўз ёш, ваҳшат, оҳ, сиёҳ каби) ва мунгли эпитетларнинг (қонли ёш, сўлгин тилак, синиқ кўнгил, ўксиз қушга каби) қўлланиши боисини ҳам шунга боғлайди. Характерли томони шундаки, Ҳ. Ёқубовнинг тўғри уқтиришича, Ойбек шу даврда айна чоқда воқелигимиздаги революцион томонларни ифодаловчи қатор соғлом шеърлар ҳам яратди ва шоир ижодидаги бу «икки овозлилики» ўша вақтдаги «Ўзбекистон воқелигининг зиддиятли» бўлиши келтириб чиқарган эди. Ойбек тасаввурида ана шу мураккаб ҳаёт бир денгиздек бўлиб туюлади, ундаги катта ўзгаришлар, синфий кураш эса денгиздаги улкан тўлқинларни эслатади, дафъатан шоир қайси тўлқин қучоғига ўзини отишини билмай, танҳолик оғушида қолади. Кўп ўтмай, у социалистик ҳаёт тўлқинининг кучи ва моҳиятини чуқур англайди. Ва у очиқдан-очиқ айтдики, «курашади, икки тўлқин қараб турмайди!»—«Йўқ... болғалар, пўлат сафи ила бораман, ёнгин, кураш, жанглар сари кўкрак очаман» ва «буюк тўлқинга кириб кетаман». Ана энди шоирнинг бадиий тафаккурида «яна тоғдек тўлқин отди», «қизил тўлқин бугун тошар», «денгиздек тўлқин ур», «меҳнат тўлқини», «давримиз ёнгинлар, бўронлар даври», «оташлар қўйнида кўзимиз очдик», «кураш учқуни», «кураш майдони», «оташ эмганлар», «янги давр ёнар», «ёшлигимиз алангаси», «кўзда қуёш порлоқлиги», «биз жўшқин денгизи», «қуёш кирди ҳаёт ичига» каби революцион воқелик, қайноқ ҳаёт ва социализм ғояси учун актив кураш пафосини ифодаловчи образлар қайнаб тошади. Диққатга сазовор томони шундаки, «Ғоявийлик ва маҳорат» китоби авторининг кузатишича, ижодкорнинг аввалги образлари ёзувчининг ғоявий ўсиши — қайта қурилишдан кейин унинг поэтик ҳазинасидан чиқиб кетмайди, аксинча, янги йўналиш, янги маъно касб этиб, ўткир ифода воситасига айланади. (Масалан, қуёш, юлдуз, уфқ, баҳор...)

Санъаткорнинг тасвирий воситалари ва образлар системасининг тақдири, қудрати, моҳияти ва хусусиятининг унинг ўзига хос услубига боғлиқлиги ва айна чоқда услубининг ўзи ҳам ижодкор яшаган замона, воқеликка алоқадорлигини Ғафур Ғулом тимсолида янада муфассалроқ кўришимиз мумкин.

Кўтаринкилик, эҳтирослилик, қаҳрамонона руҳ, ҳаётбахш патетика, жанговар публицистик ва чуқур фалсафий йўналиш, воқеликни идрок этиш ва баҳолашда кенг кўламлилиқ Ғафур Ғулом услубига хосдир. Бир сўз билан айтганда, Ғафур Ғулом услуби лиро-патетик услубдир.

«Унинг лирикасида,— деб уқтиради Мақсуд Шайх-зода,— чинакам ҳаяжон билан мутафаккирона мулоҳазаларнинг, жўшқинлиқ билан майин руҳий кечинмаларнинг, газаб ва шафқатнинг, юмор билан рассомликнинг синтезини пайқаш қийин эмас»¹. Ғафур Ғулом бутун эътиборини замонанинг энг муҳим, қизғин ва революцион воқеаларини, аср оқимини акс эттиришга, шонли партиямиз ва қаҳрамон совет халқи босиб ўтган катта тарихий йўлни, халқ тақдиридаги кескин бурилиш нуқталарини ёритишга, инсонни ва унинг дўстлигини улуғлашга, социалистик ҳаётимиз ва одамлар онги қалбидаги коммунистик белгиларни, яъни воқелигимиздаги ижобий, ёрқин нарсаларни ҳимоя қилиб, тасдиқлаш ва қўллаб-қувватлашга, коммунизм ғоясини бор овоз билан тарғиб этишга ва янгилик ғовларини йўлдан дадил олиб ташлашга қаратди. Худди шулар Ғафур Ғулом учун воқеликни идрок этиш ва уни бадиий инъикос эттиришда ягона мезон бўлди, бошқача айтганда, унинг ғоявий-эстетик эътиқодига айланиб кетди. Шоир ўз қалбини «замона кўзғуси»нинг «ҳақдоний тарихчиси» деб таъкидлар экан, бунда у сўзсиз ҳақ эди. Айни чоқда, бу кўзгунинг марказида социалистик воқелигимизнинг мардона қадами, совет кишисининг қаҳрамонона фаолияти ва унинг ўз бахтидан қонуний ғурурланиши — завқини акс эттириш турди. Ғафур Ғуломнинг ўзи гурур билан «ўз халқимнинг фақат бахтини ва бепоён Ватанининг истиқбол нашидасини ёзаман», «Мен зафарларингизни куйлагувчи шоирингизман» деб таъкидлайди. Ҳатто шоир ҳайқириб айтадики:

...Чалайлик, гурур билан
Дунё томида
Ғалаба наърасин.

(«Текстилькомбинат ва Миср эҳроми»)

¹ Ғафур Ғулом. Асарлар, 1-том, 1964, 10-бет.

Бу туйғу шоир бадий тафаккурининг қон-қонига сингиб кетган. Қаранг: «Бу қалам саодат таржимонидир» («Ақл ва қалам»). «Меҳнатни якунлар шонли дамларнинг завқини ҳозирдан куйлайди оқин» («Бу куннинг чақириғи»), «Ҳаёт кўркемлигини шеъримда қайд этмоққа каттакон юрак керак», «Шунчалик улугликнинг шарҳини ёзмоқ учун...» («Қутлуғ шеър»), «Сени мақтамоқ учун умрим тонг отар бўлса...» («Тошкент»), «Совет илму фанига «Манас»дай қасида оз» («Коммунистик иродаси кўкни ерга туширди»), «Ўн саккиз ёшдаги илк муҳаббатдай сенга қасидалар ёзмайин нечун», «ҳали мақтовларим қилажак давом» («Наманган учун»), «Шундай азиз, тинч, бешикаст улуг айёмни мақтамоққа бағрим тўла талай сўзим бор» («Май саломи»). Ҳатто шоир ўз касбдошларига мурожаат этиб, уларни халқ бахт-саодати ва истиқболини куйлашга даъват этади:

Халқнинг манфаатин кўзлай олмасанг,
Ватан саодатин ўзлай олмасанг,
Таржимон тилингнинг лол ўлгани хуш —
Хуррият мазмунин англай олмасанг:
(«Ақл ва қалам»)

Ғафур Ғулом баъзан «достон» сўзини ҳам мақташ, ғалабаларни куйлаш мазмунида қўллайди. «Кўкан» поэмасида Кўкан шоирга ёзган мактубида колхоз туфайли вужудга келган — гуркираган «сўлим турмуш» тўғрисида ёзиб туриб, «тағин, қайдам, достонга не керак экан», дейди. Бу ерда достоннинг тўғри, жанр (поэма) маъносидан ташқари ғалабани куйлаш, мақташ деган тушунча ҳам бор (зотан, куйлаш поэма жанрининг туб фазилати ҳам). Ёки «Ёз боши» шеърисида баҳор неъматларини куйлар экан, «Бир кичик ғазал эди ниятим чаман бўлиб, битта-биттадан тотдим, дуб-дуруст достон бўлди», деб ёзади. Ёки:

Ғунчалар улканлиги ўрдак тухуми буткул,
Бу гулларга ғазалмас достон ўқиш мумкин.
(«Мирзачўл гулдастаси»)

Кўриниб турибдики, «достон ўқиш»да ҳам куйлаш, мадҳ этиш маъноси биринчи ўринда турибди.

Демак, шоир галабаларни, ҳаёт шавқи, халқ завқи ва ғурурини ифодалашни ният қилган экан, унга мос руҳда, оҳангда, шаклда куйлаши керак.

«Шоирнинг ҳаёлига келиб, зеҳнида шаклланиб, тафаккурида камолотга етиб қоғозга тушишига мунтазир бўлган сюжет ўз мазмунига ярашур шаклини топиши керак,— дейди Ғафур Ғуломнинг ўзи.— Катта шоир бўлиш, аммо катта меъмор бўлмаслик мумкин, яъни чиройли бир мазмунга муносиб шакл танлаб, чайлага ипак гилам ёзгандай қилиб қўйиш мумкин ёки яйлоққа гул ўтқазиш ҳам зайлидандир. Ёхуд худди ана шунинг буткул аксича, ажойиб, нафис шаклга ғариб мазмун сигдирилса, бу энди биллурдан кулдонун олтиндан белкурак ясаш қабилида бўлиб қолади.

Мотам вазнида «гулёр» айтиб бўлмаганидай, «суворий» чалинганда йиғланмайди. Бу деган сўз — айтилмоқчи бўлган мазмунга муносиб ифода ва шакл танлаш зарур демакдир»¹.

Дарҳақиқат Ғафур Ғулом социалистик жамиятнинг мўъжизалари, турмушнинг қизгин воқеалари, халқнинг зафарли ҳаёти ва янги, совет кишинининг ғурури ҳақида ёзар экан, ўз созиғи сокин, мунгли ёки лоқайд оҳангга созлай олмас эди, аксинча, кўтаринкилик, эҳтирос, завқ-шавқ билан, бутун қалби, оташин муҳаббати билан куйлаши турган гап эди. Ҳақиқатан ҳам у, «севилиб-қувониб шеър айтмоқ бўлса, мисрага халқнинг иқболи» келади («Кўклам тонг отари»). Шу халқ зафари ва шодлигини «куйлаш уни роҳатлантиради» («Тўй»). Шунинг учун уларни «юрагидан ҳайқариб» шундай куйлайдики, унинг зарби «уфқларни титратган гулдурос товушга тенг» келади («Самад Вурғунга»). Шоир эътиқодича, руҳий кўтаринкилик, мусаффолик, ёруғлик ва кучли ҳарорат билан ҳам боғлиқ. Шоир қандай бўлмасин «шеър сатрлари нур — офтобдай» ёниб туришини истайди («Кулол ва заргар»). Бунинг учун эса нурдан қилинган қаламда, яъни «қуёшнинг тиғидай олтин қалам-ла» ёзмоқ лозим бўлади («Ленин авлоди қутлайди»). Буларнинг ўзи ҳам ҳали етарли эмас. Ёрқин, оташнафас шеър битмоқ учун ижодкорнинг қалби соф, ҳақгўй бўлиши, у халқ ютуғи, завқидан қувона билиши лозим: «Бағирлар қуёшга

¹ «Шарқ юлдузи», 1966, № 10, 160-бет.

тўлиқ кунларнинг қалбидай рост бўлсин, ярқироқ бўлсин» («Кулол ва заргар»). Ғафур Ғулом ўз ижодининг мана шундай мусаффо, ёқимли, шўх ва эҳтиросли бўлганлигидан қонуний ғурурланади ва юраги таскин топади:

Пайти келди энди қилсам сарҳисоб:
Нималар ёзибман, нима куйлабман,
Тонглар жилосидай уфқимга зийнат.
Жилғала ранг олди ўйноқ дилимдан,
Покиза шеърлар оқмиш тилимдан.
(«Сарҳисоб»)

Демак, Ғафур Ғулом бир томондан социалистик ҳаётимиздаги революцион воқеалар, катта ўзгаришлардан кучли ҳаяжонга тушса, чексиз қувонса, ғурури қайнаб тошса ва булар унинг поэзиясида кўтаринки руҳни вужудга келтирса, иккинчи томондан шоир шу ўзгаришлар бўронида янада порлоқ эртанги кунга парвоз қила билди, ана ўшаларда ва «тасаввур ойинасида ҳозироқ» келажакнинг реал куртакларини равшан кўра олди ва шу ижтимоий ўзгаришларни, тугилаётган ижобий жиҳатларни эртанги кун нуқтаи назаридан туриб тўла, қабартириб, қуюлтириб тасвирлайди. Хатто шоирнинг ўзи «баъзида мутлақо бўлажак ишни шундай бўлади, деб қилгум каромат» дейдики («Икки Шарқ»), Ғафур Ғуломдаги бу ижодий принцип унинг асарларида романтик элементларни, романтик руҳни вужудга келтирган. Самад Бургун ибораси билан айтганда, «ижодий табиатида романтика руҳи бўлган шоир»¹лардан бири Ғафур Ғуломдир.

Дарвоқе, Самад Бургун совет ёзувчиларининг Бутуниттифоқ иккинчи съездида қилган қўшимча докладида романтика совет адабиёти ва санъати учун бегона нарсა эмаслигини уқтириб, романтика тушунчаси остида «воқелигимизнинг энг революцион ва қаҳрамонона томонларини қамраб олган ҳолда уни реалистик кўрсатишни, буюк коммунистик истиқболларимизда жўшқин ҳақиқатимизни, интилишларимизни кўрсатишни»² ҳимоя қилади.

¹ «Шарқ юлдузи», 1955, № 4, 101-бет.

² Ўша журнал, 100-бет.

Самад Вургуннинг романтик шоир ўз асарига реал ҳодисаларни, реал инсоний характерлар ва образларни асос қилиб олиб, буларни баланд руҳ билан, энг ёрқин бўёқлар билан тасвирлайди, куйлайди..., ҳаётдаги ижобий нарсаларни атайлаб бўрттириб кўрсатади, кўпинча «одатдан ташқари воқеаларга, баъзида эса фавқулодда характерларга, воқеаларга, фактларга мурожаат қилади; у келажакни тезроқ кўришга, уни тезроқ қамраб олишга, эртанги кунга тезроқ етиб олишга интилади»¹ деган сўзлари айниқса эътиборга лойиқдир.

Ҳақиқатан ҳам Ғафур Ғулом воқеликдаги катта, қизғин ва революцион воқеаларга, ёрқин ҳодисаларга диққат қилади, ундаги янгилик куртакларини, коммунистик белгиларни астойдил тасдиқлайди, унинг илҳом уфқи — фантазияси ниҳоятда кенг, у ҳаётдаги майда нарсалар билан ўралашиб қолмайди ва ҳатто шу майда нарсалар асосида ҳам юқорига кўтарила олади, янги инсоннинг мураккаб ва бой руҳий олами, юксак орзусини, коммунистик идеал учун интилиши, курашини эҳтирос ва самимият билан куйлайди, унинг порлоқ эртасини ишонч билан тасвирлайди. Буларни юксак фикр ва туйгулар, кескин контрастлар, қутилмаган образлар ва муболағалар, қабарик ва ёрқин бўёқлар орқали ифодалайди. Шоир услубидаги бу қирра тўғрисида Ҳ. Ёқубов ҳақли равишда қуйидагича ёзади: «Социалистик реализмнинг таркибий қисми бўлган революцион романтика кўпинча тилнинг тасвирий воситаларидан бири бўлган муболаға приёмида очиқ кўринади. Умуман Ғафур Ғуломнинг тасвирий воситалари проблемасида бўёқни қуюлтириш усуллари билан бири муболағадир. У ишлатган муболағалар характери классик поэзия традициясидан кўра кўпроқ унинг Маяковский изидан борганлигини исбот қилади. Чунки унинг муболағалари революцион романтика, келажак куртакларини олдиндан кўриш, совет халқининг куч-қудрати имкониятларини намоён қилиш билан боғлиқдир»².

Бу ўринда адабиётшунос В. Р. Шчербинанинг «Совет поэзиясида В. Маяковский, Н. Асеев, Е. Чаренц,

¹ Уша жой.

² Ҳ. Ёқубов, Ғафур Ғулом. Ўзадабийнашр, 1959, 117-бет.

П. Тичина, Ғ. Ғулом, Чарот ва ёш авлодга мансуб бир-мунча бошқа шоирларда ўзининг ёрқин ифодасини топган муболагали шартли формаларга мойил стилистик чизиқни ҳам белгилаш мумкин»¹, деган фикри ҳам эътиборга лойиқдир.

Ғафур Ғулом ижодида кўтаринкилик, кучли эҳтирос, нотиқлик, фалсафийлик ва патетика, романтикага мойилликнинг туғилиши сабаби бор, албатта. У ҳақиқатан ҳам социализм «даврининг ўғли» эди, уни шу «давр қучоғида ўстирди» («Янги ишқ»). «Мана тайёр бир кадр» деган шоир ўзини мамлакатимиздаги барча ўзгаришларнинг, қурилишларнинг иштирокчиси, шоҳиди деб билар эди. Юракдан ўз ёзувчилик «тилини бурро қилган» халқни ва шу қайноқ «даврни севди». Ўз тилида халқнинг дилини, юксак ниятини, кўтаринки руҳини ифодалайди. Антик дунё ёдгорликларидан бўлган ва номаълум автор томонидан ёзилган «Кўтаринкилик ҳақида» китобида кўтаринкиликнинг бош сабаби инсон ақлининг эркинлигига боғлиқ, деган ғоя олга сурилади. Унда «инсон учун ҳар қандай қуллик худди инсон қалби қамалган зиндон — қутидир», деган тезисдан келиб чиқилиб, шундай таъкидланади:

«...Ўзининг бутун ҳаёти давомида қуллик фикрлари билан яшаган, нигоҳини қуйига йўналтирган кишилар ҳеч қачон ҳайратда қолдирадиган ва таъсирли бирор нарса ярата олмайдилар, чунки улар нияти тубан ва оддийдир; одатда кимнинг фикри кучли ва сермазмун бўлса, унинг нутқи улугвор бўлади. Кўтаринкиликка эга, фикр образи ўзи юксак бўлган одамларгина худди шундайди»².

Ғафур Ғулом ёки тўғрироғи, бутун ўзбек совет поэзиясининг завқ-шавққа, кўтаринки руҳга тўлиб-топиши ҳамда классик поэзиямизда ғам-ғусса ҳокимлик қилишининг сабаби ҳам ҳақиқатда шунда эди. Ғафур Ғуломнинг қадрдон дўсти Николай Тихонов унинг услуби тўғрисида мулоҳаза юритар экан, юқоридаги тезисни тасдиқловчи фикрни айтади:

«Шарқ азалдан ўз куйчилари билан машҳур. Уларнинг ҳар бири халқ хотирасида узоқ вақт сақланиб

¹ Художественный метод и творческая индивидуальность писателя. Изд. «Наука», М., 1964, стр. 235.

² О возвышенном. Изд. «Наука», М.—Л., 1966, стр. 18.

қолган ўз овозига эга. Аммо бурунги куйчилар машаққатли, ғуссали замонларда яшардилар. Кўпларнинг уқубатдан қадлари букик эди. Аксари қувноқ тарона ўрнига дудоқларидан фарёд қўшиқлари учарди.

Революциягача бўлган тун зулматини ҳам, оташин революция қуёшининг нурафшон шафагини ҳам, буюк халқнинг меҳнати ва жасоратини ҳам ўз кўзи билан кўриб ҳис этган севикли дўстимиз Ғафур Ғуломнинг овози, унинг латиф ва шиддаткор, жонли ва равон шеърларининг овози ўтмиш устидан ғалабадан, инсоннинг равнақидан, ҳаёт суруридан, бахтли авлоднинг истиқболи учун курашдан шаҳодат беради...

...У ҳамма ёқда машҳур, ҳаммага ардоқли бўлиб қолди, аммо шу билан бирга, инсон қалби чуқур ҳисларининг фусункор куйчисилигича қолди. Унинг қўшиқлари даъват этади, ҳаяжонлантиради, таскин беради, муҳаббатни куйлайди ва бирдан бутунлай бошқа садога айлангандек инсонга ёт нарсаларнинг барчасига қарши нафрат хитобларидек янграйди, жасоратга даъват этиб жанговар карнайдек ҳайқиради, гоҳо эса қўшиқ осойишта бог сукунатида яна латиф ва теран руҳ касб этиб, чаманларни гулга буркайди, ёш анорларнинг ёноқларига заррин ой нуқрасидек заррин сайқал беради, мириқиб меҳнат қилган далалару боглар миришкорининг вужудига ором бағишлайди»¹.

Мана бу мулоҳазалардан Ғафур Ғулом услубининг туб моҳияти анча ойдинлашади. Энди эътиборни шоир услубининг унинг тасвирий воситаларида, образлар системасида қандай зуҳр этилишига қаратамиз.

Ғафур Ғулом ижодининг кўтаринкилиги ва чуқур оптимизми энг аввало унинг рангларга бўлган муносабатида ошкор бўлади. У дунёни, ҳаётни яхлитлигича кўради ва ҳис этади. У табиатдаги етти рангнинг ҳақиқий ошиғидир. Унинг «илҳомининг уфқида етти ранг» доим жило бериб туради («Мирзачўл гулдастаси»). Шоир «ҳақиқий ҳафтранг»ни кўрган чоғда, «О, ранглар!» деб беқиёс шодланади («Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак»). Аммо бу замон ва макондан холи, қандайдир муаллақ турувчи ранглар эмас, балки она-Ватан жамолининг товланишидир. Ҳатто шоир кўзига она юртнинг — «бу чаманнинг гулларида минг-

¹ «Шарқ юлдузи», 1963, № 5, 5-бет.

та ранг оқиб» киради («Чаман»). Шоир учун юрт жамоли жанговар дostonдек туюлади:

Манглайга қўл қўйиб қирга тикилсанг,
Йироқлар минг варақ жанговар дoston.
Малла ер, кўк осмон сидирга юз ранг,
Ям-яшил, қип-қизил, пуштигул бўстон.
(«Умид кўклами»)

Хатто шоир юрт кишиларини ҳам «етти ранг товланган қуёш қаби пок» ҳолда кўради («Севсам севибман-а»). Уларнинг шодлиги гўё «атласнинг жилоланиши»га ўхшайди («Ипакчи қизларга май саломи»). Шундай экан, табиат ҳам бу Ватан ва унинг одамларининг гўзаллиги олдида мот бўлади. «Қуёш ҳам қойил бўлиб етказа олмай қолди ранг» («Улуг пойтахт») ва «камалак сингари етти товланиб бу ерга салом» беради («Янгиерда байрам»). Аммо Ғафур Ғуллом учун ҳамма ранг бир хил қимматга эга эмас. У «ранг танлашда капалак бўлиб кетади» («Гулхона»). Шоир қизил ва кумуш рангни ниҳоятда севади («алвон, гулгун, лола, шафақ, қуёш, машғал, пушти, кумуш, оппоқ, тонг» ва ҳоказо). Кумуш рангни севишига сабаб, бунда шоир мусаффолик, ёрқинликни ҳис қилади:

Жуфт-жуфт йигит-қизлар юзидаги ранг
Янги йил тонгидай кўркам, бегубор.
(«Ғурур ва қудрат тонгида»)

Қизил рангга ёрқинликдан ташқари ҳароратни ҳам назарда тутати. Унинг лирик қаҳрамонининг «қалби устида қуёш яширинган» бўлади («Янгиерда байрам»), унинг «фикри қуёшдан нур олган ойдек ярқироқ» («Виждон ҳурмати»), «Чеҳраси офтоб»дек ҳароратли («Икки миллион»). Аммо табиат ва одамдаги ранг бир-биридан узилган ҳолда, бири бирига таъсир қилмасдан яшамайди. Шоир қуёшнинг ер юзи рангини ўзгартиришини эътибордан қолдирмайди. Бироқ бу масалада ҳам шоир ўзининг эстетик идеали нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қуёшнинг гўзаллик, бахт ва шодлик келтирувчи қудратини кўради. У «уфқ минбарида пушти ранг кулгу яратади («Олмосни уйғотинг»),

«колхоз боғини лола ранг, хушбўй қилади» («Ёз»). Лекин совет кишиси қуёш, табиатдан қудратлироқдир, уста меъмор санъаткордир. Ўзбек халқи ўз юртини шундай безаганки, қуёш ҳам, кўк ҳам, фазо ҳам, олам ҳам гўзалликни шу юртдан олади. «Беқасам жилоси рангини шу буюк фазо тўғри Тошкентдан олар» («Тошкент»). Ёки:

Биз шоҳи танданинг нақшини чизгач,
Нилий ранг кўк ундан топади жамол.
Тўқув тарихимиз билмоқчи бўлсанг,
Хон атлас қатларин ўзи бир китоб,
Дарё жилоси-ла товланади ранг,
Алвон шуъласи-ла шогирд офтоб.
(«Фарғона учун»)

Бу ерда қандайдир ортиқча ғурур ёки мақтаниш йўқ. Шоир дунёдаги ранглар тўғрисида фикр қилар экан, ўша ҳамма ранглар жамулжамини ўз юртида кўради, шоирона парвоз билан мамлакатимиз бойлиги ва гўзаллигини таъкидлайди.

Дарвоқе, шоир рангни энг аввало Ватан, мамлакат, халқ тақдири билан боғлайди. Ғафур Ғуломнинг ёрқин рангларни севишининг боиси ҳам халқнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига бориб тақалади. У «камалакнинг товланиши нур баҳсидан ҳикоя» («Биринчи шеър»), деб рангларнинг вужудга келишини илмий асосда туриб изоҳлар экан, бу фалсафий хулосани ижтимоий ҳаётга татбиқ этади. Қуллик жамиятида, одамни одам томонидан эзадиган жамиятда оддий инсон учун ёруғлик йўқ, ёрқин ранглар бегона, унинг учун ҳаёт ҳазинлик ва қоронғиликдан иборатдир. Шоир бу «зулмат кечалар»ни ҳеч қачон эсидан чиқармайди («Виждон ҳурмати»).

Етим қулогимда ҳали жаранглар
Бизнинг қишлоқдаги ҳазин овозлар.
Кўзим ўнгидадир униққан ранглар,
Инградди чарху дуг, зиғир жувозлар.
(«Туз ҳақи»)

Улуғ Октябрь туфайли бу «униққан ранглар» ўрнига «алвон ранг тонг отади, бахт тонги» отади («Ҳам-

за театрига»). Шундай қилиб, шоир поэзиясида алвон (ёки қуёш) ва тонғотар образи туғилади.

Ғафур Ғулом ўз асарларида бу ёрқин ранглар тақдирининг коммунистик партиямиз, улуғ Ленин, социалистик тузум ва улуғ рус халқига боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлайди. У «Ленин учун» шеърида «ВКП(б) байроғи, яъни сенинг байроғинг, шафақ ранг шуъласи-ла ерни нурга ғарқ» қилди деб таъкидлайди. Ёки «Ассалом» шеърида бу фикрни ривожлантириб шундай ёзади:

Москва бўлмасайди, ҳар субҳидамда
Ҳеч ким ўз боғидан гул узолмасди,
Ватан гулшанидан бизга насиба
Рангу ҳид қаёқда, тикан бас эди.

Ғафур Ғуломнинг кўп шеърида ранг образли учраса-да, ҳар бирида ўзининг янги қирраси билан гавдаланади. Бу образга шоирнинг ҳар сафар ўз гоёвий нияти ва асар мазмуни, унинг йўналиши нуқтаи назаридан ёндашиши «Поль Робсонга» асарида ҳам намоён бўлган. «Мен яҳудий» шеъри билан ҳамонанг бўлган бу шеърда шоир бутун инсонларни ранг-ирқидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидир, деган гоёни олга суриб, негр халқини ҳимоя қилар экан, шеърдаги асосий образ учун хизмат қилувчи образга — ранг образига мурожаат этади:

Ердаги неъматлардан маҳрум қила олмағай,
Оқ, сариқ, қизил, қора бадаандаги жило ранг.
Ер юзи инсонники, уйи ҳам гўри шунда,
Янкилар фалсафаси Геббельсдан мерос найранг.

Кўриниб турибдики, ранг образи негр халқи тўғрисидаги фашистларча фалсафани фаш қилиш учун ва умуман шоирнинг халқлар ҳуқуқи тўғрисидаги қарашлари катта поэтик умумлаштириш даражасига кўтарилиши учун ўз улушини қўшган.

Ғафур Ғулом ранг образини изчил равишда халқлар тақдири билан боғлаб борди. У «байрам тонгида озод эллар байроғининг лола ранг тўлқинини» кўрар экан («Тошкент пахтакорларига байрам қутлови»), булар ичида ўзбек халқининг ҳам ҳиссаси борлигини ғурур билан эслатади:

Пахтадан тўқилган байроқ Шарқимга
Қизил ранг билан кўкда бегубор.
(«Тонг отди»)

Мана шундай қилиб, ранг образи Ғафур Ғулом учун халқ тақдири, йўли, унинг бахти ва она-Ватан ғўзаллигини ҳис эттириш, унинг замон ва халқлар тақдири ҳақидаги қарашларини ифодалаш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Ғафур Ғуломнинг поэтик нигоҳи ҳам узоқ ва кенг масофага йўналтирилган. Шоир ер курраси, чексиз фазо бўйлаб фикран парвоз қилиш, узоқ ўтмиш ёки келажакни хаёл ойнасида равшан кўриб туриш қобилиятига эга эди. Унингча, шеърияти бир қайиқ бўлса, дунё — денгиздир, ўзи эса сайёҳдир: «Минг йилларни кезардим газаллар кемасида, қалбимни иситарди Шарқимиз офтоби» («Ливан омон бўлади»). Шоирнинг фикр парвози ниҳоясиз масофа ва катталиқни қамраб олса-да ва ҳатто ер шари унинг учун «бир нўхат» ёки «титраб қалқиб турувчи бир қатра симоб» бўлиб туюлса-да, бу ерда ҳеч қандай ғайри-табиийлик, хом-хаёл, фантастика йўқ. Инсон тафаккури, учқур хаёли ва мушоҳадасининг қулочи ва қудратининг ниҳоятда катта, беқиёслигига асосланади шоир:

Булбулнинг кўзидай ноль тўгаракка
Бир бутун коинот сиға қолади,
Қуёш,
 юлдузлар
 юз Галактика.
Саноқсиз сайёра,
 Сомон йўли ҳам...
Инсонга ярашиқ, эзгу юракка
Абадий безакдек сиға олади.
(«Инсоният прогаммаси»)

Ғафур Ғуломни қизиқтирган нарса шу қадар кенг, узоқ масофалар, тарихлар экан, демак ундаги бу фазовий фантазия ўз ўрнида образларнинг қудратли, улкан ва сермазмун бўлишини тақозо қилади. Шундай қилиб, унинг образлар системасидан Галактика Сомон йўли, қуёш, юлдуз, Қамар, Аторуд, Зухро, Муштарий,

Дубби Акбар, яшин, фазо, осмон, ер шари, қитъа, океан, денгиз, дарё, вулқон, тўфон, бўрон, зилзила, қуюн, ўт, сув, тоғ, қоя, чинор, фил, арслон, атом, водород каби табиатнинг улкан ҳодиса, жисм ва ҳайвонлари мустаҳкам ўрин олади. Шундай қилиб, ижтимоий жамият тараққиётидаги улуғ тарихий воқеа-ҳодиса ва тарихий шахслар шоир ижодхонасида образга айланади (Миср эҳромлари, Монте-Карло ороли, Бобил қалъаси, Диана ибодатхонаси, Тожмаҳал мақбараси; Хом, Сом, Ёфаст афсонаси; Наполеоннинг Москвадан қочиши, Робинзон, Нибелунги, Сиёвуш каби китобий қаҳрамонлар, Герострат, Розенберг Чемберлен, Гитлер ва ҳоказо). Шоир тарих саҳифаларини варақлаб, табиат ҳодисаларини синчиклаб кузатиб, улуғликни, гўзалликни тасдиқлаш, кўрсатиш учун ҳам, маразликни фош этиш учун ҳам кучли деталларни топа олади.

Бу «материаллар»дан тайёрланган образлар социалистик ҳаётимизни, совет кишилари меҳнатини улуғлаш, улар қудратини кўрсатиш учун хизмат қилади. Айтайлик, Ғафур Ғулом ҳаётимизни қабарик, ёрқин образларда — муболағали оҳангда тасвирлар экан, бунда у реал ҳақиқатдан чекинмайди. Шоир халқимиз ҳаётидаги буюк бурилиш нуқталарини, совет кишиларидаги янги кишига хос фазилатларни кўрсатганда уларни айнан шундайлигича тасвирламайди, балки уларнинг эртасини ҳам, ўзининг улар ҳақидаги фикри, истак-орзуларини ҳам қўшиб тасвирлайди. Лекин шоирнинг бу муболағалари янгиликнинг моҳиятини, ҳақиқатни ва халқнинг руҳини шундай тўғри, ишонтирарли ифодалайдики, натижада унинг муболағалари сезилмайди — табиийдек туюлади. Бунинг боиси шундаки, «Кўтаринкилик ҳақида» китобида таъкидланганидек, «ёзувчи кучли ҳаяжонланиш таъсирида муболағага мурожаат этади ва булар унда тасвирланаётган нарсанинг улуғворлиги билан ҳамоҳанг жараанглайди»¹.

Ҳақиқатан ҳам «Ватанимиз бахти учун тўкилган тернинг ҳар дуридан Аторуд юлдузи кичик» («Меҳнат ва ҳурмат») ёки «Бахтингиз қолмасин деб зулмат кўланкасида, дарё-дарё қон тўкиб, бу кунни келтирган-

¹ О возвышенном. Изд. «Наука», М.—Л., 1966, стр. 68.

миз» («Чин арафа») дейилганда бор гап катта меҳнат, оғир кураш эвазига келган ютуқ, бахт айтилмоқда. Ёки шоирнинг «Чалишмак мезонин ботмонларидан юлдуз сон қанорлар тўлди оқибат» («Куз келди»), муболагасида гайри табиийлик йўқ. Шоирнинг кўтаринки кайфияти халқ руҳини ифодалайди.

Ғафур Ғулом халқ руҳи, кайфиятидаги кўтаринкиликни ҳам социалистик турмуш завқининг акси садо-си сифатида ифодалайди: булар «сўзлаганда кўк гум-бурлайди» («Диктатура»), «Шарафли меҳнатининг шавқи-ғурури ҳатто сигмай қолди бу жаҳон ичра» («Озарбайжонлик пахтакор қардошларга»). Шоирнинг бундай образлари ҳаёт, ёшлик романтикасининг ифо-дачисига айланади:

Бир бомба шўхлиги кўзларимизда,
Чақин чақар эди товонларимиздан,
Қуёш ўзин кўриб юзларимизда
Олов исинарди шўх жонимиздан.
(«Қўлмас»)

Ғафур Ғулом поэзиясида муболаганинг бошқа тури, унинг ўзига хос образли тафаккури туфайли майдон-га келган тури ҳам бор. Тўғрироғи, бу — классик поэ-зиямиздаги таносиб — жамлаш санъатининг бир тури-га мансуб санъатдир¹. Борди-ю, Ғафур Ғулом юқорида кўргазганимиз каби муболагаларда тасвирлаётган объектининг моҳиятини очиш ва унга бўлган ўзининг субъектив қарашларини мукамал ифодалаш учун кўпроқ табиат ҳодисаларини образли восита сифатида ишлатса, бу жамлаш санъатида қабарлиқли, кенг ва умумлашма образ материалларини кўпроқ ижтимоий ҳаётдан олади; шоир турмушдаги реал ва бир-бирига яқин факт, тушунча, деталларни бир ерга жамлаш эвазига ўз ғоявий ниятига етади. Ғафур Ғулом «Турк-сиб йўлларида» йўл баҳонасида ўтмишга саёҳат қилар экан, шу «қадим йўллар»дан юриб халқни эзган, унга кулфат келтирган босқинчиларнинг ҳаммаси кўз ол-

¹ Қаранг:; Мақсуд Шайхзода. Устоднинг санъатхона-сида... «Шарқ юлдузи», 1966, № 5, (Ғ. Ғуломда таносиб санъат-нинг ҳамма турига гўзал намуналар бўлса-да, биз унинг биттасига тўхтаймиз, чунки бу Ғафур Ғуломда санъат даражасига кўтари-ган ва биз олға сураётган фикрни тасдиқлайди).

дига келади, агар шеърда уларнинг исмини айтмаса конкретлик ўрнини умумийлик, далилсиз даъво эгаллаб қолиши мумкин, бирортасини тилга олиб чегараланай деса, уларнинг зулм-золимлиги, таловчи ва вайронгарчилиги бир-биридан ёмон. Шоир ҳаёт ҳақиқатини тўғри очиб беришга мажбур бўлади. Шунинг учун у типиклаштиришнинг ҳалиги жамлаш усулига мурожаат қилади ва ёзади:

Бу йўллар

кўп қадим йўллардир...

Жаҳоннинг фотиҳи Искандар,,

Рум қайсари,

қотил Чингиз,

Боту, Жўжи,

Темурланг

қолдириб қимсасиз из,

Чиндан мўғул ўчи

борлиқни жонлига қилиб танг

—Қон,— дея,

— Қон,— дея, босароқ кечмишдир.

Шоир «Яловбардорликка», «Совет армиясига» шеърларида оқ гвардиячилар, босмачилар тўғрисида ўйлар экан, «Асфандиёр, қочоқ Жунайд, пистирмачи Абдуллоҳ, Осипов, Омонполвоҳ, Лорд Лауренс» деб ўша ҳамкасб душманларни ёнма-ён тилга олишга мажбур бўлади. Тўғри, бунда шоирнинг воқеликни ҳис ётишдаги ўзига хос услубидан ташқари ўша деталларнинг (воқеа, номлар) халқ ҳаёти, тақдири, тушунчасига қанчалик яқинлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Ғафур Ғулом халқдан узоқ, унинг эстетик дидага ўтирмайдиган нотаниш ёки аҳамиятсиз деталь фактларга мурожаат этмайди. Аксинча қандай бўлмасин халқ хабардор, унинг онгида ҳам шоир онгидаги қарашга яқинроқ фикр уйғотадиган деталь, фактларни топади, унга сайқал беради, оддий китобхон кўра олмаган қирраларни очиб, бўрттириб кўрсатади. Иккинчи жаҳон уруши арафасида тинчликка таҳдид солаётган ва янги уруш оловини ёқаётганларнинг ашаддийси Муссолини ва Гитлер эди. Унинг бири тилга олинганда иккинчиси дарров хаёлга келар эди. Ғафур Ғуломнинг «Мадрид қўшиқлари» шеърида булар

совет халқи ҳаётига хавф, таҳдид солаётган асосий душман сифатида талқин қилинади:

Агар ўн-ўн беш пт карвонга
ҳурса,

Агар кимдир: Муссолини, Гитлер қутурса,
Юрагимиз бирга урган Ватанимиз бор.

Юз етмиш миллион жонли
бир танимиз бор.

Ёки Ватанимиз босқинчиларини тилга олганда шоир реал фактдан чекинишни хоҳламайди. Қандай бўлмасин битта сихга тортгандай учала босқинчини битта мисрага чизади;

Ҳуқуқ, Ватанимиз бўлмас поймол
Буни синаб кўрди немис, япон, фин.
(«Ассалом»)

Шоирнинг бу санъати унинг асарини янада конкрет, ҳаётӣ қилади, умумлаштирувчи кучини оширади. Қаранг, шоир диннинг афъюнлиги тўғрисида баҳслашар экан: «Бу йўлда раҳнамо бўла олмади на Забур, на Таврот, на Инжил, Қуръон» («Рўза тутманглар»), деб ёки ирқчиларнинг чиркин фалсафасини ва зўравонлигини фош қилар экан, «Нуҳ кемасини қидирмоқ Туркия тоғларидан, Хом, Сом, Ёфас сингари жуда эски сафсата («Поль Робсонга») деб фактларни бўлмасдан яхлитлигича ишга тортади.

Гафур Ғулом бу санъатни ҳаётдаги ижобий жиҳатларни тасдиқламоқчи бўлганда ҳам қўллайди. «Кўк-лам чақириги» шеърида «Комсомоллик номини қони билан безаганлар» қаторида Павел Корчагин, Зоя, Набиев, Олеглар тилга олинади ва булар ўқувчи тасаввурида комсомолларнинг катта кураш тарихини гавдалантиради, «Мен яҳудий» шеърида «қўзғолди бутун халқ: улуғ рус, украин, ўзбек, яҳудий; икки юз миллионли, юз эллик миллат» деб саналишида ҳам совет мамлакатининг қудрати кўп миллатлигида ва уларнинг бир ёқадан бош чиқариб душманга қарши отланганлигидадир ҳамда шулар сафида тенг ҳуқуқли яҳудийлар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда, деган фикр таъкидланади.

Шоир бу санъатга мурожаат этганда образнинг тасвирчанлиги, оригиналлиги ва китобхондаги фантазияни қўзғаш қудратига эғалигига диққат қилади. Акс ҳолда у қуруқ номлар, тушунчалар йиғиндиси бўлиб қолиши мумкин. Борди-ю, ушбу мисолдаги жамланган сўз — тушунчаларнинг фақат биттасинигина олинганда образ яратилмаган бўлар эди, демак мисрнинг таъсир кучи сира ҳам бўлмас эди. Шоир пахта планини тўлдириш суръатини пасайтириб юборган самарқандлик дўстларига мурожаат этиб ёзади:

Қўйинг шояд-бояд, гўё, аммони,
Гапиринг нақд гапни — шу муҳайёни.
(«Самарқандлик пахтакор дўстларимизга»)

Шу мисолларнинг ўзиданоқ англашиладики, бу санъат ҳам Ғафур Ғуломнинг ўзига хос образли тафаккурининг таркибий бир қисмидир. Ғафур Ғуломнинг образли тафаккуридаги кўтаринкилик кенг масштаб-лилик, типиклик, қаҳрамонона ва оптимистик руҳ, конкретлик ва жозибадорлик унинг ҳамма образида акс этади. Айтайлик, унинг ўхшатишларида метонимия, метафорасида — ҳаммасида социалистик қурилишларнинг улуғвор салобати, халқ ҳаракатидаги юксак суръат, совет кишиларининг шодлик, завқ-шавқ тўлқини тўла-тўкис кўриниб туради. Ҳатто шундай бўладики, шоирнинг воқеликни эстетик баҳолашида унинг муболағаси билан ўхшатиш принциплари ўртасида фарқ қолмайди: шеърнинг асосида муболағали ўхшатиш, яъни бўёқни қуюлтириш, жонли картина яратиш, фантазияга эрк бериш, субъектив баҳони қучайтириш туради. Масалан:

Жаҳондай бағри кенг, денгиздай сахий.
Ердай баракали, кундай танти халқ.
(«Кўклам тонготари»)

Пунктнинг хирмонлари қорли тоғдек оқариб,
Ўнгу сўлда қолади бир-бирисин қувлаб.
(«Тошкент»)

Шоирнинг «Қўлимда Наманганнинг ер куррадек анори» («Анор») «юмалоқ бол мисоли ҳар битта қан-

дак ўрик» («Ёз боши») ёки «Ям-яшил саҳни билан осмон каби кенг бир бу бог, ерга кўк тушган каби юлдуз қатор минглаб чироқ» («Богда») каби ўхшатишларида муболага жуда кучли, бироқ унга ўхшаган ва ўхшатилаётган объектлар шу қадар бир-бирига яқинки, натижада ўша муқояса туфайли юзага келган белги, янги фарқ, фикр ҳаётӣй, ишонарли ва лўнда бўлиб туюлади. Ёки «Ҳайдар чўққи кечмишини сўйларкан, унинг оҳи тутундай кўкка устун» («Икки васиқа») деган мисрасида шоир халқ ижодидаги «оҳи кўкка чиқди», «фигони фалакка етди» каби ҳаммага таниш анъанавий образга суяниб туриб, мавҳумий образдан конкрет кўриб, «ушлаб» бўладиган образ яратади.

Ёки:

Олтин пиёлада нишолда каби

Етук идрокимиз ундирган ҳосил.

(«Теримчи қизларга»)

Ушбу мисрада пахта ҳам, унинг белгиси — оқлиги ҳам айтилаётгани йўқ, бироқ бу қисқарган ўхшатишда муқояса учун олинган предмет — ўхшатилаётган предметга шу қадар яқинки, гарчанд пахта сўзи айтилмай унинг ўрнида «ҳосил» сўзи ишлатилса ҳам пахта кўз олдимизда бор бўйича гавдаланади. (Пиёла — чаноқни олтин — чаноқнинг сариқ рангини, нишолданинг оқлиги, майин ва кўпириб пиёладан тошиб туриши чаноқдаги лўппи пахтани гавдалантиради).

Ғафур Ғулом нореал, яъни кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайдиган тушунчаларни — мавҳумий нарсаларни реал, жисмоний мавжуд предметларга муқояса қилиб, оригинал образлар яратиш устасидир. Унинг Булоқ қатрасидай юраги тоза» («Теримчи қизларга»), «Офтобдек чарақлаган жамолингга тасанно» («Айём муборак») каби ўхшатишлари бунга мисол бўла олади. Ғафур Ғулом мавҳумий нарсаларни мавҳумий нарсаларга қиёс қилиш орқали ҳам ўхшатиш яратади. «Поль Робсонга» шеърида Трумэннинг жаҳонгирлик нияти пучлигини таъкидлаш учун унга эквивалент бўла оладиган муқояса «предмет»ини топади:

Булар бари Трумэн нияти, ширин хаёл
Бармоқни кўзга тиқса кўринган тилла қалқа.

Шоирнинг бундай ўхшатишлари фикр уйғотиб,
кайфиятни шеърда назарда тутилаётган муҳитга йў-
налтириб юбориши билан кучлидир.

Борди-ю, юқоридагидек ўхшатишларда шоир наза-
рида бирор предметнинг белгисини айтиш, таъкидлаш
кўзда тутилса, яъни муқоясага олинган нарса фақат
восита ролини ўтаса (масалан, «ҳар нон катталиги
худди офтоб» мисолидаги «офтоб»), Ғафур Ғуломда
шундай ўхшатишлар борки, булар воситачиликдан
ташқари ўз қимматини, таъсир этиш ёки тушунча бер-
иш хусусиятини ҳам сақлаб қолади. «Навоий байти-
дек тўлқинли ёшлик, Бедилнинг шеъридай фалсафий
умр» («Сарҳисоб»), «Бағримдай кенг оламни бир дам
қилсин томоша» («Ёз боши») каби мисраларда шоир
ўхшатишидаги ана шу икки томонламаликни ёрқин
кўради.

Ғафур Ғулом шеъриятида муболаганинг шундай
тури ҳам борки, булар ҳам маъно, ҳам грамматик жи-
ҳатидан алоҳида, мустақил ва параллел ҳолда яшай-
ди, аммо ўзидан аввалги жумлада айтилган фикрни
изоҳлаш, конкретлаштириш, кучайтириш учун хизмат
қилади:

Ракеталар суворийси — тинчликнинг посбонлари,

Қарағайдай сарбаста-ю,

Тянь-Шандай

таянчим.

(«Ватан фарзандлари»)

Яна:

Инжу доналаринг бўлмасин увол,
Чўнтаги тешилган мудроқ заргардек.
Қишнинг гулдуросин кутиб аграйма,
Қарнай овозига ишқибоз кардек.

(«Кўз келди»)

Ёки:

Москва метроси советлар халқин,
Қуриш санъатида кучига гувоҳ.
Ерости ҳар бекат зебу зийнатда
«Минг бир кеча»даги хаёлий боргоҳ.

(«Улуғ пойтахт»)

Ғафур Ғулом ўхшатиш учун объектни — воситани табиатдан олганда сиқик ўхшатишлар яратади. Бунинг боиси, албатта ўша муқояса воситаси қилиб олинаётган предметнинг шоир учун зарур хусусиятни ўзида жамлагани ва ундан ҳам муҳими унинг халққа яқин, машҳур эканлигидир: шоирнинг қуёш, фил образларидан яратилган ўхшатишларига диққат қилайлик; «Ленинизм ғояси қуёшдай билмас завол» («Бири бирига шогирд...»), «Филдай шу азамат ҳинди заҳмати» («Икки Шарқ») ёки «Хамелеон сингари минг товланди ёв» («Салом ва табрик»). Аммо Ғафур Ғулом ижтимоий ҳаётдаги, халқлар тарихидаги воқеа ва ҳодисаларни муқояса учун олганда ёйик, ҳикоя, ўхшатишлар — парабола вужудга келади. Шоир «Она қизим Жамилага» шеърда Жамила тақдири билан Зоя тақдири ўртасидаги яқинликни тасаввур қилар ва икки тақдир, тарихни қиёслар экан, «ўхшаш тарихларингиз, эмасдир бошқа-бошқа» деб таъкидлайди. Шоир шу принцип асосида қуйидагича ҳикоя — ўхшатишлар яратади:

Маймун ўз жойини иссиқ топганда
Ёнига куёвин чақирар эмиш.
Инглиз кулфати етмаганмиди,
Манглайда Америка шўри бор эмиш.
(«Икки Шарқ»)

Ёки:

Бнада логарифманинг
Мушкул муаммолари,
Ўўлдаги бармоқлардай
Оддий қилинганда ҳал:
«Олий ирқ» даъвогари,
Черчилнинг боболари,
Ҳатто санай олмасди
Ўн бармоқин мукамал.

Шоир «Яшасин тинчлик» шеърда ҳам совет гишиларининг тинчлик учун олиб бораётган кураши тўғрисида сўзлаганда «Еу гал ҳам беш йил бурун Рейхстаг қуббасидан жаҳонни титратолган советский «Урра!»дек, деб бир муҳим тарихни эсга олади.

Юқоридаги мисоллар Ғафур Ғуломнинг воқеликни ҳис этиши ва образли тафаккуридаги бир муҳим хусусиятни — образ танлашда маълум бир ҳаёт доирасида, айтайлик, қишлоқ, табиат доирасида чегараланиб қолмасдан, ҳамма соҳани қамраб олганини тасдиқлайди. Қомусий билимга эга бўлган Ғафур Ғулом қишлоқдаги, шаҳар ҳаётидаги, илм-маданият соҳасидаги, тарих саҳифасидаги, улуғвор ва кучли факт, воқеа, деталь ва янгиликларни ижод қозонида пишириб образга айлантира олади.

Аммо бир муҳим ҳолатни эсдан чиқармаслигимиз лозим. Ғафур Ғулом шеъридаги мазкур образлар шоирнинг образли тафаккури ва эстетик идеалидан ташқари конкрет асарнинг мазмуни, руҳи ва ғоявий йўналишининг тақозоси билан ҳам майдонга чиқади. Борди-ю, ўша образлар, Маяковский ибораси билан айтганда «асосий образини идрок этиш»га кўмаклашувчи «ёрдамчи образлар» асардаги фикрнинг мантиқий оқимидан келиб чиқмаса, атласга чипта қопдан ямоқ солгандай бўлиб қолади. Ғафур Ғуломнинг сиёсий мушоҳадалар ва чуқур таассуротлар уйғотувчи улуғвор, кенг кўламли метафораларига диққат қилсак, шоирнинг метафорик образлари ҳам унинг муболаға ёки ўхшатиш воситасида яратилган образлари каби асарнинг бутун жисми билан ҳиссий, мантиқий, тасвирий ва ғоявий жиҳатдан чамбарчас боғланган. Ўша «Кўтаринкилик ҳақида» китобида тўғри таъкидланганидек, «метафораларни ҳис-ҳаяжоннинг кучли оқими ўз бағрига тортган ва ўз орқасидан эргаштирган жойдагина улар ўринлидир»¹.

Ёки Эльстер «метафоралар идеаллаштирувчи ва характерловчи услуб талабларига жавоб бериши лозим ва бу талабларга зид бирор нарсага эга бўлмаслиги керак»², дейди (Эльстер идеаллаштирувчи услуб ибораси остида кўтаринкилик, идеални назарда тутати). Бу фикрлар Ғафур Ғулом метафораларида унинг услубига хос кўтаринкилик фазилатининг руҳи, характерининг тўла сақланиш сабабини изоҳлашга ёрдам беради.

¹ О возвышенном. Изд. «Наука», М.—Л., 1966, стр. 56.

² О. Бургардт. Новые горизонты в области исследования поэтического стиля. Киев, 1915, стр. 37.

Агарда Ғафур Ғуломнинг совет учувчиларининг мислсиз парвозига бағишланган «Кўк бўсағасида» шеърига диққат қилинса, энг аввало шоирнинг ана шу катта воқеадан беқийёс ҳаяжонга тушганини, ғоятда шодланганини ва совет техникаси, совет кишиси жасоратидан юракдан ғурурланишини равшан сезиш мумкин. Шоирдаги ана шу жўшқин ҳаяжон, эҳтирос тўлқини улугвор, тантанали йўналишдаги метафораларни туғдиради.

Осмон қатламлари сизнинг зинангиз;
Тонгдай ёра олиб шафақ этагин
Шунчалик юксакликка кўтарилдингиз,
Тинчланди Зухронинг тепган юраги
Сиз кўкнинг қопқасин қоққан соатда,
Қуёш кўз уқалаб уйғонар эди,
Сизнинг қанотларга ботир тонг кўзин
Заррин киприклари илғонар эди.

Шоирнинг идроки, ҳиссиёти бўйича совет кишиси катта қудрат эгаси, тадбирли уста, қуёш эса унинг олдида енгилаетган, яъни совет кишисига таслим бўлаётган жонли нарсадир. Ҳатто у «қўрқувдан кундалик саёҳатини ҳам унутади». Образ яна ривожланади. Энди лирик қаҳрамон қуёшга қараб дўқ қилади:

Қўрқ, қуёш. Яқиндир сени юганлаш,
Миллион йил ўзбошимча кезувинг етар,
Биз тунлар душмани: бизнинг ўлкага —
Ёппа кундуз учун бўлдинг сафарбар.

Шоирнинг «Янги замонани йўргаклаб олиб», («Алишер»), «халқлар нур байирини эгарлаб олди» («Аму»), «Биз шу йўллар тизгинин қўлга олароқ» («Турксиб йўлларида») каби метафораларидаги янги, социалистик замон фазилати совет кишиларининг кўтаринки руҳини акс эттиради.

Ғафур Ғулом воқеликдаги салбий, реакцион нарсаларни кўрганда ҳам кучли таъсирланади: қаҳр-газаби аланга олади. Ўзининг бу туйғусини ифодалаш учун тилнинг луғат фондидаги сўзлар камлик қилади, шунда сўзларни кўчма маънода ишлатишга, метафорик образ воситасида ўз туйғу, фикр баҳосини ифодалашга ўтади. Метафора шоир учун ҳаётий, воқеликни ўзига

хос равишда ҳис этиш жараёнида туғилган фикр-та-саввурини номлаш, предметнинг ўзида назарда тутаётган белгисини таъкидлашга хизмат қилади.

Қирқ икки градус Гитлер ақиллар —
(«Қиш»)

метафорасида шоирнинг қанчадан-қанча газаб-нафрати жойлашган. Ғафур Ғулом «Капитал — суфлёр. «Дейли экспресс» Томидан Мистер Троцкий хўрозланади!» («Тўқиниш») мисрасидаги метафора (хўрозланади) империализм малайига айланган, капитал қўйнидан панэх топган сотқин Троцкийнинг ер юзи бўйлаб «қизил шафақ» — социализм ғоясининг тарқалишига қарши янги уруш шарпаси борлигидан тетикланиши, шодланишини ифодалайди. Шоир капитализмни ҳам жонли махлуқ суратида тасаввур қилади. Унинг ҳалокатини шу махлуқнинг чиришига ёки улар ўртасидаги ички курашни илонлар курашига ўхшатади. Шоир диққатини ана шу томонга тортиб ёзади:

Капитал тикланишдан нўноқ,
Бошдан-оёқ чириш,
Давоси деб ўйлайди
СССР билан уруш.
Капитал —
Енр-бирин ютмоқчи,
Муддао бозор,
Худди —
Оч қолган
Фашистланороқ буржуа.

Ғафур Ғуломнинг капитализмни капиталга жамлаб, капитални эса ваҳший бир ҳайвон, илон, аждаҳо тарзида талқин этишини унинг бошқа шеърлари ҳам таслиқлайди. У «ҳадеб бошқа халқларни чайнаб, янчиб, кемириб, комига юта бермас капитал олтин гирдоб» («Тинчлик нашидаси») каби мисолидаги синонимли метафораларида ҳам шу позицияда туради. Ёки шоир немис фашистларининг жирканч фаолияти тўғрисида сўзлар экан, «ҳақорат емирилур, зулм янчилур» («Сен етим эмассан») дейдики, бунда ҳам шоирнинг образли тафаккурида яхлитликни кўриш мумкин. Умуман ҳар доим Ғафур Ғулом ўзи ҳимоя қила-

ётган, севган нарсасини, воқеликни улуғвор, катта, қудратли нарсалар билан муқоясалайди, номлайди, таърифлайди. «Тичлик минбари» шеърида капитализмни «қаср» деса, революцияни «вулкон» дейди. Ёки «инқилоб ажалининг тўфони бор, гарқи бор» («Инсоният байрами») метафораси ҳам мазмунан юқоридаги образга яқин. Шоирнинг «Шунча кенгдир умидларим океан қиргоғи» («Тинчлик кўклами»), «ҳар доим яққол сезиб тураман маъниларнинг қаноатланганин, завқларнинг тўлқинларини, ироданинг ҳарбга отланганин» («Қалблар можароси»), «Шукурки, толенинг кўки ёриди, манглайдан зулматнинг туни ариди» («Май»), «Қалбимнинг чўққисига умид байрогин тикиб, тасаввурга келади Америкада инқилоб» («Поль Робсонга») каби мисралардаги метафораларга назар ташласак, шоир турли сўз туркумларидан метафора яратиб, социалистик ҳаёт ва совет кишисининг мардона қадами, ҳаётбахш руҳини ва зўр умидларини ифодалайди. Ғафур Ғулом метафораларидаги бундай кўтаринки руҳни кучайтирган ҳолатлардан бири унинг метафораларининг кўп вақт ўхшатиш, муболаға ёки эпитетлар билан бирга ёнма-ён келиши ва айниқса шоирнинг изоҳли метафорага кўпроқ мурожаат этишидир. Ушбу «Дин эса, тиз ачомлаб алёрчи» («Яловбардорликка») ва «Букунги кўкламни келтиргунча олам кулфат ичра тўрт йил қариди» («Май») мисолларидаги «tiz ачомлаб», «кулфат ичра тўрт йил» изоҳлари бўлмаса ҳам, шоир нияти маълум бўлиб тураверади, аммо бу изоҳлар уни янада кенкретлаштиради, субъектив баҳони кучайтиради.

Ғафур Ғулом ўз гоёвий ниятини мукаммал ва ёрқин ифодалаш учун кутилмаган ва тутилмаган образларни дадил ижод қиларди. Ахир тонгни тарозига солиб ўлчашни фақат Ғафур Ғуломда учратиш мумкин. У Тошкент области пахтакорларининг пахта планини тўлдиришини қутлаб ёзган «Виждон ҳурмати» номли шеърида «Беш юз минг тоннадек тонг ҳам отибди», деб тонгни область берган пахта вазни билан ўлчайди. Сўнгра бу мураккаб образда шоир тонгни пахтанинг ўзига ҳам нисбат қилади (иккаласи ҳам оқ). Шоирнинг бу ўхшатишига моҳият жиҳатидан метонимия йўли билан яратилган ушбу образи ҳам яқин келади:

Шер тамға бахтсизлик энди талолмас
Панжоб деҳқонининг қутлуғ уйини.
(«Улуғ ҳинд халқига»)

Ғафур Ғулом образларига хос бўлган мазмунан чуқурлик ва кенг фазоликни бу образда ҳам кўриш мумкин. Шоирнинг «бахтсизлик» сўзига, юзаки қараганда сира ҳам олдига эпитет қўйиб бўлмайдиган сўзга «шер тамға» деб эпитет қўяди. Шоир бу билан ҳиндларнинг қандай, тўғрироғи, кимнинг зулмдан қутулганини конкретроқ айтмоқчи бўлади. Бу ерда биз эпитет деган сўз бирикмаси ўзи изоҳлаб келаётган сўз билан қўшилиб, яъни «шер тамға бахтсизлик» ҳолга келиб метонимияга айланмоқда. Шоир «инглиз» дейиш ўрнига уларнинг давлат гербидаги шерни тилга олади. Шундай қилиб, шоир ҳам «инглиз» деган «қуруқ», «холис» сўздан воз кечиш ва уни босқинчиларга нисбатан ўзининг қаҳр-газабини ифодаловчи ном билан алмаштириш, ҳам эпитетнинг ўз маъносини маълум даражада сақлаб қолиши эвазига кучли образ вужудга келтиради. Айни чоқда «шер» сўзи «талолмас» сўзи билан тасаввурда маълум даражада бевосита муносабатга кириб, умуман мисрадаги—асосий образ ташиётган фикрнинг вариациясидек туюлади. Ёки Ғафур Ғулом «Турксиб йўлларида» шеъридаги «Бошда, энг бошда битта музаффар — кирли тож, бармогин ишорати-ла, бир бутун ўлка дов учун хирож» жумласида «тож» метонимияси орқали подшоҳ демоқчи бўлади. Бироқ шоир уни шунчаки бошқача йўл билан номлаб қўя қолмасдан, айни чоқда асосий хусусиятини таъкидлаб ҳам кетади. «Тож» сўзининг олдига «кирли» эпитетининг қўшилиб «кирли тож» ҳолда метонимия шаклига айланиб келиши шоир ҳимоя қилаётган ҳақиқатни янада равшанроқ тасаввур қилишида китобхонга кўмаклашади.

Ғафур Ғулом метонимик образ яратишда шундай рамзли йўлдан борганлиги яққол сезилади. «Том тога кулбасида тонг отиши муқаррар» («Поль Робсонга») метонимиясида ҳам шу рамз бор (бу ибора халқ орасида кенг ёйилиб, анъанавий образга айланиб рамз даражасига кўтарилган). Ёки «Давлат тугроси бўлган ўн бешта қизил байроқ тонг елида ҳилпираб олға томон боради» («Байрамингиз муборақ») метонимиясида шоир шу рамзли принцип асосида қабарик, ўзининг

кўтаринки услубига мос образ «тўқийди». Чунки унда тенгҳуқуқ иттифоқдош республикалар назарда тутилишидан ташқари шу аланга «ўн бешта қизил байроқ» ҳилпирашида совет кишиларининг бир мақсад йўлида дўстона ва мардона кетишига ургу қилинади. Демак, бу образ ҳам ана шу томони билан шоирнинг аввалги образлари билан уйғунлашади.

Ғафур Ғулом образларининг хусусияти тўғрисида гапирар эканмиз, унинг ўзига хос услуби тақозоси билан вужудга келган яна бир ҳал қилувчи ҳолатга диққат қилишга тўғри келади. Шоир ўз поэзиясида, муболага, метафора, ўхшатиш ёки эпитет каби тасвирий воситаларга жуда кенг мурожаат этар экан, бунинг боиси бор. Ғафур Ғулом том маънода лирик шоир. Унинг мавжуд саноқли поэма, баллада ва бир нечта манзумаларини (Мақсуд Шайхзода шоирнинг кичик лирик поэмаларини шундай дейди) эътиборга олмаганда, воқеабанд шеърлари деярли йўқ. Унинг шеърларида Ойбекда ёки Уйғунда мўл бўлгани каби эпик элементлар йўқ. Ғафур Ғулом лирикасида учровчи тасвирий деталлар эса ниҳоятда сиқик бўлиб, бир неча сўз бирикмасидан ташкил топиб, кўпроқ муқояса қилиш мақсадидагина ишлатилади («Москвадан қочаркан шумшук Наполеон», «Кеча ғазаб билан юмилган лаблар», «даюс амир Олим, қусиғига ёнбошлаган бир бадмаст разил — паст» мисолларидаги сатирик ва юмористик деталлар каби). Ғафур Ғулом бирор воқеани, манзарани чизиш, кўрсатиш йўлидан бормайди, балки ана ўшалар таъсирида ўзида тугилган тасаввур, фикр, ўй-қарашларни беради. Ана шу воқеа — ҳодисанинг муҳим деталлари шоир туйғуси билан қўшилиб манзарали тасаввур яратади, аниқроқ айтганда Ғафур Ғулом бевосита лирик қаҳрамон ҳис-туйғуси, кечинмасининг картинасини яратади:

Нега чўчиб тушдинг?
Мурғак тасаввур,
Гўдак хаёлингга
Нималар келди?

Энди диққат қилинг:

Балки Одесс даҳшати,
Керчь фожиаси,

Ёввойи махлуқлар,
 Қонхўр ваҳшийлар...
 Маммаси кесилган
 Шўрлик онанинг
 Пажмурда гавдаси
 Кўзинг ўнгида
 Бутун даҳшати-ла
 Акс этар энди.
 Онанг хўрландими,
 Отанг ўлдими,
 Сен етим қолдингми,
 Қайгурма, қўзим,
 Кўзим усти,
 Миннатинг бошимга дурра.
 (*«Сен етим эмассин»*)

Бу мисолда ҳам лирик қаҳрамон тасаввури, кечин-маси ва шу тасаввур, кечинмани туғдирган воқеани, бевосита ягона ҳолатни кўрамиз. Воқеабанд шеърларда ёки воқеа тасвири билан шоирнинг мушоҳадалари ўрин алмашиниб туришига асосланган шеърларда эса воқеанинг реал картинаси конкрет чизилади, китобхон уни ўқийди, кўради ва ана шу манзара таъсирида унда маълум тасаввур туғилади. Бундай воқеабанд ёки эпик элементни кучли шеърларда, пейзаж шеърларда (Ғафур Ғуломда бир неча пейзаж шеърлар бор) объектнинг, нарсанинг, воқеанинг хусусияти, шакл ва мазмуни ўзгартирилмасдан, бузмасдан тасвирланади. Агарда эпик асар тасвиридаги қатъий қонунга маълум даражада бўйсунувчи бундай воқеабанд шеърларда ҳайротомуз муболағалар, қудратли ўхшатиш ёки тантанали эпитетлар қўлланилса, кулгили ҳол юз беради. Асарнинг ёзилиш принципи ўзгаради, ҳалиги воситалар ё романтик услубдаги шартли воситаларга ёки сатирик образ яратиш воситаларига айланиб қолади. Ғафур Ғулом лирикаси кўтаринки ўткир сиёсий публицистиклик, фалсафий чуқурлик, патетикага молик бўлганлиги учун ўхшатиш ёки эпитет каби юксак поэтик парвозга қанот бўлувчи тасвирий воситаларни севади-ю, аммо эпик тасвирини кўтармайди, эпик элемент эса юқорида кўрганимиз каби кечинма билан бевосита қўшилиб келади. Унинг шеърлари фикрнинг мантиқий ривожига, тасаввурлар йў-

налишига, руҳий кечинма оқимиға асосланган. Шунинг натижасида воқеабанд ва эпик элементли шеърларда тасвирий характердаги воситалар биринчи ўринда турса, Ғафур Ғулом лирикасида лирик воситалар, масалан, лирик эпитетлар биринчи ўринда туради.

Б. В. Томешевский «Стилистика ва шеър тузилиши» китобида «оппоқ қор», «чуқур сукунат», «олтин кунлар» каби эпитетларни «идеаллаштирувчи эпитет», яъни кучайтирувчи эпитет деб уқтиради. Ёки Эльстернинг қуйидаги мулоҳазаси ҳам жуда эътиборли: «Идеаллаштирувчи услуб эпитетлари нафислик, гўзаллик ва кўтаринкиликнинг эстетик хусусиятини кўрсатишга уринади, характерловчи услуб эпитетлари мазкур томоша учун характерли белгиларни олдинга суришга интилади. Аммо иккала турдаги эпитетларни аралаштириш асосий талаблардан бирини, услуб бирлиги қоидасини бузади. Субъектив услуб формаси ҳам (лирик, элегик ва патетик) у ёки бу эпитетларни танлашга таъсир қилади.

Ҳақиқатдан ҳам Ғафур Ғулом эпитетлари Томешевский ибораси билан айтганда идеаллаштирувчи ёки лирик эпитетлардир. Чунки Ғафур Ғуломнинг воқеликни, ҳаётни доим юқори пардада ва бор овоз билан қуйлашига унинг эпитетлари ҳам жуда-жуда мос келади, Ғафур Ғулом шеърларидаги «улуғ темплар», «етук сиймо», «салмоқдор», «бўрон армиямиз», «пўлат истеҳкомлар», «зўр карвон», «муаззам бу шар», «катта революция», «Социалистик жаҳон», «юлдуз — юлдуз умрли коинот», «кескин кураш», «қатъий юриш», «олий юртимиз», «мукаммал одам», «бизнинг бир эллик асл тупроқ», «минг карра ташаккур пешона терга» каби эпитетлари ягона маънавий асосга эга бўлиб, ҳаммаси мазмуни, руҳи, йўналиши жиҳатидан бир-бирига яқин, улуғворлик тушунчасини ифодалаши жиҳатидан улар қариндош сўзлардир. Худди шунингдек шоир ижодидаги «қувноқ ерлар», «мағрур, вазмин гудок», «қўнғироқ қаҳқаҳали дўстлар», «вулқонли сезги гурлайди», «узлуксиз кулгилар», «ҳайқириб кезажак», «тийрак киприк», «ўтли шиор», «чексиз қувонч» каби эпитетлар асосида ҳам кўтаринки руҳ, қайноқ ҳаёт пафоси ётади. Борди-ю, шоир ҳаётнинг салбий ёки фожиявий томонлари тўғрисида фикр юргизса, қаҳр-газаби тутақиб ёзади: «разил, маккор,

ярамас Гитлер дастидан», «бу ерда одамзод шаклида юрган, лаънати девларнинг манфур, юқумли, мараз намоиши тополмас ҳуқуқ», «бу қўшиқда ҳуқуқсиз қора башариятнинг жаҳоний изтироби гуркирайди му-жассам» ва ҳоказо. Гарчанд Ғафур Ғулом ҳаётдаги илғор, ёрқин жиҳатларни ҳаяжон, ғурур ва завқ би-лан тасвирласа-да, ҳеч қачон воқеликдаги қийинчи-ликлар, мураккаб томонларни четлаб ўтмайди ёки пардозлаб кўрсатмайди. У ҳеч вақт «жабҳа бўйлаб оғир курашнинг тинмай оқиши»ни унутмаган. У олам-нинг фақатгина зулм, талончилик ва умуман мараз-ликлардан жон ва «қон билан ювилиши»га, ғалаба-нинг қаттиқ кураш туфайли қўлга киришига ишона-ди. Шунинг учун унинг шеърларида «қонли тарих», «қон кечган қуёш», «ўғиллар қон кечиб бугун кураш-да», «дарё-дарё қон тўкиб бу кунни келтирганмиз» каби «қон» эпитети кўп учрайди.

Бу эпитетлар шеърда қандайдир ёпишмаган ямоқ ҳолда турмасдан, аксинча асарнинг ажралмас бир за-рур аъзосидек яшайди.

Шоир ўз эпитетлари билан тасвирлаётган воқеа, предметининг энг муҳим томонини биринчи планга олиб чиқади, эътиборни предмет ва воқеанинг ўзи ҳис этган, тасаввур қилган ва зарур деб топган қиррасига сафарбар этади. Шоир сўзи худди шу ўзининг зару-рий, ҳаётий эпитети билан биргаликдагина унинг қай-ноқ қалбини ифодалай олади ва ўзига юкланган вазифани бажара олади. Қаранг, шоир иккинчи жаҳон уру-ши тўғрисида мулоҳаза юритар экан, Москва учун бўл-ган жангда тўкилган қонни эслайди: у ерда фашист босқинчиларининг ҳам, ўз Ватанини ҳимоя қилган кўп миллатли совет кишиларининг ҳам қони тўкилган. Шунинг учун шоир идрокида у қонлар ҳам икки хил: фашистлар қони ҳаром, ифлос, адолатли жанг олиб борган совет кишиларининг қони тоза. Шу нуқтаи на-зардан чиқиб, шоир дейди:

Муқаддас Москва бўсағасида

Тўкилган покиза қатра қоним бор.—

(«Ассалом»).

Ёки шоир мамлакатимиздаги миллатлар ўртасидаги тенглик, дўстлик тўғрисида «ҳаво миллий, ирқий ғу-бордан тоза» («Тошкент») деб ёзадики, бутун диққатни

умуман «ғубор»га эмас, балки конкрет нарсага, қандай ғубордан холи эканлиги масаласига тортади. Ёки тўрт йил уруш азоби ва ҳижронини тортган қизлар, оналар тўғрисида «ҳижронзада қизлар», «соғинган кўнгил», битимни риёкорларча бузган фашистлар тўғрисида «доғули душман», умри тугаган империализм тўғрисида «қари империализм» каби эпитетларни ишлатиши етарлидир, бу эпитетлар кишида катта-катта фикр уйғотади, тасаввурга эрк беради. Агарда «гитлерзод Франко», «соғлом кадр», «кенг пешанали», «қочоқ Жунайд», «кучли колхоз» каби мисоллардаги эпитетларни олиб ташласак, кейинги сўзлар қандайдир бетараф, мазмунсиз ёки бирор мақсад ва ғоя учун йўналтирилмаган сўзлар бўлиб қолади. Бу эпитетлар ўша ўзидан кейин келаётган сўз ва предметлардаги энг муҳим, типик ва зарур томонларни таъкидлаб келмоқда ва ғўё уларга ҳаёт ато қилмоқда. Бу эпитетларнинг кучи контекстнинг ўзида яна бир неча бор юқорироқ кўринади. Чунки бу ерда баъзи эпитетларнинг вазифаси, ишлатилиш ўрни ёрқин кўриниб турса ҳам, баъзилариники ғайритабиийдек туюлади. Масалан, «Соғлом кадр» ёки «кучли колхоз» сўзларидаги эпитетларда худди шундай ҳодисани кўриш мумкин. Аслида бу эпитетлар маълум тарихий давр ва маълум вазиятнинг меваси бўлиб, воқелигимиздаги бирор типик фактни, ҳолатни ёритиб беради. «Кучли» эпитети қишлоқларда коллективлаштириш воқеаси энди бошланиб, янги колхозлар тузилаётган бир пайтда адабиётга кириб келган. Янги тузилган колхоз ва совхозлар дастлаб хўжалик, ишлаб чиқариш қуроллари жиҳатидан жуда кучсиз эди, лекин улар кун сайин мустақамланиб, қудратли хўжаликка айланаётган пайт эди. Шоир худди шуни назарда тутиб:

Икки, учта кучли колхоз қишлоқда бор,
Колхозчилар келиб: — Кўкан ҳеч қилма ор.
Аввал шуки, сен ҳам биздай колхозчи бўл,
Сендай-мендай камбағалга бу тўғри йўл,—

деб ёзади. 1930 йилда ёзилган «Таклиф қиламан» шеърида эса мамлакатимиздаги кадр масаласидаги танқислик, эски кадрларнинг зиёнчиликлари кўрсатилиб, соғлом, янги совет кадри учун кураш масаласи қўйилади. Гуриллаб ўсаётган, саноатни бошқараётган,

қишлоқда янги хўжаликни ташкил қилаётган, умуман совет ҳукуматини бошқариб бораётган кадрларни кўрган шоир завқ билан:

Миллионлаб соғлом кадр,
Қаторланиб чиқмоқда,—

деб ёзади. «Улуг Октябрь» жумласидаги эпитет ҳам ниҳоятла ўринли бўлиб, бу «Улуг» эпитети дунёда биринчи Россияда ғалаба қилган социалистик революцияни ифодалайди. Шоир «кенг пешана» жумласидаги «кенг» эпитети орқали ўзбек миллатининг физиономик тузилишидаги ўзига хос томонини таъкидлаётган. Ғафур Ғулом бошқа бир неча шеърида ҳам худди шу «кенг» эпитетини шу маънода ишлатади. «Сен етим эмассан» шеъридаги «бир қўнғир мўйловли, бароқсоч малъун, жигарранг бир мунғир» жумласидаги эпитетлар эса Гитлернинг ҳаммага маълум жирканч таниш башарасини гавдалантиришга ёрдам беради.

Бу келтирилган мисоллардан шундай фикр чиқадики, Ғафур Ғулом шеърларидаги эпитетларнинг характери, кўриниши жуда хилма-хил бўлиб, улар тема, мазмун ва маълум тарихий давр, муҳит талаби билан вужудга келган ва асарда жуда катта гоаявий, эстетик роль ўйнайди. Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъридаги каби сатирик образ яратишда эпитетдан фойдаланганини унинг бошқа асарларида ҳам кўриш мумкин. У «Бевиқор — қор» шеърида муштумзўрларнинг пахта терими вақтида ёққан қордан мугамбирона хурсанд бўлганини кўрсатиш учун уларнинг «лаззат билан кир бармоғини сўриб, бир саждаи шукроний» қилишларини тасвирлайди. Бу жумладаги «кир» эпитети ажойиб сатирик кучга эгадир¹. «Мен яҳудий» шеъридаги «кимлигимни энг катта бувингдан сўра» жумласидаги «энг катта» эпитет ҳам маънони ниҳоятда кучайтирган, бўрттирган. «Валаҳу айзон...» шеърида эса шоир эпитетдан киноя ўрнида фойдаланади. Ғафур Ғулом унда ҳаётдаги, воқеликдаги улкан ўзгаришларни, янгиликларни кўрмай, қуёшни қуруқ мақташ билан овора бўлган шоирларни истеҳзо билан

¹ «Турксиб йўлларида»ги «Кирли тож» эпитетини ҳам эслатиш мумкин.

«кучли шоир» деб атайди. Бундаги «кучли» эпитети тескари маънода ишлатилган. Ёки «ёзувчи бош чиқарди кўрпанинг иссиқ ғилофидан» мисраларидаги «иссиқ» эпитети мазах учун хизмат қилади. Ғафур Ғулом шеърларидаги эпитетлар янги, кутплмаган, ҳайратда қолдирадиган, жонли, таъсирлидир. Шоирнинг ўттиз йилдан ортиқ даврда ижод этган поэтик асарларига назар ташланса, ундаги эпитетларнинг қайноқ ҳаёт билан, совет халқининг бой тарихий йўли билан, воқелигимизда содир бўлаётган муҳим воқеалар билан узвий боғланганини, тўғрироғи, худди шу нарсалар таъсирида туғилганига ишонч ҳосил қиласан киши. Аввал «анъанавий омилик» дейилса, республикамизда саводсизлик тугатилиб, фан-техника, маданият беқиёс юксалган даврга келиб «анъанавий» эпитети ўз ўрнини бошқа эпитетга бўшатиб беради ва шундай қилиб «билимдон бошинг» каби совет кишиларидаги типик фазилатни акс эттирувчи эпитет кириб келади. Ҳақиқатан ҳам «большевиклик коллективи сени ўстирди», «большевик юрак», «мазлум Шарқ», «демократ ахлоқли», «большевик қудратнинг», «коммунист кишининг» «академик ақлимиз» каби мисоллардаги эпитетлар ҳаётдаги янгиликлар натижасида тугилган эпитетлардир. Ғафур Ғулом шеърларига эпитетларнинг тарихий шароит, замон ва мазмун талаби билан кирганлигини ёрқин кўрсатиш учун қуйидагича хронологик тартибда мисол келтириш мумкин.

30-йилларда «огир кураш», «миллий фашист», «Муштумзўрлик омбери», «синфий жанг», «эски дунё», «янги жаҳон», «янги ҳавас», «янги туйғу», «якка рўзғор», «коллектив майдон»; уруш йиллари «мардлик майдонида», «довюрак эрлар», «катта оила», «мусибат кун»; урушдан сўнг эса «сўнгги замбарак», «монолит қудрат», «ўз сўзли ўзбек», «ғолиб ватандош», «чексиз қувонч», «каттакон Ватан», «Муқаддас Москва», «тўймағур, очкўз, солим инглиз», «хайрихоҳ эллар», «жаҳоний орзу», «қугурган дўқ», «тинчлик — пўлат қўрғони», «коммунизм асри» ва бошқалар. Бундай ҳолни шоирнинг ўхшатишларида ҳам кўрамиз. Ғафур Ғуломнинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ўхшатишларига диққат қилсангиз, совет халқининг ўз бошига тушган беқиёс кулфатни қандай катта бардош билан енггани, ҳеч қачон руҳан тушма-

ганини ва улуғ жасорати билан фашизм устидан ғолиб чиққанини ўқийсиз. Шоир уруш даҳшатини сира ҳам юмшатмайди: «Қийин кунга қолди тоғдай бошимиз» («Хотин»), «Зўр карвон йўлида етим бўтадек, интизор кўзларда ҳалқа-ҳалқа ёш» («Согиниш») деб ҳақиқат юзига тик боқади. Аммо халқ мушкулининг чексизлигини кўрган шоир ундаги енгилмас кучни ҳам кўрди, унинг ғалабасига юракдан ишонди, шоир образлари халқдаги юксак оптимизмни ифодалаш воситасига айланди. Шоир тасаввурида совет халқи гўё осмондай; қуёшдай юксак, катта ва кучли, шундай экан, у енгилмайди; «Гитлер нарвонин кўкка қўёлмас, қудуқ чуқурига тушмагай қуёш» («Хотин»). Фашизм ҳужуми қайтарилиб, совет армиясининг қарши ҳужумга ўтиши ва бунинг суръати шоирнинг 30-йилларда яратган образларини эса келтиради: «Советлар қўшини нурдай югурар» («Қиш»). Ёки:

Қоя тошларидек халқнинг бардоши
Монолит қудратин қилди намойиш.
(«Ғолиблар байрами»)

Масалан, социализм ғоясининг ғолибона юришини ифодалаш учун шоир ўша вақтда машҳур воқеа даражасига кўтарилган янгиликка мурожаат қилади:

Еради,
Қизил шафақ
Чексиз суръатлар-ла,
Донгдор —
Музёра кема сингари,
Ивишиқ бўҳтонларни.
(«Тўқиниш»)

Шоир «Кўклам марши» шеърида халқни янги зафарлар сари сафарбарликка тарғиб этар экан, шу кунлари бутун қишлоқ халқи онгида инқилобий воқеа бўлган совет тракторининг қишлоққа келиши фактини хизматга киритади. Шоир ўз тингловчиларини «зарбдор қадамлар-ла кўҳна қишлоқларни бузган Харьков трактори сингари» илгари босишга чақиради («Кўклам марши»). Мамлакатда социалистик ҳаётнинг тез суръатлар билан қарор топишини ифодалаш учун эса

шоир самовий ҳодисаларга мурожаат этади: «Бир зумда каттакон бир муҳитдан чақмоқ каби учиб ўтармиз» («Ҳеч қандай қўрғон бормикан...»).

Ғафур Ғулом асарларида шундай эпитетлар борки, уларнинг бир хиллари маълум тема, маълум мазмун, маълум тарихий шароит талаби билан туғилиб, бир ёки икки ўринда ишлатилади холос; яна бошқалари борки, улар асардан асарга кўчади, бутун ижоди давомида ишлатилади — буларни доимий ёки сеvimли эпитетлар деса бўлади. «Улуг», «етук», «азиз», «асрий», «жаҳоний», «қора», «голиб» каби эпитетлар худди шулар таркибига киради. Масалан, «жаҳоний изтироб», «жаҳоний фожиалар», «жаҳоний муаммо», «жаҳоний ҳукмронлик», «жаҳоний қиргин» каби жумлалардан «жаҳоний» эпитети такрорланиб келмоқда. Лекин уларнинг ҳар сафар мазмун талаби билан заруратан қўлланганлиги ва ҳар сафар биринчи марта ишлатилаётгандай туюлганлиги яққол кўриниб турибди. Бунинг боиси шундаки, учала ўринда ҳам қандайдир кичик, аҳамиятсиз воқеани эмас, балки катта, типик ва муҳим воқеани изоҳлаб келмоқда, бу воқеаларни шу «жаҳоний» эпитетидан бошқа эпитет тўла, атрофлича изоҳлай, характерлай олмайди. Ёки «Африка, у қора танларинг сенинг», «қора қошига», «Қора читдан тутган Қизил байроқ», «Қора кунлар», «қора қозон», «қора кўзлар», «қора шомида», «қора башариятнинг», «қора қул — негрнинг», «қора қасос», «қора кечаларнинг қора қўйнида қора аждар каби пишқирир Аму» ва ҳоказо. Бу мисоллардаги «қора» эпитети қанчалик кўп қайтарилмасин, ҳар сафар ўзгача вазифани бажариб келмоқда, яъни ҳар сафар предмет ёки воқеанинг бошқа бир томонини, фазилатини очмоқда: бирида миллатни, бирида физиономик белгисини, бирида читнинг турини, бирида оғир кунларни, бирида предметнинг ўз номини, бирида ёмон ниятни ифодаламақда. Охириги мисолда эса шоир «қора» эпитетини такрорлаш орқали фикрни жуда кучайтириб, бўрттириб бермоқда. Шоирда «Азиз асримизнинг азиз онлари, азиз одамлардан сўрайди қадрин» («Вақт»), «Иккинчи беш йилликка бошладик қатъий юриш, қатъий жанг, қатъий уруш» («Кўклам марши») каби бир эпитетнинг такроридан яратилган таъсирли, ўткир образлар кўп. Ғафур Ғулом асарла-

ридаги «Улуғ оила», «Улуғ Россия», «Улуғ Ватан», «Улуғ тобут ёнида», «Улуғ жанг», «Улуғ қирон йили», «Улуғ айём», «Улуғ партия», «Улуғ эътиқод», «Улуғ рус — халқимнинг улуғ оғаси», «Улуғ беш йиллик», «Улуғ қонун», «Улуғ Алишер», «Улуғ ваъда», «Улуғ иншоотлар» каби кўп учровчи «улуғ» эпитети ҳам объект, мазмун талаби билан, ҳаққонийлик ва типиклик талаби билан ишлатилган ҳаётӣй эпитетлардир. Бундай эпитетлар гарчанд мазмун ва шароит талаби натижасида туғилса ҳам, энг аввало ёзувчининг шу материалга муносабатига, уни тушуниш ва баҳолаш даражасига, дунёқараши ва образли фикрлаш характерига боғлиқдир. Фақат шу икки момент — асар материалининг характери ва ёзувчининг индивидуал услубини назарда тутган ҳолда бундай эпитетларнинг доимий — севимли ёки тасодифий, ҳаётӣй ёки сунъий эканлигини аниқлаш мумкин. Шу жиҳатдан қараганда Ғафур Ғулом эпитетларнинг ўрнига ҳам, унинг состиавига ҳам ўзига хос равишда ёндашганлиги маълум бўлади. У эпитетларни мисра охириларига келтиришга, иложи бўлса қофия сифатида ишлатишга ёки изоҳланувчи сўздан кейинга ўтказишга интилади. Эпитет мисра охирига қўйилганда интонация тушади ёки кўтарилади ва пауза билан алоҳида, таъкидланиброқ туради, қофиялаганда эса бундан ҳам бўртиб кўринади.

Сезимлар бор увоқ-увоқ,
Қалблар бор ранжиган-синиқ.
Сезимлар бор жангжў, порлоқ,
Қалблар бор сувдан ҳам тиниқ.

Ёки:

Бу Ватан Советлар
халқин тупроғи —
Муқаддас, дахлсиз,
буни билиб қўй.

Биринчи мисолда шоир китобхон эътиборини миллатчи ёзувчилар билан пролетар ёзувчиларнинг ҳаётга, социалистик воқеликка муносабатини янада таъкидлаброқ кўрсатиш учун эпитетларни мисра охирига қўяди ва қофиялайди. Иккинчи мисолда «муқад-

дас, дахл.из» эпитетларини изоҳланувчи «тупроғи» сўздан кейинга қўймасдан, ҳатто уни алоҳида мисрага ёсади ва уни лўнда қилиб кўрсатишга муваффақ бўлади. Ғафур Ғулом шеърларида составли, бирикмали эпитетлар ҳам кўп учрайди. Ундаги «гарданда чўяндан қуйилган занжир», «бошлардан қурилган равоқ», «қадрли баланд инсон», «нияти соф инсонлар» каби эпитетлар фикрни тўла ва сиқик ҳолда беришга кўмаклашади. Ёки ҳиссий тўлқиннинг талаби билан «Онам деганимда оқ соч, жафокаш, мунис ва меҳрибон чеҳранг намоён» («Хотин») тарзида уюшуқли эпитетларга мурожаат қилади. Шоир шеърларида метафорик ва абстракт тушунчаларнинг ёнма-ён келишидан ташкил топган эпитетлар кўп учрайди («Шодлик қўшиги босди саодат кўчасини», «қанотланган умид учар ёш дудоқлардан»). Ғафур Ғулом шеърларида сиқиклик, конкретлик, фикрий чуқурлик ва теранликни келтириб чиқарган омиллардан бири ҳам шоирнинг мана шундай ҳаётий эпитетларидир.

Шу кузатиш ва мулоҳазалардан маълум бўлдики, Ғафур Ғулом образларида ҳам реал воқелик муҳри, ҳам халқ руҳининг муҳри ва шоирнинг ўзига хос образли тафаккурининг — кўтаринки услубининг ўчмас муҳри босилгандир. Бу нарса Блоқнинг «ҳақиқий шоирнинг қалб тузилиши то тинч белгиларидан тортиб ҳамма нарсада акс этади»¹ деган сўзларнинг қанчалик тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ғафур Ғуломнинг қабарик, муболағали фалсафий чуқур образларида, бу образларнинг сербўёқлиги, қасидачилик ва умуман кўтаринки руҳида ўзбек халқининг миллий характерига хос, унинг миллий-адабий анъанасига хос фазилатлар ётади. Шарқ халқлари характери, руҳи, психик тузилиши ва адабий традициялари, образли тафаккуридан, урф-одатидан беҳабар одамлар учун унинг поэзиясидаги сербўёқлик, кўтаринчилик галати туюлиши, салбий сифат тарзида қабул қилиниши мумкин. Узоққа бормай, Ғафур Ғуломнинг ижодини мисолга келтириш мумкин. Шоир 1959 йилда «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим...»

¹ Блок. Собр. соч. в восьми томах. М.—Л., — Гослитиздат, 1960, Т. 1, 569-бет.

шеърини ёзади. Шоир «Таширф этиб мени хурсанд қиласиз, бахт уйида тунаб ўтинг, дўстларим», «жўр бўлишиб ўн беш тил ялласига, бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим», «ўртангизда ёзиглиқ шу дастурхон, сахийликда мисоли катта жаҳон» каби руҳдаги мисраларда ўзбек халқига хос самимият, очиқ чирой ва меҳмондўстлик билан совет халқларининг улуғ дўстлиги ва чуқур интернационалистик фазилатини ифодалайди. Шеърда шоирнинг уй адреслари, оила аъзоларидан тортиб ҳамма реал фактларнинг айтилиши, Ўзбекистон шароитида ўсадиган мева-чевалар, ўзбек таомлари ва ўзбек урф-одатларининг тасвирланиши, шеърнинг айниқса кўтаринки руҳни берувчи ўйноқи шаклда — мухаммас шаклида ёзилиб, банд охирида ҳар сафар «бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!» таклиф-чақириқ мисраларининг такрорланиши асарнинг таъсир кучини, ҳаққонийлигини кучайтирган. Бу шеър «Литература и жизнь» газетасида ҳам босилиб чиқади. Кўп ўтмай шоирга польшалик ёзувчи Раковскийдан хат келади. Ўртоқ Раковский Москвада нашр қилинган «Сто лучших стихотворений» тўпламидан ўрин олган Ғафур Ғуломнинг юқоридаги шеърини ўқиб, шоирга ундан олган таассуротини ёзиб юборади (хат 1964 йил 19 мартда ёзилган). Унинг умуман поэзияни чуқур билиши қуйидаги фикрларидан оидин:

«...Нега юзта шоирлар орасидан сизни ажратиб олдим ва ёлғиз сизнинг ўзингизга ёзмоқдаман? — деб мурожаат қилади у, — чунки сизнинг кўламингиз, сизнинг очиқ қалбингиз менга ёқади. Бу лирик самимият ва меҳрибонлик шаклидаги очиқдан-очиқ чақириқдир: «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!»

Бироқ Раковскийнинг кейинги мулоҳазаларида унинг шарқ поэзиясидан узоқ эканлиги маълум бўлиб қолади. У шундай ёзади:

«Шоирнинг гарчи лирик муболага ва бўрттиришга йўл қўйишини биламан, бироқ ҳар ҳолда бу ерда кенг қалб ва юракнинг майдаланиб кетаётганлиги сезилмоқда...

Шоир, гарчи Совет Иттифоқида бўлса ҳам, шундай дабдабани — бир олам меҳмонларни таклиф қилишни ўзига эп кўришини мен кўз олдимга келтиролмайман. Бунинг учун миллионер бўлиш керак. Наҳотки сизнинг уйингиз катта қаср бўлса?»

Ўртоқ Раковскийнинг мана бу мулоҳазалари Ғафур Ғуломнинг юрагига унча ўтирмайди. Бунинча ёзган жавоб хатидаги¹ «ўз умри давомида яппа қуёшли кунларни ҳам, мусибатларни ҳам кўрган менинг оппоқ бошим сизнинг хатингиздан ҳайратда қолмади, чунки мен бундай хатлардан кўп оламан», жумлаларидан билиб олиш мумкин. Ғафур Ғулом Раковский хатида кўтарилган муболага билан ҳаққонийлик масаласига конкрет жавоб бериб, шундай ёзади: «Ғарчанд шоирлар муболагани ўзларига эп кўришлари мумкин бўлса-да, сиз ўқиган шеърдаги нарсаларнинг ҳаммаси соф ҳақиқатдир ва мен таклифни ўз шеъримда ва сизга ёзган хатимда ҳам такрорлай оламан.

Марҳамат! Очиқ кўнгил миллион талаб қилмайди, балки фақат самимият ва ўзаро ҳурмат талаб қилинади, холос, «Ғафур Ғулом хат охирида» яна бир бор айтаман, марҳамат қилинг! Наврўз байрами яқинлашмоқда. Атиргул бизда ҳаммага етарли» дейди.

Ғафур Ғуломнинг хатидаги фикр — унинг шеъридаги сўнгги бандда ифодаланган фикрга жуда яқин:

Кекса шоир тилидан овозимиз,
Шундай ўтсин ҳар баҳору ёзимиз.
Кўп кўринсин кўзингизга озимиз,
Дўстлар учун жонимиз, ниёзимиз.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим!

Кўриниб турибдики, шоир шеърининг остида катта нарса турибди. Ғарчанд Ўзбекистонга келган машҳур ёзувчи, фан ва давлат арбобларининг кўпчилиги шоир Ғафур Ғуломнинг уйида кўпроқ бўлишган бўлса ҳам, Ғафур Ғуломнинг шеърида шу конкрет бир оила тимсолида бутун Ўзбекистон; ўзбек халқи назарда тутилмоқда, Ғафур Ғуломнинг «кекса шоир тилидан овозимиз», дейиши ҳам бежиз эмас.

Ғафур Ғулом услубига хос бўлган ва Шарқ поэзияси анъанасининг қонуний давоми бўлган бу фазилат-

¹ Мен Ғафур аканинг ҳузурига боргачимда (1964 йил 12 май) жавоб хатини битириб ўтирган экан. Менга Раковскийдан келган хатни ва ўзининг жавоб мактубини ҳам ўқиб бергач, «Мен яхудий» шеъримни хатга қўшиб жўнатиб юбор», деб тайинлади. Мен шу куни уларни Раковскийга юбордим.

ни ортиқча жимжимадорлик, сербўёқлик деб камситиш асло мумкин эмас. Йирик адабиётшунос Г. Ломидзе Шарқ поэзиясининг бу ўзига хос хусусияти тўғрисида ҳақли равишда шундай дейди:

«Миллий традициялар ҳақида гапирганда Шарқнинг кўпгина халқларига хос бўлган «Шарқ романтизми», «Шарқ жимжимадорлиги» масаласини четлаб ўтиб бўлмайди. Бу масалани конкрет кўриб чиқиш керак. Кўп нарса ёзувчининг истеъдодига, унинг манфаатларининг кенглигига боғлиқдир. Фирдавсий, Низомий, Ҳоқоний, Фузулий, Навоий асарларининг жимжимадорлиги (ёмон маънодаги жимжимадорлиги)ни ким исботлай олади? Бир шоирда жимжимадорлик билан тасвирланган нарса, бошқа шоирда бошқача формада ифодаланиши мумкинми? Асарда фикр ва ҳиссиёт чуқур бўлса шоир гапирётган нарсаларнинг ҳаммасини (балки улар баъзан ҳашаматли, кўзни қамаштирадиган, кўтаринки руҳда ифодаланар) тўла равишда табиий ва зарур бўлган нарсалар сифатида тушунишга олиб келади. Ёрқин, чуқур ҳиссиётли поэзияни жимжимадор поэзия деб айблаб бўлмайди»¹.

Агар Гафур Ғулом поэзиясига шу нуқтаи назардан баҳо берсакки, тўғри илмий позицияда турган бўламиз ва унинг услубига хос бўлган кўтаринкилик, демак улугвор образларини туб қонуний, ҳаётий ҳодиса сифатида қабул қиламиз.

Мана шу кузатиш ва мулоҳазалардан маълум бўлиб турибдики, ҳар бир талантли санъаткорнинг ҳам, замонанинг ҳам ўзининг шахсий муҳри аниқ босилган образлар олами бўлади. Бу образлар дунёсида воқеликнинг типик манзараси ва лирик характернинг ички дунёси, ҳаётга қараш, баҳоси ва идеали акс этади. Бу нарса айни чоқда услубнинг ҳам эстетик, ҳам идеологик ҳодиса сифатида асарнинг ғоявий мазмуни билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Шахсий услуб ҳаёт, замона, муҳит, ижтимоий онг, халқ руҳияси ва идеали таъсирида ва ижодкорнинг эстетик мавқеи, диди ва эҳтироси, воқеликни ўзига хос равишда идрок этиши ва бадий татқиқ қилиши туфайли вужудга келади. Санъаткор воқеликни тасвирлаш ва у ҳақдаги ўз қарашларини ифодалаш усули жиҳатидан

¹ «Ўзбекистон маданияти», 1961, 30 август.

Ўзига хосдир. Ҳақиқий шоир ўзининг образли тафаккури, образ тузиш ва бадиий тасвирлаш воситаларидан фойдаланиш принциплари, шеъриятининг қурилиши, оҳанги ва назмий нутқидаги ўзига хослиги билан бошқа ижодкорлардан ёрқин ажралиб туради. Бусиз у ҳеч қачон адабиётда ўзининг қонуний ўрнига эга бўлмайди, зероки, адабиётнинг ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўша олмайди.

1972 йил.

Хассос лирик шоир ва талантли драматург Уйғун ўзбек совет адабиётининг кекса авлодига мансуб санъаткордир. У ўзбек шеърини ривожига қанчалик катта ҳисса қўшган бўлса, ўзбек драматургиясининг тараққиётига ундан ҳам катта улушини қўшди. У адабиётга баҳор мафтуни, баҳор ошиғи, баҳор куйчиси, майин, шўх лирик торни сербўёқ, ёрқин ва нозик расомлик қалами билан бирга уйғун ишлата оладиган, улар воситасида янги даврнинг зафарли одимини, янги инсонларнинг руҳий оламини, сурурли интилишларини, бир жумла билан айтганда воқелик ва одамлардаги гўзалликларни эҳтирос билан тасвирлаб берадиган моҳир санъаткор сифатида кириб келди. Уйғуннинг деворий газетада эълон қилинган биринчи шеъри, «Ёр юзи» журналида босилган илк асари баҳорга бағишланган эди, биринчи тўплами «Баҳор севинчлари» деб номланди, кейин ҳам ўнлаб шеърый китоблар ва йигирмалаб драматик асарлар яратди («Олтин кўл», «Навбаҳор» каби), буларда ҳам ана шу севимли мавзудан — Табиат ва Инсон мавзудан сира-сира ажралмади, ҳар доим оламини, борлиқни бир бутунлигида идрок этди, улар тақдирини ўзаро алоқада тушунди, инсонда табиатни, табиатда эса инсонни кўрди, иккаласининг ягона бирлигида эса социалистик дунёнинг буюк инсонпарварлик, ҳаётбахшлик қудратини ифодалади.

Табиатнинг, айниқса баҳор фаслининг Уйғун қалбини бунчалик чулғаб олишининг боиси нима? Уйғун бутун умрини бағишлаган бу баҳорнинг хислати қандай?

Бунинг илдизини аввало Уйғун туғилиб ўсган жой-

дан, ўша замондан қидирмоқ керак. Уйғуннинг ёшлиги (Уйғун Раҳматилла Отақўзиев 1905 йилда Марки қишлоғида туғилган) унинг ўз сўзи билан айтганда «дунёни қонга ботирган биринчи жаҳон уруши, мардикорликка олиш воқеаси, ўн олтинчи йил қўзғолони, очарчилик, қаҳатчилик, вабо, февраль инқилоби гулдуриси»нинг гувоҳи бўлган. Уйғун барча зулм, тенгсизлик, жаҳолатга барҳам бериб, ўзбек халқини ҳам озод, бахтиёр ҳаёт йўлига олиб чиққан Улуғ Октябрьдан чексиз қувонди. Озодликка чиқиб манглайида шодлик тўлқинлари мавж урган меҳнаткашларни ва улкан қурилишлар эвазига бутун табиатнинг янги либос кияётганини кўрган Уйғун тасаввурида Улуғ Октябрь совет халқи учун, прогрессив инсоният учун ҳақиқий баҳорни бошлаб берган қуёш сифатида идрок этилади:

Октябрни баҳор дедим, мантиқи бор сўзимнинг,
Октябрда жилва қилди инсоният баҳори.
Октябрда тонг ёришди, Октябрда юз очди,
Кишиларнинг саодати, коммунизм наҳори.

Уйғун яна бир асарида «Инсоният тарихида янги сажифа очиб дунёни бахт ва нурга тўлдириб дабдаба ва шавкат билан Улуғ Октябрь революцияси келиб етди. Совет ҳукумати қурилди. Халқ ҳаётида баҳор бошланди», деб таъкидлаган эди. Шундай қилиб, баҳор Уйғун учун революция рамзи, озодлик рамзи, шодлик рамзи ва янги ҳаётнинг бошланиш нуқтаси бўлиб қолди. У шоир учун янги ҳаётнинг битмас-туганмас фазилатлари гўзалликларини ўзида мужассамлаштирган бир янги ҳаёт, бир орзу ва идеалга айланди. Шу туфайли Уйғун баҳорни куйлашни ўзининг олий нияти, маслағи, эътиқоди деб ҳис этди:

Мен баҳор қўшигин куйлайман дадил,
Чунки бу галаба, ҳақликнинг сози.

Ёки:

Ҳар шеъримда бир баҳор,
Гуллар сочиб кулади.
Тилларимда титрак соз
Эмас, севинч тўладир.

Уйғун кейинги парчада кимларнидир, тўғрироғи, миллатчи ёзувчиларнинг «титрак соз...»ини назарда тутмоқда. Миллатчилар Октябрь революциясида баҳорни эмас, балки ўзлари учун кузни, хазонликни кўрадилар. Шунинг учун улар созида севинч, кўтаришчилик эмас, титрак овоз эшитилади, улар сози «фарёд чекади», «қонли ёшларини дарё» каби оқизади, ҳатто «оғу, тикан, ўқ сўзлари»ни революцияга қарши йўллайди, ўтмишни тусаб, ўзгача бир «кўк-лам» баҳорни орзу қиладилар. Уйғун ўз шеърида улар «баҳорининг сўлганини, хазон» бўлганини уқтириб, очикдан-очик бундай жавоб берганди:

Қонли ёшларингдан дарё оқса ҳам,
Сен йўқлаган «кўклам», «тотли» хаёллар,
Англа, билким,— шоир,— энди кулолмас,
Фарёдинг борлиқни ўраб ёқса ҳам.

Кўриниб турибдики, Уйғун баҳор, кўклам образини ўша даврдаги адабиётда мавжуд бўлган мафкуравий курашни, совет ёзувчиларининг ғоявий-эстетик принципларини ифодаловчи воситага айлантиради. Дарвоқе, Уйғун бу даврда кўпгина адабий-танқидий мақолалар ёзиб, янги, ёш совет адабиёти учун актив кураш олиб борди. Зотан, Уйғуннинг ўзи ижодининг марказига социалистик тузумнинг инсонпарварлик моҳиятини очишга, халқ қудратини ва унинг руҳи, характери, психологиясидаги янгиликларни ифодалашни қўйди. У «кишилиқ олдида, тарих олдида турган» катта масалаларни бадиий тадқиқ этишни ўзининг ижодий бурчи деб билди. Шоир «ёзадиган бўлсанг, зўр нарсани ёз, майда гапни оғзингга олма, мудрама, замондан орқада қолма», дейди. Унинг ўзи баҳор мавзуини халқ тақдири билан, замоннинг катта ижтимоий-ахлоқий масалалари билан жипс боглаб талқин қилди. «Баҳор севинчлари» (1929), «Иккинчи китоб» (1933), «Қуёш ўлкасига» (1936), «Муҳаббат» ва яна бошқа ўнлаб тўпламларида Баҳор ва Инсон мавзуини чуқур гражданлик аспектида бадиий тадқиқ этувчи ўткир лирик шоир сифатида намоён бўлди. У ўзбек совет лирикасининг дурдоналаридан бўлиб қолган «Куз қўшиқлари» шеърида:

Ҳар фаслнинг ўз хислати бор,
Ҳар фаслнинг ўз фазилати.
Кумуш қишдан, зумрад баҳордан
Қолшмайди қузнинг зийнати,—

дейди. Бу афоризмга айланиб кетган мисраларда Уйғуннинг табиат мавзусига янада кенг ва чуқур ёндашиши намоён бўлади: энди у табиатнинг ҳамма фаслини янги, социалистик дунё, коммунизм гоёларининг ифодачисига айлантиради, халқ қудратини ва унинг руҳий гўзаллигини кўрсатувчи воситага айлантиради. Шоир «Куз қўшиқлари» ёки «Челюскинчилар қўшиғи»да ҳам, «Олтин севги» ёки «Тонгги бўса»да ҳам — ҳаммасида янги замон белгисини кўрсата олади. Ўша 30-йилларда ёзган «Коммунизм гулбоғларига» номли машҳур шеърида социалистик тузумни коммунизмнинг илк аввал баҳори деб таърифлайди:

Эҳ, кунлар келади,
Ўзгариб жаҳон,
Касб этиб ўзига янги бир мазмун,
Янги бир кайфият,—
Янги бир одат,—
Бутун қайта бошдан яралажакдир,
Бонг уриб дунёнинг асабларига,
Янги қон, янги жон таралажакдир.
Биз, мана тарихда биринчи дафъа,
Бу нурли жаҳонга қадам ташладик,
Ўзимиз яратиб, яралиб унинг
Аввал баҳорига кира бошладик.

Уйғун «Назир отанинг ғазабини», «Гуласал», «Олтин севги», «Жонтемир» каби ўзбек поэзиясининг ўлмас асарлари бўлиб қолган шеър ва поэмаларида социалистик ҳаётни қуриш жараёнида шаклланган янги одамларни, уларда коммунизм кишисига хос фазилатларнинг туғилишини муҳаббат билан тасвирлади. Назир ота, Гуласал, Жонтемирлар янги ҳаёт, социалистик меҳнат туфайли туғилган юксак онгли, фидокор одамлардир, улардаги коммунистик онглилик, покиза ахлоқ давр маҳсулидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Уйғун ўзбек совет поэзиясида воқеликдаги буюк социал ўзгариш-

ларни қаҳрамоннинг интим кечинмаси, руҳий дунёси, психологик кайфияти орқали ифодалашнинг ажойиб намунасини кўрсатди. У колхоз кишининг кўтаринки руҳий оламини конкрет чизиб беришга, унинг характеридаги, психологиясидаги ижтимоий кишига хос фазилатнинг туғилишини, шу даврнинг илғор одамларининг сифатларини ўзида мужассамлаштирган шахсларнинг типик психологик портретини ҳаққоний тасвирлаб беришга эришди. Зотан янги революцион воқеликнинг ўзи шеърятда ҳам субъектнинг ички моҳиятини чуқур очиб беришни, ҳам уни ўраб турган муҳит, шарт-шароитни, ташқи дунё манзарасини яхлитлигида бадий талқин қилишни тақозо қиларди. Уйғун шу йўлдан борди, шунинг учун ҳам унинг поэзиясида икки асос — лирик ва эпик асос ўзаро жипс-лашиб кетди. Унинг поэзиясининг ҳам ҳис-туйғуга, кечинмаларга, психологик ҳолатларга бойлиги, ҳам предметлилиги, конкретлилиги, манзаралилиги, ташқи дунёнинг ранго-ранг образларига, миниатюр эпик сюжетлилика моликлиги шундан. Эпик чизиқлар, ташқи дунё, айниқса табиат бўёқлари ва деталлари Уйғунга лирик образ яратиш, кечинмани шаклга солишда актив ёрдам беради. Шунинг учун ҳам шоир диққатида ҳамма вақт қаҳрамон кечинмасини, руҳиясини, психологик кайфиятини ифодалаш туради, эпик элементлар ва ташқи дунё образларининг ҳаммаси шу ният — «субъектив онгни», яъни лирик қаҳрамоннинг воқеликка субъектив муносабатини кўрсатишга ёрдам беради. Уйғуннинг воқеавий шеърларида лиризмнинг, субъектив асоснинг чуқурлиги, эпик психологизмнинг кучлилиги ҳам шундан.

Бу фазилатлар машҳур «Жонтемир» поэмасида ҳам мавжуд. Шоир Жонтемирнинг ўтмишдаги бечора, қашшоқ ҳаётини изтиробли, армонли ва туғёнли мисраларда вазмин оҳангга чизади. Бу бобдаги гамгин, газабли оҳанг Жонтемирнинг совет давридаги бахтиёр ҳаётини кўрсатувчи бобга ўтганда шўх, жанговар, кўтаринки оҳанг билан алмашади. Поэманинг энг кучли фазилати шундаки, шоир Жонтемир тақдири орқали гўзал табиат, баҳор ишвалари эрксиз, сиёсий ҳуқуқсиз бечора деҳқоннинг юрагига заррача ҳам таскин беролмайди, ярасига малҳам бўлолмайди, инсон қачон озод ва бахтиёр бўлсагина, табиат гўзаллигидан эсте-

тик завқ олиши мумкин, деган ўтқир фикрни — гоёни ўртага ташлайди. Шоир Жонтемирнинг икки даврдаги ҳолатини, кечинмасини контрастли қилиб тасвирлайди: эски, золим тузум даврида Жонтемир далага бойнинг қўйларини ҳайдаб борар экан, баҳор бутун ишвалари, барча гўзаллигини намойиш қилиб қарши олади, лекин Жонтемир улардан таскин топмайди. Совет даврида у озодликка чиққач ва ўз меҳнатининг мевасига ўзи хўжайин бўлгач, унинг кўнглида чинакам «баҳор очилади!» Энди Жонтемир ўз бригада аъзолари билан далага борар экан, гуллару сувлар ва булбуллар уларни «севиб, тўлғаниб, сайраб қаршилаб оладилар», энди Жонтемир бу гўзалликни кўра ва ундан баҳра ола билади: «кўп завқ билан экни майдонига юради».

Табиат Уйғун поэзиясида воқелигимиз ва одамларимиз руҳиясида юз бераётган ўзгариш ва янгиликларнинг ойнаи жаҳонига айланиб кетди. У истаса, лирик қаҳрамон руҳидаги драматик ҳолатни янада тоблаш учун табиатни контраст қилади, истаса, қаҳрамон қалб эшигини очувчи калитга ёки табиатни юксак шоирона парвоз учун учиш майдонига айлантиради, истаса зўр, ҳаётий фалсафий мазмунни ифодаловчи рамзга кўтаради. Шоир барча туйғуларини, фикрмушоҳадаларини, фалсафий ўйларини, борлигини табиатга эритиб қуйиб юборади. Ўз ўрнида табиат ҳам жонлилаштирилади, инсонийлаштирилади.

Энг муҳими, Уйғун табиатга бўлган оташин, самимий муҳаббатини она-Ватанга, халқига бўлган чексиз юксак муҳаббати ва садоқатининг рамзи даражасига кўтарди. Табиатни инсондай қудратли ва ижодкор, инсонни эса табиатдай гўзал, нозик, пок ва бой деб тасаввур этди.

Уйғун она-Ватанимизни баҳорга ўхшатар экан, ўзини эса булбулга муқояса қилиб, «баҳор булбулидай сайрагим келур», «Ватан, булбули шайдо бўлиб мадҳ айлади сени Уйғун», дейди. Ўзини булбулга ўхшатишида икки жиҳат бор: шоир ҳам социалистик ҳаёт куйчиси, ҳам коммунистик гоё сари одамларни чорловчи, деб билади. «Вулбул» шеърда «булбулнинг тотли овози руҳни юксалтирар», у «сайраб ҳаётга иштиёқ орттирар», дейди. Зотан, Уйғун шеъриятидаги кўтаринкиликнинг илдизи ҳам шундаки, у воқеликни,

турмушни ва одамлар қалбини орзу ойнасида кўради ва тасвирлайди. Шу туфайли китобхонларни ҳам мавжуд, ҳам энди туғилаётган ва қарор топаётган гўзалликлар билан озиқлантиришга ошиқади. У воқеликдаги ва одамлардаги янги ижобий жиҳатларни қуюқ, ёрқин бўёқларда қабартириб, таъсирли, жозибали қилиб чизиб, улар «руҳини юксалтириш», «ҳаётга иштиёқ орттириш» йўлидан боради. Уйғун бир шеърда «гўзаллик завқига тўйгингиз келса, шоир кўзи билан гулшанга қаранг», дейди. Ўзи доим ҳаётимиз ва халқимиз қалбига шу шоирона кўз билан эҳтирос, муҳаббат ва ҳавас, ғурур ҳамда сурур билан қаради ва шу туфайли «ҳаёт гўзал, ҳаёт мароқли» деган ажойиб хулосага келади.

Уйғун шиддатли Улуг Ватан уруши йиллари мана шундай гўзал ҳаётимизга, Баҳор мамлакатига, севимли юрт табиатига чанг солиб, ўлим, куз олиб келаётган фашизмга қарши қаҳр-ғазаб билан тўла жанговар шеърлар ёзди: «Ғазаб, севинч, нафрат, муҳаббат билан жаранглар шеъримнинг симфонияси» деди шоир. Шу номда шеър ёзди, «Ғазаб ва муҳаббат», «Зафар тароналари» каби китоблар нашр этди. Бу йилларда унинг аввалги ижодида чуқур ишланган севги мотиви янада ўсиб, вафо-садоқат туйғуларини улуғлаш мотиви билан омукта бўлиб кетди, айниқса Ватанни, гўзалликни куйлаш эса уларни машъум ёвдан ҳимоя этиш мотиви билан алмашди. Кучли муҳаббат туйғуси ёнига илгари куртак ёзиб турган шафқатсиз ғазаб туйғуси, ўткир сатирик руҳ келиб қўшилди. Уйғун воқеавий-миниатюр сюжетли шеърлар ёзишдан воз кечмагани ҳолда энди кўпроқ лирик қаҳрамон кечинмасини бевосита ифодалаш, уни душман билан юзмаюз қилиб қўйиш, халқ номидан сўзловчи жанговар совет кишиси тарзида тавдалантириш йўлидан борди, сиёсий лирикага, публицистик шеърга аҳамият берди. У образларини яна шу табиат ҳазинасидан олди: фашизмни «умр боғини ҳазон этувчи ажал ели»дир, деб хазонга ўхшатиб, традицион образга катта ижтимоий мазмун юклади (классик поэзиямиз ва фольклордаги гул, булбул, лола, зоғ, бойўғли, бўри каби традицион образлар ҳам унинг шеърда ниҳоятда активлашди). Шоирнинг «Қон эрур у лола деганинг, булбул эмас, бунда учар ўқ», деган мисраларидаги Лола, Булбул

образлари фашизмнинг ваҳшийлигини очишда гоят таъсирли восита бўлиб қатнашади. Шоирнинг лирик қаҳрамонлари «мени бошлаб кирар улуг жангларга азиз Ватан ишқи, гулзорлар ишқи», дейди. Уйғун «Ватан ҳақида қўшиқ», «Ўзбекистон» каби чуқур, оташин ватанпарварлик ва интернационализм билан тўлиқ шеърларида социалистик тузумнинг ҳаётбахшлигини, совет халқининг букилмас иродасини ва буюк жасоратини меҳр-муҳаббат билан куйлади. Ўз Ватани деб бутун кўп миллатли совет мамлакатини тушунган лирик қаҳрамон бор овози билан унга қараб, «ўлсам айрилмайман қучоқларингдан», дейди. Урушнинг биринчи кунларида ёзган шеърларидан тортиб, то ғалаба кунигача яратган асарларида Уйғун халқ қалбидаги ғалабага қаттиқ ишонч руҳини, улардаги адолат, ҳақиқат тантанасига бўлган ишончини, кўтаринки руҳни ғурур билан ифодалади. «Баҳор қўшиқлари» (1942) шеърида, яъни урушнинг энг оғир кунларида ёзган асарида ғалаба Баҳорини куйлади: тез кунларда яна «ёнгин сўниб баҳор жилва» қилишини, яна «гуллар очилишини» ва яна «бахтимизни қутлаб ҳар сафаргидай булбуллар чаманда лапар айтишар», деди комил ишонч билан.

Совет халқи Улуг Ғалабани қўлга киритгандан кейин ёзган шеърларида Уйғун бутун диққатини одамларимиздаги ҳаётга, меҳнатга, ижодга бўлган буюк ишқни, чанқоқликни, она-Ватанни аввалгидан ҳам гўзал ва бой қилиш ишига бўлган зўр иштиёқини куйлади. «Ҳаёт ишқи» (1948), «Ҳаёт чақиради» (1961), «Ҳаёт қўшиғи», «Тонг қўшиғи» каби китоблари, асарларининг сарлавҳасидан тортиб ички пафосигача — ҳамма нуқтасида шу мотив, шу фикр, шу ғоя ётади. Урушдан кейинги шеърларида воқеликни барча зиддиятлари билан тасвирлашга диққат қилди, шеърлари ўйчан, фалсафийлашди. Уйғун гўзалликнинг тўла тантанаси учун, одамларнинг ҳаммасини севинч оғушига етказиш учун, ҳар томонлама етук инсонни вояга етказиш учун гўзалликни ҳимоя этиш, уни баланд пардаларда мадҳ этишнинг ўзи етмаслигига янада амин бўлди. Энди у шу гўзалликларнинг қарор топишига, орзу ойнасида тасвирланган нарсаларнинг тезроқ рўёбга чиқишига халақит бераётган ғовларни, эскилик қолдиқларини ва консерватив кучларни фoш

қилишга жазм қилди; коммунизм учун олиб борилаётган кураш жараёнида актив иштирок қилаётган ва ўзлари ҳам ўзгариб, ўсиб бораётган кишиларни, уларда шаклланаётган коммунистик белгиларни кенгроқ ва чуқурроқ акс эттиришга бел боғлади. Шу мақсадда Уйғун драматургия жанрига борлигича берилди. Агар Уйғун йигирмага яқин драматик асар ёзган бўлса, буларнинг кўпчилигини урушдан кейин яратди. Энди маълум маънода шоир Уйғундан драматург Уйғун ўзиб кетди. Зотан урушдан кейинги ва ҳозирги ўзбек саҳнасини Уйғуннинг номисиз мутлақо тасаввур этиб бўлмайди, у ўзбек драматургиясининг отахонларидан бирига айланди. Шоирона кўтаринкилик, лиризм, ҳаётга муҳаббат туйғулари ва келажакка ошиқиш-интилиш унинг драматургиясига ҳам актив кириб борди.

Уйғун драматургияга катта шоир сифатида шуҳрат қозонгандан кейин кириб келди. У ҳали мактабда ўқир экан, пьесаларни ғоятда ҳавас билан ўқир, ҳатто мактаблардаги тўғарақларда қўйилган пьесаларда турли ролларда ўйнардди. Карл Маркс техникумида ўқиб юрганда бир пьеса ва бир комедия машқ қилиб, ҳаваскорлар тўғарагида саҳнага олиб чиқадилар ва бош ролларда ўзи ўйнайдди. Театрга, драматургияга бўлган бу ҳавас-иштиёқ унда мунтазам равишда ўсиб боради. Улуғ Ватан уруши йилларига келиб бу жанрга астойдил берилади. Иззат Султон билан ҳамкорликда яратган «Алишер Навоий» пьесаси ҳам икки ижодкорни талантили драматург сифатида элга танитди, ҳам ўзбек драматургиясида бир воқеа даражасида тан олиниб, ўзбек драматургияси ва саҳнасида янги даврни бошлаб берди. Чунки бу асар тарихий-биографик жанрдаги голий-бадий жнҳатдан етук драматик асарлардан бири эди. (Бу асар асосида Уйғун, Иззат Султон ва В. Шкловскийлар томонидан ёзилган сценарий кино қилинди ва жаҳон экранига чиқди).

Иккала муаллиф ҳам Алишер Навоий ижоди бўйича жиддий ва чуқур илмий иш олиб борган, унинг ҳақида китоблар чиқарган тадқиқотчилар ҳам эди. Шу туфайли пьеса чуқур илм ва юксак санъатнинг уйғунлигидан вужудга келди. Муаллифлар Навоий даврини, улуғ мутафаккирнинг бутун борлигини, дунёқараши, бой шоирона қалби, характери, санъаткорлик табияти, ижтимоий-сиёсий-фалсафий қарашлари, давлат арбоби

сифатидаги гуманистик ишлари, юксак ахлоқи ва пок муҳаббатини сиқиқ бир асарга сиғдира олганлар. Асар мазмуни ва пафосида «Хазойинул маоний»даги қомусийлик, нафислик, «Ҳайратул аброр»даги фалсафийлик, «Фарҳод ва Ширин»даги қаҳрамонлик, «Лайли ва Мажнун»даги севги-садоқат ва фожиавийлик, «Садди Искандарий»даги баланд орзу-идеаллар муҳри ётади. Энг муҳими, муаллифлар Навоий ва унинг даври материалларидан ҳозирги замон учун муҳим, қимматли фикр, ғоялар топдилар. Бу — халқнинг адолат, тинчлик, маърифат, соф муҳаббат, инсонийлик, дўстлик учун курашини олқишлаш ва урушни, зулмни, тенгсизликни, ёвузликни, пасткашликни қаттиқ қоралашдир. Бу ғоялар фашизмнинг ваҳшийлигига қарши озодлик ва адолатли кураш олиб бораётган қаҳрамон совет халқининг ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанг эди. Муаллифларнинг бу ғояларини ифодаловчи характерларнинг барчаси ёрқин, жозибали ва асар драматик конфликтини ҳам ғоят кўп қиррали, кескин. Асардаги барча воқеа ва ситуациялар бир-бири билан шундай чамбарчас боғланганки, мана шу воқеа бирлиги ва жонлилиги драмадаги ҳамма нуқтани ягона бош ғоя учун хизмат қилишга олиб келган. Чиндан ҳам асарда ўз зиммасида ғоявий «юк» кўтариб юрмаган бирорта образ йўқ. Пьесадаги яхлит драматик конфликт уларни ўз ўпқонни гирдобига тортиб кетади ва шу персонажлардаги руҳий курашнинг, ички коллизиянинг янада кучайишига сабаб бўлади. Қаҳрамонларнинг ташқи хатти-ҳаракати ҳар хил интригалар ва ички коллизиялар билан биргаликда ҳамда ҳаракат билан драматик шароитнинг ўзаро алоқада кўрсатилиши асарни мукаммал қилган омиллардандир. Пьеса асосий қисмининг шеърий йўл билан ёзилиши ундаги лиризмни, романтик кўтаринкиликни кучайтирган. Проза билан ёзилган жойлари ҳам чуқур лиризм билан, шеърий қисми эса теран фикр, фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган.

Урушдан кейин Уйғуннинг бир неча марта «Танланган асарлар»и, кўп томликлари босилди. Унинг олтин томлик «Асарлар»нинг деярли уч томини драматик асарлар ташкил этади. Уйғуннинг «Асарлар», «Олтин кўл» каби шеърий драмалари ва «Лақма», «Она», «Гирдоб», «Қалтис ҳазил», «Ҳаёт қўшиғи»,

«Навбаҳор», «Сўнгги пушаймон», «Ҳуррият», «Парвоз», «Дўстлар», «Муқаддас бурч», «Парвона», «Қопқон» драмаларининг айримлари яқин ўтмишдан олиб ёзилган тарихий революцион темадаги асарлар бўлса, аксарияти халқимизнинг шу кунги турмуши, фаолияти ва интилишларига бағишланган. «Абу Райҳон Беруний» ва «Абу Али ибн Сино» шеърӣ драмалари тарихий-биографик жанрдаги асарлари сирасига киради. Тўғри, буларнинг орасида саҳнада узоқ ёки муҳим ўрин олиб қололмаганлари ҳам анчагина бор. Аммо драматург бу пьесаларнинг ҳаммасида халқимиз ҳаётидаги ўткир, муҳим масалаларни —янгилик учун, халқнинг бахт-саодати учун, янги инсон учун кураш масалаларини ўртага қўяди. Буларни у қандайдир катта, алоҳида воқеалар орқали эмас, балки совет кишиларининг оддий ҳар кунги ҳаёти, меҳнати, оилавий муносабатларини таҳлил қилиш орқали таҳлил этади. Инсонлардаги қаҳрамонлиқни, одамлар онгининг ўсиши, қалбининг гўзаллашишини, даврнинг илғор, солиб руҳини, ёрқин белгиларини одамларимизнинг ҳар кунлик турмушидан топади. Ҳатто Уйғун кўпгина драматик асарларига маълум оила аъзоларининг ҳаёти, курашини асос қилиб олади. Улар ўртасидаги тўқнашувлар ҳаётга, халқ манфаатига, жамият олдида турган муҳим вазифаларга келажакка муносабатлари туфайли юз беради ва шундай қилиб, ҳаракат, кураш доираси кенгайиб, ўз бағрига бошқа одамларни ҳам тортиб кетади. Унинг пьесаларида иштирок этувчилар сонининг кўплиги, воқеа ситуацияларнинг бойлиги ҳам бежиз эмас (Тарихий темадаги пьесаларида ўттиздан ортиқ персонаж қатнашади, «Ҳуррият» каби замнавий асарларида йигирма олти персонаж бор, «Парвона», «Муқаддас бурч» каби психологик драмаларида 7—8 персонаж билан чегараланади). Унинг асарларидаги қаҳрамонлар шахсий тақдири халқ тақдири билан узвий боғланиб кетган, бирисиз иккинчиси яшамайди. Бу ўз-ўзидан унинг пьесаларида кучли, тўлақонли характерларнинг яратилишига олиб келган, драматик конфликтнинг янада кескинлашишига сабаб бўлган, айниқса қаҳрамонларнинг руҳий дунёсидаги курашни, мураккаб кечинмаларни, ички коллизияни тиниқ беришига ва бу коллизияларни асардаги драматик конфликтни янада тоблашга хиз-

мат эттиришига слиб келган. Бу фазилатларни Уйғуннинг хотин-қизларнинг жамиятимиздаги катта ролини, уларнинг сиёсий, маънавий улғайишини ифодаловчи «Олтин кўл», «Ҳаёт қўшиғи», «Навбаҳор», «Ҳуррият», «Муқаддас бурч» каби драмаларида ҳам кўриш мумкин. «Муқаддас бурч»да «урмасдан майиб қиладиган», «отмасдан ўлдирадиган» жиноятчилар—«ниқобланган жиноятчилар»нинг маънавий қашшоқлигини очиб ташлайди. Пулга, бойликка виждонини сотган бундай кимсаларни пок туйғулар, эзгу ниятлар қотили сифатида талқин қилади, бош қаҳрамоннинг фожиали ўлими муаллиф гоёсини тўла ўтказишга хизмат этади. «Лақма» асари ҳам юқоридаги драма каби одамларни сезгир ва огоҳ бўлишга чақиради. Бош қаҳрамон тақдирини орқали драматург «Муҳаббат учун, бахт учун курашиш керак», демоқчи бўлади. Асар «Олтин кўл» драмаси каби шукуҳли, енгил ҳазил-мутойибага бой бўлиб, шу кунги турмушимиз руҳини ҳаққоний ифодалайди. Ёки гоёвий йўналиши, дидактик пафоси жиҳатидан «Парвона» асари ҳам юқоридаги пьесаларга яқин. Унинг лейтмотивини Уйғуннинг 1943 йилда ёзган бир шеъридаги «Умрингни хазон этма ўтгучи ҳавас бирлан, ишқ бошқа, ҳавас бошқа, бу йўлда хато қилма» деган мисралари ташкил этади. Драматург ўз қаҳрамонининг муҳаббати ва оилавий ҳаётининг фожиали тарихини бир сабоқ тарзида кўрсатади.

Уйғуннинг «Қопқон» асари билан «Абу Райҳон Беруний» драмаси ўртасида муштараклик мавжуд. Драматург «қопқон» сўзини кенг маънода реакцион тузум меҳнаткашлар ҳаёти учун қўйилган мудҳиш қопқон, деган маънода ишлатади. Беруний ҳақидаги асарида ҳам улуг аллома тили орқали «Дунё қонли тузоқ экан, мен ҳам тушдим тузоққа» дейди. Уйғун Беруний ва унинг замондошлари тақдирида ана шу эрксизликни, жаҳолатни кўрсатади. Уйғун юқоридаги тарихий асарларида ҳам, Ибн Сино ҳақидаги янги асарида ҳам узоқ тарихни ҳозирги замон учун бир катта мактаб, зўр сабоқ тарзида бадий талқин қилади. У Беруний тилидан «Истиқболда яшаш қийин, билмай туриб ўтмишни, истиқболни ўйлаганлар ўтмишни ҳам ўйлайди, тарих бизга устод эрур, тарих бизга муаллим», дейди. Шунинг учун ҳам асар марказига тарих

да икки хил ном қолдирган, бир-бирига ҳар жиҳатидан зид турган тарихий шахсларнинг тақдирини, ўзаро курашини қўяди: бири ўзининг буюк илм-маърифати билан инсониятни нурга чорлаган, олға етаклаган Беруний бўлса, иккинчиси Наполеон ва Гитлер каби дунёга ҳоким бўламан деб, босиб олган ерларини ер билан яксон қилган, халқларни хор-зор этган зolim, йиртқпч Султон Маҳмуд Ғазнавийдир. Драматург бу шахс тимсолида босқинчилар, ёвузлар типини бермоқчи бўлади. Уйғун бошқа тарихий асарларидаги каби бунда ҳам халқ қудратини, унинг тилаклари, идеалларининг абадийлиги ғоясини теран ифодалайди. Навоий, Беруний ва Абу Али ибн Сино ҳақидаги асарларида Уйғун характерларнинг ёрқин, жозибали бўлишига эришади, уларни шароит, муҳит билан кескин тўқнашувда тасвирлайди, ҳам ташқи воқеавийлик, ташқи ҳаракат, ҳам ички коллизия, ички ҳаракатнинг актив иштироки, бир бутунлигига эришади. Қарама-қарши қутблар ғоявий жиҳатдангина кескин тўқнашиб қолмай, оилавий томондан ҳам бир-бирига зид бўлади. Тўғрироғи, оилавий ишлар улар ўртасидаги курашни янада кучайтиради: «Алишер Навоий»даги Навоий — Гули — Ҳусайн линияси ёки «Абу Али ибн Сино»да Синонинг ўзининг ашаддий ғоявий душмани Абу Файсалнинг қизи Соҳибжамолни севиб қолиши, қизнинг ҳам Сино васлига етиш учун актив позицияда туриши асарлардаги драматизмни, конфликтни ғоятда кескинлаштиради. Синонинг инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғломлиги учун, ҳақиқат учун олиб борган курашини фалсафий аспектда бадий талқин қилувчи бу пьеса Уйғун ижодида янги саҳифа бўла олади.

Уйғуннинг тарихий темадаги пьесаларида характерлар қиррали қилиб тасвирланади, воқеа содир бўлаётган жой ҳам, вақт чегараси ҳам кенг, улардаги сюжет ҳам катта тарихий даврни қамраб олади. Бу нарсалар Уйғун пьесалари мазмуни ва ғоясида ётган эпик кўламни янада мустаҳкамлайди. Қаҳрамонларнинг актив интилишлари, қайноқ кечинмалари, жўшқин эҳтирослари, ранг-баранг психологик ҳолатлари қуюқ, қабариқли, патетик тарзда кўрсатилади. Уйғуннинг бундай пьесаларига алоҳида жозиба бахш этиб турган театрбоплик ва томошабинликнинг илдизи шу ерда.

Драматургнинг замондошларимизга бағишланган асарларида руҳий таҳлил, психологизм кучли. Уларда патетика, кўтаринкилик ўрнини ҳаётни ўз шаклида кўрсатиш эгаллайди. Уйғун даврнинг илғор одамларининг янгилик, гўзаллик, юксак туйғу ва порлоқ идеаллар учун актив курашини кўрсатиш заминида ўткир драматизмни келтириб чиқаради. Драматург ташқи муҳитнинг характерни ҳаракатлантирувчи ва тарбияловчи кучига катта аҳамият беради. Қаҳрамоннинг барча хатти-ҳаракати, интилишлари ва курашлари фақат унинг характеригагина эмас, балки айни чоғда уни ўраб турган муҳитга ҳам боғлиқ бўлади. Уйғун пьесаларидаги ўткир драматик конфликтни, кучли коллизияларни вужудга келтирган омил шу ерда.

Уйғун поэзиямизда алоҳида ҳодиса бўлган тиниқ, сержило, эҳтиросли шеърияти орқали ҳам, ўткир мазмунли, теран драмалари орқали ҳам ягона мақсад, олий ният учун — она-Батан шону шавкатиини улуглаш, совет кишиси қалб гўзаллигини ифодалаш учун курашди. Бу илҳоми ҳамиша баҳордек қайноқ, сероҳанг ва сербўёқ сўз санъаткори бутун борлигини табиатнинг шоҳи бўлмиш буюк инсонни бир улуг ва эзгу тилак сари — коммунизм гулбоғлари сари ошиқиб чорлашга бахш этмоқда.

1965 йил.

Миртемирнинг биринчи шеъри матбуотда чиққанига эллик йилдан ошибди. Халқимизнинг гоёт сармазмун ҳаёти, социалистик жамиятни қуриш йўлидаги қаҳрамонона кураши ва меҳнати Миртемирга илҳом берди, унинг созини сероҳанг ва жозибали қилди, шоирни шеъриятимизнинг баланд чўққиларидан бирига айлантирди. Дарвоқе, шоирнинг ўзлари мана бундай дейди:

«Садағанг кетай, халқим! Тилни ҳам, тимсолни ҳам, адабни ҳам, меҳнатни ҳам, ўринлик ғурур туйғуси ва ғазабни ҳам, ўринлик жирканиш туйғуси ва инсон номини ҳам, чўққилардан юксак тута билишни ҳам ўзингдан беминнат ўрганаман».

Миртемирнинг ижодкор сифатида ўзига хос бош фазилатларидан бири шуки, у давр овозини, социалистик воқелигимиз пафосини, совет кишилари қалбида замонанинг улкан воқеалари, ишлари ва курашлари таъсирида туғилган хилма-хил оҳангларни, кечинмаларни ҳаққоний ва чуқур акс эттирди. Миртемир Ғафур Ғуломнинг «давр овози деса арзигулик» шеърларини санаб, «унинг созида фақат Ғафурга хос жаранг, фақат ўзига хос авж, фақат унга хос барқ бор, йўсин бор», дейди.

Худди шундай фазилат, яъни ўзига хос овоз, ўзига хос жаранг, ўзига хос оҳанг, ўзига хос авж Миртемирнинг ўзида ҳам бор. Миртемирнинг шеъриятни куйга ўхшатиши бежиз эмас. Шеърият билан музыка ниҳоятда бир-бирига яқин, музыка инсон қалбини ва ҳаёт оҳангини куй орқали, шеърият, сўз орқали ифо-

далайди. Инглиз марксисти Кристофер Кодуэлл: «Илм ҳар доим математикага, шеърият эса музыкага интилади», деб бежиз айтмаганди. Унинг ёзишича, «шеърият энг аввало қўшиқдир, ритмсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган қўшиқни эса, одатда, жўровозликда куйланади, у умумий кайфиятни ифодалайди. Кўтаринки нутқнинг жумбоқларидан бири ҳам шунда».

Шу ритм ва оҳанг тарихий қимматга эга, бошқача айтганда, замоннинг руҳи ва одамларнинг кайфияти шеъриятнинг ритми, оҳангида ҳам акс этади. Уларда замон муҳри, ҳаёт муҳри ётади. Аристотелнинг қуйидаги сўзлари ўз қимматини мутлақо йўқотмаган: «Ритм ва оҳанглар даставвал реал воқеликка яқин келувчи ғазаб ва мулойимликни, жасорат ва мўътадилликни ҳамда шуларга зид хусусиятларни, худди шу каби бошқа ахлоқий сифатларни акс эттиришни ўз ичига олади».

Бу фикрларни шунинг учун келтирмоқдамизки, Миртемирда мусиқий ҳис, туйғу жуда чуқур ривожланган. У халқ ҳаётидаги ўзгаришларни, у эришган буюк ғалабаларни ва биринчи галда совет кишилари қалбидаги хилма-хил кечинмалар, туйғулар, кайфиятларни жуда теран ҳис қилади ва ўз созини ана шу ҳаёт оҳангида, халқ қалбининг зарбига мослаб созлай олгандир. Машҳур совет композитори Р. Шchedрин Л. Толстойнинг «Анна Каренина» асари асосида яратилган шу номдаги балетида улуғ ёзувчининг романидаги катта мазмун ва ўткир ғояни бериш учун ўз балетида ўттиздан ортиқ оҳанг, мотивни қўллагани — ижод этганини айтади. Худди шунингдек, Миртемир ҳам совет воқелигимизни ифодалаш учун ўз шеъриятида жуда кўп ритмлар, мотивлар, оҳанглар яратади. Аммо ана шу ранго-ранг мотив, оҳанглар орасида учтаси энг етакчи, марказийси ҳисобланади ва булар шоирнинг ҳаётни ҳаққоний акс эттирувчи ўткир ижодий принципига кўтарилган.

Булардан биринчиси — шодлик, бахт оҳанги, меҳнат ва кураш оҳанги, бир сўз-ла айтганда, кўтаринки оҳангдир. Худди шуни шоир «аср оҳангларидаги куй», деб билади ва бутун диққатини совет кишиларининг социалистик жамият қуришдаги курашини, коммунистик жамият сари «буюк сафарини куйларга жойлашга» қаратади. Миртемир ўтмиш шоирларимиз ва шеъ-

рийтимиз тўғрисида сўзларкан, улар сози ҳам пардасига созланганини таъкидлайди ва «бўғиқ фарёд эди куйда авж парда», «нақадар мунг бу пардаларда», деб ёзади. Социалистик Ватаннинг эркин ва бахтиёр куйчиси бўлганидан ғурури оламга сиғмаган шоир ўз созининг авж пардасини халқнинг шодиёнаси, меҳнат ва кураш сурурига мослайди. Қаранг, шоир ўз шеърларида, сочмаларида мана нима дейди:

«Тингла... кўзларидаги сўнгсиз мунглар қанотсиз учқундай... Юраклардаги тугунни сўнгги куй ечгандай... У, шу дақиқада, шу онда суюнчиларда қулоч отяпти, соз инграмасдан, ўйноқи куй сочяпти.

Чал, қиз!..

Чал! Олдинги товушлар мунг берган эди, сўнггиси давра — айланага фараҳ сочди... Чал, юракларда кураш завқи уйғотиб!.. Чал, томирларда қон ўйнатиб!..

Чал бахт элларининг созчи эркаси!

Чал, бўлажак енгилар ва суюнчиларнинг даракчисидай!..

Чал, шўх куйларингни!..

Тингла, ҳаёт! Тингла, ҳей қирғоқсиз коинот!..»

Ёки:

Хоҳлайманки, сўзим менинг радио тезлигида

Эфирда тўлқин уриб оқсин, оқолсин!

Хоҳлайманки, созим менинг янги кунлар нэида

Долғали товуш бериб, мунглари қолсин!

...Куррада

Қуёшдай ярқираган Ватаним!

Сенга бўлсин, улуг сна, ҳар сатрим, шеърим.

Сенга бўлсин бутун ишқим, юрагим, меҳрим:

Сенга бўлсин жаранглаган қўшиқларим маним!

...Мен ёнай, учқунланай, нурларга қонай,

Мен буюк одимларни санай куйларда...

Яна сочмадан:

«Эй сиз, боболардан ёдгор жез карнай садолари! Қўш-қўш ноғораларнинг така-тумлари, чилдирмаларнинг гижбанглари! Рубоб ва чилторларнинг шўх мақомлари! Шодмон қўшиқларимизни эфир пўртаналарининг учағон қанотларида фазоларга олиб учинг,

оламга таратинг! Ўзбек тупроғидаги тўй суронлари, ўйин наволари, бахт ва суюнч ҳаволари меҳнат дунёсига таралсин, одамлар қалбига суюнч ларзаларини солсин!»

Миртемир яна бир шеърида «ғўзалликни куйга солайин», деб аҳд қилади ва ўзининг кўтаринки, оптимистик шеърлари, шўх ва латофатли қўшиқларида ғўзал социалистик ҳаётимизни ва бахтиёр халқимизнинг шодиёна, кўтаринки руҳини меҳр билан куйлайди. Шоирнинг турли даврларда ёзган «Яли-яли...», «Бир ғўзал», «Кремль ёнида», «Мард йигит, ёринг бўлай», «Бу — менинг Ватаним», «Сени улуғлайман», «Тонгдан ҳам ғўзал», «Қирғизистон», «Киприкларим», «Ленин жилмайиши», «Оқсоқол», «Дунё бир соз қўшиқдан...» каби жуда кўп асарларида ҳаётимиз қаҳрамонона ва романтик пардада тараннум этилади.

Шеъриятимиз ва умуман адабиётимизда ҳаётнинг, воқеликнинг илғор, ижобий ва ғўзал томонларини тасвирлаш, одамларнинг руҳи, қалби, характеридаги эзгу фазилатларини улуғлашнинг асосий ўринда туриши қонуний ҳодисадир, бу социалистик санъатга хос фазилатдир. Бу нарсанинг ҳаёти, воқеликни бузиб, пардозлаб кўрсатиш билан мутлақо алоқаси йўқ. Социалистик тузумнинг ва Коммунистик партияимизнинг асосий мақсади, нияти халқни бахт-саодатли, маънавий ғўзал қилишдир. Партияимиз ана шу ниятини революция ғалабасининг биринчи кунидан амалга ошира бошлади. Шоирларга, ижодкорларга шу реал ҳақиқатга айланаётган орзу-идеалларгина илҳом бериб қолмайди. Улар жамиятимизнинг олға юришини илмий асосда тушунадилар, унинг бугундан порлоқ эртанги кунини равшан тасаввур этадилар, халқ қудратига, партиянинг доно раҳбарлигига қаттиқ ишонадилар. Худди шу нарсалар ижодкорларимизга воқеликни кўтаринки пардада тасвирлашларини тақозо қилади.

Бугина эмас, қаҳрамонона, оптимистик руҳдаги асарлар халққа меҳнат ва курашда жуда катта руҳий мадад, илҳом беради, уларга куч-қудрат, ишонч бахш этади. Зотан, Миртемирнинг ўзи бир асарида деҳқон чол тилидан пахтакорга «Ҳа, тер, бўла қол!» дегани-

дан кўра Юнус Ражабий музыкасига ўхшаган куй ва ашулаларни «жаранглат, у даводан даво,» дейди. Ёки 1929 йилда ёзган «Танбурим товуши» да:

Борлиққа таралсин танбурим товуши,
Бир болқиш яратсин ёш юракларда.
Шавқу завқу қўзғатсин шўх-шўх куйлаши,
Ҳаттоки тебранмас тош юракларда.

.
Қўлимда танбурим куйлаган чоқда,
Олам яшнаб кетсин ва яйраб ўссин,—

дейди.

Миртемир шеъриятидаги иккинчи ҳоким оҳанг, мотив бу вазмин, салобатли ва мардона оҳанг, бир сўз билан айтганда, фожиавийлик оҳанги, пардасидир. Бу фазилат Миртемирнинг ҳаётни, воқеликни бутун зиддиятлари, қарама-қаршиликлари билан кўриши, идрок этиши ва поэтик таҳлил қилишидан ҳосил бўлган. Бу шоирнинг катта мақсад ва юксак идеал йўлида қурбон бўлган инсонлар фожиасини ҳамда умуминсоний, ижтимоий маънога эга бўлган ўлимни, азобуқубатлар туфайли туғилган изтиробли кечинмаларни акс эттиришга интилишидан туғилган. Аслида Миртемирдаги бу фазилат унинг ўша биринчи фазилати — ижодидаги кўтаринки оҳанг билан узвий боғланган. Биринчиси шуки, шодликни, бахтиёрликни, ёруғликни севган ва қадрлаган ижодкор худди шу нарсаларнинг зидди бўлган нарсаларни ёмон кўрмасдан иложи йўқ. У инсоннинг улуғ мақсади ва эзгу идеалига ғов бўлган кучларни, фожиали ҳолатларни тасвирламасдан ўтолмайди. Иккинчи томондан, ижодкор қийинчиликларни, ғовларни енгишга интилган, ўз идеали йўлида ўлимдан қўрқмаган инсонни, унинг букилмас иродасини, жасоратини улуғлар экан, демак, шу билан у қаҳрамонликни, руҳий тетикликни, маслак бутунлигини, ахлоқий покликни мадҳ этади. Бу сифатлар фожиавийлик билан кўтаринкилик, қаҳрамонлиkning бир-бирига яқин, туташ эканлигини тасдиқлайди. Санъаткор воқелиkning фожиавий томонларини тасвирлаш орқали ҳам юксак идеалларни, гўзалликни ҳимоя қилади, тарғиб этади, курашувчи, актив ва жасур инсон образини яратади. Миртемирнинг фожиавий

вий пардадаги шеърлари ва поэмаларида мутлақо мунглилик, руҳий тушқунлик, пассивлик йўқ. Уларда фожиани енгган маънавий қудратли инсонлар кўрсатилади. Шоир улуғ доҳиймиз В. И. Ленин вафоти муносабати билан ёзилган бир шеърда:

Ўлимга тик боққан кўзлар, гарчи нам,
Лекин мунг йўқ шоир марсиясида, —

деб жуда тўғри изоҳлайди. Миртемир мунгли овозни, ғам-андуҳни, йигини жуда-жуда ёмон кўради. Буларни эшитганда юраги эзилиб кетади, қаҳр-ғазаби кўкка чиқади.

Шоирнинг:

Кўзларингни босса жиндак мунг пзи —
Менинг юрагимга ларза тушади...

Ёки:

Йиғлама, йиғлама, йиғлашинг сари, —

деган мисралари унинг қалбидан айтилган сўзлардир, унинг имони, эътиқодига айланган сифатдир.

Сўнгра Миртемир ҳаётдаги фожиани кўрар, унинг илдизларини ўрганар экан, бу билан инсон жасорати ва метиндек продасини мадҳ этишнинггина ўйламайди, айтиб бериб, одамларни келажакда бундай фожиаларнинг такрорланишига йўл қўймасликка чақиради ҳам. Миртемир халқимиз фашизм устидан тарихий ғалабани қўлга киритган кунларида халқнинг улуғ шодлигини ифодалаб туриб ёзган сочмасида бундай дейди:

«Фақат, эсдан чиқармайликки, не-не жаннат шаҳарларимиз куйиб кул бўлди! Не-не қизларимиз, ўғилларимиз ойлаб ва ҳатто йиллаб солимлар исканжасида қул бўлди. Фақат, эсдан чиқармайликки, не-не гўдакларимиз тириклайин кўмилиб, армон билан кетди. Не-не кексаларимиз кесилиб, бурдаланиб, ҳақорат остида фиғон билан кетди.

Дорларда оспилганлар — эсда турсин!
Кўзларига чўғ босилганлар — эсда турсин!

Қулоқларига қўргошин қуйилганлар — эсда турсин!
Беомон сўйилганлар — эсда турсин!»

Шундан бир йил кейин ёзган бир шеърида Миртемир яна халқ шодиёнасини ифодалаб туриб, уқтиради:

Лекин қора кундан қалб ҳамон чўгли,
Буғун-ку йигитдай қувноқман қувноқ...
Лекин дилда ётар мотамлар доғи,
Ўтганининг эсларда тургани яхши,
Янтоқнинг ёғи йўқ — душманининг соғи!

Миртемирда воқеликни зиддиятлари билан идрок этиш фазилати 30-йиллардаёқ туғила бошлаган бўлса-да, у уруш бошланган йилдан унинг бош ижодий принципларидан бирига кўтарилди. Ҳатто шоирнинг ўзи 1938 йилда ёзган «Лолазордан ўтганда» номли шеърида қирғин бўлиб ўтган ва «каллалар ғарамидан увалар тўлиб кетган» тепаликни алам билан тасвирлайди, «ҳар қизил япроқ ўша қонлар қатраси», дейди. Шоир бу тепаликдан авваллари ҳам ўтган, бу ҳақда амаки кўп гапириб берган, лекин эндигина вояга етиб, ҳаётга теран қарай бошлагандагина бу фожиани тушунганини айтади ва «Болалигим туғади, тутолмайман ўзимни», дейди. Демак, Миртемирнинг ҳаётнинг, воқеликнинг фожиали тсмонларини ҳам идрок эта билиши ва худди шу нарсада ҳам инсонни улуғлаши, ҳам гўзалликни ҳимоя қилиши унинг ижодий камолоти билан ҳам жипс боғланган эди. Уруш давридаги кескин, шиддатли ҳаёт, фожа билан тўлиқ воқелик ва совет кишиларининг мислсиз қаҳрамонлиги шоирга шу моҳиятни янада чуқур англашга туртки бўлди. Шоир Ватан тақдирини, коммунистик идеаллар тантанасини ҳамма нарсадан юксак қўяди ва озодлик учун жонини қурбон қилганларни улуғлайди. Шоир бир қанча шеърларида:

Ё ўлим, ё озод ҳаёт биз учун,
Виждон ўзғасини рад этар бутун! —

деб масалани кўндаланг қўяди.

Миртемир «Олег ва ўртоқлари» асарида фашистлар қўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган бешта жасур

ватанпарварнинг мардлигини муҳаббат билан улуғлайди. Шоир диққатни атайин улар ҳаётининг энг сўнгги ва фожиаи дақиқаларига тортади. Ҳақорат, қийнаш ва ўлим бу ёшларнинг продасини бука олмайди, уларнинг коммунистик идеалларига эътиқоди ва садоқатини парчалай олмайди, аксинча, улар «Мард туғилган — мард ўлар!» деб ўлим юзига тик боқади-лар. Шоир Олегнинг шу фожиясида уларнинг маънавий ғалабасини кўради, улар ҳаётини бахш этган адолатли урушнинг совет кишилари ғалабаси билан тугашига қаттиқ ишончини тасаввур этади. Асарда ҳоким бўлган оптимистик руҳни келтириб чиқарган асос худди шунда. Шоир ҳақиқатни рўй-рост айтиш орқали фожиага, адолатсизликка, реакцион нарсаларга, ёмонликка қарши ўт очади. Миртемир бир шеърига «Йиғи» деб сарлавҳа қўяди. Ягона фарзандидан жудо бўлган онага далда бериш учун ёлғон-яшиқ сўзлар билан юпатмайди, балки фожияни ўз номи билан айтиб, жуда мантиқли таскин беради:

Умрнинг озори, ҳаётнинг ранжи,
Мушибат қаддингни букмиш мисли ёй,
Улмиш ёлғиз ўғлинг — умидинг ганжи,
Қайгунга кенг олам бўлолмайди жой,
Мушибат қаддингни букмиш мисли ёй.

...Қаддингни расо тут, ягона ўғлинг
Ягона Ватан деб фидо этмиш жон.
Ардоқлайди Ватан, тўқ бўлсин кўнглинг,
Ягона Ватан деб фидо этмиш жон.

Миртемир учун шодлик, кулги дунёда энг улуғ бахт рамзи, йиғи эса энг оғир фожиа тимсолидир. «Уч» шеърида халқни фашизмга қарши курашга сафарбар қилиш учун йиғи масаласини кўндаланг қўяди ва агарда ёвга қарши отланмасанг:

Йиғлаб қолар муштипаринг,
Йиғлаб қолар чақалоқ,
Йиғлар онанг ҳам падаринг,
Йиғлаб қолар эл-аймоқ,—

дейди.

Миртемир уруш фожиасини «Сурат» поэмасида ниҳоятда теран ва таъсирли очади. Шоир Тошлон-Ойсулунинг муҳаббат фожиасига, уларнинг аччиқ тақдирига сабабчи машъум урушдир, деган ғояни олға суради, адолатсиз урушни лаънатлайди. Тошлон тўрт йил Ойсулувга ташна бўлиб, «қон кечиб, юз бор ўлиб, ўлимлардан ҳатлаб» келса-ю, Ойсулув унинг пок муҳаббатига хиёнат қилса! Ҳижронга тоқат қила олмаган Ойсулув ўзгани деб кетади. Лекин шоир барибир унинг бахтсиз бўлиб қолганлигига ургу беради. Ойсулув «кўзларида ёш, кулади», энди қилмишидан пушаймон бўлади, лекин Тошлон кечирмайди. Шоир Тошлон қалбидаги изтиробни, унинг икки ўт ичида ёнишини, ҳам Ойсулув қилмишидан тошган нафрати, ҳам унинг бебахт тақдирига ачинишини жуда чуқур психологик асослайди ва шу йўл билан асардаги фожиавийликни янада чуқурлаштиради. Шоир Тошлоннинг гоҳ Ойсулув ҳажрида ёнишини, гоҳ унга нисбатан нафратининг қайнаб-тошишини бериш орқали унинг мусаффо қалби, юксак эътиқоди ва букилмас характери кўрсатиш орқали ўткир трагик образ ярата олади. Шу жиҳатдан бу асар фашизмга, урушга қарши ёзилган биздаги энг яхши поэтик асарлардан бири бўлиб қолди.

Миртемирдаги фожиавийликни кўрсатиш орқали инсоннинг жасоратини, юксак онгини улуғлаш нияти, принципи шоирни воқеавий шеърлар ёзишга етаклади. Шоир ихчам, лекин воқеавий сюжетга асосланган, характерларнинг драматик тўқнашувларга ёки характер билан шароит, ҳолат ўртасидаги тўқнашувга асосланган шеърлар ёзади. Буларни драматик шеърлар деса бўлади. Уларда шоир ўз қаҳрамонини ҳам ҳаракатда, тўқнашувда кўрсатади ва айни чоқда, унинг лирик мушоҳада, кечинмаларини ифодалайди. «Опоқим» сарлавҳали драматик шеърини олайлик. Даҳшатли уруш. Бир боланинг ҳеч кими йўқ, дадаси урушдан қайтмаган. Уни опоқиси бир этак боласининг ёнига қўшиб боқади. Унинг эри ҳам фронтда. Опоқиси болаларни зўрга боқади, уйдаги борини сотиб, охири тўйларда тақадиган ва энг азиз кишисидан хотира бўлмиш сочбоғини ҳам сотиб овқат олиб келади. Опоқининг оғир руҳий ҳолатини, ички тугғени ва

жасоратини шоир мана бундай ўткир мисраларда чи-
зади:

Худди жўнаётган каби мазорга,
Опоқим жўнади олис бозорга.
Оқшом қайтиб келди чарчоқ ва сўлгин,
Қўлида чорак мош, ёсмуқ бир тугун.
Қозон осди, лекин қанчалар мунглуғ,
Дилидаги дарди тийран ва улуг.
Бироқ билдиргуси келмасди бизга,
Кумуш сочпопукка ўч ёлғиз қизга.
Ўзи сўлгин, бироқ кулар дудоғи...
Ҳей, кумуш сочбоғи, кумуш сочбоғи.

Шоир фожиани бор бўйича кўрсата боради: бола-
нинг отаси ҳам, амакиси ҳам урушдан қайтмайди,
опоқиси ҳам оламдан ўтади. Шоир бу чексиз инсоний
фожианинг гуноҳкорини кўрсатиб ёзади:

Дейман: бўлмасайди шу уруш, шу жанг,
Ким тажанг бўларди, ким бўларди ганг.

Балки ўлмас эди отам, амаким,
Керак бўлмас эди айтиб бермагим.

Балки ўлмас эди тенгсиз опоқим,
Сочбоғдан айрилган апоқ-чапоғим...

Ҳа, қайтиб келмасин бадбахт у палла,
Ҳеч қайтиб келмасин, дейман баралла.

Шоирнинг «Онагинам», «Сағана», «Мен кетган-
да...», «Култепа» каби қатор драматик шеърларидаги
фожиавий оҳанг, мотив ҳам худди шу улуг ниятга —
инсон бошига кулфат, ҳижрон, айрилиқ, ғам-ғусса
тушмасин ва тушишига йўл қўймайлик, деган ғояни
олға суришга хизмат этади. Миртемирнинг она ҳақи-
даги ғоят ҳаққоний ва ўткир шеърларида оқ сут бе-
риб катта қилган она олдидаги фарзандлик бурчини
ўташга имконият бермаган ёмонликка қарши лаънат-
лар ўқилади ва шундай қилиб шоир ҳаётидаги мунг-
ли, фожиали оҳанглarning туғилишига йўл қўймас-
ликка даъват этилади. Миртемир шеърларининг реа-

листик кучи ҳам уларнинг ўқ томири бўлган мана шу актив инсонпарварлик ғоясидир.

Миртемир шеърларида яққол жаранглаган оҳанглардан яна бири ширин, майин ва самимий ҳазилдир. Шу ҳазил руҳи, юмор пардаси Миртемир шеъриятига самимий меҳрибонлик, шодиёна кайфият, кўтаринкилик ва серфайзлик бахш этади. Аслида китобхонни мийиғида кулдира олиш ва беозор, эркалатувчи кулги орқали ҳам юксак инсоний фазилатларни улуглаш, ҳам жузъий камчиликлардан қутулишга чорлаш маҳорати етук, ўткир сўз санъаткорларигагина хос фазилатдир. Ҳазилга мойиллик, юмор ҳиссига эга бўлиш етуклик, донолик, қудрат белгиси. Халқнинг сатира ва юморни ғоят севиши ва унга суяниши бежиз эмас. Халқ ўтмишда сатира ва юмор билан адолатни ҳимоя қилган зулм ва ноҳақликка қарши курашган, гамаламнинг исканжасидан букилмай чиқишга муяссар бўлган. Шу маънода ҳазил-мutoйиба, юмор энг адолатли, демократик воситалардан бири. Социалистик жамиятимизда ўз тақдирини хўжайини бўлган қудратли ва ғолиб халқимизнинг руҳига сатира ва юмор жуда-жуда мос келади. Зотан, Миртемирнинг урушдан кейинги ижодида ҳазил шеърларининг туғилиши ва муҳим ўрин тутиши дунёни ларзага келтирган фашизм устидан қозонилган улуг тарихий ғалаба ва коммунистик жамият қуриш иштиёқида меҳнат қилаётган халқнинг кўтаринки кайфияти билан боглиқ эди. Иккинчи томондан, Миртемир катта ҳаётий тажрибани тўплаган, воқеликнинг шодиёна оҳангида ҳам, фожиали оҳангида ҳам ўз қаламини чархлаб олган ва ижодий камолот даражасига кўтарилган эди. Миртемир беозор, дўстона ва ширин ҳазил орқали олижаноб туйғуларни, юксак фазилатларни, гўзалликни ардоқлайди. «Янгажон» шеърида «ёшлик эсига тушиб ҳазилни авжга» чиқариб, аёлга тегажаклик қилган йигитнинг шу камчилигидан жуда назокат билан кулади:

Кўз тикиб, оҳ чекиб: — Янгажон, дедим,

Берроқ кел, садага сенга жон, — дедим...

— Қайинжон, инимсан, қайним-ов, — деди. —

Эси паст боладай айнима, — деди.

Миртемир китобхонни мийиғида кулдириш, унда ширин кайфият тугдириш учун бошқа шеърларида

қўллаганидек воқеий сюжетга мурожаат этади: энди шоир кулгили ҳолатларни, қизиқ ҳодисаларни топади. «Ҳодиса» шеърида худди шундай. Ёки «Ўқимишли» ҳазилида бир йигитга ошиқ бўлган етти қизни жуда меҳр ва самимият билан мақтайди. Ундаги ҳазил давримизнинг янги, илғор қизларини улуғлаш учун хизмат қилади. «Сув ва сулув» ёки «Қарқаралик» шеърларининг дастлабки мисралариданоқ шоир созини ҳазил пардасига созлайди, лирик қаҳрамоннинг ширин кайфияти, ҳолати орқали китобхонда ҳавас, ғурур туйғусини уйғотади:

Қарқаралик, қайдан келдинг қошимга,
Қайдаги савдони солдинг бошимга.
Қайдаги савдони солсанг бошимга
Қота кўрма қатрон менинг ошимга!

Қош устига қўндирибсан қарқара,
Қора сочинг қора тунда шаршара,
Тўлқинида кошки ўзим чўмилсам...
Шайдойингман, гар қарама, гар қара!

...Қарқаранинг ўрдаги-ей, ғози-ей,
Ёзлари-ю, кузларининг сочи-ей.
Ё «ҳа» си бор, ё «йўғи» бор, на билай,
Ўртаворди қарқаралик нози-ей.

Бундай ҳазил шеърларнинг жозибадорлиги шундаки, шоир уларда ўзининг аниқ ёши, тушунчаси, характериға эга лирик қаҳрамонни гавдалантиради. «Майли» номли шеърида ошиқ-маъшуқ ўртасидаги тортишувдан чиройли ҳазил яратади: ошиқ дунёни, ой-қуёшу, еру шаҳарларни ўртада бўлишади-да, охирида ҳаммасини унга ҳадя этиб, «Барини олгину, менга-чи, Ойхол, ўзинг қолсанг бас», дейди. Шоир шундай ҳазил йўли билан ошиқнинг ёриға бўлган улуғ муҳаббатини муболағали, фольклорга хос усул билан, жуда ҳузурбахш оҳангда кўрсатади. Ёки «Аразлик» шеърида тўқайда ёридан аразлаб ўтирган йигит ҳолати тасвирланадики, бундаги нозик, яширин ҳазил кишини енгил торттиради, лабида билинар-билинемас кулги уйғотади.

Кўриниб турибдики, Миртемир шеъриятидаги бу

уч оҳанг, уч мотив, уч хил парда унинг ягона шоирона қалбининг ранго-ранг тебранишлари, овозларидир, воқелигимиздаги ва одамларимиз юрагидаги оҳангларнинг ҳаққоний акс-садосидир. Шоир шеъриятида оҳанглар, мотивлар жуда хилма-хил, кўп, лекин улар мана шу уч ҳоким оҳанг, мотивнинг шаҳобчаларидир. Шоир давримизнинг «мағрур овозини», халқимизнинг «кураш куйини», «жаҳонларга титроқ солган бонгимиз»ни ўз созида маҳорат ва талант билан ифодалай олди.

1977 йил.

Ўзбек совет адабиётининг тараққиётига, хусусан, шеъриятимиз шону шавкатининг кенг ёйилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган ижодкорлардан бири Зулфиядир. Ҳозирги замон совет шоирларининг ёрқин талантларидан бўлиш Зулфиянинг номи ватанимиз ташқарисидаги китобхонларга ҳам яхши танишдир. Бунинг сири шундаки, шоирнинг шеърлари давр руҳи билан ҳамоҳангдир, инсониятнинг ақли ва қалбини банд қилган воқеалар, фикрлар, ғоялар билан ҳамнафасдир, одамзоднинг шодлигию ғурури, дилию сурури, дард-аламлари, орзу-истаклари, юксак идеаллари билан яккаш-туташидир. Зулфия шеърларининг руҳи ва оҳангини, пардасини, мазмуни ва йўналишини белгиллаган нарсаси худди шу умуминсоний фикрлар ва туйғулардир, она-Ер қалби зарбининг оҳанглари ва инсониятнинг рангоранг туйғу-кечинмаларидир. Шоиранинг ҳаммани «юрагига яқин олиши», «ҳамма билан иши борлиги», «барча тақдирни йўлдошим» деб билиши шундан. «Борлиги туйғу» бўлган Зулфиянинг «Ер бахтидан боши айланиши» ҳам, одамлар «қайғусидан юраги сирқираши» ҳам шундан. Инсонлар бахти деб ўзини, юрагини, бутун ҳаётини «ҳар нега қалқон» қилган ижодкорнинг шухрат тожини кийиши табиий ва қонунийдир (Зулфия — Ўзбекистон халқ шоираси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, Неру ва «Нилуфар» номли халқаро мукофотлар эгасидир, Болгария ҳукумати эса унга Мефодий ва Кирилл орденини тақдим этган).

Шоира бир шеърда шундай деб ёзади:

Не ёзсам туб-тубдан ҳаётга доир,
Инсоний қалбимнинг тебраниши ул.

Бу ерда шоиранинг бир-бирига туташ икки фазилатига ишора бор. Бири, шоиранинг илк тўплами бўлмиш «Ҳаёт варақлари» китобидан бошланган ижодий принцип — ҳаётга, инсонлар қалбига яқин туриш, мавзу, фикр-туйғуни, орзу-идеални шулардан қидириш. Иккинчиси, шу ҳаётӣй воқелик ва инсонлар тақдири туфайли қалбида тугилган фикр-кечинмаларни ифодалашдир. Бу чин лирикага ва унинг ижодкорига хос бош фазилатдир. Ташқи дунё (замон воқеалари-ю, одамлар қалби) шоирнинг қалб кўзгуси — юрак ойнаи жаҳони орқали акс этади, шоир қалб торларидан чиққан оҳанглар ҳаёт зарбларининг акс садосидир. «Мен шеърларимнинг бир мавзу атрофида чекланиб қолишини истамайман» деган Зулфиянинг лирикаси чиндан ҳам кўп овозли, кўп оҳангли. Аммо бу оҳангларнинг энг марказийси ва баланд жаранглиги иккита: бахтиёрлик — шодлик ва ҳижрон — гам-фожиавийлик оҳангларидир.

Зулфия ўз шеърлари тўғрисида ўйларкан:

Маъноси ҳам, ёрқини ҳам бор,
Тупроқ, ҳаёт, юрак бу ахир!—

дейди. У бошқа бир шеърида ҳам «сен тоқ эмас — икки торли соз, қўш қанотли қиласан парвоз», дейди. Гарчанд шоира бу ерда Ҳамид Олимжонни назарда тутаётган бўлса-да, ўзининг ижодий принципини ҳам маълум қилмоқда (Зулфия Ҳамид Олимжон образига мурожаат қилиб, «ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда» деб унинг созини ҳам қўшиб чалаётганини таъкидлаган эди). Ҳамид Олимжон бахт ва шодлик куйчиси эди, шунинг учун унинг шеъриятида шодлик оҳанги, кўтаринки руҳ етакчи эди. Зулфия ўз ижодида Ҳамид Олимжондаги худди шу йўлни, принципни давом эттирмоқда, бу шоира лирикасининг бир қаноти бўлса, иккинчи қаноти воқеликнинг бутун зиддиятлари, фожиавий томонларини кўрсатиш орқали қаҳрамонликни, ҳаётни улуғлашидир.

Зулфия шеърларида фожиавийликни келтириб чиқарган ва чуқурлаштирган нарса, асос унинг шахсия-

ти ва таржимаи ҳоли билан боғлиқ. Зулфия шеърятининг ўзига хос хусусиятларидан бўлмиш шу автобиографизм вазнининг баландлигини кўрсатиш иккинчи ниятимиздир. Автобиографик асоснинг кучлилиги ва фоживий оҳангнинг баландлиги Зулфия шеърларида яна бир ўзига хосликни — воқеавийликни, миниатюр сюжетлиликини келтириб чиқарган. Биз бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирининг тақозоси туфайли тугилган шоиранинг шу уч фазилати борасида фикр юритмоқчимиз.

Сергей Есенин «Ўзим ҳақимда» номли таржимаи ҳолида (1925 йил) туғилган жойи, йили, ёшлиги ва ўқиган жойларини баёи қилгач, «қолган автобиографик маълумотларга келганда улар менинг шеърларимда»,¹ деб қўя қолади. Мана шунга яқин фикрни Зулфияда ҳам учратамиз: «Назаримда шоирлар ўз таржимаи ҳолларини ёзмасликлари жоиз,— дейди Зулфия.— Негаки, шоирлар ҳақида шеърлари тавсиф беради, улар ҳақида ҳамма нарсани айтиб бермаса ҳам, ижодларида ҳаётларининг кўпчилик томонларини шарҳ этиб беришга қодир шеърлари бўлади»².

Бу қайдларда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бор. Фетнинг «Менинг ҳаётимнинг дастлабки йиллари», «Менинг хотираларим» мақолалари билан шеърларини солиштирганда ва унинг: менинг шеърларим билан ҳаётим бир-бирига ўхшамайди, деган иқрорига қулоқ солганда ҳам, Сен-Жон Перс чиновник Алекси Леже сифатида бошқача позицияда, шоир сифатида бошқача позицияда турган бўлса ҳам, Ғафур Ғулом «мен ўз халқимнинг тилиман» деган бўлса ҳам, улар асарларининг туғилиши, мазмуни, ғоя ва идеалларини босиб ўтган йўллари, таржимаи ҳолларидан мутлақо ажратиб бўлмайди. Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан», «Кузатиш» каби ўнлаб шеърларида унинг таржимаи ҳолининг қатор ёрқин саҳифалари акс этган. Шоирнинг ташқи дунёга муносабатининг ифодаси лириканинг туб фазилати экан ва бу муносабат шокрнинг фикри, ҳис-туйғулари, кечинмалари орқали

¹ Сергей Есенин. Стихотворения и поэмы. М., «Детская литература», 1924, стр. 4.

² Зулфия. Куйларим сизга. «Тошкент» нашриёти, 1965. 5-бет.

ифодаланар экан, ҳар бир мисрани юрак қони, ақл чироғи билан ёзар экан, унинг таржимаи ҳолининг толалари, лавҳалари, хулосалари қўшилмасдан иложи йўқ. Аммо шоирлар «дунё ҳодисалари билан бирикиб кетиш»да (Гегель), ўзиники билан ўзганикени ифодалаш усулида, принципида бир-биридан фарқ қиладилар. Масалан, Ғафур Ғулом ташқи олам ҳодисаларини баҳолашда шу оламнинг тажриба ва хулосаларидан келиб чиқади, ўзиникини ўшаларга қўшиб юборади, таржимаи ҳолига доир деталлар, ҳолатлар, фикр-хулосаларни ўзгаларникига едириб ташлайди. Зулфия ташқи оламдаги ранг-баранг ҳодисаларнинг ўз таржимаи ҳолига, ўз руҳига, дунёқараши, истак ва идеалларига ҳамоҳангини кўради, тинглайди, олади ва шу ўзгаларникини ўзиникига қўшиб, омукта қилиб беради. У ўз шахсий ҳаётидаги ташқи олам, воқелик, муҳит туғдирган ҳолатлар талқини ва тасвирида умумий, типик нарсани ифодалайди.

Зотан, Зулфиянинг ўзига хос овози, ўзига хос индивидуал услуби ҳам ҳаётга, воқеликка ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, ўз нуқтаи назари, ўз қалб ўлчови билан баҳо бера бошлаганидан кейин ўша дунёнинг ўзида (қалбида — С. М.) туриши, ўз индивидуал ички ҳаётига диққатини тўплаши» қарор топгач (Гегель), «шахсияти ўз-ўзидаги объектга» айланиб, «ўз-ўзини назорат қилишга даъват эта бошлаганидан» (А. Н. Веселовский) шакллана ва ёрқин кўрина бошлади.

«Уруш йиллари камолат даври бўлди,— дейди Зулфия ўз ижодий изланишлари тўғрисида сўзлаб: — Ақлли гапларни ўйлаб топишга, ясама дард ёки завқ-шавқни куйлашга ўрин қолмади, турмушнинг ўзи қатъият билан ҳақиқий сўз талаб қилди; беихтиёр равишда ёки бировнинг тажрибасига мурожаат қилиш натижасидами, асл сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келаверганидан кейин уларни ўрни-ўрнига жойлаштириш, бир-бири билан боғлаш йўлини топар экансан... 1943 йилда чиққан «Ҳулкар» китобим янги ишнинг якуни бўлди. Шеърларим... воқеабанд бўлиб қолди, десаммикан. Лекин баёнчилик маъносида эмас. Мен бу шеърларга ўз руҳий тарихимнинг бир парчасини жойлаштира бошладим (таъкид бизники — С. М.), бу парчанинг ўз тугуни, кульминацияси ва ечими бор эди.

Энди ёзмоқ учун, Лев Толстой айтганидек, дастлаб гапнинг учини учига улаб олишим керак эди. Шеърни бошлаб қўйиб, охирини топмагунимча уни давом эттира олмас эдим. Эндиликда қаёққа қараб кетаётганимни билганимдан йўлнинг энг қисқасини излаб топиб олардим, натижада шеърларим мухтасар ва тугал бўла бошлади»¹.

Зулфиянинг шеърларига худди шу «ўз руҳий тарихининг бир парчасини жойлаштира бошлашидан унинг ижодида кескин бурилиш — кўтарилиш юз берди. Чунки «бошидан кечирмоқ билан яшамоқни бир биридан аниқ фарқламоқ керак, фақат биринчисигина ижод манбаи бўлиб хизмат қилади» (Ибсен). Шоира ана шу бошидан кечирганини, ҳаётий тажрибаларини, руҳий тарихи, ҳиссий ҳолатини, қалб садосини бериш, таҳлил қилиш орқали кенг оламга ва инсонларнинг қалб тубига чуқур кириб борди. Бу айниқса унинг Ҳамид Олимжоннинг фожиали тақдири муносабати билан ғоят кенг ва теран ишланаётган ҳижрон мотивидаги шеърларида айниқса яққол кўринади. Аммо бу Зулфиянинг аввалги икки тўпламида («Ҳаёт варақлари», «Қизлар қўшиғи») ёки урушнинг дастлабки йилларидаги шеърларида ҳаётийси мукаммал йўқ деган сўз эмас. Зулфия бахтиёр аёллар гурурини ифодаловчи шеърлар, уруш бошида эса хотин-қизлар иродаси ва мардлигини очувчи асарлар ёзди. Ҳатто Ҳамид Олимжон ҳаёт вақтидаёқ шоира ижодига ҳижрон мотиви кириб келди ва бу мотив «Ҳижрон» шеарида, «Уни Фарҳод дер эдилар» поэмаси, Ҳамид Олимжон томонидан таҳрир қилиб, босмага туширилган «Ҳижрон кунларида» тўпламида муҳим ўрин тутди. Агар Зулфия 30-йилларда ёзган шеърларида «Шу ҳаётда чексиз қувноқман ҳам шод, шод дилдан шодликни мағрур куйладим», «Жарангли шоирнинг нағмаси энди, унда бор на алам, на қайғули зор» («Октябрь») деб ёзган бўлса, бу туйғу янги ҳаёт қурилаётган ўша қайноқ ва кўтаринки давр руҳига мос келган бўлса, уруш бошланиши билан у «Душман ажал тортиб келди Ватанга, бизнинг севгимизга ташлади ҳижрон» деб, ҳаётда содир бўлган воқеани таҳлил этишга киришди, ҳижрон мотиви орқали ҳалқ продаси, жасоратини ва

¹ «Шарқ юлдузи», 1971, 10-сон, 210-бет.

ғалабага бўлган қаттиқ ишонч туйғусини ифодалади.
Ҳатто шоира:

Мен севган дилдорнинг севган юрти бор!
Ишқ доим эрк учун ҳижронга рози.
Бу ҳижрон мангумас, висоли ҳам бор —
Қаҳратон қишларнинг бўлгандай ёзи,—

деб ёзиб, «ҳижронни мангумас» деган фикрни айтади. Кейинчалик воқелик ва шоиранинг шахсий ҳаёти билан алоқадор бўлган ҳодисанинг ўзи уруш бошида ай-тилган бу фикрга катта таҳрир киритди — ҳижрон-нинг мангуси ҳам бўлиши мумкинлигини англатди.

Аммо бизнинг айтмоқчи бўлган фикримиз бошқа: шоира халқ руҳини ўзиники тарзида, ўзгаларнинг ҳижрони, ғами ва шодлигини ўзиники сифатида чуқур ҳис этиб тасвирлай олади. Шелли айтадики, «ҳақиқий олижаноб бўлиш учун инсон ўзини ўзганинг ва кўп-гина бошқа бировларнинг ўрнида тасаввур қила били-ши керак; ғам ва шодлик ҳамда шунга ўхшаган нар-салар унинг ўз-ўзига айланиши шарт». Зулфия бу йил-ларда худди мана шу ижодий принципга суянганди, албатта, кейин ҳам бу йўл унга доим ҳамдам бўлди. Масалан, шоира 1942 йилда дегандики:

Ишончим буюкки, бўлур зўр байрам,
Менинг севганим ҳам қайтади ғолиб.
Йўлига чиқаман қучоғим тўла
Еогларингда ўсган гуллардан олиб.
(«Менинг Ватаним»)

Шоира уруш ғалабамиз билан тугагач ёзган «Ғо-либлар қайтганда» шеърида гўё юқоридаги сюжетни давом эттиргандай, диққатни ўша лирик қаҳрамон-нинг ҳолатини чизишга қаратади. Ғалаба кўпларнинг ҳижронига чек қўйди — «ўлдирувчи аччиқ бир ҳиж-рон зафар алангасида тамом ёнди». Аммо бу қаҳра-моннинг севгилиси қайтмади, шу шодиёна оламни босган бир пайтда у севгилисининг суратини олиб, унга «ўксиб-ўксиб боқадн, ёноғида томчилар қотади». Ғалабадан ва бутун эл шодлигидан қувонган аёл «чиқмасам бўлмайдн бутун элда тўй» деб гулдаста қилиб ғолибларни кутгани чиқади ва «висолга ошиқ-

қан қувноқ тўдага қўшилишиб» кетади. Ёки «Ўғлим, сира бўлмайди уруш!» шеърда жангда эридан ажралган аёл ҳақида ёзиб, у унинг гоҳ йигит бўлиб қолган ўглидан ғурурланишини, гоҳ «ёнида унинг отаси йўқлигидан ўкиниши»ни тасвирлайди. Она дейдики:

Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда
Ота номли буюк шодлик кам.

Юлдинг ота демак бахтини,
Жуда мургак гўдақларимдан.
Яхши ҳам бор шундай Ватаним,
Далда бўлди юракларимга.

Иккала шеърда ҳам Зулфия ўзгаларнинг шодлиги ва ғамини ўзиникидек ҳис этади, ўзиникини эса шу халқниқига қўшиб юборади: ғалаба куни худди шу кунни орзиқиб кутган ажойиб инсон Ҳамид Олимжонни ўқиб эса олар экан, ўзининг шахсий ҳаёти ва тақдирига доир фикр-туйғуларини урушда ўз жигаридан жудо бўлган минг-мингларниқига қўшиб беради. Шеърни таржимаи ҳолдан атайин «узоқлаштириб» ёзиш «Ўғлим, сира бўлмайди уруш!»да ҳам мавжуд. Энди Зулфиянинг Ҳамид Олимжоннинг фожиали ҳалокатидан кейин ёзган шеърларида, улар хоҳ бевосита улкан шоир образини ёритишга бағишланган бўлсин, хоҳ ҳижрон-ўлим мотивини фалсафий аспектда талқин этувчи шеърлар бўлсин, хоҳ тинчлик ёки келажак хусусида баҳс бўлсин, ҳамма-ҳаммасида автобиографик факт таянч нуқтаси, старт майдони бўлиб хизмат қилади. Шоира ўзини ўзгаларнинг руҳи ва тақдирига ҳамоҳанг, туташ қилиб гавдалантиради; ўзгалар шоиранинг қалб кўзгусида ўзларини кўргандай бўладилар.

Зулфиянинг уруш, ҳижрон мавзuidaги шеърларидагина эмас, балки ҳозирги замоннинг барча ўткир масалаларига бағишланган асарларида драматизм, фожиавийлик ва психологизмнинг чуқурлигининг бойси худди ана шунда.

Аммо ҳаёт зиддиятларини, воқеликдаги фожиали

томонларни кўришнинг ўзи етмайди, иккинчи мушкул вазифа уни ифодалай билишдир. Уларни тилга олиш, номлашнинг ўзи етмайди, уларни конкрет кўрсатиш, гафдалантириш ҳам керак. Шоира бунга лирик қаҳрамоннинг тақдири ва руҳий кечинмасини таҳлил қилиш орқали эришади, яъни у қаҳрамонлар тақдиридаги энг кескин, олий ҳолатни ва улар характери, руҳий дунёсини очувчи фожиавий ёки драматик воқеани гафдалантиради, шу лирик қаҳрамонларнинг кечинма тарихи, руҳий коллизияларини очади. Шундай қилиб, шоира шеърида воқеавийлик, сюжетлилиқ келиб чиқади. Бу миниатюр сюжетда, сюжет чизигида ўзига хос «туғуни, кульминацияси ва ечими» бўлади, кўп вақт иккита қаҳрамон бўлади. Шу лирик қаҳрамонларнинг муносабати тасвиридаи, воқеанинг баён қилиниш оҳангидан, унда ўзига хос ихчам шаклга туғун, кульминация, ечимнинг мавжудлигида сюжетлилиқ ёрқин кўриниб туради. Лирик персонажлар «Сен» ва «У» тарзида, кўпроқ «Мен» — «Сен» шаклида иштирок этади-ки, кейинги ҳолатнинг асосий ўринда туриши ҳам Зулфия шеърларидаги автобиографик вазнининг огирлиги билан боғлиқ.

Зулфиянинг Ҳамид Олимжоннинг фожиали ҳалокатига бағишланган «Кечир, қолдим гафлатда» шеъри «Сени бирдан жонсиз кўрдим жоним чиқди менинг-да» деган мисралар билан бошланади. Шоира бу фожиани кейин эшитгани ва кўрганини ҳикоя қила туриб, «кошки эди мен бошингда турган бўлсам ўша дам, бермасмидим жонимни ҳам» деб ўртанишини чизади. Шу беш бандлик шеърда шу манзарани ҳам гафдалантиради, ўзининг кечинмасини ҳам беради, ўзларининг аввалги «мунис аҳд»ларини ҳам эслайди. Энди Миртемирнинг Ҳамид Олимжон билан юз берган ўша воқеа ҳақидаги хотирасини ўқийлик: «Мен эрталаб радиокомитетга ўз хизматимга келдим... Кимдир: — Ойдин опа айтдилар, тезда Жуковский кўчасидаги тез ёрдам касалхонасига борар экансиз! — деди. Юрагим орқага тортиб кетди. Юз хаёлда ўша жойга етиб бордим. Дарвозага ёндош, эски черков биносида Ҳамид Олимжон ётар эди. Кўзлари юмуқ, оламдан беҳабар. Ёзувчилар қатор туришар эди: Ойбек опа, Ойдин опа ва кўпчилик... Ёзувчи Шароф Рашидов печкага суялган ҳолда йиғлаб турарди. Зулфияхоним

кейин келди, Ҳамиднинг катта синглиси ҳам. Зулфия-хоним йиғлаб, фиғон чекиб эшикдан кириб келди, во-ажаб, Ҳамиднинг кўзлари очилиб кетди. Умримда бундай ҳайрон бўлмаганман»¹.

Шеърдаги сюжет чизиғи билан Миртемир баён қилган факт айнан. Бироқ Зулфия ўз шеърларида бирор воқеани шунчаки эслаб ёки баён қилибгина қўймайди, балки бу воқеа унинг учун лирик қаҳрамон руҳий дунёсини чизиш, очиш учун, унинг коллизияларини таҳлил этиш учун ва айниқса, муҳим ҳаётий умумлашмалар чиқариш учун шунчаки бир восита ролини ўтайди холос. «Палак» шеърида ҳам, «Ўғлим, сира бўлмайди уруш»да ҳам, «Баҳор келди сени сўроқлаб»да ҳам, «Орада саҳифа қолибди бўм-бўш»да ҳам, «Мушоира»да ҳам лирик қаҳрамонлар тақдири ва улар баҳонасида шоира замоннинг зиддиятли йўлини ва одамларнинг юксак фазилатларини акс эттиради. Зулфиянинг томчида оламни кўрсатишга, яъни воқеавийликка, ихчам сюжетлилика қизиқиши унинг туркум шеърлар ёзишга диққат қилишида ҳам намоён бўлади. У юрагидаги дард, фикр ва ғояни бир қанча шеърдан тузилган шеърий туркумда кенг, чуқур мукамал ифодалайди.

Мазкур кузатишлардан аён бўлиб турибдики, давримизнинг етук шоираси Зулфиянинг ижодий фазилатларидан бўлмиш автобиографизм, фожиавийлик ва воқеавийликнинг келиб чиқиш илдизи шоира шахсияти ва воқеликка унинг шу ўз қалб кўзи, нуқтаи назари билан қарашидадир, шу ўз тақдири ва руҳий йўналишига, қалбига яқин ҳис-туйғулар, кечинмалар, фикр ва ғояларни лирик торда эпик кенгликда акс эттиришидадир.

1977 йил.

¹ Миртемир. Тингла, ҳаёт! Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974, 145-бет.

Ижодкорга мавзу ва материални ҳам, фикр ва гояларни ҳам, қаҳрамонларни ҳам, образ ва тасвирий воситаларни ҳам, руҳий парвоз ва илҳомни ҳам — ҳамма нарсани халқ, ҳаёт, қайноқ воқелик ҳада эта-ди-ю, аммо буларни бадий ҳақиқатга айлантириш фақат шоирнинг шахсиятига боғлиқ бўлади. Бадий ижоддек ўта шахсий, ўта индивидуал, «яширин», «сир-ли» ва мўъжизали соҳа йўқ. Инсоният тарихида кол-лектив томонидан яратилган шоҳ асарни шеърят со-ҳасида топиш жуда амримаҳол (ҳайкалтарошлик ёки кино соҳаси бутунлай бошқа олам). Артистлар оила-си, олимлар оиласи ёки ишчилар сулоласи кўпу, бироқ ижодкорлар оиласи жуда кам. Бўлганида ҳам иккови-нинг баробар шуҳрат топгани ғоят камёб ҳодисадир. Бугдойнинг сифати деҳқон сепган уруғнинг навига боғлиқ. Талант уруғи, бадий ижодга мойиллик ин-соннинг ўзида бўлади, унга она сути билан киради. Бироқ деҳқон сепган уруғнинг ўсиб чиқиши ва ҳо-сил бериши ернинг мағзига ва қуёшнинг қудратига боғлиқ бўлганидай, талантнинг ўсиши ҳам ижодкор яшаётган ҳаётга, уни қуршаб олган муҳитга, биринчи галда, адабий муҳитга боғлиқ. Ҳамид Олимжон ва Зулфия мавзуи тўғрисида баҳс юритар эканмиз, шу икки ҳолатни диққат-этиборимизда тутишимиз ке-рак.

Ҳар бир ҳақиқий ижодкор ҳаётни, воқеликни ўз кўзи билан кўриши, ўз қалби орқали тинглаши, ўз нуқтаи назари ва ўз мезони билан ўлчаши керак экан, шу ўта шахсий меҳнат вакиллари бўлмиш Ҳа-мид Олимжон билан Зулфия қандай қилиб топишди-лар, улар тақдирини бирлаштирган куч нима? Зулфия

Ҳамид Олимжондан нималарни ўрганди? Ҳамид Олимжон ҳаётлигида Зулфия ўз овозига эгамиди — йўқмиди? Зулфия-ку, Ҳамид Олимжонни устозим дебди, наҳот шоира унга таъсир қилмаган бўлса?! Ҳамид Олимжон Зулфиянинг ҳам шахсий, ҳам ижодий таъсирида қандай роль ўйнади? Зулфия ижодининг марказий образларидан бири бўлмиш— Ҳамид Олимжон образнинг қиммати нимада (фақат биографикликдами ёки замондошимизнинг типик образи даражасига кўтарилишидами?). Икки шоир ижодидаги Бахт фалсафаси талқинидаги умумийлик ва ўзига хосликлар нималарда кўринади? Дўстлик мотивлари-чи? Поэзия ва инсоният! Ҳамид Олимжон ва Зулфия деган қутлуғ мавзунг ушбу санаб ўтган ҳолатларсиз ёритиб бўлмайди.

Кўп асрлик жаҳон адабиёти тарихида ижодий ишнинг мушкулликлари, ўта инжиқликлари туфайли турмуш қурмай ўтган ёки оиласи парчаланиб кетган ижодкорлар кўп бўлган. Бир машҳур ёзувчи ҳатто газета орқали эълон бериб, «ё менга кўмаклашадиган, ёки халақит бермайдиган қизга уйланаман», деган экан. Борди-ю, эр-хотиннинг иккови ҳам бадий сўз соҳаси, ижод соҳаси одамлари бўлса-чи! Улуг ёзувчилар ижодий ниятнинг етилиши ва рўёбга чиқиш — ёзиш жараёнини тўлгоққа ва фарзанд тугилишига ўхшатадилар. Чин ижодкор учун бу ҳолат доимийдир. Ижоднинг мана шу доимий инжиқликлари ва ширин азоби ичида (кейинги иборани Зулфия ҳам ишлатади) юрган қалам соҳибларининг топишишлари ва бахтиёр яшашлари бағоят қувончли ҳодисадир.

Ҳамид Олимжон билан Зулфия турмуш қуришганларида (1935 йил, 23 июль) биринчиси, «Кўклам», «Тонг шабадалари», «Олов сочлар», «Пойга», «Улим ёвга» каби тўпламларнинг муаллифи, Ёзувчилар союзининг аъзоси, «Совет адабиёти» журналининг масъул котиби. Ўзбекистон Фанлар комитети қошидаги Тил ва адабиёт институтида сектор бошлиғи бўлса, иккинчиси, ўзининг тўнғич китоби «Ҳаёт варақлари» билан бадий ижод даргоҳига кириб келаётган эди. Бу вақтда Ҳамид Олимжон ёзувчи сифатида шаклланиб етган, ўзининг ижодий-эстетик принциплари аниқ ва адабий жараёнда ўз ўрнига эга нуфузли ижодкор эди. Унинг овози шеъриятда ҳам, танқидчиликда ҳам, тар-

жимада ҳам аниқ жаранглаб турган эди. Энг муҳими, шеърятда Ҳамид Олимжоннинг ўзига хос усули, йўли ва шахсий услуби ёрқин шаклланиб етган ва адабий жамоатчилик томонидан тан олинган эди. Ҳатто 30-йилларнинг бошларидаёқ Ҳамид Олимжоннинг бутун қалби, руҳи, характери, фикри-зикри, қиёфаси—борлиғи унинг шеърларига кўчгани ва шахс сифатида даврнинг илғор зиёлиси даражасига кўтарилганлиги тан олинган эди (бу фазилат фақат етук нждкорларгагина хосдир). Мақсуд Шайхзода Ҳамид Олимжон билан учрашган 1931 йилни эслаб туриб шундай дейди: «Мен Ҳамидни шахсан танимасдан бир неча йил олдин, у Самарқандда эканлигида нашр этган шеърларидан ва биринчи тўпламларидан ғойибона билар эдим. Унинг шеърларини ўқиганимда хаёлимда апрель қадар ёш, баҳор янглиғ тоза, Сирдарё каби азимкор, лочин каби қулочдор ва журъатли шоирнинг сурати намоён бўлар эди. Кейинча уни шахсан таниб олганимдан сўнг, мен унинг ўз шеърларига нақадар ўхшаганига ҳайрон бўлган эдим. Ҳамиднинг қиёфаси, муомаласи, юриш-туришлари, гапи, сўзи, ҳазилкашлиги, жиддияти, ишлаш услуби ва истироҳат тарзи ўша йилларда шакллана бошлаган ўзбек совет зиёлисининг яққол ўрнагини намоён эттирар эди».

Ҳамид Олимжон севги, оила масаласига ҳам илғор совет кишиси сифатида қарар эди. У Зулфия билан турмуш қургунга қадар севги шеърлари ёзмаган (1934 йилда битган «Хайрлашув» шеъри бундан мустасно, у ҳам Зулфия билан танишгандан кейин дунёга келган). Лекин шоирнинг ўнлаб шеърларида хотин-қизлар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, янги ҳаётнинг актив қурувчиси тарзида тасвирланади ва бу борадаги орзу-истакларини эҳтирос билан ифодалайди. Ҳатто «Мешчан хотин» шеърида «курашлардан қочган», «дунёларни гам босса» тўпиғига келмайдиган бундай зотларни «Мен сени бир зог каби севмайман», дейди. Ҳамид Олимжон халқ қўшиқларини эшитар ва китобларда босилганини кузатар экан, улардан хотин-қизлар тақдирига бағишланганларини тўплайди-да, унга «Ўзбек қизининг тақдири» деб, сарлавҳа қўяди (бу шоир архивида сақланади). Унда қуйидагидек тўртлик бор:

Қора қумғон қўйдилар,
Қайнамасин, дедилар.
Қари чолга бердилар,
Яйрамасин, дедилар.
Шафтолиннинг шохшин
Ўзим ушлаб эгаман.
Зўрлаб эрга бердилар,
Энди танлаб тегаман.

1971 йилда «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган «Кундалик дафтар»да Ҳамид Олимжон 1933 йилнинг 5—29 апрелларида Мулқобод — Қўқон саёҳати даврида қишлоқ ҳаётида тугилаётган янгиликлар қаторида янги севги, социалистик оилани алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Ҳамид Олимжон бир-бирини севиб турмуш қураётган, ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган одамларга ҳаваси келади ва шундай оилани орзу қилади. Шоир ўша кундалигида ёзишича, «далани тўлдириб ашула» айтаётган одамларни кўради. «Ашуланинг бош байтларини,— деб ёзади у,— хотинларнинг олдида тез юриб бораётган бир хотин айтар эди. Олдинги хотин ашуланинг икки бандини айтгандан сўнг унинг кетидан кетаётганлар ашулани юқори кўтариб, баланд товуш билан такрорлар эдилар. Ашула айтаётганларга бир хотин:— Яша, ҳукуматнинг даврида!— деди.

Ашула халқ шеъридан эди. Ўзи ҳам ишқий мавзуда, жуда чиройли мисралар эдилар:

Ёримнинг оти Лайли,
Менга бормикан майли,
Менга бор бўлса майли,
Мен унинг қаландари.

Улар иккинчи бандга ўтдилар:

Қошинг билан кўзингга,
Ошно бўлдим ўзингга.
Айтолмайман юзингга,
Инсоф берсин ўзингга...»

Бу мисралардаги мазмун, руҳ ва оҳанг Ҳамид Олимжон қалби ва тилагига оҳангдош бўлмаганда

эди, у бунга диққат қилмаган ва дарров эсида қолдириб ёзиб қўймаган бўларди. Янги социалистик оила масаласи шоирнинг бутун борлиғини қамраб олганлигини унга ўша саёҳатининг охириг кун иъзган қуйидаги фикрларидан ҳам билиш мумкин. Энди шоир шунчаки қайд қилибгина қолмасдан, аввалдан ўйлаб юрган, ният қилиб қўйган асарининг конкрет мазмуни, йўналиши ва шунга боғлиқ аниқ режаларини ҳам ёзиб қўяди. Бу парча бизнинг бундан кейинги мулоҳазаларимиз учун ҳам керак бўлади, шунинг учун уни тўлароқ келтирамиз:

«Мен Сталин номли колхоздан қайта туриб, далада туш пайти дам олиб, сояда ўтирган икки кишини кўрдим. Уларнинг бири ўрта ёшда бўлган эркак, бири ёшгина хотин эди. Эркак оддий иш кийимида, хотин катак-катак шоҳи кўйлак кийган эди.

Мен шундай бир картина киргизиш фикрига келдим. Унда албатта яқин орада уйланган бир йигит ва турмушга чиққан қиз бўлади. Улар иккаласи ҳам ҳозирги кўриб ўтганимдай — колхозчи бўладилар. Мен уларнинг биргалашиб далага ишга чиқишлари, бирга экин экишлари, оилавий муносабатларида колхозлаштириш ҳаракатининг ифодасини кўрсатажакман. Мен унда уларнинг иккови ўртасидаги эр ва хотин муаммосини, аввалги маънодаги хотиннинг йўқолиб, унинг ўрнига баб-баравар ҳуқуқли янги хотиннинг яралиб келаётганини ва бу янги турмуш эски, аввалги турмушнинг фожиаларидан озод эканини, эркин меҳнат асосидаги ўртоқлик турмушининг нақадар кўнгилли, чиройли эканини ва бирга, коллектив меҳнат асосида паранжи, хотин-қиз қуллигининг йўқолиб бориши жараёнини кўрсатажакман... Мазмун коллективлаш ва оила...»

Келажақда шоирнинг бу план ва ниятлари «Зайнаб ва Омон» достонида рўёбга чиқади. Лекин унгача Ҳамид Олимжон севги ва муҳаббат, вафо, садоқат асосига қурилган янги оиланинг лаззатини шахсан татиши керак эди. Ҳамид Олимжоннинг юқоридаги фикр-қарашларидан унинг бўлажак турмуш ўртоғи тўғрисидаги идеали шаклланиб етган эди. Худди шу идеал Зулфияда ўз ифодасини топди.

Мақсуд Шайхзоданинг юқоридаги фикрини, яъни Ҳамид Олимжоннинг ўша давр илғор ўзбек зиёлиси-

нинг вакили деган сўзини Зулфияга ҳам ишлатиш мумкин. Зулфия саводини совет мактабида чиқарди, чуқур илмни техникумдан эгаллай бошлади, қайноқ совет воқелиги унга кенг оламни танитди. Зулфия туғилиб вояга етган Ўқчи маҳалласи Тошкентнинг энг илғор ва қайноқ даҳаси эди, у ердан Акмал Икромовга ўхшаган ўнлаб машҳур давлат арбоблари, олимлар ва ёзувчилар етишиб чиққан. Зулфиянинг онаси уй бекаси, отаси дегрез бўлса-да, бўлажак шоиранинг акалари Москвада таҳсил кўрган, саботли коммунистлар ва ҳатто обком секретари бўлиб ишлаган. Шунинг учун Зулфия паранжини кўрди-ю, аммо уни ушламади, хотинларнинг эски вақтдаги ҳуқуқсиз, бечора тақдирини эшитди, билди-ю, лекин ўзининг «бахтиёр тақдирларнинг бири» эканлигидан беҳад қувонди. Онаси саводсиз бўлса ҳам халқ ақл-заковатининг ифодачиси бўлган фольклорни гоёат қадрлар ва яхши билар эди, темирни инсон истаги ва дидига мослаб тирикчилик ўтказган отаси эса ижодкор дейилишга ҳақлидир.

«Онамнинг қанчадан-қанча қўшиқ ва афсоналарни, дoston ва эртакларни билишига ақлимиз бовар қилмасди,— дейди Зулфия.— Бу сеҳрли афсона ва дostonлар бизга бениҳоя ҳузур бағишлар, ўзига ром қилиб олар, ҳар сафар янги жилва касб этар эди. Ҳозиргидай замон ва шароитда яшаганда онам ким бўларди— шоирами, олимами билмадим. Лекин шунга аминманки, мўъжизалар яратишга қодир, жаҳонни кўзга кенг очувчи, инсонни гўзаллик сари етакловчи, сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда остона ҳатлаб кўчага чиқмаган оддий аёл — онам уйғотган...»

Оддий ота-она томонидан фарзандлар юрагига ташланган орзу уруғининг кўкариши ва гуллашига совет замонаси сабаб бўлди. Зулфия Навоий ва Пушкинни, Ҳофиз ва Шекспирни, Байрон ва Некрасовни, Лермонтов ва Лутфийни, Горький ва Маяковскийни ўқийди, ҳали техникумда таҳсил олар экан, шеърлар машқ қила бошлайди. У 18 ёшга кирганда биринчи тўплами босилиб чиқади (Ҳамид Олимжоннинг тўнгич китоби 20 ёшга кирганда чиққанди). Зулфия шу дастлабки китоби билан оғизга туша бошлайди, чунки у даврда Ойдин, Зулфия каби аёл ижодкорлар гоёат кам эди. Гап уларнинг оз-кўплигида ҳам эмас, уларнинг асарларида ўша даврнинг илғор хотин-қизлари овози, ру-

ҳи, баланд парвоз этишга иштиёқи теран жаранглаган эди. Аёлларнинг ҳаётдаги, жамиятдаги ўрни ва бурчини чуқур тушунган, меҳнат ва ижодда, севги ва оила қуришда уларни озод деб билган Зулфиянинг шахсий ҳаёти, дастлабки ижодий қадами ҳам тенгдошлари учун намуна эди, кўплар унга ҳавас ва умид билан боқар эди. Лекин ёш шоира инсон сифатида пок, чин дўст, борлигини одамлар бахти учун бахш этган, юксак идеаллар сари парвоз қилаётган, ўзбек, рус ва жаҳон адабиётини чуқур билган ва ижоди ёлқинли, порлоқ инсонни орзу қилади, шоиранинг ўз сўзи-ла айтганда, «қалби ва руҳига ҳамроҳ» бундай инсон Ҳамид Олимжон эди. У вақтларда Ўқчи ёнидаги анҳор тўлиб оқар эди, икки шоирона қалб парвозига илҳом берарди. Эҳтимол шундай учрашувлардан кейин Ҳамид Олимжон севги тўғрисида биринчи бор «Хайрлашув» (1934) шеърини ёзгандир:

Ўзинг сўйла, шу қора кўзлар
Унутарми шу учрашишни?
Шунча ўсиб ништар киприклар
Кўрганмикан шу гўзал тушни?

..Унутмасман сени ҳеч қачон,
Юрагимда қоларсан абад:
Сен қоларсан мен билан мангу,
Юрагимга ошно бўлган дард!

Мен диққатни мазкур шеърнинг қуйидаги мисраларига тортмоқчиман. Улуғ санъаткорларда келажакни олдиндан кўриш, «пайғамбарлик» фазилати бўлади. Лекин бу ердаги фикрнинг мутлақо бунга алоқаси йўқ:

Сўрогим шул: қора кўзларнинг
Йўқолмасин сира вафоси.
Бошларга тушмасин ҳеч қачон
Шу кўзларнинг ҳижрон жафоси.

Дастлаб қараганда гўё Ҳамид Олимжон ўзи билан Зулфия ўртасидаги келажакда бевақт фалокат туфайли тушадиган ҳижрон фожиасини сезиб ёзгандай туюлади. Йўқ, ундай эмас. Одатда инсон энг катта мақса-

ди, улуг нияти ва юксак идеалига эришганда мана шу Бахт қушидан сира-сира ажралгиси, ундан жудо бўлгиси келмайди. Инсонга хос бўлган чўчиш ҳисси уни ўша ўз бахтини янада ардоқлашга, янада активроқ ҳимоя қилишга ва сезгир бўлишга даъват этади. «Ҳижрон жафоси» шу ҳиссиёт туфайли туғилган фикр эди, афсуски, кейинча бу мисра бошқа мазмун ҳам касб этиб қолди.

Икки шоирона қалб туташгач, Ҳамид Олимжон ижодида янги саҳифа бахтиёр севги мотиви очилдики, бунга бир оз туриб қайтамыз.

Ҳамид Олимжон билан Зулфиянинг қалблари ва руҳидаги уйғунлик севги, оила ёки совет кишиси бобидагина эмас, балки энг аввало уларнинг поэзиянинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини тушунишларида, ижодкорнинг бурчини англашларида, воқеликка ёндашиш ва ундаги илғор, етакчи тенденцияларни ҳимоя қилиш, халқнинг келажаги учун актив курашишлари кўринди. Ҳамид Олимжон шеъриятга кўклам, ёшлик, сурур, бахт ва шодлик куйчиси, гўзал қалб ва гўзал юрт куйчиси сифатида кириб келди. У қаҳрамонона кураш оҳангини ва халқнинг ғолибона, кўтаринки руҳини давр руҳи сифатида ифодалади. Лирик торда тақдири бутун халқ тақдири билан чатишиб кетган инсон туйғуси ва кечинмасини куйлаш йўлида бораётган шоир лирикани ўткир сиёсий лирикага гражданлик лирикасига кўтаришга ошиқди. Зулфиянинг илк шеърларида ҳам «комсомоллик қудратлари тошиб кетган» ёш кучларнинг орзу томон шиддатли парвози, «бахти эркалаган» аёлларнинг чексиз завқ-шавқи ифодаланади. У ўзбек қизининг совет давридаги тақдирини «бахтли тонг»га муқояса қилади. Худди Ҳамид Олимжондек («Бахтлар водийси»даги «Кўм-кўк... Кўм-кўк... Кўм-кўк...» пардасида бошланган шодлик оҳангини эсланг!) ҳамма нарсада — табиатда ҳам, одамларда ҳам баҳорни — яшариш, гуллашни кўради:

Юракларда, кўзларда баҳор,
Ерда, кўкда баҳор юради.
Ҳатто сочи оқарган чоллар
Баҳор каби яшнаб туради.
Шундай сочиб гулларни ҳар гал,
Еру кўкни безаш одати

Гул ёзди баҳордан гўзал,
Шод инсоннинг ҳур саодати.

Бугина эмас. Зулфия 1935 йилда ёзган «Баҳор кечаси» шеърида кейинчалик Ҳамид Олимжон томонидан махсус чуқур таҳлил этилган совет кишисига дунёнинг гўзал кўриниш сирини («Дунё гўзал кўринур сенга» каби) масаласига тўхтади:

Кўзим тушди олма гулига,
Дедим, тақсам энг гўзал бирин —
Сўйлаб берса... меннинг чаккамда,
Дилбарлигин, гўзаллик сирини.

Шундай гўзал баҳорнинг гули,
Ундан гўзал биз ўсган ҳаёт,
Гул тутди ҳур инсон қўли,
Гулга тўлган бутун кинот.

Бу фикр ва туйғулар, бу руҳ ва ижодий принцип, бу мезон Ҳамид Олимжон юрагига яқин, оҳангдош эди.

Бироқ Зулфиянинг илк ижодида қатор етишмовчиликлар мавжуд эди. Унда ҳали ҳаётга ва одамлар қалбига чуқур ва мустақил кириб бориш етмас эди, шеърларида кечинма-ҳиссиёт, конкретлик ўрнини кўпроқ тумтароқлик, баландпарвозлик эгаллар эди. Булар ҳаётини кузатишлар ва ижодий тажрибаларнинг камлиги билан туғилган эди. Шоиранинг ўзи ҳам бунинг сабабларини тушунади. У ўша илк шеърларини эслаб шундай иқрор бўлганди:

«Биринчи китобим 1933 йилда босилиб чиққан. Ўшанда ўзим ўн саккиз ёшда эдим, аммо китобимга жуда маънодор қилиб «Ҳаёт варақлари» деб ном берган эдим. Буни эслаганда кулгим қистамасдан иложим йўқ, лекин начора? Кекса одамнинг ўзини ёш қилиб кўрсатишга иштиёқи зўр бўлганидай, ёш одам ҳам ўзини жаҳондийда этиб кўрсатишга жуда тиришади... 1937 йилда иккинчи китобим — «Қизлар қўшиғи» босилиб чиқди, лекин бу китоб ҳам шеърятдаги ақалли ибтидоий камолотнинг, чинакам маҳоратнинг бўсагаси бўлолмайди. Ҳойнаҳой, энди ёзмасдан тура олмайдиган бўлиб қолган эдим шекилли, — китоб чиқариш гашти ҳар нарсадан кучли-да, лекин нима ҳақ-

да ёзганимни ҳали астойдил билмас, шунинг учун бунни қандай қилиш кераклигини тушуна олмас эдим».

Кўриниб турибдики, Зулфия Ҳамид Олимжондек меҳрибон ва талабчан устозга муҳтож эди. Бунни энг аввало унинг ўзи юрак-юрагидан ҳис этганди (ахир Зулфия ҳозир чиқаётган икки томлик «Асарлар»ига 30-йилларда ёзган шеърларидан фақат ўнтасини, 1935 йилгача чиққанларидан атиги иккитасини киритади, холос!).

«Кўп ўтмай, ҳаёт менга янада талабчан ва қаттиққўл муҳаррирни бахш этди,— дейди Зулфиянинг ўзи,— ҳаётимнинг ўн йили, фақатгина ўн йили Ҳамид Олимжон билан ҳамнафас ва ҳамқадам ўтгани мен учун улкан бахт бўлди. Улкан шоир, ўз она тили ва адабиётининг билимдони, кам учрайдиган қобилият ва интизом соҳиб-и, тўстларига меҳрибон, душманларига аёвсиз Ҳамид Олимжон фақат менинг турмуш йўлдошим ва фарзандларимнинг отаси бўлибгина қолмасдан, айна чоғда, қалбим ва руҳимга уйғун ҳамроҳим ва сезгир маслаҳатчим ҳам эди. Мен ундан фикрлашни, меҳнат қилишни ва шеър ёзишни ўргандим, унинг ижод мактабида таълим олдим».

Ҳамид Олимжон ўзининг адабий-танқидий мақолаларида, мажлислардаги нутқларида ҳар бир ижодкорнинг ва ҳар бир адабиётнинг ўсиши, баландга ва узоққа парвоз қилиши учун у ҳаётга, халқ турмушига, воқеликка жуда яқин бўлиши, унинг кўрасида қайнаши керак, ҳар бир шоир ўзининг классик адабиётини ва фольклорини чуқур билиши ва рус, қардош ҳамда жаҳон классикасини обдан мутолаа қилиши, ҳаммасидан ижодий ўрганиши керак, деган фикрни олга суради. Ҳамид Олимжоннинг ўзи республиканинг деярли ҳамма жойини кезиб чиқади, ҳали Самарқандда вақтидаёқ Москва ва Ленинград шаҳарларида бўлди. Зулфияни ҳаёт ва халқ ичига, қизгин адабий жараён ичига олиб киради. Шоиранинг айтишича, Ҳамид Олимжон уни барча йигинлар, маросимлар, муҳим воқеалар ва улугвор ишлар бўлаётган жойларга олиб борар, якшанба кунлари шаҳар ташқарисига, қизгин меҳнат авж олган далаларга олиб чиқиб кетар экан. 30-йиллар ўртасида рус ва жаҳон адабиёти дурдоналарини ўзбек тилига таржима қилиш ишига Ҳамид Олимжон астойдил киришар экан, у Зулфияни ҳам ўзбек клас-

сик адабиёти ва халқ ижодини, ҳам рус, жаҳон адабиётини янада чуқур ўрганишга даъват этди.

«Рус классикасини таржима қилиш борасида олиб борган ишларимиз эса — қўрқмасдан айта оламанки, беистисно ҳар биримиз учун — машаққатли, айни замонда олий ва зарур мактаб бўлди,— дейди Зулфия,— мен, шеърят даргоҳига энди тетапоя бўлиб кириб келаётган ёшгина қиз, Ҳамид Олимжон билан танишган пайтимда, у мендан, рус адабиёти билан ошнамисан, деб сўраган эди. Мен ўзбекча таржима қилинган асарлар борки, ҳаммасини ўқиганман десам, у, бу оз, жуда ҳам оз, деб жавоб берган эди. Биринчидан, деган эди у, ўзбекчага қилинган таржималар кўп эмас, энг муҳими эса, асл нусхани ўқишни ўрганиб олиш керак, ана шундагина тилдаги бутун муаттарликни, ширадорликни ҳис этиб; бирон нарса ўқиш мумкин... У менга олиб келган биринчи рус китоби— Некрасовнинг тўплами бўлди. Мен ўзимнинг рус тилини эгаллашдаги нўноқлигимни енгиб борганим ҳолда, уни бир ўтиришда ўқиб чиқдим, форманинг ҳузур-ҳаловат бахш этувчи эркинлиги, фикрнинг соддалик ва жўшқинлик билан ифода қилиниши мени нақадар қойил қолдиргани ҳали-ҳали эсимда. Энг муҳим ва ҳаётий нарсаларнинг ҳаммаси шеърда шу қадар одмиллик билан баён қилингани умуман ажабланарли эди... Бу ажабланиш узоқ вақт сақланиб қолди ва кейинчалик «Рус аёллари»ни таржима қилаётганимда мени текстдан сал баландроқ кўтариб қўйгандек бўлди. Некрасовнинг кетидан Пушкин, Лермонтов, Блок, Маяковский қадам ранжийда қилдилар. Шундан сўнг бошқа кўпгина шоирлар ҳам, албатта. Аммо мен шеърятда Некрасовга бир умрга бениҳоя қаттиқ ихлос боғладим, уни ўйласам, илк севгининг романтик нафаси уфуриб тургандек бўлади.

Рус шеъряти менга кўп наф етказди десам, жуда оз гапни айтган бўламан. Мен ўзимни усиз мутлақо тасаввур қилолмайман...»

Рус адабиётининг кучли таъсири тўғрисида сўз кетар экан, айниқса, Улуғ Ватан уруши даврини эсламасдан бўлмайди. Ҳамид Олимжон Ўзбекистон Ёзувчилар союзига раҳбарлик қилиб турган пайтда А. Толстой, А. Ахматова, В. Луговской, Н. Погодин, И. Сельвинский, И. Уткин, Н. Ушаков, К. Чуковский, Я. Ко-

лас, В. М. Жирмунский, Б. С. Мейлах, Е. Э. Бертельс, Л. Пеньковский, С. Липкин каби юзга яқин машҳур ёзувчилар, шоирлар, олимлар, таржимонлар ва санъат ходимлари Ўзбекистонга келиб Тошкентда ижод қилдилар. Ҳамид Олимжон билан биргаликда Зулфия ҳам булар билан тез-тез учрашиб турди, ижодий баҳслар қилди, улардан ўрганди. Бу сўз санъаткорларининг кўпчилиги Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг уйларида бир неча бор азиз меҳмон сифатида йиғилишиб, қизгин шеърхонликлар қилишган. Сўзсиз, бу қайноқ ва юксак ижодий муҳит Зулфиянинг шеърӣ оламини бойитмасдан, шоирона дидини ўткирламасдан ва эстетик қарашини шакллантирмасдан иложи йўқ эди.

Шундай қилиб, «бир мақсадни кўзлаган, ҳамиша иш билан ўз имкониятларининг ҳаддини билган—ҳар мисрага ҳам, ўз-ўзига ҳам қаттиққўл бўлган» Ҳамид Олимжон Зулфиянинг ўз овози, ўз йўли, ўз руҳини, Горький ибораси-ла айтганда, «ўз нотаси, ўз қўшиғини» топиб олишида унга жуда катта ёрдам берди, устозлик қилди.

Зулфия уруш йилларининг бошларида, яъни «Ҳулкар», «Ҳижрон кунларида» китоблари ва «Уни Фарҳод дер эдилар» поэмаси босилиб чиққан пайтларда шоира сифатида ўз йўлини топган, ўз сози ва овозига эга бўлган, адабий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммаси тан олган ижодкор эди. Бу фикрни шунинг учун айтмоқдамизки, шоиранинг ижодий камолоти тўғрисида айрим ўртоқлар сўзлаганда асосий омил қилиб Ҳамид Олимжоннинг фожиали ҳалокатини кўрсатмоқчи бўладилар. Ижодкор учун бирор инсоннинг ҳаётдан бевақт кетиши жуда-жуда оғир йўқотиш бўлади. (Ҳамид Олимжон Зулфия учун улкан шоиргина эмас, айна чоқда энг азиз киши эди), бу воқеа унга қаттиқ таъсир қилмаслиги мумкин эмас, албатта. Бу беўлцов ғам Зулфия ижодида аввалдан бошланган бир йўлни — ҳижрон мотивини бетиним ва атрофлича поэтик таҳлил қилишга сабаб бўлдики, бу хусусда қуйироқда тўхтаймиз. Аммо шу жойда қуйидаги ҳақиқатни таъкидлаб ўтайликки, токи шоира ижодининг қиммати ҳам ўсиш жараёнини баҳолашда бир томонламалик рўй бермасин.

Зулфия ижодига ҳижрон мотиви уруш бошланиши

билан кириб кела бошлайди. Воқеликни мураккаблиги билан кўришга ва ҳаққоний тасвирлашга интилган шоира 1942 йилда ёзган «Ҳижрон» шеъридаёқ уруш туфайли севишганлар тақдирини — «юрагига тушган ҳижрон доғи»ни ифодалайди. Шоиранинг шоҳ асарларидан бўлмиш «Палак» (1943) шеърида эса, «душман ажал тортиб келди Ватанга, бизнинг севгимизга ташлади ҳижрон», деб ёзади. Аммо дастлаб бу кайфият, туйғу вақтинчалик, ўткинчи нарса сифатида талқин этилади. Аммо шоира шу босқичда қолмади. У ниҳоятда ҳурмат қилган артистлардан бири бўлмиш Қобил Қори фронтда ҳалок бўлгач, албатта шоиранинг қариндош-уруглари, яқин-йироқлари, қўни-қўшнилари бошига тушаётган оғир жудаликларни ўз кўзи билан кўргач, унда урушнинг беҳатар бўлмаслиги, ғалаба қон ва жон эвазига келиши, демак, ҳижроннинг вақтинчаси ҳам, доимийси ҳам бўлиши мумкин, деган фикр туғилади. Бу фикр ва туйғу шоиранинг «Уни Фарҳод дер эдилар» асарида ифодаланди. Зулфия иккинчи китобини ҳатто «Ҳижрон кунларнда» деган номда чиқарди. «Урушга бағишланган иккинчи китобимда фожиали ҳижрон ҳақидаги шеърлар кўп бўлиб, уларни ёзганимда Ҳамид Олимжон ҳали ҳаёт эди, китобнинг корректурасини ҳам икковимиз бирга ўқиб чиққандик. Китобнинг ўзини кўриш эса унга насиб бўлмади», дейди Зулфия.

Мазкур асарларида Зулфия ҳаётни драматик ҳолатлари билан кўриш ва бадий таҳлил этишга, ҳам даврни, ҳам инсон қалбини текширишга, инсоннинг кечинмасини ифодалашга, лирик «мен»га катта ижтимоий мазмун юклашга, шеърни яхлит образ, ҳатто воқеа асосига қуриш ва ихчамлик, конкретликка эришади. «Палак» шеърининг рус китобхонлари орасида шуҳрат топиши ёки «Уни Фарҳод дер эдилар» поэмаси ҳақида жангчиларнинг «Ҳар бир жангчидек, Қобил Қорининг қалби ҳам Ватанга садоқат ва яшашга муҳаббат ўти билан тўла туради:

Йўқ,— деди у,— ўлгим келмайди,
Кўзларимни югим келмайди.
Бу бўстонни сақламоқ керак,
Бу бўстонда яшамоқ керак.

Қўшиқда ўлимдан қўрқмаслик, галабамизга ишонч, ёвдан қасос олишга чақириқ шаҳид жангчининг васияти шаклида бериладики, бу китобхонларда зўр таъсир қолдирувчи эмоционал ифодага эгадир», деб ёзишлари бизнинг мулоҳазаларимизни тасдиқлайди. Унинг устига 1943 йилда Зулфиянинг рус тилида босилган «Верность» тўпламига В. Луговской томонидан ёзилган кприш сўзидаги ушбу жумлаларга диққат қилсак, машҳур рус шоирининг инобатли баҳоси биз ҳикоя қилаётган ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлашига амин бўламиз.

«Шоира қаерда юрт ҳақида, севги ҳақида, уруш ҳақида сўзламасин, унинг шеърларида оптимизм, ҳаёт-бахшлик баланд жаранглайди, у ғам-аламни, урушнинг даҳшати ва фожиасини камайтириб кўрсатмайди. Йўқ, у ғалабанинг баҳор каби, худди баҳор каби муқаррар келишига ишонади, чунки баҳор ҳеч нарсага қарамасдан келаверади».

Одатда, ўзининг даражасини, ютуқ ва камчиликларини ҳаммадан кўра ижодкорнинг ўзи яхши билади. Мард ижодкор эса ижодий қийинчиликлари ва изланишларини яширмай ўртоқлашади. Зулфиянинг ўзи урушнинг дастлабки йилларидаги ижодида содир бўлган янгиликларни ҳам, манфий томонларни ҳам холис айтиб қўйган:

«Лекин нима ҳақда ёзаётганимни ҳали астойдил билмас, шунинг учун буни қандай қилиш кераклигини тушуна олмас эдим,— дейди Зулфия,— иккинчи китобимни ёзаётганимда бир кунни Ҳамид Олимжондан шундай деб сўраганим эсимда: «Нима учун мен ёзган шеърнинг ҳеч поёни бўлмайди? Қайси бандда тўхтамайин, яна давом эттирса бўлаверади-я!» У кулиб туриб, бундай деган эди: «Чунки сен ҳар бир шеърингда бира тўла ҳамма гапни айтиб олмоқчи бўласан, ваҳоланки, бундай қилиш ярамайди. Кейин, биласанми, шеърни охиридан бошлаб ёзиш керак...» Унинг маслаҳати нақадар нозик ва аниқлигини, кейинчалик, ўзимда назмхонлик қилиш эмас, балки бирон муҳим ва юрагимда тугилиб қолган фикрни баён қилиш зарурати етилгач, тушундим. Уруш йиллари камолот даври бўлди. Ақлли гапларни ўйлаб топишга, ясама дард ёки завқ-шавқни қўллашга ўрин қолмади, турмушнинг ўзи қатъият билан ҳақиқий сўз талаб қилди:

беихтиёр равишдами ёки бировнинг тажрибасига мурожаат қилиш натижасидами, асил сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келаверганидан кейин уларни ўрни-ўрнига жойлаштириш, бир-бири билан боғлаш йўлини топар экансан... 1943 йилда чиққан «Ҳулқар» китобим янги ишнинг якуни бўлди. Шеърларим воқеабанд бўлиб қолди, десаммикан. Лекин баёнчилик маъносида эмас. Мен бу шеърларга ўз руҳий тарихимнинг бир парчасини жойлаштира бошладим, бу парчанинг ўз тугуни, кульминацияси ва ечими бор эди. Энди ёзмоқ учун Лев Толстой айтганидек, дастлаб гапнинг учини учига улаб олиш керак эди. Шеърни бошлаб қўйиб, охирини топмагунимча уни давом эттира олмас эдим. Эндиликда қаёққа қараб кетаётганлигимни билганимдан йўлнинг энг қисқасини излаб топиб олардим, натижада шеърлар мухтасар ва тугал бўла бошлади».

Бу биз санаб ўтган ва шоира уқтирган фазилатлар унинг ижодининг доимий фазилати бўлиб қолди (албатта янада такомиллашган, етилган ва кенгайган ҳолда!).

Зулфия ижодидаги ҳижрон мотивини, аниқроғи, шоира ижодида гавдаланган Ҳамид Олимжон — шоир образини таҳлил этмасдан аввал Зулфия қайси бир даражада бўлсин Ҳамид Олимжон ижодига таъсир этмадими, деган саволга жавоб бериб ўтмоқчимиз.

Ҳамид Олимжон ижодида севги мотивининг туғилиши ва бу асрий мавзунинг ижтимоий-фалсафий аснода чуқур ҳал этилишига Зулфия сабабчи эди, десак хато қилмаган бўламиз. Чунки аввалда айтганимиздек, Ҳамид Олимжон Зулфия билан ўз тақдирини боғлагунга қадар севги тўғрисида шеър ёзмади. Аммо унинг қалбида ўтмишда севишганларнинг тақдири қандай бўлган эди-ю, ҳозир совет даврида қандай бўлмоқда, деган масалага нисбатан аниқ тасаввур ва қараш шаклланиб ётган эди. Ўз тақдирларида ва минглаб совет кишилари ҳаёти мисолида бахтиёр севги лаззатини ҳамда қудратини кўрган шоир энди бу муқаддас туйғуни катта эҳтирос, катта мезон билан бадий таҳлил этади. Ҳамид Олимжон келинни бировнинг ҳужрасига туширган эди, уйда фақат зарур асбоб-анжомлар бор эди, аммо иккаласи шу қадар бахтиёр эдиларки, натижада ҳамма ёқ, «ҳар нарса гўзал кў-

ринарди» улар кўзига. Улар ширин шу кичик оилани бутун совет мамлакатининг бир томчидаги акси, деб билдилар. Воқеликка, совет кишилари тақдири, қалби ва эртанги кунига шу бахтиёр ва шод оила дарчасидан қарадилар. Шунинг учун Ҳамид Олимжон ҳам (унда бахт-шодлик оҳангларининг ғоят баланд жанр-англашида Зулфия ҳиссаси бор), Зулфияда ҳам бахт-шодлик руҳи юксак эди.

Ҳамид Олимжон 1936 йилда севги ҳақида бешта шеър ёзди, Пушкин ва Байрондан муҳаббатга бағишланган уч шеърни таржима қилди, 1937 йилда бу мавзуда яна бешта асар битди. Буларнинг ҳаммаси учун хос бўлган нарсаси муҳаббатнинг икки тузумдаги тақдири ва социалистик жамиятдаги янги, бахтиёр севгини улуғлашдир. Ҳамид Олимжон ўтмишда севишганлар бир-бирига етишмас олмаганлигини ва бунинг сабаби ўша золим, ваҳший тузумда эканлигини газаб билан ёзган эди:

Лекин Лайли бошига келган
Қора кунлар бизга ёт бутун:
Бизга ётдир Ширин бахтини
Поймол этган у қоп-қора тун,—

дейди. У «қора» эпитетини бир неча шеър ва ҳатто «Зайнаб ва Омон»да ишлатади ва бу ҳар сафар ўша бахтсиз севгини ифодалашга хизмат этади. «Офелиянинг ўлими» шеърида «Шу бўлди бокира, дунё кўрмаган у ёқут лабларнинг қора тақдири», деб ёзса, «Зайнаб ва Омон»да «Бу севгида йўл бошлар вафо, ҳам вафони емирмас жафо, бунда асло қора кун йўқдир», дейди. Байрон, Голдриж ва Пушкиндан қилинган таржималар ўтмишдаги фожияли муҳаббатни кўрсатувчи асарлар эди, улар Ҳамид Олимжон нияти ва қарашига тўғри келгани учун таржима қилганди. Бу таржималар билан унинг кўнгли тўлмайди, театрга бориб «Ҳамлет» спектаклини кўради-да, яна ўз руҳи, совет оиласи билан «севишганлар қисматида фақат азоб бўлган» ўша эски тузум ўртасида ўткир контраст, ер билан осмонча фарқни ҳис этади. Шоир уйга келиб, «фақат гўзал эмас, ҳатто хунук қиз кўз очиб ёлғиз изтироб» кўрган ва «севгига қора жаноза ўқиган» ўша ваҳший замонни қаҳр-газаб, ўч-алам уммони би-

лан кўмиб ташламоқчи бўлиб шеър битади. Шеърнинг ҳар бир мисраси, образи, сўзи ва ҳатто қофиясидан (19 бандли шеърнинг 15 банди охири «о» унлиси билан тугалланган қофияли сўзлар бўлиб, улар йиғи ёрдамга чақириқ оҳангини беради) ўтмишдаги бебахт ошиқ-маъшуқларнинг кўкка етувчи оҳу фиғони баралла эшитилиб туради. Шунинг учун офелиялар кўзига (диққат қилинг!) «бутун олам қоронғи» кўринади.

«Зайнаб ва Омон»да шоир севги тарихи ва севги фалсафасини Зайнаб-Омон муҳаббати воситасида янада кенг ёритади. У Анорнинг ўтмиши ва кўпгина лирик чекинишлар орқали ўтмишда «асрлар давомида севиб ўтга тушган жоннинг йиғлаганини» эҳтирос билан тасвирлади. Шоир ўтмишда эрксиз, ҳуқуқсиз, пасив бўлган аёлларни кўрсатар экан, Зайнабни эҳтиросли ошиқ, севгиси юксак ва пок қиз тарзидагина эмас, балки айни чоқда эркли ва шу ўз эрки, қадрқимматини чуқур тушунган, ўзини севгидаги бахтини актив ҳимоя қилган ва курашиб қўлга киритган янги инсон тарзида гавдалантирди. Ўзини «инсон деб билган, эрк қидириб, бахтни шунда деб» тушунган Зайнаб Омонга етишганда буларнинг кўзларига «дунё чунон ҳам гўзал» кўринади!

Ҳамид Олимжон «Зайнаб ва Омон» достонининг «хамирини» қораётганда ва айниқса унинг кўтаринки руҳи, оҳангини, шодлик пардасини белгилаётганда Зайнаб Омонова ва Омон Назруллаевлар, тагин қанчадан-қанча бахтиёр оилалар билан бирга Зулфия ҳам прототиплардан бири бўлганига шубҳа йўқ.

Ҳамид Олимжоннинг муҳаббат тўғрисидаги шеърларининг бош прототиби Зулфия эди ва шоир бу шеърларга чуқур ҳаётий мазмун, умуминсоний туйғу ва фикрни сингдиради. Уларда муҳаббатдан «юраги хурсанд, «бўстон» бўлган шод ва ғурурли инсон кўринади:

Айтиб бер-чи, шунча севганлар
Бўлмаганмикин менча бахтиёр?
Айтиб бер-чи, қайси қиз бурун
Севиб бўлган умид билан ёр?

Ҳамид Олимжоннинг «севгисининг кўқарган боғи», «иқбол, толейнинг ошнаси», «ишончининг вафо тоғи», яъни ёри тўғрисидаги шеърларидан ҳам ўзи

пок, ҳам дили пок, бир умр садоқатли, меҳр ва вафодан тож кийган ажойиб аёл образи тасаввурингизга келади. Шоир бу аёлнинг гўзал қалбини улуғлабгина қолмайди, ўзи ҳам унинг вафосига вафо, садоқатига садоқат билан жавоб беришга аҳд қиладикки, бу икки ошиқ муносабати Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширинлар руҳий оламини эслатади. Шоир ниҳоятда азиз бўлган бойлиги — «бахти, шодлиги, баҳор» билан қасамёд қилиб шундай дейди:

...Шу рост эса ўтга тушсин жон,
Ёмгирдайин бошга тушсин ғам.
Яшаганим дунёда ёлғон,
Қасам нчдим: эмасман одам.

Номард кетай, юракда туғён
Шу тўлқиндан зарра кам эса,
Номард кетай, шу оташ юрак
Сендан бошқа ўзгани деса.

Номард кетай, бўлса юрак тинч
Ва севгига бўлса ниҳоя.
Душман бўлсин менга бахт, севинч,
Ғам булути бошимга соя.

Ҳарна бўлай айласам жафо,
Севинчимни бой бериб қўйсам.
Ҳарна бўлай этмасам вафо,
Сендан бошқа бировни севсам.

...Тўлқин борда тинмакляк йўқдир,
Қирғоқларга тегмакдир одат
Билармисан, севган кишига
Содиқ бўлмоқ ўзи саодат.

Юқоридаги парчанинг охириги бандида Ҳамид Олимжон ҳаёт қонуниятидан келиб чиқиб бир туйғуга — «тўлқиннинг қирғоқларга тегиб» кетиши аҳтимолига, яъни тасодифий жудоликка ишора қилиб кетади. Шоир ҳатто шундай кутилмаган бахтсизлик рўй берганида ҳам севишганлардан бирининг содиқ қолажагини орзу қилмоқда. Албатта, бу ерда кейин рўй берадиган тасодиф ҳаёлга ҳам келмаган. Бу оташ туйғулар, қудратли фикрлар, сеҳргар сўзлар ва юксак

ғоялар Зулфиянинг доимий ҳамдами, мадаккори ва маёғи бўлиб қолгани ҳақиқатдир. Аммо Ҳамид Олимжоннинг шоирларга хос пайғамбарона башорати унинг 1940 йилнинг ниҳоясида, янги 1941 йилни кутиб олиш арафасида ёзган «Янги йил орзулари» шеърида яққол кўринди. Европа халқлари юрагига кетмакет чанг солиб келаётган немис фашизмининг қора ниятини юраги сезиб турган Ҳамид Олимжон очиқданочиқ мана бундай ёзганди:

Тушмаса юзга ҳеч ажиндан из,
Яна бир муддаоки, ҳал бўлса:
Бахтимиз борҳо ёйиб илдиз,
Уримиз бир аср тугал бўлса.

Яшнаса бу чаманда дилдорлар,
Севгида сарғайишни билмасдан
Қайғуни кўрмаса гўзал ёрлар,
Ўн гулин бир гули очилмасдан.

Афсуски, кўп ўтмай совет кишиларининг дақиқа сари «илдиз ёяётган бахти»га фашизм чанг солди, «севгида сарғайиш» бошланди, қанчадан-қанча йигитлар, қизлар, аёлларнинг «ўн гулидан бири очилмай» қолди. Зулфия ана шу интиҳосиз ва заминдай оғир ҳижрон оловларини тасвирлаб турганда фалокат Ҳамид Олимжондан жудо қилди. Энди Зулфиянинг «айрилиқнинг куйдирувчи аламлари» тўғрисидаги шеърларида давримизнинг етук улуғвор кишиси Ҳамид Олимжон образи — типик совет шоири образи яратилди. Ҳамид Олимжон Зулфия ижодининг марказий мотивларидан бўлиб, унинг воситасида шоира ўзининг қатор ижодий ниятларини рўёбга чиқаради. Биринчиси шуки, Зулфия Ҳамид Олимжон образини ўзининг энг азиз кишиси тарзида талқин қилади, бунда у ўз умр йўлдоши, сеvimли ҳамдами, фарзандларининг отасига бўлган барча инсоний туйғуларни, кечинмаларни ва фикр-ўйларини беради. Бу фикр ва туйғулар шундай умумлашма, типиклашган даражага кўтариладики, улар айни чоқда минглаб ўзгаларнинг, шоиранинг ўз ибораси-ла айтганда, «тақдирдошлари»нинг ҳам фикр ва туйғулари, қалб ифодаси тарзида жаранглайди: яъни унинг «висолсиз ҳижрон кемиришидан сирқираган» қалбига тақдирдошларининг юраги ҳамо-

ҳангдир, урушда ўз умр йўлдошидан жудо бўлган бу аёллар ҳам фарзандларини «ота бўлиб йўлга солади, она бўлиб меҳри» билан ардоқлайди, ҳам «биров азасида қон-қон йиғлайди, тўйида оҳуга ўхшаб яйрайди», ҳам «тирик айрилишнинг доғи умрни чайнаб кемирса»да, азиз йўлдошининг севги ва руҳига содиқ қоладилар, доим «ёрқин юлдузи севги осмонида ўчмасдан ёнади».

Иккинчи ният шуки, Зулфия Ҳамид Олимжонга бағишлаган ўнлаб шеърларида бутун борлигини совет халқи ва Коммунистик партия ишига, унинг идеаллари учун сарфлаган, совет шоири деган муқаддас номни баланд кўтарган ва шараф билан оқлаган оташин совет шоирининг образини чизади. У Кўклам, Бахт, Шодлик, Олов, қисқаси, гўзал туйғулар куйчиси ва она-Ватан ошиғи тарзида гавдаланади. Улкан шоирни «гўё нон, гўё сув, шеърдай, ёрқин дурдай кўтарган» халқ ва партиянинг меҳрини ифодалаш орқали ҳам шоир сўз санъаткорининг ҳаётдаги ва адабиётимиздаги ўрнини таъкидлайди, унинг ўз инсоний сиймоси, ижодий қиёфаси, автопортрети, ўз фикр-туйғулари, ўз қалбининг ва унда акс этган тарих, замон тарихи, руҳий дунёси ва идеалларини кўрсатди. Бунда шоир ўз шахсий ҳаёти билан ҳам, бадий ижоди билан ҳам бир мақсад, бир ният ва идеал учун курашаётган, сўзи билан иши, ҳаёти, турмуш тарзи ягона илғор ва етук ижодкор сифатида кўринади. У ижодкор тарзида ижодкор дўстига боқиб, «ўлмаган экансан, ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда»; «ҳаётни куйлайман, чекинар алам», «дилда икки ёниқ най, куйлар севги байрамин», деб унинг қўлидан тушган созни ҳам ўз қўлига олиб қўшиб чалишга аҳд қилади ва бунинг уддасидан чиқади. Зулфия бошқа бир шеърда ўз созига мурожаат этиб, «сен тоқ эмас — икки торли соз», дейди. Бу ерда шоира икки нарсага ишора қилмоқда. Бири шуки, у куйлаб улгурмаган бахт ва шодликни («шодлик сўзин айтиб улгурмай», дейди шоира), кўклам ва тонгни, дўстлик ва она-Ватан мадҳини, инсон қалбининг гўзаллигини куйлашни давом эттирди, бу мавзуларнинг янги-янги қирраларини очди, чуқурлаштирди, кенгайтирди...

Иккинчи ишора шуки, Ҳамид Олимжон созида кўтаринки оҳанг — бахтиёрлик, шодлик оҳанги ҳоким

эди, у воқеаликни идрок этиш ва бадий тадқиқ этиш принципи жиҳатидан — воқеликни кўтаринки руҳда қабартириб, гўзалликни охирги даражасига етказиб тасвирлаши; бўёқларининг сержилва ва қуюқлиги жиҳатидан романтик эди. Зулфия услуби, поэтик олами томондан изчил, шафқатсиз реалист, аммо ижодининг мазмуни ва моҳияти, ҳаётбахш пафоси ва чуқур умидбахш руҳида романтика ётади. Зулфия созида мана шу икки хил тор бор. Шоира биз билан қилган суҳбатда «Созимдаги торнинг бири гўё бахт ва шодликни, иккинчиси дард-алам ва қаҳр-ғазабни ифодалаш учун яралгандай. Мени фақат бахт ва шодлик куйчиси деб бўлмайди. Мен юрак ҳаракатининг куйчиси бўлишга интиламан. Юракда эса ҳамма нарса — бахтиёрлик ва шодлик ҳам, ғам-алам ҳам, ўкинч... борингки, тирик инсонга хос барча хилма-хил туйғулар бор...» деганди. Зулфия шеърияти кўп оҳангли, унда зиддиятли ҳаётнинг, сертўлқин замоннинг рангоранг садолари, қалби тубсиз уммон бўлган инсоннинг хилма-хил кечинмалари, туйғулари, ҳолатлари акс этади, таҳлил қилинади. У оламда, воқеликда, одамлар тақдирида юз бераётган воқеаларни, у хоҳ бахтиёрлик, хоҳ гуссалик бўлсин, ҳаммасини ўз бахти ёки фожиаси тарзида қабул қилади, ифодалайди. У тарихни, замон ва ундаги воқеаларни бевосита эмас, балки билвосита — лирик қаҳрамонининг тақдири, кечинмаси ва руҳи орқали кўрсатади. Шоира воқеликни кескин контрастлари, инсон қалбининг ўткир драматик ҳолатлари билан тасвирлар экан, бунда асосий мақсад қилиб ҳаётдаги қаҳрамонликни ва одамларнинг букилмас иродасини улуғлашни қўяди. Худди шу томони билан у улкан шоир Ҳамид Олимжоннинг ҳаётбахш традициялари давомчиси сифатида кўринади.

Биз Ҳамид Олимжон ва Зулфия мавзуидаги баҳсимизни шу жойда тўхтатамиз, улардаги муштарак мотивлар (бахт, дўстлик, Ватан) таҳлилини, қариндош образлар (Ҳ. Олимжонда «олов», «кўклам», Зулфияда «ҳарорат», «тонг» каби), композицион приёмлар ва тасвирий воситалар (Зулфия табиатга мурожаат этиб, уни «Баҳор келди сени сўроқлаб» тарзида жонлантириб туриб шоир образини чизади), руҳий монолог — жавоблар (Зулфия Ҳ. Олимжоннинг «Хаёлингда ўтади

тунлар» шеърига бевосита жавоб тарзида ўнлаб шеър ёзди, шоир билан ички мусохабалар қилди) ёки Зулфия томонидан Ҳамид Олимжон асарларини янада ҳаётга чуқурроқ кириб бориш йўлида қилинаётган ишлар («Зайнаб ва Омон»нинг либреттоси қандай яратилганлиги) ва бошқа қатор масалалар хусусида сўзлашни ҳозирча кейинга қолдирамыз. Чунки бу катта мавзу. Зероки, совет поэзиясининг ёрқин талантларидан бўлмиш Зулфия сочи янграр экан, бу мавзунинг янги-янги қирралари очилади. Ахир шоиранинг ўзи доим унинг «ўғитларига зорлигини» изҳор этиб, шундай дейди:

Бир тингловчи қоламан пзлаб,
Ва орқага тортар юрагим.
Уйғотибми, чорлабми, бўзлаб,
Тоғиб, фикринг келар сўрагим....

1975 йил.

Ёзувчининг ҳаётӣ тажрибаси, дунёқараши, ижтимоӣ-сиёсий сиймоси унинг услубини белғилловчи асосий омилнинг биридир. Манфӣй ва мусбат зарядларнинг учрашишидан электр токи ҳосил бўлганидек, ижодкорнинг ҳаёт, воқеликка қандай муносабатда бўлиши, у билан боғланиш тарзи, уни бадиӣй идрок этиш ва тушунтириш усули туфайли унинг ўзига хос услуби туғилади. Гёте услуб «инсоннинг улугвор интилиши билан тенгдир», «стилни... кўзга кўриниб ва сезилиб турган образлардан англаб оламиз», дейди. Флобер эса «услуб — ҳаёт демакдир» деган тезисни ўртага ташлаганди. Ёзувчи қандай ҳаётӣй тажриба тўплаган бўлса, воқеликнинг қайси томонларига қизиққан бўлса, турмушнинг қайси жиҳатларини чуқур билса, қандай воқеаларни бошидан кечирган ёки қандай тарихий воқеа-ҳодисаларнинг шоҳиди бўлса, қандай одамларни севса ва ҳавас қилса, кимлардан ва нималардан нафратланса, қандай фикр-ғояларнинг шайдоси бўлса ва қандай мақсад-орзулар билан нафас олса, ўз асарларида худди шу нарсалар тўғрисида ёзади. У воқеликка ва ҳаётга ана шу ўзига хос тарзда ёндашиши, идрок этиши ва мақсад-идеалидан келиб чиқиб мавзу, материал танлайди, типлар, характерлар ва конфликтлар тўғрисида ўйлайди, асарининг сюжет йўлларини ва композицион қурилишини шакллантиради, асарнинг ритми, оҳанги, пардасини белгилайди, характерларни ва воқеалар, муҳит, шароитни тасвирлаш йўлларини топади, хуллас, ўзининг мақсад-ғоясини мукаммал ифодалаш учун нима лозим бўлса, шуни қилади, топади, кашф этади. Шундай қилиб, у даврининг, одамларнинг ғоявий-эстетик талаб-эҳтиёжига

жавоб беради. Ижодкорнинг воқеликнинг янги қиррасини бадий кашф этишида, янги характерлар ва янги инсоний муносабатларни, замоннинг бош, илғор тенденциялари ва юксак идеалларини образли ифода-лаш ҳамда буларга китобхонларни ишонтира билиш, мафтун эта билиш усулидан унинг ўзига хос услуги шаклланади.

Машҳур адабиётшунос М. Храпченко айтганидай, услубни «ҳаётни образли ўзлаштириш усули, китобхонларни ишонтириш ва қизиқтириш усули деб белгилаш мумкин»¹. Воқеликка мустақил ёндашмаган, уни ўз нуқтаи назари, ўз мақсад-идеалидан келиб чиқиб бадий тадқиқ этиш усулини қўлламаган ижодкор китобхонга ғоявий-эстетик жиҳатдан таъсир этувчи етук асар ярата олмайди. Ёзувчининг дунёқараши қанча кенг ва чуқур бўлса, унинг ижтимоий-сиёсий сиймоси, шахсияти қанча етук бўлса, мақсад ва идеали улғу бўлса, воқеликка шунчалик чуқур ва мустақил ёндашади, уни ўзига хос тарзда бадий тушунтиради, ўқувчиларни ром қила билади.

Шароф Рашидов ёзувчи сифатида эл орасида танилгандан буён йирик ва талантли давлат арбоби сифатида республикамызда қилинаётган барча улғувор ишлар ва сиёсий-иқтисодий ҳамда маданий соҳада қўлга киритилаётган улкан ютуқларимизнинг ташкилотчиси, иштирокчиси ва гувоҳи бўлиб келмоқда. Халқнинг зўр интилиши, журъати, шижоати ва битмас-туганмас қудратини коммунистик жамиятнинг моддий ва маънавий заминини яратишга сафарбар этишда унинг хизмати ғоят катта бўлмоқда. У ҳаётнинг энг қайноқ марказида, Ғафур Ғулом ибораси-ла айтганда, кўрасида, воқеликнинг қоқ гирдобида турганлиги учун воқеликдаги бош, етакчи тенденцияларни яхши билади, ҳаёт оқими ва йўналишини, унинг эртасини аниқ тасаввур эта олади, халқнинг, одамларимизнинг руҳи, психологияси, характеридаги ўзгаришларни, янгиликларни ва уларнинг орзу-истакларини чуқур ҳис қилади. Шунинг учун ўз асарлари учун мавзу ва материални ҳаётимиздаги улғувор ншлардан, қурилиш-

¹ М. Б. Храпченко. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы, «Советский писатель», М., 1970, стр. 109.

лардан олди, қаҳрамон қилиб халқни, актив ва мардона одамларни танлади, уларнинг улуғвор мақсадлар сари астойдил интилиши ва қаҳрамонона меҳнати, курашини тасвирлади, халқ қудрати ва ғолиблигининг илдиэларини очди, ана шу улуғвор идеаллар сари интилиш ва курашиш жараёнида шаклланаётган янги одамларни меҳр ва муҳаббат билан куйлади.

«Кейинги вақтда,— дейди Шароф Рашидов Ўзбекистон ёзувчиларининг VII съездида сўзлаган нутқида,— ёзувчиларимиз ажойиб социалистик воқеликни акс эттирадиган кўпгина муҳим бадий асарлар яратдилар. Уларда Коммунизм қурувчиларининг, ўзларида юксак идеаллар, олий интилишлар, ахлоқий покизалик ва олижаноб фазилатларни мужассамлаштирган, барча янгиликлар ва илғор нарсаларнинг қизгин ҳимоячилари бўлган замондошларимизнинг ажойиб образлари ёрқин ва яққол кўрсатилган. Совет халқларининг бузилмас дўстлиги ва қардошлиги мавзуга, интернационализм мавзуга бағишланган қатор асарлар майдонга келди». Яна давом этиб санъаткорлар эътиборини асосий насага тортиб, шундай дейди: «Ёзувчилар ва шоирлар, драматурглар ва рассомлар, барча санъат арбоблари учун партия ва халқ амалга ошираётган бағоят улкан ишлар битмас-туганмас илҳом манбаи ҳисобланади. Шундай экан, бизнинг шонли социалистик давримиз солномасини, замондошларимизнинг қаҳрамонона меҳнатлари ҳамда ўй-хаёллари солномасини юксак маҳорат билан, ёрқин ва ишонarli қилиб, санъаткорнинг ўз виждони, ўз халқи олдидаги каттакон масъулияти туйғуси билан яратмоғимиз керак.

Биз сизлар билан, ўртоқлар, ҳар бир киши ўзи фарзанди ҳисобланган мамлакатнинг тақдири учун қаттиқ жавобгар бўлган ажойиб, такрорланмас, айна чоқда, мураккаб даврда яшаб, меҳнат қилмоқдамиз. Агар ҳар бир совет кишиси ўз халқи, ўз жамияти олдида шундай жавобгар экан, ажойиб сўз қуроли ёрдамида инсонни билиш, уни катта ишларни бажаришга отлантириш иқтидорига эга бўлган одамларнинг масъулияти юз ҳисса ортиб кетади.

Ёзувчилар олдида гоётда катта аҳамиятга эга ваэифа — халқимизнинг, янги, коммунистик жамият қурувчи халқимизнинг қаҳрамонона йўлини адабиёт-

да акс эттириш, замондошимиз учун кўпроқ типик бўлган белгиларни бадий образларда ифодалаш, гўзаллик ва романтика билан йўғрилган завқиеб меҳнат жараёнини ёрқин тавсиф қилиб беришдан иборат ва-зифа туради. Унинг беш йиллик ижодкорлари, янги жамиятни барпо этувчилар адабиётга шу куннинг ҳақиқий қаҳрамонлари, юксак гражданлик бурчига, улкан профессионал маҳоратга эга, маънавий бой, мард, ўз партияси, ўз халқига чексиз садоқатли кишилар сифатида киришлари лозим.

Бундай асарларни яратиш учун санъаткор ҳаётни чуқур билиши, халқ билан унинг ажойиб ишлари, ўй-хаёллари, орзу-армонлари билан бир жон, бир тан бўлмоғи даркор. Ўртоқлар, мамлакатимиз ва республикамиз харитасига бир разм солинглари. У қандай тез ўзгаришти! Ватан кенгликларида катта-катта ўзгаришлар жадал суръатлар билан бормоқда. Индустриянинг янги-янги гигантлари, бутун бир шаҳарлар қад кўтармоқда, инсон қўли билан денгизлар, дарёлар барпо этилмоқда, совет қишлоғи қиёфаси ўзгармоқда. Ҳамма ерда жамиятнинг моддий ва маънавий бойлигини яратаётган совет кишисининг жўшқин меҳнати қайнамоқда»¹.

Бу фикр-мулоҳазалар Шароф Рашидовнинг кенг кўламдаги ижтимоий фаолиятдан, бой ижодий тажрибаси ва юксак мақсад-идеалидан келиб чиққан бўлиб, булар бевосита унинг ижодий принциплари, воқеликни кўриш ва идрок этиш тарзи, эстетик мавқе-кредоси ва ўзига хос ижодий услубини белгиловчи нуқталардандир. У доим «халқимизнинг қаҳрамонона йўлини», «гўзаллик ва романтика билан йўғрилган завқиеб меҳнат жараёнини» ва «коммунизм қурувчиларининг, ўзларида юксак идеаллар, олий интилишлар, ахлоқий покизалик ва олижаноб фазилатларни мужассамлаштирган, барча янгиликлар ва илғор нарсаларнинг қизгин ҳимоячилари бўлган замондошларимизнинг ажойиб образларини» тасвирлаш йўлидан боради. Шу ўринда Ромен Ролланнинг қуйидаги ажойиб фикрини келтиришни ва буни Шароф Рашидов шахсияти, ижодига тадбиқ этиш жоиз деб ўйлаймиз:

«Мен доим олдинга қадам ташлаганлар учун ёз-

¹ «Ўзбек тили ва адабиёти», 1976, 4-сон, 7—8-бетлар.

дим, чунки менинг ўзим доим олға юрдим... Ҳаётнинг маъноси ўз-ўзидан маълумки, тўппа-тўғри олға томон ҳаракатдан иборат бўлмаганда, у менинг учун ҳеч нима демак эди»¹.

Даврнинг сиёсий ва эстетик талабларини теран ҳис этган адиб Шароф Рашидов халқ ҳаракати руҳини, унинг қаҳрамонона меҳнати, юксак орзуларини, унинг маънавий дунёсидаги ўзгаришларни куйлади. У диққатини совет кишиларининг ижодий активлиги ва гражданлик туйғусининг ошганлигини, мамлакатимизда коммунизм қурилишидек умумхалқ ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш учун жон-дили билан интилишини ифодалашга қаратди. Ёзувчининг барча асарларининг, айниқса, «Ғолиблар», «Бўрондан кучли»нинг гоёвий, этик ва эстетик маркази халқдир, унинг руҳи, интилиши, меҳнати ва курашидир. «Қудратли тўлқин»да халқ, коллектив, социалистик инсоний муносабатлар шароит ва муҳитни, янги инсонни вояга етказувчи қудратли омил тарзида қўйилади. Ёзувчи ижобий ва салбий персонажларнинг ҳаммасини ижтимоий меҳнатга муносабати нуқтаи назардан баҳолайди, уларнинг кимлигини, психологиясини, руҳиятини, характери ва онгини меҳнат майдонида очади. Асар конфликтни ҳам ҳаётнинг, даврнинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий ва иқтисодий талаб-эҳтиёжларини, халқнинг интилишлари ва мақсад-идеалларини ҳар хил тушунишлари туфайли келиб чиқади ва шу заминда кескинлашади. Шароф Рашидов асарларидаги конфликтнинг асосида гоёвий ва ахлоқий тўқнашувлар, фикрлар, қарашлар ва идеаллар тўқнашуви — курашининг туриши шундан. Ҳатто оилавий конфликтларнинг илдизини ҳам ёзувчи катта ҳаётга — халқ ҳаёти ва меҳнатига жипс боғлайди: Қодировнинг хотини Адолат ёки Тўрахоновнинг аёли Зебининг бахтсизлиги катта ҳаётдан, коллективдан, халқдан ва ижтимоий меҳнатдан ажралиб қолишларида эди. Асарнинг гуманистик пафоси ҳам шундаки, ундаги халқ, коллектив, биринчи навбатда, коммунистлар мўл-кўл нозу неъмат манбаини яратиш учунгина

¹ Ромен Роллан. Собрание сочинений в четырнадцати томах. Т. 13, М., Гослитиздат, 1956, стр. 372.

эмас, балки айни чоқда инсонлар тақдири ва бахти учун актив кураш олиб борадилар. Ёзувчи ўз асарларида ҳаётдаги ва одамлардаги барча ижобий, гўзал, илғор, янги фазилатлар ва жиҳатларни ғоят актив, эҳтирос, меҳр-муҳаббат билан ҳимоя қилади, қолоқликни, турғунликни, пасткашликни, ифлосликни, бир сўз билан айтганда, ёмонликни, ёвузликни очиқданочиқ шафқатсизлик билан фош қилади. Ёзувчи ижодий ва салбий персонажларга бўлган симпатия ва антипатиясини очиқ, бевосита ҳиссий шаклда, лирик пардада изҳор этади. Бу усул унинг романларидаги объектив баён қилиш, тасвирлаш усули билан — воқеа-ҳодисаларни, персонажларнинг хатти-ҳаракати, меҳнати, курашини конкрет кўрсатиш, гавдалантириш усули билан бирикиб, ўзига хос баён қилиш йўли — оҳангини вужудга келтиради. «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли»ни эпик-патетик услубдаги асарлар дейиш мумкин. Асар марказига умумхалқ аҳамиятига эга муҳим масалани, кенг кўламдаги ҳаётий материални, халқ ҳаёти ва курашини кўрсатишнинг қўйилиши уни ҳам эпоея томон тортган, ҳам шу халқ қаҳрамонлигини унинг кўтаринки руҳини ёрқин бўёқларда, кўтаринки пардада, лирик оҳангда куйлашни — патетик нутқни тақозо қилган. Ёзувчи тасвирининг мағиз-мағизига шоирона нутқ, шоирона бўёқ сингиб кетгандай. Табиат тасвирида, оммавий меҳнат манзараси тасвирида, айниқса, Ойқиз, Олимжон, Жўрабоев, Смирнов, Умрзоқ ота, Меҳри ва бошқа ижобий қаҳрамонларнинг фазилатини ёзувчи шундай шоирона эҳтирос билан тасвирлайдики, уларнинг шу фазилатини хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари, меҳнат ва курашлари орқали шундай конкрет, ёрқин кўрсатадики, китобхон уларни севиб қолмасдан иложи йўқ. Бу лирик ва эпик тасвир ўзаро монанд жаранглаб ёзувчининг ғоявий ниятини ифодалашга хизмат этади.

Ушбу мисолга диққат қилайлик:

«...Айниқса, зангор сув тўла ариқчага термилиб, шўх-шўх оқаётган тўлқинларга тикилган ҳолда фикр юритиш, олтин умрнинг ширин-ширин воқеаларини эслаш нақадар яхши! Ойқиз ана шу кичкина ариқчанинг шўх-шўх оқимиغا термилиб, ўзининг ёрқин бахти, севимли ёри ҳақида ўйларди. Ҳампша юзларини сийпа-лаб эркалайдиган тоғ шабадаси остида зумрад тошлари

кўриниб турган зилол сув Ойқизнинг ширин-ширин ўй-ларига ҳамоҳанг бўларди.

...Олтинсой далаларидаги улуг ўзгаришлар учун ҳам бирга-бирга курашардилар. Иккала ёшнинг ҳаёти-ни бахт билан тўлдирган чин севги уларга куч, ишонч ва жасорат бағишларди. Чин севги ер бағридан қайнаб чиқадиған покиза булоққа ўхшайди».

Ёки иккинчи мисол: бунда гап Сувонқул тўғриси-да бормоқда.

«У кўйлаксив эди, офтобда чиниқиб пишган бада-ни тер билан ялтирарди. Мушак гўштлари эса, бронза-дан қуйилгандек кўринади. Директор унинг пўлат-дек қаттиқ ва қудратли елкасига уриб самимий кулди».

Биринчи мисолда масалага шоирона муносабати — ҳиссий тасвир, кўтаринки пардада сўзлаш, муболага-ли образларга мойиллик, биринчи ўринда кечинмани, ҳолатни ифодалашга интилиш равшан кўриниб туриб-ди. Унда ҳам, иккинчи мисолда ҳам ёзувчининг ўз ижобий қаҳрамонларига бўлган чексиз меҳр-муҳаб-бати жўш уриб турибди. Мана, ёзувчи Юсуфийни қан-дай қаҳр ва нафрат билан тасвирлайди:

«У теракдай новча эди. Қарашлари эса, қандайдир бепарво, маъносиз ва совуқ кўринарди. Бунинг устига, юзлари ориқ ва чўзиқ бўлиб, бурнининг устига илиб қўйган катта кўзойнаги башарасини тўсиб турарди. Унинг юпқа ва қонсиз лаби кулгини билмасди. Ҳами-ша чўткани эслатувчи типпа-тик ва ўжар сочлари кулранг-сарғиш бўлиб, чанг-тўзон билан қоплангандай кўринарди. Юсуфий шунча ориқ эдики, эгнидаги кул-ранг пиджаги қовун полизидаги қўриқчига илинган латтадай туюларди. Ингичка ва узун оёқлари этиги-нинг қўнжида жувознинг ўқидай айланиб турарди. Бир қарашда унинг ёшини ҳам, касбини ҳам, нималар тўғрисида ўйлаётганини ҳам билиб бўлмасди». Ёзувчи унинг портретини изчил чизиб боради: «У таклифни кутмасданоқ ошга ташланди ва лўнда-лўнда қилиб оғзига тиқди».

Бу мисолларда бирорта холис ва ҳиссий образ, де-таль ёки сўз йўқ, Юсуфийнинг ташқи портрети унинг қашшоқ ва ифлос маънавий дунёсининг бир кўзгуси-дек намоиш қилинади, ёзувчининг ҳар бир сўзидан унга бўлган қаҳр-нафрати бўртиб туради, ўткир най-

задек унга санчилиб туради. Фарчанд ёзувчи Юсуфийнинг ярамаслигини унинг Ойқиз тўғрисида уюштирган тухматлари, барча қилмиш-қидирмишларидан ёрқин кўрсатган бўлса-да, юқоридагидек ўткир «субъектив» тасвири орқали китобхонда унга нисбатан аниқ муносабат ҳосил қилиб қўяди. Ўқувчи кейин Юсуфийнинг ҳийла-найранглари кўргач, аввалги баҳонинг нақадар ҳаққонийлигига яна бир бор қойил қолади.

Унинг устига ижобий қаҳрамонларнинг Юсуфий тўғрисидаги қарашлари, баҳолари ҳам ёзувчиники билан ҳамоҳанг. Олимжон ҳам, Ойқиз, Смирнов ва Муротали ҳам унга бир хил салбий баҳо беришади: Погодин уни «ҳосиятсиз одам», деса, Ойқиз «Газета ходими эмас, терговчига ўхшайди», дейди. Умуман «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» асарларида автор позицияси билан ижобий қаҳрамонлар позицияси, улар овози жипс қўшилиб кетган. Автор овозида халқнинг фикри, нуқтаи назари, персонажлар нутқида автор овози доим иштирок этади.

Қуйидаги парчада ҳақиқатан ҳам қаҳрамонлар кечинмаси, ҳолати, кайфияти бирлашиб кетгандай: подинлар ўзлари ҳал қилган улуғвор ишларга назар ташлашар экан, беҳад қувонадилар, қонуний ғурурланадилар, инсон қудратининг ва иродасининг чексизлигига қойил қоладилар: бу нуқтаи назар айтиш чоғида ёзувчининг шахсий туйғуси, нуқтаи назари тарзида ҳам янграйди. Муаллиф на «қаҳрамонлар ўйлади», «дилидан ўтказди» деган жумла — изоҳ беради, на бевосита ўз тилидан айтаётганини таъкидлайди. У шундай бир шакл ва оҳангда сўзлайдики, автор билан персонажлар бирлашиб — хор бўлиб сўзлаётгандек туюлади:

«Мана энди уларнинг олдида умр бўйи биринчи марта ҳайдалган ва экилган ерлар, биринчи марта одамзод қўли билан парвариш қилинган ва ардоқланган ерлар ястаниб ётибди. Модомики шундай экан, инсон ўзи билан, одам боласи билан фахрланмай бўладими? Инсон деган сўзнинг мағрур жаранглаши шундан эмасми? Ҳақиқат бу!

Ҳа, энди бу ерларни қадимий ерлар деб бўлмайди. Энди у инсон иродаси билан асрий уйқусидан уйғонган, биринчи бор ҳайдалиб танасига шабада теккан, бағрига уруғ ташланган, бутун вужуди, ҳусн-жамоли

тубдан ўзгартирилган, қайтадан дунёга келган янги ер бу! Янгидан очилган ер бу! Навқирон ер бу!

Мўъжиза яратилди: ўтзор ва бутазор бўлиб ётган ёввойи ерлар бирданига ҳосилдор ерларга айлантирилди. Яшарди ва гўзал бўлди, энди у баҳорга ўхшайди, келинчакка ўхшайди.

Ахир, бу мўъжиза эмасми? Ахир бу инсон фахри эмасми?» Шундай шоирона тасвирдан кейин, шу оҳанг, шу пардада Погодин: «Эҳ, ажойиб иш бўлдида», дейдики, бу гўё юқоридаги ўйларнинг унинг қалбидан ўтганини ва шу ўй-мулоҳазаларнинг ташқарига отилиб чиққан якунловчи нидосидек кўринади. Жўрабоев, Ойқиз, Олимжонларнинг халқ, партия, инсоннинг бурчи, келажак тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларида авторнинг нуқтаи назари равшан сезилиб туради...

Ижобий қаҳрамонлар билан автор нутқининг яқинлигининг илдизи уларнинг ҳаётга қарашидаги ягоналик — бир хил позицияда туришларига бориб туташади. Ижобий қаҳрамонлар нутқининг автор нутқи каби кўтаринки, ҳатто шоирона оҳангда бўлишининг асоси ҳам худди шу ерда бўлса керак. Олимжон: «Чиройли сўз — киши қалбига ўт ёқади, энг яхши ҳис-туйғулар уйғотади, жасоратга чорлайди», дейди. Романдаги деярли барча ижобий қаҳрамонлар шу принципда сўзлайдилар ва шундай қилиб улар нутқи билан автор нутқи ўртасида яқинлик, оҳангдошлик ҳосил бўлади. Баъзи мисоллар келтирайлик:

«— Мен ҳам ишонаман, Ойқиз. Қийинчиликлар бўлишига кўзим етиб турса ҳам, қаттиқ ишонаман. Ҳаётимиз улуг ва қудратли оқим. Ҳамиша тўлқин уриб оқади. Порлоқ келажак томон қомил ишонч билан сузмоқдамиз. Жанг оловларида чиниққан партиямиз — доно етакчи. Яқинда мен қўриқ очаётган азаматлар билан сўзлашдим. Бу суҳбат кучимга куч, ишончимга ишонч, ғайратимга ғайрат қўшди. Халқимиз доно, меҳнаткаш, садоқатли!..» Бу — Жўрабоев сўзи. Бирор мажлисда ёки тантанали йигинда эмас, балки оддий юзма-юз суҳбатда, ҳатто Ойқиз устидан уюштирилган туҳмат хусусида сўзлашаётган пайтда айтилган.

Ойқизнинг қуйидаги сўзлари эса отасидан жудо бўлгандан кейин кўзларидан ёшлар томиб турган, хижрон изтиробиди ўртаниб турган пайтда айтилган:

«...Халқнинг хотираси мустаҳкам ва олижанобдир. Сиз, дадажон, халқ хотирасида абадий яшайсиз. Қизингиз ҳам сизнинг хотирангизни сира-сира унутмайди ва бир умр сизга муносиб бўлишга интилади, сиз умид қилган ва кўролмай кетган неварангизга олижаноб ҳаётингиз тўғрисида бир умр ҳикоя айтади...»

Ҳалимбобонинг дўстлик тўғрисидаги таъриф ва нақлларини эслаб кўрайлик. Ёки Бекбўтанинг: «Сени эсон-омон кўриб турганимдан шодман. Ассалому алайкум, кўнглимнинг чироғи, эй, Кўктоғ чўққиларининг улуғи!» деб Сувонқул билан қилган суҳбати, ҳазилини эслайлик. «Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли»да умумхалқ меҳнати ва зафари, халқнинг кўтаринки ҳолати ва романтик кайфияти, юксак идеаллар сари парвози тасвирланади, бу асарлардаги шоирона, патетик руҳ ва оҳангни юзага чиқарган асос худди шу ерда. Уларда лирик чекинишнинг салмоқли ўрин тутишининг сабаби ҳам шу ерда. Ёзувчи ўз лирик чекинишларида (бунинг тури хилма-хил) халқ ва унинг қудрати, замондошлари ва партия ҳақидаги, она, дўстлик ва севги тўғрисидаги эзгу фикр-мулоҳазаларини изҳор этади. Совет романчилигида бундай лирик чекинишларнинг ўрин олиш сабабларидан бири бизда китобхон билан ёзувчи ўртасида шаклланиб етган ғоявий, маънавий, руҳий яқинлик, мақсад-идеал бирлигидир. Ёзувчи Л. Соболев ҳақли равишда бундай деганди:

«Гоҳида ёзувчи ўзининг энг яқин дўстлиги лозим топмаган эзгу ниятларини миллионларча тингловчилар олдида очиб ташлайди. Ўйлашимча, автор ва китобхон бир-бири билан энг яқин дўст бўлган совет адабиётимизда ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалашнинг бу шаклини камситиш мумкин эмас».

«Бўрондан кучли», айниқса, «Қудратли тўлқин»да лирик чекинишнинг бошқача тури ҳам учрайди. Бунда ёзувчи ўз қаҳрамонига, персонажга бевосита мурожаат қилади ва унинг руҳий дунёсида, қалбида, онгида юз бераётган ўзгаришлар, тортишувлар, иккиланишлар, жумбоқлар, туманликлар сабабини очади, тушунтиради. «Бўрондан кучли»да йўл-йўлакай қўлланилган бу приём «Қудратли тўлқин»да ёзувчининг композицион принципларидан бирига айланади,

характернинг психологик дунёсини очувчи калитлардан бирига айланади, айни чоқда «Қудратли тўлқин»да ёзувчининг ўз қаҳрамонларини бутунлай холис туриб тасвирлаш йўлидан боришидан келиб чиққан. «Ғолиблар»даги: «Ойқиз, Ойқиз! Майли, сен харсанг-тош устида ўтириб, ширин-ширин ўй-хаёлларга ғарқ бўлганча ҳордиқ чиқаравер. Мен ҳам ишдан қолмай, мухтарам китобхонларимга сенинг қиссангни бирма-бир ҳикоя қилай», деб ўтмишга қайтиши ва уни ҳикоя қилиб бўлиб: «Бизга таниш сўқмоқ» йўл деб воқеани қолган еридан давом этиб кетиши композицион приём, албатта. «Бўрондан кучли»да ёзувчи Ойқиз ва Қодировга мурожаат қилиб сўзлайди. Бунда ёзувчи уларнинг ҳолатини, руҳий изтиробларининг сабабларини очади, ҳаёт қонуниятини тушунтиради. Агар Қодиров тўғрисидаги парчага эътиборни қаратадиган бўлсак, унда Қодировни фожиага олиб келган сабаблар чуқур таҳлил этилади, ёзувчи Қодиров баҳонасида раҳбар, коммунист ва умуман инсоннинг бурчи тўғрисидаги эзгу тилак-орзуларини изҳор этади, қодировчиларга бўлган аччиқ ва кескин нафратини ифода-лайди.

«Ҳозиргача сен бу пайт тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаган эдинг-а, Қодиров. Умумхалқ меҳнати ва галабасини ўзингга ўзлаштириб, шахсан ўзингники қилиб кўрсатардинг. Бу ипинг тасодифий эмас, албатта. Сен ўзингни севиб, ўзингга бино қўярдинг. Билганинг-билган, қилганинг-қилган эди, фақат-фақат ўзингга ишонардинг... Шундан буён ҳам қанча-қанча сувлар оқиб ўтди, турмуш ҳам бир жойда турмай, юксалиш қонунлари йўлидан қанча-қанча илгарилаб кетди. Одамлар ҳам ўзгариб кетдилар, турмушдан орқада қолмаслик учун муттасил ўқиб, ўргандилар. Ҳамиша олға интилиб, таниб бўлмаслик даражада ўсиб-улғайдилар. Сен бўлсанг, кўз олдингда бўлаётган ўсиш, ўзгаришни кўролмай: «Ишга тажриба кўзи билан қараш керак», «менинг тажрибам, менинг хизматим», дея жаврадинг. Сен бир тўтиқуш бўлдинг у аллақачон ёдлаб олинган эски сўзларни такрор қилишдан нарига ўтмадинг. Оқибатда сен турмушдан орқада қолганингни, тажрибаларинг эскириб кетганлигини билмай қолдинг. Шу вақт ичида қаттиқ талабчанлигинг — қуруқ ҳукмронликка, жасоратинг — қўрқоқ-

ликка, ишончинг — шуҳратпарастликка, камтарлигинг — ўзингга бино қўйишликка айланиб кетди. Мана шуларнинг биронтасини ҳам сезмай қолдинг, айтсалар тан олмадинг.

Сен, Қодиров, кимлар билан сирдош, кимлар билан ҳамтовоқ, кимлар билан дўст бўлганингни қайта-қайта ўйлаб кўр! Паноҳингда эркатоё бўлиб кетганлар кимлар? Мана, бирдан-бир таянчинг Алиқул, айбингни фош қилиб, мазах қилганини ўзинг ҳам кўрдинг. Ғафур-чи, Рўзи полвон, мулла Сулаймон-чи — ҳаммалари паноҳингда жон сақлаб семирдилар. Ахир, буларнинг ҳаммаси текинхўр, ўғри, ишёқмас, савдогар — колхоз танига ёпишган зулук эмасми? Буларнинг ҳаммаси хушомадгўйлик қилиб, мақтаган сари талтайиб: «Олтинсойни Олтинсой қилган ўзим, халқ елкасига кўтаради», дея жар солдинг. Ҳамиша қўйинингни пуч ёнгоқ билан тўлғазган, ширин ва ёлгон сўзлар билан маст қилганлар кимлар? Ўғрилар, туҳматчи, хушомадгўйлар эмасми? Мансаб отининг раислик эгарида талтайган пайтларингда оёгингни ялашга тайёр турган кимлар? Бўрилар ва тулкилар эмасми?

Ҳар ҳолда сен ўшаларсиз ҳам туrolмас эдинг! Улар тилёғламалик қилиб, мақтовингни жойига қўядилар. Бор фазилатингни кўкларга кўтариб, йўқ фазилатларингни ўзлари қўшиб мақтовга киритишганларида, ёгдай эриб туравердинг. Ўзингга зеб берганинг шу даражага етиб борардики, измингдан ташқари сув ҳам оқмаса, шамол ҳам турмаса...

Шунинг учун ҳам қўриқ очишни таклиф қилганларида, иззат-нафсингга тегиб, ҳасад ўтинг аланга олди. Атрофингни ўраб олган ва мақтовингни тўтиқушдек ёдлаб олган кишилардан бирор марта бўлса ҳам шубҳа қилдингми? Ахир, сен улар билан қизгин иш жараёнида эмас, фақат зиёфатлардагина учрашар эдинг-ку! Наҳотки Олтинсойнинг энг яхши кишилари шулар бўлса! Наҳотки меҳнаткаш билан ишёқмасни, ўғри билан тўғрини, дўст билан душманни ажрата олмасанг. Йўқ, раис, кўп нарсаларга фаросатинг етмаса ҳам, ўғри ким, тўғри кимлигини билардинг. Билардингу мақтовларга маст бўлиб, ҳақиқатдан кўз юмардинг!..

...Йўқ, раис, ҳали ҳам қилмишларингга тушунганинг йўқ, мана ҳозир ҳам тузалиш тўғрисида эмас, фақат ўзингни асраш тўғрисида ўйлаяпсан. Партия

билетини сақлаш учун партия бурчи ва партия шарафидан ҳам кечмоқчисан! Фақат ана шу кир мақсадга етиш ниятида Алиқул билан фикран бўлса ҳам, битим туздинг. Демак чин мақсадинг партияга хизмат қилиш эмас, балки партия сафида бўлишгина экан. Бу қалтис йўл эканлигини биласанми, Қодиров? Сен танлаган йўл коммунистга ёт йўлдир!

...Мана, кўриниб турибдики, раис, Умрзоқова ва унинг дўстлари ҳақ эканлигига ҳали ҳам ишонгинг келмайди. Ахир, нима учун улар ана шундай мураккаб ва дадил ишни қўрқмай кўтардилар, чунки халққа ишониб халқ учун яшайдилар. Мана, халқ кучига ишонганлар қанчалик оғир ишга журъат қилган бўлсалар ҳам, ғалаба қозонганларини ўз кўзинг билан кўриб турибсан. Энди сен: «Адашдик, қалтис ишдан қўрққанмиз», дейсан! Эсингга ол-чи, Қодиров, нима учун адашдинг? Нима учун қўрқдинг? Шунинг учунки, Қодиров, сен мансабдан тушиб қолишдан қўрқдинг. Шундай қилиб, сен халққа ҳам ишонмадинг, халқнинг куч-қудратига, донолигига, узоқни кўра олишига ҳам ишонмадинг. Сиёсий кўр эканлигинг шу-да, Қодиров!

Агар сен ўзингга зеб беришдан қайтмас экансан, айбингни қоралаш учун жасорат тополмас экансан, партия ҳақиқатига тушунмас экансан, халқдан ҳам, партиядан ҳам ажралиб қоласан! Турмушда ёлғизликдан ҳам оғир фожиа борми?»

Икки романда ёзувчи Қодировнинг босиб ўтган йўли ва аччиқ тақдири орқали унинг фожиасининг илдизларини чуқур бадий таҳлил этганди. Муаллиф ҳаётда қодировчиларнинг мутлақо тезроқ тугаб кетишини ва мутлақо бўлмаслигини жуда-жуда хоҳлайди. Шунинг учун асар охирида Қодиров фожиасини сабоқ қилиб туриб, уни баҳона қилиб туриб, шу типдаги одамлар тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини эҳтирос билан изҳор этади. Қодиров образига юклатилган ғоявий, эстетик ва маърифий маъно ҳам шу ерда. Ёзувчининг ўз лирик чекинишида Қодиров хусусида айтган бу фикр-мулоҳазалари Жўрабоевнинг Қодировнинг юзига қараб айтган ўткир, шафқатсиз танбеҳлари, кескин танқидларига жуда ҳамоҳанг. Бу нарса ҳам асардаги ижобий қаҳрамонлар билан автор позициясининг бир хиллигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ёзувчи асарларидаги лиризм, психологик чуқурлик унинг персонажларига хос бўлган чуқур интеллектуалликдир (бу фазилат автор нутқига ҳам хос). Улар фикрловчи, ўйловчи, мушоҳада юритувчи одамлардир. Бу ўйлар, фикрий тортишувлар, ички кечинмалар умумхалқ олдида турган муҳим масалалар, вазифалар туфайли келиб чиқади, шунинг учун ҳам ёзувчи ўз диққатини персонажларнинг ижтимоий меҳнат жараёнидаги психологик ҳолатини, руҳий коллизияларини таҳлил этишга қаратади (Бу йўл «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» асарлари учун хос). «Қудратли тўлқин» асарида эса қаҳрамоннинг психологик жараёнини очишга диққат этади.

Асардаги персонажлар жиддий ишларни бошлаш олдидан, шу ишга киришган пайтларда ёки унинг натижаси билан боғлиқ келиб чиққан ҳар хил вазиятларда чуқур ўй-мушоҳада қилади. Ойқизнинг Олимжонга бўлган оташин муҳаббатини, булоқ очиш орзусини, масалани бюрога қўйиш олдидаги ҳолатини, хатога йўл қўйган пайтдаги изтиробларини, унинг устидан туҳмат уюштирилгандаги ёки отасидан жудо бўлгандаги аҳволини, шунингдек, Умрзоқ отанинг қизи бошлаётган катта ишни ўйлаб қанчалик ташвишланиши, Муроталининг Каримга ва Ойқизга муносабатидаги руҳий ҳолатлари, кечинмалари ва Қодировнинг биринчи бюродан кейинги кайфияти, айниқса пешанаси деворга тақ этиб тегиб, кўзи очила бошлагандаги аҳволи—буларнинг ҳаммасини ифодалашда ёзувчи ички монолог турларидан усталик билан фойдаланади. Қодиров бюрода сўзи ўтмай уйига кетар экан, аламидан ўзини қўйгани жой топмайди. Ёзувчи унинг ҳолатини юриши, қўл ҳаракатлари, юзидаги ўзгаришлари, мимикаси орқали ҳам чизади. Айни чоқда унинг шу хатти-ҳаракатининг мантиқий давоми сифатида ўз-ўзи билан сўзлашишини беради. У узук-узук сўзлайди, ўшқиради, саволлар беради, сўкинади... У шу «ўзини оқлайдиган ўй-хаёл оқимидан қаёқларга оқиб боришини билмай» кетар экан, энди овозини чиқариб сўзлайди, муҳолифлари билан юзма-юз уришаётгандек гапиради. Мажлис кескин мунозара билан ўтади, шунинг учун ёзувчи персонажларнинг у ердаги ҳолатини—нутқи, овози, ўша даврдаги сўзлаш ва ўзини тутиш тарзини тасвирлаш орқали ёритади, аммо

руҳий кечинмасини чуқур таҳлил этишни атайин кейинга қолдиради, чунки мажлис ритми у даврдаги драматик ҳолат, вазият шуни талаб қилади.

Ёзувчи персонажларнинг суҳбатлашаётган ёки мунозара қилаётган пайтдаги уларнинг қалбида, онгида юз бераётган ҳолатини, ташқарига чиқармай ўйлаб турган гапларини ҳам беради. Бу приём ҳам характерларни ва уларнинг психологик ҳолатини очишда жуда қўл келади. Жўрабоев билан Қодиров колхознинг келажаги тўғрисида баҳс қилиб ўтиришар экан, Жўрабоев раиснинг ҳозирги ҳолатидаги товланишларини кўриб ҳайрон қолади. У Қодиров билан суҳбатни давом эттирган ҳолда ичида: «Ажабо!.. Бу нимаси, унга нима бўлди?..» деб ўйлай бошлайди. Бу шунчаки ўй бўлмасдан, райком секретари Қодиров тақдири тўғрисида бир қарорга келади ва уни «тамомила сафдан чиқиб кетмаганини» назарда тутиб раисликда қолсин, деган ички хулосани чиқаради, шу мақсадда уни аввалги пардада жиддий танқид қилишда давом этади.

Ёзувчи персонажларнинг ўй-хаёл, онг оқимини уларнинг ички монологи орқали кўчирма гап тарзида бевосита ҳам беради, аynи чоқда автор сўзи орқали билвосита ҳам ифодалайди. Сўнггиси анча мураккаб усул бўлиб, ёзувчи ўз тилидан, аммо персонаж нуқтаи назаридан ва унинг сўзлаш, фикрлаш тарзида, унинг оҳангида гапиради. Мана, Ойқиз ўзи тўғрисидаги туҳмат мақолани ўқигандан кейин қандай ўйлайди:

«Бу, қўққисдан урилган ханжар эди. Ойқиз ханжар тўғрисида ўйларкан, Погодиннинг сўзлари эсига тушиб кетди. Погодин биринчи учрашувдаёқ мухбирни: «Хосиятсиз одам, эҳтиёт бўлиш лозим», деган эди. Демак, МТС директори ҳақ, турмушнинг ҳамма икирчикирларини билади, одамларни танийди, қалбидаги ўйини кўзидан кўради. Ойқиз бўлса-чи, ёш, тажрибасиз, ҳар кимга ҳам ишона берадиган қиз. Ҳар ҳолда, Ойқиз ҳақ, ишонмасдан иш битармиди? Ҳаётнинг қонуни одамларга ишониш эмасми? Фақат сезгирлик зарур, ишонч ва сезгирлик зарур!»

Ёзувчи романларидаги лиризмнинг чуқурлашуви-га ёрдам берган ҳолатлардан яна бири ҳаётий-фалсафий мушоҳадалар заминига қурилган актив дидактик йўналишнинг мавжудлигидир. Шарқ адабиёти ва фолькларида гоят кучли бўлган бу фазилат ўзбек

романчилиги ҳужайрасига ҳам сингиб кетган. Умрзоқ ота, Ҳалимбобо, Муротали образларида шу фазилатни сезиш мумкин. Улар хатти-ҳаракати, ишлари, фикрлашларида халқнинг кўп йиллик ҳаётий тажрибаси акс этган. Ёзувчи «Ғолиблар»нинг охирида Қодировни шу қариялар билан юзма-юз қилиб қўйиши бежиз эмас. Ёки Жўрабоевнинг теран мушоҳадалари, порлоқ эрта тўғрисидаги орзулари ҳаётий, фалсафий мантиқининг кучлилиги билан таъсирли.

Шароф Рашидовнинг повестлари ва барча романларида табиат образи актив иштирок этади. Табиатни куйлаш — лириканинг вазифаларидан бири. «Кашмир қўшиғи», «Икки дил достони» каби шартли усулда ёзилган асарлар у ёқда турсин, «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» ва «Қудратли тўлқин»да ҳам табиат образи марказий ўринлардан бирини эгаллайди. «Ғолиблар» билан «Бўрондан кучли»да табиат ва халқ масаласи туради, шунинг учун ҳам асар воқеаси табиат қўйнида юз беради, қаҳрамонлар табиатни бўйсундириш учун кураш жараёнида кўрсатилади. Вуларда табиат айнан, реалистик кўринишида ҳам, жонлантирилган тарзда ҳам тасвирланади: халқнинг бўрон хуружи билан олишиши худди янгиликка қарши турган Қодировлар билан олишилганидек ғоят кескин, ҳаёт-мамонт кураши тарзида бўлади. Бу ҳолатлар ёзувчи тасвирида лирик оҳанг, драматизм, романтик бўёқнинг актив иштирок этишичи тақозо қилган.

Шароф Рашидов дилогиясини эпик-патетик йўналишга солган омиллар юқоридагиларнинг ўзигина эмас. Воқеа бўлиб ўтган замон ва макон кўлами, характерларнинг ёритилиш принциплари ва воқеани баён қилиш йўлларида бу фазилат сезилиб туради. Адиб романларида вақт чегараси катта эмас, баъзи романлардаги каби ўн-ўн беш ёки эллик, юз йиллик вақт ичидаги воқеани олмайди, дилогия ва «Қудратли тўлқин»да ҳам вақт ҳажми қисқа. Лекин муаллиф маълум даражада ихчам вақтнинг ичида халқ, одамлар ҳаёти ва тақдирида, улар характери ва психологиясида юз берган ўзгаришларни чуқур таҳлил этади, вақтнинг қиммати, мазмундорлигини шу қаҳрамонлар тақдири орқали очади, умуман вақт билан инсон тақдири ўзаро боғлиқликда талқин қилинади (бу айниқса «Қудратли тўлқин»да Пўлат характерининг шаклла-

ниш жараёнида якқол кўринади). Шароф Рашидов романларига хос бўлган муҳим фазилатлардан бири ҳам ёзувчининг характерларни шу бугунги ҳаёти, фаолияти, хатти-ҳаракати, кураши, меҳнати орқали, шу бугунги руҳий аҳволи, кечинмаси орқали кўрсатиш йўлидан боришидир. Булар шаклланган ёки шаклланивчи характерлар бўладими, бундан қатъи назар уларнинг ўтмишига деярли мурожаат этмасдан, шу бугунги иши орқали кўрсатишни маъқул кўради. Асарга кириб келган ҳар бир қаҳрамонни таърифлаш учун воқеани атайин тўхтатиб қўйиб, персонаж тарихига экскурсия қилишга, шу мақсадда эпизодлар, сахналар беришга қизиқмайди. Тўғри, айрим образларга бир оз тарихий справка берилади (масалан, Алиқул, Назокат ёки Жўрабоев, Тўрахонов тўғрисида), лекин булар ҳикоя ёки эпизод тарзидаги лавҳа эмас, балки шунчаки хотирлаш, маълумот бериш, холос. Сўнгра «Ғолиблар»нинг бошланишидаги орқага қайтиш композицион приём бўлиб, тарихга экскурсия қилиш приёми билан алоқаси йўқ унинг. Ҳатто ёзувчи Қодировдек асарнинг марказида турган образларни ҳам ўтмишисиз, яъни шу бугунги ҳаёти орқали ёрқин гавдалантира олади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, персонажнинг бугунги ҳаёти ва фаолияти орқали ўтмишни, босиб ўтган катта йўлини ҳам ифодалай олади, бугунда ўтмишнинг аниқ муҳрини кўрсата олади, бугунги қилмиш-қидирмиши, бугунги даражаси ва ҳолати ўтмишининг натижаси туфайли эканлигини акс эттира олади. У ижобий қаҳрамонларини ҳам, салбий персонажларини ҳам, мураккаб образларини ҳам бугунги фаолияти, эртаги интилиши билан баҳолайди. Дарвоқе ёзувчининг барча ижобий қаҳрамонлари, улар хоҳ ёшлар, хоҳ кексалар ёки каттароқ ёшдагилар бўлсин, ҳаммаси олдинга интилган, келажакка талпинган, улугвор орзулар сари парвоз қилаётган одамлардир. Ёзувчи характерларнинг бугунини кўрсатиш принципини қўллаш йўлидан боришида бир-бири билан узғий боғлиқ бўлган икки ижодий ютуққа эришади: биринчидан, уларни фаолият, меҳнат, кураш, ҳаракат майдонида кўрсатади, зотан бусиз на тайёр характерни очиш, намоён қилиш мумкин, на шаклланивчи характерни кўрсатиш мумкин эмас. Иккинчидан, ёзувчи характерларнинг руҳий дунёси, ке-

чинмаси, психологик ҳолатини теран кузатиб ва чизиб бориш имкониятига эга бўлади. Шароф Рашидов асарларида ҳаракатнинг икки типи — персонажларнинг актив хатти-ҳаракатини ва ўзаро муносабатида юз берувчи кескин ўзгаришларни кўрсатувчи ташқи динамика ва шулар туфайли уларнинг психологик ҳолатида содир бўлган ҳар хил силжишлар, товлапишларни ифодаловчи ички динамиканинг узвий бирикиб кетишининг боиси шундан. Ёзувчининг қиссаларида ҳам, романларида ҳам воқеавийлик — ҳаракат, интилин, меҳнат ва кураш кучли. Бу, албатта ёзувчи қаҳрамонларининг активлиги, курашчанлиги ва романтиклигини кўрсатади. Қаҳрамонларнинг активлиги улар қилаётган ишнинг улуғворлиги билан ҳам боғлиқ. «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» ва «Қудратли тўлқин»да воқеа бўлаётган, қаҳрамонлар, персонажлар ҳаракат қилаётган майдон, демак, макон кенг, катта. «Ғолиблар»да ва «Қудратли тўлқин»да фронт ва мамлакат ичкараси, демак умумхалқ курашининг кенг майдони қамраб олинади. «Бўрондан кучли»да ҳам шундай. Бу ўз-ўзидан улардаги эпик кўламли келтириб чиқарган. Ёзувчи шу умумхалқ фаолиятини ва шу жараёнда характерларнинг қалб қаърида юз бераётган ҳолатларни эпик қамров ва шоирона нигоҳ билан кўрсата олади.

«Ғолиблар» ва «Бўрондан кучли»да қатнашувчи персонажларнинг сони ҳам кўп. Унда умумхалқ кураши ва шу жараёндаги одамларнинг характери, психологияси, руҳиятидаги ўзгаришларни кўрсатиш турганлиги учун колхоз раҳбарлари, партия активлари, колхозчи ёшлар, инженерлар ва райком секретари ҳамда район ижроия комитети раиси, ҳатто обком секретарларигача воқеа доирасига тортилган. Шундан келиб чиқиб, ёзувчи характерларни кўрсатишнинг хилма-хил усуллари қўллайди: энг аввало, ёзувчи иштирок этувчиларнинг ҳаммасини умумхалқ иши билан муносабатга киритади ва шу фаолияти орқали кимлигини намойиш қилади. Ёзувчи персонажларни бир-бирининг тасаввури, баҳоси, характеристикаси орқали тасвирлаш — таърифлаш приёмидан ҳам ўринли фойдаланади. Бунда ижобий қаҳрамонларни ижобий қаҳрамонлар тасаввури ва нуқтаи назаридан таърифлаш ҳам бор (масалан, Жўрабоев Ойқиз тўғрисида, Олимжон Жўрабоев ҳақида, Ойқиз Олимжон хусусида

сўзлайди), салбий персонажлар ижобий қаҳрамонлар тўғрисида баҳо беради (Ғафур ёки Султоновнинг Ойқиз тўғрисидаги фикрлари) ёки аксинча, ижобий қаҳрамонлар салбий образ устидан ўз ҳукмларини чиқарадилар. Булар ёзувчининг характеристикасига қўшилиб, бирор образни тўла ва ёрқин гавдалантириш имконини беради, тасвирда ўз-ўзидан ранг-баранглик ҳосил қилади. Бундай сербўёқликка интилиш персонажларнинг ички ва ташқи портретини чизишда ҳам кўринади. Ёзувчи ташқи қиёфаси, кийим-кечаги, юриши, турмуш тарзи, маънавий дунёсига мос тушган персонажларни ҳам беради (Ойқиз, Олимжон, Умрзоқ, ота, Жўрабоев ёки Қодиров, мухбир), шунингдек, ташқи ҳусн-жамоли ва кийиниш, яшаш тарзи маънавий дунёсига зид бўлган персонажларни кўрсатади. Бу кейинги контрастли принципда образ яратиш усули мураккаб бўлиб, ёзувчидан катта маҳорат талаб қилади. «Бўрондан кучли»даги Султонов ва «Қудратли тўлқин»даги Тўрахоновлар ана шундай йўл билан яратилган характерлардир. Ёзувчи улар характерининг мантиқидан, уларнинг маънавий дунёсидан келиб чиқиб уларни усти ялтироқ, ичи қалтироқ қилиб тасвирлайди. Улар яхши кийинади, чиройли нарсаларни, гулларни севишади, тартибни ёқтиришади, ўзлари сўзга чечан, хушмуомаласи, хушсўзлиги ва ҳатто ишчанлиги (Тўрахонов) билан шуҳрат қозонган, лекин булар шуҳратпарастлик, амалпарастлик, тўралик ва эгоистик хислатларининг юзига тортилган шунчаки ниқоб эди. Бу икки типни бир-бирига яқинлаштирган ва уларнинг маълум вақт одамлар устидан раҳбарлик қилиб туришларига эриштирган нарса худди шу ердадир.

Ижодкор материалнинг, мавзунинг табиатига қараб ва гоёвий ниятидан келиб чиқиб ҳар бир асарида ўзгача тасвирий принципни қўллаши мумкин. Ёзувчининг услуги доим ўсиб, ривожланиб боради, айти чоқда ҳаётий материалнинг табиати ижодкордан қулай ифода шаклини ишлатишни, топишни талаб қилади. Шароф Рашидов «Кашмир қўшиги» ва «Икки дил достони»да бадиий шартлилик принципига мурожаат этган бўлса, дилогияси — «Ғолиблар», «Бўрондан кучли»да ўз гоёвий ниятини эпик-патетик усулда ифодалайди. «Қудратли тўлқин»ни ижтимоий-психологик роман дейиш мумкин. «Бўрондан кучли»даги воқеа чизиғи-

нинг асосида халқнинг меҳнат жараёнидаги ўсиши, одамларнинг ўзаро муносабатлари ва интилишлари, тўқнашув ва курашлари турса, «Қудратли тўлқин»даги воқеа чизиғини бош қаҳрамон ҳаётининг тарихи ташкил қилади. Ёзувчининг диққат марказида характернинг шаклланиш жараёнини ёритиш туради, унинг ўз нияти, идеалига эришиш учун интилиши ва курашидаги руҳий, психологик ҳолатларни таҳлил этиш туради. Ёзувчини Пўлатнинг ўз мақсадига етиб боргандан кейинги ҳаёти ёки ҳолати эмас, балки ўша мақсадига қандай етиб боргани, жисмоний заифлиги — касалини ва Тўрахонов каби «ташқи» ғовларни қандай енгиб, ҳаёт қозонида қандай тобланиш жараёнини кўрсатиш қизиқтиради. Зотан Пўлатга мадад, куч ва илҳом берган нарсаси, уни иродали ва чидамли қилган нарсаси унинг ижтимоий ҳаётдан ўз ўрнини топишга, умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшишга, она-Ватани олдидаги фарзандлик бурчини оқлашга чин юракдан интилишидир. Пўлат актив, принципиал, эътиқодли, эҳтиросли ва айниқса кучли характерли қаҳрамон. Социалистик ҳаёт тарзи, меҳрибон коллектив, тоза муҳит Пўлатдаги қобилият ва талантнинг ривожланишига, шундай қилиб унинг интилиши ва парвозига кўмак беради. «Қудратли тўлқин»да ёзувчи ўзини жуда холис тутати: қаҳрамоннинг шароит, вазият билан тўқнашув ва курашини ҳамда шу жараёндаги кечинмаси, руҳий изтироблари, ички коллизияларини изчил равишда изма-из теран тасвирлаб боради. Қаҳрамон чуқур ўйлайди, фикрлайди, ўз-ўзи билан баҳс қилади, ўзини ўзи анализ қилади. У кам гапириб, кўп ҳаракат қилади, изланади, ўз-ўзи билан курашади. «Ғолиблар», «Бўрондан кучли»да саҳнавий ҳаракат, диалогик нутқ вазни ортиқ, чунки унинг марказида халқ, коллектив ва унинг ҳаёти, меҳнати, тақдири турарди. «Қудратли тўлқин»да ёзувчи диққати асосан Пўлат, Баҳор, Тўрахоновни, биринчи навбатда, Пўлатнинг тақдирини ёритишга қаратилган, бу романда автор қаҳрамоннинг, характерларининг ички дунёсига қараб чуқур кириб боради, замонни, давр белгисини шу характерлар тақдири орқали ифодалайди. М. Горький бир ёзувчига юборган мактубида шундай дейди:

«Сиз, ҳар ҳолда унинг (қаҳрамон — С. М.) кўзи билан қарашингиз керак. Унга нима лозим бўлса,

шуни орзу этиш ва тасаввур қилиш учун тўла эркинлик беринг. Агар сиз ўз қарашларингизни унинг қулоғига қуйиб турсангиз, унда қаҳрамон эмас, балки сиз гавдаланасиз».

Чиндан ҳам Пўлат, Баҳор, Тўрахонов мана шуидай ўз эрклари, ўз характерларининг мантиқи бўйича ҳаракат қиладилар, ҳаётга, одамларга ўз кўзлари билан қарайдилар, уларнинг ўз нуқтаи назарлари, қарашлари бор. Дарвоқе, Пўлат билан Тўрахоновнинг ўртасидаги конфликтни кескинлаштирган асосий омил ҳам улардаги худди мана шу фазилатдир.

Бу романда ички монологнинг мураккаб тури кўп қўллакилади: ёзувчи учинчи шахсда — ўз нутқида қаҳрамони номидан сўзлайди, ўйлайди, баҳс қилади, дилидаги фикрлар курашини, иккиланишларни тўла ва таъсирли беради. Айни чоқда, шу руҳий ҳолат, кечинма натижасида ҳаракат келиб чиқади, қаҳрамон изланади ва олдинга қадам босади, ўз ўрнида мана бу янги ҳаракати унда янги психологик ҳолатни келтириб чиқаради. Мана, Пўлат, ўнинчини битириб фронтга бориб, фашизмга қарши дадаси билан ёнма-ён туриб жанг қилмоқчи эди, шу иштиёқ билан ҳаёли банд эди. Комиссияда уни касаллиги учун яроқсиз топишди. Энди у чуқур изтиробга тушади, ўйлайди, йўл қидиради. Ғалаба ГЭСи қурилишига боришга жазм қилади, буни «менинг бурчим, олий орзуим — дил чақирғим», деб ўйлайди. Н. Островскийни, унинг қаҳрамони Павел Корчагинни эслайди. Қурилишга борувчиларнинг раҳбари Тўрахоновнинг ҳузурига бориб, бирга боришга рухсат сўрайди. У буни Баҳорнинг орқасидан бориб менга халақит бермасин, деган мақсадда касаллигини баҳона қилиб боришига йўл қўймайди. Шундан кейин Пўлат яна мушоҳада қилишга тушади. Тўрахоновни, бошқа одамларни ўйлайди. Тўрахоновда «иккиюзламалик», ғаразгўйлик борлигини сезади ва у билан юзма-юз туриб тортишади, сен-менга боради. Бу воқеадан кейин Пўлат яна мушоҳада қилади. Ёзувчи шу тарзда унинг ҳаракати, иштилиши билан руҳий кечинмаси, қалб диалектикасини изчил кузатиб, тереин чизиб боради.

Бу романда «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» да икки ўринда қўлланилган авторнинг қаҳрамон билан юзма-юз туриши, тўғрироғи, авторнинг персонажга муро-

жаати асосий усуллардан бирига кўтарилади. Ёзувчи саккиз-тўққиз ўринда персонажлар ҳаёти, руҳиятида ва тақдирида жиддий ҳолатлар ва кескин бурилишлар юз берганда уларга мурожаат этади. Бунда уларнинг босаётган қадамини, хатти-ҳаракатини таҳлил этади, уларга баҳо беради, ижобий ишларини қўллаб-қувватлайди, ёмонликларини қоралайди (ёзувчи ҳам ижобий қаҳрамонларга, ҳам салбий персонажларга мурожаат этади), ўзининг ёш қаҳрамонларига ҳаётни, одамларни тушунтиради... Лекин ёзувчи воқеа ичида уларнинг эркини бўғмайди, улар характер мантиқига ва вазият тақозоси, истак-хоҳишига қараб, юрак амрига қулоқ солиб ҳаракат қилади. Ёзувчининг уларнинг хатти-ҳаракатидаги ва характеридаги камчиликларни била ва айта туриб, яна уларни ўз эрки бўйича ҳаракат қилдириш усули асардаги объективликни, ҳаётийликни кучайтирган, воқеа баёини қизиқарли, жозибали қилган, асар психологизмини янада чуқурлаштирган.

Мана, ёзувчи Пўлатнинг Тўрахонов тўғрисидаги ўйларини ва мулоҳазаларини эшитгач, унга мурожаат этиб нима дейди:

«Пўлат, нега сен Тўрахоновни бунчалик ёқтирмайсан?.. Ахир уни билмайсан-ку. Сен уни Баҳорга рашк қилаётганинг учун ёмон кўрасан, унга ғазаб билан гапирасан. Онанг шу сўзларингни эшитса эди, биров ҳақида бундай қатъий фикрлар юритишингни сира ҳам маъқулламасди (тўғри, онаси Тўрахоновнинг ўтмишдаги найранглари яхши билса ҳам, Пўлат унинг тўғрисида салбий фикрини айтганда, уни қайириб ташлайди — С. М.).

Эҳтимол, бу ёшлик зийраклиги, ҳалоллик, самимият, ўз юртининг улуг ғояларига битмас-туганмас садоқатдир... Бу покизалик чўққисидан ҳар қандай муғомбирлик ва сохталик яққол кўринаётгандир.

Сени, Пўлат, Тўрахоновга ғаразғўйлик қилсанг ҳам, барибир севаман. Сен ҳали ўзгарасан, ҳис-туйғуларинг камол топади, баъзан ҳаддан ошиб кетсанг ҳам, дилга ёқимлисан, чунки, бу характерингдаги яхшиликдан келиб чиқади ва ана шу асосда ҳақиқий характер тобланади».

Кўриниб турибдики, автор ўз қаҳрамони тўғрисидаги субъектив қарашини изҳор этмоқда, унинг учун Тўрахоновнинг маънавий дунёси, кирдикори беш қўл-

дай маълум бўлса-да, қаҳрамоннга «танбеҳ» бермоқда, айти чоқда Пўлатни шундай фазилатлари бўлса ҳам юракдан севишини айтмоқда, унинг келажагига умид билан қарамоқда. Худди шундай йўсинда роман-да автор образи ҳам шакллана бошлайди.

Бошқа ўринда ёзувчи Пўлатнинг руҳий ҳолатини таҳлил этади, унинг ҳозирги пайтидаги аҳволини, кайфиятини тушунишда унинг ўзига кўмаклашади. Бу ердаги авторнинг лирик чекиниши, қаҳрамон тақдирига аралашини Пўлатнинг ички монологли, онг оқимининг узвий давоми сифатида берилади:

«...Уни кузатгани ҳам бормади. Буларнинг ҳаммаси икки ёш қалб дўстлигини буза оладими, ахир? Бўлмаса Баҳор хат йўллармиди? Нималарни ёзди экан? Ҳозир очиб ўқиёлмаса, туриб кетса, меҳмонларга нисбатан ҳурматсизлик бўлса... Майли, бир оз сабр қилиш керак.

Пўлат фронтдаги синфдош ўтроқларидан ҳам хатлар оларди. Бу хатлар уни қувонтирарди. Аммо, дадасидан ва Баҳордан келган хат Пўлат учун тенгсиз қувонч ва бахт бағишларди. Дадаси-ку, дадаси. Баҳор-чи?.. Демак, Баҳор унга энг яхши, энг яқин дўст. Ҳа, энг яхши дўст!..

Пўлат! Мана ҳозир Баҳор тўғрисида ўйлаб турибсан. Уни сен баҳор авжида бўлган пайтда майсазорда, қалин-қалин очилиб, ер юзини қоплаган лолалар ичида кўряпсан. Унинг оқ шойи кўйлаги кўклам шабада-сида ҳилпирайди. Қоп-қора сочлари нур билан товланади. Нима учун бу воқеаларни эсингга олганда, юрагинг тез-тез уради? Ахир, сен Баҳор билан ана шу майсазорда лола терганингда юрагинг бу қадар урмаган эди-ку!.. Эҳтимол, бунга айрилиқ сабабдир.

...Мана, Пўлат, энди сизларнинг оддий дўстлигингиз, ўзаро муносабатларингиз кўп вақтлар дўстликдан нарига ўтмаган бўлса ҳам, энди чин севгининг нозиклигини ва нуронийлигини касб этдики, эҳтимол ўзингнинг ҳам ишонгинг келмас.

Севги одамларга турли-туман бўлиб келади. Худди сизларникидай ҳам бўлади-ю, болаликда пайдо бўлган. дўстликдан ҳам келиб чиқади. Сизлар ёшликданок ажралмас дўст эдингизлар. Мана энди бу ажойиб камтарин дўстлик гули бошқа ҳис-туйғуларнинг қип-қизил гунчасини чиқарди. Пўлат, ҳозиргача сен Баҳорни

севишини билмай туриб, рашк қила бошладинг. Қиз билан учрашувинг табиий бир ҳол эди ва сизлар ҳам шунга кўникиб қолган эдинглар. Энди-чи? Энди бундай учрашув — узоқ кутилган байрамдир...»

Ёзувчи бошқа ўринда Баҳорга мурожаат қилиб, унинг характеридаги фазилатларни ва унга жумбоқ бўлиб туюлган нарсаларни гапиради, яна Пўлатга мурожаат қилиб, уни рашк ўтидан эҳтиёт бўлишни, муҳаббатни кўз қорачигидай асрашни эслатади. Бошқа ўринда Пўлатнинг характеридаги оловликни, қизиқ-қонликни таърифлаб туриб, сенга ўхшаганлар: «Кўпроқ бўлганда эди, адолатсизлик ҳам, мунофиқлик ҳам оз бўларди», дейди. Яна бир ерда автор Пўлатнинг Баҳор билан Тўрахонов ўртасида кутубхонада бўлиб ўтган воқеанинг аслини билмай, беҳудага куйиб-ёнишини эслатади. Ёзувчи Зеби билан Тўрахоновларга ҳам шу тарзда мурожаат этади.

Кўриниб турибдики, бундай лирик чекинишлар шунчаки композицион приёмлардан бўлмасдан, айтиш чоқда характерларни психологик таҳлил этиш усуллари билан бири ҳамдир. Бу нарсасарлардаги фалсафий-лирик оҳанг ҳам янада кучайтирган. Ёзувчининг барча асарларига хос бўлган таҳлилий йўналишнинг янада бўртиб кўринишига олиб келган.

Шароф Рашидовнинг ўзбек адабиёти, айтишга ўзбек прозасининг, умуман совет романчилигининг ривожига қўшиб келаётган катта ҳиссаси энг аввало унинг асарларининг ғоявий-эстетик йўналиши, жанри ва услубий йўналишида ёрқин кўринади. У ўз қисса ва романларида халқнинг ҳаёти ва тақдирига доир бош, муҳим масалаларни кўтариб чиқади, воқеликдаги янги, илғор тенденциялар ва одамлардаги янги фазилатларни эҳтирос билан ҳимоя этади, тарғиб қилади. Уни энг аввало Ватан ва унинг эртанги кунини тўғрисида қайғурувчи ва унинг учун кураш олиб боровчи актив, ташаббускор қаҳрамонлар қизиқтиради. Шароитни ўзларининг мақсад-идеалларига мослаб қайта қуришга интилан ва коммунистик эртанги кунини яқинлаштиришга ўзларини бахш этган мардона одамлар қизиқтиради. У халқ меҳнати ва жасоратининг куйчисидир. Унинг ижодининг чуқур партиявий ва халқчил, ғоявий ўткир ва ҳаётий бўлишининг илдири шу ерда; воқеликни кенг эпик кўламда ва чуқур

лиро-патетик йўналишда бадиий таҳлил этишининг боиси шу ерда; унинг асарларида қаҳрамонлик, романтик ва драматик пафоснинг жўш уриб туришининг сабаби шундан. Адиб жиддий тарихий жараён билан халқ онгидаги, шахс онги ва характери, психологиясидаги ўзгаришларни, одамларнинг ўзаро муносабатидаги янгиликларни меҳр ва иштиёқ билан тасвирлайди. Социалистик турмуш тарзи таъсирида халқ ва коллектив қўйнида, социалистик меҳнат ва мусаффо, қайноқ муҳит, шароитда шахснинг ҳар томонлама ўсиб, вояга етишини ҳаётий лавҳаларда теран акс эттириб беради. Шу йўл билан социалистик тузумнинг юксак инсонпарварлик моҳиятини очиб беради. Худди мана шулар Шароф Рашидов асарларининг қимматини ва ўзига хос фазилатини белгилайди.

1979 йил.

Машҳур ижодкорларга кўпқирралилик, серфазилатлилик қадимдан муҳим сифат ва ҳусн бўлиб келган. Академик Воҳид Зоҳидов файласуфгина бўлиб қолмай, балки ўзбек адабиёти тарихи ва совет адабиётини ўрганишга, рус ва қардош халқлар ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари билан ўзбек китобхонларини баҳраманд қилишга катта ҳисса қўшган моҳир тадқиқотчи ҳамдир. Ёки ўзбек публицистикасини олайлик. Унга сиёсий-фалсафий йўналишни олиб кирган, бу соҳада изчиллик билан самарали ишлаётган ижодкорлар орасида Воҳид Зоҳидовнинг номи биринчилардан бўлиб эсга келади. Унинг давлат ва жамоат арбоби сифатидаги хизматлари ҳам оз эмас. Унда бу фазилатлар ўзаро узвий боғланган, бири иккинчисини туғдирган.

Воҳид Зоҳидовни файласуф сифатида вояга етказган, унинг ижодига кўпқирралиликни бахш этган куч қайноқ замонамиз, халқимиз ҳаёти ва тақдиридаги улкан ўзгаришлар, бир сўз билан айтганда, социалистик тузумимизнинг шарофатидир.

Воҳид Зоҳидов илмдаги биринчи дадил қадамини очилмаган қўриққа ташлади: у 1935—38-йилларда Москвадаги тарих-фалсафа-адабиёт институтининг аспирантурасида ўқир экан, ҳали ҳеч ким қўл урмаган ва файласуф дейишга журъат этмаган шахсни — Мирза Фатали Охундовни мавзу қилиб олди. Масаланинг оғирлиги унинг улкан файласуф-материалист, маърифатпарвар-демократ ёзувчилигини тан олдиришдагина эмас эди. Кавказ ноибининг бошқармасида таржимон бўлиб ишлаган, «Рус география жамияти Кавказ бўлимининг» аъзоси бўлган, чор ҳукумати орден, медаллари билан мукофотланган ва рус погонини тақ-

қан Мирза Фатали Охундов тўғрисида жиддий фикр юритишдан ҳадиксираш бор эди. Ўз фаолиятида марксизм-ленинизмга қаттиқ амал қилган ёш олим бу «тўсиқлар»га қарамай, озарбайжон халқининг улуг фарзанди адабий меросига биринчи бор кенг ва атрофлича баҳо берди, унинг дунёқарашини синчиклаб текшириб, файласуф-материалист эканлигини исботлади. Воҳид Зоҳидовнинг буржуа олимларининг Шарқ фалсафасига нисбатан тутган нотўғри позициясига қарши зарба беришга уринганлиги худди шу «Мирза Фатали Охундовнинг дунёқараши» ишидан бошланганлиги жуда эътиборлидир. Олим бу илмий иши билан, Шарқ бой фалсафий меросга, фалсафа соҳасида ўткир ҳаётий анъаналарга эга, деган фикрни ҳимоя қилса; иккинчидан, дин, айниқса, Шарқда ислом дини билан илғор фан, материалистик фалсафа ўртасидаги кескин курашни кўрсатишга бел боғлади. Шу асарида Воҳид Зоҳидов, «Шарқда ва жумладан, Озарбайжонда ҳукмрон мафкура — мистик сўфизм билан иттифоқда бўлган дин ва руҳонийлар прогрессив ижтимоий ҳаракатлар билан, дунёга ҳар қандай илмий қарашлар билан, табиат ҳодисаларини илмий асосда баён қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишлар билан қаттиқ кураш олиб борди» деб ёзди. М. Ф. Охундов: «Оз фурсат ўтгандан кейин, ислом халқлари ўртасида янги алфавитнинг ва цивилизациянинг йўлига рахна солган асосий нарсаси — ислом дини билан унинг фанатизми эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Шунинг учун диннинг асосларини қўпориб ташлаш, фанатизмни йўқотиш ва Осиё халқларини уйқудан, жаҳолатдан ва бечоралик аҳволидан уйғотиш учун, мен ислом дунёсини ўзгартириш зарур деб биламан»,— деб ёзганди. Ёш олим М. Ф. Охундовнинг идеализмга, мистик сўфизмга қарши кураш олиб борганини ижтимоий ҳамда ижодий фаолиятини таҳлил қилиш орқали тўғри ёритиб берди.

Воҳид Зоҳидовнинг бу тўғри позицияси 1947 йилда Москвада ВКП(б) Марказий Комитетининг ташаббуси билан Г. Ф. Александровнинг «Ғарбий Европа фалсафасига доир» деган асари юзасидан ўтказилган мунозарада тасдиқланди ва таъкидланди. Бу мунозара СССРдаги ҳамма республикаларда фалсафа фанининг ривожига янги давр очган эди. Воҳид Зоҳидов бу мунозаранинг иккинчи мажлисида сўзга чиқиб

Г. Ф. Александровнинг Шарқ (айниқса рус ва СССР халқлари) фалсафаси тарихига муносабатидаги камчиликларни принципиаллик билан кўрсатиб ўтди, бу асарда Ибн Рушд, Ибн Синонинг фалсафий қарашлари чалкаш ва юзаки, ҳатто нотўғри талқин қилинганлигини кўрсатди. Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд, Низомий, Ал Хоразмий, Улуғбек, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Ал Киндий, Ибн Арабий, Ал Наззом ва бошқа кўпгина олим ва файласуфларнинг Шарқда фалсафанинг ривожланишида жуда катта хизматлари борлиги ва дунёнинг бошқа ерларида ҳам маданият ва фалсафанинг тараққиётида муҳим ҳисса қўшганликларини илмий далиллар билан таъкидлади. Буларнинг ҳаммасини ёритиш фақат илмий қимматгагина эга бўлиб қолмасдан, балки Шарқ халқларини ваҳший, илмий фикрлаш ва яшашга ноқобил, деб ҳисобловчи, Шарқ халқлари маданиятининг Ғарб маданиятига қилган катта таъсирини инкор этувчи империализмнинг реакцион мафкурачиларига маълум даражада зарба ҳам бўлишини кўрсатди.

Ўша мунозарада сўзга чиққан ереванлик олим В. К. Чалоян Воҳид Зоҳидов ўртага ташлаган масалада олдинга сурилган фикрни, яъни Шарқ фалсафаси жаҳоннинг бошқа халқлари фалсафасига таъсир этган деган илмий тезисни қувватлабгина қолмай, балки «Шарқ фалсафаси Ғарб фалсафасининг манбаидир», бу фалсафа Ғарбга икки йўл орқали — араблар ва Византия орқали ўтган, деб янада ривожлантирди.

Г. Ф. Александров китоби муносабати билан олга сурилган бу фикрларнинг ҳам илмий, ҳам сиёсий жиҳатдан тўғри эканлигини ВКП(б) Марказий Комитети секретари ҳам (А. А. Жданов) алоҳида таъкидлаган эди.

Воҳид Зоҳидов ўша мунозарада кўтарган яна бир муҳим масала ислом фалсафасига муносабат хусусида эди. У, Шарқ фалсафаси тўғрисида фикр юритилганда асрлар давомида ҳукмронлик қилган ва бутун эркин, илгор фикр, прогрессив интилишларнинг ашаддий душмани, шарқ халқлари ақлининг зиндони, фани ва маданиятининг ривожига гов бўлиб келган ислом дини ва фалсафасининг реакцион моҳиятига тўхталмасдан ўтиб бўлмаслигини, «Ғарбий Европа фалсафаси тарихи»нинг муаллифи ислом фалсафасини бутунлай чет-

лаб ўтганини, ҳолбуки «ислом фалсафасини аниқламай, ҳеч бўлмаса унинг айрим ҳолатларини анализ қилмай туриб, мусулмон Шарқи тарихини, унинг идеологиясини ва илмий-фалсафий йўналишини мукамал тушуниб бўлмаслигини» кўрсатади.

Шарқ фалсафаси билан ислом фалсафаси ўртасидаги ер билан осмонча фарқни аниқлашнинг зарурлиги, энг аввало, Шарқнинг бой фалсафий анъаналарга эга эканлигини ва бошқа халқлар фалсафасининг туғилиши ҳамда ривожланишига қилган таъсирини тан олиш масаласига бориб тақалар эди. Чунки Гегель ҳам Шарқда битта «араб фалсафаси» деган тушунчани тан олганди ва уни ҳам схоластик фалсафа деб атаганди.

Воҳид Зоҳидов Г. Ф. Александров дарслигидаги шу «араб фалсафаси» деган эски терминни танқид қилиб, бутун мусулмон Шарқи, шу жумладан Ўрта Осиё халқлари даҳо файласуфларга эга бўлганлигини уқтиради.

Воҳид Зоҳидов кейинчалик «Уч улуг сиймо» («Три титана», рус тилида нашр этилган) асарида «араб фалсафаси» деган тушунчага тўхталиб шундай дейди: «Афсуски, фандаги сиёсатдонлар бу масалада Георг Гегелга ўхшаган жуда катта обрўли одамларнинг фикрларини дастак қилиб олишлари мумкин. Гегель «Мусулмон Шарқи» деб атаган барча халқларнинг фалсафасини «араб фалсафаси» деб атаб ёздики, у асосан ва бутунлай схоластик фалсафа билан мувофиқ келади», у «фалсафа тараққиётида ўзига хос босқич бўлолмайди», «арабларнинг фалсафий муҳокамалари мана шу таълимот (мусулмон — В. З.) доирасида ҳаракат қилган, улар «фалсафани олдинга силжитмайдилар. Уларда ҳақиқатни очиб гапиришдан бошқа ҳеч қандай принцип йўқ, уларда, демак, фақат ташқи принцип бор...

Шу факт ғоят муҳимки, Ғарбнинг кўпгина буржуа олимлари, энг аввало, Ўрта Осиё халқларининг фалсафий-илмий соҳадаги ютуқларидан етарли миқдорда фойдаланганлари ҳолда уларнинг илмий фикрлаш қобилиятини тан олмайдилар ва бу билан улар қадрқиммати ва улуг ижодий заковатини оёқ ости қиладилар».

Воҳид Зоҳидов ўзининг нутқлари ва бошқа мақоаларида совет файласуфлари, жумладан ўзбек файла-

суфлари олдида турган юқоридагидек муҳим илмий проблемаларни қайд қилиш билангина чегараланмади, балки энг аввало, ўзи уларни биринчи бўлиб ўрганишга интилди.

«Алишер Навоийнинг фалсафий дунёқараши» асари улуг Навоий ҳақидаги тўнгич илмий, юксак пшлардан бири сифатидагина эмас, балки Шарқ фалсафаси, айниқса, Ўрта Осиё халқлари фалсафасининг бой тарихи, ажойиб ўтмас анъаналари ва айниқса ислом дунёси фалсафасининг ўзига хослигини кўрсатиб бериши жиҳатидан ҳам ғоят қимматлидир. Унда кўпгина Шарқ файласуфлари, шу жумладан Форобий, Беруний ва Ибн Сино тўғрисида жиддий фикрлар юритилдики, олимнинг бу дадил қадами кейинча у яратган «Уч улуг сиймо» монографиясига замин бўлади. Зотан Навоий фалсафасининг моҳияти, ўзига хослигини ҳамда манбаларини кўрсатмоқ учун ундан аввал яшаб ўтган файласуфларни ўрганиш шарт эди. Воҳид Зоҳидов ўша ишининг (кейинча бу асар «Улуг шоир ижодининг қалби» деб нашр этилган). «Маънавий замин» деган бобида Навоий фалсафий қарашининг шаклланишига асос бўлган манбалар сифатида қадимги Юнон маданияти (Аристотель, Гиппократлар)ни, Фирдавсий, Низомий, Беруний, Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Ҳофиз Шерозий, Лутфий ва Жомийгача — ҳаммасини олади ва улар билан Навоий қалбини туташтирган ғоявий ипларни конкрет ва аниқ белгилайди. Айни чоқда олим шу маданий бойлик заминида майдонга келган Алишер Навоийнинг мазкур маданият савиясидагина, доирасидагина қолмасдан, уни кўп жиҳатдан ўз даврига кўра жуда юксак поғонага кўтаргани, бойитгани, ўша маданиятни яратувчилардан кўпларнинг, илгор, тараққийпарвар сиймоларнинг узоқ асрлар мобайнида ахтарган улуг ҳақиқатларидан анчасини топгани, баъзиларига яқинлашгани, кўп саволларга жавоб берганини таъкидлайди.

Воҳид Зоҳидов Навоий дунёқарашидаги ўзига хосликнинг сабабини биринчи навбатда, улуг шоир яшаб ижод этган ўша ғоят мураккаб ва зиддиятли феодал жамиятида кўради. Файласуф-олимнинг Шарқ фалсафаси тарихи масалаларини ёритишга қўшган жуда катта ҳиссаларидан бири, унинг Шарқ фалсафаси ўзига хослигининг илдизи шу Шарқдаги феодализм

тузумининг моҳиятига боғлиқ, деган фикрни асослаб беришидир: У, Маркснинг «Осиё ишлаб чиқариш усули» ҳақидаги сўзларига суяниб туриб, Шарқ феодализмининг қатор масалаларда Ғарб феодализмидан фарқ қилишини таъкидлайди. Шарқ феодализмининг ўзига хос хусусиятлари — қулликнинг янги вақтгача ишлаб чиқаришнинг узвий бўлаги сифатида давом этиши, сув проблемасининг мушкуллиги, аёлларнинг ҳуқуқсизлиги, тез-тез бўлиб турган ўзаро қиргин урушлари, ислом дини фанатизми, мистик тасаввуфчилик ва араб алифбеси булар Ўрта Осиё ва умуман Шарқ халқлари фани, маданиятининг тараққиётига жуда катта ҳов бўлган ва бу ердаги фалсафий фикрнинг йўналиши худди шу нарсалар билан жипс боғланган.

Воҳид Зоҳидов ўз асарларида фалсафанинг асосий масаласи — онг ва материяга муносабатда ҳам Шарқ фалсафасида ўзига хослик борлигини таъкидлайди. Олимнинг кўрсатишича, Шарқ файласуфлари фалсафанинг бу асосий масаласига жавоб беришга интилиш билан бирга, ислом фалсафасидаги — ўткинчи алдамчи дунё бор, ҳам ҳақиқий дунё бор, деган, одамларни мутелик, пассивлик ва таркидунёчиликка чақирувчи ўта зарарли қарашларга қарши кураш ҳам олиб борганлар. Беруний, моддий дунё, табиат инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив яшайди, ўзининг қатъий табиий ички қонунияти асосида ривожланади, ундаги ўзгаришларнинг ички сабабияти ва зарурати бор, материя ва табиатнинг шу ички қонуниятига қарши туриш мумкин эмас, деган стихияли материалистик қарашни олга суради. Бу фикр, деб ёзади Воҳид Зоҳидов, «ғайритабиий ҳодисалар, мўъжизалар ва ҳоказоларга ўрин қолдирмайди. Берунийнинг бу фикрларини худо хоҳиши тўғрисидаги диний-идеалистик «таълимот»га, дунёни тартибсизликлар йигиндисидан иборат деювчи сохта мистик тасаввурга қарама-қарши қўйилса, уларнинг илмий ва амалий қиммати янада ошиб кетади».

Фаробий, Беруний, Ибн Сино каби файласуфлар дунёни ва табиат ҳодисаларини тўғри тушунишда, уларнинг ривожланиш қонуниятларини билишда ва улар имкониятидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишда, биринчи навбатда, ижтимоий ҳаёт шароитла-

рини яхшилаш йўллари топишда халққа жуда катта ёрдам бердилар. Улар дунё моддийдир, инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив яшайди, дунёнинг боши ҳам, охири ҳам йўқ, у абадийдир, ҳаракат унинг доимий фазилатидир, унда сон-сифат ўзгариши юз бериб туради ва инсон уни ўрганиши ва билиши мумкин, деган гоят илғор фикрларни олга сурдилар. Уларнинг озодлик, тенглик, дўстлик асосига қурилган давлат ва бахтиёр жамият ҳақидаги орзулари халқни олдинга етаклади, ҳам фан, ҳам адабиётнинг ривожига беқиёс катта таъсир қилди. Бу ҳолни Воҳид Зоҳидов Навоий ижоди мисолида чуқур ёритиб беради. Шу улуг сиймолар фалсафаси Навоийнинг ҳаётий, актив, прогрессив пантеистик қарашининг шаклланишида асосий замин бўлди.

Воҳид Зоҳидов Навоий ижоди муносабати билан Шарқ пантеизми ва айниқса тасаввуфчилигини таҳлил этиб берадики, унинг бу хизмати умуман шарқшунослик фани учун жуда қимматли ва зарурдир. Олим Навоий фалсафий қарашларини текшириб: «Навоий ўзининг ҳаётий пантеизм асосида сўфийларнинг кўп асосий назарияларини, таълимотларини рад этади. Навоийча, худо табиатда зойил бўлгандир, худо табиатдир, худонинг деярли бутун сифатларини шу табиат олгандир. Биргина борлиқ — худо — табиат бордир, ўзи (олам) комил худонинг комил зуҳури бўла туриб яна шундайликка айланишга, яъни фоний бўлишга интилиш асоссиздир. Шундай қилиб, мутасавват гўзалдир, ҳам нажот манбаидир. Шу табиатни, ундаги ҳаётни, инсонни севиш, ғанимат деб билиш, табиатнинг, ундаги ҳаётнинг лаззатларидан фойдаланиш, бахтли яшаш учун интилиш шартдир. Буни амалга оширишликнинг шарти, йўли вафодорлик, меҳнат, ҳақиқий илмлардир, нақд ҳаёт шу дунё, шу табиат, ундаги ҳаётдир. Бу табиатни севиш, ундаги ҳаётни тақдирлаш — худони севиш, худони тақдирлаш демакдир. Шундай қилиб, Навоий табиатни, инсонни худо даражасига кўтаради, худо қийматига эга қилади, шу билан тамомила қадрсизлантирилган инсонни кўкларга кўтаради», деган хулосага келади.

Навоий фалсафий қарашларининг асосида унинг юксак гуманизми, адолатпарварлиги, тараққийпарварлиги ва маърифатпарварлиги ётади. Демак, Навоий

фалсафаси, тўғрироғи, Ўрта Осиё халқлари, шарқ халқлари фалсафаси худди мана шу улуғ ният учун хизмат қилиб келган ва шуниси билан жаҳон фани, маданиятининг ривожига кўмак берган.

* * *

Воҳид Зоҳидовнинг марксча-ленинча фалсафани чуқур эгаллаши фаннинг бошқа соҳаларининг қонуниятини ва фазилатини очишда асосий омил бўлди.

У ўзбек адабиёти (ҳам классик, ҳам ўзбек совет адабиётини) ўрганиш ишига катта ҳисса қўшди. У «Авеста»дан тортиб Ҳамзагача бўлган сўз санъаткорларимиз тўғрисида, Ҳамзадан бошлаб Одил Ёқубов ижодигача фикр юритди. Унинг илмий муҳрфазасининг кўлами кенг. У ўзбек классик адабиётини қанчалик чуқур билса (ҳам текширувчи, ҳам текстолог сифатида), совет адабиётининг моҳияти ва фазилатларини, ҳозирги замон сўз санъаткорларининг ижодини шу қадар мукамал билади.

Воҳид Зоҳиров маданий меросимизга марксча-ленинча таълимот нуқтаи назардан чуқур ёндашар экан, ўтмишнинг кулини эмас, балки чўғини, яъни барча демократик ва социалистик томонларини олиш принципини қўллайди. У ўтмиш адабиётини камбағаллаштиришга ҳам, сунъий равишда оширишга, уйдирмачиликка ҳам қарши туради.

Агарда кейинги пайтларда айрим ўтмиш ёзувчилари ижодини текширишда сохталикларга йўл қўйилган бўлса, бундан бир неча ўн йиллар аввал ўтмиш адабиётимизни камбағаллаштиришга уриниш мавжуд эди. Воҳид Зоҳидов бу иккала иллатга қарши чиқади. «Шуни айтмоқ лозимки,— деб ёзади у «Адабиётшунослик ва маданий мерос» деган мақоласида,— адабиётшунослигимизда демократ, гуманист, патриот деган сўзларни — номларни етарли даражада ўйламасдан кечмиш адабиётимиз арбобларига осонгина нисбат беравериш ҳоллари ҳам учраб турадики, бундай белгилаларда ҳам шошилинемаса яхши бўларди. Зотан шундай шоирлар борки, улар гарчи анчагина илгор ва ижобий фикрлар ифодалаган бўлсалар-да, демократ ва гуманист деган юксак даражага кўтарила олмаган эдилар. Бу табиий ҳолат эди: бунда ўшал сўз санъаткорлари

гуноҳкор эмас эдилар; бу, ҳоким ўта бўғиқ ва қолоқ социал шароитлар тақозоси ҳамда оқибати эди».

У ёзувчилар ижодига баҳо берганда ҳар доим улар яшаган тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий-иқтисодий аҳвол даражаси нуқтаи назаридан ёндашади ва ўзгалардан ҳам шуни талаб қилади. Хоразм, Бухоро ёки Фарғонадаги моҳият-эътибори билан бир хил шароитни ҳисобга олмаган айрим тадқиқотчилар яхлит ўзбек адабиётини бўлакчаларга бўлиб ўрганишга уриндилар. «Бу нотўғри илмий йўл,— дейди Воҳид Зоҳидов,— халқни бўлакларга бўлиб ташлашга олиб келиши мумкинлиги хавфи билан ҳам зарарлидир».

Адабиёт ва адабий жараёни ҳамда уларнинг валиллари ижодини баҳолаганда ягона ленинча мезон борки, бу адабиётнинг синфийлигидир. Бирор синф, гуруҳ ва табақаларнинг манфаатини ҳимоя қилмаган, жамиятдаги синфий кураш ва зиддиятлардан холи турган адабиёт йўқ. Аммо ўзбек адабиёти тарихига оид айрим ишларда сарой адабиётининг реакцион моҳиятини очишга етарли эътибор берилмайди. Ваҳоланки Ўрта Осиё (умуман Шарқ) халқлари тарихига хос нарса шуки, шоҳлар, хонлар ва беклар бошчилигида, уларнинг ғоявий раҳбарлигида сарой адабиёти бўлган (бизда шеър ёзмаган хонлар, шоҳлар кам). Сарой шоирлари ўша реакцион тузумни ҳимоя қилишга ўз ижодларини сафарбар этганлар. Лекин аксар ҳолларда шу сарой адабиёти ҳақида сўз кетганда уни ғоясиз адабиёт дейиш билан кифояланилади. Воҳид Зоҳидов бу камчиликка ҳам диққат қилиб, сарой (Умархон саройи) шоирлари асарларидаги реакцион ғояларни кўрсатар экан, феодал сарой адабиёти баъзи адабиётшуносларнинг айтганидек жуда ҳам «бекорчи» жуда ҳам «пуч» ва «ғоясиз» эмас. Аксинча, у маълум реал ижтимоий заминда майдонга келган, феодал синфи ғоялари билан нафас олган, ҳоким синф қўлида мураккаб ва жиддий вазифаларни бажаришга қаратилган катта қурол воситасидир, дейди. У, ижодкор шоҳлар тўғрисида фикр юритар экан, ҳаммаси учун бир андозани қўлламайди. Воҳид Зоҳидовнинг ижодкор шоҳлар учун бир хил ўлчов қўлламаганлиги унинг Ҳусайн Бойқаро ва Заҳириддин Муҳаммад Бобир ижодига бўлган муносабатида равшан кўринган. У мазкур шоирларнинг шоҳ сифатида, эксплуататор-

лар тузумининг ҳимоячилари сифатидаги сиймосини ҳам, ижодкор сифатида ўзбек маданияти тарихида тутган ўрнини ҳам ҳалол белгилаб берди. Ҳусайн Бойқарога келганда, олим ўзининг «Улуғ шоир ижодининг қалби» монографиясида, янги, принципиал маколаси бўлмиш «Вақфия» («Шарқ юлдузи», 1974, №1) да Ҳусайн Бойқаронинг ижодкор сифатидаги фазилатлари, Навоийнинг яқин дўсти тарзида унга берган ёрдамлари ва ўз ўрнида Навоийнинг Ҳусайн Бойқарони адолат йўли томон тортишдаги меҳнатлари ҳамда Ҳусайн Бойқаронинг ўлкада фан-маданият ривожига қўшган улушини ёритиб беради. Олим бу мураккаб шахс фожеасида XV асрнинг бутун қарама-қаршилигини, зиддиятларини ҳам акс эттиради.

Воҳид Зоҳидовнинг ижодкорларнинг адабиёт ривожига тутган ўрни ва ўйнаган ролини тиклашга уриниши шунчаки йўл-йўлакай ҳодиса эмас, аксинча унинг олимлик фаолиятининг бош принциpidир. У ҳар доим илмда кашфиёт қилишга, қўриқ очишга интилади. «Афсуски, адабиёт тарихининг ўзи аслида нималардан, қандай соҳа, жанр ва йўналишлардан иборат деган масаланинг ўзи кўпинча юзаки, бир томонлама ҳал қилиб келинган эди,— деб ёзганди у 1961 йилда чиққан «Ўзбек адабиёти тарихидан» деган асарида,— натижада уни сунъий камбағаллаштириш, унинг рамкасини торайтириш рўй берган эди, ижобий ўрганилишга, илғор ўзбек адабиёти тарихидан қонуний ўрин олишга лойиқ ёзувчи ва асарларни бармоқ билан санарли даражага келтириб қўйилган эди, баъзи муҳим соҳа, жанр ва йўналишлар умуман тарихдан ё назар-эътибор марказидан ташқарида қолдирилган эди.

Кўпгина бадиий асар ва санъаткорлар асоссиз суратда (айрим одамлар томонидан марксча-ленинча принципга зид ҳолда) адабиёт тарихидан чиқариб ташланган эдилар, ё умуман топилмаган, тадқиқотчилар ҳамда ноширлар қўлига етиб бормаган, ёки бу шахс ва асарлар аниқ фикр айтиш даражасида ўрганилмаган, ё шунчаки эътиборсизликлар билан четда қолдирилган эдилар (баъзи дostonлар, масалан, «Ал-помиш», XIV—XV асрлардаги бир неча ёзувчилар, жумладан мунозарачилар, Лутфийнинг «Гул ва Наврўз»и, Навоийнинг бир неча асарлари, Заҳириддин

Бобир, Пошшоҳўжа, Ғозий, Нодира, Увайсий, Маҳзуна, Ҳувайдо, Нишотийлар шулар жумласидандир».

Воҳид Зоҳидов томонидан ўртага ташланган бу фикр ва қўйилган вазифалар республикада адабиёт тарихини янада чуқур ва жиддий ўрганишга туртки бўлди. Тилга олинган шоирлар тўғрисида илмий ишлар ёзилди, уларнинг асарлари нашр этилди. Энг аввало Воҳид Зоҳидовнинг ўзи жонбозлик кўрсатиб, «Алпомиш»ни яна халқ қўлига қайтариб бериш ишига актив аралашди. Бобир, Пошшоҳўжа, Ҳувайдо, Мужрим Обид, Нодира, Увайсий, Хозиқ, Ғозий, Огаҳий, Гулханий, Фурқатлар тўғрисида мақолалар ёзди.

Агар Воҳид Зоҳидовнинг ҳам ўзбек классик адабиёти, ҳам ўзбек совет адабиёти, ҳам рус ва қардош халқлар адабиёти ҳақидаги илмий ишларига разм солинса, уларда адабий портретлар салмоғининг баландлигини сезиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам Воҳид Зоҳидов моҳир адабий портретчидир.

Олим бирор ёзувчи ижоди баҳонасида у яшаб ижод этган давр адабиётига хос фазилатларни кўрсатиб ўтади, мазкур ёзувчини шу қайпоқ адабий жараён доирасида таҳлил қилади, унинг ижодининг ғоявий-эстетик қимматини чуқур очади. Бирор ёзувчи ижоди унинг учун айна чоқда адабиёт, ҳаёт ва замоннинг долзарб масалаларига бўлган шахсий муносабатлари, туйғу ва кечинмаларини ифодалаш майдони, воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади. Шунинг учун ҳам унинг илмий мақолалари орасида лоқайдлик билан ёзилгани йўқ, ҳаммаси эҳтирос, ҳужумкорлик руҳи билан ёзилган. Ўткир публицистик руҳ унинг илмий мақолаларига жанговарлик бахш этса, айна чоқда илмийлик бадиий публицистикаси қудратини оширади.

Масалан, «Фурқат» номли мақоласида бу ўткир маърифатпарвар шоир ижодининг пафосини унинг илгор рус маданиятига интилишида кўрар экан, шу баҳонада рус халқининг улуғлиги, рус-ўзбек алоқалари масаласи тўғрисидаги фикр-орзуларини айтиб олади, ёки Ҳамза ҳақидаги қатор мақолаларида янги, революцион адабиёт ва унинг жаҳон миқёсида фикрловчи қудрати ҳақида сўзлайди. Конкрет ёзувчилар бу олим учун халқ қалбига етаклаб боровчи йўл, халқ ҳаётининг ва тақдирининг ҳаққоний кўзгуси, замон тенденцияларини ўзида мужассамлаштирган воситадир.

Воҳид Зоҳидовнинг ўзбек совет адабиётининг тайлаги вакиллари, жумладан Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Яшин, Шароф Рашидов, Уйғун, Сарвар Азимов, Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубов ва бошқа ёзувчилар ҳақидаги мақола ва рисолаларида мазкур ижодкорларга хос фазилатларгина эмас, балки адабий ҳаёт ва адабий жараёндаги янги ва муҳим тенденциялар қамраб олинган. Олим ўзбек совет адабиётининг тараққиётини сезгирлик билан кузатиб боради ва ҳар қандай ижобий ҳодисани ўз вақтида баҳолаш, ҳимоя қилишга интилади.

* * *

Олимнинг бу кўп қиррали фаолиятининг остида битта улугъ нияти ётади: ўзбек совет адабиёти янада ривожлансин, бу эса халқнинг маданий даражасини кўтаришга, руҳий дунёсини янада бойитишга олиб келади ва унинг коммунистик жамият сари парвозининг тезлашишига кўмак беради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Воҳид Зоҳидов ўзбек адабиётининг ривожига ёрдам берадиган ҳамма имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш масаласини қўяди. У ўзбек адабиётини ривожлантирувчи омилларни белгилар экан, буларга аввало қайноқ ҳаёт, воқеликнинг ўзини олади (1), классик ўзбек адабиётини кўрсатади ва шу бой «маданий мерос янги жамият, янги маданият, янги одамни тарбиялаш ишига хизмат» қилади, деб таъкидлайди (2), «бутун-бутун авлодларнинг эстетик ҳиссиётини ва фикр-онгини тарбиялаган» фольклорини киритади (3) ва ниҳоят, рус ҳамда қардош халқлар адабиётини, жаҳон прогрессив ёзувчиларининг асарларини қўшади (4). Унинг ўзи ўзбек адабиётшунослигида ўзбек адабий меросини ўрганишга қанчалик катта ҳисса қўшган бўлса, рус ва жаҳон халқлари адабиёти даҳолари ижоди билан ўзбек халқини баҳраманд этиш ишига шунчалик жонкуярлик қилди. Унга миллий биқиқлик мутлақо ёт туйғудир.

Эҳтимол, унда интернационализм ва инсонийлик туйғуларининг барқ уриб ривожланишига икки муҳим ҳолат таъсир этгандир. Биринчидан, Воҳид Зоҳидов олий маълумотни Озарбайжонда олди, унинг фан кандидати ва доктори, аниқроғи, атоқли файласуф бўлиб этишишига Москва олимлари, рус халқи беқиёс катта

ёрдам берди. У ўз тақдирида дўстлик ва меҳрибонлик совет халқларининг энг гўзал фазилатларидан бири эканлигини равшан кўрди. Шунинг учун бўлса керак, маълум маънода миннатдорчилик нуқтаи назардан ҳам озарбайжон халқининг асил фарзандлари бўлмиш Низомий, Фузулий, Насимий ва Мирза Фатали Охундовлар тўғрисида йирик-йирик рисола ва мақолалар яратди. Пушкин, Белинский, Радищев, Лермонтов, М. Горький, Л. Толстой, Островский, Маяковский, Д. Бедний ва бошқалар тўғрисида теран илмий ишлар қилди.

Иккинчидан, Воҳид Зоҳидовнинг илмий текшириш объекти бўлган улуг ёзувчилар (биз юқорида уларнинг кўпчилигини тилга олдик, улар сирасига Ҳофиз, Фирдавсий, Ҳомий, Петефи, Шевченко, Гетё, Абай, Ч. Валихоновлар ҳам киради) ижодининг асл моҳияти инсонпарварлик, дўстлик, интернационализм туйғуларини, қисқаси, энг эзгу инсоний ниятларни тарғиб қилишдан иборатдир. Бу фазилатлар текширувчига таъсир этмасдан қолмас эди.

Воҳид Зоҳидов инсониятнинг маданий меросига, гўзал бадииятига чанқоқлик билан қараши ва уларга нурга интилгандай талпинишида ҳаётий қонуният борлигини уқтиради. Барча улуг сўз санъаткорлари ижодининг марказида умумбашарий масалалар, мотивлар туради, лекин шу умуминсоний мазмун, ғояларни улар ўз адабий миллий анъаналари, шахсий услублари, йўллари, бадий фикрлаш ва ифодалаш усуллари орқали ёритадилар.

«Донолар давраси» (бу асарга Ҳамза мукофоти берилган) асарида ҳам олим жаҳонга машҳур ижодкорларнинг боқийлиги сирини яна уларнинг ўз асарларида «умумбашарий аҳамиятга эга бўлган актуал масалаларни кўтариб чиқишида» деган тезисни ҳимоя қилади. Ирқчиларнинг миллатчилик ва шовинистик назарияларини фош қилади. Олимнинг одилона кўрсатишича, халқларнинг маданий даражасидаги фарқлар «бу халқ қобилятининг оз ёки кўплигида эмас, балки ҳамма халқларда баробар бўлган қобилятнинг қай даражада юзага чиқа олганлиги — қандай объектив сабаблар ҳамда омиллар тақозоси билан қай даражада ўзини кўрсата олганлиги»дадир. Бу чуқур ҳаққоний фикрдир.

Олим адабий алоқаларни, адабиётларнинг бир-бирига таъсирини худди шу нуқтаи назардан талқин қилганлиги учун ҳам бу беқиёс таъсир тўғрисидаги мулоҳазалари илмий, сиёсий жиҳатдан тўғри, қонуний жанр-глайди. У рус адабиётининг Пушкин, Лермонтов, Некрасов, Л. Толстой, Чехов, Горький, Маяковский, Д. Бедный каби намояндаларининг ўзбек адабиётига ҳамма соҳа бўйича — гоёвий жиҳатидан ҳам, жанрлар, шакл ва услублар жиҳатидан ҳам, воқеликни идрок этиш ва бадиий таҳлил қилиш методи жиҳатидан ҳам кучли таъсир қилганлиги ва ўзбек совет адабиётининг юқори поғонага кўтарилишида беистисно катта роль ўйнаганлигини ёритиш билан бирга, рус ёзувчилари ижодида шарқ халқлари ҳаётининг муҳим ўрин тутганини ҳам кўрсатиб ўтади. Олимнинг Пушкин ёки Шевченко, Радищев ёки Абай тўғрисидаги мақолалари мазкур санъаткорлар ижодининг яхлит ва мустақил ёритилниши жиҳатидан ҳам, улар ижодининг ижтимоий қимматини, асосий пафосини шахсий ҳаётларига боғлаб талқин қилиб бериши жиҳатидан ҳам, гоёвий қудрати билан бадиий етуқлигини узвий ёритиши жиҳатидан ҳам ибратлидир. Хуллас, Воҳид Зоҳидов рус, қардош халқлар ва жаҳон адабиёти намояндалари тўғрисидаги сермазмун ишлари билан ўзбек адабиётшунослигига катта ҳисса қўшди.

* * *

Дунё кезиш файласуф учун қанчалик зарур бўлса, публицист учун, айниқса халқаро публицист учун шу қадар зарур. Файласуф учун чуқур ва атрофлича билим эгаси бўлиш, инсоният тарихини, ижтимоий жамиятлар тарихини, фан ва маданият тарихини, ер курамининг табиий, иқтисодий ва сиёсий географиясини билиш сув ва ҳаводек шарт бўлса, публицист учун ҳам шунчалик лозим. Бепоен мамлакатимизнинг деярли ҳамма жойига борган Воҳид Зоҳидов Европа, Осиё ва Африкадаги мамлакатларнинг кўпчилигида бир эмас, бир неча бор бўлди. Бу ердаги халқларнинг ўтмишлари ҳам, ҳозирини ҳам яхши билади, келажагини ҳам равшан тасаввур эта олади. Айниқса, бу халқларнинг фани, маданияти, фалсафаси, уларнинг мезожи,

психологияси ва интилишлари, орзу-истакларини чуқур ўрганган. Зотан ҳаёт диалектикасини, тарих йўналишини, замонанинг илғор тенденцияларини, унинг долзарб масалалари ва талабларини, халқни қизиқтириб, қийнаб турган жумбоқларни теран билган ва уларни юксак бадиий шаклда таҳлил эта олган ижодкоргина чин ва жанговар публицист дейишга лойиқдир. Воҳид Зоҳидов ана шундай публицист. У публицистикага инсоннинг тақдири ва бахти учун кураш қуроли сифатида қарайди. У публицистик асари билан, у хоҳ ижтимоий мавзуда, хоҳ халқаро мавзуда, хоҳ ахлоқий, хоҳ адабий мавзуда бўлсин, инсониятнинг олдинга қadam ташлашига кўмак берувчи барча ижобий нарсаларни эҳтирос билан қўллаб-қувватлайди, ғов бўлиб турган кучлар ва иллатларни шафқатсизлик билан савалайди. Унингча, «инсон коинотнинг тожи ва марказий сиймоси», инсон ҳар нарсадан юқори ва афзал; бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак». Шунинг учун ҳам ҳаётда ва жаҳонда бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга шу инсон манфаати нуқтаи назаридан баҳо беради. У ҳар бир асарида ҳозирги замон кишиси тақдирига доир муҳим проблемани кўтариб чиқади ва уни теранлик билан таҳлил этади.

Воҳид Зоҳидов ўзининг барча публицистик асарларида — «Яшасин ақл, йўқолсин зулмат!» (1961), «Инсон ва Замон садоси» (1961), «Даврим довруғи» (1965), «Шарқни шарафлаб» (1973) каби китоблари ва вақтли матбуотда босилаётган ўнлаб бошқа асарларида етук файласуф, марксча-ленинча эътиқоди зўр, ленинча ҳақиқатнинг, Коммунистик партиямиз идеалларининг оташин тарғиботчиси ва жангчиси тарзида кўринади. У ўзининг илмий ишларида Шарқ фалсафаси ва маданиятининг жаҳон фанига қўшган ҳиссасини кўрсатганидек, публицистик асарларида ҳам Шарқ халқларининг кишилиги жамияти ривожигаги ўрнига, уларнинг уйғонишига ва демократия сари юриши, мустамлакачилик қолдиқларини тугатиб, янги инсоннинг бахтиёр яшашига имконият берадиган ҳаёт сари курашини кўрсатишга аҳамият беради. Африка ва Осиё халқларига меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошган бу асарларда у ерлардаги ҳозирги қайноқ сиёсий ҳаётни, миллий уйғониш ва тараққийпарвар кучларнинг ғалабасини қизиқарли акс эттиради.

Воҳид Зоҳидовнинг публицист сифатидаги маҳорати ҳозирги куннинг энг муҳим ва жиддий масалаларини кўтариб чиқишида, кўпчиликнинг диққатини тортадиган даражада таъсирли ва ўткир талқин қилишида, мақолани яхлит образ асосига қуришида, асосий бош образга кўмаклашувчи майда образларнинг жозибали бўлишини таъминлашида, мақолани гоҳ мунозара, гоҳ китобхон ёки ғоявий мухолифлар билан юзма-юз туриб баҳслашиш, гоҳ ўй-мушоҳадалар ёки мурожаат тарзида баён қилишида, тилининг бойлиги ва ширалилигида кўринади. Уларнинг оҳанги масаланинг характерига қараб гоҳ кўтаринки, гоҳ ғазабли, гоҳ ғурур ва сурур пардасида, гоҳ шиддатли ҳужумкорлик руҳида бўлади, қисқаси, асарда қайноқ ва ранг-баранг ҳаётнинг, инсон қалбининг барча оҳанглари мавжуддир.

Воҳид Зоҳидовнинг фалсафа, адабиётшунослик илмига ва бадий публицистикамизнинг ривожига қўшган ҳиссаси чўнг. У олти юздан ортқ илмий асар яратди. У жуда кўп шогирдларни тарбиялаб ўз сафига қўшган меҳрибон устоз. Унинг шогирдлари илмда ўз йўлини топган, адабиётшунослик фанининг муҳим масалаларини чуқур илмий даражада ҳал қилишга қодир ва ўз касбдошларининг, илм аҳлининг ҳурматини қозонган етук олимлар. У ана шу лойиқ шогирдлари билан ғурурланишга ҳақли. Илмда ҳар доим олдинги сафда бориш ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди. Воҳид Зоҳидов кейинги йилларда ҳар йили камида икки-учтадан рисола нашр эттирмоқда. Ҳозир республикамизнинг газета ва журналларида унинг мақолалари кетма-кет босилиб турибди. У ҳали халқимизни яна кўплаб илмий кашфиётлар, бадий асарлар билан хушнуд қилади. Виз улкан олимимиз ва меҳрибон устозимизнинг 60 ёшга тўлган бу кунда, унга доимий илҳом ва боқий умр тилаймиз.

1974 йил.

Бугунги ўзбек совет адабиётини, ҳатто унинг на прозасини, на драматургиясини, на поэзиясини, публицистикаси ва на кино санъатини Ҳамид Ғулом номисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу серқирра ва заҳматкаш ижодкор ўзбек совет адабиётининг шуҳратини Иттифоқ доирасига ва ундан ташқарига ҳам кенг ёйилишига ўзининг катта ҳиссасини қўшиб келаётган қалам соҳибларидан биридир. У ҳамма жанрда янги сўз айта олди, замонни, воқеликни ва айниқса одамларни бадиий тадқиқ қилишда янги, ўзига хос йўлдан бора олди. Ҳамид Ғуломнинг «Ўз халқинг, ўз давлатинг, ўз партиянг хизматидан буюкроқ, шарафлироқ бурч йўқдир», деган сўзлари унинг чин, самимий сўзидир, ҳаёти ва ижодининг мазмунидир, бадиий эътиқоди — кредоси ва имонидир. Унинг барча ижодий ютуқларининг пойдевори, илдизи ва қудрат манбаи худди шу ерда.

«Ёзувчи халқ ҳаётининг ичида яшаган,— деб таъкидлаганди улуг ёзувчимиз М. Шолохов,— одамларнинг дард-ташвишларини ўзиники деб билган, улар шодлигидан қувона олган, борлиғича уларнинг иш ва эҳтиёжлари билан нафас олган тақдирдагина ҳақиқий, китобхон қалбини тўлқинлантирувчи асар ижод қилиши мумкин».

Ҳамид Ғулом шундай яшади, унинг ютуқлари ва шуҳратининг сири ҳам худди шу ерда. У борлиғича янги, социалистик замоннинг фарзанди. Революцион замон, халқимиз ҳаётидаги кескин бурилиш нуқталар, социализмнинг шиддатли қурилиш суръати ва бу жараёндаги ўзгараётган, туғилаётган янги одамлар, бўронли, долгали XX аср зарблари, муҳити ва ҳавоси

уни ўстирди, шакллантирди. Унинг ўзи ҳам, ижоди ҳам халқимиз, юртимиз билан бирга улғайди: у кичиклигидаёқ отасидан жудо бўлади, ишчи онаси бағрида ўсади, совет ҳокимияти унинг пешонасини силайди; ўн уч ёшдан меҳнат фаолиятини бошлайди — саводсизликни тугатиш курсларида дарс беради, кейин олий ўқув юртида ўқиш, сўнгра қизгин ижодий ва ижтимоий фаолияти — «Ўзгизил Тожикистон» газетасида журналист, кейин Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррир, сўнг Ўзбекистон радиокомитетида бош редактор ва бош диктор (1941—44), «Ўзгизил Ўзбекистон» газетасида бўлим мудир ва масъул секретарь (1944—54), Москвадаги Олий адабиёт курсларида ўқиш (1954—56), «Литературная газета»нинг Ўзбекистон бўйича муҳбири (1956—58), Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари (1958—65); сўнгра «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири (1965—72) ва 1972 йилдан шу кунгача Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори бўлиб ишлаб келмоқда. Энди у «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби» ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, таниқли жамоат арбоби ва талантли партия ходими, шуҳрати чиққан адиб. Ёзувчининг бу қизгин, шарафли ижтимоий фаолияти ва ижодий йўли унинг халқ ҳаёти, тақдири, унинг характеридаги ва онги, қалби, психологиясидаги ўзгаришларни, замон руҳи ва тенденцияларини тегран, чуқур ва тез илғаб олишига олиб келди.

Ҳамид Ғуломнинг камолотга эришишида бошқа қудратли манбаларнинг — унинг адабиётдаги устозларининг аҳамияти ҳам беқиёс катта бўлди. Ҳамид Ғуломнинг иқрорича, бу мактабларнинг биринчиси, «халқ ижодининг битмас-туганмас хазина манбаидир», иккинчиси, «классик адабиёт мактабидир» ва учинчиси, «рус классик ва совет адабиёти мактабидир». Бу уч мактабни ўтамаган одам ҳеч қачон етук ёзувчи бўлолмайди, ижодда кашфиёт қила олмайди. Навоий ва Пушкин, Шекспир ва Лермонтов, Л. Толстой ва Чехов, Горький ва Маяковский, Шолохов асарларини пухта ўрганди у, рус ва жаҳон адабиёти классикларининг кўпгина шоҳ асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Ҳамид Ғулом таржимаи ҳолини ва ижодий ўсишини унинг Ҳ. Олимжон, Ғафур Ғулом,

Ойбек, Яшин билан дўстлигисиз, шунингдек А. Толстой, Я. Колас, Н. Тихонов, К. Симонов, С. Герасимов, П. Бровка, Ғ. Мусрепов, Б. Кербобоев, М. Ҳусайн, Н. Ҳазрий, И. Абашидзе, М. Бажан, М. Турсунзода каби давримизнинг жуда кўп аллома ёзувчилари билан дўстлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. У П. Неруда, Ф. А. Файз, М. Бернес, А. Маршал, Ж. Норт, С. Захир каби жаҳон прогрессив ёзувчилари билан мулоқотда бўлиб, уларга ўзбек халқининг иқтисодий-маданий зафарлари хусусида сўзлаб берган. Бу дўстлик унинг ижодий имкониятларини кенгайтирибгина қолмасдан, аynи чоқда ўзбек адабиётининг қардош адабиётлар билан алоқасининг янада мустаҳкамланишига ҳам кўмак берди. Бу Ҳ. Олимжон ва Ғ. Ғуломлар, Ойбек ва Яшин, Зулфиялар бошлаган ва давом этаётган самарли йўлдир.

Эҳтимол, Ҳамид Ғуломнинг ўз асарларида халқ ҳаётини кенг тарихий кўламда бадиий таҳлил этишининг, замон пафосини теран ифодалашининг ва халқ руҳидаги хилма-хил кечинмалар, фикр-туйғуларни ёрқин ифодалашининг боиси ҳам худди шу ердадир. Унинг замон ва халқ ҳаётига актив, чуқур муносабати ижодий ниятини ранг-баранг қилди, тематикасини бойитди, аynи чоқда уни турли жанрларга эркин мурожаат қилиши ва муваффақият қозонишига олиб келди. Ҳамид Ғулом адабиётга шоир сифатида кириб келди. Биринчи шеъри «Кенгай, лагерь» журналда босилганда у ўн беш ёшда эди. Ушандан буён Ҳамид Ғулом йигирмадан ортиқ шеърий тўплам ҳади этди. «Ҳаёт ишқи», «Севги», «Амазонка қўшиғи», «Лола кўл» каби дostonлар яратди. Ўткир граждаинлик, ватанпарварлик, пролетар интернационализми туйғулари билан йўғрилган бу шеърий асарларда шоир совет кишилари қалбинигина эмас, балки куррамыз юрагининг зарбларини ҳам акс эттиради. Шоир «Унутманг, ўша онни!» шеърида Замон ва Куррага мурожаат этиб, «Биз сен учун жавобгар инсонлармиз», «Куррамыз тинч бўлсин деб, халқлар бўлсин деб омон жонимиздан азизроқ авлодлар фидо бўлди», дейди. У совет граждани сифатида гурур билан бундай ҳайқиради:

СССР — замона нажоткоридир,
Халқлар тенглигининг байроқдоридир.

Ҳамид Ғулом Европа, Осиё ва Африканинг жуда кўп мамлакатларида бўлди, бу ердаги халқларнинг совет мамлакатига, коммунистик партиямизга бўлган чексиз муҳаббатини ва айни чоқда уларнинг озодлик, прогресс ва социализм учун интилишларини ўзининг шеърлари, «Қитъалар уйғоқ» каби болалар китобида ва «Амазонка қўшиғи» каби поэмасида ҳамда «Европа таассуротлари», «Куба ҳақида ҳикоялар», «Япония ҳақида ҳикоялар», «Ҳазоир устида тонг» асарларида (булар кейинча «Капитан Арбусионинг ўғли» китобига жамланди) акс эттириб берди.

Ҳамид Ғулом «Олмос қизлари», «Ёзёвон қиссаси» повестлари, айниқса «Машъал» дилогияси, «Сенга интиламан», «Тошкентликлар», «Бинафша атри», «Мангулик» каби романлари билан ўзбек прозасида етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Агар Ҳамид Ғулом прозасига разм солсак, у бу асарларида ўзбек халқининг совет ҳукумати йиллари босиб ўтган катта, шавкатли йўлини, унинг тақдиридаги бурилиш нуқталарини ва биринчи навбатда шу жараёнда улғайган совет кишиларини кўрсатиб беришга жазм қилганига амин бўламиз. «Машъал» ва «Мангулик»да ўзбек халқининг революция йиллари, босмачиларга қарши кураш ва янги ҳаётни қуриш пайтларидаги ҳаёти ва курашини тасвирласа, «Тошкентликлар»да Улуғ Ватан уруши йилларидаги халқнинг ҳам фронтдаги, ҳам фронт орқасида кўрсатган мислсиз қаҳрамонлигини ёритади. «Сенга интиламан» ва «Бинафша атри» романларида янги ерлар эвазига халқ бойлигини кўпайтираётган одамларни ва уларнинг характери, психологиясидаги шаклланаётган коммунистик белгиларни акс эттиради. Бунинг сабаби шундаки, худди мана шундай улғувор воқеалар кураш майдонида, тарихнинг бурилиш нуқталари ва чорраҳаларида халқнинг, инсоннинг характери, кимлиги, онги, психологияси намоён бўлади, ўзгаради, ўсади.

Энг муҳими шуки, Ҳамид Ғулом ўз романлари орқали адабиётга янги ижтимоий ва ахлоқий типдаги ижобий қаҳрамонни, ҳаётни ўз идеалига мослаб қайта қурувчи ижтимоий актив қаҳрамонларни олиб кирди.

Улар тарихни, ҳаётни янги изга солувчилар, инсоннинг турмуш тарзини қайта қурувчилар, коммунистик эртани яқинлаштиришга, коммунистик идеалларга ўз ҳаёти, борлигини бахш этган одамлардир. Бу қаҳрамонлар Ҳамид Ғулом романларининггина эмас, балки унинг бутун ижодининг марказида турган коммунистлардир. Коммунистлар образи унинг романларининг гоёвий-композицион марказини ташкил этади. Шунинг учун ҳам унинг романларида характерлар тўқнашуви кескин, конфликт таранг, фожиали ҳолатлар кўп, сюжетлари қизиқарли, романтик ва қаҳрамонона руҳ кучли. Ботирали, Ёзозхон, Сергей («Машъал»), Феруза («Сенга интиламан»), Ойниса («Тошкентликлар»), Азиз, Дилдор («Бинафша атри»), Масъуд («Мангулик») каби коммунистлар гоёвий етуклиги, мусаффолиги, принципааллиги, халқ иши ва коммунистик идеалларга содиқлиги билан жозибалидир. Ёнг муҳим томони Ҳамид Ғулом ўз романларида актив ва моҳир ташкилотчи коммунист аёллари образлари галереясини яратди. Ёзувчининг онаси прототиплардан бири бўлиб хизмат қилган Ойниса образи «Тошкентликлар» романининг устунидир. Ҳамид Ғулом мана шу қайноқ, бунёдкор ва жасур коммунистлар образи орқали социалистик ҳаётимизнинг бош, етакчи тенденцияларини ифодалайди, давримизнинг руҳи ва кўламини акс эттиради, тарих ва ҳаёт фалсафасини, ахлоқий сабоқларини ўртага ташлайди.

Ҳамид Ғулом ўз романларида, айниқса «Машъал»да Тарих, Шахс, Кураш, Вақт, Ахлоқ каби масалаларни бир бутунлигича қамраб олади, бу нарса асарни кенг тармоқли, кўп тақдирли ва кенг кўламли қилган. Ёзувчи «Машъал» романига халқнинг турли қатламидан турли тақдирли вакилларни киритган: унда эски тузумнинг ҳимоячиларидан, янги ҳаётнинг ашаддий душманларидан тортиб, совет тузумига яширинча кириб олган қўй терисини ёпинганларгача, адашганлардан тортиб то ҳаётда кўзи очилиб, ҳақиқатни топганларгача, қисқаси ёши, касби, дунёқараши, маслаги, йўли, мақсади турлича бўлган одамлар образи жой олган. Ёзувчи улар тақдирини ҳаққоний бадий таҳлил қилиш орқали социализмнинг енгувчи, ҳаётбахш қудратини очиб беради. «Тошкентликлар»да уруш даври драматизми асар қаҳрамонларининг ха-

рактарини белгилайди, асарнинг ўқимишлилиги ўша фожияли замоннинг голиблари бўлмиш совет кишиларининг руҳиятини чуқур таҳлил қилишдан ҳосил бўлади. «Бинафша атри»да ёзувчи ўз қаҳрамонларининг психологик оламини теран таҳлил этади, «Мангулик»да саргузашт сюжети асарни ғоят қизиқарли қилган. Ҳамид Ғулум ўз романлари билан бу жанрнинг имкониятлари чексиз эканлигини намоён қила олди.

Ҳамид Ғулум ўзбек комедиячилигининг ривожига ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўша олди. «Муҳаббат тантанаси» драмасини эътиборга олмаганда барча сахна асарларини комедиялар ташкил қилади. Ўз комедиялари билан Ҳамид Ғулум одамларимиз гўзаллиги ва ҳаётимиз ҳуснига соя солувчи қолоқликлар устидан кескин, аччиқ кулиб, коммунистик фазилатларнинг актив тарғиботчиси бўлиб чиқади. Агар «Тошболта ошиқ» комедиясининг 1965—69-йилларда минг мартадан ортиқ ўйналганини ва ҳозиргача сахнадан тушмаганини эътиборга олсак, бу асарнинг халққа ёқимли эканлиги ва айниқса томошабинларнинг эскиликни бир ёв сифатида идрок қилишини кўрсатади. Драматургнинг «Фарғона ҳикояси», «Ўғил уйлантириш», «Ажаб савдолар», «Дил кўзгуси» каби комедияларида (буларнинг ҳаммаси музыкали) янги онг, янги ахлоқ ва янги ижтимоий, оилавий муносабатлар тантанаси завқ билан намоён қилинади. Буларда Ҳамид Ғулум кулгили воқеа ва кулгили вазият, кулгили характер ва кулгили нутқ яратиш маҳоратига эга эканлигини кўрсатди.

Ҳамид Ғулум нашриёт директори сифатида ўзбек адабиёти, санъати ва маданиятининг бойишига жуда катта ҳисса қўшиб келмоқда. У кўпгина жаҳон классиклари асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимиз қўлига етиб боришига бош-қош бўлмоқда. Пушкин, Лермонтов, Л. Толстой, А. Чехов, Ф. М. Достоевский, Горький, Шолохов асарларининг, «Фауст», «Шоҳнома», «Дўзах», «Декамерон», «Рамаёна» каби юзлаб шоҳ асарларнинг таржима қилиниши маданий ҳаётимизда унутилмас воқеадир.

Ҳамид Ғулум ўзининг мана шу серқирра ва сермахсул ижоди билан, актив ва самарали ижтимоий фаолияти билан халқимизнинг катта ва самимий ҳур-

мат-аҳтиромига сазовор бўлди. Халқ ўзининг маънавий дунёсини бойитаётган, руҳини кўтараётган ва янги зафарлар сари илҳомлантираётган ижодкорлардан бири бўлмиш улкан адиб Ҳамид Ғуломдан миннатдор.

«Мен халқимга, партиямга, адабиётимга керакман — шу юксак туйғу кўксимни тоғдай кўтаради,— деб таъкидлайди ёзувчининг ўзи.— Шу ишонч ва ифтихор туфайли илҳомим булоқдай қайнайди, қаламим равон юради.

Халққа, ҳаётга яқинлик, жамиятга, одамларга кераклик ёзувчи учун бахтдир».

1979 йил.

Улкан шоир ва теран олим Мақсуд Шайхзоданинг ўзбек совет адабиёти ва умуман ўзбек маданиятининг ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс чўнг. Юксак шеърӣ маданият соҳиби бўлмиш Мақсуд Шайхзода шеърӣати тимсолида ҳозирги замон ўзбек поэзияси даражасини, унинг бойлиги ва ранго-ранглигини кўришимиз мумкин. Шарқ шеърӣати булоғидан, Маяковский ва Нозим Ҳикмат каби жаҳон революцион поэзияси мактабидан таълим олган Мақсуд Шайхзоданинг ижоди ўзбек адабиётида алоҳида ҳодисалар сирасига киради. У навоийшуносликка қўшган улуши билан ҳам, таржималари билан ҳам, ёки «Мирзо Улуғбек» трагедияси билан ҳам ўзбек маданияти тарихидан муносиб ўрин олиши мумкин эди. Аммо Мақсуд Шайхзода биринчи ўринда бетакрор, сероҳанг ва ёрқин овозли ўткир шоир эди. Мақсуд Шайхзоданинг воқеликни, инсонни ўзига хос равишда кўриши, идрок этиши ва бадий тушунтириши ёки бир сўз билан айтганда ижодининг пафоси унинг ўзига хос образлар силсиласини, образлар оламини вужудга келтирди. Бу образларда Шайхзода қалбининг барча оҳанглари ва ранглари, шоирнинг борлиғи мана-ман деб жаранглаб, кўриниб туради.

«Ҳар бир буюк шоирнинг,— деб ёзади Мақсуд Шайхзода, узоқ йиллар давомида яратиб берган талай асарлари ўзларининг мавзулари, ҳажмлари ва ғоявий қимматлари жиҳатидан хилма-хил бўлишлари мумкин. Аммо булардан қатъи назар, ўша шоирнинг ўзига хос бош ва асосий бир таронаси борки, буни буюк рус танқидчиси В. Г. Белинский пафос деб атайдди. Биз бу терминни ўзбекча жўшқинлик, ҳаяжон,

эҳтирос деб таржима қилишимиз мумкин. Пафос ҳам киши руҳидаги эҳтироснинг бир қўринишидир. Бироқ ҳар қандай эҳтирос ва ҳирс пафос бўлолмайди. Аксинча, баъзи кишиларда ёмон ишларга (қимор, шароб ва ҳоказоларга) нисбатан ҳам эҳтирос уйғонганлиги кўп учрайди». «Пафос дегани нима? — Белинскийнинг сўзларини келтириб давом этади шоир. — Ижод, бу эрмак эмас ва бадий асар бекорчиликнинг ёхуд қуруқ ҳаваснинг меваси эмас; у катта заҳмат билан қўлга киритилади. Зотан янги асарнинг уруғи қандай қилиб санъаткорнинг руҳига сингиб кетганини у ўзи ҳам билмай қолади. Она ўз батнида болани қандай парвариш қилса, санъаткор ҳам бадий фикр уругини ўз руҳида шундай аллалаб юради. Ижод жараёни аслида онанинг бола туғиш ҳодисасига ўхшайди. Бунда ҳам жисмоний бўлмаса-да, руҳий оғриқлар — дардлар кўп учрайди. Бинобарин, шоир ижоднинг машаққатли йўлига тушиб кетар экан, демак уни бу йўлга аллақандай қудратли куч, енгилмас эҳтирос қистаб мажбур қилар экан. Бу куч, эҳтирос — пафосидир...

...Пафос инсон руҳида гоё орқали оловланган эҳтиросдир ва у доимо ўша гоёга қараб интилади. Демак пафос руҳий, маънавий, осмоний бир эҳтиросдир!»

Мақсуд Шайхзода ижодининг пафоси нима? Совет халқининг қаҳрамонлигини ва инсоният тарихининг коммунистик жамият сари юришини акс эттириш шоир ижодининг пафосини ташкил этади. Шоирдаги ҳамма мавзулар, ҳамма образлар ва гоёлар шу бош, етакчи, асосий ўзакка келиб туташади. Шоир «Трамвайчи хотин» шеърида «Бу кукнинг қаҳрамонлик тарихини тўқисак», деса, Қутб қаҳрамонларига» шеърида шеъриятга мурожаат этиб, «Сен ботирлар мардлигини куйлагил, эй газалим!» дейди. Бошқа бир шеърида ўзини «мен коммунизм солдати» дейди («Чегара»). «Шу масала» шеърида бош масалани бундай тушунтиради: Асрнинг бош масаласи,

Замон сўзи,
Яхшиликнинг нур-кўзи,
Дуғёнинг чин масаласи
Бугунги кун масаласи —
Тарихларнинг улугвор

Борди-ю Мақсуд Шайхзоданинг ўз таржимаи ҳолида ёзган «Ўзбек тупроғини қайтадан эккан илк тракторларнинг мадҳиясидан бошлаб фазо йўлларини айланувчи олтин кемалардаги сайёҳларни тараннум этишгача барча муҳим ҳодисалар, халқимизнинг меҳнат қаҳрамонлиги, партиямизнинг улуғвор шиорлари, кураш ва жанг, озодлик ва дўстлик, бахт ва алам, юртнинг гўзал манзаралари ва инсоннинг маънавий жамоли менинг қаламимга ошно, дилимга мазмун бўлиб келди», деган сўзларини ҳам эсласак, шоир ижодининг пафосини янада аниқ тасаввур эта оламиз.

Мақсуд Шайхзоданинг ўзига хос услубини келтириб чиқарган ва белгिलाган бош омил худди шу ерда, яъни шу пафосда. Бу ўзига хослик нимада?! Воқеликни бир бутунликда, кенг тарихий кўламда, яъни кечаги, бугунги ва эртанги куни билан яхлитликда актив идрок этиш, истиқболга ошиқиш, коммунистик гоявийлик, шахсий кайфият билан ижтимоий руҳни, фикр билан туйғуни, жанговар публицистика билан теран фалсафий мушоҳадани уйғун қўша олишлик, руҳий тушунчани жисмоний шаклга сола олиш, мисраларни ўз сўзи билан айтганда «маънан, фикран ва суратан боғлай» олишлик, шаклда, вазнда, образда ва сўзда дадил янгиликка, оригиналликка интилиш Мақсуд Шайхзода услубига хос белгилардир. Шоир бир шеърида «Эркдан тердим шеъримнинг вазнин», деса, иккинчи бир асарида «Наср — оғир қадам, назм — чопоғон», дейди. Унинг шеърининг оҳанги, ритминини ана шу чопоғонлик, суръат белгилади.

Мақсуд Шайхзода ижодининг пафосини ва унинг шахсий услубидаги мазкур ўзига хосликни (биз диққатни тортмоқчи бўлган образлар силсиласини) вужудга келтирган омил қаерда деган савол туғилади. Бу — Мақсуд Шайхзода туғилиб вояга етган муҳитда, қайноқ ҳаётда эди. У революцион давр фарзанди эди, шу улуғвор ўзгаришлар оловида унинг онги, дунёқараши, характери шаклланди. Мақсуд Шайхзода бой революцион традицияларга эга бўлган Боку шахрида тугилди, ўз даврининг илғор зиёлиси бўлмиш отаси-

нинг ҳам унга таъсири катта бўлди. Айниқса Бокуда учинчи синфда ўқир экан, мактабда машҳур инқилобчи Наримон Наримонов билан учрашув бўлади, Мақсуд уни табриклайди. У Мақсудни қучиб, кўтариб «пешонасидан ўпади ва иқбол тилайди», бу «илк бор коммунист билан саломлашиш» Мақсудга таъсир қилади, шу кеча унга бағишлаб шеър битади. Кейинча ёзган бир шеърида бу воқеани «дилига нақш бўлган замон муҳри» тарзида хотирлайди шоир. Ёшлигидан қаҳрамонлик ва романтикага мафтун бўлган Мақсуд революционер коммунистларни ниҳоятда севарди. Улар туфайли, дейди шоир «содда буюкликнинг ва инқилобий романтиканинг мафтун бўлган эдим», революционерлар билан учрашувлар «ёш авлодда чуқур революцион жўшқинлик руҳи туғдирар эди», дейди.

Шоир очиқдан-очиқ мана бундай дейди:

«Менинг илк ёшлик даврим ҳам доно коммунистларнинг муҳотида ва тарбиясида ўтганлиги билан фахрланишга ҳаққим бор. Тошкентдаги ўқиш, ишлаш ва ижод йилларим коммунистик идеалларнинг ҳаёт билан қовушадиган даври бўлди». Мақсуд Шайхзода яна бошқа ўринда бундай таъкидлайди: «Мен, бизнинг ўзбек совет поэзиямизда «ёши катталар» деб аталган шоирлар авлодига мансубман. Бу авлод йигирманчи йилларнинг романтик ҳавосида қад кўтарган, ўттизинчи йилларнинг қурилиш маъракасида пишиққан, қирқинчи йилларнинг жанг синовида суяги қотган ва эллагинчи йилларнинг тинч ижод муҳотида активлик кўрсатган авлоддир. Бу авлод коммунизм қурилишига туташиб кетган олтмишинчи йилларнинг буюк илҳомбахш вазифалари билан жўшаётган «эски гвардия»ни ташкил этади».

Ана шу буюк воқеалар Мақсуд Шайхзода поэзиясида худди шу ўзгаришларни ифодалашга қодир, уларга мос образларни туғдирди. Бу Тарих (яъни Кеча, Бугун ва Келажак), Харита (бунга Ер ва унинг бир қисми СССР киради), Йўл, Кема-Карвон, Суръат, Сафар, Ленин-Партия, Манзил-Коммунизм образлари бўлиб, буларнинг ҳаммаси Вақт ва Рақам образлари таркибига киради. Нега бу образлар Мақсуд Шайхзода ижодида ҳоким ва улар ўзаро жипс боғланган?! Шоир инсоният тарихини бир бутунлигича кечаги куни, бу-

гуни ва эртаси билан тасаввур этади, унга олдинга муттасил ҳаракат қилувчи ҳодиса сифатида қарайди. Тарих эса ер юзидаги инсонлар тарихи, биринчи галда шоир нигоҳи совет халқлари тарихи, тақдирини назарда тутайди, у гўё катта карвон ёки кема бўлиб, тарих йўлида олға томон — аниқ бир манзилга, яъни коммунизмга тез суръатлар билан кетмоқда, бу карвонни Ленин ғоялари ва коммунистик партия етаклаб бормоқда. Вақт жиловчи ана шу совет кишилари ва унинг партияси қўлида. Шоир ҳамма нарсани — тарихни ҳам, бугун ва эртани ҳам, ер куррасини ҳам, одамларнинг меҳнати, фаолияти, ниятлари, ҳислари-туйғуларини — ҳамма-ҳаммасини вақт тарозусига солиб аниқ ўлчайди. Шоирнинг ўзи «Эртаги куннинг конкрет сиймосини тўғри тасаввур қилиш учун бу куннинг тарихий-мантиқий жараёнини яхши билиш лозим», дейди. Яна бошқа ўринда у ёзадики, «Куннинг ҳодисаларини истиқболнинг сезгир меъёрлари билан ўлчаб олган ёзувчи кўп узоқларни кўра олди ва шу узоқ манзилларни яқинлаштиришга интилди». Унинг Ҳамза ҳақидаги бу мулоҳазасини ўзига ҳам тадбиқ қилиш мумкин. Мақсуд Шайхзоданинг ҳаётни — тарихни вақт ҳажми билан ўлчаши унинг ўз китобларига «Ўн беш йиллик дафтери» ёки «Чорак аср девони» деб сарлавҳа қўйишида ҳам кўриш мумкин. У «Рақамлар» номли шеърида «Мен на мунажжимман ва на ҳисобдон ва лекин кўраман сонлар мағзида осмонча маънолар, юртни ободон», дейди. Рақамлар романтиги бўлмиш шоир «Рақамларнинг ҳуснига доир» шеърида «Рақамлар бахтимизга порлоқ юлдузни ато қилади», «У чоқ саналар бўлиб жамулжам коммунизм қураб мужассам» деб партия ва халқимиз режаларининг ҳаётий эканлигини таъкидлайди. У ҳар дақиқа, минут, соат, ҳафта, ой, йил, асрларнинг қиммати уларнинг жисмоний вақт узунлиги билан эмас, балки мазмуни — инсоният манфаати учун келтирган фойдаси билан ўлчайди. «Шу ўлчовсиз оламда куннинг бирон зарраси беиз учиб кетмаяжигига» ишонган шоир ўз «асридан — тарихларнинг соатларни тўғрилаб куррамизнинг йўналишини тезлатган Октябрь асридан рози» бўлади. «Йилларнинг саломини йилларга элтиб...» шеърида шоир «Замон кун соними ёки планми?» «Йиллар бир-бирига тенг келармика?»

«Йилни нима билан ўлчамоқ мумкин?» деб саволлар ташлайди ва мазкур йил «коммунизмга ёлчитиб ишлагани» учун гарчанд «Вақтга инъом бериш ҳозир расм» бўлмаса-да, унга гуллар бериб, «кўкрагига меҳнат орденини тақиб» қўяжагини айтади. Шоир абстракт вақтни конкрет жисмоний нарсага айлантириб, суратини чизиб бериш қобилиятига эга. «Октябрга» шеърида Октябрни инсон тарзида идрок этади: ички душманлар ва ташқи интервентларни тор-мор келтириб, «бутун оламлар тан берган» даврда уч яшар бола эдинг, «ўсмир чоғларингда қурдинг уйингни» — социализмни, фашизм юртимизга бостириб кирганда («кексайган мастлар») «сен йигирма беш ёшга кирган навқирон», «Жаҳоннинг ягона алпи» «Умрингда аердан бир чорак йигит», «асрлар умри» сенга ёр деб ёзди. Шу уруш йили ёзган бир шеърида СССРни душманга ҳамла қилиб турган арслонга ўхшатади. Бунда СССР харитасини образга айлантиради ва «Арслон ёлли қизил харита», «Азиз танда яраларинг бор, меникидир улар» дейди. Жойи келганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Мақсуд Шайхзода ўзини ижтимоий-сиёсий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан энг илгор мамлакатнинг шоири деб ҳис қилади ва шунинг учун жуда кўп образларни илм, техника ва маданият олаmidан олади. Маркс ҳақида шоир ёзади:

Улмасликдир андоза!
Бир мушт,
Тарих шахматиди
Ёвга деди:
«Кишт!»

Ёки ушбу мисолларга диққат қилайлик:

Оқ денгизни шоҳлаган Африканинг калласин
Этик бўйли Италия эзмакда.

Яна:

Мана бу —
Эртанинг
Борлиги — феъли,
зарб 2 нинг
Якуни каби.

Ёки:

Парвоз тортолмас бу ҳисий.

Яна:

Шунча қуюқ эди тунги қоронғу,
Ҳовучлаб кафт ичра сиққулик гўё.

Ёки:

Бу шаҳарда хиёбонлар маснавийдек қўш, ёндош.

Яна: Ҳасану Ҳусандир ошиқ ва қўшиқ.

Ёки:

Октябрь инқилоби бағоят улкан —
Ленин ўзи яратган зап асар экан!

Яна:

Битта нуқта қўйилганда кундузнинг эпосига,
У ҳам охир чўкиб кетди зулматга ёппасига.

Охирги бир мисол. Совет танкини девга ўхшатиб дейди:

У совутли бир девдир,
Девни эгарлаб ботир.
Уфқларга сурмоқда,
Аждарларни қирмоқда,
Яъжуж бўйин узмоқда.

Биз диққатни бу ердаги таносиб санъатига тортмоқчи эмасмиз (бундай санъатлар Мақсуд Шайхзодада жуда кўп, сўзимизнинг бошидан охиригача фикр юритаётган образларимиз ҳам мазмунан бир-бирига узвий алоқадор, мутаносиб). Мақсуд Шайхзода дев образини бу ўринда ижобий маънода ишлатади. Шоир ўз шеъри ва дев образи хусусидаги илмий мулоҳазасида бу образ ҳар вақт ҳам салбий маънода келавермаслигини исботлаб, уни «озодликка олиб чиқади. «Ширин билан Шакар» достони тўғрисида сўзларкан, бундай мулоҳазани ўртага ташлайди.

«Шу жумладан бу дostonдаги девларнинг функциясига чуқурроқ назар ташлайлик. Агар аждаҳо босқин-

чи, золим, қонхўр бўлиб яратилган бўлса, девлар зўр қувватга эга, бир кечасию кундузда мужассам қўргонлар солишга қодир, тэг ичини ёриб у ерда шаҳарлар, кошоналар, саройлар қурувчи ижодчи, яратувчи, ихти-рочи унсурлардир. Улар Гулгун парининг амри билан Шакарнинг ҳамма кишиларини осмонга кўтариб, бир кунда Қуёнқи шаҳарига элтадилар. Шу характери-тика девларнинг ҳамма вақт бўлмаса ҳам, бирмунча ми-солларда ижобий бир функцияга эга бўлганини кўрса-тади. Бундай яратилган девлар сиймосида меҳнаткаш халқнинг табиатни ўзига итоат эттириш идеали, ижод ва ихтиро тилаклари ва иқтидори гавдалангандир». Бизнингча, шоиримиз ҳақ ва бу мулоҳазаларга суяниб эртақ, дostonларда учровчи семург ёки аждаҳо образ-ларига ҳам конкрет асар материали ва гоъвий ниятдан келиб чиқиб ёндашмоқ керак.

Яна Мақсуд Шайхзода ижодидаги Вақт талқинига қайтайлик. У 1960 йилнинг 27 сентябрида Муқимий саёҳатига ўхшаган бир саёҳат қилади. Шоир Бешёғоч-дан то Навоий театрига қадар (Фурқат — Навоий — Қизил Майдон орқали) бир соатлик саёҳат қилиб, «Бир соатлик саёҳатнома» деган мақоласида шу бир соатда узоқ ўтмиш билан совет ҳукумати йиллари мазкур жойларда юз берган улуг фарқни тасвирлаб беради. У «маълум бир муҳлат доирасидаги ҳодисаларни таққос-лаб кўриш» орқали «замонамизнинг ҳар куни илгариги йиллар, балки асрлардан кўра сермазмун ва сермаъни-роқдир», деган хулосага келади. «Дунёда кўп йиллар-нинг гувоҳи бўлган бир киши учун, — дейди шоир, — бир кунни ва шу қаторда бугунни тарихдан узиб олиб қараш амримаҳол! Чунки ҳар бугунги кеча билан эрта ўртасида қўйилган кўприк узоқ йиллар карвонининг сафардаги бир манзилдир, холос!»

Бу ерда Мақсуд Шайхзоданинг ҳаётга, воқеликка, тарихга ёндашишидаги принципи яққол кўриниб ту-рибди. Шу жумлада ҳам унинг сеvimли образлари Та-рих, Кеча, Бугун, Эрта, Йил, Карвон, Сафар-Манзил турибди. Шоир назарича тарих олға ҳаракат қилади, «Тарихнинг хўжайини ишчилардир», улар жаҳонда «янгидан бир тарих бошлади».

Вақт учундир юрмоқлик пеша —
Куррамизнинг меҳварисимон.

Ќоатсиз ҳам миннутлар, йиллар
Ўз кезини босар муқаррар.
Замон қайтмас, замон ушланмас,
Замон юрар, ортар ҳар нафас.

Замоннинг, тарихнинг олға юриши билан боғлиқ ҳолда шоир шеъриятида Йўл, Кема, Карвон образлари туғилди. «Қаранг, Коммуна йўлида бирга сафардош», «Чин қаҳрамон — коммунизм қурувчисиدير, чин йўловчи — шу манзилнинг юрувчисиدير», «Коммуна карвонининг бош кемасида сузаман» мисраларидаги образлар шоир қалбининг ифодасидир. Шоир Ленин ва Тарих, Партия ва Тарих, Ленин ва Коммунизм масалаларини жуда теран талқин қилади. «Тарихнинг мағзини «мақсадим» дея, тортган у доҳий мия», дейди. Ленин «вақтларнинг оқинига ҳоким бўлганди» ва у куррани коммунизм сари етаклади. Доҳийнинг инсониятга қилган яхшилиги шу қадар каттаки, уни тортгани тарози йўқ:

Унинг вазмин баҳосини
Тош бўлса курра ўзи
Тортгали
На рақам етар,
На кўтарар тарози...
Шубҳасиз.

Кўп улуг Ленин.
Чунки ҳақ улуг!
...Буюкликнинг ўлчаш учун
Тарих бермиш ижоза:
Доҳийларнинг имтиҳони
Ўлмасликдир андоза!

Дарвоқе Мақсуд Шайхзода инсон умрининг мазмунини унинг узоқ яшашида эмас, балки прогрессив инсоният, ўзининг халқи манфаатига етказган фойдасининг ҳажми билан ўлчайди. «Ҳакимнинг ҳисоби» шеърисида шоир саксонга кирган ҳаким умрининг ўттиз йили уйқуга, олти ёшгача саводсизлиги ва яна олти йил илм олиш учун сарф бўлганини, шундан қолгани

халқ фойдасига хизмат этганини айтади ва «Мазмунига қараб ўлчанади умрлар» деган хулосани чиқаради. «Капитан Гастелло» манзумасида ватани манфаати йўлида кўрсатилган оний жасоратни бир асрлик умрдан афзал деган ғояни олға суради:

Умрлар бўладики,
Тиригида ўликдир,
Улимлар бўладики,
Ўлган одам тирикдир...
Мен яшамоқ истайман
Бир асрча муттасил,
Аммо ўлсам, розиман.
Гастеллодай мард, асил.

Бу ерда жуда катта ҳаётий фикр, фалсафа ётибди. Шоирнинг «Йўқ, мен ўлган эмасман» шеърида ҳам инсон эзгу ишлари билан абадий тирлик, деган ғоя бор.

Бу фикрларнинг остида инсонни халқ, Ватан ва келажак учун фидокор бўлишга чорлаш ғояси ётади, шунинг учун ҳам шоир «замонга бизмиз жавобгар» деб кескин таъкидлайди. Мақсуд Шайхзода ўз ғоявий нияти учун Тарихни — Вақтни қайтара олади, яқин келтира ёки тескарилай олади. Жисмоний Вақт билан бадиий Вақт ўртасидаги фарқ ҳам шу ерда. Ёзувчи яратган бадиий Вақт жисмоний, конкрет тарихий Вақтнинг айнан ўзи эмас. У ўз фантазияси орқали Тарихни, ўтган Вақтни ёки келажакни шу бугунги кунга келтириши мумкин. Мақсуд Шайхзода «Фарҳодга хат» шеърида «Модомики йиллар қўймас олдинга борай, асрларни тескарилаб нома юборай», дейди. У Фарҳод билан юзма-юз туриб сўзлашади (Навоий ҳақидаги шеърида ҳам шу усул бор). Ёки 1941 йилда ёзган «Берлинда суд бўлғуси» шеърида фашизмни адолат суди курсисига ўтқазиб, айблайди ва «тарихнинг ҳукми ҳам ўқилғусидир» деган ишончни билдиради. Шоир бу шеърида бир неча йил олға кетади ва шу келажакни олдинга суриб тасавеур этади. Бу ерда унинг зўр оптимизми йўлбошчилик қилиб турибди. Вақтни яқин келтириш ва уни ўз ғоявий ниятига хизмат эттиришнинг ажойиб намунаси Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» траге-

диясида ҳам бор. Драматург Улугбек образининг қирраларини очиш мақсадида Пири Зиндоний орқали эллик йил аввалги воқеани — сарбадорлар воқеасини эслайди. Пири Зиндоний билан Улугбек бу хусусда баҳс юритади. Бу баҳсда Улугбекнинг шоҳлиги устун келади ва бобоси Темурнинг қилмишини қувватлайди:

Улар Темур хонадонининг ёвуз душмани,
Бундай овоз зиндонлардан чиқмай бўғилар,—

Улугбек ва Пири Зиндонийни яна зиндонга ташлатади. Қачонки тахтдан ажралиб (олимлик фазилати ҳокимлик қилиб) ҳокимиятни ташлаб кетаётганда охирги фармонга имзо чекади: бу Пири Зиндонийни озод қилиш хусусида эди. Мақсуд Шайхзода Темурни ҳам тирилтиради ва Улугбек билан мулоқотга киритади. Темур неварасига қараб «Ўғлим, сенинг иродангни еб қўйди китоб», «Инсоният тарихининг қалами шамшир», дейди. Шу пайт Пири Зиндоний қўлидаги болға билан Темур қиличини уриб ерга туширади. Бу тарихлар кесишмасида, вақтлар учрашуви ва тақдирлар тўқнашувида ёзувчининг эзгу нияти ва катта фалсафий қараши ётибди. Бугина эмас. Асарда Мақсуд Шайхзода Вақт образидан Улугбек билан Абдуллатиф ўртасидаги конфликтни кескинлаштирувчи омил сифатида ҳам фойдаланади. Абдуллатиф Улугбекнинг бирдан-бир меросхўри. Лекин реакцион кучлар тезроқ бу қўғирчоқнинг тахтга ўтиришини истайдилар, оқпадар фарзанд ҳам. Абдуллатиф ўйлайди: «бу бахтга қачон эришади?» «Неча-неча йиллардан кейин, Балки беш йил, балки ўн йил, балки ўттиз йил», «Шоҳрух Мирзо падарлари Амир Темур ҳам етмишлардан оширдилар умр манзилин», «Аммо унда ҳали қариш аломати йўқ». Шу гулгула унинг отасига бўлган хуружини янада тезлаштирди. Асардаги яна бир нуқтага диққат қилайлик. Абдуллатиф тарафдорлари Улугбек ва унинг севгилиси ўртасига ғов ташлаш учун Ферузани Аббос билан яқин деган тўхматни ёйишади. Улугбек юрагининг қат-қатида бунинг сабаби ўзининг қарилигида бўлса керак, деган фикр туғилади. Ферузага қараб «Ҳа, албатта табиатнинг бор ўз қонуни, соч оқарди,

дил богида бошланди хазон, кўзда энди яшин эмас, сўнаётган шам. Сен бошқасан! Сен баҳорнинг ҳамал ойисан. Кундан-кунга авжга чиқар сенда ҳарорат» дейди. Кўриниб турибдики, Мақсуд Шайхзода Вақт образи орқали ҳам конфликтни кескинлаштиради, ҳам сюжетни ўстиради, ҳам характерларни очади. Вақт образи ва унинг таркибига кирган образлар силсиласи улкан шоир образлар оламининг бир улуши холос. Лекин шуларда ҳам унинг ўзига хос овози, сози ва бўёқлари равшан кўриниб турибди.

1980 йил.

Биз Иззат Султоннинг бадий ижоди хусусида фикр юритмоқчимиз. Драматург Иззат Султон устунми ёки олим Иззат Султон устунми деган фикрни ўртага ташламоқчи эмасмиз. Бу — ўринсиз баҳс бўлурди. Унинг икки йўналишдаги самарали фаолияти бир олманинг икки томонидай гап ёки ягона қалбнинг икки усулда зуҳр этилиши демакдир. Борди-ю, шундай мунозара тугиладиган бўлса, бунинг заминида битта катта ҳақиқат ётгани, яъни Иззат Султоннинг ҳам драматургиямизда, ҳам адабиётшунослик илмимизда беистисно катта ва муҳим ўрни борлиги яна бир бор исботланади. Бундай баҳс Иззат Султоннинг икки йўналишдаги ижодий фаолиятининг бир-бирдан қолишмайдиган қимматга эгаллигини тасдиқловчи далилдан бошқа нарса эмас. Шундай баҳсга сабаб бўлса, қувонч ва ғурур билан айтиш мумкинки, бу — драматург ва олим Иззат Султоннинг катта бахтидир.

Бироқ Иззат Султоннинг олимлик ёки драматурглик фаолияти тўғрисида фикр юритишнинг ҳам қийин, ҳам қулай томони бор. Ахир у ўзбек совет адабиётшунослиги бешигини тебратиб келаётган забардаст олимларимиздан бири; республикамизда у адабиёт назариячилигининг отаси сифатида тан олинган ва илмининг чуқурлиги, кўлами жиҳатидан иттифоқ адабиётшунослари даврасидан ўрин олган етук, улкан тадқиқотчидир. Иззат Султон ўзбек адабиётида социалистик реализм методининг туғилиши ва ривожланишини теран ва чуқур ёритиб берган тўнгич адабиётшунос. Унинг Алишер Навоий ҳақидаги, айниқса ўзбек совет адабиётининг бош, муҳим илмий-назарий масалаларига бағишланган жиддий ва принципиал мақолалари ҳам адабиётшунослигимиз, ҳам адабиётимиз та-

раққиётига актив ёрдам бериб келмоқда. У бадий ижод қонуниятлари, бадий асар мазмуни, гоёси ва шакли хусусида ҳам назариячи, ҳам бевосита унинг вакили — амалиётчи сифатида фикр юритади. Бу маънода Иззат Султоннинг драма жанрига бағишланган илмий мақолаларини унинг узоқ йиллик илмий кузатишлари ва бадий изланишларининг синтези — ҳулосаси, якуни, қаймоғи дейиш мумкин. Адабиёт, санъат тарихида бундай фактлар, ҳодисалар кўп учрайди: олим ва ёзувчи, драматург ва режиссёр, сценарист ва артист, актёр. Назарий ва амалий изланишларнинг порлоқ натижаси сифатида майдонга келган боқий асарлар адабиёт оламида истаганча топилади. Эҳтимол, Иззат Султоннинг ўзбек драматургияси, ўзбек саҳнасидан боқий ўрин олган асарларининг майдонга келиши унинг ўткир адабиёт назариячилигига ҳам боғлиқдир.

Иззат Султон тўғрисида, хусусан унинг драматурглик фаолияти борасида фикр юритишнинг қулай томони ҳам шундаки, олимнинг драма жанри табиати ва хусусияти ҳақидаги қарашлари, фикр-мулоҳазалари, ижодий принциплари «Драма» деган мақоласи ва бошқа ишларида («Адабиёт назарияси» китобларида) ифодаланган. Булар Иззат Султон драматургиясининг сирларини очишда калит вазифасини ўташига шакшубҳа йўқ.

Ўзбек драматургиясининг тарихини, унинг бугунги кунини Иззат Султоннинг номисиз тасаввур этиб бўлмайди. Унинг Уйғун билан ҳамкорликда яратган «Алишер Навоий» драмаси қирқ йилчадан буён саҳнадан тушмайди. «Бургутнинг парвози», «Номаълум киши», «Фидойи» (киносценарий), «Истеҳком» асарлари билан ўзбек драматургиясида тарихий-революцион теманинг янги-янги қирраларини намойиш қилди, «Имон», «Кўрмайин босдим тиконни» каби асарлари билан ахлоқий масалаларни чуқур ижтимоий планда теран бадий таҳлил этди.

Иззат Султон драмалари тарихий темага ёки тарихий-революцион мавзуга бағишланадими, ё бўлмасам шу куннинг ижтимоий-ахлоқий масалаларини бадий талқин қиладими, бундан қатъи назар, уларнинг ҳаммасини бирлаштириб турувчи ягона пафос, умумий руҳ, муштарак фазилат мавжуд. Иззат Султон адолат

учун, ҳақиқат учун, илғор ғоялар, юксак идеаллар учун, биринчи навбатда социализм ғоялари, коммунистик эътиқод учун ўзини фидойи қилган курашчан одамларни тасвирлайди. Ҳаётни, шароитни, муҳитни ўз идеалларига мослаб ўзгартиришга уринган ва борлигини келажакни яқинлаштиришга бахш этган унинг ижобий қаҳрамонлари учун бош фазилат қаҳрамонлик бўлиб қолади. Унинг қаҳрамонларида романтик туйғунинг чуқурлигининг боиси худди шу ерда. Бу образларнинг ёрқин, бир бутун, жозибали бўлишининг туб илдизи шу ерда. Унинг тарихий ва тарихий-революцион мавзудаги асарларидаги монументалликни, патетикани вужудга келтирган ва ниҳоят Иззат Султоннинг қаҳрамонона драма услубий йўналишга мансублигини таъминлаган бош асос шу ерда.

Иззат Султон ўзининг назарий ишларидан бирида ҳаётни азим дарёга ўхшатиб туриб, «шу дарёнинг тезоқар, энг нишоб жойлари — драманинг тасвир предмети»¹ дейди. Инсон шу «нишоб жойлар»ни тасвир этиш орқали драмада ўз дардини изҳор этади, бутун жамият учун зарур сабоқлар чиқаради¹, дейди. Бу драманинг эпос ёки лирикадан фарқланувчи белгиларининг муҳими. Иззат Султонни драматург сифатида кундалик оддий ҳаётдаги «нишоб жойлар», «шиддатли моментлар»гина эмас, балки кўпроқ кишилик тарихидаги, ижтимоий жамиятлар тарихидаги энг қайноқ, энг кескин даврлар ва энг катта бурилиш нуқталар қизиқтиради. Шахс тақдирига, инсон тақдирига ҳам худди шу мезондан чиқиб қарайди ва унинг ҳаётининг шу «нишоб жойлари»ни тасвирлайди.

«...Ҳаётнинг мураккаб ҳодисаларида инсон учун фойдали сабоқлар кўп бўлади,— деб ёзади Иззат Султон,— Гегель Геродот келтирган юқоридаги байтни эслар экан («Спартага келган сайёҳ, халққа айлагин хабар, Бизлар бунда ватанни деб тупроқ бўлди сарбасар», деган байт — С. М.); у байтнинг поэтик ижодга мансублиги аломати қилиб, унда чуқур ва олижаноб мазмун (спарталикларнинг ватанпарварлиги) мавжудлигини қайд этади: инсон ҳаётидаги қалтис, шиддатли, драматик ва фожиали моментларда ҳаётнинг қонунийлари ва инсоннинг фазилатлари алоҳида бир ёрқинлик билан намоён бўлади. Тарихда инқилобий давр-

¹ Адабиёт назарияси, II том, Тошкент, 1979, 279-бет.

ларнинг ўзига хос бир динамик кучга эга экани ҳақида К. Маркс томонидан айтилган сўзлар («инқилобий даврлар — тарих локомотиви») инсонлар ҳаётида из қолдирган ҳамма катта воқеаларга ҳам у ёки бу даражада тадбиқ этилиши мумкин. Шундай тарихий воқеалар Эсхил, Софокл, Шекспир, Корнель, Шиллер, Пушкин, Ҳамза, Вишневский каби машҳур ёзувчилар драматик ижодининг мазмунини ташкил этиши сира ҳам тасодифий эмас, албатта. Бундай тарихий даврлар материалида кўпинча драманинг типик ва мукаммал шакли бўлган трагедия яратилиши ҳам бежиз эмас. Чунки бундай даврларнинг энг яхши кишилари саргузаштида инсоният учун энг кўп сабоқ бор»¹.

Бу сўзлар Иззат Султоннинг нима учун Навоий ва унинг даврига қизиққанини, 1905 йилдаги Туркистондаги воқеалар («Номаълум киши») ёки Фурқат замони («Шоирнинг қалби»), айниқса Октябрь социалистик революцияси ва босмачиларга қарши кураш даврини бадиий таҳлил этишга иштиёқ қўйганини англашга ёрдам беради («Бургутнинг парвози», «Фидойи», «Истеҳком»). Ўтмишни ҳозирги кун ва келажакнинг мақсад-вазифалари учун бир сабоқ тарзида эҳтирос ва муҳаббат билан бадиий таҳлил этиши Иззат Султон ижодининг чуқур замонавийлигини белгилловчи омил ҳамдир. Муаллифнинг халқимизнинг қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва инсонпарварлик анъаналарини ғурур ва эътиқод билан тарғиб этиши ҳам унинг ўз замондошларининг маънавий талаб-эҳтиёжлари, орзу-идеаллари билан нафас олишининг натижаси эди.

Дарвоқе «Алишер Навоий» ва «Бургутнинг парвози» пьесаларининг инсоният тарихидаги энг даҳшатли ва шафқатсиз жанг йиллари — Улуғ Ватан уруши даврида майдонга келиши ҳам бежиз эмасди. Гап «Алишер Навоий» пьесасида талончилик, адолатсиз урушларни кескин қораловчи линиянинг ҳам мавжудлигидагина эмас, асар бутун бошлигича адолат билан зулм ўртасидаги муросасиз курашга, ёмонлик билан яхшилик, илгор, олий туйгулар, юксак орзу-истаклар билан жаҳолат, маразлик, қолоқлик, пасткашлик, ифлослик ўртасидаги ўткир конфликтга бағишланиб, табиатнинг гултожи бўлмиш Инсон ва унинг эзгу ғоя-

¹ Ўша асар, 278-бет.

лари улуғланади. Асарда Навоий ўз даврининг энг илғор ғоялари учун актив курашувчи буюк шахс сифатида талқин қилинади: унинг характери, ундаги барча олий фазилатлар юксак мақсад-идеалларига ғов бўлган кучларга қарши кураш жараёнида намоён бўлади. Иззат Султон ибораси-ла айтганда, «Навоий ва Улуғбекларнинг фожиаси — уларнинг ички дунёсидаги софлик, олижаноблик ва гуманистлик билан ташқи дунёда бу фазилатларга қарши турган тарихий шароит (фақат шахсларгина) орасидаги қаршилиқдир»¹. Ана шу қаршилиқни енгишга интилган Навоий образида қаҳрамонлик руҳи бўртиб туришининг сабаби шу ерда. Муаллифлар Навоий тимсолида XV асрнинг илғор тенденциясини, ижтимоий ҳаётнинг олға ҳаракатини ифодалайдилар. Айни чоқда ўша даврнинг руҳи, ҳаётининг кенг манзарасини, моҳиятини чуқур ва атрофлича кўрсатиш учун муаллифлар асарга халқнинг ҳамма тоифаси вакиллари, турли касбдаги, турли тақдирдаги одамларни олиб киради. Унда подшолар, вазирлар, беклар ҳаётидан тортиб шоирлар, рассомлар, тарихчилар, меъмор, навкарлар, оддий меҳнаткашлар ҳаётигача қамраб олинган: давлат миқёсидаги масалалар билан оилавий ҳаётга боғлиқ масалалар биргаликда узвий талқин этилади. Энг муҳими асарда ёрқин типлар яратилган, улар учун ўзларига мос, қабарик характерлар топилиб, чуқур психологик таҳлил этилган. Лекин буларнинг ҳаммаси, асарнинг бошидан охиригача бетиним таранглашиб борган драматик конфликт ва ранго-ранг трагик коллизиялар ҳам бош образ, бош ғоя учун хизмат этади. Айтайлик, Гули образисиз на Навоийнинг ахлоқий оламини ва на XV асрдаги оила — муҳаббат — эрк масалаларига муносабатни тўла ёритиб бўлади. Ёки Ҳусайн образини унинг маслакдошлари, уни инқироз сари етаклаган Мажиддин, Музаффар, Мансурларсиз мукаммал чизиб бўлмасди. Навоийнинг дўстлари ва қариндошлари образлари ҳам ўша даврнинг нурли томонларини, ҳам фожиаларини намоён қилиш учун актив ёрдам беради. Шу маънода асардаги момументаллик-классик драмаларга хос фазилат (Шекспир ва бошқа), яъни воқеликни кенг кўламда қамраб олиш, турли тақдирли одам-

¹ «Адабиёт назарияси», II том, Тошкент, 1979, 298-бет.

ларни асарга олиб кириш, бир қанча линияни ўзаро узвий бирликда кўрсатиш, ўткир драматик тўқнашув, қизиқарли интригалар билан кучли ички коллизияларни бир-бирининг натижаси, бир-бирига боғлиқ ҳолда бериш, воқеа бўлаётган жойнинг географик кенглиги ҳамда вақт чегарасининг катталиги ва бошқалар тўла ўзини оқлаган.

Давр, биринчи навбатда ҳозирги замон театри талаби билан бошқа ижодкорлар фаолиятида содир бўлаётгандек Иззат Султон пьесаларида пардалар ихчамлашиб, қисқа вақтга катта ҳаётини мазмунини сиғдириш тенденцияси келиб чиқди. «Алишер Навоий» беш парда ўн кўринишдан, «Бургутнинг парвози» тўрт парда, етти кўриниш, пролог ва эпилогдан иборат эди. Булар саҳнада 3—4 соатни талаб қилар эди. «Имон», «Кўрмайин босдим тиконни», «Истеҳком» асарлари икки пардадан ташкил топиб, икки соатчада ўйнаб бўлинади. Буни Иззат Султон бундай изоҳлайди: «Замонамизнинг томошабинлари ҳаётида кино катта роль ўйнагани ва уларнинг эстетик дидини шакллантиргани сабабли спектаклларнинг давоми (узунлигини) киносенсалар давомига яқинлаштириш тенденцияси сезилади. Тўрт ва беш пардали драматик асарларнинг бугун ёзилмаётгани ҳам ана шу «томошабин сезими»ни ҳисобга олиш зарурияти билан изоҳланади».¹

«Алишер Навоий»да гарчанд пардалар ва кўринишлар кўп бўлса-да, муаллифлар уларнинг ҳар бирини ўткир драматик ситуация ва кескин интригалар билан таъминлашган. Асардаги барча чизиқлар — Маждидин — Навоий, Гули — Навоий, Дарвешали — Навоий, Мансур — Навоий, Жалолиддин — Навоий, Шайхулислом — Навоий, Музаффар — Навоий, Мўмин мирзо — Навоий линияларининг ҳаммаси бир нуқтага — Навоий ва Ҳусайн муносабатига бориб уланади. Асардаги ҳаракат бирлиги ва бойлигини, шу ҳаракатнинг ўткирлиги ва жонлилигини таъминлаган куч шу ерда ётади. Асардаги эпик кенглик билан чуқур лиризмни келтириб чиқарган асослар ҳам шунга бориб тақалади. Мазкур асардаги лиризмни чуқурлаштирган бошқа омиллар ҳам бор. Бу — асардаги персонажларнинг, биринчи навбатда ижобий қаҳра-

¹ Уша асар, 291-бет.

монларнинг шекспирона, яъни образли, кўтаринки, шоирона фикрлашидир. Навоий ҳар хил ҳолатда ва вазиятда кўрсатилади, худди шу даврдаги кайфиятига мос равишда гоҳ ўйчан, гоҳ мунгли, гоҳ шоирона руҳий парвозда, гоҳ аччиқ изтиробда, гоҳ кескин мунозарада, гоҳ Иззат Султоннинг ўз ибораси билан айтганда фикрий «қиличбозлик» шаклида сўзлайди. Ғазаб ёки шодлиги, висол ёки ҳижрон онлари гоят юқори пардага кўтарилиб кетганда шеърий нутққа ўтиб кетади (Ғули ва Навоий учрашувлари, Навоийнинг Ғули ҳажрида ўртаниши ёки Навоий — Биноий мунозараси, Навоийнинг Жалололдиннинг ўлимини эшитган пайти). Бу ўринлар шеърий шаклга солинган эпик ҳикоя эмас, балки инсон кечинмасини, унинг кайфиятини теран чизиб берувчи, ҳаёт ҳақида, кишилик жамияти ҳақида зўр умумлаштирувчи фалсафий фикрларни ифодаловчи ҳақиқий лирикадир. Иззат Султон кейинча романтик пьесаларидан бўлмиш «Номаълум киши» асарини бошидан охиригача шеърий шаклда ёзади.

«Алишер Навоий» пьесаси билан Иззат Султоннинг яна бир муҳим фазилатини айтиб ўтиш керак. У мазкур драмаси, шунингдек тарихий революцион темадаги бошқа асарлари билан драма тили қандай бўлиши керак, яъни воқеа бўлиб ўтган тарихий давр тили манзарасини — колоритини драмада сақлаш керакми ёки ҳозирги замон томошабинига тушунадиган тилда, унинг тилида ёзиш керакми деган масалага ёрқин жавоб беради.

«Драма тилининг энг муҳим талабларидан бири соддаликдир, — дейди Иззат Султон. — Киши роман ўқир экан, унда тушунилмаган сўз устида ўйлаш, унинг маъносини эсга олиш ёки луғатлардан қараб топиб олиш имконияти бор. Томошабин бундай имкониятларга эга эмас. Шу сабабли, саҳнадан айтилган ҳар бир сўз унинг учун тушунарли бўлиши шарт. «Алишер Навоий» драмаси билан «Навоий» романини тил жиҳатидан чоғиштирган ҳар бир киши романда архаизмлар (ҳозирги ўзбек тилида кам ишлатиладиган ёки бутунлай ишлатилмайдиган қадимий арабий, форсий ва туркий сўзлар) драмадагидан анча кўп эканини дарров пайқаб олади. Ойбек романида архаизмларнинг нисбатан мўллиги тарихий колоритни майдонга келтириш учун за-

рур нарса. Агар бу фазилят драмага кўчирилганда эди, камчиликка айланган бўлар, яъни драманинг томошабин томонидан ҳазм этилишини қийинлаштирган бўлар эди. Драмадаги персонажлар, қайси тарихий даврда ва қайси конкрет миллий шароитда яшаган бўлмасин, томоша залида ўтирган кишиларнинг содда тилига жуда яқин тилда гаплашмоқлари зарур. Шу сабабли, оддий адабиётда мумкин ва ҳатто зарур бўлган мураккаб образли ва жимжимадор жумлалар драматик жипс асарларида бўлиши мумкин эмас¹.

«Алишер Навоий» ёки «Номаълум киши», «Бургутнинг парвози», «Истеҳком» асарларида муаллиф гоётада меъёр билан, чечанлик билан ўша давр тил фазилатининг муҳим белгиларини ифодалашга кўмаклашувчи лугат бойлигидан-сўзлардан, гап қурилиш шаклларида фойдаланади. «Мен янглишебмен. Мен писта пўчоғидан кема қилмоқчи бўлибмен. Мен ҳақиқат деб ўйлаган нарса сароб бўлиб чиқди. Мен мамлакатда зулм оловларини сўндириб, адолат машъалини ёқмоқчи бўлдим, аммо зулм мендан зўрлиқ қилди». («Навоий» драмасидан.)

«Бургутнинг парвози» драмаси «Алишер Навоий» асари билан деярли бир вақтда дунёга келди. Уларда ўхшаш томонлар жуда кўп. Бу ҳам совет кишилари олиб бораётган озодлик кураши, адолатли кураши, социализм ғояларига садоқати, эътиқоди билан жипс боғланган. «Бургутнинг парвози»даги қаҳрамонона пафосни келтириб чиқарган омил шунда. Драматург босмачиларга қарши кураш олиб бориб, янги, социалистик тузумни ҳимоя қилган халқ жасорати мисолида, босмачиларнинг, агдарилган синф қолдиқларининг ваҳшийлигини сабоқ қилиш орқали немис фашизмига қарши ҳаёт-мамот курашини олиб бораётган совет кишиларига руҳий мадад беради: фашизмга нисбатан нафратини қайрайди ва ғалаба учун жонини фидо қилишга чорлайди. Бунда ҳам муаллиф «Алишер Навоий»даги каби ҳаётнинг «нишоб жойларини», тўғрироғи «инқилобий давр»ни ва шу қайноқ, мураккаб даврни ўзида ифодаллаган одамларни — тарихий шахслар ва тўқима образларини тасвирлайди. Иззат Сумтоп мазкур пьесаларида ҳаётни, воқеликни тадрижий ўсиш

¹ Ўша асар, 298-бст.

жараёнида, яъни хроникал шаклда тасвирлайди. «Алишер Навоий»да бир неча йиллар воқеаси ётади ёки «Кўрмайин босдим тиконни» асарининг биринчи кўриниши билан иккинчи кўриниш орасида саккиз йил, тўққиз ва ўнинчи кўриниш ўртасида ўн икки йил вақт ўтади. «Бургутнинг парвози»да ҳам хроникал сюжет ҳоким. Тўғри, «Алишер Навоий»даги хроникал тасвир характерларни очиш учун хизмат этади, «Бургутнинг парвози» ёки «Кўрмайин босдим тиконни...»да қаҳрамонининг шаклланишини, руҳий, маънавий ўсишини акс эттириш учун хизмат этади. («Фидойи» киносценарийсида ҳам). «Бургутнинг парвози»да ҳам характерни очиш, ҳам «ҳаёт мактабини ўтиб» вояга етган одамларни кўрсатиш принципи уйғунликда келади. Жўранинг қизиллар билан учрашуви, босмачиликка қўшилиши, улардан ажралиб чиқиши, Фрунзе билан учрашуви ва ниҳоят босмачиларга қарши курашувчилар сафидан ўрин олишини — ҳаётининг энг жиддий, қалтис ва бурилиш нуқталарининг акс эттирилиши ана шу мақсад учун хизмат этади. Аммо бунда февраль—август ойлари орасида содир бўлган воқеаларни кўрсатади. Шиддатли воқеалар, революцион курашлар олови инсонни тез шакллантиради, етиштиради. Муаллиф Жўранинг қайта туғилиш жараёнини мантиқан ва психологик томондан тўла ишончли қилиб ёритиб беради. Янги ҳаёт, социалистик тузум, коммунистик ғоя таъсирида инсон қалбининг, психологияси ва онгининг яхшилик томон ўзгаришини реалистик тарзда чизиб берган бу образ ўзбек драматургиясининг ютуғи бўлиб қолди.

Бу ерда асардаги битта қаҳрамон устида сўз кетмоқда. Ваҳоланки унда номсиз персонажларни эътиборга олмаганда йигирма битта одам иштирок этади. Уларнинг аксарияти ўзининг ёрқин характери билан ажралиб туради. Унда М. В. Фрунзе, Бородин, Умар каби чин революционерлар образидан ташқари босмачилар, совет аппаратиغا яширинча суқулиб кириб олган душманлар, оддий деҳқонлар образигача бор. Асарнинг қаҳрамонона пафосини, ғоявий куеватини тайин этишда унга доҳиймиз В. И. Ленин образининг киритилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Гарчанд Лениннинг Туркистон халқлари тақдири тўғрисидаги буюк ғамхўрлиги асар мазмунда, айниқса

М. В. Фрунзе образи моҳиятида ёрқин ифодаланиб турса-да, яна бевосита В. И. Ленин образининг асарининг пролог ва эпилогда иштирок этиши пьесанинг ижтимоий-сиёсий руҳини янада кўтариб юборган. Иззат Султон доҳий образини беришнинг қулай ва асосли йўлини топган; Ленин телеграф орқали Фрунзе билан гаплашади ва унга Туркистонда Совет ҳукуматини барқарор этиш ва мустақкамлаш вазифасини топширади. Талантли саркарда Фрунзе Ленин нақзини бажариш учун сабот-матонат билан курашади, маҳаллий халқнинг қалбига, руҳига чуқур кириб борган бу интернационалист ўзбек халқининг меҳр-муҳаббатини қозонади.

Асар воқеасининг ичида Ленин образи бошқа персонажларнинг қалби, сўзи орқали қатнашиб туради. Жўра босмачиларнинг ва у ердаги чор ҳукумати қолдиқларининг ваҳшийлигини ўз кўзи билан кўргач, у ердан қочади, Рудцов уни ушлаб Фрунзе олдига олиб киради. Шунда у— Жўра «Дунёда деҳқоннинг дардини тушунадиган йўқ», дейди кескин. Шунда Фрунзе ундай одам бор деб, Ленин портретини кўрсатади. Жўра «Ленин шуми?» деб ўйга чўмади.

«Фрунзе. Ленин, сизнинг тўғрингизда нима деганини ҳам эшитмаганмисиз?»

Жўра. Менинг тўғримда? Йўқ!

Фрунзе. Ленин, яқинда ўзининг ҳамма одамларини йигиб, айтдики, деҳқонга ёрдам бериш керак, рўзгорини тикласин. Деҳқонга тинчлик бермаётганларни йўқотиш керак, деди... Бу гапларнинг ҳаммаси сизга тааллуқли, шундай эмасми? Сизни қўрбошилар босмачиликка чақирдилар. Сиз рўзгорларингизни қолдиришни истамадингиз, сизни зўрлаб олиб чиқиб кетдилар, биз билан урушишга мажбур этдилар. Сиз қўрбошилар орқасидан сарсон бўлиб юриб, доимо рўзгорингизни ўйладингиз. Қўрбошиларнинг халққа етказган жабру зулмларига чидай олмасдан, охири қочдингиз, лекин яна қўрбошининг қўлига тушишдан қўрқиб қишлоғингизга қайта олмадингиз... Шундайми?

Жўра (Фрунзени сизлашга кўчиб). Буларнинг ҳаммасини сиз қаёқдан биласиз?»

Бу сўзлар Жўранинг иккиланишига бутунлай барҳам беради, ўз қишлоғига бориб халқни босмачиларга

қарши ташвиқ этади ва шу нутқида Фрунзенинг Ленин ҳақидаги сўзларини айтиб беради: «Ленин ўзи кимдан чиққан экан?» деган кутилмаган саволга Жўра «Деҳқондан чиққан. Бўлмаса деҳқоннинг дилидаги гапни қаёқдан билади?!» деб жавоб беради.

Иззат Султон Ленин ва Фрунзе образларига «Истеҳком» драмасида яна бир бор қайтади. Агар Фрунзе образи босмачиларнинг ундан даҳшатга тушиши орқали, Фрунзе билан учрашувга борган вакиллари таъриф-тавсифи ва революционерлар қалби орқали гавдаланса, Ленин образи унинг ғояларининг ҳаётийлиги, қудрати орқали намоён бўлади. Социалистик революция галабаси туфайли ҳамма нарсасидан айрилган, оиласи тумтарақай бўлиб кетган Азизбой «Ленин! Ленин! Менинг бошимга шундай савдолар тушини сен қаердан билдинг? Хонадонимдаги ҳар бир мусулмоннинг кўнглидаги гапни сен қаердан топдинг? Ленин, пулинг йўқ, молу мулкинг йўқ, аскаринг йўқ, сен қандай қилиб, биз миллиончилардан устун келдинг?.. Менга сени кўриш муассар бўлармикин, Ленин?» деб тан беради.

Ўрта Осиё сўз санъаткорлари, жумладан ўзбек ёзувчилари ленинномага худди мана шу йўсинда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар тарихийлик принцинга, реализмга худди шу йўлдан бориб эришмоқдалар.

Иззат Султон Октябрь революцияси, тўғрироғи, босмачиликка қарши кураш ва совет ҳукуматининг қарор топиши масаласига бағишдаб бир эмас, учта асар ёзди. «Бургутнинг парвози», «Фидойи» киносценарийси ва 1979 йилнинг иккинчи ярмида саҳнага чиққан «Истеҳком» асари 20-йилга бағишланган. Учала асарда ягона мавзу, ягона давр ва айтиш мумкин ягона материалга (Фарғона водийсида босмачиликнинг тугатилиши ва совет тузумининг галабаси туради у асарларда) уч нуқтаи назардан ёндашади, уч томондан кириб боради. «Бургутнинг парвози»да рус революционерлари кўмаги ва раҳбарлигида ўзбек халқининг озодлигини, Октябрь берган бахтини, социалистик тузумни босмачилардан, интервентлардан ҳимоя қилб қолиши кўрсатилди, шу жараёнда халқимизнинг улғайиши акс эттирилди. «Фидойи»да босмачиларнинг, ағдарилган синф вакилларининг диндан

ёш совет ҳукуматига қарши фойдаланиши ва ўзбек революционерларининг уларни фош этиб, янги тузумни барқарор қилиши кўрсатилади. Шарқда диннинг таъсири ғоятда катта бўлган, шу туфайли босмачилар, эски тузум қолдиқлари диндан ёш совет ҳукуматига зарба бериш учун ўткир қурол сифатида фойдаланади. Иззат Султон бошқа асарларида дин вакиллариининг образини ёрдамчи восита сифатида киритган бўлса, бу асарнинг марказига дин ва социализм ғояси ўртасидаги кескин ғоявий курашни қўяди. «Истеҳком»да социалистик революция ғалабаси янги ҳаёт тантанасини ва эски тузумнинг маглубиятини бир оила мисолида кўрсатади. Томчида олам акс этганидек бир миллионер бой оиласи тақдирида драматург ўзбек халқи ҳаётида юз берган катта ижтимоий-сиёсий воқеани кўрсатиб беради. Азизбой уйи-истеҳкомининг инқироzi — эски тузум емирилишининг рамзи сифатида берилади.

Дарвоқе, шу ўринда Иззат Султон услубига хос бир фазилатни эслатиб ўтмоқ керак. У бутун асарларини ягона ҳаракат, ягона образ асосига қуриб, буларни бош, асосий ғоявий ниятига хизмат эттириши унинг асарларининг сарлавҳаларида ҳам акс этган. «Бургутнинг парвози»да Фрунзе Умарга бургут ҳақидаги эртакни — бургутнинг ўз боласини учишга қандай ўргатганлиги ҳақидаги нақлни айтиб бериб, «Россияда шундай бургут бор. Бу — рус халқи. Унинг жуда кўп болалари бор. Бу — ўзбек халқидек эзилган миллатлар (Умарга қўлини бериб). Дадил бўлинг! Журъат этинг», дейди. Оддий деҳқондан, ишчидан революционер, қизил гвардиячи даражасига ўсиб етган Умар тимсолида драматург ўзбек халқининг улғайишини ифодалайди. «Номаълум киши» асарининг сарлавҳасида ҳам халқни, унинг орзу-истакларининг ўлмаслиги ғоясини олға суради. Ниёз халққа қараб, «Бир мен эмас, ҳаммангиз ҳам Ниёзсиз», дейди. Бир Ниёз ҳоким синф томонидан осилгач, ўрнига келган янги инқилобчининг ўзини Ниёз деб аташининг остида ҳам ўша халқ ва унинг эзгу ниятлари абадийдир, деган фикрни тасдиқлаш ётади. Фазлиддин Ниёзга «Тағи пастсан. Номаълумсан. Бадномсан» деб ҳақорат қилганда, Ниёз «Сизлар машҳур. Биз номаълум. Беномиз, аммо эсдан чиқармагил, номуссиз: Бу дунёда

неки бўлса яралган — мен меҳнаткаш яратганман қўл билан», дейдики, бу ерда шу халқ тушунчасига ишора ётибди.

Драматургнинг ютуғи яна шундаки, бу рамзий номни томошабин учунгина қўймайди. Бу ном асарнинг мағзи-мағзигача сингиб кетишидан ташқари, ундаги персонажларнинг тақдирига ҳам бевосита алоқадор бўлади. Улар драматург қўйган шу сарлавҳа, яъни масала хусусида фикр юритади, баҳслашади, унга ўз муносабатларини изҳор этади. «Кўрмайин босдим тиконни»... (Тилло кишанлар) асарида Гулчеҳра билан эри Шокир ўзларининг адашишлари хусусида сўзлашишадилар. Гулчеҳра севмасдан турмуш қуриб эски, ярамас урф-одатга бўйсуниб адашганини афсус билан эслар экан, «Кўрмайин босдим тиконни, тортадурман дардини, Кўрсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим жабрини», дейди. Кейинча Шокир «Оилавий ҳаётимизни ўйлай берсам, иккаламиз ҳам ўз оёқларига ўзлари кишан урган кишиларга ўхшаб кетамиз... Ҳа, бу тушунча ва одатлар бизга жуда ҳам доно, худди тиллодек жозибадор, олийжаноб кўринди. Аслида улар тиллодек эмас, чўян экан. Чўян бўлганда ҳам чириган экан...», деб у ҳам хатосига иқрор бўлади. Ёки «Имон» асарида ҳам имон сўзи хусусида Комиловлар оиласида жиддий баҳс кетади, имон — коммунистик эътиқод, коммунистик ахлоқ масаласи мазкур асар сюжетини, конфликтини, ҳаракат бирлиги ва ритмининг белгилайди. Ёки «Истеҳком» асарига қайтсак, биринчи парда, биринчи кўринишнинг биринчи сўзлари шу истеҳком сўзини изоҳлаш, таҳлил этишдан бошланади. Азизбойнинг янги қўрғонини Гентелло истеҳком дейди. Азизбой «Истеҳком деганинг нимаси?» деганда Гентелло «Истеҳком» бу сизнинг адабий тилингизда сира бузилмайдиган мустаҳкам қўрғон, яъни қалъа демакдир», деб тушунтиради. Гентелло тўғри маънода тушунган бўлса-да, Азизбой бу сўзни ўз куч-қудрати, мавқеининг мустаҳкамлиги маъносида ҳис этади. Драматург ҳам бу сўзни эски, чириган тузумнинг рамзи сифатида ишлатади. Пьеса охирида Азизбой ҳукмронлигининг, истеҳкомининг емирилиши бунинг конкрет исботидир.

Иззат Султон «Истеҳком» пьесаси орқали рус классикасидан, биринчи навбатда Чехов, Горький макта-

бидан олган таълимини намойиш қилди. Бу «оилавий пьеса» традицияларидир. Мазкур классиклар ўзларининг бир оила ҳаётига бағишланган асарларида (шунингдек М. Булгаковнинг «Турбинлар купи», Б. Лавреневнинг «Тор-мор», К. Треневнинг «Любовь Яровая» пьесаларида ҳам) даврнинг энг катта ижтимоий сиёсий масалаларини, тарихнинг кескин бурилишини теранлик билан акс эттириб бердилар. Иззат Султон ҳам «Истеҳком» асарида ўзбек халқи тақдиридаги, унинг сиёсий, ижтимоий ва ахлоқий ҳаётидаги типик ўзгаришларни бир оила мисолида ёритиб беради. Драма-тург Азизбойнинг, унинг фарзандлари, келини, хотини, хизматкорлари ва дўстларининг руҳий дунёсини, интилишларини, улар ўртасидаги кескин тўқнашувлар ва коллизияларни бериш орқали воқеликдаги катта революцион ўзгаришларни кенг кўлами билан кўрсатиб бера олади. Зотан асардаги драматизмнинг манбаи ҳам энг аввало ундаги персонажларнинг ташқи дунёдаги ўзгаришлар таъсирида тебранишлари, иккиланишлари, уйғонишлари, кўзларининг очилиши ёки инқирозга учраши фожиасидир. Петербургдаги, кейинча Тошкент ва Андижондаги социалистик революция Азизбой оила аъзоларини ғалвирдан ўтказиб, сарасини сарага, пучагини пучакка чиқаради: бутун борлигининг вориси қилиб қолдирмоқчи бўлган ўғли Иброҳимжон, советлар томонига ўтади, қизил командир бўлиб, босмачиларга қарши курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлади, келини Гулсум ҳам эри Иброҳимжон томонда туради, янги ҳаёт қуриш ишига киришади; қизи Обида эса отасининг хизматкори, кейин кўзи очилиб тўғри йўлни топиб босмачиларга қарши курашган Тоҳирни севади ва у билан уйни ташлаб чиқиб кетади; бойнинг хизматкори Собир ҳам совет ҳокимиятининг актив ҳимоячисига айланади; бойнинг акаси, маҳалла имоми Акбар ҳам ундан юз ўгиради; бойнинг кичик ўғли Рустам эса бойнинг тиллаларини ўғирлаб, унга — отасига тўппонча кўтаради ва босмачилар қолдиғи билан қочиб кетади; бойнинг шахсий врач, Иброҳимнинг сиёсий оқининг ўсишида катта роль ўйнаган поляк инқилобчиларидан бўлмиш Гентелло ҳам бойдан воз кечиб ўз юртига кетади; бойнинг хотини Дилшод ҳам ўлади ва ниҳоят ҳокимияту, бойлигу, фарзандларидан ажралиб ёлғиз

қолган Азизбой ҳам ўлади; улар суянган қўрбошилар қўлга тушади. Драматург социалистик революция, социализм ғоясининг кучи-қудратини мана шу усулда очади. Азизбой ва унинг маслакдошлари қалбида революциянинг ғолибона ҳаракати доим даҳшат солиб туради, унинг фарзандлари тақдири орқали оиладан ташқарида содир бўлаётган барча ўзгаришларни ҳис қилиб турамиз. Бунда асар бошида революцион патетик музикани бериши ва асар охирини «Яша, Шўро!» қўшиғи билан тугатиши драматургнинг ниятини — оила ташқарисидаги революцион курашнинг қайнашини ва унинг ғалабасини ифодалашда муҳим поэтик деталь сифатида катта ёрдам беради. Иззат Султон музика ва қўшиқдан «Алишер Навоий»да, «Бургутнинг парвози»да (бунда ҳам Ҳамза қўшиғидан) жуда ўринли фойдаланган эди.

Иззат Султон «Номаълум киши» драмасида ҳам ҳақиқат учун, озодлик учун, халқнинг юксак идеаллари учун ўзларини бахшида этган фидойилар образини яратади. Асар учун асос бўлган ҳаётий материалнинг ўзи романтик. Драматург бу воқеликни романтик тарзда идрок этади ва уни ифодаловчи романтик восита, бўёқларни топа олади. Асарнинг чуқур лирик-патетик руҳда ёзилиши, шеърый шаклдалиги, ижобий қаҳрамонларнинг (Ниёз, Нурбобо, Турғуной, Азамат,) қабириқли, жасур, фидойи қилиб тасвирланиши, сюжет ривожда сир тутиш воситасидан фойдаланилиши, ситуацияларнинг ғайритабиийлиги, афсонавий деталлар иштироки, ижобий қаҳрамонларнинг кураш нашидаси ва чуқур оптимизм билан нафас олиши драмадаги романтикани вужудга келтирган. Намоз воқеаси ҳақида афсоналар тўқилган (ёзма адабиётда ҳам у ҳақда асарлар майдонга келган). Иззат Султон Намозни Ниёз образи учун прототип қилиб олар экан, уни халқ дostonлари, эртаклари бўёқлари ёрдамида тасвирлайди: бош қаҳрамонларни ёрқин, қабариқли қилиб бериши (Ниёз Алпомишга, Турғуной Барчинга ўхшатилади асарда), бири ўлдирилса, ўрнига иккинчисининг шу номда келиши, сир тутиш (Ниёз ва Турғунойнинг ўзларини танитмаслиги), доно, одил чол образининг киритилиши (Нурбобо), қизларнинг йигитларча кийиниб жанг қилиши (Турғуной), юқори табакани мазах қилувчи афандинамо деталларнинг қўши-

лиши (Азамат фаолиятида), бойларнинг Ниёзни ушлаш учун тузоқ қўйиб ўзлари илиниб қолиши, ҳукумат навкарлари, жаллодларини лақиллатиб доростидан Азаматни қутқариб қолиш, душман ўқиға ўз кўкрагини тутиб бир-бирини ҳимоя қилиш, Турғуной билан Ниёзнинг бир-бирига тирик етишишмаслиги ва жасадларининг Тоҳир-Зухролар каби ҳалок бўлганларидан кейин ёнма-ён қўйилиши ва ниҳоят асарда барқ уриб турган оптимизм — буларнинг ҳаммаси драматургнинг халқ ижодидан ижодий баҳраманд бўлишининг ёрқин мисolidир.

«Номаълум киши»да Иззат Султон ижодий йўлларида яна бири намоён бўлган. Эркакча кийиниб олган Турғуной қонхўр Фазлиддиннинг Ниёзга отган ўқидан ҳалок бўлади. Турғуной қотилнинг ўз отаси эканлигини биларди. Нурбобо невараси Турғунойни боқиб катта қилади, Фазлиддиннинг ноинсофлиги, ярамаслигини билгани учун у ҳақда Турғунойга индамайди. Турғуной Фазлиддин отаси эканлигини билгач, унга қарши янада бешафқат курашади. Драматург ота-болани икки қутбга қўйиб тасвирлаш приёмига қайта-қайта мурожаат этади. Бу билан ғоялар кураши, синфий кураш муросасиздир демоқчи бўлади. Айни чоқда ота ва фарзанд ўртасидаги тўқнашув, кураш тасвири асар конфликтини, унинг драматизминини, персонажлар коллизиясини янада кескинлаштириш учун хизмат этади. «Алишер Навоий»да Ҳусайн билан невараси Мўмин мирзо ёки, Ҳусайннинг ўз фарзандлари билан тахт талашиб жанг қилиши феодали тузумининг чиркин томонини очиб ташлашга ёрдам беради. «Бургутнинг парвози»да советлар томонида актив курашаётган Умар билан босмачилар тарафида бўлган отаси Жўра тўқнашуви, унинг ўз фарзандини оқ қилиши синфий курашнинг, даврнинг, инсон психологиясининг мураккаблигини, кескинлигини кўрсатишга кўмаклашади. «Фидойи»да революционер, жонини янги ҳаёт тантанаси учун тиккан жасур Мақсуд эшон тарбиясида вояга етган ўгли Мулла Назир билан муросасиз тўқнашади. Мулла Назир «халқ тақдирини парвардигор ҳал қилади», у кўмаклашади, деб отасини кофирликда айблайди, оми одамларни унга қарши қўяди. Ҳақиқатни англай бошлаганда Мулла Назир ўз отасига қасд қилганларнинг ўқидан

ҳалок бўлади. «Истеҳком»да эса Азизбой бир эмас, бир қанча фарзандлари билан тўқнашади. «Имон»нинг бутун мазмунини кўтариб турган, унинг сюжетини, коллизияларини, ҳаракат бутунлигини таъминлаган нарс ҳам ота-бола Комиловлар ўртасидаги ғоявий-ахлоқий курашдир. Буларнинг ҳаммаси драматургнинг воқеликни бутун мураккаблиги, инсон психологиясини барча зиддиятлари билан чуқур кўриши ва бадиий тадқиқ этишининг натижасидир.

Иззат Султоннинг бошқа асарларида ҳам ё у, ё бу даражада иштирок этиб келган қаҳрамонлар баҳси, мунозараси «Имон»да асар ҳаракатини кескинлаштирувчи асосий воситага айланади. Энди Иззат Султон аввалги пьесаларидаги каби вақт ва жой чегарасини йиллар ёки ойлار доирасида олмайди, балки бир оиланинг бир кунлик воқеасини кўрсатади. Бу нарс қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини, қалб диалектикасини, ички коллизияларини, улар психологиясини чуқур ва теран таҳлил этиш имконини берган. Профессор Йўлдош Комилов коммунистик ғояларга садоқатини, покиза, коммунистик ахлоқ, коммунистик виждонни чин эътиқоди, имони деб билади, ўгли Ориф эса Санжаров таъсирига берилиб қалбаки, ҳаром йўлдан — ўзгаларнинг меҳнат мевасини ўзиники қилиб олиш йўлидан боради. Асар пафосини ҳақиқий инсон, коммунистик виждон учун кураш масаласи ташкил этади. Драматург бир оила кўзгусида ижтимоий ҳаётимиздаги катта гапни — коммунизм кишисининг шаклланиши жараёнини акс эттириб беради.

«Имон» пьесаси билан яна бир фикрни айтиб ўтиш керакки, Иззат Султоннинг қатор қаҳрамонларининг ғоявий, сиёсий ва ахлоқий позициялари уникига — авторникига жуда яқин, бошқача қилиб айтганда Иззат Султон ўзининг эзгу ниятларини ижобий қаҳрамонлари тилидан изҳор этади. «Имон»да ёки «Кўрмайин босдим тиконни» пьесасида бунини яққол кўриш мумкин (ҳатто персонажнинг иккинчи персонажга эмас, балки томошабинга қараб сўзлаши ҳам шундан). Иззат Султоннинг ўзи ҳам «Драма» деган мақоласида: «Драмадаги персонаж ҳам драматургга «ёт» бўлган бир шахс ва шу билан бирга драматургнинг ўзидир. Лир ҳам шоҳдир, ҳам шоҳ либосидаги Шекспирдир; Ғофир — ҳам хизматчи (батрак), ҳам ўша хиз-

матчининг йиртиқ чопонига бурканган Ҳамзадир: ҳар иккала персонаж ҳам биринчи навбатда муаллифнинг ички дунёсини акс эттиради»¹, дейди. Шу маънода Иззат Султон асарларидаги, ижобий қаҳрамонларидаги коммунистик ғояларга буюк садоқат, халқ, партия иши учун фидойилик каби фазилатларнинг илдизи унинг шахсиятига бориб уланади.

Иззат Султон «Кўрмайин босдим тиконни» пьеса-сида замонавий драматургия имкониятлари, йўллари-ни чуқур ўрганиш йўлидан борганлигини яна бир бор намоиш қилди. Унда атиги тўрт киши қатнашади. Тўғрироғи, воқеа кўҳна уч бурчак — эр-хотин ва шу аёлни севган учинчи бир одам тақдири билан боғлиқ. Шуларнинг муҳаббат тарихи ҳикоя қилинади. Ишти-рок этувчиларнинг бу қадар камлиги драматург учун ўз қаҳрамонларининг психологик дунёсини кенг ва чуқур ёритиш, улар қалби, онгидаги содир бўлаётган ўзгаришларнинг асослари, сабабларини теран очиш имконини берган. Ҳаётда эр-хотиннинг ажралиши би-лан боғлиқ ситуациялар кўп учрайди, драматург худ-ди шу шахсий иш, интим масала деб қаралган ҳоди-санинг илдизларини қидиради ва ҳамма гап эр-хотин-нинг ғоявий-руҳий, маънавий яқинлигига, уларнинг мақсад ва идеалларининг бирлигига боғлиқдир, бир-бирига ишончига, бир-бирини иззат-ҳурмат этишига-боғлиқдир, деган хулосани — фикрини ўртага ташлай-ди. Драматург муҳаббат ва оила масаласига комму-нистик ахлоқ принципларидан келиб чиқиб ёндашиб, уларнинг ижтимоий мазмунини чуқур очади. Гулчеҳ-ра ва Шокирнинг адашиши, кейин оилавий фожиаси-нинг сабабларини англаб етиши ўткир сабоқ тарзида кўрсатилади. Асарда кўтарилган масаланинг ўзи (бо-лалик аёлнинг ўз эрини ташлаб, севган кишиси томон кетиши) ва унинг қизиқарли талқин қилиниши томо-шабин эътиборини бутунлай ўзига ром қилиб олади. Драматург асар бошидаёқ икки жуфт келин-куёвни саҳнадан томоша залга ўтказиб юбориб, тўрт қаҳра-монини томошабинга мурожаат эттириб, «Сизни улар-нинг хоналарига олиб кирмоқчимиз», «кўпчилик на-заридан нари шахсий интим ҳаёти билан сизни оғино қилишга биз ўзимизни ҳақлигина эмас, балки бурчли

¹ Адабиёт назарияси. II том, 294-бет.

ҳам деб сездик» дейиши ва кейин шу севги тарихини кўрсатиб бериши асардаги томошабинликни янада кўчайтирган. Драматургнинг телефон, радио воситалари, айниқса ремаркада прозаик асарлардаги жой, қаҳрамон портрети, руҳий ҳолатини тасвирлаш каби воситаларга кенгроқ мурожаат этиши унинг бетиним ижодий изланишидан далолатдир. Энг муҳими Иззат Султон «Кўрмайин босдим тиконни», «Имон» каби пьесалари билан ҳозирги даврнинг ўткир ахлоқий масалаларини ижтимоий инсон тақдири учун актив кураш, коммунизм кишисини вояга етказиш учун кураш тарзида чуқур бадий талқин қила олди. «Алишер Навоий»да инсонлар тақдирини реалистик тасвирлаш орқали тарихнинг катта сабоқларини замондошлар манфаатига хизмат эттиришнинг ажойиб намунасини намоёйиш этди. «Бургутнинг парвози», «Номаълум киши» каби қаҳрамонона руҳдаги пьесаларида сурурли одамларни, кураш қўйнида шаклланган янги инсонларни, «Истеҳком»да социализм ғоясининг ҳаётбахш қудратини бир оила тақдирида тасвирлаб берди. Иззат Султон адолат, ҳақиқат, прогресс, озодлик, тенглик учун, халқ ва ватан учун, коммунистик идеаллар учун ўзини фидо айлаган курашчан кишиларнинг жозибали, ёрқин образларини яратиб ўзбек драматургиямизни ҳамда халқимизнинг маънавий дунёсини бойитди.

1980 йил.

АДАБИЁТ ВА ФОЛЬКЛОР¹

Ўзбек совет адабиётининг туғилишида, унинг ғоявий-эстетик идеалининг шаклланишида, халқ ва мамлакат ҳаётига яқинлашишида ўзбек халқ оғзаки ижодининг роли беқиёсдир. Бунинг объектив сабаблари, бор, албатта. Биринчидан, ўзбек халқи энг бой фольклор меросига эга халқлардан биридир («Гўрўғли» туркумидаги дostonларнинг ўзи қирқдан ошиқ). Иккинчидан, ўзбек классик адабиётида ҳам халқ ижодининг таъсири жуда катта бўлган («Хамса» сингари йирик эпик асарлар асосида халқ эртаклари ва афсоналари ётади). Учинчидан, Улуғ Октябрғача халқ оммасининг асосий қисми саводсиз, матбаа ишлари эса ниҳоятда ночор бўлиши натижасида фольклор халқнинг энг муҳим ғоявий-эстетик қуролларида бирига айланди.

Ўзбек фольклорида гуманизм, адолатпарварлик ва озошликка интилиш ғояси, ҳоким синфларга нафрат туйғуси ниҳоятда кучли. Айниқса, 1905—1917 йиллар ўртасида ўзбек халқи ҳаётида юз берган катта тарихий воқеалар ёзма адабиётга нисбатан халқ ижодида чуқурроқ акс этди. Бу давр ўзбек фольклорида революцион ғоя барала жаранглади. Бунга 1905 йилда Бухорода Намоз раҳбарлигида бўлган халқнинг стихияли исёнига бағишлаб тўқилган қўшиқлар, термалар ва «Намоз» номли дostonни мисол қилиб келтириш мумкин. 1916 йилдаги мардикор олиш воқеаси муносабати билан пайдо бўлган «Минг лаънат», «Зо-

¹ «Адабиёт ва фольклор» деган мавзуда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий кенгашида (1968 йил, Душанба) ўқилган доклад.

лим», «Хўжайиннинг дардидан» каби қўшиқларда, Фозил Йўлдош ўглининг «Жиззах қўзғолони», «Қаҳатчилик» дostonларида, Пўлканнинг «Мардикор» асарларида ўша реакцион тузумни фош этувчи, Чор ҳукумати ағдаришга чорловчи революцион ғоялар барала жаранглади. Буларда «Николай йўқ бўлсин», «Николайни тахтдан ағдармай қўймайман» деган оташин чақириқ ва хитоблар бор.

Октябрь кунларида яратилган қўшиқ ва термаларда ўзбек халқи ҳаётида юз берган катта тарихий бурилиш, унинг дунёқараши ва руҳий оламидаги ўзгаришлар фольклорда жуда тез ва тўғри ифодасини топди. Унда янги ижобий қаҳрамон образи ёзма адабиётга нисбатан аввалроқ ишлана бошланди.

Худди мана шундай ҳоллар ўзбек совет адабиёти учун ғоявий-эстетик база бўлиб хизмат қилди. Худди шу даврда фольклорнинг ёзма адабиётга таъсири жуда кучли ва интенсив бўлди. Фольклор таъсирида ёзма адабиётнинг революцион руҳи янада чуқурлашди, бу айниқса поэзияда яққол кўринди; унга янги мазмун, янги ғояларнинг тезроқ кириб келишига, унда реалистик принципларнинг кучайишига, революцион қўшиқлар, жанговар агитацион шеърларнинг майдонга келишига мадад берди. Халқ ижоди ёзувчиларга янги воқеликни, янги ҳаётни ва халқ оммасининг психологиясини, эстетик дидини чуқурроқ ўрганишига кўмаклашди.

Фольклорнинг жуда катта ҳаётбахш таъсири туфайли Ҳамза поэзиясида революцион ва жанговар агитацион руҳ, сиёсий ўткирлик, озодлик ғояси ва янги ҳаёт романтикаси, янги дунёқараш туғилди. Шоирнинг «Ҳой ишчилар», «Уйғон», «Ҳой, ҳой отамиз», «Яша, шўро!» каби ўнлаб революцион қўшиқларининг бутун руҳи, пафоси ва шеър формасида халқ ижодининг аниқ муҳри ётади.

Ҳамза халқ қалби ва руҳига чуқурроқ кириб бориш, ҳаётдаги улуғ революцион воқеалар моҳиятини улар онгига тезроқ ва тўлароқ англатиш мақсадида халқ қўшиқларининг образ тузиш принципи, қофиялаш системаси, стилистик оборотлари ва шеър шаклидан фойдаланиб кучли ва таъсирли қўшиқлар, маршлар ижод этди. Ушбу мисраларнинг қайсиниси халқ-

ники, қайсиниси Ҳамзаники эканлигини ажратиб олиш қийин:

Халқда:

Ленин бобом отамиз,
Тошни кесар болтамиз,
Большевиклар орқамиз,
Энди кимдан қўрқамиз.

Ёки

Ҳой, ҳой, отамиз!
Тошни кесар болтамиз,
Душман билан жанг қилиб,
Барни қийратамиз.

Ҳамзада:

Ҳой, ҳой, отамиз!
Тошни кесар болтамиз.
Биз ҳам дунё лаззатини
Навбат келди, тотамиз.

Ҳой, ҳой, отамиз!
Тошни кесар болтамиз.
Нега биз ҳам инсон бўлиб,
Ўзини пулга сотамиз?!

Шу даврда ҳам тожик, ҳам ўзбек тилида революцион қўшиқ, маршлар ёзган Айний ижодида ўзбек ва тожик фольклорининг муҳим таъсири кўринди.

30-йилларнинг бошларига келиб халқ ижодидан ўрганиш янада жонланди ва чуқурлашди: ижодкорлар фольклор асарларининг ташқи томонларига эмас, балки руҳига, ғоявий-эстетик моҳиятига кўпроқ диққат қила бошладилар; энди фольклор таъсири ёзма адабиётнинг барча жанрларида равшан кўрина бошлади; олимлар эса фольклор материалларини йиғишга актив киришдилар.

30-йилларнинг охирида фольклорни тўплаш—ўрганиш ва унинг традицияларидан фойдаланиш масаласи Ўзбекистон ёзувчиларининг II съездида (1939) махсус масала сифатида қўйилди. Мазкур мавзу бўйича доклад қилган Ғафур Ғулом тингловчилар эъти-

борини икки муҳим масалага — фольклор материалларини йиғиш, нашр этиш ва унинг ҳаётбахш анъаналаридан ижодий ўрганишга қаратди.

30-йилларда А. Қодирий, Ғ. Ғулом прозасида, Ойбекнинг романтик дostonларида, Ҳ. Олимжон, Шайхзода поэзиясида, С. Абдулла драматургиясида халқ ижоди традициясидан ўрганишнинг ажойиб намунаси кўринди.

Фольклорнинг ўзбек адабиётига таъсири ҳеч қачон Улуғ Ватан уруши давридагидек чуқур ва кенг планда бўлмаган. Шиддатли уруш воқеаси шуни тақозо қилди. Ўзбек фольклорида қаҳрамонлик ва озодлик мотивлари, босқинчи душманларга қарши нафрат мотивлари ниҳоятда кучли эди. Мана шу руҳ ва мотивлар ҳамма жанрдаги асарларнинг томир-томирига сингиб кетди. Конкрет олганда: а) революцион руҳдаги халқ қўшиқлари ҳамда б) қаҳрамонлик ва озодликни улуғловчи дostonлар нашр этилди; в) ёзма адабиётда фольклор сюжетига асосланган асарлар пайдо бўлди (С. Абдулланинг «Алпомиш»и каби); г) халқ қўшиқлари типидagi ашула ва агитацион шеърлар кўплаб яратилди; д) фашизмни фoш қилувчи янги афандилар тўқилди (жангчи-ёзувчи Ғулом Ғафур афандилари каби); е) халқнинг ажойиб фарзандлари, қаҳрамонлари ҳаётига бағишланган драматик асарлар вужудга келди («Алишер Навоий», «Жалолиддин», «Маҳмуд Таробий», «Муқанна» каби), ё фольклор қаҳрамонлари (Алпомиш, Аваз, Рустам каби), поэтик образлари, рамзлари ва бошқа тасвирий воситалари, шунингдек фольклорга хос дидактика уруш темасида ижод қилаётган шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларига тобора кириб борди.

Баъзи фольклоршунослар ҳозирги вақтда халқ ижодининг таъсири жуда сусайиб кетди ва бора-бора шундай бўлаверади, бу қонуний ҳодиса, деган нотўғри фикрни билдирадилар. Ҳозир фольклор таъсири сусайгани йўқ, балки ундan ўрганишнинг янги турлари пайдо бўлмоқда. Ҳозир ўзбек адабиётидаги қаҳрамонона ва романтик руҳдаги асарларда, сатирик ва юмористик адабиётда, музыкали драмаларда ва болалар адабиётида халқ ижодининг ҳаётбахш анъаналари давом этмоқда. С. Аҳмаднинг юмористик ҳикоялари, болалар ёзувчиси Қ. Муҳаммадийнинг эртаклари

ва С. Абдуқаҳҳорнинг масалларида халқ ижодининг элементлари жуда кўп. Ёш ёзувчи Х. Тўхтабоевнинг «Сирли қалпоқча» номли сарғузашт қиссаси эса халқнинг сатирик ва фантастик эртаклари руҳида, шакли ва усулида ёзилган. Иззат Султоннинг 1905 йилда Бухорода бўлиб ўтган Намоз бошчилигидаги халқ исёни ҳақида ёзилган «Номаълум киши» номли тарихий драмасининг типиклаштириш принципида, об-разлар талқинида фольклордаги қаҳрамонлик, романтик дostonларнинг изи бор, айниқса Намоз воқеаси тўғрисида ўша вақтда тўқилган халқ қўшиқлари, терма ва дostonларининг муҳри ётади. Маълумки, ўша пайтдаги деҳқонлар ҳаракатида бир Намоз ҳалок бўл-ғач, ўрнига бошқа исёнкорлар ўзини Намоз деб атаб, бир-бирининг ишини давом эттираверган. Булар сони ўнга етади. Иззат Султон шу моментни пьеса асосига қўяди ва Ниёз (Намоз) сиймосида фольклордаги каби идеал, жамловчи образ сифатларини беради. Драма-тург Ниёз образи орқали халқдаги ҳақиқатга ва озод-ликка интилиш туйғуси ҳаётий ва зарурийдир, қаҳра-монлар ўлмайди, халқ абадий тирикдир, деган ғояни ўтказишга муяссар бўлади.

Драматург халқ шоири Нурбобо образида эса тўғ-ридан-тўғри халқ бахшиларини прототип қилиб олади. Иззат Султон донишманд, нуроний шоир Нурбобо об-разида ўша даврда Намоз тўғрисида қўшиқ, дoston тўқиган бахшиларни назарда тутати. Маълумки, Нур-ман Абдувой ўгли Намоз тўғрисида «Намоз» номли дoston яратади ва бунинг учун амир томонидан зин-донга солинади. Иззат Султон асарида шу Нурман бахшини назарда тутган бўлиши ва Намозни Ниёз деб бергани каби уни ҳам Нурбобо шоир деб олгандир. Пьеса шу Нурбобонинг ўша Нурман бахшининг «На-моз» дostonи руҳидаги Ниёз шаънига айтилган кўта-ринки, тантанали куй — қўшиғи билан бошланади ва унинг сўзи билан тугайди.

Драмадаги Турғуной ҳам халқ дostonларидагидек («Алпомиш») йигит кийимини кийиб, жасорат кўр-сатган ботир, гўзал, вафодор аёлларни эслатади. Ўзи-нинг аёллигини севгилиси Намозга ҳам, бошқа жанг-чиларга ҳам билдирмай юрган Турғуной Ниёзни Ал-помиш деб билса, ўзини эса Барчин деб ҳис этади. Ниёз ва Турғунойнинг қўшиқлари бевосита халқ қў-

шиги, термаси ва ёр-ёри услубида ёзилган. Драмадаги шартлилик принципларида ва ундаги романтик моментларда ҳам фольклор анъанаси кўринади.

Одатда Ўрта Осиё халқлари адабиётида социалистик реализм методининг туғилиши ва ўсиши тўғрисида сўзлаганда, жанрлар тараққиёти масаласини эътиборга олмаймиз. Жумладан, ўзбек адабиётида ўтмишда етакчи жанр поэзия бўлган, проза ва драматургия жуда қолоқ, тўғрироғи, ҳозирги маънодаги йирик проза ва драматургия бўлмаган. Реалистик проза ва драматургия ўзбек адабиётида совет ҳукумати йиллари пайдо бўлди. Ўзбек адабиётида социалистик реализм методининг ривожини унда шу янги жанрларнинг туғилиши ва тараққиёти билан узвий боғлиқ эди. Бу иккала процесс бир вақтда содир бўлди ва улар бир-бирларининг ривожига ўзаро таъсир қилди.

Ўзбек халқи ҳаётида юз берган буюк бурилиш йирик проза ва драматик асарларга эҳтиёж туғдирди. «Модомики биз,— деган эди Абдулла Қодирий,— янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашишимиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янги асарлар яратишга халқимизни шу замоннинг «Тоҳир ва Зухро»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод ва Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзимизда мажбурийат ҳис этамиз».

Ўзбек адабиётида роман, драма жанрларининг туғилиши, поэма жанрининг янгилиниши ва ўсишида классик адабиётда мавжуд анъаналар билан бирга (оз бўлса-да), фольклордаги бой анъана жуда муҳим роль ўйнадики, бунини алоҳида таъкидлаш керак. Чунки баъзи буржуа танқидчилари (Боймирза Хаит ва шу кабилар) ўзбек адабиёти учун роман ва драма жанрлари мутлақо ёғ, улар ташқаридан зўрлаб киритилган, деган бўҳтонни айтадилар. Классик ёзма адабиётимиздаги дostonчилик (айтиш мумкин: шеърини романчилик), мемуарлар («Бобирнома»ни эсланг), қардош халқлар адабиёти намуналарининг (масалан, «Хамса»га кирган баъзи дostonларнинг) насрий таржималари, ҳикоялар ва фольклордаги уч йирик жанрнинг— эпик, лирика ва драманинг— ўзбек совет адабиётида тез фурсатда йирик проза ва драма жанрларининг туғилишига олиб келди (сўзсиз, бунда озарбай-

жон, рус ва жаҳон адабиёти намуналарининг роли жуда катта).

Халқ дostonларидаги эпиклик, кўп планлилик ва типиклаштириш принципидаги тажрибалар, уларда шеър билан бирга қўлланилган прозаик нутқ ва халқ драмаларидаги, аскияларидаги драматик воқеа; конфликт, комик ситуациялар ва сатирик характерлар яратиш принциплари, бадий-тасвирий воситалар бизда роман ва драматик жанрлар учун замин бўлди. Бизда ҳозир ривожланган музикали драма жанри, комедия жанри, сатира ва юмористик ҳикоя, повестлар учун ҳам халқ ижоди асос бўлди.

Маълумки, Октябрга қадар ўзбек шеъриятида асосан аруз вазни ишлатилди. Революциядан кейин етакчи ўринга бармоқ вазни чиқди ва кейинча эркин шеър ҳам туғилди. Халқ ижодидаги поэтик асарлар эса фақат бармоқ вазнида яратилиб келинган. Шунинг учун ҳам ўзбек адабиётида бармоқ вазнининг, эркин шеърнинг кенг доирада ўсиши ва шеър шаклининг янгиланишида, айниқса ёзма адабиёт тилининг халққа яқинлашиши ва бойишида, энг аввало, шу фольклор асос бўлди.

Шуни айтиш керакки, фольклордан фойдаланиш ёзувчининг ғоявий нияти ва жанр табиатига ҳам боғлиқ. Ҳар бир асардан ёки ҳар бир жанрдан халқ ижоди традицияларини қидириш кулгили бўлар эди. Йирик прозага нисбатан шеър, поэма ёки драматик асарларда халқ ижодига мурожаат этиш кучлироқ. Миртемирнинг, Туроб Тўланинг ўйноқи қўшиқларида халқ лирикасининг руҳи, усули ва шаклини сезиш осон. Фельетон жанрига назар ташласак, бунда афанди латифаларининг ўчмас изини топиш мумкин. Ғ. Ғулом фельетонларидаги типиклаштириш принципларида, фельетон «қаҳрамони»нинг фош этиш усули, сатирик тилида афанди латифаларининг ғоявий-эстетик принципларининг ўчмас изи бор. «Шум бола»да Насриддиннинг баъзи хусусиятлари ётади.

Драматик асарларда эса халқнинг қаҳрамонона ва романтик дostonларидаги ҳаётни идрок этиш ва бадий таҳлил қилиш принципларини, улардаги сюжет ва конфликт характерини ва айниқса образлар талқинидаги усулларни кўриш мумкин (сўз ўйини, аскиячилик элементлари, мақол ва идиоматик бирикма-

лар ҳам). Яшнинг машҳур «Нурхон» номли музикали драмасида халқ ижодининг синкритик санъатининг ажойиб намунасини (сўз, ўйин, музика ва ижро этиш), Шайхзоданинг «Жалолиддин», «Мирзо Улугбек» драмаларида халқ дostonларидаги қаҳрамонлик ва эпикликни, романтика ва шартли бўёқларни кўриш мумкин. А. Қодирий, Ғ. Ғулом, С. Аҳмад каби ёзувчиларнинг сатирик ва юмористик ҳикояларида халқ эртакларининг услуби, сюжет схемаси ва бадиий тасвирий воситалари муҳим ўрин тутлади.

Фольклордан ўрганиш ижодкорнинг дунёқараши, ижодий принциплари ва шахсий услуби билан чамбарчас боғлиқдир. Ёзувчининг эстетик дунёси, воқеликни идрок ва тадқиқ этиши қандай бўлса, унинг халқ ижодига муносабати ҳам худди шундай бўлади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир ижодкор фольклордан ўзига хос равишда фойдаланади. Бирида унинг таъсири кўпроқ, бирида озроқ. Масалан, А. Қаҳҳор ёки Ўйғунга нисбатан Ойбек ва Ҳ. Олимжонда фольклор таъсири кучлироқ. Чехов ва Гоголь мактабида ёзувчи бўлиб етишган А. Қаҳҳорда халқ ижодининг сюжетлари, мотив ва образлари деярли йўқ. Аммо А. Қаҳҳорда халқ ижодига хос халқчиллик, демократизм кучлидир. У халқ руҳиясини, халқ характери, психологияси ва идеалини жуда чуқур билади. У халқ тили бойлигидан фойдаланишнинг классик намунасини кўрсатди. Ёзувчининг тили (шу жумладан, қаҳрамоннинг нутқи) шу қадар ўткир, ширали, таъсирли ва ихчамки, бу борада ўзбек адабиётида Қаҳҳорнинг тенги йўқ. Темирчи отаси билан қишлоқма-қишлоқ кўчиб юриб, вояга етган А. Қаҳҳор халқ тилининг барча серқирра фазилатларини чуқур ўрганган ёзувчи эди.

Ойбек эса табиатан ҳаётдаги гўзал нарсаларнинг шайдосидир. Унинг романтик поэмаларида («Ўч», «Бахтигул ва Соғиндиқ») халқнинг гўзал ҳис-туйғулари, қаҳрамонлиги кўтаринки, романтик руҳда тасвирланади ва асар воқеаси қаҳрамонларнинг ўз ниятларига этиши билан тугалланади. Ойбек ўзининг ижобий қаҳрамонларини ҳам маънавий, ҳам жисмоний гўзал, мукамал қилиб чизади, салбий қаҳрамонларини эса жуда хунук қилиб тасвирлайди, уларнинг ташқи хунуклигини ички дунёсининг бир кўзгуси сифатида кўрсатади. Ойбек услубидаги худди шу нарсада халқ

ижодидаги ижобий қаҳрамонни идеаллаштириб, салбий қаҳрамонни ўта хунук қилиб тасвирлаш принципнинг таъсири ётади.

Ҳамза билан Ғафур Ғулом ҳаётнинг энг қизгин жойларида яшаб ижод этдилар, янги ҳаёт қурилиши ишига актив қатнашиб, ижодий ишни ижтимоий иш билан узвий қўшиб олиб бордилар. Бу нарса уларнинг халқ ижодига янада яқин бўлишларига сабаб бўлди. Ҳамза эски тузумнинг ва эскилик қолдиқларининг ашаддий душмани ва янги замоннинг оташин куйчиси эди. Шунинг учун ҳам унинг ижодида икки йўналиш — янгилик ва озодликни жўшқин, патетик ва кўтаринки руҳда куйловчи ҳамда тор ва реакцион нарсаларни шафқатсиз фош этувчи йўналиш бор эди. Шунинг учун ҳам, Ҳамза юқорида кўрганимиз каби, халқ қўшиқларидан жуда кўп озиқланди ва ўз сатирасида халқ сатирасининг шакли ва мотивларидан, комик воситаларидан, халқ театрининг ижодий принципларидан чуқур ўрганди. Ҳамза фольклордаги «Туҳматчилар жазоси», «Камбагал хотин ҳийласи» номли сатирик эртаклардаги сюжет ва фабулани, сатирик образ яратиш ва комик ситуациялар ҳосил қилиш принципларини асос қилиб олиб, «Майсаранинг иши» ва «Туҳматчилар жазоси» каби комедияларини яратди. У халқ эртакларидаги камбағалларнинг ширин оилавий турмушини бузмоқчи бўлган ифлос одамлар кирдикорини фош этиш мотивини қайта ишлаб, ривожлантириб, унга замонавий руҳ бериб, Октябрь берган озодликка қарши чиққан душманларни, Совет кишиларининг бахтли турмушини заҳарламоқчи бўлган эски дунё ҳимоячиларини шарманда қилади. Тадбирли Майсара, ўткир сўзли Мулладўст образида Насриддин афанди фазилати ётади. Ҳамза сатирик образларнинг ҳаммасини бир ерга йигиб, бир хил ўткир кулгили ситуацияга тушириб қўйиб, улар устидан аччиқ кулади ва шундай қилиб, халқ эртагини ўткир сиёсий сатира даражасига кўтаради, унга катта социал мазмун юклайди.

Бизнинг адабиётимизда халқ ижодининг ғоявий-эстетик традицияларидан жуда кенг кўламда ва чуқур ижодий ўрганган сўз устаси Ғафур Ғуломдир. У халқ ҳаёти ва орзу-тилакларини, халқнинг руҳий олами ва қалб зарбларини, маънавий эҳтиёжи ва эсте-

тик дидини, унинг характери ва психологиясини шу халқ маънавий бойлигининг хазинаси бўлган фольклордан ўқиб ва ўқиб олди. Фольклор Ғафур Ғуломга энг аввало халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттириш, социалистик жамият улуғлигини эҳтирос билан куйлаш ва тарих ғилдирагининг олға томон — коммунистик идеал сари юришини зўр эътиқод билан тасвирлашда актив кўмакка келди. Халқ ижоди Ғафур Ғулом учун халқчил асар яратишда, демак халқ қалбига чуқур кириб боришда бир кўприк воситаси бўлиб хизмат қилди.

Ғафур Ғуломда халқ ижоди таъсирининг ниҳоятда хилма-хил турларини кўриш мумкин: унда фольклор асарларини қайта ишлаш («Афанди ўлмайдиган бўлди», «Эшон ва шайтон»); фольклорнинг стилизация усулидан ўрганиш («Ҳасан Кайфий»); фольклор мавзуси — мотиви, образ хусусияти, баён қилиш усули («Тирилган мурда»); характер моҳияти ва типиклаштириш принциpidан (Шум бола, Кўкан, Мамажон образларидаги жамғармалик, турдошлик майллари); сюжет схемасидан, фабуласидан («Шум бола»даги саргузашт сюжет тури); композициясидан («Ёдгор»даги қолиплаш усули); жанридан (достончилик, қўшиқ, шеър, фелъетон, сатира ва юмор); шеър вазни шаклидан; образлари ва тасвирий воситаларидан, тил бойлигидан (халқ ибораси, қочериқлари, сўз ўйини, идиоматик бирикмалари, мақол-маталлари, лексикасидан) ижодий ўрганишнинг ажойиб намунаси мавжуддир.

Драматургияда халқ ижоди традицияларидан фойдаланишнинг ажойиб намунасини кўрсатган ижодкорлардан бири «Тоҳир ва Зухра», «Алпомиш» музыкали драмасининг автори Собир Абдулладир. Қаҳрамонликни, юксак севги-садоқат туйғуларини куйлаш Собир Абдулла ижодига хосдир. Шунинг учун ҳам унинг драмаларида халқ эпосига хос қаҳрамонлик пафоси, севги романтикаси ва оптимизми мавжуд. У «Тоҳир ва Зухра» номли халқ эртагидаги муҳаббат ва садоқат мотивини олиб, қайта ишлайди ва уни халқ ҳаёти ва тақдири, орзу-умиди билан узвий боғлайди, унга сайқал беради.

Халқ ижодидан усталик билан фойдаланишни Ҳамид Олимжонда ҳам кўриш мумкин. У бахт ва

шодлик куйчиси сифатида машҳур. Шу сабабдан унинг шеърлари халқ қўшиқларидаги кўтаринкилик, ўйноқилик, оптимизм билан суғорилган. У «Ойгул ва Бахтиёр» номли халқ эртагидаги бахт ва шодлик линиясини асос қилиб олиб, шу номдаги ажойиб достонини яратди. Шоир Ойгул ва Бахтиёрлар қурган «янги бир дунё»да ҳозирги социалистик жамиятимизни назарда тутати ва шу халқ афсонаси мисолида халқнинг орзуси бизнинг мамлакатимизда амалга ошганлигини таъкидлашга муяссар бўлади.

Умуман олганда, ўзбек ёзувчилари фольклор традицияларига жуда кенг доирада мурожаат этди: фольклор асарларини қайта ишлашдан тортиб, то унинг типиклаштириш принципларигача, характерни очиш усулидан, тема — мотивлари, сюжет схемаси, фабуласи, услуби, образлари ва поэтикасигача — қисқаси, энг нодир фазилатларидан ижодий ўрганмоқдалар. Халқ ижоди ёзувчилар учун халқ тарихини, курашини, унинг мақсад ва идеалларини, руҳи, онги, психологияси ва характерини, унинг бой тилини ўрганиш манбаи бўлмоқда; халқ билан, ҳаёт ва замон билан узвий боғланишда маълум маънода ғоявий-эстетик кўприклардан бири бўлиб хизмат этмоқда. Қайси ижодкор халқ ижодидан, классик меросдан ва жаҳон адабиётининг илгор традицияларидан чуқур ва ижодий ўргана олган бўлса, у ғоявий-бадий мукаммал, юксак халқчил асар яратишга муяссар бўлди ва бўлмоқда.

1974 йил.

Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижодини ўзбек совет адабиётининг ривожланишини тезлаштирган тўрт қудратли манбадан бири деб ҳисобланганди. Бундан у дунёда фольклордан озиқланмаган адабиёт йўқ, деган қоидадангина келиб чиқмаган эди. Тўғри, Ҳамид Олимжон дунёга шон-шухрати кенг ёйилган сўз санъаткорларининг юрак томирлари халқ ижодига бориб мустақкам туташганлигини ва шу халқ ижоди уларнинг ижодий парвозида бир қанот бўлиб хизмат этганини яхши билади. Ҳатто у мана бундай деган ҳам эди:

«Пушкин ижодида фольклор — халқ ижоди адабиётининг асосий манбаларидан бири эди.

Пушкинда фольклорга бўлган мароқ рус халқининг гапига, унинг туганмас бойликларини ўрганишга бўлган мароқ билан борар эди.

Пушкин ижодининг сўнгги даврини фольклор даври деб аташ мумкин. Бу давр Пушкиннинг бутун асарлари фольклор материаллари асосида ёзилган эди. Фольклор Пушкин ижодида айрим бир тасодифий ҳодиса эмас, балки бир муайян йўл, установка ҳолида эди. Пушкин фақат рус фольклорига эмас, балки айни замонда Ғарбий Европа фольклори берган материалларга ҳам мурожаат қиларди. Бу тасодифий эмас, иш принципи эди.

Пушкиннинг фольклорга ва халқ тилига бўлган муҳаббати адабиётни кенг халққа етказиш нияти билан туғилган ва рус адабиётини демократизация қилишдаги этаплардан бири бўлган эди.

Гап ёлғиз Пушкиндагина эмас, «Илиада», «Одис-

сея» ҳам санъатнинг энг баланд намунаси қилиб яратилган юнон фольклоридир.

Шекспирнинг «Гамлет» номли буюк трагедияси халқ фольклори асосида яратилган. Гётеннинг улуғ «Фауст»и фольклор заминида яратилган муҳташам бир иморатдир.

Улуғ ўзбек шоири Навоий фольклорни жуда яхши кўрар ва яхши билар эди. Навоий «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» ҳикоясини халқ фольклоридан олиб ишлаган ва буюк бадиий камолот бергандир»¹.

Бу ўз-ўзидан маълум ҳақиқат. Ўз классик адабиётининг мероси, халқ ижодининг прогрессив традицияларига ва жаҳон адабиётининг ютуқларига суянмаган талант ўсмайди. Ҳамид Олимжоннинг ёзувчиларни ўзбек фольклорини ўрганишга даъват этишининг остида яна муҳимроқ гап бор эди. Ўзбекистонда Октябрь революциясига қадар маориф-маданият даражаси жуда орқада эди. Асрлар давомида китоблар ниҳоятда оз нусхада қўлда кўчирилиб келинди ва шунинг учун ҳам улар саводли одамларнинг ҳаммасининг ҳам қўлига етиб бормас эди. Босма матбуот ҳам фақатгина асримизнинг бошларида, тўғрироғи, XIX асрнинг охириларида вужудга келди. Халқнинг асрий қисми эса саводсиз эди. Шунинг учун ҳам оғзаки адабиёт халқнинг тилига, халқ дили ва қалбининг ойнасига, кураш қуролига айланган. Ўзбекистонда халқ ижодининг ўтмишда кенг ривожланишининг асосий сабабларидан бири ҳам шу эди. Халқ тарихининг, халқ ҳаётининг ва унинг фикрлари, орзу-умидларининг ифодачиси бўлган фольклор ўзбек совет адабиёти учун пойдеворлардан бири бўлиб хизмат қилди.

— «Улуғ Октябрь революциясигача кўпчилиги саводсиз бўлган ўзбек халқи бой оғзаки адабиётни яратди,— дейди Ҳамид Олимжон.— Бу адабиёт асрлар давомида яхши ҳаётга эришиш тўғрисидаги халқ орзу-армонларини ифода қилар эди. Бу адабиёт халққа яқин ва ёқимли одамларнинг образлари билан тўла»².

Ана шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон халқ ижодини ниҳоятда севар, ардоқлар ва қаламкашларни ун-

¹ Ҳ а м и д О л и м ж о н. Танланган асарлар. Уч томлик, III том, 346-бет.

² Ўша асар, 290-бет.

дан ўрганишга чорлар эди. У қозоқ адабиёти тўғрисида сўзлар экан, бугунги қозоқ санъатининг афзалликларидан бири унинг халқ ижодига жуда яқин турганидир. Бугунги қозоқ опера театрининг бутун асарлари халқ дostonлари асосида яратилмоқда. Қозоқ санъати қозоқ халқ ижод чашмасидан озиқ олади. Музыка, рақс шунга қараб ишланади ва шунинг учун ғалаба қозонади»,² дейди.

Ҳамид Олимжоннинг фольклорни улуғлаши остида адабиётни халққа янада яқинлаштириш, бир сўз билан айтганда, уни халқчил қилиш нияти ётади. Адабиёт халқ ҳаётига, унинг қалбига қанчалик чуқур кириб борса ва буларни қанчалик мукаммал, ҳаққоний ва таъсирли тасвирлай олса, у шунча қудратли бўлади. У халқ руҳини фикр-туйғулари ва истакларини унинг тушунарли, содда ва гўзал тилида ифода-лаш — яъни ҳақиқий соддаликни севади. Ҳамид Олимжон ҳаётда ҳам сунъийликни ёқтирмаган, ўзини ниҳоятда самимий, табиий ва оддий тутган. У сохта, бўяма гўзаллиқнинг душмани, азалий табиий гўзал-лиқнинг ошиғи бўлган: шоир инсонни табиатнинг бир бўлаги, унинг фарзанди деган тушунчадан келиб чиқиб, ўзини «бу табиатда бир чевар шоир» («Нева хотиралари») деб атайти. Унинг «Жавоб бериб кўр-чи, номард табиат, бунчалик гўзални нечун яратдинг» мисраларининг («Офелиянинг ўлими») остида ҳам шу маъно бор. Ҳамид Олимжон «Куйчининг хаёли» шеърида эса она юртимиздаги гўзал ҳаётни «жувон ҳаёт» деб таърифлайди. Ёки унинг Ўзбекистонни «чиройли-дир гўё ёш келин» («Ўзбекистон») деб улуғлашидан ва «Оқар эди дара, сойларнинг қизлигини сақлаган ёри» («Мизимта дарёси») мисрасида ётган фикрлардан шоирнинг азалий ва табиий гўзаллиқни, мусаффолик ва тиниқликни нақадар қадрлашини англаш мумкин. Ҳақиқий санъатни шунда деб билди. Ушбу мисраларга диққат қилинг. Шоир Чимённи тасвирлар экан, шундай ёзади:

Қояларда асрлик дoston,
Дараларда оппоқ, мангу қор,
Чўққиларда оташ саратон,
Ён бағирлар бикафша баҳор.

¹ Ўша асар, 416-бет.

Гўзалликда туганмас булоқ,
Шамолда ўйнайди шалола,
Баҳор юрар кўчиб тоғма-тоғ,
Қўлларида лола пиёла.

Йўлларимда зангори кўллар,
Ойна каби тиниқ ва бежон.
Мен умримда кўрмаган ғуллар...
Ном қўйишда ожиздир инсон.

Бу гўзалдир, бу ажиб бир ҳол,
Ҳам ваҳшийдир, ҳамда осуда,
Бўлмасинми шоир тили лол
Шамол учиб ўйнаса сувда?

Болалигим тутди ва бир бор,
Булоқ узра ётдим узаниб
Ва санъатга бермасдан озор,
Ҳовуч-ҳовуч сув ичдим қониб.

(1, 221.)

У ўзининг амалий ижодида худди шу азалий — табиий гўзаллик — соддалик йўлидан борди. Халқ ижоди унинг содда услубини яратишда кўмак берди, пировардида унинг ижодини чуқур халқчил бўлишига ҳам ёрдам қилди.

Шу муносабат билан Ойбекнинг қуйидаги фикрида мунозарали ўрин борлигини айтиб ўтмоқ лозим:

«—Ҳамид Олимжон кейинги даврда бадий соддалик йўли билан кетди,— деб ёзади атоқли ёзувчимиз,— бунда, шубҳасиз, фольклор асарларининг маълум таъсири бор. Шоир ўз лугатини соф халқ сўзлари, ифодалари билан бойитди. Бадий воситаларни ҳам кўпинча халққа содда, очиқ ва халқ поэзиясининг бадий руҳига мос шаклда танлашга тиришди:

Мард ўғилнинг боши тош,
Ёмғир каби ўқ ёғдирсам,
Тўкилади у тутдай,
Тошга бош қўйганимда
Ёстиқ каби туюлдинг.

Бу онанинг кўзда ёши
Қайтадан кўл бўлсинми?
Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин,
Хайр, кўзим қораси,
Исминг ёзиқ букун ёпган номимда.

Халқ поэзияси каби самимий, бепардоз, бетакал-луф, бебезак лирика яратишга интилиш, тўғри самарали йўл, албатта. Ленин бу мунбит заминда шоир ўз ижодий уруғликларини кўркем, бақувват, рангдор гуллатиши керак; халқ бадий фикри руҳида, лекин ўз ижодий самосида шоир баландпарвоз бўлиши лозим. Демак, бутун гап фикр ва бадий шаклнинг даражасида. Бироқ, Ҳамид Олимжон аксар вақт халқ сўз ва ифодаларини ишлатиш ҳам унинг услубини тиклаш билан чегараланади. Ҳатто кўпинча формал мастерлик ва мисраларни қуймалашга оз эътибор берди, бадий воситаларни бой, ўткир, ёрқин ифодали қилишга ҳам уринади. Дуруст, шоир тез ва кўп ёзишга бошлади. Қалин «Бахт» китоби асосан 1936—1937 йилларнинг маҳсули. Албатта, Ҳамид Олимжоннинг қунт билан ишлаган шеърларида унинг бой хаёлини, нозик завқини, ўткир фикрини кўрсатадиган ёрқин, оригинал, ажойиб метафоралар, ўхшатишлар, киноялар, сифатлашлар мўл учрайди»¹.

Ойбек Ҳамид Олимжоннинг халқ ижодидан фойдаланишида «формал мастерлик йўлидан боради» ва халқ ижодининг «услубини тиклаш билан чегараланади», деб таъкидлайдики, бунда у ҳақ эмас. Ҳамид Олимжон «ҳар ёзувчининг ўзига бошқа бир олам каби» кўринишга эришиши зарурлигини («Дехқон адиби ким?» мақоласи), Ойбек тили билан айтганда, фольклордан фойдаланганда ҳам «ўз ижодий самосида» қолишини эсдан чиқармайди. Фольклордан ўрганганда ҳам, қаламкашларни ундан озиқланишга даъват этганда ҳам унинг илғор традицияларига диққат қилишни, булардан ҳам ижодий ўрганишни, ҳатто ёзма адабиёт билан оғзаки адабиёт ўртасида тенглик аломатини сира-сира қўйиб бўлмаслигини унутмайди. Шоирнинг бу позициясини унинг «Алпомиш» муносабати билан айтган «Шеърый камолот жиҳатидан айрим ўринларда ёзма адабиётдаги баланд шеърларга қараганда ҳам қуйма ва пухта, гўзал парчаларга эга бўлган «Алпомиш» чиройли муболағалар, уста тасвирлар, метафоралар, афоризмлар билан тўладир»², деган фикрлардан ҳам билиш мумкин.

¹ «Армуғон», 185-бет.

² Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч томлик, III том, 343-бет.

Ҳамид Олимжоннинг шеърларида халқ ижоди-нинг таъсири кучли бўлса-да, улар шоирнинг шахсия-тини, унинг «Мен»ини— ҳамидона овозини кўмиб кетмаган. Аксинча, халқ ижоди унинг халқ ҳаётини ва руҳини ўрганишида, дунёқарашининг шакллани-шида, эстетик принципининг вужудга келишида, сод-да услубининг вояга етишида яқиндан ёрдам берди. Фольклордан ўрганиш Ҳамид Олимжон учун ҳам, унинг ўз сўзлари билан айтганда «айрим бир тасоди-фий ҳодиса эмас, балки бир муайян йўл, установка ҳолида эди, иш принципи эди». Шоирнинг «рус халқ тили ва унинг фольклори устида олиб борилган бу иш (Пушкиннинг эртақлар яратиши — С. М.) Пушкиннинг бутун халқ учун гўзал ва англашиларли бўлган ада-бий тилни яратишига жуда катта ёрдам берди»¹, де-ган фикри ёки «Алпомиш» тил жиҳатидан ўзбек халқ тилининг бутун бойлиги ва рангдорлигини акс эттира-ди. Достон ўзбек халқ тилининг қанчалик ширали, қанчалик ихчам ва ўз ҳаётини ифода қилиш учун қанчалик мукаммал, бой эканини ҳам кўрсатади. Достонда турмушда учрайдиган энг оддий сўзлардан тортиб, биз учун нотаниш, лекин билишимиз зарур бўлган ҳарбий терминларгача мавжуд. Чорвачиликка оид терминлар ҳадсиз кўп. Буларни биз билмас эдик ва билмасдан туриб ўзбек тилининг қашшоқлиги ҳа-қида ёлғон афсоналар ҳам тўқиб юрар эдик. «Алпо-миш»да бу кунги адабий тилимиз, матбуот тили учун практик аҳамиятга эга бўлган сўзлар жуда кўпдир»² каби мулоҳазалари остида ҳам фольклор адабий асар-ни халқчил қилувчи, унинг тилини демократлашти-рувчи манбалардан биридир, деган ғоя ётади. Ҳамид Олимжоннинг бу қараши янада конкретроқ айтилади.

«У ўзининг бутун умрини кенг халқ оммасига яқин бўлган адабиёт яратишга, халқнинг дард ва аламларини, тилак ва армонларини куйлашга бағиш-лади. У классик шеърни ишлаб, халқ қўшиқларига яқинлаштирди. Ҳақиқий халқ куйчиси бўлган Муқимийнинг улфатлари сарой доиралари бўлмасдан, бал-

¹ Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч томлик, III том, 275-бет.

² Уша асар, 345-бет.

ки халқ ашулачилари, халқ созандалари бўлар эди. Шунинг учун унинг классик мақомларга бўлган пичинги ҳам адабиётни демократизация қилиш ниятидан келиб чиққандир.

Қўй, э мутриб, «Баёт», Ушшоқ» ёқмайди қулоғимга,
Тараннум айласанг маҳфилда қил «Гулёр», деб келдим.

Муқимий ўз шеърларининг тилини ҳам ана шунга қараб ишлади. Муқимий шеърни халқ ашуласига, тилни халқ тилига яқинлаштирди. Меҳнаткаш тамом саводсиз бўлган бир мамлакатда поэзияни бундай бир йўлда давом қилдиришнинг революцион аҳамияти каттадир»¹.

Навоий ҳақида эса у «ўзининг бутун ижодини шу халққа қараб бурди», деб таъкидлайди². Яна бошқа ўринда Ҳамид Олимжон «халқчил бўлмаган ижод ўлимга маҳкум. Ҳақиқий ижод доим халқчил бўлгандир»³, деб уқтиради. Бу хулосалар бутун ижоди фольклорнинг ҳаётбахш томирлари билан туташиб кетган Ҳамид Олимжоннинг амалий фаолиятдан, бадиий тарбиясидан келиб чиққан эди.

Ҳамид Олимжоннинг халқ ижодидан ўрганишининг йўллари, усуллари хилма-хилдир. Бу ранг-баранглик унинг ҳаёти ва ижод йўли билан вужудга келгандир. Халқ ижодига бўлган чексиз муҳаббат Ҳамид Олимжонга она сути билан кирган. Кўпгина халқ эртакларини билган онаси Комила опа ёш Ҳамидда халқ ижодига нисбатан қизгин муҳаббат уйғотгандир.

Маълумки, Ҳамид Олимжон тўрт ёшга кирганда отасидан жудо бўлади. Комила опа кун кечириш ниҳоятда мушкул бўлиб турган бир пайтда отадан айрилган ўғлини овутиш мақсадида яхши, бахтиёр ҳаёт, озод ва адолатли тузум тўғрисида ҳикоя қилувчи эртаклар, афсоналарни айтиб берарди. Бахт излаган баҳодирлар жасорати ва уларнинг ўз орзуси йўлидаги интилишига кўмаклашган семурағларнинг олижаноблиги уни қойил қолдирар, хаёлан уни узоқ-узоқларга етаклаб кетар эди. Дарвоқе, шоирнинг ўзи ҳам бундай деб ёзган экан: «Халқ бундай вақтларда (очлик, зулм

^{1,2,3} Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч томлик, 313, 320, 326-бетлар.

ва реакция авж олган вақтда — С. М.) ўз хаёлини узоқ асрларга қаратар, озод турмуш хаёли билан тасалли топар ва ўз фантазиясида ўзига маъқул кўринган дунёни жонлантириб қарар эди»¹. Эҳтимол, унда ижод туйғусини уйготган куч ҳам шу эртаклардир. Зотан, унинг ўзи шу «болалик кунларида эшитган кўп эртаклари фикрини тортганини, ҳавасини ортирганини» сўзлайди. «Ойгул билан Бахтиёр» достонида, «Абдулҳамид ёшлигидан бошлаб чўпчакларни, эртакларни тинглагани тинглаган, ўзи ҳам нималарнидир тўқигани тўқиган эди,— деб эслайди Комила опа.— Унинг қистови билан мен кечалари эртақ айтганим айтган эди. У мен айтган эртакларга мириқмай ухлай олмасди. Халқнинг ғаройиб эртакларига у жуда қойил қолар, унга алоҳида манзур бўлган эртакларнинг гашти билан неча кунлар хаёлда юрар эди»².

«Она» асарида ҳам Ҳамид Олимжон «она ўз ўғлини севади фақат, фақат севадию эртақ айтади», деб ёзади. Бунда ҳам қашшоқ она фарзандини эртаклардаги ширин хаёллар билангина овутади. Ёки Горькийнинг ёшлигидаги қашшоқ, огир турмушини кўрсатиш мақсадида Ҳамид Олимжон «Оҳ... шод она қўйнида тингламадинг эртаклар», яъни ҳатто эртақдаги ширин хаёллар ҳам унга муяссар бўлмади, дейди. Буларнинг ҳаммаси — меҳрибон онаси айтган эртаклар Ҳамид Олимжон қалбида бир ўчмас из қолдиргани ва унинг юрагига ижод чўғини ташлаганини таъкидлайди.

Характерли томони шундаки, Ҳамид Олимжоннинг илк ижодида фольклорнинг таъсири у қадар сезилмайди. Тўғри, баъзи фольклор образлари (шер), ўхшатишлар («ёмғир каби кўз ёшлар»), иборалар («ҳасратин орқага ташлади») ва халқ қўшиқларини эпиграф қилиб ишлатиш каби («Қишлоқ қизи») ҳоллар учрайди. Лекин халқ ижодидан чуқур ва ижодий мўл-кўл ўрганиш даври, ўз ибораси билан айтсак, «фольклор даври» 30-йилларнинг ўрталарига тўғри келди. Бунинг боиси шуки, бу йилларда Ҳамид Олимжон Навоий, Пушкин, Шевченко, М. Горький каби улуг санъаткорларни чуқур ўрганиб, уларнинг халқ ижодига бўлган чуқур муносабати ва катта муҳаббатидан намуна ол-

¹ Уша асар, 332-бет.

² «Гулистон», 1969, 12-сон, 12-бет.

ди. Улар ижодининг ҳарорати Ҳамид Олимжон қалби-га ёшлигида онаси томонидан ташланган уруғнинг кур-так ёзишига ва ўсиб, гуллашига туртки бўлди. У халқ ижодини ўқиш-ўрганиш билан кифояланмасдан энди уларни йиғиш ва илмий асосда текшириш иши билан шуғуллана бошлайди. У Фозил Йўлдош, Ислоҳ Шоир каби халқ бахшиларидан халқ ижоди намуналарини ёзиб олиш ва нашр этиш ишига бош-қош бўлади. 1935 йилдаёқ у «Алпомиш» эпосини ўрганишга киришган-ди. Фозил Йўлдошга бағишланган «Куйчининг хаёли» (1936) шеърида халқ ижодининг руҳи, оҳанги, мазму-ни ва бахшиларнинг, куйчиларнинг тақдири тўғриси-да сўзларкан, «Алпомиш» қаҳрамонларидан бири Ой-барчинни тилга олади, шу эпосдан шеърий мисоллар олиб, шеърга қўшиб, едириб юборади («От чопса гум-бурлар тоғнинг дараси, урушда билинар марднинг сараси»). Худди шу шеърнинг ва халқ бахшиларидан яна бири бўлмиш Абдулла шоирга аталган «Дўмбирам-нинг мақтови» номли шеърида шу бахшиларнинг «Дўм-бира» темасидаги термаларининг руҳи, оҳанги ва ай-ниқса кечинмани ифодалаш йўллари, усули, образла-ри равшан сезилиб туради:

Сўз бошлайин энди яхши, ёмондин,
Кўзларимнинг нури бўлган дўмбирам.
Сен қўлимда, кезиб ўтдим жаҳондин,
Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам...

(1,230.)

Бу шеърларда шоир дўмбирани ўзининг созининг рамзидай эҳтирос ва меҳр-муҳаббат билан улуғлайди.

Ҳамид Олимжон халқ бахшиларини «поэзия яра-тишга қодир бўлмаган, фақат тайёр нарсаларни ижро этувчилар», деб ерга урган одамларга қаттиқ зарба берди¹.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1938 йил 10 май сонида «Пушкин номли Тил ва адабиёт институти ҳақида» номли мақола босилган бўлиб, бунга Б. Акба-ров, Ю. Султонов, М. Афзалов, Ҳ. Олимжон, Ж. Шари-пов, И. Султонов, Х. Расулов, З. Маъруфов, Ф. Камо-лов, Ҳусайнзода, Б. Каримов, О. Усмонов, Ҳ. Ғозиев

¹ Ҳодид Зариф. Ўзбек фольклорининг жонкуяри. «Шарқ юлдузи», 1959, 12-сон, 16-бет.

ўртоқлар имзоси қўйилган. Мақолада институтнинг ўша вақтдаги аҳволи танқид қилиниб, у «Алпомиш», «Ширин-шакар», «Равшанхон» каби босмага тайёр қилиб қўйилган дostonларни турли баҳоналар билан дунёга чиқармай келаётир. Масалан: «Алпомиш» дostonида мифологик элементлар бўлгани учун уни босмага бериш мумкин эмас эмиш. Амирий (директор — С. М.) эртақлар тўпламини ҳам босмага бердирмай келди. Чунки эртақларда подшолар иштирок қилади, шунинг учун бу эртақларни босиб чиқариш мумкин эмас эмиш. Ваҳоланки бу эртақларда халқ подшоларга ҳақиқатни қарши қўйган ва шу билан ўз замонидаги подшоларнинг зулмига норозилик ифода этган», дейилади.

Кўп ўтмай бу дostonлар нашр этилади. «Алпомиш» эпоси эса Ҳамид Олимжоннинг кириш мақоласи билан босилиб чиқди (Ҳамид Олимжон текстни нашрга тайёрлаш ва тилини силлиқлашда ҳам қатнашди). Мақола ўша куннинг руҳи ва талаби билан ёзилганди. У «ўзбек совет адабиётини чин маънода халқчил қилиш учун фольклорнинг аҳамиятининг буюк эканлигини» таъкидлар экан, мана шу халқнинг қимматли бойлигини юзага чиқаришга тўсқинлик қилган душманларни кескин танқид қилади, жамоатчилик диққатини ўша «душманларнинг зараркунандалик оқибатларини томири билан қўпориб» ташлашга чақиради. Мақолада принципаал илмий масалалар кўтариб чиқилган ва чуқур ҳал этилган. Биринчидан, «Алпомиш» дostonининг Ўрта Осиё халқларининг ҳаммасида борлиги фактидан келиб чиқиб, буни бир халқники эмас, балки шу Ўрта Осиё халқлари «ўртасидаги ўртоқ бир дostonдир», дейди. Бунинг сабабини эса бу «халқларнинг худди бир хил бўлган тарихий шароитда ҳаёт кечириб келганлари ва бир-бирларига жуда ҳам яқин турганлари; «умид ва тилакда, курашда ўртоқ — ҳамфикр бўлганлари билан изоҳлаш мумкин», деб кўрсатади¹.

Ҳамид Олимжон ҳамма бахшилар репертуарида «Алпомиш» борлиги ва энг мукаммали Фозил Йўлдош оғзидан ёзиб олинган варианты эканлигини таъкидлайди. Кейинги йиллардаги текширишлар ҳам Ҳамид

¹ Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч томлик III том, 334-бет.

Олимжоннинг бу фикрини қувватламоқда. Учинчидан, Ҳамид Олимжон «Алпомиш»ни мардлик, муҳаббат ва дўстлик дostonи эканлигини асослаб беради. 50-йилларга келиб, «Алпомиш» dostonига нисбатан ноҳақ ҳужумлар бўлди, бироқ душманлар халқнинг бойлиги бўлган «Алпомиш»ни унинг қўлидан тортиб ололмади. Ҳамид Олимжон эса ўша вақтдаёқ (1938) dostonда ўзбек-қалмоқ ўртасидаги курашларнинг илҳомчиси ким эканлиги, dostonдаги диний моментларнинг вазни ва ролининг деярли йўқ эканлигини чуқур илмий асосда ҳал қилиб берганди.

«Тарихда бизга маълум,— деб ёзади у,— ўзбек, қалмоқ курашлари ҳар вақт ўзбек, қалмоқ феодал аристократиясининг иғвоси, босқинчилиги билан келиб чиқар, бошланар ва натижада бу икки халққа катта зарарлар билан тугар эди. Феодал аристократиясига, эксплуататорларга қарши курашда ҳар иккала халқнинг мақсади бир эди. Алпомиш билан Қоражоннинг кураши қалмоқ шоҳига қарши, хоин Ултонтоз султонга қаршидир. Шунинг учун dostonда қалмоқ шоҳини, Ултон султонни ўлдириш билан кураш тугайди. Бу курашда Алпомиш билан Қоражон чин дўст бўлиб, душман билан мардона олишиб енгадилар... Бу инсоний dostonдир. Doston дин ҳақида эмас, озод, эркин, мағрур ва гўзал одамлар ҳақида тўқилган, шуларни мақтаб кўкларга кўтарган, шу билан одамларнинг юрагига яқинлашгандир».

Ҳамза мукофоти лауреати, таниқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадий ўз хотирасида Ҳамид Олимжон уни халқ бахшиси Ислоҳ Назар ўғлига секретарь қилиб бириктириб қўйганини, бунда ҳам халқ шоирига кўмаклашиш, ҳам ундан фольклорни чуқур ўрганишни тайинлаганини айтади. «Ҳамид Олимжон халқ шоирлари билан ота-боладек иноқ, ижодий ҳамкор эди,— дейди Қуддус Муҳаммадий.— ...Мен Ислоҳ Шоир билан ишлаган вақтимда Ислоҳ отанинг қўйидаги бир гапини эслайман: «Ўғлим Ҳамиджон, мен сизни Ёзувчилар союзининг раисигина эмас, чин ўғлим деб биламан»¹.

Бу фактларнинг ҳаммаси (яна кўплаб келтириш мумкин эди) бир нарсани — Ҳамид Олимжоннинг халқ

¹ «Шарқ юлдузи», 1959, 12-сон, 25-бет.

ижодини ва унинг яратувчиларини қанчалик қадрлаганлигини, ўзбек совет адабиётини ривожлантириш йўллари ва халқни маънавий жиҳатдан бойитиш учун астойдил курашганлигини кўрсатади.

Санъаткорнинг халқ ижодига яқинлик даражаси ҳам, фольклорнинг қайси фазилатлари ва хусусиятларини маъқул кўриши ҳам — ҳаммаси санъаткорнинг дунёқарашига, эстетик мавқе ва эстетик идеалга, шахсияти ва индивидуал услубига боғлиқ; уни ҳаётнинг қайси томонлари, қайси масалалари қизиқтирса, фольклордан ҳам шунга алоқадор жиҳатларни ўрганади, қабул қилади. Ижодкорнинг асарларидаги халқ ижоди традицияларига разм солиб туриб, унинг дидига фольклорнинг қайси ғоявий-эстетик принциплари ёқиб тушади-ю, қайси томонларига қизиқмаслигини билиш мумкин. Ҳамид Олимжон халқ ижодининг ҳамма жанрларидаги, ҳар хил мавзудаги ва ҳар хил руҳдаги асарларни эшитган, ўқиган, билган. Булар ичида шўхи, қувноги, жанговари, қаҳрамонлик ва оптимистик руҳдагиси, ғамгин ва умидсизи ҳам бўлган. Уларнинг мавзулари ҳам хилма-хил ва бойдир. Аммо Ҳамид Олимжонни озодлик ва ҳақиқат, гўзал ҳаёт ва бахтиёр турмуш, инсонпарварлик ва мардлик ғояларини тарғиб этувчи, эртанги кунга ишонч ва умид руҳи билан суғорилган шўх, қувноқ, жанговар ва қаҳрамонлик асарлари мафтун этади. Уни инсоннинг қудрати ва гўзаллигини улуғловчи, унинг бахт ва шодлик йўлидаги курашини тасвирловчи асарлар қизиқтиради. Унинг қалбини айниқса халқ ижодида орзу этилган эзгу ниятлар ва бу ниятларнинг социалистик тузумимизда рўёбга чиқиши масаласи банд қилди. Шоир учун гўё социалистик тузум ўша эртактларда, дostonларда қилинган орзуларнинг рўёбга чиқадиган, армонларнинг ушаладиган ва афсоналарнинг ҳақиқатга айланадиган жойи бўлиб кўринади. Халқ ижодида «тилсим» тўғрисида кўп ҳикоя қилинади: қаҳрамон тилсимга дуч келади, қачонки унинг сирини билсагина ўз мақсадига етиши, бахтини қўлга киритиши мумкин. Аммо, бу тилсим эртактлардагина ечилган. Ҳамид Олимжон фольклордаги бу ҳолатни яхши билади ва социалистик ҳаётимизнинг улуғлигини очмоқчи бўлганда шу деталга мурожаат этади. У «Шодликни куйлаганимнинг сабаби» шеърисида шодлигининг боисини изоҳлар экан, «чунки халқим

барча тилсимлар калитини берди қўлимга» деб ёзади. Ёки «Икки қизнинг ҳикояси» эртагида Москвадан келган «билимдон халойиқдан ҳеч бировда қолдими армон», деб сўрайди. Одамлар эса «армонимиз йўқдир», деб жавоб беришади. Шоир талайгина асарларида халқнинг ана шу армонининг ушалиши ниятига етишиши эҳтирос ва меҳр билан ифодалайди.

Ҳамид Олимжон «Ҳаёт дарёси» номли публицистик мақоласида янги, социалистик тузумнинг илк мўъжизаларидан бири ҳақида — 45 кунда қуриб битказилган Катта Фаргона канали ҳақида сўзлар экан, Мирзачўл ҳақидаги халқ афсонасини келтиради. Унда Ширин кимки Мирзачўлга канал ўтказиб, Сирдарёни бўғса, шунга тегаман дейди. Эрон подшоси Хисрав уни алдаб (кечаси чўлга бўйра ёздириб, сувга ўхшатади), шартини бажарган бўлади ва Ширинни олади. Ширин алданганини эрта билан билади. Буни ҳикоя қилар экан, Ҳамид Олимжон бундай дейди:

«Бу жуда аччиқ ҳақиқат. Халқнинг бошига бундай кунлар жуда кўп тушган. Чунки халқ доимо яхшиликни ўйлайди. Яхши яшагуси, бахтли кунлар кўргуси келади. Лекин, тақдири ҳали ўз қўлида бўлмагани учун, эрксиз, ва ҳуқуқсиз бўлгани, бир тўда муттаҳамларга оёқ ости бўлгани учун ҳийла ва найрангларга гирифтор бўлиб ғам ва мусибатларга тушади. Куёвсиз қолган қизлар, эрсиз қолган хотинлар ҳақида афсона тўқийди ва келажакка қандайдир умид билан қарайди. Ноумид — шайтон, дейди.

Халқ жуда кўп афсоналар тўқиган. У афсоналарга минг йилларнинг тилак ва армонлари беркинган. Аммо халқ ёлғиз ўз армонлари ҳақида афсоналар тўқувчигина эмас, халқ бу афсоналардан мингларча ошиб тушадиган ишлар ҳам қилишга қодир. Лекин, бунинг учун қўлида занжир, оёғида кишан, оғзида қулф бўлмаслиги лозим. Бунинг учун бу афсонавий гўзал ишларнинг роҳатини унинг ўзи кўрмоғи керакдир. Бунинг учун унинг ариқ қазиб чанқаб ўтмаслиги, атлас тўқиб яланғоч қолмаслиги, буғдой ўриб очдан ўлмаслиги лозимдир. Яъни бунинг учун у халқнинг ўз тақдири ўз қўлида, ўз ҳурриятига ўзи хўжайин, ўз тупроғига ўзи эга, кўнгли тинч, уйи осойишта бўлмоғи лозим.

Бу йил Фаргонада афсонадан ҳам гўзалроқ бир ҳодиса бўлиб ўтди»¹.

Ҳамид Олимжон бу улкан қурилишни ва халқнинг иштиёқ, илҳом, қувонч билан меҳнат қилганини кузатар экан, яна халқ афсоналари эсига келади: «Буни халқ эртакларида қирқ кечаю, қирқ кундуз ўйин ва томоша бўлиб ўтди деб айтар эдилар». Қурилишдаги одамларнинг кўтаринки руҳи ва меҳнат мўъжизаларини таърифлаш учун фольклордаги традицион иборани — «Кўрганлар дармонда, кўрмаганлар армонда эди» деган иборани келтиради.

Дарвоқе, Ҳамид Олимжоннинг ўзи шу гўзал ҳаёт, ижодкор халқ ва уларнинг мўъжизали ишлари тўғрисида эртақлар тўқиди, дostonлар ёзди, қўшиқлар ижод этди. У «Ўзбекистон» шеърида «одамлардан ҳикоя тинглаб, эртақларга қулоқ тутиб» совет Ўзбекистони-га, социалистик ҳаётга «ўхшашини асло топа олмаганлигини» ёзади. Шоир афсонавий жаннатдан ҳам зиёда ўлкани ҳам мадҳ этар экан, таърифлаш учун халқ дostonларидаги приёмни олади: приёмнигина эмас, балки дostonлардаги юрт тасвири чизилган ўринларининг мазмунини зидига ўзгартириб ишлатади:

Даласида ўсмас тиконлар,
Чўлларида чопмас илонлар;
Қуш учганда куймас қаноти,
Одам ўтса қуримас зоти,
Чанқов қолиб йўловчи ўлмас,
Ҳар бурчакда бош кесар бўлмас.
Кулбаларни келиб босмас қум,
Гўдакларни ютмас оч ўлим.
Одамга бахт ва толе ёрдир,
Бу шундайин ажиб диёрдир.

Унинг «Чирчиқ бўйларида» шеърида ҳам «Ўзбекистон» шеъридаги руҳ, гоё, оҳанг ва жозиба бор. Зайнаб ва Омон ўсган юртни ҳам шоир афсонавий ажойиб мамлакат сифатида тараннум этади. Шоирнинг услубидаги мана шу тарона, мадҳ этиш, айниқса қасидачилик ва кўтаринки романтик руҳнинг ҳамда

¹ Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч томлик, III. том, 78-бет.

балладачилик фазилатининг бир қанча илдизлари ҳам фольклорга бориб туташади. У халқ қўшиқларидаги мусиқийликни ҳосил қилиш йўлларида ижодий ўрганиб (анафора ва радифлар, ҳар бир мисрани мустақил тугалган сифатида тугатиш, маснавий ёки кесишма қофиялаш принципи, контрастли параллель мисралар яратиш, тўққиз, ўн бир, етти бўғинли вазнлар ва айниқса санъатпардозлик, жимжимадорликдан қочиб поэтик соддалик йўлидан бориш каби) шеърларига қўшиқ руҳини сингдирди.

«Бутун ўзбек халқ дostonлари асосан ўн бир ҳижолик бармоқда айтилади, «Алпомиш» ҳам шундай, — деб ёзганди Ҳамид Олимжон.— Бутун халқ дostonларининг ўн бир ҳижода айтилиши — бу бир адабий традиция ҳолига келиб қолган. Дostonларда уруш, жанг саҳналари, от чопишлар, олишувлар доимо етти ва саккизлик ҳижо билан берилади»¹.

Ҳамид Олимжоннинг аксарият шеърлари худди шу вазнларда, яъни тўққизлик, ўн бирлик, еттилик ҳижоли бармоқ вазнида ёзилган. Унинг «Зайнаб ва Омон», «Икки қизнинг ҳикояси» тўққиз ҳижолик, «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» эртаклари етти ҳижолик вазнда ёзилган бўлиб, бу вазнлар улардаги қаҳрамон ва кўтаринки руҳни беришга хизмат этади.

Ҳамид Олимжоннинг халқ қўшиқларининг мазмуни, руҳи, оҳанги ва образлари, фикр ва кечинмани ифодалаш усуллари чўқур билишини унинг ҳар бир шеърдан сезиб олиш мумкин. Унинг халқ қўшиқларидан эпиграфлар олиш, шеъри ичига бу қўшиқлардан қистириб кетиши ва айниқса халқ қўшиқларига яқин шеърлар ёзиши бундан далолат беради. Ҳатто Ҳамид Олимжоннинг шахсий архивида унинг ўз қўли билан кўчирилган халқ қўшиқлари ҳам сақланади. Булар орасида (улар 19—20 банддан иборат) бизнинг қўшиқ китобларимизга кирганлари ҳам, кирмаганлари ҳам бор. Эҳтимол, шоир уларни ўзи эшитган вариантлари ва қўшиқ китоблари бўйича тўплагандир. Чунки, Ҳамид Олимжон унда фақат хотин-қизлар тақдирига оид қўшиқларни жамлаган ва уларга «Ўзбек қизининг тақдири» деган умумий ном берган, сарлавҳа қўйган. Улар орасида қуйидаги характерли парчалар бор:

¹ Уша жой, 343-бет.

Дутор чалиб ўтирсам
Тори ўзилиб кетди.
Турмушимни ўйласам
Кўнглим бузилиб кетди.

Қора қумғон қўйдилар,
Қайнамасин дедилар.
Қари чолга бердилар,
Яйрамасин дедилар.

Шафтолининг шохини
Ўзим ушлаб эгаман.
Зўрлаб эрга бердилар,
Энди танлаб тегаман.

Қора қошим бор менинг,
Қайрилма қош даркор эмас.
Бир одамим бор менинг,
Янги одам даркор эмас...

Хуллас, Ҳамид Олимжон худди шу қўшиқларда ҳам хотин-қизлар муҳаббатидаги бахт масаласи билан қизиқади ва уларда ҳам ўз қалбининг садосини, ифодасини кўради.

Тўшаб алвон-алвон гиламлар,
Сенинг билан яшнасин баҳор.
Сенинг билан хуш бўлсин дамлар,
Сенга доим шодлик бўлсин ёр.

Шундан бери тилимда отинг,
Шундан бери дилимда отинг,
Энг гуллаган ёшлик чоғимда,
Сен очилдинг кўнгил боғимда.

Ҳамид Олимжон фольклор традицияларига ҳаёт талаби, давр тақозоси туфайли ёндашарди. Буни унинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги асарларидан янада яққолроқ кўриш мумкин. Бу даврда ўзбек адабиёти ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ва чуқурроқ, мустаҳкам-роқ халқ ижоди билан боғланди. Ўзбек фольклори озодлик ва тенглик, қаҳрамонлик ва жанговарлик руҳи билан ,оптимизм билан тўла ва қудратли эди. Шид-

датли жанг йиллари худди шу фазилатлар халқимиз ва адабиётимизга ёрдамга келди, мадад берди. Ҳамид Олимжоннинг бу даврдаги шеърларидаги лирик қаҳрамонда Алпомиш ва Авазлар каби қаҳрамонларнинг «товуши эшитилиб туради» (бу Ҳамид Олимжон ибораси), улар жасорати ва қалби жўш уриб туради. Бир мақоласида совет жангчиларини «афсонавий жангчилар саф тортиб ўтдилар», дейди. Шоир бу жангчиларни халқ дostonларидаги баҳодирлар каби чопса чопилмайдиган, ўтда куймайдиган одамлар тарзида кўрсатишга интилади ва бу билан халқ ўлмасдир деган ғояни олга суради. Ҳатто шоирнинг «Хат» шеъридаги жангчи онасига ёзган мактубида «она, дадил бўл, мард ўғлингнинг боши тош»дан, «пешонамни силагансан, куймайман ўтга солса, қилич солса тўғралмайман, ўлмайман, ўқ қадалса», дейди. У гоҳ ўзини бургутга, гоҳ яшинга, гоҳ дарёга, гоҳ қуёшга, гоҳ «нафасидан олов пурковчи» қудратли баҳодирга қиёслайди. Бу шеър ундан аввал ёзилган «Йигитларни фронтга жўнатиш» асарининг бир давоми эди. Унда она худди халқ дostonларидаги нуроний оналар ва оталар, вафодор ёрлар каби ўз фарзандига насиҳатлар ва ўғитлар қилади, наказ беради. Айни чоқда бу она образи Она-Ватан рамзига айланади. Ҳамид Олимжон «Алпомиш» ҳақидаги мақоласида худди шу руҳдаги парчаларни мисол қилиб ҳам келтирганди. У Қалдирғочнинг Алпомишга қарата айтган:

Бир нучук номардга кўнгил бермагин,
Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин.
Кўп яшагин, кўп йилгача ўлмагин,
Йўлда номардларни ҳамроҳ қилмагин,—

мисраларини келтирар экан, «чуқур самимият билан тўлган бу сатрлар ботир бўл, номард бўлма, номардларга ҳамроҳ бўлма, саботли бўл деб қичқиради», дейди¹. Ҳамид Олимжон Москва Ёзувчилари клубида қилган докладида ҳам (1943) «Уч оғайни ботирлар» номли ўзбек халқ эртагидаги отанинг ўз фарзандлариға қилган мана шу руҳдаги насиҳатини келтирар экан, «юксак маънавий руҳ, озодликка интилиш, инсоний-

¹ Уша жой, 336, 424-бетлар.

лик ва жасорат ўзбек халқининг ижодий генийси учун характерлидир», дейди¹. Худди шундан кейин у «халқ эпик дostonларида душманга қарши нафрат, ватан учун жангда жасорат кўрсатиш кераклигини таран-нум этади. Халқ хотирасида улуғ баҳодир Алпомишнинг қаҳрамонона образи сақланади, бу қаҳрамон ўтда куймайди, сувда чўкмайди, ўққа учмайди, қиличда чопилмайди», дейди.

Энди «йигитларни фронтга жўнатиш»даги онанинг қуйидаги сўзларини тинглаб кўринг:

Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин.

Хайр, кўзим қораси,

Билким, жангда билинади

Мард йигитнинг сараси.

Бола экан тиш чиқардим,

Ёвларни тишласин деб,

Тоғдай огир биллак бердим

Душманни муштласин, деб.

Яна икки кўз ҳам бердим,

Ёв келганда кўргани.

Оёқ бердим лозим келса

Ёв устига юргани.

Ақл бердим, ёв босганда

Енгишга йўл топсин деб.

От ҳам боқдим, маврид келса,

Жангга миниб чопсин, деб.

Мана букун буюк халқнинг

Сени чақирди жангга:

Фашист деган бир аждаҳо

Ёв келибди Ватанга.

Ленин ота номини айт,

Болам, мард бўл жангга кир,

Душманни қув элимиздан,

Кетидан елдай югур.

Кўкдан келса, қилич билан

Оёғини қирқиб ол,

Ердан чиқса, қўндоқ билан

Аблаҳнинг бошига сол...

¹ Уша жой, 336, 424-бетлар.

Ёки «Бўл омон» шеъри шундай бошланади:

Бор, ўгил, бор, жангга боргил,
Сен йигитлар боши бўл.
От қўйиб майдонга киргил,
Мардлар йўлдоши бўл...

Шоирнинг «Қўлингга қурол ол!», «Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга» шеърларида ҳам, боринги, шу даврда чиққан «Қўлингга қурол ол!», «Она ва ўгил» тўпламларида ҳам (сарлавҳасига ҳам диққат қилинг) шу руҳ ҳоким эди.

Ҳамид Олимжон шеъридаги контрастлилиқ унинг халқ ижодидан олган поэтик образларида ҳам кўриниб туради. У «Ғалаба қўшиғи» шеърида «Ўрмонда бўри билан шер олишар чоғ келди», «калхат билан олишгай осмонда зўр лочин», «қутурган селга қарши осмон бўйи тоғ келди» каби мисраларда Шер, Лочин, Тоғ образларини совет кишилари ва Бўри, Калхат, Селни фашист босмачиларининг рамзи сифатида ишлатади. Шоир фашистларни илонга, ялмоғизга, қузғунга ўхшатади. Унинг шеърларида халқ дoston ва эртақлардаги қилич, қалқон, найза, от образлари тез-тез учраб туради. Булар тасодифий ёки тақлид йўли билан кириб қолмаган, балки шоир уларни атайин ишлатади, фольклор тили ва руҳи орқали халққа мадад бермоқчи, уларни Ватан ҳимоясига отлантирмоқчи ва эртанги кунга умид руҳида тарбияламоқчи эди.

«Қарияларнинг, ота-боболардан қолиб келган тарихий, қимматбаҳо қилич, ханжар, пичоқларни йигитларга тақдим қилиш маросимларидан ҳамма ҳабардор бўлса керак,— деб ёзганди шоирнинг ўзи.— Ёвни бу пичоқлар билан янчиб бўлмаслиги барчага аён. Ҳозирги урушнинг қадимги жангларга ўхшамаслигини ҳамма биларди. Бу урушда тақдирни қилич ёки ханжар билан ҳал қилиб бўлмаслиги ҳам барчага аён эди. Шунга қарамай бу қилич ва ханжарларнинг халқ номуси, ота-боболаримизнинг шон-шухрати экани ёшларнинг ўз ота-оналари, ота-боболари олдида, бутун халқ тарихи олдида Ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун жавобгар эканидан далолат беради. Бу нарсалар жанг-

чиларга мадад берар, уларга тенгсиз руҳий куч бағишларди»¹.

Илгор фикрлар, илгор ғоялар ва прогрессив традициялар яшовчандир, ўлмасдир. Ўтмишнинг ана шу илгор маънавий, эстетик (ва умуман моддий) бойлиги прогрессив инсониятнинг тараққиёти йўлида зинапоя бўлиб хизмат қилади. Ҳаётга ва халқ қалбига яқин бўлган Ҳамид Олимжоннинг бадиий тафаккурига, руҳига ва образлар системасига ўша ўлмас ғоя, традиция ва удумларнинг кириб бориши табиий эди. Ахир шоир ота-онасиз қолган қардошлар фарзандини ўзининг иссиқ бағрига олган ўзбекларни кўраркан, бу олижаноблик илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалишини дарров эсга олади. «Улар бу етим болаларни ўз қучоқларига оларканлар, Гўрўғлининг ҳам ўз фарзанди бўлмаганини, унинг грузин Аваз билан эронлик Ҳасанни ўзига фарзанд қилиб олганини, кейинчалик эса Гўрўғли мушкул аҳволга тушган чоғида бу фарзандлар унинг белига қувват, кўзига нур бўлиб, содиқ хизмат қилганликларини қайд қиладилар», деб таъкидлаганди Ҳамид Олимжоннинг ўзи².

Ҳамид Олимжон ўтмишга назар солар экан ва ўтмиш адабиётини кузатар экан (ҳам ёзма, ҳам оғзаки адабиётни), биринчи ўринда бахт излаган, бахт учун курашган одамларни, қаҳрамонларни кўради. Бу бахт учун курашни инсониятнинг асил мақсади ва бадиий асарларнинг, айниқса фольклорнинг марказий мавзуси пафосидир, деган нуқтаи назарда туради. Шундан келиб чиқиб, бизнинг давримиз ва кишиларимизни бахт топган давр ва одамлар, адабиётни эса бахтнома деб билади. У Навоийнинг Фарҳоди ҳақида сўзларкан, «умр бўйи бахт ахтарган Фарҳод доим бахтсизликка тушади»³, деди: Бошқа ўринда «Алпомиш билан Барчин бахт ахтарар эдилар, лекин уларга ҳар қадамда бахт ўрнига мусибат ёпишади»⁴, деб афсусланади. Бир мақоласини эса «Эр Торғин — бахт излаган халқ образи» (1938) деб номлайди ва «Эр Торғин» «операсининг асосий мавзуи бахт темасидир»⁵, деб таъкидлайди. Ундан бир йил аввал ёзган мақоласида шу асарни анализ қилиб бўл-

¹ Ўша жой, 125-бет.

^{2 3 4 5} Ўша жой, 369, 342, 330, 328-бетлар.

гач, «Хулоса. Эр Торғин дунёни айланиб чиқиб бахт ва адолат тополмайди» деганди. Шу «Гуллаётган санъат» номли мақоласида «Хасан Қайғи деганда, кўз ўнгида бахт излаган, бахт тўғрисида хаёл қилган ва уни тополмаган, Жамбул деганда бахт излаган ва топган киши жонланади», дейди. Шоир «Бахт тўғрисида» шеърида бу «қари дунёда бахт ахтариб кўплар ўтганини» эслаб туриб, «қувонч шулким, толе ёр бўлиб, бахтни топган элни кўролдим» деб шодланади. «Ота ҳаётидан» достонида тўқсон ёшга етгандагина топган бахт қўйнида ўзини ёш сезган чол образини беради. «Икки қизнинг ҳикоясида» «бахт байрами қилаётган эл» ва «одам топган бахтни олқишлаётган қушлар»ни кўрасиз.

Бу дostonнинг бир қимматли томони бор. Ҳамид Олимжон халқ ижодидаги бир яхши традицияга — асарни қаҳрамонларнинг муроду мақсадига етказиб тугатиш традициясига суяниб туриб (ўтмишда ҳаётда аксинча бўларди), «Икки қизнинг ҳикояси» асарида Чирчиқ ГЭСини қуриб битказилди, деб кўрсатади (У айни чоқда Навойининг «Фарҳод ва Ширин»ига ҳам суянади). «Ўзбекистон ССР тарихи»да шундай дейилади:

«1939 йилнинг декабрида ВКП(б) МК ва СССР Совнаркоми Чирчиқ ГЭСининг биринчи навбати ва азот-минерал ўғит комбинати қурилиши тугалланганлиги ва 1940 йилнинг сентябридан уларнинг ишга туширилиши тўғрисида қарор қабул қилди»¹.

Ҳамид Олимжон дostonни 1935—1937 йилларда ёзиб битказган, бир йилдан кейин «Ўзбек адабиёти ва санъати» журналининг 5-сонида босилган. Биринчи қиз ҳикоясида ўтмишда бир йигит ёрига етиш мақсадида Чирчиқни тўсмоқчи бўлади, аммо қўлидан келмайди ва висол бахтига муяссар бўлолмайди. Иккинчи қиз ҳикоясида «бу Чирчиқ сирини мумтоз бир одам билиши», у одамларни бу ерга йиғиб, уларга «асрларга беркинган тилсимни очиб беради», «халойиқ тинмай ишлаб», «янги бир қуёш яратади». У дарёга «Бахт дарёси» деб исм беради ва қирқ кечаю қирқ кундуз томоша, ўйин қилишади — «саодат тўйини бошлашади».

¹ История Узбекской ССР. В четырёх томах. Том четвертый, Т, 1968, стр. 15.

Ҳамид Олимжон социалистик тузумда асрий орзуларнинг амалга ошаётганини, афсоналарнинг ҳақиқатга айланаётганлигини ва беш йилликлар планларининг муддатидан аввал бажарилаётганини — бу планларнинг реал эканлигини яхши биларди. Бу унинг эртак ва дostonлардан олган анъанасига бир ҳаётий замин бўлиб хизмат этганди. Унинг «Зайнаб ва Омон» дostonининг ҳам қаҳрамонлари қанча говларни енгиб, дoston охирида муроду мақсадларига етадилар. Шоир «икки бахтиёрнинг хурсанд» бўлган пайтини тасвирловчи дostonнинг сўнгги бобларига халқ дostonларининг охиридаги қирқ кечаю қирқ кундуз тўй, байрам тасвирига хос руҳни сингдиради: Зайнаб — Омон — Собир муносабатларини кўрган одамлар «замонанинг бундай зайлидан ҳайрон» бўладилар, колхоздаги катта равотда, «сарой»да уларнинг тўйи бўлади, «барча эл гўёки бир селдай ёғилади» у ерга, чолгувчилар куй, ашулачилар қўшиқ айтадилар, ҳамма Ҳалимахон, Назирахон, Каримахон, Нодимахонлар санъатига лол бўладилар (булар ҳам тарихий шахслар) ва шоир «бутун юртга тўлди томоша» деб улар тўйини юрт байрами сифатида таърифлайди.

Зайнаб ва Омонни ҳам маънавий, ҳам жисмоний гўзал қилиб тасвирлашида, уларга фольклор қаҳрамонларига хос турдошлик, жамғармалик сифатларини беришда, актив қаҳрамон қилиб тасвирлашида (айниқса Зайнабни) ва бошқа шу каби моментларда ҳам халқ ижодининг таъсири ётади. Аммо шоир Зайнаб ва Омон характерини ўсиш ва шаклланишда тасвирлайди. Шоир Зайнаб ва Анор характерини улар ўртасидаги кескин тўқнашув, ана шу кескин конфликтнинг ҳал бўлиши жараёнида очади. Автор Зайнабнинг руҳий дунёсини, руҳий кечинмасини чизишга айнақса катта эътибор беради. Унинг Омонга бўлган кучли муҳаббат, бу муҳаббатни изҳор этиш тўғрисидаги уриниши, ўзи билан Анор ўртасидаги тўқнашувдан кейинги ички изтироблари, унга Омоннинг ким эканлигини айтиб беролмаслиги ва кейин ундан ҳаёт йўлини сўраши, Собирга ўз дардини айтиш тараддуди ва шу каби ҳодисалар асардаги психологизмни жуда чуқурлаштирган. Зайнабдаги ички коллизия ва у билан Анор ўртасидаги конфликт — бу икки тор асар психологизмининг яради, унинг оҳангини белгилайди.

Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» (1937), «Семург» (1939) дostonларида озодлик, адолат ва бахтиёр ҳаёт учун кураш гоёси ётади. Буларда темани ҳам, мотивни ҳам, сюжетни ҳам, қаҳрамонларни ҳам, образларни ҳам, баён қилиш ва тасвирлаш йўллари ҳам халқ ижодидан олади. Халқнинг материали ва ипаги билан шоир гўё янги бир сўзана тикди. Ўз қалбини, замондошларининг қалбини, ҳозирги давр руҳини халқ ижоди тори орқали ифодалади.

Ҳамид Олимжоннинг «Ойгул билан Бахтиёр» дostonи учун «Маликаи Ҳуснобод» номли халқ эртаги, қисман «Ойгул билан Бахтиёр» эртагига асос бўлган, «Маликаи Ҳуснобод» 1953 йилда фольклоршунос олим Ҳоди Зарифов томонидан ёзиб олинган ва Ҳамид Олимжон шуни ўқиган бўлса-да, «Ойгул билан Бахтиёр» эртаги кейинги даврда ёзиб олинган. Аммо Ҳамид Олимжоннинг бу этакни халқ оғзидан эшитганига шубҳа йўқ. Чунки «Маликаи Ҳуснобод»да Бахтиёр билан Ойгул деган исм йўқ. Бахт исмли қаҳрамон бошқа халқ этакларида ҳам учрайди, худди шунингдек, Сусамбил номли хаёлий гўзал шаҳар ҳам «Маликаи Ҳуснобод»да тилга олинмайди, балки бошқа этакларда учрайди, ҳатто «Сусамбил» номли этак ҳам бор. Халқ дostonларида «Чамбил қамали» каби дostonлар ҳам борки, Ҳамид Олимжон ўша кураш ва жанг, исён воқеалари тасвирланган дostonни ҳам эшитган бўлиши ва асарга Чамбилни Жамбил деб олган бўлиши мумкин. Чунки шоир дostonда шу Жамбилда «қуллар золим хонга исён қилганликларини» тасвирлайди, асар воқеасини шу хон билан исёнчилар ўртасидаги кураш ривожлантиради. Дostonга асос бўлган халқ эртагида эса Чамбил ҳам, Жамбил ҳам эмас, балки Журжон деган юрт бўлади. Демак, дostonга бириккита этак асос бўлган бўлса ҳам, унда кўплаб халқ этаклари ва дostonларининг руҳи, қаймоғи йигилган. Шоир ўзининг гоёвий ниятига ва ижодий услубига мослаб фольклор материалларидан эркин ва усталик билан фойдаланган, ортқча кемтик жойларини ўзининг фантазияси билан тўлдирган. Этакни ҳаётга, реал воқеликка яқинлаштирди, реалистик кучини оширди, унга ўз ақл қуёши ва юрак тафти билан, таланти билан сайқал берди, унга янада муҳим социал

мазмун юклади, бадий жиҳатдан тагин ҳам жозиба-ли қилди.

«Маликаи Ҳуснобод»¹даги қиз ҳам, «Ойгул ва Бахтиёр»² эртагидаги қиз ҳам подшонинг қизлари бўлади. Отаси уни зиндонга солади, вазири қизни сандиққа солиб, дарёга оқизиб юборади. Подшо топшириғи билан ўтин тергани чиққан чол сандиқни сувдан олиб, бозорга келади. Подшо кўриб сандиқни очади ва қизга ошиқ бўлади. Кейин эртақ Ҳуснободнинг отасининг ўрнига вазирни подшо қилиб кўтариши билан тугайди.

Ҳамид Олимжон достонининг бошиданоқ диққатни ҳаётдаги муҳим сиёсий ва ижтимоий воқеага тортади; хон билан Ҳамбил қуллари ўртасидаги курашни — «ўтиб юзлаб-минглаб йил Ҳамбил кўрмаган» воқеани тасвирлайди. Исён бошида кекса қул Дарҳон туради. Дарҳон билан қизи «қуллар учун жон бериб хонни ўлдирмоққа» қасд қиладилар. Дарҳон қўлга тушади, лекин бўйин эгмайди. Хонга қараб туриб «зулмдан бўлмоқчи эдик озод», «бир кун сени йиқармиз», дейди. Хон унинг бошини кесади, қизи Ойгулни хотинликка олмоқчи бўлади. У дадил ва мағрур туриб, унга ҳеч қачон хотин бўлмаслигини, аскинча, унинг «танига ханжар урса ўзини дунёда энг бахтиёр одам» деб билишини айтади. Хон уни зиндонга ташлайди ва шу билан эсидан чиқаради. Қул Тарлон уни зиндондан қутултириб, сандиққа солиб дарёга оқизиб юборади. Ўтинчи чол сандиқни тутиб олади, хон одамлари уни ўғри деб ушлаб хонга топширади. Хон суриштириб ҳам ўтирмай бошини олиб ташлайди.

Ойгулни камбағал йигит Бахтиёр балиқ ичидан ёриб олади, қиз унга турмушга чиқади. Балиқ қорнидан топган икки гавҳарни соттириб, Сусамбилда бир ажойиб шаҳар қуради. Кейин Ҳамбилга келиб хонни ўлдириб ўрнига қул Тарлонни қўяди. Халқ муродига етади. Мана шу сюжет чизиғининг ўзи достоннинг мутлақо янги, оригинал асар эканлигини тасдиқлаб турибди. Шоир Ойгул бошлиқ халқнинг Сусамбилни бир «жаннатга тенг ўлкага» айлантирганини тасвирлар экан (ҳамма тенг, озод, шод, бахтиёр), худди шу «бутун одамзод ҳаёл қилишга лойиқ янги дунё»да ҳозир-

^{1,2} Олтин Олма. Ўзбек халқ эртаклари серияси, «Тошкент» нашриёти, 1966, 189 ва 15-бетлар.

ги социалистик Ватанимизни назарда тутати ва шу халқ афсонаси мисолида халқнинг ўша орзуси бизнинг мамлакатимизда амалга ошганлигини таъкидлашга муяссар бўлади.

Ҳамид Олимжоннинг «Баҳри» шеърида «қанот қоқиб учиб келган бахт севинтирар» деб ёзади. Шоир халқ ижодидаги севимли образлардан бўлмиш «Бахт қуши», «Семург»ларни ниҳоятда севади ва уларни кўп ишлатади. Халқ эртакларида («Ялтиллама сопол товоқ», «Қаҳрамон» ва Ҳ. К.) Семург меҳнаткаш халқнинг содиқ дўсти, унинг бахтга эришишида катта ёрдам берувчи кўмакчиси тарзида кўрсатилади. Шунга асосланиб туриб Ҳамид Олимжон («Аждар қуш» эртагидан ҳам фойдаланган бўлиши мумкин) «Семург» (Паризод ва Бунёд) достонини ёзади. «Аждар қуш»даги қуш салбий образдир. Лекин эртақдаги подшонинг қизининг «кимки шу аждар қушни ўлдирса, шу одамга тегаман» деган шартни қўйиши, уни ўлдирадиган одамнинг чиқмаганлиги, бир камбағал йигит уни ўлдиргани ва «подшонинг қизи эса, аждар қушни ўлдирган полвон йигит келмагандан кейин, бирор жойда ўлиб қолган бўлса керак, деб вазирнинг ўғлига тегиши» шоир учун маълум материал — сюжет яратишда бир штрих бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин. Бир қанча эртақларда Семург болаларини илон ҳужумидан сақлаб қолган инсонга ёрдам берганини ҳикоя қилувчи кўчма сюжет учрайди. Ҳамид Олимжон улардан ҳам озиқланган. «Семург» достонида ҳам шоир юқори табақа билан оддий меҳнаткаш ўртасидаги чуқур синфий зиддиятни очиб беради, улар тўқнашувини тасвирлаш орқали, меҳнаткаш халқнинг юксак фазилатларини кўрсатиб беради. Подшонинг қизи Паризод зўр чинорга от билан чиқиб, уни йиқитган одамга тегаман, деб шарт қўяди. Чўпон Бунёддан ўзга мард топилмайди. Аммо Паризод сўзидан қайтиб, унга яна битта шарт айтади: девни ўлдириб келсанг, кейин рози бўламан, дейди. Бунёд бу шартни ҳам бажаргани кетаётганда йўлда Семург болаларини емоқчи бўлаётган илонни кўриб, уни ўлдиради. Шу пайт Семург қуш келиб, уни емоқчи бўлаётганда, болалари ўзларини илондан шу одам сақлаб қолганини айтади. Семург унга ўз ёрдамини аямаслигини билдиради. Бунёд девни ўлдириб, «одам-

ларга бахт бермоқчи» эканлигини англатади. Семург Паризод уни алдаганлигини, атайин ўлимга юборганлигини ва ўша дев билан Паризоднинг ошнолигини айтиб, йўлдан қайтармоқчи бўлади. Бунёд «шер изидан қайтмайди» деб биринчи мақсад қилиб, одамларни ўша ёвуз кучдан халос қилишни қўяди. Семург Бунёд-ни девнинг олдига олиб боради. Бунёд девни енгиб, ўлдириб қайтгач, Паризоднинг разиллигига ишонади: у аллақачон вазирга эрга теккан эди ва Бунёда «ўз-понни севолмадим, аслингни паст деб билдим, чунки мен хон қизиман», «девга юборганимнинг сабаби шуки, ўлиб кетарсан деб билдим», дейди. Кўзи очилган Бунёд қасос олови билан ёниб, уларни «қиличдан ўтказмоқ»ни ният қилиб саройни ташлаб чиқиб кетади. Шундай қилиб шоир бу достонида ҳам озодлик, инсонийлик, бахт мавзуини таҳлил этади ва ўтмиш воқеаси, материали воситасида замонамизни улуғлайди.

Ҳамид Олимжон Ойгулни ниҳоятда чиройли, доно қиз, Бахтиёр ва Бунёдни Алпомиш каби мард, қудратли, олижаноб қилиб тасвирлайди. Шоир халқ ижодидаги фантастикадан, шартли принциплардан, муболағалар ва лофлардан ҳам муваффақиятли фойдаланади.

Ҳамид Олимжоннинг бу дostonлари халқимизнинг айниқса, ёшларимизнинг севимли асарларидан бўлиб қолди. Шоирнинг фольклор традицияларидан санъаткорона фойдаланишини олимлар ҳам, ёзувчилар ҳам таъкидлаб келмоқдалар. Ёзувчи Юрий Олеша «Семург қуш ҳақида эртак» мақоласида («Литературная газета», 19 май, 1948) уни бахт қуши ҳақидаги янги асар» деб ёзганди.

«Алпомиш»нинг ношири ва тадқиқотчиси бўлмиш Олимжон поэтик илҳомнинг манбаи сифатида эпосга неча бор мурожаат этди, — деб жуда тўғри таъкидлайди машҳур рус олими В. М. Жирмунский, — халқ бахшиси, «Алпомиш»нинг классик версиясини яратувчиси Фозил Йўлдошга бағишланган «Куйчининг хаёли» шеърида Олимжон сахро эпосининг патриархал шоирона дунёсини, уни мафтун этган барча мотивларни ва «инсониятнинг бахтиёр болалиги» асрининг (К. Маркс) халқ хотирасида тамғаланиб қолган мавзуларни гавдалантирди. «Ойгул билан Бахтиёр», «Семург» каби эртак, поэмаларида ўзбек халқ «дoston-

лари» (эпик поэмалари) ва эртакларининг мавзу ва услубидан бевосита нусха олади. Бироқ эртак фантазияси Олимжонни ҳаётдан узоқлаштириб қўймайди: Эпос ва эртакдан у замона билан жўрлаша оладиган революцион романтика элементларини йиғиб олади...»¹

Шоирнинг ютуғи ҳам халқ эртак ва дostonларидаги илғор ғоявий ва эстетик традицияларни бугунги кунимиз учун маҳорат билан хизмат эттира олишида эди.

1972 йил.

¹ Ҳамид Алимджан. Избранные произведения. Госиздат, УэССР, Т., 1944, стр. 8.

ПОВЕСТДАН РОМАНГА

Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар» повести 1953 йилда эълон қилинган эди. Деярли йигирма йил вақт ўтгач, асар 1972 йилда роман сифатида дунё юзини кўрди. Гарчанд ёзувчи «Ғолиблар» романи остига 1965—69-йиллар деб кўрсатиб қўйган бўлса-да, аслида повестни тубдан қайта ишлаш ва ўз гоёвий ниятини мукаммал ифодалаш истаги ижодкорнинг хаёлидан бир дақиқа ҳам узоқлашмаган. Повесть кенг китобхонлар оммасининг эътиборини қозонган пайдан, танқидчиликнинг юқори баҳосини олган ва қизғин баҳс уйғотган даврдан бошлаб, ёзувчи асарни янада қиёмига етказиш устида ўйлаб юрган. Унинг ижодхонасида пишиб етилган гоёвий нияти 1965—69-йилларга келиб қоғозга тушган.

Хўш, ўз вақтида адабий жамоатчилик илиқ кутиб олган повестнинг қайта ишланиши, ҳатто жанрининг ўзгариши боиси нимада?

Аввало, шуни айтиш керакки, ўзининг нашр этилган асарларини тузатиш ва қайта ишлаш деярли барча улкан сўз санъаткорларига хос фазилатдир. Кўп ёзувчилар ўз асарларини беш-олти, ҳатто ундан кўпроқ маротаба тузатган ёки қайта ишлаган. Баъзилари ўн йиллардан кейин қайта ишлаган (Пушкин ёки Фадеев) ёки давом эттирган (Ғафур Ғулом ва Ойбек). Нашр этилган асарларини тузатиб, силлиқлаб бориш ёки тубдан қайта ишлаб меъёрига етказиш иш усули ижодкорни камситмайди, аксинча унинг ўзига гоё талабчанлигидан, меҳнаткашлигидан ҳамда адабий жамоатчиликни чуқур ҳурмат қилишидан далолат беради. Бундай ижод тарзи айни чоқда мазкур ёзувчиларнинг ҳаётий тажрибасининг тобора ошиб боргани, гоёвий-эстетик даражасининг ўсиб ва қаламининг чархланиб борганлигини кўрсатади.

Шароф Рашидов бадиий ижодга жуда катта му-

ҳаббат ва ҳурмат билан қаровчи меҳнаткаш ижодкор. У асарларини нашр этилгунга қадар (бу жараёндаги оғир ижод заҳмати фақат ижодкорнинг ўзига аён) ва қайта нашр этилиши олдидан мунтазам равишда тузатиб, сайқал бериб боради. Ёзувчининг нашр этилган асарлари устида олиб борадиган ижодий ишларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчиси шуки, ёзувчи ўз публицистик мақола-сидан тортиб то романларигача, қайта нашр олдидан баъзи сўз-ибораларни алмаштиради, образли ифодаларни ўткирлаштиради, фикрий ғализликларни барта-раф қилади, тиниқликка эришади. Булар, албатта, доимий бўладиган жузъий тузатишлардир.

Иккинчиси шундан иборатки, бунда ёзувчи ўзининг гоёвий ниятини янада тиниқлаштириб ифодалаш мақсадида асарга айрим воқеалар киритади, айрим боблар қўшади, лавҳалар, ситуациялар ўрнини алмаштиради ва баъзи образларнинг, характерларнинг бирор қиррасини янада ёрқинлаштиради, қабартиради. Бунда асар композициясида ҳам бирмунча ўзгаришлар юз беради, тасвир ва бўёқларда ҳам янада ихчамлик ва тиниқликка эришилади. Бундай ҳолни Шароф Рашидовнинг қатор асарларида, айниқса, «Бўрондан кучли» романида яққол кўришимиз мумкин.

Учинчиси, асарни тубдан қайта ишлаш ва ҳатто жанрини ҳам ўзгартириш иш усули. Бунга «Ғолиблар» повестининг романга айланиш жараёни ёрқин мисол бўлади.

Повестъ билан роман қиёсий ўрганилса, ёзувчининг нақадар жиддий ва катта ижодий меҳнат қилганини кўриш мумкин. Ахир повестъ 27 боб бўлган бўлса, роман 41 бобдан иборат. Униси бир қисмли эди, буниси икки қисмга бўлинади. Повестъ 224 бет бўлса, роман 318 бетдан ташкил топган. Айни чоқда ўша 27 бобнинг ҳаммаси бутунлай қайта ишланган ёки жиддий тузатилган, тўлдирилган. Бу асарнинг ташқи кўринишидаги ўзгаришлар бўлса, ички мазмуни, гоёси, умуман ички ҳужайрасидаги ўзгаришлар гоёят муҳим ва кўп бўлиб, улар хусусида қуйида конкрет мулоҳаза юритамиз:

Аввало, ёзувчининг повестни тубдан қайта ишлашга жазм қилиши масаласига қайтайлик. Бизнингча, бу ерда тўртта сабаб борга ўхшайди.

Биринчиси, ёзувчининг адабий жамоатчилигининг, тўғрироғи, танқидчилигининг истак-маслаҳатларини эътиборга олиши эди. Повесть нашр этилганда республика ҳамда марказий матбуотларда урушдан кейинги ҳаётимиздаги муҳим масалалардан бирини кўтариб чиққан ва воқелигимиздаги янги руҳни — меҳнат фронтидаги умумхалқ жасорати ифодаланган ўткир замонавий бу асарни юқори баҳоловчи ўнлаб мақолалар эълон қилинди. Буларнинг айримларида повестдаги етишмовчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилади. Бу ерда биттагина мисол келтириб ўтайлик. Таниқли рус танқидчиси Б. Брайнина «Ғолиблар» повестига ёзган кириш сўзида асарни юқори баҳологани ҳолда ўзининг қуйидаги эътирозларини ҳам изҳор қилиб ўтганди:

«Аммо «Ғолиблар» повестига воқеаларни изоҳлаш, иллюстрация йўли билан бериш элементларининг бор бўлиши асарнинг бадиий қимматига халал етказди. Масалан, автор узоқни кўра олмайдиган колхоз раиси Қодиров билан илғор колхозчилар ўртасидаги ҳаққоний ҳаётий конфликтни сезгани ҳолда, қарама-қаршиликларни силлиқлаштира бошлайди. Шу сабабли Қодировнинг характери хиралашади, бадиий қийматига зарар етади, сохта бўлиб қолади. Биз сув чиқариш учун курашда, қурилиш ишлари давомида Қодиров характерининг ривожланишини кўрмаймиз. Унинг нима қилаётганини, нимани ўйлаши ва унга нима таъсир қилганини ҳам кўрмаймиз. Халқ билан келгусида қандай муносабатда бўлишини ҳам кўрмаймиз.

Мичуринчи кекса Ҳалимбобо образи ҳам иллюстрация йўли билан яратилган. Ҳалимбобонинг ҳаёти ҳам, иши ҳам жуда раво қилиб тасвирланган. Ҳалимбобо мичуринчи — боғбон, холос, унинг ўзига хос, алоҳида хусусиятлари кўринмайди. Ҳалимбобо образи авторга колхозчиларнинг Мичурин фани соҳасида эришган ютуқларини кўрсатиш учунгина керак бўлган.

Бундай айрим камчиликлар Шароф Рашидов асарида балқиб турган новаторлик руҳига, олға ва юксакликка (Горький) интилиш руҳига қарама-қаршидир»¹.

¹ Шароф Рашидов. Ғолиблар. Ўздавнашр, Т., 1953, 11-бет.

Йирик танқидчи повестдаги учта етишмовчиликка — тасвирдаги изоҳлаш йўлидан бориш элементи-нинг борлиги, Қодиров образи билан боғлиқ конфликт-нинг заифлиги ва Ҳалимбобо образидаги сийқаликка эътиборни тортган. Қолган айрим мақолаларда билдирилган истаклар ҳам мана шунга яқин.

Ёзувчи бундай истакларни самимий қабул қилиб, эътиборга олдигина эмас, балки адабий танқидчилик кўрсатмаган тузатишларни қилди ва ҳатто асарни бутунлай бошқатдан ёзди. Худди мана шу ерда «Ғолиблар» ни қайта ишлашга туртки бўлган иккинчи сабаб — ёзувчининг ўз ихтиёри билан қилган ижодий иши келиб чиқади. Бизнингча, бу асосий сабаб бўлиб, бу нарсa ёзувчининг ҳаётий тажрибасининг бойиши, эстетик идеалининг сайқал топиши ва ёзувчилик маҳоратининг ўсиши билан боғлиқ эҳтиёж эди. Ёзувчи китобхонларни ва адабий жамоатчиликни, айтиш мумкин, доғда қолдириб, кутилмаганда «Ғолиблар»ни роман ҳолига келтириб тақдим этди. Ахир Шароф Рашидов «Қашмир қўшиғи», «Икки дил достони», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» ва яна ўнлаб публицистик китобларини халққа тақдим этгандан кейин «Ғолиблар» повестини қайта қўлга олади ва романга айлантиради. Ана шундай бой ҳаётий тажриба йиққач, ёзувчилик қаламини тоза ўткир қилиб чархлаб олгач, ўз асарини қайта ёзган экан, демак, бош омил унинг воқеликка мустақил эстетик ёндашиши, унга ўз кўзи билан қараши ва уни ўзининг нуқтаи назари билан баҳолаши ва бадиий тушунтиришига бориб тута-шади.

Ёзувчининг «Ғолиблар» повестига қайтишини тақозо қилган ҳолатлардан яна бири — танқидчилик-нинг «Бўрондан кучли» романи хусусидаги юксак баҳоси ва айни чоқда, айрим баҳсли фикрлари эди. Маълумки, 1959 йилнинг 14—24 февраль кунларида Москвада Ўзбекистон ССР санъати ва адабиёти декадаси бўлиб ўтади. Декада кунлари ўзбек ёзувчи ва шоирларининг асарлари жуда кенг ва дўстона муҳокама қилинади. Рус ёзувчилари, танқидчилари ва адабиётшуносларининг эътиборини тортган ва уларнинг ижобий баҳосини олган асарлардан бири «Бўрондан кучли» эди. Баҳсда иштирок этган айрим танқидчи ва ёзувчилар романда меъёрига етмаган образлар ва ор-

тиқча ўринлар ҳам борлигини кўрсатиб ўтишганди. Масалан, Мухтор Аvezов: «Олимжон иштирок этадиган учинчи китоб пайдо бўлишига шубҳам йўқ»¹, деган истакни билдирганди. Ёки И. Гринберг повесть билан романи муқояса қилар экан, повестда, яъни: «Асарда колхоз раисидан уни ажратиб турадиган нишона фақат белгиланади-ю, қарама-қарши томонлар ҳали бир-бирлари билан юзма-юз тўқнашмайдилар, ўз ўрталаридаги мавжуд келишмовчиликнинг чуқур сабабларини билмайдилар... Қодировнинг зиддиятли, беқарор қиёфаси ҳали аниқлашмайди, тўла намоён бўлмайди. Ҳатто Ойқиз образининг ҳам бир оз тугалланмагани сезилиб туради»², дейди. И. Гринберг романда: «Ойқиз образи олдида Олимжон образи айниқса тарқоқ бўлиб кўринишини» ҳам айтади³.

Ёзувчи мана бундай мулоҳаза ва истаклар устида ҳам жиддий ўйлайди. У «Бўрондан кучли» романини қайта нашр қилиш олдидан асарга қатор тузатишлар киритар экан, қаламкаш дўстларининг юқоридагидек мулоҳазаларини эътиборга олади. Ёзувчи айни чоқда бундай тузатишларнинг бир қанчасини, биринчи галда ўзининг гоёвий ниятини мукаммал ифодалашга хизмат этадиган қўшимчаларни кейинча махсус қайтмоқчи бўлган «Ғолиблар» асарига қолдиради. «Ғолиблар» романида Олимжон образини кенгроқ кўрсатишга, Ойқизнинг ёшлиги ва айниқса икковининг муҳаббат романтикасини тасвирлашга, шунингдек Ойқиз — Қодиров ўртасидаги конфликтни тарангроқ кўрсатишга диққат қилиниши ҳам шундан бўлса керак. Демак, ёзувчи адабий жамоатчиликнинг истакларини «Ғолиблар» романи ёки «Бўрондан кучли»дагина эмас, балки воқеалар ва характерлар мантиқидан, асарнинг сюжет ва композицион қурилиши, умуман шакли кўтарган даражада бира тўла иккала асарда рўёбга чиқаришга муяссар бўлган.

«Ғолиблар»нинг романга айланишини тақозо қилган тўртинчи ҳолат ҳам бор. Бу сабаб, «Ғолиблар» повестининг бевосита давоми бўлмиш «Бўрондан куч-

¹ Маҳорат мактаби. Ўзадабийнашр, Т., 1962, 68-бет.

² Ўша асар, 599-бет.

³ Ўша асар, 604-бет.

ли» романининг дунёга келиши билан пайдо бўлди. Дилогия икки романдан ҳосил бўлади. Бунинг биринчиси повесть эди. Шунинг учун икки асарни ҳажм жиҳатдан ҳам ташқи шакли, ҳам ички мазмуни жиҳатдан бир меъёрга солиб, улар ўртасидаги мувозанатни тенглаштириш вазифаси келиб чиқди. Повестни ғоявий-эстетик жиҳатдан қайта ишлаш нияти уни романга айлантириш нияти билан қўшилиб кетди. «Ғолиблар» Ойқиз ҳақида ҳикоя қилувчи қиссадан халқ ҳақида ҳикоя қилувчи романга айланди. Повестга янги сюжет чизиқларининг, янги ситуацияларнинг ва янги образларнинг киритилиши шундан, мавжуд бўлган образларнинг ҳаракат майдонининг кенгайтирилиши, конфликтнинг кескинлаштирилиши шундан, психологик тасвирнинг чуқурлаштирилиши шундан, бир сўз билан айтганда воқеликни кенг эпик иланда кўрсатишга эришилиши шундан.

Повестнинг қайта ишланиш — романга айлантирилиши жараёнида юз берган ўзгаришларни шартли равишда қуйидагича группаларга бўлиш мумкин:

1. Янги образлар, яъни персонажлар олиб кириш;
2. Янги воқеа — ситуация, демак янги сюжет чизиғи олиб кириш ва мавжудини ривожлантириш;
3. Мавжуд образларга сайқал бериш;
4. Конфликтни таранглаштириш;
5. Асарни композицион қайта қуриш;
6. Бадиий сайқал бериш (мантиқий-психологик асослаш, тасвирда табиийлик ва жозибалиликка эришиш).

Агар борди-ю, мутахассислар ва улкан ёзувчилар томонидан асарни қайта ишлашнинг классик намуналаридан бири деб ҳисобланилган А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романи билан «Ғолиблар»нинг қайта ишланиш тарзини солиштирсак, ўзбек ёзувчисининг ҳам ғоят жиддий меҳнат қилгани ва қайта ишлаш соҳасида ажойиб намуна кўрсатганини чуқур англаш мумкин. А. Фадеев адабий танқидчиликнинг «Ёш гвардия» романида партиянинг раҳбарлик роли етарли даражада кўрсатилмади, деган мулоҳазасини эътиборга олиб асарни қайта ишлаб, мукаммал янги вариантини яратди. А. Фадеевнинг ўзи: «Мен шошилмадим... китоб устида уч йил ишладим ва энди «Ёш гвардия»нинг янги вариантыга эгаман. Китобнинг ўзида қилган ўзга-

ришларим озгина, аммо ўн лист янги текст ёздим»¹, дейди. Демак у асосий ургуни янги бобларга берган. Шароф Рашидов повестга янги ўн тўрт боб қўшган экан, бу жиҳати «Ёш гвардия»нинг қайта ишланиш тарзига ўхшаб кетади. Аммо ёзувчи повестидан романга кўчган 27 бобни ҳам тубдан қайта ишлайди, бирор эпизод ёки персонаж у ёқда турсин, ҳатто бирор жумла йўқки, унга ёзувчи қўл урмаган бўлсин. Юқорида биз группага бўлиб санаб ўтган пунктдаги ўзгаришлар ҳажми ёзувчининг ҳақиқатан ҳам жиддий меҳнат қилганидан далолат беради.

Энди биринчи гуруҳга — янги персонажларнинг киритилиши масаласига қайтайлик. Бундаги ёзувчининг бош нияти ўз қаҳрамонлари яшаётган ва меҳнат қилаётган даврни, шарт-шароитни бутун мураккаб томонлари билан акс эттириш эди. Повестда Ойқиз ва Олимжонларнинг сув проблемасини ҳал қилиш учун кураши уруш даврида бошланган эди. Лекин ёзувчи урушни у билан боғлиқ проблемаларни тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймаганди. Фақат бирор қаҳрамонни таърифлашга тўғри келганда йўл-йўлакай фронтга бориб келганлигини эслатиб ўтарди. Ёзувчи халқнинг меҳнат фронтидаги жасоратининг аҳамияти ва моҳиятини янада чуқурроқ очиш мақсадида, яъни бевосита жанг бўлаётган ердагилар ва фронт орқасидагилару — ҳаммаси бир ташвиш, бир мақсад, бир ният билан яшаётганлигини ва уруш жасоратини бир хилда тортаётганини ёритиш мақсадида шу даврдаги халқ ҳаётининг иккинчи лавҳасини ҳам — уруш билан боғлиқ проблемаларни ҳам романга олиб киради. Халқнинг қўшимча ҳосил имкониятларини топиш учун кураши бевосита фронт ва халқ эҳтиёжи учун қаратилган кураш тарзида қўйилади. Ёзувчининг диққат марказида уруш ва қурилиш проблемаларини кўтариш орқали одамларнинг, халқнинг онги, характери, руҳи, фикри зикрини, ўзаро муносабати ва шу жараёндаги ўсиш-ўзгаришини бадиий таҳлил этиш, улар жасорати ва ватанпарварлигининг илдизларини очиш туради.

Ёзувчининг атайин ўн олти бобни янгидан ёзиб қў-

¹ А. Фадеев. За тридцать лет. «Советский писатель». М., 1957, стр. 569.

шишининг боиси ҳам шундан бўлса керак. Повестдаги воқеа романда ўн еттинчи бобдан (бутунлай қайта ишланган ҳолда) бошланади. Шу ўн олти бобни ёзувчи уруш проблемаси билан боғлаш учун қуйидагича йўлдан боради:

а) Умрзоқ отанинг фарзандлари бўлмиш Алишер ва Темурнинг фронтгача бўлган ва асосий фронтдаги ҳаётини кўрсатади. Повестда «Фронтнинг олдинги линияларида жанг қилаётган Алишер ва Темурдан тез-тез ва қисқа-қисқа ёзилган мактублар келиб туради», деган жумла ва яна бошқа ўринда Умрзоқ ота тили орқали «Алишердан ҳам, Темурдан ҳам ажралдик. Дарҳақиқат, уларнинг ўртоқлари ҳали жанг қилмоқда, фашист газандаларининг уяси Берлин ҳали олингани йўқ», деган гап бор эди, холос. Романда муаллиф Алишер ва Темурнинг ёрқин образларини гавдалантиради, бунинг учун уларнинг ёшлигини ва урушдаги жасоратини бевосита ҳам билвосита — ўзга персонажлар тасаввури орқали кўрсатади.

б) Романда Холбиби образи энг жозибали образлардан бири сифатида кўринади. Повестнинг IV бобида Алишер, Темурларнинг ёшлиги тўғрисида маълумот берилган жойда Холбиби тўғрисида ҳам бир-икки жумла сўз кетади, кейинча унинг «баҳодир ўғилларининг ғамини узоқ кўтаролмаганлиги» айtilган, холос. Романда Холбиби бир қанча бобларда ҳар хил ҳолатда — Ойқиз ва Умрзоқ ота билан уруш, иш тўғрисидаги суҳбатида, фронтдан — фарзандларидан хушхабар олиб, қувончга тўлган пайтда, биринчи ўглидан қорахат олгандаги оғир изтиробли ҳолатида, меҳнат жараёнида, касал пайтида, иккинчи қорахат олгандан сўнгги фожиали ҳолатида кўрсатилади. Китобхон бу меҳрибон, мусаффо, мулойим, содда, олижаноб кампирни ўз яқин кишисидек севиб қолади. Алишердан хат келганда Холбиби хатни ўпиб, кўзларига суртади. Ойқиз ўқиб берганда: «Йигитлардан ажралиб қолдик», деган жумласини эшитиб, юраги зириллаб кетади ва: «Шошма, болам, Алишеримиз-чи, соғ-омонми ахир?» деб сўрайди. Шу ердаёқ ёзувчи Холбибининг кейинги даҳшатли хабарларни кўтара олмаслигига китобхонни тайёрлаб қўяди. Холбиби фронтдан келаётган хуш-нохуш хабарларни диққат билан эшитади, ҳатто ярадор бўлган ҳамқишлоқларини эшитганда

ҳам юраги ўртаб кетади. Ҳатто: «Ўша босмачини ушлаб келишга ўзим борардим... Ўзим судраб келардим...» дейди фашистларнинг ваҳшийлигидан ғазаби қайнаб. У ўқимаган бўлса ҳам доно, тушунчаси зўр. Темурдан келган қорахатни почтальон Елена Никитична олиб келганди, ўша вақтда Холбиби ҳушидан кетиб ётиб қолганди. Елена Никитична бир кунда нечталаб одамга қорахат олиб келишни тақозо қилувчи бу почтальонликдан воз кечади, дарвоқе, Холбибининг аҳволини кўриб, у ҳам изтиробда касал бўлиб қолганди. Холбиби унинг дом-дараксиз бўлиб кетганидан ташвишланиб Ойқизга: «Битта холаи бор-да», «Елена Никитична ёлғиз, мусофир, уни сира-сиранинчидан», дейди.

в) Уруш даврида айниқса дастлабки йиллари Ўзбекистонга ҳам кўпгина болалар, қариялар, касаллар эвакуация қилинган эди. Уруш бўлаётган жойлардан вақтинча келган оилаларни ўзбек оилалари самимий қучоқ очиб кутиб олишган эди. Шароф Рашидов уруш даврининг бу типик манзарасини акс эттириш мақсадида романга Елена Никитична образини ҳам киритган. Бир-икки эпизодда юрагини уруш доғи билан ўртаб юрган бу аёлнинг фожиага ҳаёти ва юксак одабийлиги ёритилади.

г) Ёзувчи Елена Никитичнани касал қилиб, почтальонликдан воз кечтирар экан, бу билан асарга кирадиган яна бир янги образни — Азамат образини мантиқан асослайди. Энди Азамат почтальонлик қилади. Ойқиз унинг дадаси Ғафурни колхознинг бугдойини ўғирлаганлиги учун фош қилган ва шу туфайли у қамалиб кетган эди. Азамат дадасининг аламини олиш пайида юрарди. Тасодифан Алишер ҳақида келган қорахатни Холбибига шу Азамат олиб келиб ўқиб беради, Холбиби шу пайтда жон беради. Гарчанд Азамат қорахатлигини билмаган ва бундай фожиага сабабчи бўлишини истаман бўлса-да, бу образ ҳам уруш даври фожиясини кўрсатишда, ҳам Ғафур — Ойқиз ўртасидаги конфликтни таранглаштиришда муҳим роль ўйнайди.

д) Повестда Олимжоннинг фронтда Гриша деган ўртоғи борлиги айтилганди. Романда Олимжоннинг (повестда унинг фронт ҳаёти акс этмаган) ва шу Гришанинг жанг майдонидаги жасоратлари, дўстликлари ҳикоя қилинади.

е) Романда Умрзоқ ота фарзандларининг ғамини — аламини енгил ва фашизмдан ўчини меҳнат майдонидаги улкан ишлари орқали олиши кўрсатилади. Айни чоқда Охунбобоев бошчилигидаги ўзбек делегация составида фронтга Ўзбекистондан совга-салом олиб боради. Бугина эмас, Умрзоқ ота фронтдан қайтса, икки мудҳиш хабарнинг устидан чиқади: иккинчи ўғлидан ҳам қорахат келган бўлади ва бу ғамни кўтара олмай хотини оламдан ўтган бўлади.

Повестда бу ўринлар бутунлай бошқача: у фронтга эмас, балки республика илгор колхозчиларининг қурултойига кетган бўлади. У келгунча иккала ўғлидан кетма-кет қорахат келган бўлади. Қайтиб келиб бу хабарни эшитади, лекин Холбиби ҳаёт эди. Кейинча у вафот этади... Кўриниб турибдики, ромanning ҳаққонийлиги реалистик кучини таъминлаш учун ёзувчи повестда қўйилган масала, эпизод, образларни бутунлай бошқатдан — янги ўлчов, янги нуқтаи назар ва янги ният билан яратган ва жойлаштирган. Буларнинг ҳаммаси уруш даврининг типик манзарасини ва совет кишиларининг юксак фазилатини кўрсатиб беришга хизмат этган.

Повестда Умрзоқ ота қизи Ойқизга қараб туриб шундай дейди:

«Алишердан ҳам, Темурдан ҳам ажралдик. Дарҳақиқат уларнинг ўртоқлари ҳали жанг қилмоқда, фашист газандаларининг уяси Берлин ҳали олингани йўқ. Ўғилларимнинг дўстларига мададкор бўлайлик, фронтга қанча кўп дон берсак, жангчилар шунча бақувват бўладилар. Бошимизга шундай кулфат тушган пайтда яна ғайрат билан ишласак, бу йил мўл ҳосил етиштириб, армиямизга юборсак, сен нима дейсан, қизим!»

Романда Умрзоқ отанинг бу фикри бошқа ерда, колхозчиларнинг умумий йиғилишида айтилади, уруш даҳшатларини ва жангчиларимизнинг жасоратини ўз кўзи билан кўриб келган Умрзоқ ота энди халқ номидан мурожаат этади. Шундай қилиб, ёзувчи бу эпизодга ва отанинг нутқига катта сиёсий йўналиш беради.

Умрзоқ ота билан залда ўтирганлар ўртасида савол-жавоб, мунозара кетади, ота фармселни жийда, қайрағоч экиш — ихота орқали жиловлаш мумкинлигини айтиб ишонттиради, «катта зал Умрзоқ отанинг

таклифини маъқуллаган овозлар ва олқишларга тўлди». Муаллиф Умрзоқ отанинг мажлисидаги бу нутқини ва унинг мақсади, хатти-ҳаракатини изоҳлаб, «Ойқиз дадасининг дилидаги нарса — биринчидан, фронтга кўпроқ ёрдам бериш бўлса, иккинчидан, меҳнат билан ғам-аламдан қутулиш эканлигини сезди», дейди.

Кейин Умрзоқ отанинг бундай ният — ҳаракатига Ойқиз — Олимжонларнинг сув тўғрисидаги ниятлари қўшилиб кетади ва шундай қилиб, умумхалқ аҳамиятига эга бўлган иш бошланиб кетади. Кўриниб турибдики, романда мана шу умумхалқ ҳаракатини уруш эҳтиёжлари билан, галаба масаласи — умумхалқ тақдири билан жипс боғлаб юборади. Умрзоқ ота, айнақса Ойқиз, Олимжон, Жўрабоев, Смирнов ва бошқа қаҳрамонларнинг бундан кейинги шижоати ва жасоратини мана шу аввалги ҳаёт йўли ва ҳолатисиз мутлақо тасаввур қилиб бўлмайди...

Демак, ёзувчи повестни романга айлантириш ва қайта ишлаш жараёнида кўпгина янги воқеа-ситуация, янги-янги сюжет чизиги киритган ва мавжудларининг айрим жойларини ривожлантирган ёки янгича йўналиш берган экан, буни ёзувчининг ижодий нияти тақозо қилган: у ўша ниятда романга янги образлар, яъни персонажлар олиб кирган ва мавжудларининг урушга боғлиқ ҳаёт йўллариини ёритган экан, бу нарса сюжетда ҳам ўзгариш ҳосил қилган. Характерни фақат ҳаракат, фаолият жараёнида, ўзга персонажлар билан ўзаро муносабат ва меҳнат — кураш жараёнида кўрсатиш мумкин. Шунинг учун юқорида санаб кўрсатган янги образларни кўрсатиш ёки мавжудлари фаолиятининг урушга боғланган қирраларини ёритиш учун ёзувчи романда қатор янги сюжет чизиқларини яратади ва уларни мавжудига чоксиз туташтириб юборади.

Юқорида Темур, Алишер, Холбиби, Азамат, Елена Никитична ва Умрзоқ ота ҳаёти ва тақдирига доир ўринларга тўхтаб ўтган эдик. Янги қўшилган бобларда Ойқиз — Олимжон муносабатига доир лавҳалар улар ўртасида дўстлик ва муҳаббат туйғуларининг туғилиши тарихини кўрсатиш жиҳатидан жуда қимматли. Ёзувчи улар ўртасида пайдо бўлган самимий муҳаббатни психологик жиҳатдан чуқур асослайди,

бу муҳаббатни юқори лирик пардада, романтик бўёқда меҳр билан тасвирлайди. Маълумки, повестда Ойқиз яшириб қўйилган буғдойни кўриб қолгач, колхоз комсомол комитетининг секретари Олимжонга бу ҳақда хабар беради. Шу бир бетлик парчада Ойқиз Олимжон билан биринчи бор сўзлашади ва унга агроном бўлмоқчи эканлигини айтиб маслаҳат сўрайди. Албатта, бу манзарада табиийлик етишмас эди. Романда ёзувчи Ойқиз билан Олимжоннинг муҳаббат тарихи учун бир неча боб ажратади, бу лавҳаларда муҳаббат уруғининг ўсиб ниҳолга айланиши ва гунча очишигача кўрсатиб, кейин Олимжонни фронтга жўнатади, бу даврда улар хат орқали алоқа боғлаб туришади.

Романда ёзувчи дастлаб Ойқизнинг қишлоқ Советига раис бўлганини хабар қилгач: «Мен ҳам ишдан қолмай мухтарам китобхонларимга сенинг қиссангни бирма-бир ҳикоя қилай», деб Ойқизнинг ёшлиги ва Олимжон билан танишиш тарихини ёритади. Ойқиз ёшлигидан табиатга, қушлар, ҳайвонот дунёсига ҳавас билан қарайдиган романтик қиз бўлади, у ҳамма нарсага қизиқади. Қишлоқ Советининг олдида келиб, деворда осиглиқ плакатлар, варақаларни, эълонларни ўқийди. Бир сафар ичкаридан қишлоқ Советининг секретари Олимжон чиқиб (Диққат қилинг! Повестда колхоз комсомол комитетининг секретари эди, ёзувчи Ойқизнинг Ғафур тўғрисидаги хабарни нима учун қишлоқ Советига айтишини ва умуман қишлоқ Советига яқинлигини шу ердан асослай бошламоқда), Ойқизга «мазах қилгандай назар ташлайди» ва сўрайди:

«— Нима учун тез-тез келиб, буйруқларни ўқийдиган бўлиб қолдинг? Ёки фронтга бормоқчимисан?— деди.

— Борсам мумкинми?— деди қиз қўққисдан. У Олимжонга ер остидан тикилиб турарди.

— Нима, жиддий сўраяпсанми?

— Ҳа.

— Агар жиддий сўраётган бўлсанг,— деди Олимжон қизга жавоб қилиб, у кутилмаганда қизнинг елкасига қўлини қўйиб, сўзида давом этди,— бундай фикрларни улоқтириб ташла. Ҳа, айтгандек ёшинг нечада? Ўн уч, ўн тўрт-а?

— Ўн бешда».

Суҳбат давом этар экан, Олимжон унга фронтга

ёрдам бермоқчи бўлсанг, дугоналаринг билан қирга чиқиб, галла йигим-теримига — колхозчиларга ёрдам бергин, деган маслаҳатни айтади. Ойқиз ўртоқлари билан далага боради, шу ерда яширилган икки қоп буғдойни кўриб қолади. Ойқиз ҳайрон бўлади, ким ўғирладийкин, деб ўйлайди, ўртоқларига айтиш-айтмасликни чамалаб кўради. Ёзувчи худди шу ўринларни повестдан фарқли ўлароқ ҳар томонлама чуқур асослайди. Повестда Ойқиз донни кўради-ю, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ: «Буғдойни бригадир Ғафур амаки, ойимнинг туғишган акаси ўғирлаб яширган», дейди. Романда Ойқиз ким ўғирлади экан, деб туриб, аввалроқ дадаси билан амакиси Ғафур ўртасида дон хусусида бўлиб ўтган бир суҳбатни ва дадаси муттаҳамларни қаҳр билан уришганда Ғафурнинг «ғалати бўлиб, соқолини силаб ер чизиб қолганини эслайди:

«Ғафур, Ғафур тоға... тўхта! Ойқиз, ахир хирмондан буғдойни омборга ташийдиган ким? (Ғафур романда бригадир эмас — С. М.) Ғафур тоға эмасми? Шошма, шошма! Наҳотки, Ғафур тоғам душман бўлса? Ўғри бўлса?..» Ойқиз мана иккилана-иккилана охири тоғасига келиб тўхтаydi. Аввал ўқитувчисига айтиш учун мактабга боради, уни тополмагач, қишлоқ Советига боради. Олимжонга айтади. Олимжон қизнинг жасоратига қойил қолади. Шу ерда Ойқиз ўқиш нияти ва ҳозирча ишламоқчи эканлигини айтиб маслаҳат сўрайди. Кечаси ётган ерида дадаси билан Олимжоннинг Ғафурнинг қилмиши тўғрисида сўзлашаётганини эшитади. Демак, Олимжон ҳақиқатни аниқлаш ва Умрзоқ отанинг фикрини билиш учун келган эди. Умрзоқ ота билан раис Қодиров ўртасида Ғафур тўғрисида бўлиб ўтган баҳсни ҳам беради ёзувчи: Қодиров кечирмоқчи бўлади, Умрзоқ ота қаттиқ туради ва у жавобгарликка тортилади.

Ойқизда Олимжонга нисбатан қандайдир сирли туйғу туғила бошлайди, аммо «Олимжон ҳали ҳам унга назар-эътибор қилмайди», Ойқиз ўйлаб кўrsa, Олимжон ҳам унга бефарқ қарамаётган экан, Олимжон ундан: «Сирли орзуларинг бордир», деб сўраганда, айтмайди, аммо: «Юрагимда биттагина сирим бор...» дейди ичида. Бу сир туғилаётган муҳаббат эди. Ойқиз Олимжонга ҳавас билан қарайди, «ишда ҳам, ирода, характери ни тарбия қилишда» ҳам ундан ўр-

ганади. Севги Ойқиз учун энг қудратли нарса бўлиб кўрина бошлайди, куйлагиси, ўйнагиси келади. Бир куни улар эрта баҳорда — бодом гуллаган вақтида далада учрашиб қолишади. Олимжон бодом шохидан унга синдириб беради, бодом гули улар учун муҳаббатларини ифодаловчи восита бўлиб хизмат қилади. Армияга кетаётган Олимжон: «Мен сени сира унутмайман. Доим эслайман, сен ажойиб қизсан», дейди ва унинг қўлини «бир нафас маҳкам қисиб турди-да, зўрга қўйиб юборди...» Ойқиз армияга кетган Олимжондан хат кутди, Олимжон биринчи хатни Ойқиз ўйлагандек унга эмас, ота-онасига ёзди. Ниҳоят, Ойқиз Олимжондан хат олди, лекин хатда урушга ва қишлоққа доир гаплар бору муҳаббат ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган, фақат бодомнинг гуллаган-гулламаганлиги сўралган, холос. «Ойқиз хатнинг орқа-ўнгини бир неча бор кўздан кечириб, бирорта бошқа сўз тополмади. Бу уни оз бўлса-да, кўнглини совутди ва хафа қилди. Шундай бўлса ҳам, хатнинг келиши унга севинч — қувонч бағишлади ва шунинг учун ҳам жавоб ёзишга ошиқди».

Олимжон фронтда ўз дўстлари билан муҳаббат тўғрисида сўзлашаркан, Ойқизни тилга олади: «Ҳали менинг Ойқизим эмас», дейди у. Демак икки томонда ҳам бир-бири тўғрисида ўйлашади, ширин орзулар билан яшашади. Олимжон армиядан қайтгач, Ойқиз билан аввалги жойда — бодом остида учрашади, энди улар биринчи бор ҳис-туйғуларини очиқроқ изҳор қилишади... Повестда булар муҳаббатига доир гап фақат тўйлари тўғрисида гап очишдан бошланган ва бу туйғу билан боглиқ ҳолатлар четлаб ўтилганди. Романда юқоридагидек улар муҳаббатининг туғилиш тарихигина эмас, балки биргаликда меҳнат қилиш жараёнида янада мустаҳкамланиш давлари ҳам теран кўрсатилган.

Ёзувчи повестдаги воқеаларни, сюжет чизигини асос қилиб олган романнинг кейинги бобларида ҳар бир воқеа, эпизодни, саҳнани мантиқий асослашга, ҳаётийлик бахш этишга эришади, айтини чоқда янги-янги эпизодлар, лавҳалар киритади. Романда ёзувчи халқ образини гавдалантиришга алоҳида диққат қилади: Умрзоқ ота, Ҳалимбобо, Бекбўта, Сувонқуллар ролини ошириш билан бирга халқ овозларини кўрса-

тувчи махсус саҳналарни киритади. Партбюрога бағишланган йигирманчи боб тубдан қайта ишланар экан, унга бир неча янги саҳналар киритади. Булардан бири халқнинг Олимжон тўғрисидаги юқори баҳолари эди. Бунинг аҳамияти катта, албатта. Ёзувчи Олимжон образини, унинг фаолиятини, Ойқиз билан муносабатларини, айниқса қурилишдаги ишларини кўрсатиш орқали, айни чоқда халқнинг унга бўлган муносабатини кўрсатиш орқали чизиб боради.

Ёзувчи партбюродан кейинги боблар ўртасига янги боб қўшади. Бу боб халқнинг партбюрода кўтарилган масалага муносабатини ёритишга бағишланган эди. Ана шу XXII боб партия билан халқ дили, иши бир деган ғояни янада таъкидлаши жиҳатдан қимматли. Қўшилган парчалар, ситуациялар ва деталлар повестдан романга ўтган бошқа образларга сайқал бериш, улар характерининг қирраларини янада ёрқинроқ ва қабариқлироқ кўринишини таъминлашга қаратилган. Демак, гап романдаги учинчи гуруҳ ўзгаришлари хусусида кетмоқда.

Ёзувчи танқидчилик томонидан янада тиниқлаштириш, активлаштирилиши лозим деган образлар (масалан, Олимжон ёки Ҳалимбобо) устидагина эмас, балки повестдан романга ўтган барча персонажлар, ҳатто энг жозибали образлар деб ҳисобланган Умрзоқ ота характери устида ҳам жиддий меҳнат қилади, уларни янада ҳаётийроқ ва жозибалироқ қилади. Буни улар характерининг мантиқи ва асар воқеасининг мантиқи талаб қилган. Романнинг бош қисмига, яъни, повестдаги воқеа бошлангунча бўлган қисмига қўшган бобларидан бошлаб ёзувчи отанинг бой руҳий дунёсини теран чиза бошлайди. Умрзоқ ота илғор, обрўли одам. Урушга совға олиб бориб келгач, мажлисда халқни кўпроқ дон стиштиришга чақиради. Лекин Ойқиз билан Олимжон булоқларни очиш ва сув проблемасини ҳал қилиш тўғрисидаги таклифларни бюродан ўтказганда Умрзоқ ота дастлаб бу ташаббусни қўллаб-қувватламайди. Сабаби шуки, ота кўп нарсани кўрган, шу вақтгача ҳеч ким булоқларни тозалаб сув чиқарган эмас, бунинг устига қизи ҳали ёш. Ҳаммадан ҳам ота қизининг халқни алдаб, унинг назаридан тушиб қолмаслигини ва ўзининг эл олдида юзи ерга қараб қолмаслигини ўйлайди. Ёзувчи Умрзоқ отанинг

шу ҳолатини романда чуқур ва жиддий тасвирлайди, психологик жиҳатдан теран таҳлил этади. Повестда отанинг кечаси чеккан изтироблари, ўйлари тасвирланган эди. Романда отанинг жиддий аҳволининг ёрқин кўриниб туришига халақит берувчи тасвирларни олиб ташлаб, уни халқ кайфиятининг шоҳидига айлантиради, тўғрироғи, халқнинг Ойқиз билан бир фикрда эканлигини унга кўрсатади. Повестда колхозчиларнинг умумий мажлиси «Сув чиқариш ҳақидаги қарорни яқдиллик билан маъқулладилар», деган хабаргина бор эди. Романда ёзувчи шу мажлисни бево-сита кўрсатади, одамларнинг сўзлари, овозларини бе-ради ва Умрзоқ отанинг шу пайтдаги ички кечинмаси-ни очади. У одамларга ҳайрон қолади, уларни ақлдан озганми, дейди, қарши гапиргиси келади, аммо ўзи-нинг ҳақ-ноҳақлигига ишонмайди, лекин одамлар-нинг Ойқизни «олқишлашлари ота учун ёқимли» туюлади. Ота туни билан ухламай не хаёлларга боради. Эрталаб у кўчага чиқади. Йўлда уйларнинг деворлари-га осиб қўйилган шиорларни кўради, улар халқни сув учун курашга чақирарди. Ота хаёли келажак-ка учади, каналлар ва улардаги гуркираб оққан сув-ларни кўриб, хижолат тортади, шунда Сувонқул ча-қириб қолади (юқоридаги ҳолатлар повестда йўқ эди). Ёзувчи Сувонқул билан Умрзоқ ота суҳбатини янада тиниқлаштиради-да, повестда мавжуд бўлган икки бетча тантанали жумлалар, парчаларни тушириб қол-диради. Унинг ўрнига Умрзоқ отанинг ҳолатини кўр-сатувчи ва халқ фикри зикри, кайфияти, азми қарори туфайли ота снгида содир бўлаётган ўзгаришларни кўрсатувчи янги боб қўшади (22-боб). Гарчанд Сувон-қул Ойқиз тадбирларини маъқуллабди, Жўрабоев ҳам қўшилибди, деса ҳам Умрзоқ ота бу икки одамни ғоят ҳурмат қилишига қарамай, иккиланишда давом эта-ди. Ёзувчи отанинг ўйларини изчил чизади, айти чок-да унга қарама-қарши тарзда халқнинг кўтаринки руҳини, ишчанлик кайфиятини ифодалайди. Отани ана шу халқ орасига олиб киради. Кулги билан олам-ни бошига кўтараётган одамлар (ёзувчи номсиз-эгасиз овозлар сўзларини беради) сув тўғрисида сўзла-ётган бўлади. Смирнов афанди айтаётган эди. Ҳалим-бобо Умрзоқ отага: «Ёшларга ибрат бўлсам дейманда», деб кесатиброқ гапирарди, бу отага таъсир қила-

ди. Одамлар Смирновдан қанча сув чиқиши ва қанча ерни суғориш мумкинлигини сўрашади, ота бу савол-жавобларни эшитади. Лекин ҳали бир фикрга келолмаган эди, шунинг учун ўз муносабатини билдиролмайди.

«Умрзоқ ота довдираб қолди.

— Нима, у қаёқдан билибди? А... Дарҳақиқат, розиман, тўғри иш бўлса, розиман. Тўхтаб тур...»

«У ён-верига аланглаб Ҳалимбобони ахтарди, нима учун киноя қилганини сўрамоқчи эди-ю, бироқ уни тополмади... Ота уйига қайтади, «ҳеч ким уни эслаб, ёнига чақирмагани нафсониятига теккан эди, шу Умрзоқ отага алам қилди».

Ёзувчи бу билан чегараланмайди, энди отани райкомдаги Жўрабоев чақирган мажлисга ҳам олиб боради. Повестда бу деталь ҳам йўқ. Йиғилишда Жўрабоев, Смирнов, Ойқиз, Олимжон ва бошқа одамлар қўлинадиган иш ҳажми — ҳамма-ҳаммаси тўғрисида қизғин баҳс қилишиб бир қарорга келади. Умрзоқ ота ҳаммасини эшитади, Смирновнинг илтимоси билан ота сўз олади ва «шубҳаси, хавотири борлигини» айтади, қизининг ҳисоб-китобини тўғрими-нотўғрилигини сўрайди. Жўрабоев Ойқиз режаларини Смирнов текшириб кўрганини айтгач, ота енгил тортади ва: «Розилик беринг, ўғлим, бошлайлик», деб ташаббускорлар томонга ўтади.

Ёзувчи Умрзоқ отанинг селга қарши курашини ҳам алоҳида меҳр билан тасвирлаб, отанинг жасоратини конкрет гавдалантиришга муяссар бўлади. Повестда дўл бошлангач, бошқа колхозчилар қараб туради-да, Умрзоқ ота ернинг ичига чопиб борарди. Романда бу манзара янада табиийлаштирилган: ота дўл бошланганда уйида Ойқиз ва Олимжон билан овқатланиб ўтирганди, шу ердан далага чопади. Шийпонда дўл тинишини кутиб турган колхозчилар узоқдан яланг оёқ, кўйлакчан чопаетган, лойларга йиқилиб, яна-яна олдинга интилаётган одамни кўришиб, кейин Умрзоқ ота эканлигини танишади. Сувонқул уни кўтариб олиш учун югуради... Ёзувчи отанинг фазилатини мана шундай хатти-ҳаракати, фаолияти ва руҳий кечинмасини чизиш орқали ёритиб борадики, бу энг самарали принцип романдаги барча образларга ҳам қўлланилган.

Дарвоқе, повестдаги етишмовчиликлардан бири Ҳалимбобо образини конкрет ҳаракат доирасига тортилмаганлигида эди. Ёзувчи Б. Брайнинанинг шу хусусдаги фикрини эътиборга олиб, Ҳалимбобога романда кўпроқ ўрин беради, уни фаолият жараёнида кўрсатади, руҳий дунёсини очади, янада активлаштиради. Янги киритилган бобнинг марказига Умрзоқ ота билан Ҳалимбобонинг қўйилиши ҳам бежиз эмас. Ёзувчи Ҳалимбобони Ойқиз ташаббусининг актив ғимоячиларидан бири сифатида кўрсатади. Сув дамбанинг тагини уриб кетганда Ҳалимбобо жонбозлик кўрсатиб, уни беркитган эди (повестда ҳам шундай). Аммо романда Ҳалимбобонинг шундан кейинги ҳолати, ишлари ва касал бўлиб қолиши билан боғлиқ манзаралар тасвирланади. Шундай қилиб, ёзувчи уни асрнинг зарур аъзоларидан бирига айлантиради. Худди шунингдек Смирновнинг характерини янада ўзига хос ва ёрқинроқ қилади. Романга киритилган янги бобларда Смирнов ҳам иштирок этади. Ёзувчи уни ўзбеклар ҳаётини чуқур биладиган, айниқса латиф ва хушчақчақ гаплари билан халқ дилига чуқур кириб борувчи, халқнинг катта ҳурмати қозонган мутахассис тарзида гавдалантиради. Колхозда бюрода Ойқиз — Олимжонлар сув масаласини кўтарганда Қодиров ҳам ишонмаган, ҳам қарши турган эди. У Ойқиздан: «Булоқлардан шунча сув чиқиши тўғри гапми?» деб сўраганда тўғрилигини айтганди-ку, аммо ишончлироқ далил келтирмаганди. Романда ёзувчи Смирновнинг номини тилга олади ва дейди:

— «Ҳа, шунча сув бор,— деди Ойқиз шартта жавоб бериб,— мен хато қилганим йўқ. Сизларга маълумки, бу тадбирларни тузиш ва сув запасини ҳисоб-китоб қилишни бир ўзим бажарганим йўқ. Дадам айтганларидек дарҳақиқат, ҳамма ҳисоб-китобларни район сув хўжалик бўлими, тўғрироғи, Иван Никитич Смирнов бажарди. Шунинг учун ҳам шубҳа қилинмаса бўлади...»

Шундай қилиб, бу муҳим тузатиш ҳам Ойқиз ташаббусининг остида илмий далил ётганини таъкидлашга, ҳам Смирновнинг райкомда мазкур қурилишнинг бошлиғи, Ойқиз эса, ўринбосари қилиб тайинлаinishини мантиқан асослашга хизмат этади. Ойқиз тўғон қурилиши тўғрисида нотўғри буйруқ берганда,

Смирновнинг нақадар принципиал, аини чоқда самимий инсон эканлиги намён бўлади. Ёзувчи бу ўринни худди шу нуқтаи назардан жиддий қайта ишлайди, диққатини Смирнов ва Ойқизнинг ҳолатини, руҳиятини кўрсатишга қаратади, Смирнов бу хатодан қаттиқ хафа бўлади. Ойқиз: «Бундай хато учун суд қилиш лозим», деб ич-ичидан изтироб чекади (повестда булар йўқ). Смирнов упи юпатиб туриб, мана бундай танқид қилади романда:

— «Мен сенга айтиб қўяй: агар ақли расоларнинг хатоларини ҳам бир ерга йиғса тоғдай бўлади. Модомики, шундай экан, сенинг хатоларинг ҳам, ютуқларинг ҳам, олдинда, келажакда,— деди Иван Никитич ва кулиб юборди.—Ке, ноумид бўлма, умидсизланиш кучли одамга ёт хислат. Сен кучлисан, бунга яхши биламан. Шунинг учун ҳам юзингга очиқ айтаманки, сенда озгина димог ҳам йўқ эмас. Қичкина гап ҳам иззат-нафсингга тегиб кетади. Асосий хатонинг нимада эканлигини энди тушундингми? Димогдорлик, ўжарлик, ўз кучига ортиқча ишониш... Шу одатинг бор экан, сен бир кун эмас бир кун, бундан ҳам каттароқ хато қилишинг мумкин. Бу хавfli ва қўрқинчлидир. Сен ҳамма вақт ўзингни эр билсанг, бошқаларни шер бил, уқдингми?..»

Смирнов насиҳат-танбеҳи шу тарзда давом этади, Ойқиз бу танқидларни самимий қабул қилади, унинг Смирновга бўлган ҳурмати янада ошади. Ёзувчи По-годин билан Лола муносабатларига доир ўринларни ҳам қайта ишлайди. Хуллас қайтадан ўлчаб, қайтадан тортиб чиқмаган бирорта персонаж қолмайди. Ҳатто «Бўрондан кучли»да Қодировни астойдил ҳимоя қилувчи ва Ойқизларга қарши турувчи Султонов тўғрисида повестда «ишчан ва талабчан киши» деган жумла ишлатилганди. Романда бу характеристика йўқ, аксинча Султоновнинг кўпчилиikka ҳамда вазиятга қараб мослашувчи одамлигига ишора қилинади.

Ёзувчи Жўрабоев образини ҳам повестда қандай бўлса, романда шундай кўчирмаган. Бу образни янада халқчил, янада табиий қилган. Энди китобхон Жўрабоевнинг руҳий дунёсини ҳам, ташқи сиймосини ҳам равшан кўра олади. Муқояса учун бир мисол келтирайлик:

«Жўрабоев олтинсойликларни мамнуният билан

кутиб олди, бирма-бир кўришиб чиққач, кабинетига таклиф этди. Эгнига оч кулранг гимнастёрка, галифе ва оёғига чаққон этик кийган Жўрабоевни кўрган киши унинг ҳарбийда отлиқ қисмларда хизмат қилганини дарров пайқаб олади». Энди романдаги ушбу парчага қарайлик:

«Жўрабоев келганларни гап аралаш кутиб олди ва кетаётганлар билан хайрлашди. Унинг эғнидаги кулранг гимнастёркаси ҳам, устига нуқра юритилган ингичка камари ҳам бўй-бастига, мош-гуруч бўлиб оқарган сочига, тиниқ ва равшан қўй кўзига, икки кўзи олдига тушган ажинларига, бутун ташқи қиёфасига ярашиб турарди. Айниқса кўзининг олдига тушган ажинлар ҳам ўзига ярашиғлиқ эди: Бу ажинлар ёшлигидан бордай, бир умр ана шу ажин билан юргандай кўринарди. Одамлар райком секретари билан суҳбатлашар экан, энг олдин унинг кўзларига, ажинларига назар ташлардилар. Шунда баъзан ёришиб кетгандай, кулиб тургандай кўринса, баъзан жиддийлашиб, чуқурлашиб кетарди, сал ўтмай яна ёришиб, нуроний бўлиб кўринарди. Бундай пайтларда чақнаб турган кўзлари кўринадими ёки ажинларими, билиб бўлмасди. Шу билан бирга ақли донолиги ва турмуш тажрибаси кўзидами ёки ана шу ажинлар ичига яширинганлигини ҳам билиб бўлмасди.

Одамларнинг айтишича, Жўрабоевнинг ажинлари кейинги йилларда тобора кўпайиб, тобора қўполлашиб, тобора чуқурлашиб борарди. Эҳтимол, бу сўзлар ҳақиқатдир.

Жўрабоев ўрта бўйли, елкалари кенг ва баданлари пишиқ одам эди, у бошини ҳамиша қуйи солиб юрар ва бу ҳолат уни худди от чоптириб, қиличбозлик аткасига отилгандек қилиб кўрсатарди. Шунинг учун ҳам унинг камарига назар ташлаган кишилар Жўрабоевнинг отлиқ аскарда хизмат қилганини ва жангларда бўлганини пайқаб олардилар».

Икки парча ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, кейингисида Жўрабоевнинг босиб ўтган йўлидан тортиб, характери, кийиниши, қилиқлари, ташқи кўриниши — ҳаммаси лўнда ва ёрқин чизиб берилган. Мажлис давомида ёзувчи Жўрабоевнинг портретини чизишни ва унинг маънавий фазилатларини очишни давом эттиради. Ҳар бир детални қайта ўлчаб чиқади

ёзувчи, повестда унинг «Ёқаси остида катта ва қипқизил бўлиб яра излари кўриниб турарди», деганди. Жўрабоев қилич ва милтиқ отлиқ аскарнинг асосий қуроли бўлган даврда жанг қилганди, шунинг учун ҳам унинг баданидаги яранинг изи қилич жароҳати туфайли эди. Шунинг учун бу из чўзиқ бўлиши керак эди. Шунда табиий чиқади. Романда Олимжон кўзи орқали: «Райком секретарининг бўйнида гимнастёрканинг ичига кириб кетган узун яранинг изига кўзи тушди», деб тасвирлайди. Олимжон Жўрабоев бада-нидаги яра: «Осколкадан бўлса керак, елкасидаги қиличнинг изи», деб ўйлайди. Жўрабоев номзоди де-путатликка кўрсатилганда Олимжон ишончли вакил сифатида унинг тўғрисида гапирганди, шу муносабат билан унинг таржимаи ҳолини биларди. Ёзувчи шун-дай йўл билан романда Жўрабоевнинг кураш йўлини ҳикоя қилади, повестда йўл-йўлакай эслатилган штрихларни картиналар орқали образли ёритади.

Повестда Жўрабоев сув масаласига шунчаки иш-тирокчидек тарзда кўрсатилганди. У одамларга қараб: «Хўш, сув учун курашни нимадан ва қачон бош-ламоқчисизлар?» деб сўраган бўлса, романда: «Энди энг муҳим масалага ўтайлик: Сув масаласи, Сув — азалий орзуимиз. Сув бор экан — қувонч бор, сув йўқ экан — гам-алам бор. Буни яхши биласизлар», деб шу ташаббусга бевосита бош-қош одам сифатида сўз-лайди. Бу ишнинг бутун район миқёсида аҳамияти борлигини таъкидлайди, ҳаммани ва фан-техника ютуқларини бунга жалб қилиш масаласини қўяди. Кейин мажлис иштирокчиларининг фикрини тинглай-ди, хулосалайди, вазифаларни аниқ белгилаб беради.

Яна бир мисол келтирайлик. Повестнинг охирида Жўрабоев Ҳодировга танқидни тўғри тушунсангиз, ўқишга юборамиз, деган фикрни айтади, Ҳодиров «чурқ этмайди». Шу билан бу масала шундайлигича қолганди. Романда кўпгина бошқа воқеалар, тафси-лотлар ичида бир йилтираб қўйган бу масалани ёзув-чи асарнинг ўттиз бешинчи бобида махсус таҳлил қилади, бошқа ҳамма нарсани тушириб қолдиради. Энди Жўрабоев, Ойқиз, Олимжон учови Ҳодировни муҳокама қилишади. Жўрабоев катта орзу билан яшаш, улугвор ишлар қилиш тўғрисида, колхозлар-

нинг келажаги хусусида сўзлаб, Қодировга танбеҳ беради. Колхозда электр борлиги учун уни мақтайди (повестда энди мўлжалланаётган эди,) бундан Қодиров: «Менинг хизматим бу, албатта», деб талтайиб, мағрурланади. Хонасидаги беш юз шамлик лампочкани ёқиб мақтанади. Бундан Жўрабоевнинг аччиғи келади, папиросни эса бошлайди (аччиғи келганда доим шундай қилади), юзидаги ажинлари қалинлашади. Жўрабоев раиснинг кўзбўямачилигини, эртани кўра олмаслигини, ўжарлигини кескин юзига айтади. Бекбўта ҳам гапга аралашади, Олимжон эса раиснинг йигирма йил аввалги даража билан яшаётганлигини айтади. Раис бу танқидларни қабул қилмайди: Олимжонга қараб: «Мана, сен, ҳамиша менинг обрўйимга чанг соласан, бироқ колхозни ташкил этган ким? — деб ўжарлик қилади, туҳмат қилади, Бекбўтани эса: «Сен ҳам одаммисан», деган маънода силтаб ташлайди. «Мақсадларингиз нималигини, ҳа биламан», деб бутунлай тўнни тескари кийиб олади.

Дарвоқе, шу ерда биз повестни романга айлантириш жараёнида қилинган яна бур гуруҳ ўзгаришга — асар конфликтини таранглаштиришга доир ҳолатга етиб келдик. Бу Қодиров образига кўпроқ алоқадор масала эди. Повестда Қодиров дастлаб Ойқиз — Олимжонлар ташаббусига қарши чиққач, кейин тақдирига тан бергандек жимиб кетарди, воқеага тортилмаган эди. Романда юқорида кўрганимиздек Қодиров, Жўрабоев, Олимжон, Ойқизларга қарши туради, ўз ҳақиқатини маҳкам туриб ҳимоя қилади. Кейин бўлиб ўтган баҳсни ўйлаб кўраркан: «Ҳа, шошмай туринг, ҳали Қодиров ўз кучини кўрсатиб қўяр», деган қатъий хулосага келади. Ҳатто Мирзачўлга кетиб қолишни ҳам ўйлайди. Кўриниб турибдики, ёзувчи Қодиров — Ойқизлар линиясини қайтадан яратган ҳамда навбатдаги асарда — «Бўрондан кучли» да улар ўртасида бўладиган қаттиқ курашга замин ҳозирлаган.

Айни чоқда Ғафур, Азамат — Ойқиз линияси ҳам асар конфликтининг кескинлашишига хизмат қилади (Қодиров Ғафурнинг ўгрилигини кечирмоқчи бўлганди). Сўнгра романда уруш ва инсон тақдири масаласининг жиддий қўйилиши асардаги драматизмни, фожиавийликни келтириб чиқаради.

Бешинчи гуруҳдаги ўзгаришлар, яъни асарни ком-

позиция жиҳатдан бошқатдан қуриш ҳам ундаги драматизмни чуқурлаштириш, унда иштирок этувчилар ҳаёти ва руҳий дунёсини кенгроқ ёритиш, характерларни шакллантирган ёки тоблаётган турмуш ўтхонасини — «ҳаёт университети»ни атрофлича акс эттириш, бир сўз-ла айтганда ёзувчи ғоявий ниятининг мукаммал ва ёрқин ифодаланишига хизмат этган. Шунинг учун ҳам асарга киритилган янги персонажлардан тортиб мавжудларининг ҳаракат, кураш йўлини белгилаш, улар характери мантиқи билан воқеа мантиқини бир-бирига боғлаш, асар конфликтини юзага чиқарувчи ва кескинлаштирувчи қутбларни жой-жойига қўйиш, ана шу ғоявий ният нуқтаи назаридан қилинган. Шунини айтиш керакки, асардаги йирик композицион ўзгаришларни кўрсатиш мумкину, аммо асарнинг ғоявий-бадий мукаммаллигини таъминлашда улардан кам роль ўйнамаган «майда» композицион тузатишларни намойиш қилиш имконияти йўқ. Бу «майда» деганимиз воқеани баён қилишдан тортиб, персонажнинг руҳий кечинмасини таҳлил этиш, портретини чизиш, унинг хатти-ҳаракатини психологик жиҳатдан асослаш, саҳна, ситуация ва пейзажларни, хуллас асардаги ҳар бир жумла ва нуқтани бир марказ, бир мақсад — ғоя томон йўналтиришдан иборат. Ахир повестдан романга кўчган бирор воқеа ёки тасвир, бирор диалог ёки сўз йўқки, у қайтадан ёзилган, тўлдирилган ёки ихчамлаштирилган — қайтадан бичиб қайтадан тикилган бўлмасин. Буларни намойиш қилиш — икки китобни қайтадан кўчириб чиқиш демакдир. Повестдан романга ўтган бирор бобни топиб, айтайлик, повестдаги VIII боб романдаги 23 бобга ёки XXII боб романдаги 34 бобга асос бўлган деб айтиш мумкину, аммо икковининг ўртасига мутлақо тенглик белгисини қўйиб бўлмайди, фақат сюжет чизигида ва ситуацияда яқинлик кўринади холос. Мисол учун рўпара келган бир бобни, айтайлик, повестдаги XIV боб билан шу асосда ёзилган романдаги 28 бобни қиёслаб кўрайлик. Бу боб романда икки бет ортиқроқ, аммо повестдаги 45 абзац — тасвир ва 33 диалогдан бирортаси романга айнан кўчмаган, ё тушириб қолдирилган ёки қайта ёзилган, натижада романдаги 48 абзац — тасвир ва 78 диалог асос эътибори билан янги. Диалогларнинг кўпайиши Қодиров — Ойқиз, айниқса

Жалолов — Ойқиз ўртасидаги баҳсинг романда яна кескинлаштирилиши билан боғлиқ эди. Мана, машинага тош ташлаётган болаларга Қодиров ва Ойқизнинг муносабатини тасвирловчи саҳна. Повестда ёзувчи «бу сафар ҳам ҳар қачонгидан олифта, шинам кийинган» Қодировни тасвирлагач, шундай ёзади:

«— Салом, ўртоқ Қодиров!— сўрашди Ойқиз,— томошабин бўлиб турсак хунук кўринар дейман, қани колхозчиларга ёрдам берайлик!

Ойқиз болаларга кўмаклаша бошлади. Қодиров ҳам уялди шекилли, Ойқиз кетидан эргашиди. Аммо эғнидаги янги костюми эсига тушиб кетиб, қўл учи билан ноилож тошга қўлини узатди.

— Қани, қани, ўртоқ Қодиров!— унга далда берди Ойқиз, елкаси билан тошни итариб.

Қодиров истар-истамас тўнғиллади:

— Ўртоқ начальник, тошни қўпориш сизнинг ишингиз эмас. Бунда бригадир бор, раис бор.

— Ҳеч нима қилмайди, фарқи йўқ...— Ойқиз унинг авзойи ўзгарганига бефарқ қаради-да, тошни тезроқ кўтаришга шошилтирди».

Бу ерда Қодиров билан Ойқиз ўртасида зиддият йўқдек,— унинг устига Қодиров Ойқизни тош кўтармасликка чақирар экан, ўзи ва бригадир қилса ярашади, деган гапни айтади. Аслида Қодиров, раҳбар алоҳида типдаги одам, бундай ишларни қилиш унинг учун ор бўлади, деган фикрдаги одам. Ёзувчи романдаги Қодировни шундай тарзда кўрсатади, Ойқизни эса унга нисбатан дадил, кескин гапиртиради:

«Ойқиз унинг орқасидан келди-ю, бирдан қичқириб ирғиб отдан тушди.

— Нега пинагингизни бузмай турибсиз? Ахир харсанг болаларни мажақлаб юборади-ку!

У катта харсангтошни аравага ортиш учун жонжаҳди билан уринаётган икки бола томон югурди. Болалар тошни арава бўйича кўтариб, нима қилишларини билмасдилар, чунки арава устига ағдарай десалар кучлари етмас, ерга ташлай десалар, оёқлари мажақланар эди. Ойқиз нафаси оғзига тиқилган ҳолда етиб келди-да, тошнинг тагига елкасини қўйиб, болаларга ёрдам қилди. Аммо тош жуда оғир эди. Айниқса, қиз боланинг нозик елкаси ҳаддан ташқари оғирликни дарров сизди.

Шундагина Қодиров ҳам яқинлашиб тошнинг тагига қўл юборди-да, бор кучи билан кўтарди, тош аравага ағдалириб тушди. Шундан сўнг Қодиров қўлидан чанг-тупроқни қоқиб, бирор ерига дог тегмадимикин, деб кийимларини кўздан кечирди.

— Ҳа. Энди билдим,— деди Ойқиз кулимсираб,— кителингиз ҳам янги, этигингиз ҳам янги экан, чангга ботишдан қўрқибсиз-да. Бироқ сиз билан биз бегона кишидек кузатувчи бўлиб турсак, сира ярашмайди-да, ўртоқ раис.

— Она сути оғзидан кетмаган гўдакларни харсанг тош кўтаришга ҳеч ким мажбур қилгани йўқ,— деди Қодиров жаҳли чиқиб.

— Улар ҳамиша жасорат кўрсатишни, қаҳрамон бўлишни истайдилар,— деб қўйди Ойқиз уни чимчилаб олгандек.

— Бўлсалар бўлаверсинлар, улар қаҳрамон бўлишни истасалар менга нима? Тош кўтариш менинг ишим эмас, ишга тажриба кўзи билан қаранг, Умрзоқова, обрўйингизни сақланг, ҳа. Қурилиш бошлиғининг муовини эканлигингизни унутманг,— деди Қодиров пичинг аралаш. Аммо Ойқиз раиснинг «насиҳат»ларини эшитмай болаларга танбеҳ беради. Сўнгра ўзи ҳам болаларга қўшилиб, аравага тош ортиша бошлади.

Қодиров бир дақиқа уларга тикилиб турди-да, пешоналарини тириштириб, жаҳл аралаш кулимсираб қўйди.

— Нима қилиб турибсиз? Ёрдам берсангиз бўлмайдимиз?— деди Ойқиз ердан тош ола туриб.

Раис истар-истамас уларга яқин келди-ю, икки букилиб бур неча майда-чуйда тошларни аравага ташлади.

— Тезроқ бўлинг, тезроқ,— деди Ойқиз раисни ғайратлантирмоқ ниятида,— уялмасдан...

Бироқ раис қоматини ростлади ва қўлларининг чангини қоқиб яна кителини кўздан кечирди. Сўнгра яна икки букилиб, қўли учида майда тошларни аравага улоқтираверди».

Мана шу манзарада Қодиров ва Ойқиз характерларининг маълум бир томони, уларнинг ўзаро муносабати, «куч синаши» ёрқин гавдаланган. Қодировнинг Ойқиздан шу пайтдаги аламини олиш учун (ал-

батта, аввалгиларини ҳам унутмаслик керак) бирдан қулай имконият туғилиб қолади: Ойқиз тўғон қурилишини бошлаш тўғрисида нотўғри буйруқ беради, натижада инженер Жалолов билан унинг ўртасида жиддий тортишув кетади. Буни кузатиб турган Қодиров Ойқизнинг тилини қисадиган вақт келди, деб унга киноя қилади, танбеҳ беради. Ёзувчи бу ўринларни ҳам шу йўналишда жиддийлаштирган. Ойқиз билан Жалолов ўртасидаги баҳс ҳам янада кучайтирилади, қисқа-қисқа савол-жавоблар кўпайтирилади, уларнинг қалбидаги кечинмаларни таҳлил этиш кўпаяди.

Романнинг архитектуроникасидаги ўзгаришларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Бири повестнинг олдинги қисмига қўшилган ва киритилган янги боб, янги воқеа-ситуация ва персонажлар бўлиб, булар кейинги воқеаларга, сюжет линиясига узвий боғланган. Ойқиз характеридаги жасурлик, ҳақгўйлик ва романтик руҳнинг унинг ёшлигидан туғила бошлаганини, Ойқиз—Олимжон муҳаббати тарихининг, Темур ва Алишер, Холбиби тақдирлари, Елена Никитична ва Умрзоқ ота, Азамат ва Ойқиз муносабатларининг кўрсатилиши асарнинг бир бутун яхлит бўлишини таъминлаган, унга эпик кенглик бахш этган. Сўнгра повестда ёзувчи воқеани бошлаб қўйиб, кейин шартта тарихга қайтиб справка беради. Романда Ойқизнинг романтик кайфиятини чизиб ва парвозга шайланиб турганини кўрсатиб туриб, худди шу ҳолатига мос тушган ёшлигига сездирмасдан ўтиб кетади; Ойқиз; ўзининг характери тўғрисида ўйлаб туриб, ёшлигига қайтади. Бу жуда табиий ва ишонарли чиққан.

Композициядаги иккинчи ўзгаришлар повесть асосида қайта ишланган кейинги бобларга тааллуқли бўлиб, бирор саҳнани воқеа ёки характер мантиқига қараб ё кейинги ёки олдида олинган: масалан, повестда Умрзоқ ота, Ойқизларга доир тарихий справка берилгач, партия бюроси тасвирланар эди. Романда бу тарихий справка йўқотилади-да (юқорида кўрганимиздек), ўрнига янги боблар киритилади ва бу боблардаги воқеа мантиқи ва қаҳрамонлар ҳаёти тўппа-тўғри партия бюросига келиб тақалади. Шундай қилиб, ёзувчи китобхон эътиборини бош масалага жалб қилади. Сўнгра повестдаги Ойқизнинг Жўрабоев томонидан ўқишга юборилишига доир саҳналар бор бўлиб,

булар шунчаки биографик ахборотдек эди, булар романга мутлақо киритилмайди (бир жумлада Ойқизнинг ўқишини битириб келиши ва қишлоқ Советига раис бўлганлиги айтилади).

Кейинги бобларда (қайта ишланган бобларда) Умрзоқ ота, Смирнов, Ҳалимбобо образларини ривожлантирувчи ва тиниқлаштирувчи янги боблар қўшилади (масалан, 22 ёки 41 боблар каби). Айрим боблар романда ён-иккига ажратилади (повестдаги XXIV боб, романда 36 ва 37 бобларга бўлиниб ишланган) ёки битта қилиб қўшилган. Повестдаги XVII ва XVIII боблар романда етти боб кейинга сурилган. Чунки бу бобларда тўғон битишига доир (XVIII боб) ва одамларнинг ҳордиги, ўйин-кулгисига доир (XVII боб) саҳналар бор эди, ундан кейин сел масаласи келарди. Романда ёзувчи бу умумий тантаналарни охирироғига кўчиради: тўғон битади, чигитлар экилади, сел келади ва унинг оқибатлари йўқотилади. Булар масаланинг бир томони бўлса, иккинчи томони шундаки романдаги персонажлар тақдири ҳам маълум якунга етиб келади: Қодировнинг раисликда қолиш масаласи ўзини ҳам, раҳбарларни, халқни ҳам ўйлатади ва жиддий муҳокама қилинади: Погодин — Лола топишади; Ҳалимбобо эккан нарсаларнинг илк ҳосили кўринади: Ойқиз—Олимжон муҳаббати ва оиласи тақдири хусусида Жўрабоев улар билан яккама-якка суҳбатлашади ва бир қарорга келишади. Хуллас ҳамма соҳада якунланиш, муроду мақсадига етиш, бир сўз билан айтганда ғалабага эришилади, умумхалқ тантанаси ана шу нуқтага кўчириладики, бу романда жуда ҳаётий ва жозибали чиққан. Ёзувчи тантанадан кейин ҳам ҳаёт, қаҳрамонлар кураши ва ўзаро муносабати давом этаётганини таъкидлаш мақсадида Ҳалимбобо тўғрисида ҳикоя қилади ва воқеани Ойқиз — Олимжон тўйлари кунига олиб келиб, романни тугатади. Шундай қилиб, ёзувчи романда ҳар жиҳатдан яхлитлик, мукамаллик ҳамда тугалланганликка эришади.

Шароф Рашидов повестни романга айлантиришда қилган энг йирик ва жиддий ишларидан яна бири персонажлар хатти-ҳаракати, қилиқлари, сўзлашишлари, баҳсларини мантикий-психологик асослаш, бетараф тасвир ва пассив образларни ўткир ва жозибали, образли ифодалар билан алмаштириши, айниқса ҳар

бир сўзга сайқал беришидир. Ёзувчи асар жисмига мос келмаган ёки унинг тўқимасига — ҳужайрасига айланмаган нимаики бўлса, ҳаммасидан воз кечади, булар эвазига персонажларнинг руҳий дунёсини, қалб кечинмасини, фикр оқимини намоён қилувчи сахналар, манзараларни яратади. Гарчанд юқоридаги мулоҳазалардан ёзувчининг бу соҳадаги улкан меҳнати яққол кўриниб турган бўлса-да, яна бир-иккита мисол келтиришимиз мумкин (чунки ҳар бир бобдаги ер билан осмонча фарқи бирма-бир кўрсатиш имкониятига эга эмасмиз).

Повестнинг II боби: «Умрзоқ ота бугун одатдагидан анча эрта уйғонди», деган жумла билан бошланди, романдаги 18-боб эса: «Умрзоқ ота ўз одатидек саҳар-саҳарда уйғонди», деган жумла билан. Ёзувчи «бугун одатдагидан анча» бирикмасини «ўз одатидек» бирикмаси билан алмаштириш орқали Умрзоқ ота характерининг бир қиррасини ялт этказиб кўрсатиб қўяди. Унинг устига повестда ўша гапдан кейин: «Чоллар шунақа кам уйқу бўлади», деган жумла бўлиб, бу жумла мантиқан юқоридаги «одатдагидан анча эрта» иборасига зид эди. Шунинг учун ҳам романда эрта туришни Умрзоқ отанинг одатий фазилати эканлигини айтиб туриб: «Кексаларнинг уйқуси чумчуқнинг уйқусидек қисқа бўлади», деган изоҳни берадики, бу аввалги фикр билан мантиқан боғланади ва табиий чиқади. Ёзувчи навбатдаги ҳар бир жумлани шундай ўзгартириб боради: ёзувчи повестда отанинг: «Қуёшда тобланган кўкраги» деб ёзган бўлса, романда диққатни отанинг кексалигига тортади ва «оқариб кетган кўкрак жунлари» деб таърифлайди. Чунки кейинги сатрларда отанинг ёши тўғрисида ва «кейинги йиллардаги ғам-аламидан қадди-қоматининг сал букилганлиги» хусусида гапиради. Повестдаги бу портрет тасвири отанинг шу даврдаги ҳолати, фожиаларни босиб ўтган ҳаёт йўли билан боғланмаган эди: «Узун бўйли, кенг елкали, фақат салгина олдинга энгашган чол ҳали бақувват, кўзларида ўт ёнади», дейилади повестда. Бундай таъриф романда янги қўшилган бобларда аввал берилганди, энди отанинг ҳозирги ҳолати билан боғлиқ бўёқ керак эди. Психологик ҳолат билан боғлаш давом этади: повестда ота самовар қўяди, романда ҳам. Аммо роман-

да бу самоварнинг Холбиби бор вақтида олинганлиги, самоварни доим у қўйганлиги айтилади ва отанинг хаёлини, кечинмасини Холбиби билан боғлаб юборади. Отанинг ички изтироби шу пайтдаги кайфияти — суянчиғи Ойқизни соғиниши — «уч кун уч йилдек туюлиши» билан қўшилиб кетади...

Ёки бошқа бир мисолга назар ташлайлик. Повестда партбюро тамом бўлгач, Қодиров «жаҳл устида уйига етганини ҳам билмай қолди», деган жумла бор. У уйига бориб, оёғи билан эшикни тешиб киради-да, хотинига «Йўқол кўзимдан», деб хонага кириб кетади. Романда ёзувчи Қодировнинг уйига боргунча қандай фикр-ўйларни кўнглидан ўтказиши, ички кечинмаси, коллизиясини теран чизади. У: «Гўдаклар раисни қандай ҳолга солдилар!» деб Ойқиз — Олимжонларни сўқади, «Қўлларини мушт қилиб шиддат билан қадам ташлайди», ўз-ўзи билан гаплашади, бюродаги баҳсларни эслайди, Олимжон «ўрнимга чиқмоқчи», «колхоз менинг колхозим» дейди... Мана шундай ички кураши ва куйиб-ёниши билан уйига «етиб келганини сезмай» қолади. Эшик берк. Диққат қилинг: повестда Қодиров икки қўли билан эшикни урганда «тахтага қоқилган мих қўлини тилиб кетади», романда «мих» деталини олиб ташлайди ёзувчи. Раис жону жаҳди билан эшикни урганда «ўнг қўли қонаб кетади!»

Повестда ёзилишича, раис уйга кириб этигини ечиб каравот остига улоқтиради, романда ҳам шундай қилади-ю, аммо «устига атлас чойшаб тўшалган каравотга ўтириб этигини ечиб» сўнгра улоқтиради! Романдаги бу тасвир раиснинг руҳий ҳолатига, маданиятига жуда мос тушади, яъни мантиқан асосланилади. Ёзувчи Қодировнинг кейинги ҳолатини ҳам шу тарзда янада равшанлаштириб ва конкретлаштириб тасвирлаб боради.

Ёки повестнинг X—XI боблари заминида бутунлай қайта ёзилган 25-бобдаги («бутунлай қайта ёзилган» деган жумла повестдан романга ўтган ҳамма боблар учун тўла тааллуқли!) халқ қўшиқларидан келтирилган жойга диққатни тортмоқчимиз. Повестда Ойқиз колхозчилар айтаётган қўшиқни тинглайди, унда: «юзимдаги чимматни ташлаганим ташлаган», «қора паранжи ташланиб баҳр-дилим очилди», деган мисралар бор. Бу мисралар ва бундай қўшиқлар 20—30-

йиллар шароити ва руҳига мос эди. Шунинг учун ҳам ёзувчи романда ўша етти бандли қўшиқдан воз кечади, ўрнига Ойқизлар замонига мос уч бандли қўшиқни қўяди (бу қўшиқ повестнинг XVII бобида бор эди, романда икки ерда такрорланади, бу такрор халқ руҳи, кайфиятидаги кўтаринки руҳнинг муқимлигини таъкидлашга хизмат қилади). Сўнгра романда ёзувчи Ойқиз билан Олимжоннинг ширин висол пайтини тасвирлаб туриб, мазкур қўшиқни беради:

Колхозимиз қизлари,
Олма-анор юзлари,
Иш-меҳнатдан чиқади,
Доим айтган сўзлари.

Яна:

Ҳаводаги уч ўрдак,
Учаласи бир ўрдак.
Бизнинг колхоз қизлари
Очилган қизил гулдак.

Ёзувчи шу бобда Ойқиз — Олимжоннинг психологик ҳолатини таҳлил этади, шу ердаги воқеага Иван Никитични олиб киради ва яна бир қанча янги тафсилотлар қўшади... Повестнинг романга айланиш жараёни сўз — образ устида ишлашнинг ҳам ноёб намунаси.

Мана шу турдаги ишни, яъни асарга бадиий сайқал бериш — ортиқча ўринларни олиб ташлаш, психологик таҳлилни кучайтириш образли ифодадаларни янада ўткир ва жозибали қилиш, баёнчилик сезилган ўринларни қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати, фаолияти ва ички кечинмаси, мимика — қилиқлари орқали кўрсатиш билан алмаштириш, ҳатто композицион ўзгаришлар «Бўрондан кучли» романида ҳам бор. (1958 йил нашри билан 1973 йил нашрини қиёслаш мумкин). Ёзувчи романни қайта нашрга тайёрлаётганда баъзи образларга сайқал беради, (масалан, Қодиров), айрим бобларнинг жойини ўзгартиради («Кураш давом этади» деган сарлавҳани иккинчи бобдан охириги бобга олиб ўтади ва 1958 йил нашридаги «Хотима» деган сарлавҳани кейингисида йўқотади), бир қанча тасвирий лавҳаларни олиб ташлайди. (масалан, 21—22-бет-

нинг биринчи абзацлари ва ҳоказо) ёки қўшади, мисол учун, 1-бетнинг асосий қисми ёки 21—22-бетлар каби), сўз-иборалар ва деталларни алмаштиради. Бундай жиддий таҳрирлар романнинг ҳамма бобларига мансуб бўлиб, ёзувчининг ғоявий-эстетик ниятининг янада тўла ва равшан ифодаланишига хизмат этган. Гарчанд «Бўрондан кучли» нашрма-нашр сайқалланиб борган бўлса-да, ҳажм жиҳатдан аввалгисича қолган— атиги 10 бет кўпайган, холос! Бизнинг «Ғолиблар» асари бўйича баъзи кузатишларимизнинг ўзиёқ ёзувчининг ўзига нақадар талабчанлигини ва адабий жамоатчилиқни нақадар чуқур ҳурмат қилишини яққол намоён қила олади, деб ўйлаймиз.

1979 йил.

«РУС ШЕЪРИНИНГ МАНГУ УЧМАС ҚУЁШИ»

Улуғ Октябрнинг СССР халқларига, жумладан ўзбек халқига берган улуғ неъматларидан бири уларни Пушкин каби буюк даҳолар асарларидан баҳраманд қилди, уларнинг қонуний меросхўрига айлантирди. Ажойиб, теран ва туйғун шоиримиз Ҳамид Олимжон сўзи билан айтганда, Пушкин асарларини ўқиш ва англаш даражасига кўтарилиш оддий бир ҳодиса эмас, балки буюк тарихий жараёндир. Бу кун ўзбек халқи Пушкин асарлари орқали бадиий ижоднинг энг буюк намуналари, кишилиқ маданиятининг энг муҳташам ҳайкаллари билан танишади... Совет халқлари Пушкинни ўзининг энг сеvimли шоири, ўзининг буюк замондоши, юз йилларнинг бошидан ошиб бу кунги озод халқнинг юракларини тўлқинлантирувчи фарзанди сифатида қабул қилди. Пушкин бизнинг миллий маданиятимизда жуда катта ўрин олди. Унинг бутун ижоди халқнинг революцион туйғусига яқин бўлмаганда, у бундай ўринни ишғол қилолмаган бўлар эди. Унинг ижоди халқнинг инқилобий тарихига, унинг миллий хусусиятларига мос келади. У шунинг учун миллионларнинг юрагида яшайди, халқ шунинг учун Пушкинни севади ва қадрлайди».

Пушкиннинг ўзбек халқи қалбига чуқур кириб бориши ва мустаҳкам ўрин олишига сабаб бўлган омиллар, йўллар кўп. Энг биринчиси Пушкин асарларининг қон томирини ташкил қилган революцион руҳ, озодлик, тенглик руҳи, буюк инсонийлик, дўстлик ва адолат руҳи, ҳар қандай зулм ва ёмонликка чексиз нафрат туйғуси, меҳнаткаш халққа бўлган катта ишончи ва қувноқ оптимизми, руҳий тетиклиги, келажакка умид билан боқиши уни халқимизнинг ўз шои-

рига айлантирди. Пушкин асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши эса бу йўлни — Пушкин даҳосига эга бўлиш йўлини яқинлаштирди, тезлаштирди. Шунинг айтиш керакки, халқимиз дастлабки йилларда Пушкин билан унинг асарлари таржимаси орқали танишган бўлса, кейинча, айниқса ҳозирги вақтда СССР халқларининг иккинчи она тилиси бўлмиш, дўстлик ва қардошлик тили деб ном олмиш рус тилининг ўзида — Пушкиннинг ўз тилида, оригиналда ўқиш орқали унинг серқирра, серматни ижодидан баҳраманд бўлмоқда. Пушкин асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши бу буюк даҳо асарларига хос бўлган ажойиб мўъжиза ва сеҳрни кенг китобхонлар оммасига тўла етказиш учунгина хизмат этиб қолмасдан, ижодкорларимиз учун Пушкиннинг санъаткорлик сирларини ўрганишларида бебаҳо аҳамиятга молик бўлди. Шу таржима жараёнида улар улуғ мактабни ўтадилар. Ҳ. Олимжон, Ойбек, Ғ. Ғулом, У. Носир, М. Шайхзода, А. Қаҳҳор, Уйғун, Миртемир, Зулфия, Ҳ. Ғулом, А. Мухтор, Р. Бобожон, И. Муслим, Т. Тўла, Назармат, А. Орипов каби ўнлаб ижодкорларимиз Пушкин асарларини таржима қилиш орқали Ҳ. Олимжон ибораси-ла айтганда «ўз ижодида янги бир поғона олдилар».

Пушкинни чуқурроқ танишда ёзувчилар, олимлар ва танқидчиларимизнинг рус адабиётининг генийси ҳақидаги адабий-танқидий мақолалари, фикр-мушоҳидалари, илмий ишлари ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ойбек, Ҳ. Олимжон, М. Шайхзода, Миртемир, В. Зоҳидов каби жуда кўп ижодкорларимиз Пушкин ҳақида ажойиб мақолалар яратдилар. Пушкин асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималари хусусида қатор кандидатлик диссертациялари ёқланди. Кейинги даврларда ҳар йили мунтазам равишда республикамызда Пушкин кунларининг ўтказилиши бу буюк ёзувчи асарларининг халқ орасига кенг тармоқ отишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳар йили Пушкинхонлик кунларини халқимиз бир байрамдек кутиб олишмоқда.

Пушкиннинг халқимиз қалби, онги ва дил-дилига сингиб кетишида яна бир фактор борки, бунинг аҳамияти ҳам юқоридагилардан қолишмайди. Бу — поэзиямызда Пушкин образининг гавдалантирилиши масаласидир. Мана, қирқ йилдан кўпроқ вақтдан буён

Ўзбек шоирлари Пушкин сиймосини чишишга, унга бўлган халқимизнинг чексиз меҳр-муҳаббатини ифода-ловчи шеърлар ёзишга ҳаракат қилиб келишади. Ай-тиш мумкинки, ўзбек поэзиясида ажойиб пушкинно-ма вужудга келмоқда.

Улуғ Пушкин даҳосидан энг кўп баҳраманд бўл-ганлардан бири Ҳамид Олимжондир. Ўзбек шоири ижодкорни камолот даражасига кўтаридаган омил-лар — манбалар тўғрисида ўйлар экан, уни тўртга бўлади. Бири — ёзувчининг халқ ҳаётига яқинлиги, даврининг илғор, муҳим ва ўткир гоёлари, масалалари тўғрисида ўйлаши ва сўйлашидир. Ҳар бир ижодкор ўз халқининг классик адабиёти ва фольклорини пухта билиши керак, бу икки қудратли манбасиз, дейди Ҳа-мид Олимжон, у камол топа олмайди.

«Икки қудратли традицион манбага революция янги манба — Горький ва Маяковский, Пушкин ва Гоголь, Лермонтов ва Герцен, Добролюбов ва Черни-шевский, Толстой ва Чехов мансуб бўлган буюк рус адабиётини қўйди, — дейди Ҳамид Олимжон. — Шу-нинг натижасида ўзбек адабиёти жаҳон адабиёти би-лан алоқа қилиш имкониятига эга бўлди. Ўзбек ада-биёти олдида кенг горизонт очилди, ижодий фаолият мисли кўрилмаган даражада ривожланиб кетди».

Ҳамид Олимжон Пушкин асарларининг ўзбек ёзув-чилари учун энг ўткир ва энг ҳаётбахш ижодий мак-таб деб билади. Шоирнинг юз йиллик юбилейига тай-ёргарлик кўриш пайтида (1936) ўзбек ёзувчилари ора-сида улуғ шоирнинг асарлари таржимаси билан банд бўлмаган бирорта ижодкор қолмади. Пушкиннинг деярли энг машҳур асарлари ўзбек тилига таржима бўлди. Ҳамид Олимжон бу ажойиб воқеанинг ҳам сиё-сий, ҳам маданий аҳамияти борлигига урғу беради. Ўзбек халқининг Пушкин асарларини «ўқиш ва ан-глаш даражасига кўтарилиши оддий бир ҳодиса эмас, балки буюк тарихий жараёндир». Фақат улуғ Октябр-гина ўзбек халқини шу даражага кўтарди ва Пуш-кин асарларига «чин маънода меросхўрлик қила олиш» ҳуқуқига эга қилди. Ҳамид Олимжон Пушкин асарларининг ўзбек халқи «маданий даражасининг юқори кўтарилишида катта роль ўйнайжак бир фак-тор» эканлигини кўрсатиб, бундай деганди:

«Пушкин асарларини ўзбекчага таржима қилиш

натижасида ўзбек совет адабиёти ва унинг поэзияси ниҳоятда бойиди. Пушкин асарлари устида ишлаш натижасида ўзбек шоирлари жуда катта бир мактаб ўтган бўлдилар. Пушкин ижодининг ўзи билан яхшилаб танишиш катта сабоқ бўлса, уни ўзбек тилига ўтказиш устидаги иш ундан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга... Сўнгги йил ичида ўзи ҳеч нарса яратмасдан, Пушкиннинг бирор асарини муваффақият билан таржима қилиб берган шоирни ижодий жиҳатдан ўсмади, қотиб қолди деб айтиб бўладими? Асло йўқ. Пушкин асарларини ўзбек тилида бериш жуда қийин иш. Буюк шоирнинг ўлмас асарлари ўзбек тилида қай товуш билан жаранглади? Ўзбек тилидаги Пушкин шеърисида оригиналдаги руҳ ва шира сақланганми? Бундай бир ўхшашликка эришиш жуда қийин, шунинг учун ҳам Пушкиндан бирор асарни яхшилаб таржима қилиш билан шоир ўз ижодида янги бир поғона ошади».

Пушкин таъсирида янги ижодий поғонага кўтарилишни энг аввало Ҳамид Олимжоннинг тақдирида яққол кўриш мумкин. Ўзбек совет шоирини улуғ рус шоири билан боғловчи иплар жуда кўп. Энг аввало Ҳамид Олимжон Пушкинни «ўзбек халқига тўғри танитиш» умумхалқ ишига уч йўналишда ўз ҳиссасини қўшди. Биринчиси, шуки, Ҳамид Олимжон Пушкиннинг ижодини ёритувчи «Салом, Пушкин!» номли жиддий мақола ёзди. Унда улуғ шоир асарларининг ғоявий-бадий даражаси, уларнинг рус халқи ҳаёти ва прогрессив инсоният тақдирини қай даражада акс эттириб бергани, Пушкиннинг маҳорат сирлари, Пушкин ва ҳозирги кун, Пушкин ва ўзбек адабиёти каби масалаларни жўшқин ва чуқур илмий асосда талқин қилади. Бундай мақолалари билан Ҳамид Олимжон Пушкин образини чизиб бериш ва уни ўзбек халқига таништиришда олдинга катта қадам ташлади. Иккинчи йўл — у Пушкиннинг бир қанча шеърлари, «Сув париси» ва «Кавказ асири» номли асарларини ўзбек тилига катта дид ва чуқур меҳр билан таржима қилди. Ҳамид Олимжон Пушкин асарларининг руҳи, оҳанги, пафоси, шираси ва файзини ўзбек тилида шу қадар чиройли ифодалай олдики, бу асарлар худди оригиналдагидек жаранглайди. Ҳамид Олимжон «Пушкин «Кавказ асири»да рус киборларининг ҳаётини Кавказ тоғ халқларининг содда ҳаё-

тига қарши қўяди ва сўнгисини афзал кўриб мақтайди, ўз жамиятидан бешиб, жирканиб, унинг разилликларидан бош олиб чиқиб кетиб, Кавказга сиққан асирни кўрсатади. «Кавказ асири»да Пушкин ҳамон озодликни мақтайди ва ҳуррият шарафига оташин хитоблар ташлайди», деб ёзади ва ўз таржимасида ана шу пафосни ёрқин бера олади. Бу асар ўзбек шоирининг руҳига шу қадар сингиб кетдики, у ҳақда мақоладагина сўзлаб қолмасдан, ҳатто бахт ҳақида шеър ёзганда ундан Пушкин ижодининг битта ўткир қиррасини чизишда бир деталь — образ сифатида фойдаланади ҳам:

Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч,
Йиғлаб турган бир черкас қизни.

Учинчи йўл эса, Ҳамид Олимжон ўз шеърларида Пушкин образини гавдалантиришга жазм қилди. Унинг Пушкин тўғрисидаги мақолалари ҳам, ундан қилган таржималари ҳам ва у ҳақдаги шеърлари ҳам бир даврда майдонга келди: бу нарса Ҳамид Олимжоннинг борлиғича Пушкин образини яратиш ва уни ўзбек халқи қалбига тезроқ олиб кириш шавқ-завқи билан нафас олганини кўрсатади.

Ҳамид Олимжон «Пушкин» номли шеърида халқнинг бахт-саодати, озодлиги ва порлоқ келажаги учун ҳаёт-мамотини бахш этган улуғ гуманистнинг образини чизади:

Дунёвий азоблар ёндирди қалбин,
Омонсиз ёв бўлди золим фалакка,
Итоатсиз бўлди, исёнкор, бедин
Фақат ғариб қолди ўртанди якка...

Ҳамид Олимжон «Пушкин» шеърида ҳам, «Салом, Пушкин!» мақоласида ҳам инқилобчи улуғ шоирни ўлдирган ўша подшолик тузуми эди, деган ғояни ўтказади. «Дантеснинг тўппончасидан отилган ўқ подшонинг ўқи эди ва подшолик реакциясининг бу ўқи Пушкиннинг қалбини мангуликка қонатиб ўтди» деб ёзади Ҳамид Олимжон мақолада. Шеърга диққат қилайлик:

Бутун Русияни емирған жаллод
Дантес лпбосида келиб отишди.
Шундай якуи топди фоже муаммо:
Ажал очиб келди унга кенг қулоч
Онпоқ қор қон эди... ва шоир аммо
Мозор Русияда қабрга муҳтож...

Ўша мараз тузум Русия «ватанини қоп-қора тунда ёритган» улуғ Пушкинни ўлдириб, жасадини ҳам сарсон қилди, лекин дейди Ҳамид Олимжон «бутун рус халқи ўз юрагида шу буюк тобутни кўтариб ўтди».

Ҳамид Олимжоннинг шу «Пушкин» шеъри билан Улуғ Ватан уруши йиллари ёзган «Россия» шеъри ўртасида мазмун ва гоя жиҳатидан яқинлик бор. Агар «Пушкин» шеърида Пушкиндай улуғ фарзандининг хор бўлган ўша эрксиз ва золим Русияни ачиниб, қаҳр-ғазаб билан тасвирласа, бунисида бахтиёр ва бир оиладек ширин, мустаҳкам яшаётган бепоён Россияни гурур ва севинч билан тасвирлайди. Агар «шўрли Русия»да Пушкиндек фарзанди хор этилган ва оқ қилинган бўлса, энди ўзбек шоири ўзини Россиянинг чин фарзанди деб ҳисоблайди.

Русия, Русия сўнги йўқ тупроқ
Энг буюк вайрона, эй кафангадо!
Энг яхши фарзандинг этилмишдир оқ
Эй бало тутқуни, кулфатда адо!

Шоир «Россия» шеърида «осмон сингари бепоён Ватанни» — Россияни улуғлаб туриб шундай дейди:

Россия, Россия, менинг Ватаним,
Мен сенинг ўғлингман, эмасман меҳмон.
Сенинг тупроғингда улгайди таним
Ҳозирман сен учун бўлмоққа қурбон.

Бу ерда Россиядек Ватан учун Пушкин каби жонини фидо этишга қасам ичмиш туфтусли ёлибди...

Ҳамид Олимжоннинг Пушкин образини яратмиш йўлидаги бу изланишлари ўз-ўзидан унинг қалами Пушкиннинг маҳорат чарҳида ўткирлачишига ҳам олиб

келди. Ҳамид Олимжон Пушкиндан энг аввало «давринг буюк мавзуларини кўтаришни», «замоннинг энг олдинги идеяларини ифода қилишни», «ўз замонининг бутун интилишларини» акс эттиришни ва «содда, равон, силлиқ, музыкали ширадор тил, ҳаётий тил яратиш»ни ўрганди. Халқ ижоди дурдоналари асосида халқнинг ҳаёти, эзгу ниятлар учун қандай кураш олиб борганини кўрсатишни ўрганди. «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» дostonларини худди шу Пушкин мактабини ўтган йиллари (1937—1939) яратди. Ҳамид Олимжоннинг севги-садоқат ҳақидаги теран фикр ва жўшқин ҳис-туйғуга, ўткир кечинмаларга бой, конкрет ва латиф шеърлари ҳамда «Зайнаб ва Омон» дostonи ҳам шу йиллари дунёга келди. Поэмада замоннинг бош мавзусини юксак бадиий шаклда талқин қилиб беришида, айниқса Зайнаб ва Омоннинг руҳий кечинмасини ёрқин очиб беришида, шоирнинг воқеага актив аралашиб, давр ва қаҳрамонлари тўғрисидаги фикрларини, мушоҳидаларини изҳор этишида, гўзал ва тиниқ тилида, банд тузилиши ва қофияланиш принципида «Евгений Онегин» таъсирини сезиш мумкин. Рус поэзиясида энг узун банд тузилиши — ўн тўрт мисрали банд биринчи маротаба Пушкиннинг «Евгений Онегин»ида қўлланган, қофияланиш принципи ҳам сонетникига ўхшайди. Бу банд тузилиши шоирга асардаги алоҳида воқеаларни ривожлантириш, тўхтатиб қўйиб, лирик чекинишлар қилиш ва персонажлар ҳолатини чуқур психологик таҳлил этиш имконини беради. Ҳамид Олимжон «Зайнаб ва Омон»нинг кўп ерида шундай банд тузишга интилади (асарни қисмлар ва ҳар бир қисмни бобларга бўлади). «Семурғ» ва «Ойгул билан Бахтиёр»да ҳам воқеани даврий бандларга ажратиб тасвирлайди. Ҳамид Олимжон шеърда кечинманинг табиий оқимини ифодалашда, демак шеърни мусикий қилишда устози Пушкиндан кўп нарса ўрганди. Ҳамид Олимжон шеъриятидаги табиий қуйма, содда, сероҳанг, рангдор, ширали ва файзли тил сеҳри кишини мафтун этади. Бунинг илдизи Ҳамид Олимжоннинг ҳам Пушкин каби халқ қўшиқлари, дostonлари, эртақ ва мақолларига жуда-жуда яқинлигига бориб туташади. Ҳамид Олимжон асарларининг халқчиллигининг боисларидан бири ҳам худди шу ерда.

Пушкинни кўплаб ижодкорлар жумладан ўзбек қалам соҳиблари ўзларининг катта устози деб билишлари бежиз эмас. Масалан, Ҳамид Олимжон борлигича Пушкинга интилан ва унинг мактабидан ташна бўлиб, қувониб баҳра олган экан, бунинг бош сабаби бор. Буни Ҳамид Олимжон шундай кўрсатади.

«Пушкин бизнинг миллий маданиятимизда жуда катта ўрин олди. Унинг бутун ижоди халқнинг революцион туйғусига яқин бўлмаганда, у бундай ўринни ишғол қилолмаган бўлар эди. Унинг ижоди халқнинг инқилобий тарихига, унинг миллий хусусиятларига мос келади. У шунинг учун миллионларнинг юрагида яшайди, халқ шунинг учун Пушкинни севади ва қадрлайди».

Ўзбек пушкинномасини яратган ва яратаётганлар сафига ва улар ижодига назар ташланса, жуда характерли бир ҳолни кўриш мумкин. Қайси ёзувчи Пушкин ҳаёти ва ижодини чуқур билса, унинг асарларини кўпроқ таржима қилган бўлса, у Пушкин ҳақида шеър ёзган ва унинг серқирра фазилатининг кўп томонларини ифодалаб бера олган. Демак қайси ижодкор Пушкин руҳий оламига, психологик дунёсига чуқур кириб борган бўлса, унинг характери, фикр-ғоялари, мақсад-идеалларини теран ўрганган бўлса, бундай шоирда Пушкин тўғрисида шеър ёзиш иштиёқи туғилган. Ҳ. Олимжон Пушкиннинг «Кавказ асири», «Сув париси», Ойбек «Евгений Онегин» асарларини таржима қилар эканлар, улуғ шоир юрагининг зарблари, оҳангларини гоёт равшан тинглай олдилар. Бошқа таржимонларимиз хусусида ҳам шу сўзларни айтиш мумкин. Ойбек ҳам 1936 йилда, ҳам 1949 йилда «Пушкин» номли шеър ёзди. Бир-бирининг давомидек жаранглаган бу шеърларда Пушкиннинг улуғлиги ва абадий барҳаётлигининг сабаблари таҳлил этилади. Ойбек Пушкин лирикасига хос бўлган ҳурриятпарварликни, ҳис-туйғуларнинг чуқурлигини ва ранг-баранглигини, руҳий кўтаринкилик ва порлоқ тилакни улуғлайди. Ойбек иккинчи шеърида Пушкиннинг бутун халқларнинг севимли шоирига айланганини «қўшиқлари бир, диллари бир» Ватан шеърияти кўкидаги қуёши бўлиб қолганини тасвирлайди. Дарвоқе ўзбек пушкинномасида Пушкинни қуёшга муқоя-

са қилиш ҳам тенденцияга айланди ва бу билан ўзбек шоирлари рус фозилларининг Пушкин — рус адабиётининг қуёши деган баҳосига таянадилар.

Мақсуд Шайхзода Пушкиннинг «Рус шеърининг мангу ўчмас қуёши» деб таърифлар экан, шеър давомида шу нурнинг бизнинг замонга қандай етиб келганини ёритиб беради. А. Умарий ўз шеърида Пушкинни «ижодимизнинг қуёши» деб устоз сифатида тан олар экан. «Ватаним ва ижодинингнинг посбониман, сақлайман!», деб онт ичади.

Агар ўзбек пушкинномасига назар ташланса, унда турли даврлар ва турли ёшдаги ижодкорлар қалам тебратганини кўриш мумкин. Бу ҳар бир давр шоири шу вақтнинг ижтимоий-сиёсий-ахлоқий талабларидан келиб чиқиб Пушкин мавзусига ёндашадилар, айни чоқда ҳар бир шоир ўз ёши, дунёқараши, ўз шахсий услуби, қизиқишлари, мақсади, идеалидан келиб чиқиб Пушкин мавзусининг ўз қалбига яқин бирор қиррасини қаламга олади, демакдир. Бу — Пушкин ҳақидаги ҳар бир шеърда ҳам давр тамғаси, ҳам ҳар бир шоир қалбининг ўз муҳри ётади демакдир. Ҳ. Ғуломнинг 1944 йилда ёзган «Пушкин» шеърида совет халқининг фашизм устидан қозонаётган тарихий ғалабаларининг саси баралла эшитилиб туради. Шоир «Боқ-часарой фонтани» поэмасига мурсжаат этиб, Польшага бостириб кирган Гарой билан фашизм ўртасида икки томчи сувдек ўхшашлик кўради. Совет жангчилари Польшани босқинчилар оёғидан халос қилади, энди Мариялар «кўзидан мангу тинди ёш». Ҳ. Ғулом уч қисмли шеърида Пушкин асарларидаги образлар билан совет жангчиларининг ғолибона юришини тасвирлаб, Пушкинни совет халқи билан, шу давр билан тақдирдош қилиб тасвирлайди.

Зулфияннинг «Пушкинга» (1974) шеърида ҳозирги даврнинг ва шоира қалбининг аниқ муҳрини кўра-миз. Шоира «ишқдан, эзгуликдан, дард, ҳақиқатдан йўғрилган» Пушкин мисраларининг совет кишилари дилларига ҳамроҳ эканлигига эътиборни тортиб туриб, маънавий бойликлар кўп миллатли совет халқининг ягона мудкига айланганлигини таъкидлайди. Бунинг боисида икки муҳим ҳақиқат-фактор ётганини уқтиради шоира: бири совет халқларининг мақсад-идеали ягонадир, иккинчиси Пушкин, Навоий,

Фузулий, Ҳофиз каби буюк даҳоларнинг сатрлари «бир орзу, бир дард-ла чақнар» демоқчи. Зулфия Пушкинни «зукко муаллимим» деб ғурур-ла тан олар экан, қуйида буюк шоирнинг «ўлмас музаси»нинг қайси жиҳатларидан илҳомланишини — «парвоз олиши»ни уқтиради:

Мана, мен ҳам ўз-ла қолган чоғимда,
Дил ё хит, дил ё шод истаб суҳбатдош
Навоий ё Сизни қўлга оламан.
Менинг аёл қалбимга Лайли, гоҳида
Татьяна бўларкан энг мунис йўлдош
Аёл буюклигин куйлаб қоламан.

Мана, шоира Пушкиндан «аёл буюклигин куйлашни» ўрганар ва шунга интилади. Э. Воҳидов эса «Шоир бўлсам бир кун элга муносиб», «Навоий девонин кўксимга босиб, Пушкин даҳосига қилурман таъзим» деб Пушкиндан ижодкорнинг халқ, Ватан, келажак олдидаги бурчини қандай ўташ кераклигини ўрганаётганлигини айтади. Зулфия тўппадан-тўғри Пушкинга мурожаат қилиб, шеър ёзганидек, А. Орипов ҳам ўз шеърисида унинг ҳайкали билан суҳбатлашади. Табиатнинг жисмига қўшилиб, у билан бирикиб кетган Пушкинни ҳамиша баҳордек, барҳаёт сиймо тарзида ёритади. А. Орипов табиатни назарда тутиб «Бир вақтлар у қўшиқ куйларди сенга, энди-чи, навбати — тинглайди сендан», деб Пушкиннинг барҳаёт эканлигини таъкидлайди. А. Орипов шеърда ўлим ва абадийлик масаласига тўхталиб, Пушкиндек даҳоларга мангулик ҳам ёр эканлигини айтади:

Баҳорини васият этдинг ул замон...
Қонун каби пучдир ўлимнинг кучи
Ўзидан юксакроқ одамлар учун.
Қаҳқаҳа ур, шоир, тирик нафасин!
Ўзгалар устидан қаҳ-қаҳ ур букун.
Ўчгандир зулматнинг завқумли саси,
Ва ул жаллод замон битган абадий.

Пушкин ҳақидаги бундай шеърлар унинг буюк, ёрқин сиймосини, асарларидаги халқчиллик, граж-

данлик, инсонпарварлик, дўстлик туйғуларини ва зулм, тенгсизлик, адолатсизлик, умуман барча ёмонликка қарши ўтли нафрат ҳисларини чуқурроқ англашда халқимизга кўмак бермоқда. Шоирларимизнинг Пушкин образини яратишга бағишланган асарлари энг аввало халқимизнинг инсониятнинг бу улуг даҳосига бўлган буюк муҳаббатининг бир ифодасидир.

1979 йил.

Улуғ мутафаккир Чернишевскийнинг танқидчилик фаолияти ҳам, ёзувчилиги ҳам унинг крепостнойлика, чоризмга қарши олиб борган курашининг, мамлакатда революцион-демократик ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган интилишларининг узвий бир қисми эди. Тўғрироғи, мавжуд ижтимоий тузумни ўзгартиришда адабиёт ва санъатдан ғоят ўткир ғоявий қурол сифатида фойдаланиши эди. Чернишевский инсоннинг жамият билан жипс боғлиқлигини, унинг психологияси ва мафкураси, қалбининг тузилиши шу ижтимоий тузум, шарт-шароит натижаси эканлигини таъкидлади ва «янги инсон» — революционер демократларнинг туғилишига олиб келувчи қонуниятларни кўрсатиб берди. Шу туфайли унинг реалистик, демократик ва гуманистик эстетикасининг асосида адабиёт ва инсон, адабиёт ва жамият масалалари турди. Адабиётдан мазмундорлик, ғоявийлик, ҳаққонийлик, бадийий етуклик ва халқчилликни эҳтирос билан талаб қилиши шундан эди.

«Гўзаллик — ҳаёт демакдир» деган ажасийб шiori ни ўртага ташлаган Чернишевский адабиётнинг шу гўзалликни ҳаққоний куйлашини орзу қилди. Гўзаллик тушунчасига биринчи бор синфий позицияда туриб ёндашган Чернишевский гўзалликни халқнинг меҳнати, фаолияти, эзгу ниятлари йўлидаги интилиш ва курашларида кўрди. Адабиёт воқеликнинг бирор томонини эмас, балки ҳамма томонини, ҳамма жиҳатларини — гўзалликларини ҳам, гўзалликнинг қарор топишига ғов бўлган нарсаларни ҳам чуқур таҳлил этиши керак. Чернишевский «Ҳаётдаги умумни қизиқтирадиган нарсa — санъатнинг мазмунидир», дей-

ди. Яна бошқа ўринда конкретроқ тарзда бундай дейди:

«Санъатнинг муҳим қиммати ҳаётда инсон учун аҳамиятли бўлган ҳамма нарсани акс эттиришдир, жуда кўп вақт, айниқса шеърӣ асарларда ҳаётни тушунтириш, унинг ҳодисалари тўғрисида ҳукм чиқариш биринчи планда туради».

Чернишевский бу ерда адабиёт ва санъатнинг тенденцияли бўлишини уқтирмақдаки, худди шу нарса ҳам Чернишевскийнинг марксизмгача бўлган демократик эстетикага қўшган муҳим ҳиссасидир. Чернишевский адабиёт «ҳаётни тушунтиради», адабиёт «ҳаёт дарслиги» ва ҳаёт ҳақида ўз «ҳукмини айтади», деган ғояни зўр бериб тарғиб қилади ва танқидчи сифатида адабий асарга мана шу принциплардан келиб чиқиб баҳо беради. Чернишевскийнинг уқтиришича, адабий танқиднинг асосида «адабиётнинг жамиятга муносабати ва унинг масалалари билан шуғулланиши ҳақидаги тушунча, адабиётимизнинг ҳозирги аҳволи ва унинг тараққиётга боғлиқ шарт-шароитлар ҳақидаги тушунча» ётади.

Шунинг учун Чернишевский адабий асарга баҳо берганда қуйидаги саволларни назарда тутди: таҳлил этилаётган асар қанчалик муҳим масалаларни кўтариб чиқмоқда, бу асар тасвирлаётган воқеликни қанчалик чуқур ёритмоқда, асар адабий жараёнга қандай янгилик олиб кирмоқда ва асар автори талантининг кучи ва ўзига хослиги нимада?

Чернишевский Пушкин, Лермонтов, Белинский, Гоголь, Л. Толстой, Салтиков-Шчедрин, Некрасов, Добролюбов каби рус адабиётни даҳоларининг ижодларини ва бошқа сўз санъаткорларини шу позицияда туриб таърифлади. Шу туфайли уларнинг рус ҳамда жаҳон адабиётида тутган ўрни ва кишилик маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаларини ҳаққоний ёритиб бера олди. У Лессинг ҳақида сўзларкан, Лессинг немис адабиётига тўғри йўлни кўрсатиб берди ва пировардида «ўз халқи ривожини тезлаштирди», дейди. Пушкиннинг улуғлиги тўғрисида сўзлаб, унинг рус адабиётига «поэзияни, ажойиб гўзал шаклни» олиб кирганлигини, «она тилида биринчи бор бадиий адабиёт» яратганлигини ва адабиётни Русияда биринчи бор

«миллий фаолият фазилатига айлантирганлигини» таъкидлайди. «Гоголь даври очерклари»да Гоголь ижоди билан рус адабиётида яна бир янги давр бошланганлигини таъкидлайди. Уни «романтизм отаси», адабиётинг сатирик йўналишини олиб кирган «улуғ ақл ва юксак қиёфа эгасидир», дейди. Белинскийни эса идеал танқидчи ва «ҳозирги ёш авлоднинг ҳақиқий устози», дейди. Некрасов тимсолида «фикр поэзияси» ва «ақл иоэзияси»нинг ижодкорини, халқ қалби ва туйғусининг ифодачисини кўради. Чернишевский рус адабиёти ютуқларидан юракдан қувона олганлиги, энг аввало халқ тақдирини ва рус маданиятининг тараққиёти тўғрисида куюнганлиги учун ҳақиқий талантлар ва юксак санъат асарларини юқори баҳолади, қўллаб-қувватлади, кенг тарғиб этди.

Чернишевский адабий асар ёки ёзувчи тўғрисида ҳар доим ғоят теран, конкрет ва асосли фикр юритади, бирор шубҳага ўрин қолдирмайди. Энг муҳими уларга лозим даражадаги тўғри, принципиал фикрини айтади. У Добролюбов тўғрисида гурур ва сурур билан сўзлаб, Добролюбов тўрт йил «рус адабиётининггина эмас, ҳатто бутун рус тафаккури тараққиёти бошида турди», дейди. Шchedринни лўнда қилиб «иккинчи Гоголь» деб таърифлайди. Агар Гоголь ҳамгин ёзувчи бўлса, Шchedрин ғазабнок, кескин ижодкор эканлигини таъкидлайди. Авдеев каби ўртамиёнага кўтарилмаган ёзувчини бироз суяб баҳоласа, Евгений Тур каби қобилиятсиз ижодкор тўғрисида қаҳр-ғазаб билан фикр юритади.

Чернишевскийнинг иккинчи даражали ёзувчилар тўғрисидаги қарашлари ҳам биз учун ғоят қимматли. Адабий жараёнда генийлар ҳам, зўр талантлар ҳам, ўртамиёна ижодкорлар ҳам бўлиши мумкинлиги ва булар ҳар бир адабиётнинг бойлигини кўрсатувчи ҳолат эканлигини Белинский алоҳида таъкидлаганди. Чернишевский ҳам шу позицияда туради. Аммо Чернишевский шу ўртамиёна ёзувчиларни зўр талантлар қаторига сунъий равишда қулоғидан тортиб олиб чиқишга кескин қарши чиқади. Принциписиз танқидчилар томонидан кўкларга кўтарилган Погорелский тўғрисида сўзлаб Чернишевский уни «ёмонларнинг яхшиси» дейди. Бундай қаламкашларни нотўғри мақташ адабий жараёнга ҳам салбий таъсир қилади, китоб-

хонларни ҳам чалғитади, қаҳр-ғазабини келтиради. Чернишевский омаддан тубан танқиддан фақат «заиф асарлари мақталган ёзувчиларгина қаноатланиш мумкин», дейди. Бундай танқиднинг на адабий жараён, на китобхонга ва на ёзувчига фойдаси тегади.

Дарвоқе, Чернишевский бадиий асарни баҳолаганда ёзувчи талантидан, ҳаёт мезонидан ва китобхонлардиди, эҳтиёжи, талабидан келиб чиқади. У ўзини китобхоннинг вакили, тили деб билади. Мазкур асар китобхонга янги гап айтадимиз, уни илҳомлантирадимиз, ҳаёт ва одамлар, дунё тўғрисидаги тушунчасини бойитадимиз — масалага шундан келиб чиқиб ёндашади. Аммо Чернишевский китобхонлар оммаси деганда қолоқ ёки ўртача китобхонга эмас, балки жамиятнинг энг илғор кишилари, революцион демократлар диди ва талабига суянади. Шунинг учун Чернишевский ўзини жуда халққа яқин тутар ва ҳар доим унинг қалби, интилишлари, орзу-умидлари билан нафас оларди. Айни пайтда Чернишевский бадиий асарни тарозига тортганда халқ ҳаётини ва даврнинг муҳим масалаларини қанчалик чуқур акс эттирганига диққат қиларди. У ҳаётни чуқур билгани учун ўз кузатишлари, қарашлари, тажрибалари орқали бадиий асарнинг ҳаққонийлигини белгилайди. Шунинг учун Чернишевский адабий-танқидий мақолаларининг қонконига жанговар публицистик руҳ сингиб кетганди. Материални куйиниб, эҳтирос билан талқин қилишида, бадиий асар баҳонасида халқ ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалалар тўғрисида баҳс юритишида, ҳаётий эпизод, фактлар, мисоллардан меъёр билан фойдаланишида публицистик пафос ёрқин кўриниб туради. Лекин Чернишевский бирор ёзувчи ва унинг асарини баҳолаганда фақат шу ёзувчи талантининг моҳиятидан, унинг ўзига хос йўлидан келиб чиқади. У бу ягона мезонни четлаб ўтиб, ўз тушунча ва ўлчови, схемаси рамкасига солиб ижодкорга баҳо берувчи хом танқидчиларни тан олмайди. Чернишевский ёш ёзувчилар ижодининг моҳиятига жуда чуқур кириб бориб, улардаги талант булоғини сезиб олар, порлоқ эртасини равшан идрок этиб, бундай ижодкорларни актив қўллаб-қувватлар эди. Унинг Лев Толстой тўғрисидаги фикр-баҳолари бунга яққол мисол бўла олади. У ёш Толстой асарларини ўқиб, буюк талантнинг

тугилаётганлигини ҳис қилади ва «Адабиётимиз учун қандай гўзал умид», дейди.

Шу жойда Чернишевский маҳоратига доир яна бир ҳолатни айтиб ўтиш керак. Чернишевский бирор ёзувчи ёки асар хусусида сўзлаганда шу конкрет асар таҳлилидан назарий масалани келтириб чиқаради ва уни теран ҳал қилади. Толстойнинг ўзига хослигини белгилар экан, Чернишевский психологик таҳлил тўғрисида ғоят чуқур ва мукаммал фикр айтадики, улуғ танқидчининг бундай қарашлари ҳозир ҳам биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Чернишевский Пушкин, Лермонтов, Тургеневлардаги психологик таҳлил даражаларини белгилагач, Толстойга ўтади. Толстойни психологик жараён, «қалб диалектикаси» қизиқтиради, «Бунинг ягона устаси» Толстойдир, дейди Чернишевский. Толстой ҳолатлар товланишини, онг оқимини тасвирлайди, унда оний ҳиссиёт аниқ фикрлар ва туйгулар билан, интуитивлик рационаллик билан занжирдек боғланиб кетади.

Чернишевскийнинг танқидчилик маҳоратида биз учун жуда муҳим бўлган ҳолатлардан бири бадий асар шакли ва мазмунининг мутаносиблиги ғоясини олға суришидир. Асарда унинг мавзуси, йўналиши, пафосига алоқаси бўлмаган ёт элементлар мутлақо бўлмаслиги керак. Чернишевский айтадики, «бадийликнинг биринчи қонунияти асарнинг яхлитлигидир». Агар улуғ танқидчи назари билан ҳозирги прозамиздаги баъзи асарларга ёндашсак, чиндан ҳам уларнинг асар сюжети, қаҳрамонлар тақдири ва асар конфликтга бевосита боғланмаган эпизодлар, манзаралар, факт ва деталлар эвазига қаппайиб кетганини сезишимиз мумкин.

Чернишевскийнинг шакл билан мундарижанинг бирлиги, яъни ўткир ғояга мос юксак шаклнинг бўлиши тўғрисидаги талаби жуда муҳим илмий ва амалий қимматга эга. Улуғ танқидчи бадий томони заиф асарни ҳам, шакли мукаммал, аммо ғояси саёз, аҳамиятсиз асарни ҳам тан олмайди. Гарчанд адабий жараёнда мазмуннинг шаклдан орқада қолиши ёки шаклнинг мазмундан ўзиб кетиш ҳодисаси қонуний ҳол бўлса-да, шаклнинг мазмунга тўла мос келишига эришиш ҳар бир ижодкорнинг бош вазифаси — идеали бўлиши керак.

«Бадийлик шаклнинг ғоя билан мутаносиблигидагина намоён бўлади,— дейди Чернишевский,— асарнинг бадий фазилатлари қандай эканини билиш учун иложи борича шу асар асосида ётган ғоянинг нечоғлик ҳаққоний эканини текширмоқ керак. Агар ғоя сохта бўлса, бадийлик тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки шакл ҳам сохта бўлади, ундаги мутаносиблик чегарасида номувофиқлик рўй беради. Фақат ғоя шаклга тўлиқ мос бўлсагина, унда ҳаққоний ғоя тажассум топсагина, асар бадий бўлади. Шаклнинг ғояга мос келишини аниқлаш учун эса асарнинг барча қисм ва тафсилотлари унинг ғоясидан келиб чиқадими-йўқми шуни атрофлича кўриб чиқмоқ керак. Муайян тафсилот — кўринишлар, характер, эпизод ўз-ўзидан нечоғлик гўзал ёхуд мақсадли бўлмасин, агар ғояни тўқис намоён этишга хизмат қилмаса, асар бадийлигига зиён етказилади».

Чернишевскийнинг эстетик қарашлари, танқидчилик маҳорати, бадий асарни таҳлил этиш принциплари, йўллари ҳозир ҳам совет танқидчилари, жумладан ўзбек танқидчилари учун бебаҳо мактаблардан биридир.

1978 йил.

В. Маяковский ўз асарларида ғоятда кўтаринки руҳ, оташин қалби билан Улуғ Октябрь революциясини қилган, совет мамлакатада янги, коммунистик жамиятнинг музаффақиятли қураётган совет кишининг, янги инсоннинг ажойиб образларини яратди, «оловдан, сувдан ўтиб курашда ва йилларда роса пишган» революционерларни куйлади. Маяковский ўз диққатини совет воқелигидаги янгиликларга, янги ҳаётдаги ўсувчи, ҳаётбахш томонларга қаратди, буларни астойдил ҳимоя қилди, ташвиқ этди. Маяковский «Кузнецстрой ҳақида ва Кузнецк кишилари бобида қисса» асарида ҳам, Луначарский томонидан «Бронзага қўйилган Октябрь революцияси» деб баҳоланган «Жуда соз!» поэмасида ҳам социалистик тузумнинг бебаҳо куч-қудратини, озод бўлган инсондаги ижодкорлик, ташаббускорлик ва юксак оптимизмни талант билан очиб беради.

Маяковский Совет мамлакатадаги ва совет кишилари ҳаётидаги ҳар хил ютуқлардан, ҳар бир янгиликдан беҳад қувсиди. У ўзининг «Жуда соз!», «Совет паспорти ҳақида» асарларида совет кишининг юксак ватанпарварлиги туйғуларини моҳирона ифодалади. Маяковский чег элларга борганда ҳам ҳар бир воқеага совет кишилик сифатида қаради, уларни мустаҳкам партиянинг позицияда туриб баҳолади: шоир 1925 йилда Америкага борганда унинг ичида тўлиб-тошиб ётган маразмларни кўргач, «7 минг чақирим олға интилиб, 7 йил орқага кетиб қолибман» деб ёзади. Маяковский ўша вақтдаёқ Ғарб маданияти олдида маҳлиё бўлиб, ўзини йўқотиб қўйган баъзи ёшларни танқид қилди.

Маяковскийнинг ҳаётга, халқ тақдирига яқинлиги, ижтимоий жамиятлар тарихини ва замонанинг бош масаласини чуқур билиши унинг Ленин ва партия темасига бўлган муносабатида ҳам кўринди. Маяковский ўзининг социалистик реализм адабиётининг ёрқин ютуғи ҳисобланган «Владимир Ильич Ленин» поэмасида Ленин ва партия, доҳий ва халқ, партия ва халқ темаларини реалистик лавҳаларда усталик билан ёритиб берди.

Маяковский ижоди худди мана шу томонлари билан СССР халқлари поэзиясига ва жаҳон адабиётига жиддий таъсир кўрсатди. Ўзбек совет адабиёти тарихини эса Маяковскийнинг номисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Маяковскийдан ўқиш-ўрганиш ва унинг традицияларини давом эттириш ўзбек поэзиясида 30-йилларнинг бошларига — иккинчи авлод — Ҳамзадан кейинги авлод ижодининг гуркираб ўсиши даврига тўғри келди. Бу вақтда Маяковский ижодидан ўрганишга қизиқишнинг поэзиямизда деярли оммавий тус олганлиги ва тез фурсатда адабиётимизда унинг традицияларини муваффақиятли давом эттирувчи Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода каби шоирларнинг майдонга келиши қандайдир субъектив истакка ёки бошқа ташқи сабабга боғлиқ эмас эди. Адабий таъсир ва бирор санъаткорнинг традициясини давом эттириш конкрет тарихий шароит тақозосига боғлиқ ва шунинг учун ҳам таъсир формалари ҳар хил. Маълумки, ўзбек совет поэзиясининг олдида янги, революцион воқеаларни, ҳаётдаги катта ижтимоий ўзгаришларни, янги социалистик дунёнинг мардона қадамини, янги инсоннинг фаолияти ва руҳий дунёсини реалистик бўёқларда акс эттириш вазифаси турган эди, бу вазифа барча кўп миллатли совет адабиёти олдида ҳам турган эди. Бироқ бундай вазифаларни ҳал қилишда рус совет адабиёти анча илгари кетган ва муҳим традицияларни қўлга киритган эди. Горький, Маяковский, Д. Бедный, Серафимович каби социалистик реализм методининг ёрқин намунаюндаларининг намуна бўладиган ва ўрганадиган талайгина асарлари бор эди. Бу асарлар, айтайлик, Маяковский асарлари ўзбек шоирларининг совет адабиёти олдида турган муҳим масалаларини ҳис қилиш, социалистик қурилиш ва халқ ҳаётининг ичига чуқур кириб бориш, улардаги воқеалар ва янгиликлар-

ни партиявий позицияда мустаҳкам туриб ғоявий юксак ва бадий етук лавҳаларда кўрсатиб беришда муҳим роль ўйнайди. Маяковскийдан ўрганиш, унинг асарларини оригиналда ўқиш, шоир ҳақидаги, илмий-назарий мақолалар билан таниниш ва энг муҳими унинг асарларини ўзбек тилига таржима қилиш планида борди. Маяковский асарларининг дастлабки таржимонлари Ғафур Ғулом («Ҳайқириқ» 1930 йил), Олтой («Товушнинг борича» — 1930 йил), Шайхзода («Сўл марш», «Владимир Ильич Ленин»), Миртемир ва бошқа ўртоқлар эди. Маяковский асарлари деярли 30 йилдан ортиқ вақтдан буён бетиним равишда ва қайта-қайта таржима қилиниб, таржима сифати ошириб келинади. Аммо ўзбек шоирларининг Маяковскийдан ўрганиши ва унинг традицияларини давом эттиришларига келганда бу нарсаларнинг осонликча рўй бермаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

30-йилларнинг бошларида ўзбек шоирлари ижодида икки хил ёмон теиденцияни кўриш мумкин, бундай шоирларда бир томондан поэзия соҳасидаги бой классик меросга эътиборсизлик билан қараш кайфияти сезилса, иккинчи томондан Маяковский шеърларининг фақат ташқи формасига ўхшатиб шеър ёзишга берилиши кучайди. Бадийликдан маҳрум, қуруқ риторикадан иборат ва яланғоч ғояларни «зинапоячалар»га бўлиб берувчи бундай шеърлар Маяковский шеърларининг руҳи ва характеридан, йўналиши ва бадий фазилатларидан мутлақо йироқ эди. Маяковскийдан ўрганишда ҳатто ўзбек поэзиясида Маяковский традицияларининг ҳақиқий давомчилари бўлиб қолган Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода каби шоирлар ҳам дастлаб маълум қийинчиликларни ўз бошларидан ўтказдилар. Масалан, Ғафур Ғулом, баъзан мавҳум образлар яратди, Шайхзода эътиборини дастлаб шоир шеъриятининг формасини эгаллашга қаратди. Ҳамид Олимжон эса 40-йилларнинг бошларига келиб эркин шеърдан асосан бармоқ ваънага ўтиб олди. Аммо у ҳеч вақт Маяковскийга хос бўлган ҳаётни, воқеаликни кўриш сирини ўрганишдан, унинг ижодининг руҳига чуқур кириб боришга интилишидан тўхтамади.

Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Маяковский таъсири, ҳаётга Маяковскийча ёндашишларида, унинг кўзи билан қарай олишларида, ўз асарларида

муҳим ҳаётӣй проблемаларни кўтариб чиқишларида, ҳаёт оқимидаги бош, асосий томонларни топа олишларида, образ ва характер яратиш санъатида, халқ ҳаётига нисбатан актив муносабатда бўлиш ҳар доим мустаҳкам партиявий позицияда тура олишда ва мазмунга мос форма топа билишда кўринади.

Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида», «Яловбардорликка», «Сен етим эмассан», «Поль Робсонга», «Коммунизм асри» каби; Ҳ. Олимжоннинг «Нима бизга Америка?», «Бахтлар водийси», «Зайнаб ва Омон», «Россия», Шайхзоданинг «Ҳайкал олдида», «Кураш нечук?», «Капитан Гастелло», «Ленин — офтоб», М. Бобоевнинг «Эрон осмони остида» шеърий туркуми ва бошқа шоирларнинг талайгина асарларида Маяковский традициясининг давомини ёрқин кўриш мумкин. Маяковский ўз шеърларида шоирлардан актуал ва сиёсий ўткир асарлар яратишни талаб қилиб, «сизга ҳам, менга ҳам хавфли бир нарса — майдалашиб қолмаса дейман қалбимиз, коммунистик қасрга олиб кирмаслик, бемаъни лапару, ҳаёлларни биз», «коммуна қурилишига оташин сўзлардан гишт қўймоқ керак», дейди ва «суюнаман — меҳнатим — куйим республикам меҳнатига жўр бўлса, бизнинг ҳаммамизга бир ҳайкал бўлсин, жангларда барпо этилган социализм» дейди. Ғафур Ғулом ҳам санъатнинг ва ижодкорнинг халқ, Ватан олдидаги бурчини ва ролини худди шундай тушунади. Шунинг учун ҳам у бадиий ижодни «партияни бош йўлига солишга», «халқнинг манфаатини, Ватан саодатини кўзлашга» чақиради, ўзининг «Ажойиб замонларнинг граждани шоири, ҳаққоний тарихчиси» бўлганлигидан ғурурланади ва дўстларига, халққа мурожаат қилиб, «умрдан ўтажак ҳар лаҳза учун қудратли қўл билан қўййлик ҳайкал» дейди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Маяковский традицияси Ғафур Ғулом ёки бошқа ўзбек шоирларининг ўзига хос индивидуал таланти, хусусиятини бўғиб қолмади, балки аксинча бу хусусиятларнинг кенг ривожланиши ва тўла очилишига ёрдам берди.

Давримизнинг буюк шоири, «коммунизмга шеър кўкидан қўнишга» муяссар бўлаётган Маяковский асарлари совет кишилари томонидан мамлакатимизда коммунизм қуриш иши кенг кўламда олиб борилаёт-

ган айни ҳозирги кунларда жанговар, революцион, сиёсий ўткир, ғоявий юксак асарлар яратишда, ҳаётдаги муҳим, беш масалаларни кўтариб чиқиш ва ижобий нарезаларни активлик билан қўллаб-қувватлашда воқеличимиз ва одамларимиз онгида қарор топаётган янги, коммунистик муносабатларни ва янги инсонларнинг ажойиб фазилатларини ҳаққоний очиб берадиган, буржуазия идеологиясини беаёв фожия қиладиган ва ўз моҳияти, руҳи билан ҳаққоний новатор асарлар яратишда санъаткорларимизга ёрқин намуна бўла олади.

1963 йил.

Пабло Неруда йигирма бир мамлакатни ўз ичига олган Лотин Америкаси революцион адабиётининггина эмас, айни чоқда XX асрнинг яловбардор шоирлари Владимир Маяковский, Пёль Элюар, Луи Арагон, Иоганнес Бехер, Бертальд Брехт, Аттила Йожеф, Владислав Броневский, Юлиан Тувим, Витезслав Незвал, Нозим Ҳикмат, Александр Твардовский қаторида турувчи улуг ижодкордир. Оташин коммунист шоир Пабло Неруда прогрессив инсониятнинг бахти, бугуни, порлоқ эртаси учун, жаҳонда мустақкам тинчлик ва халқлар дўстлиги учун бутун онгли ҳаётини бахшида этган улуг гуманист ва чин интернационалист эди. Пабло Неруданинг Умумжаҳон Тинчлик Совети томонидан «Фредерико Жолио Кюри номидаги тинчликнинг олтин медали» билан (1950), «Халқлар ўртасида тинчликни сақлаш» Халқаро Ленин мукофоти (1953) ва Нобел мукофоти (1971) билан тақдирланиши унинг маданият ва жамоат арбоби сифатида жаҳон халқлари тақдирида тутган катта ўрнини тасдиқловчи ёрқин фактдир. У поэзия билан ижтимоий фаолиятни бири бири билан жипс боғлаб уларни халқ тақдири, инсоният бахти учун хизмат эттирган ёрқин сиймо, поэзияни яшаш ва кураш қуролига айлантирган даҳодир.

Пабло Неруда тақдирида Тинч океан қирғоғида арқондек чўзилиб ётган Чили мамлакати ва унинг халқининг тақдирини кўриш мумкин: Чили табиати, унинг биқинидаги океани қандай бўронли, шиддатли, серқирра ва ранго-ранг бўлса, шоирнинг ҳаёт йўли ва асарларининг мазмуни ҳам шундай хилма-хил: Лотин Америкаси халқлари асримиз бошидан империализм билан кескин курашиб келади. Чили халқи 1932 йилда

қўзғолон қилиб, ҳукуматни ўз қўлига олади, аммо бу Чили социалистик республикаси ўн икки кунгина яшади холос. Халқ fronti платформаси 1938 йилда типчилик йўли билан ғолиб чиқди, бироқ яна реакциянинг қўли баланд келди. 1970 йилда Сальвадор Альенде бошчилигидаги Халқ бирлиги fronti ҳукумат бошига келади. Пабло Неруда Чили республикасининг Франциядаги элчиси бўлиб хизмат қилади. Чили коммунистлари 1969 йилда Пабло Нерудани мамлакат президентлигига номзод қилиб кўтаришган эди, кейинча у мамлакатдаги барча демократик кучларнинг бирлашишига ва С. Альенде номзодини ўтказиш учун имконият яратиш мақсадида ўз номзодини қайтиб олган эди. 1973 йил 11 сентябрда фашизм С. Альенде ҳукуматини афдариб, мамлакатда зулм ва террорни авж олди: дастлабки беш-олти кун ичида халқ қўлга киритган демократик тартиблар ер билан яксон қилинди, ўттиз мингдан ортиқ одам қириб ташланди, сон-саноқсиз айбсиз одамлар қамоққа олинди. Пабло Неруда бу фожиани, халқ бошига тушган чексиз ғам-ғуссани кўтаролмай 23 сентябрда вафот этди.

«Шоир — даврнинг йилномачисидир», деб уқтирган Пабло Неруданинг асарларида Чили халқи ҳаёти ва тақдиридаги мана шу улкан воқеалар, унинг курашлари, ғалабалари ва шодликлари, маглубиятлари ва ғам-ғуссаларидан тортиб дунё халқлари тақдиридаги қизгин воқеаларга муносабати ўзининг теран ва ҳаққоний ифодасини топди.

«Ғам чекиш ва кураш олиб бориш, севиш ва қўшиқ куйлаш менинг зиммамга тушди,— деб ёзганди Пабло Неруда,— Ғалаба қилиш ва маглубиятга учраш менга насиб бўлди. Мен нон ва қон таъмини татиб кўрдим. Шоирга яна нима тилаш мумкин? Ҳамма ҳолатлар барча қарама-қаршиликлар — йиғидан тортиб то бўсагача, тапқоликдан халқ билан бирлашишгача ҳаммаси менинг шеъриятимда фаол ҳаёти билан яшайди, чунки маним ўзим шеърим учун яшадим ва шеърим менга курашда суянчиқ бўлди».

Чиндан ҳам Пабло Неруда шеъриятини ҳам унинг таржimai ҳоли, ҳам Чили халқининг кураш тарихи, Лотин Америкасида жойлашган барча мамлакат халқлари тақдири ва қалбининг ифодачиси, ҳам XX аср жаҳоний воқеаларнинг солномаси дейиш мумкин. У

Ўткир, жанговар сиёсий лириканинг ўлмас намуналарини яратди ва шундай лирика учун актив кураш олиб борди. У кескин равишда «Фақат поэзия душманларигина бизнинг кундалик нонимиз бўлмиш кураш ғоясини чиқариб ташлашлари мумкин. Бизга чегара чизиб бермоқчи бўлганлар шеъриятнинг ҳамма бипосини бузмоқни истайдилар. Сиёсий мулоҳазалардан келиб чиқиб шеъриятни сиёсатдан ажратаётганлар қўшиқни, мангу қўшиқни сўндирмоқчи бўладилар» дейди. Пабло Неруда жаҳон халқлари тақдири, уларнинг аҳволи, ғам-ғуссаси, орзу-идеяли ва душмани ҳам бир хил эканлигидан келиб чиқиб жаҳон прогрессив ёзувчиларини бирлашишга ва инсоният ёвузларига қарши бир ёқадан бош чиқариб актив курашишга чорлади. Унинг 1937 йилда ёзувчиларнинг Халқаро конгресси минбаридан туриб «Бутун дунё ёзувчилари, барча мамлакатлар халқлари билан бирлашингиз!» деган шiorни ўртага ташлаш жаҳон маданияти ва жаҳон халқларининг революцион фаолияти тарихида муҳим воқеа бўлди.

Пабло Неруданинг жаҳон халқлари тақдирини бири бири билан туташ, бир-бири билан боғлиқ эканлигини ва уларнинг кураш йўли, мақсад-идеалининг ягона эканлигини чуқур ҳис этиши 1927 йиллардан бошланди. У шу вақтгача Чили халқининг оғир аҳволдан куюнган бўлса, кейин Осиё, Жанубий Америка, Европанинг кўпгина мамлакатларида дипломатик хизматда бўлган чоқларида ва саёҳат пайтларида меҳнаткашлар оммасининг фожиали тақдирини кўриб чексиз ғазабга тўлди. Шу вақтгача муҳаббат мавзудидаги шеърлари билан шуҳрат таратган шior энди «Максимиз — замин» деган икки китоби билан ўз юртидан ташқарисинда ҳам шуҳрат қозона бошлади. У Испанияда элчи бўлиб турган вақтларида (1934—37) фашизмнинг ваҳшийлигини ва испан халқининг жасоратини ўз кўзи билан кўрди. У «Қалбдаги Испания» китобида фашизмга нисбатан қаҳр-ғазабини жуда кескин ифодалади ва испан халқининг озодлик учун мардона курашини эҳтирос билан тасвирлади. «Ёр қон билан сугорилди, суякларни олов кемирди, нон ўрнига юртга кўз ёши олиб келган баскирларга лазнатлар!» деб ҳайқирган Пабло Неруда шу китоби билан озодлик ва демократиянинг жанговар жарчиси сифатида таъинланди.

Пабло Неруда «Мен шоир ва мен камбағал ўғлиман, камбағалларнинг юртимдаги, ҳар бир мамлакатдаги барча камбағалларнинг жигариман», деяр экан, буни ҳар бир асари билан тўла исботлади. Чили адабиётида янги даврни бошлаб берган Пабло Неруданинг «Умумий қўшиқ» (1950) номли катта поэмаси жаҳон поэзияси тарихида ҳам муҳим воқеа бўлди. Ун беш боб, яъни ўн беш поэмадан ташкил топган бу замонавий эпосда Пабло Неруданинг шу асарни ёзгангача бўлган барча шеъриятининг синтези ётади. Пабло Неруда ҳукумат айғоқчиларидан яшириниб юрган пайтда яратган бу йирик асарида Лотин Америкаси халқининг кураш тарихини кенг эпик планда ёритади. Лирика билан эпика жипс қўшилиб кетган бу асарда Пабло Неруданинг дунё воқеаларини фалсафий-публицистик пардада гоят теран бадиий таҳлил этиши намоён бўлган. Унда халқ қудрати, революционерлар жасорати, озодлик гояси куйланади, халқнинг порлоқ эртанги кунга бўлган умид-ишончи ифодаланади, эксплуататорлар фош этилади. Асарнинг оҳанги шу қадар бой, ранг-барангки, унда гўё инсон ва табиатдаги барча ҳолатлар, барча оҳанглар, барча кайфиятлар ўрин олгандай. Пабло Неруда инсон қалби ва табиатдаги ранго-ранг оҳангни, кайфиятни бериш учун сарбаст вазнга, жонли сўзлашув тил шаклига мурожаат этади. «Мен фақат кўтаринки нарсалар, улугвор тоғлар ва буюк қаҳрамонлар тўғрисидагина ёзолмас эдим. Ҳаёт ва бизнинг қитъа ерлари каби доим оҳангни ўзгартириб туришим керак эди. Мен ўз шеъриятимни майдалаштириб юбормоқчи эмасдим, мен унга ҳаётни жойламоқчи бўлдим», дейди шоирнинг ўзи. Шунинг учун ҳам унда патетика ҳам, лирика ҳам, шодлик ҳам, ғам-алам ҳам, қаҳр-ғазаб ва сатира, юмор ҳам мавжуд. Шоирнинг «Ўзумзорлар ва шамол», «Оддий нарсалар қасидаси» (уч томлик), «Сузишлар ва қайтишлар», «Севги ҳақида юзта сонет», «Қора орол ёдгорлиги» каби ўнлаб шеърий китобларида боқий ҳаёт, инсон умри, вақтнинг тезкорлиги, яхшиликлар ва инсонийликнинг илдизлари, дўстлик қудрати, келажакнинг муқаррарлиги ва ёмонлик сабаблари чуқур таҳлил этилди. Табиат билан инсоннинг бирлигини Пабло Нерудадайд чуқур ва эҳтирос билан куйлаган ижодкор кам. У табиат оламига тирик мавжудотдек қарайди ва инсонни унинг бир

бўлаги деб билади. Космик кенгликда фикрловчи ва оламни ўзаро алоқада идрок этувчи шоир «мен оламнинг кичик парчасиман», дейди. У планетамиз неча бор қонга чўктирилди ва унинг ярасида неча бор гуллар ўсиб чиқди, деб туриб «Болалар, яна ўлдириш ва ўлиш учун гулзорни қонга бўяш учун тайёрланинг», деб аччиқ кесатади. Пабло Неруда етминч тўрт бобдан ташкил топган «Саволлар китоби»да коинот ва планетамиздаги нарсалар, воқеа ва ҳодисалар, одамлар тўғрисида шундай кутилмаган ўткир ва доно саволларни ўртага ташладики, шоирнинг теран файласуфлиги, ўткир кузатувчилиги ва дона сиёсатчилигига қойил қолмасдан иложингиз йўқ. Шоир оддий предметлар сирини билишга болаларча ҳавас ва иштиёқ билан ёндашиб туриб («Ҳамма дарёлар суви ширип бўлса, океан тузни қаердан олади?» каби) кутилмаганда ўқувчини сиёсий воқеаларга рўпара қилиб қўяди: шоирнинг «Гитлер учун жаҳаннамдан қандай қатор ажратилган?», «Қотил газ нафас оладими?», «Ёвузни куйдирилган болаларнинг кули билан боқадими?», «Ўлдирилган аёллар қони билан воронка орқали уни суғорадими?», «Ўлганларнинг тилла тишларини унинг оғзига тикадими?», «Тиканли симда ётишга уни таклиф қиладими?», «Лампа қилиш учун терисини шилиб оладими?» каби сарказм билан тўла саволлари остида Гитлернинг ваҳшийлиги шафқатсизларча очиб ташланади.

Пабло Неруда фашизмнинг ашаддий душмани эди. Шоирнинг Гитлерга бўлган чексиз нафрати Улуғ Ватан уруши йиллари совет халқининг Сталинграддаги жасоратига бағишланган икки қасидасида ёрқин ифодаланди. Ленин ғоясидан, Улуғ Октябрь ғалабаси ва мамлакатимизда қарор топган социализмдан илҳом, мадад, куч олган Пабло Неруда ўз асарларида совет кишиларини, биринчи навбатда Ленини, коммунистик партияни ва коммунизм ғоясини меҳр билан куйлади. У «Сталинградга муҳаббат қўшиғи» (1942) ва у ердан фашист босқинчилари суриб чиқарилгандан кейин ёзган яна шу номдаги қўшиғида совет халқининг чексиз ирода ва мислсиз жасоратини улуғлади, «ҳаёт ўлимни енгди!» деб бонг урди. Пабло Неруда доҳиймиз В. И. Ленин ҳақида бир қанча шеър, қасидалар ёзди ҳамда «Комсомольская правда» газе-

тасининг «Ленин ҳақидаги фикрингиз» деган тўққиз-та саволига мазмунли жавоблар берди. Пабло Неруда «Ленинга қасида»сида «Ҳеч қачон келмаганди бу қадар дунёвий одам. Ҳар қандай зотдан узоқни кўрарди у. Халқ, инсон руҳи, тафаккурининг энг сирли пучмоғигача шуъладай кириб борарди нигоҳлари», деб ёзди. Шоир Ленинни жаҳон тақдири ва бутун инсониятнинг келажагини ҳал қилган буюк даҳо сифатида талқин қилади. Пабло Неруданинг ҳаққоний таъкидлашича, Ленин «жамики инсонлар юксалсин, халқлар бўлсин Замон ҳамда Заминга лойиқ», деб кураш олиб борди:

Икки қанот бор эди Ленинда:
ҳаракат ва донолик:
Фикр-ла яратарди у,
очарди сирларни,
ҳақиқат ва инсон юзларидан
кўтарарди ниқобни.
Ҳар ерда ҳозирди у,
бир пайтда — ҳар ерда.

(М. Қўшмоқов таржимаси)

Пабло Неруда жаҳон коммунистларини кураш ва яшашни, донолик ва мусаффоликни, ҳаётийлик ва кенг тасаввурни Лениндан ўрганишга, «Ленинни доим ўз қалбида олиб юришга» чорлайди. Пабло Неруда совет мамлакатаида жуда кўп марта бўлди, у шу ерда И. Эренбург, Н. Ҳикмат, К. Симонов, С. Кирсанов, жумладан Ғ. Ғулом билан танишди. Пабло Неруданинг вафотидан кейин нашр этилган «Денгиз ва қўнғироқлар», «Якка атир гул», «2000», «Саволлар китоби», «Сариқ юрак», «Қишки бог», «Тан оламан, мен яшадим» каби китоблари билан бирга «Элегия» тўплами ҳам нашр этилди. Шу «Элегия» асари бутунлигича совет воқеалиги ва шоирнинг Ватанимиздаги дўстларига бағишланган. XIX бобли бу китобдаги ҳар бир шеърда Пабло Неруданинг социалистик тузум ва совет кишилари, совет адабиёти ва санъатига бўлган буюк муҳаббати самимий ифодаланган.

Пабло Неруда бизнинг республикаимизда ҳам бир неча бор меҳмон бўлган. Ғафур Ғулом, Ойбек, Яшин, Зулфия, Ҳамид Ғулом каби ёзувчиларимиз билан

мулоқотда бўлган, улар билан Самарқанд, Бухорони томоша қилган. Бозорни айланишни гоят ёқтирадиган Пабло Неруда Тошкентдаги бозорга бориб хонаки бир рассом чизган оққуш расми гиламчани сотиб олиб кетади. Ҳамроҳлари бундан ҳайрон бўлади. Аслида Пабло Неруда оққушни жуда севар эди. Ёшлигида у бино қўйган Никарагуалик машҳур гуманист шоир Рубен Дарио тарафдорлари ўзлари учун гўзаллик рамзи бўлмиш оққушни герб қилиб олган эди. Пабло Неруда ёшлиги ҳақидаги хотирасида ёмон одамларнинг Буди қўлидаги оққушларни ўлдирганини кўриб ачинганини, чала ўлик бир оққушни боққанини ва охири бу оққушни ёлғизлик ғамидан ҳалок бўлганига ачиниб ёзади. Эҳтимол, Тошкентда кўрган оққуш расми ўша ёшлик йилларини эслатгандир...

Пабло Нерудани, унинг асарларини ўзбек халқи яхши билади. Ўзбек халқининг давримизнинг буюк революционер шоирига бўлган катта муҳаббати Ҳамид Ғулومнинг «Амазонка қўшиғи» поэмасида чуқур ифодаланди. Бу поэмада Пабло Неруданинг ёрқин образи Чили халқининг ҳозирги фожиаи тақдири фонида гавдалантирилади. Ҳамид Ғулум фашизмнинг ифлос қиёфасини фош қилар экан, Чили халқидаги озодликка бўлган интилиш, зулм билан курашиш туйғусининг алангаланиши ва порлоқ эртанги кунга қатъий ишончини, жаҳон халқларининг Чили ватанпарварлари билан ҳамдard, ҳамкорлигини жўшқин ифодалайди. Ҳамид Ғулум Пабло Неруданинг шеърияти шу халқ билан бирга озодлик учун курашаётганлигини таъкидлайди. Пабло Неруданинг жанговар кураш ғояси билан, меҳнаткаш инсонларга чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси билан, зулм ва адолатсизликка қарши ўтли нафрат ҳисси билан тўлиқ шеърияти, озодликка ва коммунизм ғояларига чорловчи шеърияти ҳамиша тирик ва Чили халқи қўлида, прогрессив инсоният қўлида доим ўткир кураш қуроли бўлиб хизмат этади. Пабло Неруданинг ўзи таъкидлаганидек коммунистик партия унга «абдийлик бахш этди», у билан шоир «сира ўлмайди».

1979 йил.

МУНДАРИЖА

*П. Шермуҳамедов — Фидойи — танқидчи	3
В. Н. Ленин ва адабиётимизнинг равнақи	9

Адабий жараён қирралари

Улуғ жанг йиллари адабиёти	19
Ўзбек поэзиясининг кечаги, бугунги ва эртанги кунли	30
Ҳозирги адабий жараёнга бир назар	42
Поэмада инсон ва замон	77
Болалар адабиётида замонавийлик ва маҳорат масаласи	103

Услуб жиолари

Курашчан ижод	129
Алангали йилларнинг сурурли шоири	140
Енгиш маршин куйлаган шоир	167
Ноёб талант	189
Барҳаёт сиймо	196
Замонга мос услуб	203
Табиат куйчиси	252
Уч оҳанг	266
Ҳаёт ва кураш поэзияси	279
Ҳамид Олимжон ва Зулфия	288
«Услуб ҳаёт демакдир...»	310
Улкан олим ва моҳир публицист	335
Халқ билан улғайган улкан адиб	351
Образлар силсиласидаги қалб	358
Фидойилик	370

Қудратли манба

Адабиёт ва фольклор	389
«Фольклор заминида»	400

Ижодий инъат ва унинг нжроси

Пезвстдан романга	427
-----------------------------	-----

Даҳолар зиёси

«Рус шеърининг мангу ўчмас қуёши...»	458
Улуғ танқидчи сабоқлари	469
Маяковский анъаналари	475
Курашаётган қитъанинг яловбардор шоири	480

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981 й.

На узбекском языке

Салахиддин Мамаджанов

Избранное

Литературно-критические статьи

Редактор Х. Мансурова

Рассом А. Баҳромов

Расмлар редактори А. Бобров

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор М. Абдусаломова

ИБ № 1637

Босмахонага берилди 13.01.81. Босишга рухсат этилди 02.07.81. Р.15915.
Формати 84×108¹/₃₂. Босмахона қоғози № 2. «Мактаб» гарнитураси.
Юқори босма. Шартли босма л. 25,62+0,10 вкл. Нашр. л. 24,33+0,04 вкл.
Тиражи 5000. Заказ № 1367. Баҳоси 2 с.10 т. Ғафур Ғулом номидаги Ада-
биёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари
Давлат Комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш
бирлашмаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.